

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**

А.Х. Дониёров

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

*5120300 – Тарих (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) таълим
йўналиши талабалари учун дарслик*

ТОШКЕНТ – 2020

УДК:

КБК:

А – 12

Дониёров А.Х. Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги // Дарслик. – Т.: «ТДШУ», 2020. 350 бет.

Тарих фанининг фанга айланиши учун муҳим омиллар зарур бўлади. Бу омиллардан бири тарих фанининг асосий йўналиши ҳисобланган тарихшунослиқдир. Тарихни тўғри ва ҳолис ёритиш, таҳлил этиш учун манбаларни чуқур ўрганиш лозим. Тарихшунослиқда эса муайян йўналишнинг вужудга келган даври, унга оид манбалар, машҳур тарихшунослар ва ҳоказолар ҳақида муҳим маълумотлар берилади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги фани талабалар учун муҳим ўқув курси бўлиши зарур.

Ушбу дарслик олий таълим тизимининг тарих йўналишидаги талабалар, магистрлар, илмий ходимлар ва изланувчилар ҳамда кенг китобхонларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Н. Мустафаева, тарих фанлари доктори, профессор

Такризчилар:

Б. Одилов, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А. Тоғаева, тарих фанлари номзоди

Дарслик Тошкент давлат шарқшунослик университети Кенгашининг 2020 йил 19 майдаги 5-сонли қарори билан нашрга тавсия этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил _____даги -сонли буйруғига асосан 5120300 – Тарих (Марказий Осиё мамлакатлари бўйича) таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган. (Рўйхат рақами _____)

© А.Х. Дониёров, 2020.

© Тошкент давлат шарқшунослик университети, 2020.

СЎЗ БОШИ

Мустақиллик йилларида тарихий тадқиқотлар янги методологик тамойиллар асосида ривожланиб, ушбу жараёни тарихшунослик ва манбашунослик йўналишларида олиб борилаётган тадқиқотлар мисолида ҳам кузатиш мумкин. “Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги” номи остида тайёрланган ушбу дарслик тарихшунослик фанининг ривожини йўлидаги муҳим ҳаракатлардан бири бўлиб, мутахассислик йўналишида таҳсил олаётган талабаларни соҳага оид энг янги ва долзарб муаммолар билан таништириш имконини беради.

Мазкур дарсликдан жой олган маърузаларда Марказий Осиё ҳудудида истиқомат қилувчи халқларнинг этногенези, давлатчилик муносабатларининг ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маданий ҳаёти тарихи тарихшунослиги масалаларига кенг ўрин берилган. Халқимиз тарихи Марказий Осиё халқлари тарихи билан боғлиқлиги, минтақада яшовчи халқларнинг ўхшаш анъана ва урф-одатлари ҳамда уларнинг идентиклиги масалаларига эътибор қаратилган. Қолаверса, маъруза мавзуларида ёшларни тарихга муҳаббат, аждодлар хотирасига хурмат, моддий ва маънавий меросни кўз қорачиғидай асраш ҳиссини уйғотишга етакловчи ғоялар ўрин олганлиги аҳамиятлидир. Марказий Осиё халқлари тарихининг турли даврларига бағишланган қўплаб ёзма манбалар мавжудлиги, қўлёзмалар ва уларни ўрганишга бағишланган тадқиқотларни илмий жамоатчиликка етказиш, уларни тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этишга чорловчи мулоҳазалар шулар жумласидандир.

Мазкур дарсликни тайёрлашда муаллифлик таржимасидан кенг фойдаланилган бўлиб, таржималар асосида бир қатор тарихчи олимларнинг илмий ва назарий хулосалари, асарлари ва монографияларидан ўрин олган масалалар таҳлилий равишда ишга жалб этилган. Шу билан бирга маърузалардан ўрин олган:

- Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги фани, унинг мақсади ва вазифалари. Тарихий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши;

- Марказий Осиё халқларининг қадимги давр тарихшунослиги;
- VI-XII асрларда Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги;
- Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи тарихшунослиги;
- Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги;
- Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослиги;
- XVI-XIX асрларда Туркистон халқлари тарихшунослиги;
- Россия империяси даврида Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги;
- Марказий Осиё халқларининг XX аср тарихшунослиги масалалари;
- Мустақиллик йилларида Марказий Осиёда тарих фани;

каби мавзулар илмий тадқиқотлар босқичлари унинг тарихшунослик тамойиллари ҳамда тарихий тафаккур негизида шакллантирилган.

Дарслик тарих мутахассислиги бўйича таълим олаётган бакалавр ва магистр талабаларининг “Ўзбекистон тарихи”, “Марказий Осиё халқлари тарихи”, “Марказий Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги”, “Марказий Осиё халқлари этнологияси”, “Марказий Осиё ва жаҳон цивилизацияси” ва бошқа тарих соҳасидаги фанларни ўзлаштириши, шунингдек, илмий ходим, тадқиқотчилар, мустақил изланувчилар ва кенг китобхонларга мўлжалланган.

Дарсликнинг асосий қисмини ташкил этувчи маърузалар охирида билимларни мустақамловчи саволлар ўрин олганлиги алоҳида аҳамият касб этиб, улар турли муаммолар доирасида талабаларнинг мустақил фикрлари шаклланишига хизмат қилади.

Дарсликдан фойдаланилган адабиётлар рўйхати ўрин олган бўлиб, унда сўнги йилларда нашр этилган адабиётлар етакчи ўрин тутганлиги аҳамиятлидир. Янги методологиялар асосида яратилаётган адабиётларнинг жалб этилганлиги ушбу дарсликнинг тарихшунослик соҳаси илмий қийматини юқорига кўтаришга хизмат қилади.

1-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ ФАНИ, УНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ. ТАРИХИЙ БИЛИМЛАРНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ



Ўқув мақсади: Талабаларда тарихшунослик фани ва унинг предмети ҳақида тушунча ҳосил қилиши, талабаларга тарихшуносликнинг мақсад ва вазифалари, тарихий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини тушунтириши.

Таянч сўз ва иборалар: тарих, тарихшунослик, эпик асарлар, тарихий усул, таҳлилий усул, тарихни ўрганишнинг аҳамияти.



Тарихшунослик ҳақида тушунча


Тарихшунослик тарих фанлари тизимида ўзига хос мустақил ўринга эга. Унинг ўзининг манбалари, тадқиқот усуллари мавжуд. Тарихшуносликнинг объекти тарихий жараённинг ўзи бўлмай, балки тарихий тафаккур, уни ўрганиш, тарих ҳақидаги фан ҳисобланади. Масалан, Марказий Осиёнинг илк ўрта асрлар тарихи Марказий Осиё ҳудудидаги илк ўрта асрлар тарихи, бу даврда минтақада мавжуд давлатлар, араблар истилоси, ислом динининг ёйилиши, марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши ва ҳоказоларни ўрганади. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё тарихшунослиги эса бу давр тарихи ўрта асрларда, янги даврда ва бизнинг кунларда қандай тадқиқ этилганлигини ўрганади.

Тарихшунослик ижтимоий-тарихий тафаккур тарихи ҳақидаги фан бўлиб, у ёки бу даврнинг ғояларини ўзида акс эттиради. Тарихшунослик тарих фанларидан манбашунослик билан жуда яқин алоқада бўлиб, ҳар бир давр манбаларининг кўплиги, уларга танқидий ёндашув ва фойдаланиш, тарихий тафаккурнинг, билимнинг даражаси, савиясини белгилайди.

Тарихшуносликнинг ривожланишида манбалар доирасининг кенглиги ва ўша даврдаги тарихий тадқиқот усули асосий омил ҳисобланади. Тарихий тадқиқот усулларининг такомиллашиши (масалан: танқидий ёндашув, тарихий таққослаш ва бошқалар), янги (эпиграфик, археологик, нумизматик) манбаларнинг пайдо бўлиши тарих фанининг савиясига сезиларли таъсир кўрсатди. Тарихшунослик тарихнинг манбашунослик, археология, этнография, нумизматика ва лингвистика фанлари билан чамбарчас боғлиқ.

Жаҳон тарихи тарихшунослиги инсоният цивилизацияси ва тарихий тафаккур даражаси ҳарактерига қараб бир неча бўлимларга бўлинади. Булар қадимги, ўрта асрлар (медиевистика), янги ва энг янги давр тарихи тарихшунослигидир.

Хусусан, Ўзбекистон тарихи тарихшунослигини ҳам шартли равишда даврлар, тарихий тафаккур ҳамда тадқиқот усулларидан келиб чиқиб даврларга бўлиш мумкин. Булар Ўзбекистоннинг қадимги, ўрта асрлар, Россия мустамлакачилиги, совет даври ва мустақиллик даври тарихшунослигидир.



Марказий Осиё халқлари тарихининг тарихшунослиги деганда Марказий Осиё халқларининг энг қадимги замонлардан ҳозиргача бўлган тарихига манба бўлиб хизмат қилувчи тарихий тадқиқот, яъни тарихшунослик асарларини тушунамиз.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтининг ярим асрлик фаолияти тарихшунослик соҳасини ривожланиш босқичига кўтарган муҳим йиллар бўлди. Бу эса Ўзбекистонда тарих фани ривожда тарихшуносликнинг муҳим ўрни борлигининг яққол тасдиғидир. Айнан тарихшунослик тарихни (тор маънода эмас, балки тарих фанининг тарихини ёритиш сифатида) чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш, объектив, тарихий фикрнинг ривожланиш босқичини унинг муайян босқичларида билиш, турли оқимларда таҳлилий равишда кўриб чиқиш, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, вазифаларни белгилаш ва кейинги тадқиқот йўналишларини асосли шаклда тарихчиларга тавсия қилишга хизмат қилади. Шунингдек, тарихчилар томонидан энг диққатга сазовор тарихий асарлар муаллифларининг ҳаёти, фаолияти, эришган ютуқларини акс эттирувчи, жамоат муҳитини турли босқичларда қайта тиклаш бўйича кейинги тадқиқотлар йўналишларини аниқлаш, ёш олимлар ишини енгилаштиришда, яъни муайян илмий муаммо устида адабиётлар билан танишишга имкон беради.

Тарихшунослик тадқиқотлари, маълумки, таҳлилий фикр эркинлигини, тақиқланган мавзулар ва номларнинг йўқлигини, чуқур билимларни, максимал билимларни ва адабиёт масалаларини танқидий идрок этишда ўзининг афзалликлари ва камчиликлари билан тарихий олимларнинг турли қарашлари, тушунчаларини ҳисобга олиш ва таққослаш, аниқлаб олиш қобилиятларини талаб қилади. Улар энг муҳим ва энг ҳаққоний, асосли бўлиб ўрганилаётган муаммонинг энг тўғри ёритилишининг калитини беради.

Тарих фан сифатида қачон ва қандай пайдо бўлган? Бу саволга жавоб олиш учун антик, яъни қадимги тарихшунослик манбаларига мурожаат қиламиз. Ёзувлар вужудга келгунга қадар эпик асарлар (эпос – грекча сўз бўлиб, дoston, ривоят, афсона асарларини англатади) тарихни ўрганиш учун ягона манба эди (масалан, юнон шоири Хомернинг «Илиада», «Одиссея» дostonлари, Марказий Осиё халқларининг «Алпомиш», «Манас», «Гўрўғли» дostonлари, Владимир, Муромли Иля, Добриня Никитич, Алёша Попович

каби рус баҳодирлари ҳақидаги дostonлар ёки «Игор полки жангномаси кўшиғи»).

Ёзувлар ихтиро қилингандан сўнг эса тошлар ёки бинолардаги битиклар ва йилномалар – энг қадимги ёзма тарих манбалари ҳисобланади. Ўша даврлардаги воқеаларнинг гувоҳлари ёки замондошлари ёзиб қолдирган манбалар, кейинчалик хаттотлар, шоирлар томонидан қайта-қайта кўчирилган ёки оғиздан-оғизга кўчиб бизгача этиб келган манбалар қадимий манба ҳисобланади. Чамаси, ёзуви бўлган барча халқларда битиклар ва йилномалар учрайди. Юнон олими Геродотнинг машҳур «Тарих» китоби бизгача этиб келган энг қадимги тарихий манбадир. Геродот Кичик Осиё (ҳозирги Туркия ҳудуди) соҳилидаги Галикарнас шаҳрида туғилгани учун, унга Шарқ таъсири ўтганлиги табиийдир. Ҳатто Цицерон замондошлари Геродотни «тарихнинг отаси» деб атаганлар. Аслида Геродотнинг бу асари охирига етказилмаган (милоддан аввалги 470 йилгача бўлган воқеалар билан тугалланади) ва уни ҳозирги маънода илмий-тадқиқот деб бўлмайди. Шунга қарамай, унинг китоби воқеалар ва далиллар кўлами, бадиий қиммати жиҳатидан ўзидан аввалги сафдошларидан анчагина баланд туради. Масалан, Геродот ўз китобида Каспий денгизига чегарадош бўлган ерларгача яшаган халқларни тасвирлайди. Шундан сўнг Каспий ортида ястанган воҳалар, уларда яшаган масоҳатлар (массагетлар) ҳақида ёзади. Геродот биринчи бўлиб Каспий денгизи Каспий халқлари номидан олганлигини айтади. Муаррихнинг буюк шахс эканлигини унинг қуйидаги холис фикрларидан ҳам билиш мумкин: «Мен ўзим эшитган нарсаларни ҳикоя қиляпман, аммо уларнинг ҳаммасига ишонишим шарт эмас. Майли, бу хулоса менинг янги асаримга ҳам тааллуқли бўлсин».

Милоддан аввалги V-IV асрларда яшаган Фукидиднинг Пелопеннес урушлари ҳақидаги асарлари дунёдаги биринчи илмий тарих деб эътироф этилади. Бу асар ўз даври тарихий воқеаларининг ишончли ва ҳаққоний тасвирланганлиги билан ажралиб туради. Геродот асарига нисбатан Фукидид асари олға ташланган қадам эди. Фукидид китобида ҳаёт воқеаларига Олимп

худоларининг аралашувини кўрмаймиз. Фукидид асарида тарихий таҳлилнинг асосий талаблари – воқеалар гувоҳларининг айтганларини таққослаш ва бевосита ўша воқеалар қатнашчиларининг ҳикояларидан фойдаланиш каби фазилатларни кўрамиз. Тўғри, Фукидид ҳам асотирлар, мифлардан фойдаланади ва бунда асосий эътиборни тарихий тараққиётга, иқтисодий омилларнинг таъсирига қаратади. Тарихий далилларни аниқ баён қилиш ва ҳақиқатни аниқлашга интилиш Фукидид асарининг асосий фазилатидир.

Тарихий воқеаларни ҳақиқатга яқин қилиб илмий баён этган муаррихлардан яна бири – милoddан аввалги XI асрда яшаган Полибийдир. У ўзининг «Умумжаҳон тарихи» асарида милoddан аввалги 220-146 йиллардаги воқеаларни эллинлар нуқтаи назаридан тасвирлайди. Бу Ўрта ер денгизи атрофидаги барча энг муҳим давлатларнинг тарихини ўзаро боғлиқликда тасвирлаган биринчи асардир. Муаррихнинг хулосасига кўра, ҳар бир давлат тирик вужуд каби табиат қонуниятига асосан ўсади, ривожланади ва инқирозга учрайди. Полибийда биринчи марта «прагматик тарих» деган ибора учрайди. Ўз асарининг иккинчи қисмини муаррих прагматик усулда қуради: у воқеалар нима сабабдан, қандай мақсадда юз берганлигини аниқлайди, яъни муайян воқеалар келиб чиқиш сабабларининг бирин-кетинлиги ва оқибатларини баён қилади.

Фукидид ва Полибий асарлари – антик, яъни қадимги давр тарихшунослигининг чўққисини ташкил этади. Кейинги юнон муаррихларининг деярли барчаси уларнинг изидан бордилар.

Тарихшунослик фани предмети, унинг мақсад ва вазифалари

Мустақиллик туфайли юртимизда қадим-қадим замонларда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётни атрофлича таҳлил ва татбиқ этиш имконияти вужудга келди. Бугунги кунда ўзбек халқининг кенг оммага етказишга арзийдиган ҳаққоний тарихини яратиш тарихшуносларимиз олдида турган долзарб масаладир.

Олий ўқув юртларида ўқитилаётган тарихшунослик фани Ўзбекистон тарихига доир ҳозирги давр тарихшунослиги ютуқларини кўзда тутиб, унинг вужудга келиши ва ривожланишининг асосий воситалари, даврларни аниқлаш, бу фан тараққиётининг келажаги ҳақида баҳс юритади.

Тарихий асарлар мафкурадан холи, объектив, ҳаққоний ёзилиши керак. Аммо ҳар доим ҳам бундай бўлмаган. Тарихий асарларни тарихшунослик нуқтаи назардан тадқиқ этиш тарихни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз тарихига оид жуда кўп тадқиқот ва асарлар мавжуд бўлиб, уларни ўрганиш, ёзилиш услуги, илгари сурилган муаммолари, характерли хусусиятларидан хабардор бўлиш фойдадан холи эмас. Тарихшуносликни ўрганиш орқали ёшларда тарихга муҳаббат, тарихни билиш – ўзликни билиш эканлигини англаш, моддий ва маънавий маданиятни кўз қорачиғидай асраш ҳисси уйғонади. Тарихшунослик Ватан тарихини ўрганишда, тарихий муаммолар устида баҳс юритишга, ижодкорликка илҳомлантиради. Тарих – аждодлар ўгити, тажрибаси, бир бор қилинган хатони такрорламаслик ҳақидаги сабоқ, келажак сўқмоқларини ёритувчи чироқ вазифасини ўтайди.

Тарихшуносликнинг асосий вазифаси

тарих фани ривожини чуқур ва ҳар томонлама ҳолисона англашдан, муайян тараққиёт даврида тўпланган тарихий билимларни таҳлилий тадқиқ этишдан, амалга оширилган ишларнинг натижасини чиқаришдан ҳамда шу асосда тадқиқ этилган долзарб муаммоларни аниқлаб, келгуси тадқиқотларнинг йўналишларини белгилашдан, тарихчиларни муайян тарихий илмий муаммо доирасидаги адабиётларга йўналтиришдан иборат.

Тарихшунослик ўтмишда кечган ва бугунги кунда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг одамлар онгида қандай акс этишини, тарихий адабиётлар орқали ижтимоий-тарихий ривожланиш жараёнини, шунингдек

жамият тарихий ривожининг турли босқичларида тарихий билимларнинг ўсиб бориши жараёнини кузатиш имконини беради. Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши билан боғлиқликда ифодалайди, ижтимоий-сиёсий, мафкуравий муҳитнинг тарих фанига таъсирини, у ёки бу йўналишдаги ривожланиш ва таназзулга юз тутиш сабабларини аниқлайди. Тарихшунослик, шунингдек, фан тараққиётида ўз ўрнига эга бўлган илмий тадқиқот марказлари тарихини, унда фаолият кўрсатган илмий кадрларнинг салоҳияти, уларнинг фан ривожига қўшган ҳиссаларини ўрганиш каби вазифаларни ҳам бажаради.

Тарихшунослик тадқиқотларининг бир қанча **таҳлил усуллари** мавжуд:

- **қиёсий тарихий усул** – турли тарихий даврларда тарихий маълумотлар қандай пайдо бўлди, ҳаракатланди, ўзгарди ва ривожланди, жамият тараққиётида тарихий фикрларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнини аниқлашда қўлланилади;
- **аниқ таҳлилий усул** – олиб борилган тарихшунослик тадқиқоти воқеа-ҳодисалар тафсилотини келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш жараёнини назарий ва фактик материалларнинг ўзаро алоқасида таҳлил қилади, уларнинг фанда қандай ёритилганлигини ўрганади;
- **мантиқий таҳлилий усул** – тарихшуносликда катта имкониятларга эга бўлиб, тарихий муаммонинг ўзига хос хусусиятлари, тузилиши, бошқа тарихий ҳодисалар билан боғлиқлигини ўрганишда қўлланилади. Бошқача айтганда, маълум босқич ёки даврда тарих фанининг ривожини жамият тараққиётининг асосий йўналиши билан боғлиқликда ифодалайди;
- **хронологик усул** – воқеа-ҳодисалар ҳақида турли босқич ёки даврда тўпланган тарихий фактларни ўзаро боғлиқликда ўрганишда қўлланилади. Бу эса турли замонда илмий фикрларнинг ҳаракатини, муаммога ёндашувда концепциялар, қарашлар, ғояларнинг ўзгариб боришининг такрорий ёки хилма-хил жиҳатларини хронологик тартибда очиб беради;

Тарихшунослик тадқиқотларида тадқиқотчининг вазифаси ўзидан аввалги босқичларда яратилган илмий асарларни замонавий билимлар нуқтаи назаридан ўрганиш, уларнинг ижобий ва салбий жиҳатларини таҳлил қилишдан иборат.

Тарих фан сифатида қачон ва қандай пайдо бўлган? Бу саволга жавоб олиш учун антик, яъни қадимги тарихшунослик манбаларига мурожаат қиламиз.

Тарихшунослик тарих фанига нисбатан янги фан ҳисобланади. Ўрта асрларда яратилган баъзи тарихий асарларда, жумладан, Абу Райҳон Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" ва «Ҳиндистон», Абу Бакр Наршахийнинг "Тарихи Бухоро", Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарнома», Бобурнинг «Бобурнома», Муҳаммад Юсуфбек Баёнийнинг "Тарихи Хоразм", "Шажараи Хоразмшоҳий", Аҳмад Донишнинг "Бухоро амирларининг таржимаи ҳоллари" ва бошқаларда муайян маълумотларни умумлаштиришга, факт ва тарихий жараёнлар баёнида таҳлилий ёндашувга бўлган ҳаракатлар кузатилади.

Ўзбекистонда тарихшунослик тарих фанининг махсус соҳаси ва алоҳида тадқиқот предмети сифатида XX асрнинг иккинчи ярмида шаклланди.

Айнан шу атмосферада, ўтган аср 40-йилларнинг гуманитар фанлар учун ноқулай бўлган (Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институти ташкил этилган вақт), олимлар тарихшуносликнинг тарих фанини ривожлантириш ва такомиллаштиришда тутган ўрни ва аҳамиятини англаган ҳолда ҳаракат қилишлари керак эди ва тарихшунослик барча илмий-тадқиқот ишларнинг органик таркибий қисмга айланиши учун барча ишлар қилинди. Институт ўз фаолиятини бошлаганидан кўп ўтмай, унда тарихшунослик соҳасига қизиқишлари бор бир гуруҳ тарихчилар аниқланди. Жумладан, бу даврда В.Я.Непомниннинг «Основные проблемы исторической науки в Узбекистане» (1947), «О некоторых вопросах истории Узбекистана в

дореволюционный период» (1953) каби асарлари, Р.Н.Набиевнинг «О некоторых итогах развития исторической науки в Узбекистане» (1949) мақоласи, И.К.Додоновнинг қаламига мансуб «Об изучении истории народов Средней Азии и Казахстана в советский период. Заметки историка» (1951) мақоласи нашр этилган.

Л.М.Ланда ҳам тарихшунослик соҳасида самарали ишлаган. Унинг илмий кизиқишлари доираси умумий мавзулар (Октябрь инқилобининг тарихшунослиги, фуқаролар уруши, босмачилар ҳаракати ва бошқалар) билан бир қаторда, шунингдек, Ўзбекистонда тарихий институтларнинг шаклланиши ва ривожланишини ўз ичига олган. Ушбу муаллифнинг қаламига мансуб бир қатор асарлар: «Некоторые вопросы историографической работы в Узбекистане» (1964), «Некоторые вопросы историографии профсоюзного движения в Узбекистане. Начало 1920 – середина 1940 гг.» (1964), «Советская историография национально-государственного размежевания Средней Азии» (1964), «Советская историография Хорезмской революции 1920 года» (1972) ва бошқалар чоп қилинган.

Айни пайтда институт ходими Б.В.Луниининг тарихшуносликка бағишлаган қатор китоблари – «Из истории русского востоковедения и археологии (Туркестанский кружок любителей археологии). 1895 – 1917 гг.» (1958), «Научные общества Туркестана и их прогрессивная деятельность. Конец XIX – начало XX вв.» (1962), «Средняя Азия в дореволюционном и советском востоковедении» (1965) ва бошқа асарлари нашрдан чиққан. Шунингдек, Я.Г.Фуломов, Р.Н.Набиев, В.Я.Непомнин каби олимлар «Очерки истории исторической науки в СССР» (М., 1955, 1958) асарининг I ва II жилдларидаги Ўзбекистонга бағишланган бўлимларнинг муаллифлари эдилар.

Х.Ш.Иноятов ҳам бу даврда бир қатор тарихий асарларни нашр этди. «Изучение истории Октябрьской революции в республиках Средней Азии» (1962), «Советская историография Октябрьской революции в Средней Азии»

(1966), «Изучение истории гражданской войны в Средней Азии» (1972), «Историография в Узбекистане» (1973), «Краткая историография гражданской войны в Средней Азии» (1974) ва бошқалар мазкур олимнинг каламига мансубдир.

Ўз даврида илмий ва кенг жамоатчилик томонидан институт ходимлари яратган тарихшунослик йўналишидаги асарлар маъқулланди ва уларга кенг эътибор қаратилди. 1968 йилда Республика фанлар академияси Президиумининг қарори ва Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги И.М.Мўминовнинг тавсияси билан Тарих институтининг тарихшунослик сектори (кейинчалик бўлими) шакллантирилди. Мазкур бўлимни ташкил этилган пайтидан 1988 йилгача тарих фанлари доктори Б.В.Лунин, 1988-1992 йиллар оралиғида тарих фанлари номзоди В.А.Германов бошқардилар. 1992 йилдан ҳозирги пайтгача бўлимга тарих фанлари доктори, профессор Д.А.Алимова раҳбарлик қилмоқда.

Тарихшунослик бўлимининг доимий ходимлар билан ташкил этилиши тарихшуносликнинг институтнинг асосий илмий йўналишларидан бири сифатида доимий равишда ривожланишига туртки бўлди. Бўлим ходимлари томонидан тарихшунослик ишлари орасида умумий характерга эга бўлган қатор муҳим асарлар яратилди. Жумладан, М.А.Охунова ва Б.В.Луниннинг ҳаммуаллифликдаги «История исторической науки в Узбекистане. Краткий очерк» (1970), П.Х.Аминова, М.А.Охунова, Б.В.Луниннинг биргаликдаги «Историческая наука в Узбекистане от XXIV к XXVII съезду КПСС. Историографический очерк» (1987) монографиялари юзага келди.

Шунингдек, 1974 йилда нашр этилган «Наука в Узбекистане» асарининг иккинчи жилдидан Р.Х.Аминова, М.А.Охунова ва Б.В.Лунин, А.А.Асқаров, С.Мирхасилова каби муаллифларнинг тарих, археология, этнография фанларига бағишланган қисмлари ўрин олган. Бу даврда Б.В.Лунин таниқли шарқшунослар Н.И.Веселовский (1979) ва В.В.Бартольд (1981) ҳаёти ва ижодига бағишланган монографиялар, шунингдек,

«Историография общественных наук в Узбекистане» (1974), икки жилдли «Биобиблиографические очерки о деятелях общественных наук в Узбекистане» (1976-1977) асарларини эълон қилди. Олим «История Узбекистана в источниках» (1984, 1988, 1990 й.) сингари ва бошқа тўпламларни тузди.

Д.А.Алимова 1917 йилдан то ҳозирги кунгача Ўзбекистонда аёллар муаммоси, гендер масаласи тарихшунослигини ўрганиш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Олиманинг ушбу мавзудаги бир қатор мақола ва очерклари қаторига «К историографии решения женского вопроса в Узбекистане» (1977), «Литература об участии женщин Узбекистана в общественном производстве» (1984), «Ўзбекистон хотин-қизлар ҳаёти адабиётларда» (1984), «Литература и печать в решении женского вопроса в Узбекистане» (1987), «Худжум в литературе 20 – 30-х годов и задачи обществоведов в освещении женского вопроса в Узбекистане» (1988), «Коллективизация и женский вопрос в республиках Средней Азии (по материалам публикаций 30-х годов)» (1989), «Женский вопрос в советской историографии Средней Азии 20-х годов» (1989), «Изучение женского вопроса в Узбекистане: итоги и дальнейшие задачи» (1989), «Современное состояние женского вопроса в Узбекистане и задачи обществоведов» (1990) сингари кўплаб илмий ишлари қирати. Унинг узок муддатли илмий изланишлари натижасида «Решение женского вопроса в Узбекистане (1917-1941 гг.): краткий историографический очерк» (1987) ва «Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и современные проблемы» (1991) каби тадқиқотлари яратилди.

Бўлимда фаолият олиб борган яна бир олим – В.А.Германов Ўзбекистондаги ёшлар ҳаракатининг тарихшунослиги, тарих фанининг илмий ва ташкилий шаклланиши ҳамда ривожланиши жараёнини ўрганди. Унинг «Значение исторического опыта работы комиссии Истмола на современном этапе» (1987), «О некоторых спорных моментах в историографии комсомола Узбекистана» (1989), «Послание Горького

молодежи Средней Азии и изучение истории комсомола» (1986), «Забыт ли профессор Галузо?» (1990), «Дело профессора Яроцкого» (1991), «К вопросу о постановке военно-исторической работы в Туркестанской АССР» (1991), «Трагедия узбекского историка Пулата Салиева» (1993) каби асарлари шулар жумласидандир.

1920-1930 йилларда Ўзбекистонда аграр ўзгаришлар тарихшунослиги институт илмий ходими Л.С.Иванованинг «К вопросу об историографии аграрной политики Советской власти в Туркестане. 1917 – 1920 гг.» (1965), «Из ранней историографии земельно-водной реформы 1925 – 1927 годов в Узбекистане» (1970), «Историко-аграрная литература Средней Азии 20-х годов в оценке современной историографии» (1984), «Начальный этап решения аграрного вопроса в Туркестанской АССР и его оценка в периодике 1918 – 1920 годов» (1985) каби асарларида акс этган.

1989 йилда Тарих институтининг тарихшунослик бўлимида Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари тарихшунослари иштирокида биринчи минтақалараро “Тарихшунослик ўқишлари” («Историографические чтения») бўлиб ўтди ва унда тарихшуносликнинг ҳолати ва вазифалари тўғрисида маърузалар ва маълумотлар тингланди. Иштирокчиларининг бир қатор чиқишлари тарихшунослик тадқиқотларнинг индивидуал муаммолари ва саволларига бағишланди. Форум иштирокчилари орасида илмий муассасалар ходимларидан ташқари олий ўқув юртлари, архивлар, музейлар вакиллари ҳам бор эди. Анжуман иштирокчилари Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда ижобий тенденциялар билан бир қаторда, тарихий тадқиқот мавзусида кўплаб бўшлиқлар мавжудлигини, шунингдек, уларнинг баъзилари юзаки, кўриб чиқилганлиги ва мувофиқлаштирилмаганлигини очиқ-ойдин қайд этиб ўтдилар. Ушбу анжуманда илк бор олиб борилаётган илмий изланишларга дадил танқидий баҳо берилди, шунингдек, тарих муаммоларини ёритишда янги ёндашувларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурати пайдо бўлганлиги таъкидланди.

Шундан сўнг институтда тарихшунослик, манбашунослик ва археография бўлими, тарихий библиография соҳасида салмоқли ишлар қилинди. Б.В.Лунин муҳаррирлигида А.Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси ва ЎзР ФА Асосий кутубхонаси томонидан «История Узбекистана: указатели советской литературы. 1917-1984 гг.» ҳамда Тошкент тарихига оид адабиётлар кўргазмаси рўйхати тузилди. А.Навоий номидаги Ўзбекистон давлат кутубхонаси, Самарқанд университети тарихига оид ва бошқалар китоблар ҳам нашр этилди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг этногенези ва этник тарихи бўйича инқилобдан олдинги ва совет адабиётининг асосий кўрсаткичи нашрга тайёрланди.

1993 йилда бўлим ходимлари «Очерки истории исторической науки в Узбекистане. Первая треть XX века» асари бўйича ишларни якунладилар. «Очерклар» кенг қамровли муаммолар ва масалаларни қамраб олади. Хусусан, «XX асрнинг учдан биринчи қисмида Ўзбекистондаги тарихшунослик жараёнлари», «Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тарихи бўйича тадқиқотларнинг асосий йўналишлари», «Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий тарихи муаммоларининг ривожланиши», «Ўзбекистон маданияти муаммоларини ўрганиш тарихи», «Ўзбекистонда тарихий шарқшунослик тадқиқотларнинг ҳолати ва ривожланиши», «Ўзбекистон олимлари асарларида этнография», «XX асрнинг учдан биринчи қисмида Ўзбекистоннинг археологик алоқаларини ўрганиш» ва бошқа қимсларда муҳим жараёнлар ўз аксини топди. Мазкур монография 1994 йилда икки жилдда нашр этилган.

Бу даврда Б.В.Лунин «Тимур и Улугбек: личность, история, эпоха» китоби учун муаммонинг тарихшунослик қисмини тайёрлади.

Таъкидлаш жоизки, республикада тарихий мавзуларда ҳимоя қилинган диссертациялар сонининг кўпайиши тарихшунослик ишини жонлантириш ҳамда ривожлантиришнинг ёрқин ва ишончли намуналаридан биридир. (1993 йилга оид маълумотларига кўра, бу борада олтита докторлик ва 20 дан ортиқ номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинган).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 50 йиллиги (1993 йил) муносабати билан “Ўзбекистон мустақилликка эришган давр тарихшунослиги” мавзусида иккинчи минтақавий “Тарихшунослик ўқишлари” («Историографические чтения») бўлиб ўтди. Анжуманнинг асосий мақсади тарихшунослик соҳасини тадқиқ қилишнинг энг муҳим муаммолари ва вазифаларини жамоа бўлиб муҳокама қилишдан иборат эди. Ушбу тадбирнинг яна бир долзарблиги шунда эдики, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги эълон қилинганлиги нафақат Ўзбекистон халқлари, балки Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари, шунингдек яқин ва узоқ давлатлар кенг жамоатчилиги орасида унинг тарихий ўтмишига бўлган қизиқишини кучайтирган эди.

XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида Ўзбекистонда тарих фани ва унинг баъзи соҳалари ривожини динамикасини ёритувчи асарлар М.А.Охунова ва Б.В.Лунин¹, Д.А.Алимова ва Л.С.Иванова², Б.В.Лунин³, Т.С.Саидқулов⁴, А.Х.Дониёров⁵лар томонидан яратилди. Фан арбобларининг фаолияти шарқшунос олим Б.В.Луниннинг “Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана” асарида⁶, мустамлака тоталитар тузум шароитида Ўзбекистон тарих фани соҳасида хизмат қилган тарихчиларнинг ҳаёти ва фаолияти Д.А.Алимова, Д.Рашидоваларнинг “Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури” асарида⁷, сиёсий қатағон қурбонлари бўлган олимлар тақдири В.Германовнинг “Историки Туркестана в условиях политического террора 20-30 х годов”, “Профессор Пулат Салиев и его время” асарларида⁸ акс эттирилди. Хотин-қизлар муаммоси тарихшунослиги Д.А.Алимованинг “Женский вопрос в Средней Азии: история изучения и

¹ Ахунова М.А., Лунин Б.В., История исторической науки в Узбекистане, Т., 1970; XX асрнинг дастлабки ўттиз йиллиги Ўзбекистонда тарих фани (тарихшунослик очерклари), 1 – 2 қисм, Т., 1994.

² Алимова Д.А., Иванова Л.С., 50 лет изучения истории Узбекистана в годы войны 1941-1945 гг. современные задачи и перспективы ее историографии, Т., 1995.

³ Лунин Б.В. Историография общественных наук в Узбекистане, Т., 1974.

⁴ Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар, Т., 1992.

⁵ Дониёров А.Х. Мустақил Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг айрим масалалари, Т., 2003.

⁶ Лунин Б.В., Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана, т. 1, Т., 1976; т. 2, Т., 1977.

⁷ Алимова Д.А., Рашидова Д. Махмудхўжа Бехбудий ва унинг тарихий тафаккури, Т., 1999.

⁸ Германов В.А. Историки Туркестана в условиях политического террора 20 – 30х годов, Т., 2000., Германов В.А., Профессор Пулат Салиев и его время, Т., 2002.

современные проблемы (20-80 гг)” номли асарида акс этган бўлса, миллий озодлик ҳаракатлари, уларнинг хорижда ўрганилиши Д.Х.Зиёеванинг “Туркистонда миллий озодлик ҳаракати” номли изланишларида¹ ўз ифодасини топди.

Кўриб ўтиладиган йилларда тарих фанининг кўплаб муаммолари нашр этилган илмий мақолаларда ўзининг тарихшунослик таҳлилини топди. Тарихшунослик бўлими ходимлари томонидан ўтказиш анъанага айланган “Тарихшунослик ўқишлари” анжумани Ўзбекистонда тарих фани соҳасида амалга ошириладиган ишларни сарҳисоб қилиб боради. Шунинг алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, бу даврда Ўзбекистонда тарихшунослик фани илмий мактабларига Б.В.Лунин, Г.И.Желтова, Ф.Ҳ.Қосимов, Р.Ражапова, Д.А.Алимова каби олимлар томонидан асос солинди.

Тарихшунослик тадқиқотлари мустақиллик йилларида анча кенгайиб, дастлабки даврларда 5 та дарслик яратилди, 20 дан ортиқ номзодлик ишлари ҳимоя қилинди. Бундан ташқари, дунёнинг турли мамлакатлари (АҚШ, Корея, Туркия, Россия, Буюк Британия, Германия)даги хорижий тадқиқотчилар Ўзбекистон тарихшунослари билан яқин илмий-амалий алоқалар ўрнатиб, Ўзбекистон тарихшунослигининг муҳим муаммоларини ўрганишда давом этмоқдалар.

Тарихшуносликни ўрганиш орқали ёшларда тарихга муҳаббат, тарихни билиш – ўзликни билиш эканлигини англаш, моддий ва маънавий маданиятни кўз қорачиғидай асраш ҳисси уйғонади. Тарихшунослик Ватан тарихини ўрганишда, тарихий муаммолар устида баҳс юритишга, ижодкорликка илҳомлантиради. Тарих – аждодлар ўгити, тажрибаси, бир қилинган хатони такрорламаслик ҳақидаги сабоқ, келажак сўқмоқларини ёритувчи чироқ вазифасини ўтайди.

Шундай қилиб, тарихшунослик ва манбашунослик тарих фанининг муҳим йўналишларидан бири, унинг назарий асоси ҳисобланади. Биз VIII

¹ Зиёева Д.Х. Туркистонда миллий озодлик ҳаракати Т., 2000.

асрдан XX асрнинг бошларига қадар бўлган Марказий Осиё тарихшунослигига доир нодир қўлёзма асарларга эгамиз.

Бугунги кунда тарихни ўрганишда тарихшунослик ўзининг услубий ва техник доирасидан чиққан. Муаммонинг тарихшунослигини билиш тарихчи-тадқиқотчининг методологиясини аниқлаб берса, муаммога оид манбалардан хабардорлик унинг адабиётларни қиёсий солиштирган ҳолда ҳолис (объектив) хулосалар чиқаришига имкон беради.

Ўтган йиллар мобайнида тадқиқотларнинг методологик базаси ҳам янгиланди, тарих фани билан археология, этнология, санъатшунослик, социология каби ёндош фанлар ўртасида ўзаро методологик тажриба алмашинуви юз берди.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тарихшуносликнинг ўрганиш объекти нима?
 2. Дастлабки тарихий билимлар ҳақида нима биласиз?
 3. Геродотнинг тарихни баён қилиш усули ҳақида гапириб беринг.
 4. Полибийнинг тарихшуносликка қўшган ҳиссаси қандай?
 5. Тарихшунослик ҳақида маълумот беринг.
 6. Тарихшуносликнинг предмети нима?
 7. Тарихшунослик фанининг мақсад ва вазифаси нималардан иборат?
-
-

2-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВР ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: «Авесто» ҳақидаги илмий тадқиқотлар, олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот бериш. Аҳамонийлар, юнон-македон босқини ва уларга қарши кураш тарихи ҳақида маълумот берувчи Эрон ва юнон манбалари ҳақида тушунча бериш ва бу даврдаги адабиётларини шарҳлаш. Марказий Осиёнинг қадимги давлатлари ҳақида тушунча бериш, қадимги давлатлар ҳақидаги манбалар ва тарихшунослик тадқиқотлари моҳиятини очиб бериш, Қанг давлати тарихшунослигини тушунтириш.

Таянч сўз ва иборалар: Зардуштийлик, Авесто, Беҳистун ёзувлари, Арриан, Қанг давлати, “Беҳистун битиклари”, “Махабхарата”, Геродотнинг “Тарих” асари, Диодорнинг “Тарихий кутубхона” асари, Страбоннинг “География” асари, Арриан Флавийнинг “Искандарнинг юришлари” асари, Квинт Курций Руфнинг “Буюк Искандар тарихи” асари, Помпей Трогнинг “Филипп тарихи” асари, Полибийнинг “Умумий тарих” асари, Птоломей Клавдийнинг “География” асари, Юстиннинг «Помпей Трог епитоми» асари, хитой йилномалари, Сўзд тилида битилган ёдгорликлар, “Хвадай намак”, Ал-Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” ва “Китоб сурат ул-арз” асарлари, “Худуд ул-олам”, Шарқий Туркистон ва Тибет халқининг қадимги давр тарихи тарихшунослиги.



Авесто – дастлабки ёзма тарихий асар

Зардуштийлик – инсоният маданиятига катта таъсир кўрсатган дунёдаги энг қадимги динлардан биридир. Айни вақтда, зардуштийлик дини энг мураккаб, тушуниш қийин бўлган динлардан ҳисобланади. Бундан 2700 йил муқаддам Осиё даштларида вужудга келган ушбу дин Эрондаги уч кудратли (Каёнийлар, Аҳамонийлар, Сосонийлар) давлатларда узоқ асрлар

хукм сурган дин бўлиши билан бирга, у жуда кўп шарқ мамлакатларида, хусусан Марказий Осиёда ҳам тарқалган эди. Европада Зардуштийлик таълимоти антик давр – қадимги замонлардаёқ катта қизиқиш уйғотган, Зардушт ва унинг таълимоти ҳақида кўпчилик юнон ва римлик ёзувчилар, файласуфлар ва тарихчилар илмий асарлар ёзганлар. Сосонийлар сулоласи даврида III-VII асрларда зардуштийликнинг муқаддас китоби – "Авесто" матнлари ўрта форсий тилга кўчирила бошлаган вақтлардаёқ мазкур дин тарихшунослиги туғила бошлаган эди.

Айтиш мумкинки, милoddан аввалги I асрда яратилган "Шаҳриҳойи Эрон", "Динкард", "Бундахишн", "Ардавирафнома" каби паҳлавий тилида битилган китоблар, шарҳлар авестошуносликнинг муқаддимасидир.

Авестошуносликнинг кейинги тадрижий тараққиёти ислом даврига тўғри келади. Хусусан, улуғ ватандошимиз Абу Райҳон Беруний ўзининг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" китобида "Авесто" ҳақида қимматли маълумотлар келтиради. Беруний даврида (973-1048) "Авесто"ни билганлар, шубҳасиз ҳозиргига нисбатан анча кўп бўлган ва улуғ аллома Ҳиндистонга сафари, Хоразм Маъмун академиясидаги фаолияти давомида "Авесто" тилини ўрганган. Бундан ташқари, Беруний даврида хоразмий тили тамоман ўлик тилга айланмаган эди. Баъзи тадқиқотчилар, хусусан, профессор Жалил Дўстхоҳ Берунийнинг баъзи фикрларига асосланиб, у "Авесто"нинг бизга номаълум қисмлари ёки ўша қисмлар мазмуни билан таниш бўлган бўлса керак, деган фикрни билдиради.

"Авесто" ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган асарлардан бири Маъсудий (вафоти 995) қаламига мансуб "Муруж аз-зиҳаб" ("Олтин водий")дир. Маъсудийнинг ёзишича, Искандар Зулқарнайн Истахр шаҳрини ўз тасарруфига киритгач, "Авесто" китобидаги тиббиёт, фалсафа, риёзиёт ва нужум илмига доир матнларни юнон тилига таржима қилиб, ўзини ёқиб юборишни буюрган.

Эрон, Афғонистон ва Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда "Авесто" муҳим манбадир. Чунки "Авесто" фақат зардуштийлик динининг

урф-одатлари, эътиқоди жамланган муқаддас китоб бўлибгина қолмай, унда Ўрта Осиё ва Эроннинг қадимги тарихи, маданияти ва сиёсий тузуми ҳам акс эттирилган. Ер юзидаги энг қадимги динлар, жумладан, зардуштийлик ҳақида илмий-тадқиқотлар вужудга келган.

Америкалик олим **Р.Фрай**, француз олими **Э.Бенвенист**, бельгиялик олим **Ж. Дюшен-Гюйимен**, швед олимлари **Х.Ю.Нюберг**, **Г.Виденгран**, даниялик **К.Барр**, немис олими **Б.Хинс** ва совет олимлари **И.Алиев**, **В.И.Абаева**, **М.А.Дандамаев**, **И.М.Дьяконов**, **В.А.Лившиц**, **Б.Ғафуров** ва бошқаларнинг асарларини кўрсатиш мумкин.

Европада “Авесто” ва Зардушт ҳақида нашр қилинган биринчи асар Барнаб Брисоннинг 1590 йили Парижда босилиб чиққан китоби эди. Оксфорд университети профессори Томас Хайд қадимги Эрон адабиёти тарихини тадқиқ етиш жараёнида Авестони ўрганган. Томас Хайд зардуштийлик дини тўғрисидаги эроний, юноний, румий ва араб манбаларини ўрганиб, 1700 йили латин тилида “Қадимий форслар, портлар (парфияликлар) ва модликлар дини тарихи” номли асар чоп қилинади. Томас Хайд бу китобида зардуштийлик (маздапарастлик)ни монотеистик, яъни яккахудолилик дини сифатида талқин қилиш юнонлар ўзларининг политеистик нуқтаи назаридан қараганлари боис юзага келганлигини исботлайди. XVIII аср Европа авестошунослигининг шаклланиши ва тараққиёти босқичи бўлди.

Анкетил Дюперрон фаолияти Европа авестошунослигини янги босқичга кўтарди. У Бодлеан кутубхонасидаги “Авесто” қўлёзмаларини ўқиш мақсадида ҳеч кимдан йўлланма ва маблағ олмасдан Ҳиндистон сафарига отланади. Кўп азобларни бошдан кечириб, Пондишери шаҳрига етиб боради. Дюперрон Ҳиндистонда олти йил яшаган. Дороби Порсий исмли муаллимдан “Авесто” тилини ўрганади. Шу давр мобайнида 180 та ноёб нусхаларни қўлга киритади. Сўнг Парижга келиб, бутун вақтини “Авесто”ни ўрганиш, изоҳ ва шарҳлар ёзишга сарфлайди. Уч жилддан иборат Парижда эълон қилинган (1771) “Зенд-Авесто” унинг кўп йиллик (1754-1771) меҳнатлари самараси эди. Натижада Ғарбий Европада “Авесто”га қизиқиш янада кучаяди,

“Авестошунослик” пайдо бўлади. Гарчи Дюперрон тадқиқоти ва таржимаси атрофида кўп мунозаралар-у баҳслар бўлса-да, охир-оқибатда уни авестошуносликнинг кашшофи сифатида тан оладилар.

Ана шу таржимадан кейин Ғарб шарқшунослари “Авесто”ни ўрганишга жиддий кирадилар. Бирин-кетин немис, инглиз ҳамда француз тилларида ушбу ёдгорлик хусусида диний, фалсафий, тарихий моҳиятидаги китоблар чоп этила бошланди. Улар орасида И.Меймерснинг “Зардуштнинг ҳаёт йўли, низоми, даъватлари ҳамда асарлари” (1778-1784) китоби алоҳида моҳиятга эга. Зероки, китобда муаллиф зардуштийликнинг туб моҳияти, унинг брахманлик билан умумий жиҳатларини тўғри аниқлаган, ишонарли далиллар асосида тушунтириб берган. Ҳатто муаллиф ислом дини билан зардуштийлик орасида умумий жиҳатлар ҳам мавжудлигига олимлар диққатини жалб этган. Эндиликда деярли барча авестошунослар Дюперрон меҳнатини эътироф этиб, унинг матнига суянадиган бўлдилар. Жумладан, Сильвестр Де Саси, Тихсен, Уильям Жоне ва бошқалар Зардуштни инсоният бешигидаги биринчи шоир, воиз ва философ сифатида баҳолайдилар ва уни илм оламига таништиришда Дюперроннинг хизмати катта эканлигини махсус қайд этадилар. Масалан, Сильвестр Де Саси Сосонийлар даври қоя катибалари тилини ўрганиб, “Авесто”нинг паҳлавий тилидаги шарҳлари билан танишгач, Дюперрон меҳнатига юқори баҳо беради.

Немис олими И.Клаукер Дюперроннинг “Зенд Авесто” китобини немис тилига таржима қилиб, 1775-1777 йилларда Рига шаҳрида нашр эттиради. Кўп ўтмай Европа илмий жамоатчилигида “Авесто”га қизиқиши кескин ортади, ҳар томонлама илмий тадқиқотлар изчил давом эттирилади.

XIX асрнинг бошларига келиб ана шу таржима асосида қадимги Бақтрия, Мидия ва форслар дини тарихи, “Авесто” тилига доир бир неча илмий тадқиқотлар вужудга келади. 1820 йилда нашр этилган И.Роденинг “Бақтрияликлар, мидияликлар ва форслар ёки зенд халқлари” номли китобида “Авесто”нинг бир қисми ҳисобланган Ведавдот ҳақида қисқа маълумотлар учрайди. А.Лелековнинг фикрича, бу асар унчалик илмий

қийматга эга бўлмаса-да, аммо ўз даври учун муҳим асар эди. Аммо бу китобда, бир томондан, зардуштийлик динининг катта минтақани қамраб олгани, ҳақиқатдан ҳам яккахудоликка асосланган эътиқод эканлиги кенг таҳлил этилса, иккинчи томондан, ёдгорлик тилининг грамматик хусусиятлари илк бор илмий жиҳатдан хийла пухта текширилади. Кейинчалик тилшунослардан Бопп, Жолли, Гарда, Жакиналарнинг турли ҳажмдаги китоблари нашр этиладики, уларда “Авесто” тилининг фонетик, лексик ва морфологик жиҳатлари у ёки бу даражада ўрганилган.

XIX асрда “Авесто” Ғарб философларининг диққатини ўзига жалб этади. Г.Риттер ўзининг 12 томлик “Философия тарихи” китобида, Кечель ўзининг қатор мақола ва нутқларида “Авесто”даги диний қатор мақола ва нутқларида “Авесто”даги диний ва фалсафий ақидаларини кенг шарҳлаган, улар мазмун, мундарижа жиҳатидан қадимги юнон мифологиясидаги қарашлардан бирмунча бойлигини алоҳида таъкидлашган. “Бу, – дейди Гегель, – чинакам зиё ва яхшилик динидир. Унда зиё зулматга, яхшилик зулмга қарама-қарши қўйилади”. Гегель зардуштийлик динининг фаол, яратувчи, курашчан, элни фаровон, юртни обод қилувчи диндорнинг тарафдори эканлигини алоҳида уқтиради ва Зардуштни бу соҳада “реформатор” деб атайди.

Авестошунослик тарихида француз тилшунос олими А.Бюрнуфнинг “Яснага шарҳ”лар китоби янги бир босқич бўлади. У Дюперрон ишини давом эттириб, “Авесто” тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини хийла пухта ўрганади ва Беҳистун ва Персеполь битикларида ёзилган тил билан ҳамда қадимги ҳинд Ведалари билан қиёсий типологик таҳлил қилади. Натижада бу олим ёдгорлик лексик қатламини аниқлашда янги бир босқични бошлаб беради. С.Вендешман ўзининг машҳур “Зардуштийлик тажрибалари” номли тадқиқотида Митра ва Ардвиссура Анаҳита ҳақидаги мифларни ҳинд эпоси билан солиштирар экан, Бюрнуфнинг қиёсий-типологик усули нақадар илмий асосланганлигини яна бир бор таъкидлаган. Шундай қилиб, Ғарбий Европа шарқшунослигида “Авесто”нинг моҳияти хусусидаги фикрларда икки

йўналиш пайдо бўлади: айрим олимлар “Авесто” билан “Веда”ларнинг илдизи бир, улардаги мифларнинг ўхшашлиги шундай хулоса чиқариш ҳуқуқини беради, дейишса, иккинчи гуруҳ олимлари бунга қарши фикр билдириб, ҳар икки ёдгорлик бўлак-бўлак заминда вужудга келган, уларнинг моҳиятида жиддий тафовут бор, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун улар “Веда”ни ҳам, “Авесто”ни ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб ўрганиш ва баҳолаш лозим, деган фикрни таъкидлайдилар.

“Авесто”нинг кейинги тўлароқ таржималари ва улар асосидаги тадқиқотлар иккинчи йўналиш тарафдорлари фикрларини тасдиқлади. Шу йиллари немис бастокори Рихард Штраус уч қисмдан иборат “О чём говорит Заратустра” деган симфония яратган. Асар бир қатор готлар асосида ёзилган. XIX аср ўрталарида Е.Бюрнуф ва М.Хауга готларни ва Авестонинг матнини тадқиқ этиб, тизимлаштиришга ҳаракат қилганлар. Айниқса, М.Хауга Авестонинг танқидий матни устида иш олиб борган. 1870 йилда Ж.де-Риал ҳам бу масалани ҳинд-эроншуносликни ўрганиш мақсадида тадқиқ қилган. Унинг ватандоши Л.Фе ҳам зардуштийлик тарихини пухта ўрганишга киришган бўлиб, унинг библиографияси ҳозирда ҳам қизиқарли ҳисобланади.

Ғарбий Европада “Авесто”ни ўрганиш ва унинг тарқалишига энг катта ҳисса қўшган олимлардан яна бири Макс Мюллердир. Оксфорд университетининг профессори М.Мюллер (1823-1900) – тарих, қиёсий мифология, қиёсий тилшунослик, диншунослик, ҳинд адабиёти бўйича кўплаб тадқиқотларнинг муаллифи. Хусусан, у “орийлар”нинг келиб чиқиши, дунё бўйича кўчиши ва тарқалиши тарихи бўйича ягона мутахассисдир. 1974-1904 йилларда Мюллернинг ташаббуси ҳамда шахсий иштироки билан инглиз тилида 49 томлик “Шарқнинг муқаддас китоблари” нашр қилинди. Шу силсиланинг 1, 5, 23, 31-жилдлари “Авесто” матнлари ҳисобланади. Улардан “Вендидод”, “Зенд Авесто” нинг бир қисмини (1-том, 1880; 33-том, 1883) Жем Дармстетер таржима қилган. “Авесто”ни ўрганишнинг кейинги босқичи Джем Дармстетер номи билан боғлиқдир. У “Авесто”ни инглиз

тилига таржима қилди. “Зенд Авесто”нинг 3-қисми ҳамда Яшт, Гот, Виспарадни Л.Г.Милс таржима қилган (31 том, 1884). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Дармстатер “Авесто”нинг мавжуд китоблари танқидий матнини тузиш, инглиз ва француз тилларига таржима қилишдан ташқари, ёдгорликнинг адабий қиймати хусусидаги бир қанча тадқиқотлар муаллифи ҳамдир.

Лондон университети профессори Мери Бойс Эрон тарихи ва маданиятига оид асарлар билан зардуштийликнинг ўрта асрлардаги ва янги замонлардаги тарихини ўрганишга катта ҳисса қўшди. Мери Бойс 1963-1964 йилларда Язд водийси шимолида олиб борган дала-қазилма ишлари вақтида зардуштийларнинг эътиқодлари ва расм-русумларини ўрганди. Юқоридаги ишлари натижасида олим 4 жилддан иборат "Зардуштийлик тарихи" номли йирик илмий асарини тайёрлади ва қисман нашр этди. Шунингдек, Мери Бойснинг зардуштийликнинг вужудга келиш даври ҳақида фикрлари мунозаралидир.

Милоддан аввалги V аср охири тарихшуносларининг ёзишича, Геродотнинг замондоши лидиялик Ксанор Зардушт номини тилга олган. Кейинги тарихшуносларнинг ёзишича, Ктесий ўз асарида Зардуштни оссурияликлардан енгилган Бақтрия подшоси сифатида тилга олади. Шунини таъкидлаш лозимки, Ктесий асари анча илгари қайта ишланган бўлиб, кейинроқ ўтган олимлар ана шу қайта ишланган нусхадан фойдаланганлар. Аммо Ксенофонтнинг "Киропедия" ва "Анабасис" асарларида Зардушт ҳақида маълумот учрамайди. Ҳолбуки, Ксенофонт Аҳамонийлар давлатининг аҳволи, халқ урф-одатлари ва маросимлари билан яхши таниш эди. Геродот, Ктесий ва Ксенофонт асарларида келтирилган маълумотларни умумлаштириб айтиш мумкинки, Аҳамонийлар даври (мил. авв. VI-V асрлар)да ҳали Зардуштни ҳукмрон дин асосчиси деб ҳисобламаганлар. Зардуштийлик дини тадқиқотчилари Е.Бенвенист, А.К.Кристенсен, Х.Нюберг, В.Струве ва бошқалар ҳам шу фикрдалар.

Россияда ҳам авестошунослик ўзининг бой анъаналарига эга. Россияда “Авесто”ни ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади ва уларнинг энг биринчиси Коссовичнинг илмий изланишларидир. XX аср бошларида В.В.Бартольд, К.Г.Замеман, А.Л.Погодин, К.А.Иностранцевлар “Авесто”ни ўрганишга катта эътибор қаратганлар. Бу борада Б.Н.Тураев, А.А.Фрейман, Е.Э.Бертельс, И.М.Дьяконов, Б.Г.Ғофуров, И.Г.Алиев, В.В.Струве каби олимларнинг ишлари, шунингдек машҳур олим И.М.Стеблин-Каменский таржимасидаги “Авесто” ана шу илмий анъана ва тажрибалар натижасидир .

Тарихдан маълумки, Александр Македонский Ўрта Осиёга юриш қилган даврда бу ерда юксак цивилизация мавжуд эди ва бу тараққиёт турли босқичлар оқибатида минг йилларга тўхтатиб қўйилган эди. Ҳақиқатда, «Авесто»га қарши ҳужум Александр Македонский давридаёқ бошланган эди. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда шундай ёзади: «Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида Абисто (Авесто)нинг ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат етувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборди. Шунинг учун ўша вақтдан бери Абистонинг бешдан учи йўқолиб кетди. Абисто ўттиз «наск» эди, мажусийлар қўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз Қуръон бўлақларини хафтияк деганимиздек, наск Абисто бўлақларидан ҳар битта бўлакнинг номидир».

Эрамизнинг VII-VIII асрларида рўй берган араблар босқини Ўрта Осиё халқлари бошига мисли кўрилмаган талофатлар олиб келгани ҳам маълум. Абу Райҳон Беруний бу ҳақда: «Қутайба Хоразм хатини яхши биладиган, уларнинг хабар ва ривоятларини ўрганган ва билимини бошқаларга ўргатадиган кишиларни ҳалок этиб, буткул йўқ қилиб юборган эди. Шунинг учун у (хабар ва ривоятлар) ислом давридан кейин, ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражада яширин қолди... Кейин Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий хоразмликларнинг китобларини ҳалок этиб, билимдонларини ўлдириб, китоб ва дафтарларини куйдиргани сабабли улар саводсиз қолиб, ўз

эхтиёжларида ёдлаш қувватига суянадиган бўлдилар. Узоқ замон шундай бўлгач, улар ихтилофли нарсаларини унутиб келишиб қолганларини ёдда сақлаб қолдилар», – деб қайд этган эди.

Қадимги Хоразм тарихининг чуқур билимдони С.П.Толстовнинг археологик далиллар асосида исбот этишича, исломгача бўлган цивилизациянинг нодир ёдгорликлари, тарихий адабиёт, маънавият дурдоналари ёниб кулга айлантирилган. Бинобарин зардуштийлик таълимоти ва унинг муқаддас «Авесто» китоби ҳам ёндирилиб, йўқ қилиб юборилган. Узоқ тарихимиз ва маънавий меросимизнинг ушбу ноёб ёдгорлиги кейинги асрларда паҳлавий, форс тилларидаги талқини асосидагина бизгача етиб келган.

Зардуштийлик дини пайдо бўлган замин ҳақидаги баҳс узоқ асрлардан буён давом этиб келмоқда. Фарб олимларидан А.Мейе ва П.Тедесколар зардуштийликнинг ватани Парфия (ҳозирги Туркменистон) деган фаразни билдирадилар; Даристетир, Жексонлар зардуштийлик Антропатенда, Харсфельд эса Мидияда пайдо бўлган дейдилар; И.Маркварт, Б.А.Тўраев, Х.Нюберг, Э.Бенвенист, Е.Э.Бертельс, Гайгер, Бартольд, Шпигеллар фикрига қараганда зардуштийлик Бақтрияда пайдо бўлган; Е.Герсвельд ўзининг дастлабки археологик қазилмаларига биноан, В.В.Струве, К.В.Тревер, Ю.А.Рапопорт, С.Ф.Олденбург, В.М.Луконин, Б.И.Авдиев сингари олимларнинг фикрича, зардуштийлик Туронзамин (Хоразм, Бақтрия, Сўғд, Фарғона)да пайдо бўлиб, сўнгра Эрон ва бошқа мамлакатларга тарқалган.

Зардуштийлик дини ҳақида фундаментал тадқиқотлар муаллифи Мери Бойс унинг бундан уч минг беш юз йиллар илгари Осиё чўллари заминида пайдо бўлгани ва бошқа динларнинг шаклланиши ва ривожланишига кўрсатган таъсирдан ташқари, олийжаноб дин эканлигини, асрлар мобайнида қувғинликка учраса-да, унга эътиқод қўйганлар саъй-ҳаракати туфайли бизгача етиб келганлигини таъкидлайди. Мери Бойс ҳам оташпарастлар динининг муқаддас китоби «Авесто» қадимги Хоразм воҳасида пайдо бўлганини қайд этади.

**Зардуштийлик таълимоти ва
«Авесто»нинг Хоразмда пайдо
бўлганлиги ҳақидаги фараз**



**Б.Ғофуров, Н.Маллаев, Х.Ҳомидов, А.Қаюмов, Й.Жумабоев,
М.Исҳоқов, М.Раҳмонов, Ф.Сулаймонова, И.Жабборов,
Г.Дресвьянская, Й.Хўжамуродов, А.Ирисов, М.Қодиров,
С.Ҳасановларнинг мақола ва тадқиқотларида ҳам ўз аксини топган.**

Зардуштийлик динининг наинки қаерда пайдо бўлганлиги, балки қачон пайдо бўлганлиги хусусида ҳам археологик қазилмалар давомида ажойиб натижаларга эришган С.П.Толстовнинг фикрига қараганда, бу далиллар зардуштийлик дини ва унинг пайғамбари Заратуштуранинг Хоразмда туғилганлигини исбот қилади. Авесто ҳам бошқа кўплаб муқаддас китоблар сингари мураккаб ва кўп қатламлидир, – деб ёзади С.П.Толстов, – бироқ унда, шубҳасиз, Ўрта Осиё тарихининг архаик даврига бориб тақалувчи маълумотлар устунлик қилади, ҳозир бизнинг кўлимизда бор материалларга асосланиб, бу даврни янги эрадан аввалги 1 минг йилликнинг биринчи ярмига мансуб деб ҳисоблаш мумкин.

Шу тариқа, бутун дунёда зардуштийлик дини тарихига оид кўплаб мақолалар ва асарлар яратилган бўлса-да, аммо мамлакатимиз халқлари тарихида зардуштийликнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида жиддий, умумлашма асарлар яратилмаган эди. Мустақиллик туфайли юртимизда қадим-қадим замонларда кечган давлатчилик тараққиёти, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётни атрофлича тадқиқ ва таҳлил этиш имконияти вужудга келди.

«Энг мўтабар, қадимги қўлёзмамиз «Авесто» яратилганига 3000 йил бўляпти, – деган эди Ўзбекистоннинг Биринчи президенти И. Каримов тарихчи олимлар билан учрашувда, – бу нодир китоб бундан XXX аср

муқаддам икки дарё оралиғида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларига қолдирган маънавий, тарихий меросидир. «Авесто» айна замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди».

Умуман олганда, мустақиллик йилларида ўзбек олимлари “Авесто” тадқиқига жиддий эътибор бера бошладилар. Академик Азиз Қаюмов, Тилаб Маҳмудов, Мирсодиқ Исҳоқов, академик Аҳмадали Асқаров, Ҳамиджон Ҳомидов, Абдусодиқ Ирисов, Муҳсин Қодиров каби олимларнинг илмий ва илмий-оммапоб мақолалари катта қизиқиш билан ўқилади. Хулоса қилиб айтганда, Муҳсин Умарзода ёзганидек: “Авесто” ҳақида дунёда нашр этилган илмий асарлар рўйхати бир катта китоб бўлади. Бутун дунё “Авесто” ҳақида сўз юритади... “Авесто” бутун жаҳон аҳлининг муштарак маданий меросидир”.

Эрон Аҳамонийлари, юнон-македон босқини ва уларга қарши курашнинг тарихий адабиётларда ёритилиши

Аҳамонийлар шоҳи Кир II мил. аввалги 530 йилда Аракс дарёсидан ўтиб массагетлар ҳудудига бостириб кирганлиги ҳақида V аср юнон тарихчиси Геродот маълумот беради. Шунингдек, Аҳамонийлар шоҳи Дорос I нинг саклар устига юриши ҳақида Бехустун қоятош ёзувларида ёзиб қолдирилган. Дорос I нинг сакларга юриши ва унга қарши курашган халқ қаҳрамони Широқ ҳақидаги қиссани юнон тарихчиси Полиен ўзининг «Ҳарбий хйллалар» асарида келтиради.

Милоддан аввалги 329 йилда македониялик Искандар қўшинлари Окс (Амударё)дан ўтиб юртимиз ҳудудига бостириб кирадилар. Искандарнинг бу ҳарбий юришлари унинг истагига мувофиқ шоҳни кузатиб келаётган баъзи адиб-ёзувчилар ва муаррихлар томонидан ёзиб борилиши кўзда тутилган эди. Македониялик лашкарбошилардан Аристокл, Птоломей Лаг ва денгизчи дарға Неарх ана шундай дастлабки тарих ёзувчилар эди. Бу адибларнинг

хотиралари кейинроқ ўтган Арриан, Страбон ва бошқа муаррихларнинг асарларида келтирилган. Аммо, ёзма хотираларнинг кўпчилик қисми бизгача етиб келмаган. Искандарнинг Шарққа ҳарбий юришлари вақтида қандай воқеалар юз берганлиги ундан 300-400 йил кейин яшаган 5 та тарихчининг асарларида тасвирланган. Улар ўз асарларида Искандар замондошларининг асарлари ва эсдаликлардан фойдаланганлар.

Искандарнинг Ўрта Осиёга юришлари тасвири юнон тарихчиси Арриан (мил.ав. II аср) ва Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (милоднинг I асри) асарларида сақланиб қолган. Уларда Искандарнинг юришлари муфассал ёритилган. Плутарх (I-II асрлар) билан Юстин (II аср) эса унинг Ўрта Осиёга қилган юришлари ҳақида деярли оғиз очмайдилар. Сициялик Диодорнинг "Тарихий кутубхона" асарида (мил.ав. I аср) кўп ўринлар йўқолган. Бу асар 17 китобдан иборат бўлиб, Искандарнинг Амударё ортига юриши тасвирланган бобларнинг фақат сарлавҳаларигина сақланиб қолган.

Квинт Курций Руф асарларига нисбатан Аррианнинг асари Ўрта Осиё воқеалари баёнида анча ишончли ҳисоланади. Аррианнинг ўзи Осиёдаги жангларда қатнашган. Унинг асари аслида ҳарбий санъатга бағишланса-да, у Искандар замондошлари Аристокбул ва Птолемей Лаг эсдаликларидан фойдаланган. Баъзи ўринларда улардан кўчирмалар келтирган. Аристокбул билан Птолемей Лаг асарларида фақат ўзлари қатнашган воқеаларни баён этганликлари учун Арриан уларда бўлмаган воқеаларнинг етишмаган ўринларини Курций Руф китобидаги ҳикоялар билан тўлдиради.

Македониялик Искандар ва унинг даврига бағишланган жуда кўп адабиётлар бўлишга қарамай, бу фотиҳнинг Ўрта Осиёга ҳарбий юришлари ҳақида жуда кам муаллифлар ёзганлар. Тарихий манбалардан Сўғдиёна пойтахти Мароканда қандай қилиб македонияликлар қўлига ўтиб қолганлигини унчалик равшан тасаввур этолмаймиз.

Квинт Курций Руфнинг ёзишича, Искандар шаҳарда қўшин қолдириб, атрофдаги қишлоқларга ўт қўйган. Курций Руфнинг гувоҳлигига кўра, Мароканда қалъаси деворининг узунлиги 70 стадий бўлиб, шаҳар ичкарасида

яна бир девор бўлган. Тарихчи И.Ш.Шифман Мароқанд шаҳри жангсиз таслим бўлган, деган тахминни билдиради. Искандар қўшинлари Мароқандани эгаллагач, Яксарт томонга юрадилар. Бу юриш вақтида Искандар қўшинларига қўзғолончи сўғдликлар ҳужум қиладилар. 30 минг қўзғолончи Муғ тоғидаги оёқ етмас истехкомларга ўрнашган эдилар. Македонияликлар жуда катта талофатлар эвазига Муғ қалъасини эгаллайдилар. Мудофаачилар кирилиб кетади, 8 минг ярадор, аёллар ва болалар асирликка олинади. Орадан кўп ўтмай, Сўғдиёнада яна 7 та шаҳар аҳолиси истилочиларга қарши қўзғолон кўтаради. Диодорнинг маълумотларига қараганда, Искандар қўзғолончилардан 120 мингини ўлимга ҳукм этади. Бу рақам муболағали бўлиб кўринса-да, қўзғолон қанчалик кенг тус олганлигини кўрсатади. Страбоннинг ёзишича, Искандар Ўрта Осиёда янги шаҳарлар барпо эта бошлайди. Чекка Александрия шаҳри Хўжанд яқинида қурилган македонияликлар учун таянч истехкомларидан бири ҳисобланар эди.

Милоддан аввалги 329-327 йилларда Искандар ўзига қарши бош кўтарган Сўғдиёнани уч марта қайтадан забт этишга мажбур бўлди. Айниқса Ўрта Осиё қабилаларининг миллий қаҳрамони Спитамен бошчилигидаги ватанпарвар кучларнинг истилочиларга қарши озодлик кураши македонияликлар учун катта хавф туғдирган эди. Ўзига қарши халқ ҳаракатларини бостириш учун Искандар жуда кўп ҳарбий ва моддий кучларни сарфлашдан ташқари, маҳаллий зодагонлар билан "дўстона" алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилди. Искандар маҳаллий зодагонларнинг сиёсий таъсирини ва ер-мулкларини кенгайтирди. У маҳаллий зодагонларга саховат билан мол-дунё, қул, чўрилар совға қилишдан ташқари, Сўғдиёнанинг бой ва таъсирли мансабдори Оксиартнинг қизи Равшанак (юнон манбаларида – Роксана)га уйланди.

Искандар мана шу янги сиёсати билан Ўрта Осиёни батамом ўзига бўйсундиришга эришди. Маҳаллий зодагонларнинг македонияликлар тарафига ўтиши Искандарнинг Ўрта Осиёдаги деҳқонлар ва чорвадор

жамоалари қаршилигини енгиши ҳамда Ўрта Осиёни ўзининг жуда катта монархияси қаторига қўшиб олишига ёрдам берди. Македониялик истилочиларга иттифоқчи бўлиб олган маҳаллий зодагонлар Ўрта Осиё халқлари ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида ҳукмрон сиёсий ва иқтисодий кучга айланди. Кейинчалик Искандар ва унинг ворислари (Салавкийлар ва бошқа) Ўрта Осиё халқлари ҳаётида тарихан таркиб топган бу вазият билан ҳисоблашишга мажбур бўлган эдилар. Хуллас, Искандар истилосидан сўнг Ўрта Осиё халқларининг халқаро иқтисодий, савдо алоқалар кучайиб борди. Айниқса Ўрта Осиёликларнинг Искандар қўшинлари фатҳ этган Ҳиндистон билан яқин алоқалар ўрнатиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Сўғдиёна ва Бактрияда ҳам янги-янги шаҳарлар қад кўтарди. Тарихий манбаларда Искандар ва унинг лашкарбошилари томонидан Ўрта Осиёда 12 та шаҳар бунёд этганлиги айтилади. Шу билан бирга, олимлардан И.Ш.Шифман Искандар қўшинларининг Сўғдиёнадаги вайронагарчиликларини Чингизхон истилосига ўхшатади. Бу вайронагарчиликлар оқибатида мамлакат халқи кескин камайиб кетди. Сўғд аҳолиси ватанларини тарк этиб, бошқа юртларга бош олиб кетишди. Грек-македонлар Бактрия, Сўғдиёна, Марказий Осиёни ҳам мустамлакаларига айлантирдилар. Искандарнинг истилочилик сиёсатини унинг ворислари (салавкийлар) давом эттирдилар. Искандар вафотидан 75 йил ўтгач, Бактрия сатрапи Диодот ўзини мустақил ҳукмдор деб эълон қилди. Помпей Трог муболаға қилиб ёзишича, минглаб шаҳарлар Диодот қўл остига ўтди "Қадимги авторлар Ўрта Осиё ҳақида" тўплами (ушбу китоб 1941 йил Баженов таҳрири остида Тошкентда нашр этилган эди) муаллифларининг ёзишича, Ўрта Осиёда мустақил давлатлар таркиб топади. Ўзбекистонда нашрга тайёрланган бу хрестоматияда Ўрта Осиё халқларининг милоддан аввалги VI асрдан – милоднинг III асрига қадар бўлган тарихи, жўғрофияси, табиий бойликлари ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Марказий Осиё халқлари баъзи даврларда Ҳиндистон ва Хитой билан бир давлат бўлиб яшаган. Милоддан аввалги II асрда яшаган Хан саройи

элчиси Чжан-Цян асарлари, эпиграфик ёдгорликлар ва археологик қазув натижалари бунга гувоҳлик беради. Айниқса, археологларнинг олиб борган қазув ва қузатув ишлари туфайли қадимий тарихимизнинг жуда кўп номаълум саҳифалари очилди. Бу ишлар ўша замонлардаги маданий ҳаёт муаммолари, ишлаб чиқариш кучлари, тарихий топонимика, тарихий жўғрофия, иқтисодий алоқалар, халқимиз этногенези тўғрисида муҳим маълумотлар беради.

Ўзбекистон худудидаги қадимги давлатлар тарихи тарихшунослиги

Марказий Осиё инсониятининг қадимий маданий марказларидан бири ҳисобланади. Жез даврида бошланган ижтимоий табақаланиш эр.ав. I мингинчи йилларнинг ўрталарида илк синфий жамият – қулдорликнинг вужудга келишига олиб келди. Ўрта Осиёда қулдорлик жамиятининг хронологик доираси ҳалигача деярли аниқланманган. Тарихий асарларда бу давр турлича: мил.ав. VIII-VII асрлардан милодий V асргача ёки мил.ав. VI асрдан милодий IV асргача, ҳаттоки мил.авв. IV асрдан милодий III асргача бўлган давр сифатида кўрсатилади. Бу даврнинг бошларида Ўрта Осиёдаги энг қадимги давлатлар – Хоразм ва Бақтрия вужудга келган. Бу давлатлар ҳақида «Авесто»да маълумот берилган. Ушбу маълумотлар археологик тадқиқотлар натижасида тасдиқланди. Археологлар Афросиёб (Самарқанд), Ерқўрғон ва Узунқир (Қашқадарё водийси), Кўзалиқир (Хоразм), Қизилтепа (Сурхондарё) каби қадимий шаҳарларни топиб ўргандилар.

Мил.ав. I минг йилликнинг иккинчи ярмида юртимиз худудида Хоразм. Қанғ ва Довон каби давлатлар вужудга келади. Сирдарёнинг ўрта оқимларида яшовчи сак қабилалари македониялик Искандар қўшинлари ва салавкийлар тажовузига қарши узлуксиз кураш олиб бордилар. Ана шу курашлар бораётган бир пайтда мил.ав. III аср бошларида ярим ўтроқ Қанғ давлати вужудга келади. Бу давлат Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи туб ерли аҳолини, бир қанча ярим кўчманчи қабилаларни ва ўлкаларни бирлаштиради. Бу давлат мил.ав. II-I асрларда Марказий Осиёда йирик ва

кучли давлатга айланади. Шу даврларга келиб Қанғ сиёсий бирлашмаси Сўғдиёнага ҳамда Хоразмга ўз ҳукумронлигини ўтказади. Бу давлатнинг асосий маркази Сирдарёнинг ўрта оқимида яшовчи халқлар ҳақида маълумот берувчи энг қадимги манба «Авесто» ҳисобланади. Унинг илк қисмлари (Яшт ва Готлар) да «тур» ёки «данай турлари» деб аталувчи этнонимлар эслатилади. В.В.Бартольд турларни Марказий Осиёда яшовчи Эрон тилида сўзловчи халқлар деб изоҳ беради. В.И.Абаев «Авесто»да тилга олинган турларни Марказий Осиё саклари билан Данай турларини эса Сирдарё бўйларида яшовчи саклар билан тенглаштиради. «Авесто»да Қанқа, Қанға ёки Қанғдез топонимлари ҳам эслатилади. Қадимги Эрон тилида ёзилган манбаларда сак ва скиф этник номлари учрайди. Сирдарёнинг ўрта оқимида, унинг шимолидаги районларда яшовчи саклар антик даврнинг тарихчи ва географларига ҳам маълум бўлган. Ана шу саклар ҳақида баъзи маълумотлар қадимги юнон тарихчиси Птолемей (мил.ав. 204-122 йй.), юнон географи ва тарихчи Страбон (мил.ав. 64-24 йй.) Плутарх (милодий 45-127 йй.), йирик астроном ва географ Птолемей ёзувчи ва тарихчи Арриан (95-175 йй.), Рим тарихчиси Квинт Курций Руф (милодий I аср) асарларида акс еттирган. Тошкент воҳасида ва жанубий Қозоғистон чўлларида яшаган халқ ва давлат Хитой солномаларида Қанғуй (Кангюй) деб аталган. Солномалардаги қанғуйлар ҳақидаги дастлабки маълумот Хитой тарихининг отаси Сима Цяннинг (мил.ав 145-86 йиллар) хотираларида учрайди. Сима Цян ўз асарида қанғуйларнинг жойлашуви, ҳарбий кучи, урф-одати, уларга қарашли яшовчи халқлар ҳақида қисқача маълумот беради. Қанғуйлар ҳақида батафсил маълумотлар Тўнғич Хан сулоласининг тарихида (мил.ав 206 – милодий 25 йиллар) – Цян Ханшуда (96-бобида) берилган бу асар Хитой тарихчиси Бан-Гу томонидан ёзилган. Бу тарихий асарда қанғуйларнинг жойлашган ерлари ва ҳарбий кучларидан ташқари уларнинг сони, марказий шаҳри, чорва моллари, улар тобелигидаги 5 та вилоят (суси, фуму, юни, ги, юечян) ҳамда қўшни халқлар ва давлатлар билан бўлган муносабатлар ҳақида маълумотлар берилган. Тошкент воҳасида ва жанубий Қозоғистонда олиб борилган

археологик изланишлар натижасида жуда бой материаллар қўлга киритилган. Бу материалларнинг кўпчилиги қанғлар даври (мил.ав. III – милодий V аср ўрталари)га оид бўлиб, бунда Б.А.Литвинскийнинг ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Қанғ давлати ва халқининг муаммоси С.П.Толстовнинг илмий ишларидан ҳам кенг ўрин олган.

Ғарбий европалик олимлардан В.Томашек, Ф.Хирт, И.Маркворт, Э.Шавани, Э.В.Брешнейдер ва бошқаларнинг ишларида қадимги юнон, форс ва хитой манбаларида эслатилган Қанғ, қанғўй сўзларига тўхталиб, бу сўзларнинг Қанғ (Қанқа) топоними Қанғар, қанғуй этнонимига қанчалик алоқадор эканлиги ҳақида гап кетади. Бу тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари қўйилган масалани тўғри тушуниб олишга катта ёрдам беради. Рус шарқшунос олимлари Б.Р.Радлов ва Н.А.Аристовларнинг ишларида қанғлилар ҳақида баъзи муҳим фикрлар ва керакли маълумотлар берилган. Қанғли ва Қанғ давлатига бағишланган йирик тадқиқот ўзбек олими К.Шониёзовга тегишлидир. Унинг асарида Қанғ давлати, унинг аҳолиси, кўшни давлатлар билан алоқаси, иқтисодий ва маданий ҳаёти батафсил ёзилган. Ўзбекистон ҳудудидаги қадимги давлатларнинг сиёсий тарихи маълумотлар етарли бўлмаганлиги учун яхши ўрганилмаган. Бу тарихшунослигимиздаги муҳим муаммолардан бири ҳисобланиб, келгусида бу соҳада чуқур тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади.

Марказий Осиё тарихига оид қадимги манба ва ёдгорликлар

“Беҳистун битиклари”. Бундай ёзувлар Аҳамонийларнинг қадимги пойтахти Персеполь, шунингдек Суза ва Эқбатана (ҳозирги Ҳамадон) шаҳарлари ва унинг атрофида топилган. Масалан, пишиқ сопол тахтачага ўйиб ёзилган бир катибада Доро I (милоддан аввалги 522-486 йиллар) ҳукмронлигининг дастлабки йилларида (милоддан аввалги 494-490 йиллар орасида) Сузада бунёд этилган саройнинг қурилиш тафсилоти, аниқроғи қурилишга кетган материалларнинг қайси мамлакатдан келтирилганлиги ёзилган тахтачадаги маълумотларга кўра, олтин Лидия билан Бақтриядан,

кимматбаҳо тошлар, лазурит ва сердолик (қизил ва қизғиш рангли тош) Сўғдиёнадан, феруза Хоразмдан олиб келинган. Персеполдан (Шерознинг шимолий тарафида, ундан тахминан 50 км масофада жойлашган 520-450 йиллар орасида қурилган шаҳардан) топилган ёзувлар ва тасвирий суратлар – рельефлар катта илмий қийматга эга. Уларнинг айрим намуналари XVII-XVIII асрларда (1621 й.) италиялик сайёҳ Педро Делла Валле ва даниялик олим К.Нибурнинг номи билан боғлиқ. 1931-1934, 1935-1939 ва ундан кейинги йиллари немис олими Э.Херцфельд, америкалик Э.Шмидт, француз А.Годар ҳамда эронлик М.Т.Мустафовий ва А.Сомий тарафидан ўтказилган археологик тадқиқотлар натижасида Персеполда жуда кўп ноёб ёдгорликлар очилди. Улар орасида Ападана зиналари устига ишланган тасвирий суратлар алоҳида аҳамият касб этади. Суратларда (баладлиги 3 фут – инглиз ўлчови 30, 479 сантиметрга тенг) аҳамонийларга тобе бўлган 23 сатрапликдан (қарам мамлакатдан) ўлпон олиб келган кишилар киёфаси тасвирланган. Булар орасида бактрияликлар турли идишлар, тери, мўйна ва туя билан, сўғдликлар турли мато, тери ва кўйлар билан, саклар от ва чакмонлар билан, парфияликлар идишлар ва туя билан ва хоразмликлар от ва қурол-аслаҳа билан тасвирланган. Персеполдан 6 миля – қарийб 5 км масофада, унинг шимол тарафида Хусайнкуҳ қояларида аҳамонийлардан Доро I, Ксерекс I (милоддан аввалги 486-465 йиллар), Артаксеркс I (милоддан аввалги 465-424 йиллар) ҳамда Доро II (милоддан аввалги 424-404 йиллар)нинг мақбаралари ҳамда уларга кираверишда ўйиб ёзилган катибалар бор. Мазкур ёдгорлик сосоний саркардалардан Рустам (636 йили араблар билан бўлган жангда ҳалок бўлган) номи билан ҳам боғлиқ бўлиб, тарихда кўпинча Нақши Рустам деб аталади.

Катибаларда, айниқса Доро I сурати остига ёзилган катибада, унинг давлати кўкларга кўтариб мақталади, унинг тарафидан босиб олинган халқлар эса итоаткорликка ва ҳалол меҳнат қилишга чақирилади, бўйсунмаганлар ва шу сабабдан жазога маҳкум этилганларнинг номлари қайд этилади. Муҳими шундаки, катибада аҳамонийларга тобе бўлган 23

сатраплик ва халқларнинг тўла рўйхати ёзилган. Булар орасида парфияликлар, бактрияликлар, сўғдиёналиклар ҳамда хоразмликлар ҳам бор. Ёдгорлик орасида муҳимларидан яна бири машҳур Бехистун ёзувларидир. Бу ёзувларнинг узунлиги 22 м, умумий баландлиги 7,8 м бўлиб, улар Шимолий Эронда, Кирмоншоҳдан 30 км масофада, дарё бўйлаб ўтган қадимги карвон йўли ёқасида, унинг чап тарафида, Загрос номли тик қояга, тахминан 105 метр баландликда Доро I нинг амри билан ёзилган ғалаба ёдгорлигидир. Ёзув элам, бобил ва қадимги Эрон тилларида битилган ва милoddан аввалги 523-522 йилларда Ахамонийлар салтанатини ларзага келтирган Гаумата (522 йил 29 сентябрда ҳалок бўлган), Фрада – марғиёналик (522 йил 10 декабрда асирга олинган), Сқунха – ҳозирги Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилган сак қабилаларининг етакчиси каби бошлиқлар раҳбарлигидаги халқ ҳаракатлари ҳақида ҳикоя қилади.

“Махабхарата”. Саклар, массагетлар, тохарлар ва қадимги Қанха халқи, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотларни ҳиндларнинг эпик достони “Махабхарата”да ҳам учратамиз. “Махабхарата” (“Бхарата авлодлари жангномаси”) санскрит тилида ёзилган бўлиб, 100 минг байтни ўз ичига олган 18 китобдан иборат. Асар милoddан аввалги X-VIII асрларда яратилган бўлиб, унда афсонавий шоҳ Бхаратанинг икки тоифа авлодлари – кавравлар ва нандавларнинг ўзаро адоватлари ҳамда урушлари баён этилади. Асарда, жумладан, узоқ Ҳиндистонга, фикримизча савдо-сотиқ ишлари билан борган саклар, тохарлар ва қанхаликлар ҳақида мана бу муҳим маълумот келтирилган: “Унинг (подшоҳ Юдхиштранинг) эшиги олдида бошқа халқлар билан бирга саклар, тохарлар ва қанхаликлар ҳам навбат кутиб турардилар. Пахмоқ соқол, пешоналари шоҳлар билан безатилган, қўлларида турли-туман совғалар – жун, рангу, ипак ва патта (оқ қайиннинг бир тури) дарахти толасидан, шунингдек, камёб матолар, пахтадан тўкилган газламалар, майин, нафис терилар, узун ва ўткир қиличлар, шамширлар, темир найзалар, ҳар хил болталар, ичимликлар, хушбўй нарсалар, турли-туман қимматбаҳо тошлар”.

Қадимги юнон тарихчиларининг асарларида Ўрта Осиёнинг чорвадор халқлари ҳақида батафсил маълумотлар учрайди. Бу халқлар тарихини ёзиш Гомер, Эсхил каби адиблар томонидан бошланган. Лекин скиф (сак ва массагет)лар ҳақида кенг ва аниқ маълумотларни биринчи бўлиб милоддан аввалги V асрларда яшаган юнон тарихчиси Геродот беради. Квинт Курций Руф (милодий I аср), Плутарх (милодий I аср), Арриан (милодий II аср), Помпей Трог (милоддан аввалги I аср), Юстин (милоддан аввалги II-I асрлар) каби муаррихлар ҳам Ўрта Осиё кўчманчи қабилаларининг турмуш тарзи, урф-одатлари ва машғулоти тўғрисида маълумотлар беради. Антик тарихчилардан Страбон (милоддан аввалги I аср) биринчи бўлиб Ўрта Осиё кўчманчи халқларини умумий битта (скиф) номи билан эмас алоҳида ҳудудий жойлашишига қараб, майда гуруҳларини ҳам санаб кўрсатади. Унинг ёзишича: “Скифларнинг катта қисми Каспийдан бошлаб шарққа томон дахлар дейилади. Улардан шарқдагилар сак ва массагет дейилади”. Милоддан аввалги VI-IV асрларга оид манбаларда ҳудуд аҳолиси асосан чорвадор кўчманчилар эканлиги таъкидланса, кейинги манбаларда (милоддан аввалги IV-II асрлар) сакларнинг стационар манзилгоҳлари, оддий уйлари борлиги ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Геродотнинг “Тарих” асари. Геродот – милоддан аввалги V асрда яшаган юнон тарихчиси. У гарчи ўзи баён этаётган воқеалар устида чуқур мулоҳаза юритмаса ҳам, уларни тўғри баён этиши, ўзга халқлар ва мамлакатлар тарихига ҳурмат нуқтаи назаридан қараши билан баъзи тарихчилардан ажралиб туради. Геродотнинг асарида Марказий Осиёнинг қадимий халқлари бўлмиш агриппийлар, исседонлар, массагетлар, скифлар, дайлар ва саклар ҳақида, уларнинг турмуши, урф-одатлари ҳамда кўшни мамлакатлар билан алоқалари ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз. Юнон муаррихлари берган маълумотларга қараганда, скифлар дехқончилик ва чорвачилик билан шуғулланганлар. Геродот: «Улар бугдой, пиёз, саримсоқ ва мош истеъмол қилганлар. Улар бугдойни фақат ўзлари учунгина экиб қолмасдан, балки савдо-сотик учун ҳам экардилар», – деб ёзган. Геродот

скифларнинг чорвачилик ишларига ҳам қизиқиб қарайди. Унинг қайд этишича, кўчманчи скифлар кўчганда қулай бўлсин учун наमतдан филдиракли арава – уй ясаб олар эдилар. Юк ташишда улар отлардан ташқари моллардан ҳам фойдаланганлар. Геродот фикрича, скифлар кучли давлатга эга эдилар. У шохлик ҳукмрон бўлган скифлар юртига келган. “Тарих”нинг Штейн тарафидан тайёрланган танқидий матни 1869-1871 йилларда чоп этилган. Асар инглиз (Роулинсон, Лондон, 1856-1860 йиллар) ҳамда рус (Ф.Г. Мищенко, Москва, 1858-1860 йиллар) тилларига таржима қилинган. 1982 йилда асарнинг мамлакатимиз тарихига оид қисмлари зарур изоҳлар билан А.И.Доватур, Д.П.Каллистов ва И.А.Шишова томонидан янгидан нашр этилган.

Диодорнинг “Тарихий кутубхона” асари. Диодор (милоддан аввалги 90-21 йиллар) йирик тарихчи олим бўлиб, Сицилияга қарашли Аргирия шаҳрида туғилган. У “Тарихий кутубхона” номли 40 китобдан иборат асар ёзиб қолдирган. Умумий тарих йўналишида ёзилган бу асар асосан Юнонистон ва Римнинг қадим замонлардан то милоднинг I аср ўрталаригача бўлган тарихини ўз ичига олади. Унда Шарқ халқлари, шунингдек, Ўзбекистоннинг қадимий халқлари – скифлар, саклар, массагетлар, бақтрияликлар, юртимизнинг Эрон билан бўлган муносабатлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Диодорнинг мазкур асари кўп жиҳатлари билан кўчирма-компиляция ҳисобланади. Муаллиф Ефор, Полибий асарларидан кенг фойдаланган. Бундан ташқари, кўп ҳолларда баён этилаётган воқеалар узвий боғланмай қолган. Шунга қарамай, бу асар далилларга бой ва катта илмий аҳамиятга эгадир. Диодорнинг асари тўла ҳолда бизнинг замонамизгача этиб келмаган. Унинг фақат 15 китоби – қадимги Шарқ халқларининг тарихи ва афсоналари ҳақида ҳикоя қилувчи 1-5 китоблари, Юнонистон ҳамда Римнинг Юнон-Эрон урушлари (милоддан аввалги 500-449 йиллар)дан то милоддан аввалги 301 йилгача бўлган тарихини ўз ичига олган 11-20-китобларигина сақланган, холос. Бу асар

1774-1775 йилларда И.Алексеев томонидан олти қисмли ва 1874-1875 йилларда Ф.Г.Мищченко томонидан икки қисмли қилиб нашр этилган.

Страбоннинг “География” асари. Страбон (мил. авв. 63 – милоднинг 23 й.) қадимги Юнонистоннинг атоқли географ олимларидан бўлиб, асли амосиялик (Понт подшоҳларининг қароргоҳларидан), нуфузли ва бадавлат оиладан чиққан, машҳур юнон файласуфи Аристотельнинг (милоддан аввалги 384-322 йй.) шогирди, қарийб 80 йил умр кўрган. Страбонни дунёга танитган унинг 17 китобдан иборат “География” номли асаридир. Страбоннинг “География”сида Гиркания, Парфия, Бактрия ва Марғиёнанинг табиий ҳолати, шаҳарлари, қисман уларга бориш йўллари, Оха (Харрируд), Окс ва Яксарт дарёлари ҳақида, Марказий Осиёнинг қадимий халқлари – саклар, массагетлар, дайлар, атасиялар, тохарлар ҳамда хоразмликлар ва уларнинг келиб чиқиши, бу халқларнинг турмуши, урф-одати ва эътиқоди, шунингдек Парфия ва Бактриянинг милоддан аввалги III асрнинг биринчи чорагидаги ички аҳволи ва ўзаро муносабатлари ҳақида муҳим ва қимматли маълумотлар мавжуд. Сак қавмига мансуб аҳоли македониялик Александр истилосигача Сирдарёнинг қуйи оқимида яшаган бўлса, кейинчалик Карки, Калиф, Шимолий Афғонистон ерларига кўчиб ўтганлар, Страбон уларни «дах», «дай» номлари билан атайди. Страбон маълумотларига қараганда, Бактрия, Суғдиёна, Мидия ва Эрон аҳолиси сўзлашадиган тил бир-бирига яқин бўлган. Топилган ашёлар шуни кўрсатадики, бобоқолонларимиз ҳунармандчиликнинг кулолчилик соҳасида антик оламда тенги йўқ усталар бўлганлар. Бактрия, Марғиёна ва Суғдиёнанинг кулол усталари ясаган сопол идишлар ўзига хос санъат асарлари даражасига кўтарилган. Бундан ташқари, шоҳона саройлар, ибодатхоналар, мудофаа иншоотлари ва уй-жой қуришда ўлкамиз халқлари антик давр оламида тенгсиз даражага кўтарилганлар.

Страбоннинг “География” асари 1844 ва 1848 йилларда Крамер ва Мюллер тарафидан махсус харита ва шарҳлар билан қўшиб нашр қилинган.

Унинг немисча (Гросскурд, Берлин, 1831-1834) ҳамда русча (Ф.Г.Мишченко, Москва, 1879; Г.А.Стратанович, Москва, 1964) таржималари ҳам мавжуд.

Арриан Флавийнинг “Искандарнинг юришлари” асари. Арриан Флавий (тахминан 95-175 йиллар) йирик юнон ёзувчиси, тарихчиси ва географ олими, асли Кичик Осиёнинг Никомадия шаҳридан. У “Искандар ҳақида”, “Парфияликлар ҳақида”, “Ҳиндистон” ва 7 жилдлик “Искандарнинг юришлари” номли китоблар муаллифидир. Ўзбекистон ва Эроннинг қадимий тарихини ўрганишда Аррианнинг “Искандарнинг юришлари” номли асари муҳим аҳамият касб этади. Унда фотиҳнинг Ўзбекистон, Эрон ҳудудлари ва бошқа мамлакатларга истилочилик юришлари тарихи батафсил баён қилинган. Асар панегризм-маддоҳлик руҳида ёзилган – муаллиф Искандар Зулқарнайн ва унинг фаолиятини кўкларга кўтариб улуғлайди. Шунга қарамай, у кўпгина қўлёзма манбалар ва расмий ҳужжатлар асосида ёзилганлиги сабабли мавзу бўйича муҳим ва асосий манбалардан ҳисобланади.

Спитаменнинг ўлими ҳақида Арриан қуйидаги ривоятни келтиради. Унинг ёзишича: «Скиф-массагетлар енгилганларидан сўнг ўзлари билан бирга иттифоқ бўлиб душманга қарши жанг қилган бактрияликлар ва суғдлар юқларини талайдилар ва қочадилар. Спитамен ҳам улар билан бирга кетади. Уларга «Александр даштга ҳужум бошлар эмиш», деган хабар етгач, Спитаменнинг бошини танасидан жудо қилиб шоҳга юборадилар ва шу йўсинда Александр ҳужумининг олдини олмоқчи бўладилар». Арриан Флавийнинг “Искандарнинг юришлари” асари немис (Мюллер, Лейпциг, 1886 й.) ҳамда рус (Коренков, Т., 1912. ва М.Е.Сергеенко, М.-Л., 1962 й.) тилларида нашр этилган.

Квинт Курций Руфнинг “Буюк Искандар тарихи” асари. Квинт Курций Руф (милоднинг I асри) – машҳур Рим тарихчиси бўлиб, Искандар Зулқарнайннинг Эрон, Турон ва бошқа мамлакатларга қилган ҳарбий юришлари ҳақида 10 китобдан иборат “Буюк Искандар тарихи” асарини ёзган. Квинт Курций Руф Бактрияни табиати турли-туман ва гўзал, унумдор

ерлари кўп, серсув, экинзорларга бой мамлакат деб таърифлайди. Унинг фикрича, ўлканинг аҳолиси кўп, улар буғдой ва арпани кўп экадилар, узумзорлари бепоён. Ўлкада меваларнинг барча турлари ўсади. Чорва молларини боқишга қулай, йилқиси кўп, чопар отларга бой мамлакат. Айни пайтда ўлка худудида қумлоқ ва экин битмайдиган ерлар ҳам анчагина. Квинт Курций Руфнинг қайд қилишича, «скифларнинг, ҳатто нутки ҳам жозибадор эди. Ўзининг гўзал нуткига, маданиятига эга бўлган скифларнинг ўша даврларда ўзига хос адабиёти ҳам бўлган». Квинт Курций Руф «Александр Македонский тарихи» асарида скифларнинг жасурлиги ва мардлигини таърифлайди. Унинг ёзишича, Александр скифларнинг катта бир гуруҳини асир олади. «Жисмоний жиҳатдан бақувват бўлган скифлардан 30 кишини ўлимга маҳкум этганда, улар ўлимдан ҳам кўрқмасдан, халқ кўшиқларини баралла айтиб, хурсанд бўлиб борардилар», – дейди у. Скифларнинг мардлигига қойил қолган Александр асирларни ўлимдан сақлаб қолиб, ҳибсдан озод қилади. Асарда массагетларнинг жасоратлари ҳақида ҳам ёрқин сатрлар бор. «Массагетлар 800 нафар отлиқ жангчиларини қишлоқ яқинидаги ўрмонга яшириб қўядилар. Бир неча киши пода ҳайдаб ўрмонга қараб бемалол кетаверади. Тайёр ўлжани қўлдан чиқармаслик учун Аттин ўзининг 300 отлиқ жангчиси билан ҳеч шубҳа қилмасдан ўрмонга кириб боради. Массагетлар Аттин қўшинига қўққисдан ҳужум қилиб, уларнинг ҳаммасини қириб ташлайдилар».

Квинт Курций Руфнинг асарида Спитамен жисмонан бақувват, жасур, мард ва тадбиркор бир кимса суратида тасвирланади. Унинг ёзишича, дастлабки пайтда «Александр Спитаменга катта-катта ваъдалар беради, ҳатто Суғдиёна ҳокимлигини инъом этмоқчи бўлади. Спитамен эса ватанфурушлик қилгандан кўра ўлимни афзал билади». Квинт Курций Руфнинг асарида Спитамен фожиасига сабаб бўлган хоинлар, кўрқоқ ва сотқинларга нафрат ўтини сочувчи ёрқин сатрлар ҳам анчагина. Ана шундай сотқинлардан бири Спитаменнинг хотинидир. Ҳориб-чарчаган Спитамен ширин таом ва шароб таъсирида қаттиқ уйқуда ётарди. «Хотини пинҳона келиб, қиличини суғуриб

олдида, Спитаменнинг бошини кесиб ташлади. Қонга беланган эрининг калласини бу жиноятдан огоҳ бўлган қулга келтириб беради. Сўнгра македон қўшинлари жойлашган лагерга келиб, Александрга хабар қилишни, муҳим хабар олиб келганлигини, бу хабарни шоҳга шахсан ўзи етказиши лозимлигини айтади. Александр бу мудҳиш воқеадан огоҳ бўлиб ғазабланади. Квинт Курций Руфнинг асарида Ўзбекистон ҳудудининг Искандар Зулқарнайн қўшинлари томонидан истило қилиниши, халқларнинг чет эл босқинчиларига қарши кураши, хусусан, Спитамен бошлиқ қўзғолон кенг ёритиб берилган. “Буюк Искандар тарихи” 1841 йили Мютцель, 1867 йили Т.Нельдеке ва 1885 йили Фогель томонидан нашр этилган. Русча янги таржимаси В.С.Соколов таҳрири остида чоп этилган (М.,1963).

Помпей Трогнинг “Филипп тарихи” асари. Помпей Трог (милодгача I – милоднинг I асрлари ўртасида яшаб ўтган) – “Филипп тарихи” асари билан машҳур бўлган Рим тарихчиси. 44 китобдан иборат бу асар афсонавий Ассурария подшоҳлари замонидан то Рим императори Август (милоддин аввалги 63 – милоднинг 14 йили) давригача бунёда бўлиб ўтган воқеаларни баён қилади, лекин асосий эътибор Юнонистоннинг македониялик Филипп II (милоддан аввалги 359-336 йиллар) ва Искандар Зулқарнайн давридаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этишга қаратилган. Мазкур асарнинг қиммати шундаки, у бир талай номаълум китобларга суяниб ёзилган, Рим, Юнонистон каби йирик давлатларнинг пайдо бўлиши ва тарихини кенг ёритиб берган. Муҳими шундаки, муаллиф бундай давлатларнинг охир-оқибатда инқирозга учрашини айтади. Помпей Трог тарихни ҳаракатга келтирувчи куч бу – урф-одат ва тақдир, деб ҳисоблаган.

Помпей Трог скифларни дунёдаги энг қадимий халқлардан бири деб ҳисоблайди, қадимийликда улар мисрликлар билан баҳслашадилар. «Скиф» сўзи халқнинг аниқ номи эмас, балки уларнинг турмушини сифатловчи маънони англатган. Юнон муаррихларининг маълумотларига қараганда, скифлар қадимда ғарбда Днепр дарёсидан тортиб шарқда Тяньшань

тоғларигача чўзилган дашт ва саҳроларда яшаганлар. Уларнинг қабилалари массагет, даҳ, сак (шак), дербик каби номлар билан аталган.

“Филипп тарихи” асарида скифлар, Бактрия, Искандар Зулқарнайн даврида Бактрия ва Сўғдда қурилган шаҳар ва катта иморатлар, Искандар Зулқарнайн вафотидан кейин юз берган воқеалар, парфияликларнинг келиб чиқиши, уларнинг урф-одатлари, Парфия подшолигининг ташкил топиши, Бактрия, Парфия ва Мидиянинг ўзаро муносабатларига оид муҳим маълумотлар мавжуд. Помпей Трог скифлар (саклар) ҳақида тўхталиб, «Улар Парфия ва Бактрияга асос солганлар», деб ёзгани маълум. Юнонлик тарихчи Помпей яна Парфия хусусида тўхталиб: «Римликлар билан бутун дунёни ўзаро бўлиб олган парфияликлар ҳозирда бутун шарқ узра ҳукмдордирлар ва улар (аслида) қачонлардир скифлар орасидан бадарға қилинганлардандирлар, уларнинг номи (яъни Парфия) бунга ишора, зеро, скифлар тилида «Парфи» бадарға қилинганларни англатади», – деб ёзган.

Полибийнинг “Умумий тарихи” асари. Полибийнинг “Умумий тарихи” далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг нисбатан холисона ёритилиши билан алоҳида аҳамиятга эгадир. Унда Окс – Амударё ва Яксарт – Сирдарё ҳақида, Антиох I нинг Бактрия подшоҳи Ефтидемга қарши ҳарбий юриши ҳақида муҳим маълумотлар бор. “Умумий тарих”нинг матни 1889-1905 йиллар орасида тўрт жилдда Лейпцигда чоп этилган. Унинг инглизча (В.Р.Патон, Лондон, 1922-1927; иккинчи нашри, Лондон, 1957-1960) ва русча (Ф.Г.Мишченко, 1-3 жилдлари. Москва, 1890-1899) таржималари мавжуд.

Птоломей Клавдийнинг “География” асари. Птоломей Клавдий (тахминан 90-160 йй.) – машҳур қомусий олим, Александрияда яшаб ижод қилган. У астрономия, геометрия, физика (оптика, механика) ҳамда географияга оид асарлар ёзиб қолдирган. Жаҳонга машҳур “Алмагест” – “Алмажастий” (18 китобдан иборат, астрономия ва тригонометрия илмларини ўз ичига олади), “Оптика” (5 китобдан иборат), “Германлар ҳақида тушунча” (3 китобдан иборат) ва ниҳоят, “География” шулар жумласидандир. Лекин олимга шуҳрат келтирган асарлари “Алмагест” ва “География”дир.

“География”нинг (8 китобдан иборат) биринчи китоби, аниқроғи унинг 24-боби жаҳон мамлакатларини тавсифлашга бағишланган ва катта илмий қийматга эга. Шуниси муҳимки, асарда шаҳарлар, мамлакатлар ва уларнинг координатлари келтирилган ва унга 27 та харита илова қилинган. Птоломейнинг “География”сида Гиркания, Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёна ҳамда скифлар мамлакатининг географик ҳолати, Бактрия ва Сўғдиёнанинг машҳур шаҳарлари, шунингдек ўша мамлакатлар ва улар билан туташ ўлкалар ва уларнинг аҳолиси ҳақида асл ва қимматли маълумотлар келтирилган.

Юстиннинг «Помпей Трог эпитоми» асари. Юстин «Помпей Трог эпитоми» асарида Александр Бактрия ва Суғдиёнада 7 шаҳар курдирганлигини ёзади. Шулардан бири Сирдарё соҳилида 17 кунда қуриб битказилган қалъа «Александрия Эсхата», яъни олисдаги Александрия эди. Бу шаҳар Хўжанд билан Бекобод оралиғи (тахминан Фарҳод ГЭСи)да жойлашган эди. Александр бу шаҳарларда юнон-македон қўшинларини жойлаштириб, келгуси жойларни забт етишда бу шаҳарлардан плацдарм сифатида фойдаланган эди. Шу сабабдан Александр «Александрия Эсхата»ни тезда барпо этиб, бу ердан саклар устига юриш бошлаган. Бундан ташқари, Александрнинг Ўрта Осиёда олиб борган яратувчилик фаолиятига қараганда, унинг вайрон етувчилик, бузғунчилик фаолияти ўн чандон ортиқроқ ва кўпроқ бўлган, беҳисоб шаҳар ва қишлоқларни вайрон этган. Помпей Трогнинг бу асари Юстин (II-III аср) тарафидан қисқартирилиб қайта ишланган шаклда бизнинг замонимизгача етиб келган ва Руҳл томонидан 1935 йилда чоп қилинган. Унинг русча таржимаси А.А.Деконский ва М.М.Рижский томонидан “Вестник древней истории” журналининг 1954 йил 2-4 ва 1955 йил 1-сонларида босилган.

Умуман олганда, Ўрта Осиё халқларининг ижтимоий ҳаёти масаласида, XIX асрнинг 80-йилларидан буён қатор тадқиқотчилар томонидан турли хил фикрлар айтилган. Ушбу тадқиқотлар натижасида, кўчманчилар жамияти тузилишида кучли ижтимоий-иқтисодий дифференция

мавжуд бўлиб, уларнинг жамияти уруғ қабила тузумининг юқори чўққиси – ҳарбий демократия кўринишида бўлганлиги, кулдорлик тузumi милоддан аввалги V асрдан бошлангани, кейинги даврдаги жамият тузилиши ҳарбий демократия ёки илк феодал-патриархал кўринишида бўлганлиги каби хулосалар чиқарилган. Бироқ, хануз ушбу масалаларда ягона, ўз тасдиғини тўлиқ топган илмий фикрга келинмаган.

Б.А.Литвинский кўпгина сак қабилалари синфийлик белгилари мавжуд бўлган жамиятда яшаганлигини таъкидлайди. Г.Е.Марков Ўрта Осиёликлар жамиятида мулкый табақаланиш мавжуд бўлса-да, табақавий ва синфий дифференциянинг суст ривожланганлиги, чорвага нисбатан хусусий мулкчилик сақланган ҳолда, ер – яйловлар умумжамоа, қабилага тегишли бўлгани, бой чорвадорларнинг ёлланма меҳнатдан фойдалангани, бир нечта қабилаларнинг ҳарбий иттифоқларга бирлашиб, уларнинг ўз қўшини мавжудлиги, даштнинг маълум қисмини назоратда тутадиган қабилавий ташкилот фаолияти, жамиятнинг асоси эса уруғчилик анъаналарига таяниши каби қатор хусусиятларни санаб кўрсатади. Уларга асосланиб, муаллиф Ўрта Осиёликларда кучли мулкый ва ижтимоий дифференция жараёни ва синфлар ташкил топиши, яъни синфийлик жамияти мукамал тугалланмаган кўринишда бўлган, деган хулосага келади. С.П.Толстов Хоразм билан кучли алоқада бўлган массагет қабилаларида секинлик билан давлатчилик шаклланганлигини таъкидлаган. Бироқ, кейинчалик, бу фикрини тасдиқлайдиган материалларнинг камлиги туфайли унга турлича эътирозлар билдирилган.

Геродот скифларнинг ўз подшоси борлиги, Плутарх уларнинг подшоларидан, Иданфирс, Атея ҳақида, Страбон эса кўчманчи скифлар подшоси Сирм ҳақида маълумот бериб, уларнинг оддий одамлар эканлигини таъкидлайди. Сак ва усунларнинг ўтроқ ҳаёт тарзи билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар уларда ижтимоий муносабатлар ривожланганлигини кўрсатади.

Милодий эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларига келиб дастлабки давлат конфедерацияларига асос солинади. “Авесто”да улар “турлар” деб номланади. Антик манбаларда Сирдарё хавзаси сак қабилалари конфедерацияси ташкил топган хуудлардан бири бўлиб, бу сакларнинг камонда жанг қилувчи ва ундан бехато отувчи, мерган Яксарт саклари – сака-хаумаваркалар эканлиги таъкидланади. К.А.Абдуллаев баъзи тадқиқотларда сака-хаумоваркаларни сака амюргиялар билан чалкаштириш хануз давом этаётганлигини уқтириб, кўплаб ёзма манбалар таҳлили асосида, “хаома истеъмол қилувчи хаумоваркаларнинг яшаш жойи Сирдарё ўрта оқида бўлган”, – деб таъкидлайди .

Марказий Осиёдаги давлатлар вақтинчалик аҳамият касб этувчи қабилла иттифоқлари тарзида мавжуд бўлган. Бу қабилла иттифоқлари айрим вақтларда тарқалган ва яна вазиятга қараб қайтадан ташкил этилаверган. Бу сиёсий бирлашмаларда халқ йиғини муҳим роль ўйнаган. Халқ йиғинида барча қуролли аҳоли қатнашиб, унда уруш ёки сулҳ масалалари ҳал қилинган.

Юнон манбаларида Ўрта Осиё кўчманчи чорвадор халқларининг хўжалик ҳаёти, турмуш тарзи ва урф-удумлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ўрта Осиё халқларида дўстлик, вафо ва садоқат жуда қадрланган. Болалар ҳали гўдаклигидаёқ дўст тутинтирилган. Ўрта Осиё халқларининг маънавий ҳаёти, дини уларнинг тасаввурларида ҳам акс этган. Уларнинг динини ибтидоий деб бўлмайди. Қанғуйлар, жумладан, Ўрта Сирдарё бўйи халқлари зардуштийлик динидаги худолардан бўлган Фарн илоҳига сиғинишган. Ушбу илоҳ ҳукмдорларнинг паноҳи ва кўриқловчиси, шунингдек уй, оила, соғлиқни сақловчи худо ҳисобланган. Бу худо кўй кўринишида деб қабул қилинган. Қовунчи маданияти соҳибларида машҳур хинд эпоси “Маҳобхарата”да таъкидланган хўкиз (қорамол)га сиғиниш билан боғлиқ одатлар ҳам мавжуд бўлган. Хитой йилномаси “Вейшу”да турклар динига хос бир нечта ақидалар кўрсатилган .

Манбаларда Марказий Осиёликларнинг қуёшга, аجدодлар арвоҳига, бутун халққа тегишли бўлган кўк руҳи (тангри)га сиғиниш ва тоғлар, сув манбалари (дарё ва кўллар)га топиниш каби диний маросимлари қайд этилади.

Чорвадорларнинг удум ва маросимлари ҳақида Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатут турк” асарида ҳам кўп маълумотлар берилган. Унда “тун кун топун тангрига буйинмағил коркун ангар иймани ўйнамағил”, яъни “кеча-кундуз улуғ тангрига ибодат қил, йўлдан озиб адашма, худодан кўрқ, ундан уял” деган жумлаларни ўқиш мумкин. Бунда худо сифатида Кўк Тангрига эътиқод таъкидланмоқда. Кўк Тангрига сиғиниш Ўрхун битикларида ҳам қайд этилган: “Аввал юқорида мовий осмон, қуйида қора ер бўлган. Улар ўртасида инсон болалари пайдо бўлди”. Осмон руҳи деганида айнан Кўк Тангрини англаганлар. Кўкка қурбонлик келтириш одати туркий халқларда, ҳатто XIX аср охирида ҳам мавжуд бўлган.

Атоқли рус олими А.Б.Дитмар қадимги скиф қабилалари ҳақида бир қатор йирик тадқиқотлар яратади ва скифларнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида ўзининг қимматли фикрларини билдиради ва: «Скифлар Ўрта Осиёдан тарқалган эди», – деб ёзади. А.Б.Дитмар ўзининг «Скифиядан Елефантингача» номли тадқиқотида уларнинг (скифларнинг) тили шимолий Эрон тиллари группасига киради, шунингдек, улар Ўрта Осиёда яшаган сак ва массагет қабилалари билан уруғдош эди, – деган фикрларни қайд этади.

Геродотнинг аниқлашича, скифларнинг шимол томонида мелианхленлар қабиласи яшар эди. Улар ҳамма вақт қора тусда кийиниб юрар эдилар. Урф-одатлари скифларникига яқин турарди. Бу қабилаларнинг тиллари ҳам Невров қабилалари сингари эски славян тиллари гуруҳига кирарди. Шимол томонда жуда совуқ бўлган кенг ялангликлар жойлашган эди. Танаис дарёси билан Меотида – Азов денгизи ўртасида сарматлар яшарди. Улар шимол томонга чўзилган ўн беш кунлик кенг ўлкада ёввойи ва хонаки дарахтлар ичида яшарди. Улар скифлар тилида гаплашарди, бироқ

уларнинг тиллари қадимдан шаклланган эди. Сарматларнинг урф-одатлари скифларникига сира ҳам ўхшамас эди. Сарматлар (сара-матлар) скиф кабилаларига уруғдош эдилар.

Страбоннинг “География” асарида Марказий Осиёда яшовчи сак, сўғд, скиф, массагет кабилалари ўтмиши алоҳида қайд қилиб ўтилади. Асарнинг XII – XIII – XIV китобларида Кичик Осиё тарихи ёритилади. XV китобдан ҳам Эрон ва Ҳиндистон давлатлари ҳақида қимматли маълумотлар олиш мумкин. XVI китоб Шарқий Осиё мамлакатлари, Ассирия, Вавилония, Месопотамия, Сурия, Финикия, Араб мамлакатларидан ҳикоя қилади. XVII китоб эса Миср, Эфиопия, Ливия ўлкаларига бағишланган. Страбон Каспий денгизининг шарқий қисмида яшовчи массагетлар ҳаётига тўхталар экан, бу кабилалар ҳақида илгари ўтган муаррихлар қарийб ҳеч нарса ёзмаганлигини таъкидлайди. Ёзилганлари ҳам жуда оз ёки етарлича аниқ маълумотлар бермайди, – дейди. Муаллиф Қора денгизнинг шимолий қисмида яшовчи скиф, сармат кабилалари ҳақида тўхталар экан, бу жойларни «варварларнинг ерлари» дейди.

Хитой йилномалари. Сима Цян “Ши Сзи” (“Тарихий эсдаликлар”) (тахминан милоддан аввалги 145 ёки 135 – 86 йиллар). Сима Цян “Ши Сзи” (“Тарихий эсдаликлар”) номли 130 бобдан иборат йирик тарихий асар ёзиб қолдирган. Асар Хитойнинг қадимий замонлардан то милоддан аввалги I аср бошларига қадар ўтган тарихини ўз ичига олади. Асарда Ўрта Осиё, унинг 123 бобида хусусан Фарғона ва унинг қадимий халқи, ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Бан Гу “Цян Хан шу” (Аввалги Хан сулоласининг тарихи) асари. (39 – 92 й.) Бан Гунинг “Цян Хан шу” асарида, хусусан унинг 95 бобида, Марказий Осиё (айниқса қанғли, юечжи ва усунлар ҳақида) ва Шарқий Туркистоннинг қадимий тарихи, халқи ва унинг ҳаёти ҳақида кўп муҳим маълумотларни учратамиз.

Фан Хуа “Хоу-Хан шу” (“Кейинги Хан сулоласи тарихи”) (398 – 445 йиллар). Фан Хуа Хитойнинг аввалги Хан сулоласи давридаги тарихини

ўз ичига олган “Хоу-Хан шу” номли катта асар (130 бобдан иборат) муаллифи. Асарда Марказий Осиё, Шарқий Туркистон ва Жунғориянинг тарихи ва аҳолиси ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Сўғд тилида битилган ёдгорликлар. Сўғд тилидаги манбалар асосан милоддан аввалги IV – милодий X асрларга оид бўлиб, турли мазмундаги ҳуқуқий ҳужжатлар – аҳдномалар, никоҳ ҳақидаги шартномалар, олди-сотти ҳужжатлари, тилхатлар, Сўғд, Шош, Турк ва Фарғона ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмалар, хўжаликнинг кундалик фаолиятига оид ҳужжатлар, масалан, харажатлар ёзилган ҳужжатлар ҳамда фармонлардан иборат. Бу ҳужжатлар Сўғдиёнаннинг ўзидан, Муғ қалъадан, Самарқандда Афросиёбдан, Қирғизистон ва Шарқий Туркистонда топилган. Булар орасида Муғ қалъа харобаларидан 1932 йили топилган ҳужжатлар алоҳида аҳамиятга эга. Ҳужжатлар баҳорда Тожикистоннинг Варзимино (ҳозирги Захматобод) туманига карашли Хайробод қишлоғида шу тумanning собиқ биринчи раҳбари А.Пўлотий томонидан очилган. Ҳужжатлар жами 79 та бўлиб, булардан 74 таси қадимги сўғд, 1 дона араб, 3 таси хитой ва яна бири турк тилидадир. Улар ҳар хил материалга – чармга, тахтага ва қоғозга ёзилган. Ҳужжатлар сўғд деҳқони, катта ер эгаси, подшоҳи Деваштич (708-722-йй.) ва йирик мансабдорлар – фрамандарнинг, шунингдек, Хохсар ҳамда Кштут деҳқонларининг шахсий архивига тегишли бўлиб, Сўғднинг VIII асрнинг биринчи чорагидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётини ўрганишда муҳим манба ролини ўйнайди. Муғ қалъасидан топилган ҳужжатлар А.А.Фрейман, А.В.Василев, И.Ю.Крачковский, М.Н.Боголюбов, В.А.Лившиц, М.Исҳоқов, У.Н.Мансуров ҳамда О.И.Смирновалар тарафидан чуқур ўрганилган.

Муғ қалъаси ҳужжатларининг топилиши тарихи ва улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар 1934 йилда махсус тўплам шаклида (“Согдийский сборник”, Ленинград, 1934) эълон қилинди. Айрим ҳужжатларнинг таржимаси И.Ю.Крачковский ва А.А.Фрейман томонидан 1930-йилларда эълон қилинди. Ҳуқуқий ҳужжатлар ва мактублар таржимаси, зарур изоҳ ва

тадқиқотлар билан (Согдийские документы с горы Муг. Чтение, перевод, комментарий. II чиқиши. 1962.) В.А.Лившиц тарафидан чоп қилинди. 1961 ва 1965 йиллари Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих ва археология институти ходимлари илмий сафар чоғида Самарқанднинг Афросиёбида V-VI асрларга оид сарой харобаларини очдилар. Сарой меҳмонхонасининг деворлари турли мазмундаги расмлар билан безатилган бўлиб, улар орасида оқ кийим кийган Чағониён элчисининг сурати ҳам бор. Унинг этагига сўғд тилида ўн олти сатрдан иборат ишонч ёрлиги ёзиб қўйилган эди. Бу ёзувлар VII аср ўрталаридаги халқаро муносабатлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Самарқандда топилган ёзувлар IX асрга оид уч тилда – сўғд, қадимги турк ва хитой тилида ёзилган турк хоконининг қабр тошидаги битикдир. Бундай ҳужжатлар сўғдийларнинг Қозоғистон, Қирғизистон ҳамда Шарқий Туркистондаги савдо колонияларидан ҳам топилган. Булар орасида айниқса А.Стейн (1862-1943) тарафидан 1907 йилда Дунхуан (Хитойнинг Гансу вилоятида) ва Турфонда (Шарқий Туркистон) топилган ҳужжатлар, Талас дарёсининг ўнг соҳилида, ҳозирги Талас шаҳридан 7 км шимолда жойдашган Кулонсой ҳамда Тераксой дараларида қоя тошларга ўйиб битилган ёзувлар алоҳида эътиборга молик. Бу ёзувлар IV-XI асрларда Сўғд колонияларининг ижтимоий аҳволи ҳақида, айниқса Ўрта Осиё ва Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасидаги савдо алоқалари ва бунда сўғдийларнинг роли ҳақида қимматли маълумот беради. Дунхуан ва Хўтан ҳужжатлари А.Стейн, Таласдан топилган ёзувлар эса В.А.Каллаур, М.Е.Массон, Д.Ф.Винник, А.А.Асаналиев, К.Аширалиев, У.Жумагуловлар тарафидан ўрганилган.

“Хвадай намак” (“Подшоҳнома”). “Хвадай намак” (“Подшоҳнома”) қадимги Эроннинг 627 йилгача бўлган ижтимоий-сиёсий ҳаётидан баҳс этувчи афсонавий тарихий асар бўлиб, пахлавий тилида ёзилган. Сосонийлардан Яздигард III (632-651 йй.)га яқин киши томнидан 632-637 йиллар орасида ёзиб тамомланган. Асар, айниқса Аҳамонийлар, Ашконийлар ва Сосонийлар тарихи бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади. “Хвадай намак”нинг ўзи ҳам, машҳур шоир, олим ва таржимон Абдуллоҳ ибн

Мукаффа (721-757 йиллар) тарафидан қилинган таржима (“Сияр ал-мулук” деб аталган) ҳам бизгача этиб келмаган. Лекин унинг айрим парчалари Якубий (897 ёки 905 йили вафот этган), ибн Қутайба (828-889 йиллар), Табарий, ибн ал-Асир, шунингдек Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида сақланган.

Ал-Хоразмийнинг “Китоб ат-тарих” ва “Китоб сурат ул-арз” асари. Хоразмийнинг «Китоб ат-тарих», яъни «Тарих китоби»да Хуросон, Кичик Осиё ва Мовароуннаҳрнинг VIII-IX асрлардаги тарихига оид қисқа ва аниқ маълумотлар ўз ифодасини топган.

“Китоб ал-сурат ал-арз”. Мазкур асар ҳам Хоразмий томонидан яратилган бўлиб, юнон олими Птоломийнинг жуғрофияга оид китобини араб тилига таржима қилган ва уни ўзининг янги маълумотлари билан бойитган. “Китоби сурат ал-арз” (“Ер тасвири китоби”) асарида Каспий денгизи ёки Хоразм денгизи ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ушбу тарихий жуғрофияга оид асардаги Марказий Осиёга оид маълумотлар катта илмий аҳамиятга эга. Китобнинг 937 милодий, ҳижрий 428 йили кўчирилган мўътабар қўлёзмаси бизгача этиб келган бўлиб, унга турли хариталар чизиб илова қилинган. Ушбу қўлёзма матни 1926 йили шарқшунос Х.М.Мжик томонидан Лейпцигда нашр қилинган. Китобни ўзбек тилига А.Аҳмедов таржима қилиб, илмий шарҳлар билан 1983 йили чоп этган.

“Худуд ул-олам”. “Худуд ул-олам” форс тилида ёзилган (982 й.) биринчи жуғрофий характердаги асардир. Китобнинг тўла номи “Худуд ал-олам мин-Машриқ илал-Мағриб”дир (“Шарқдан Ғарбга қараб жойлашган мамлакатларнинг чегаралари”). Асар муаллифи номаълум. У Гузноно (Афғонистоннинг шарқи-шимолий қисмида жойлашган қадимий вилоят) ҳокимлари (Фаругинийлар)дан бирига атаб ёзилган. Китобнинг ягона қўлёзма нусхаси шарқшунос А.Г.Туманский (1861-1920 йиллар) томонидан 1892 йили Бухорода топилган. “Худуд ул-олам” асари муқаддима ва 59 бобдан иборат. Унинг 1-7 бобларида ернинг тузилиши, денгизлар, ороллар, тоғлар, дарёлар, чўлу биёбонлар ҳамда дунёнинг инсон яшайдиган тўртдан

бир қисми – рубъи маскун ва унда истиқомат қилувчи халқлар, рубъи маскуннинг мамлакат ҳамда вилоятларига тақсимланиши ҳақида умумий мулоҳаза юритилади. 59-бобида шарқдан ғарбга қараб жойлашган мамлакатлар, уларнинг халқи, ўша мамлакатларда ишлаб чиқариладиган асосий матолар, айрим ўринларда эса савдо-сотиқнинг умумий аҳволи хусусида сўз боради. “Худуд ул-олам” асарида Марказий Осиё хусусан шаҳарлари, аҳолиси ва уларнинг машғулоти ҳақида қимматли маълумотларни учратамиз. 1983 йилда асарнинг тожикча нашри амалга оширилган. Ушбу китоб форс тилидаги илк тарихий-жуғрофий манба сифатида жуда қимматли асар ҳисобланади.

Шарқий Туркистон ва Тибет халқининг қадимги давр тарихи тарихшунослиги. Шарқий Туркистон ва Тибет халқининг қадимги асрларга оид тарихини ўрганишда Б.В.Юсовнинг “Тибет” асари муҳимдир. Унда Тибет ҳақида умумий тушунча берилган, шунингдек, географик ўрни қисқа баён этилган. 1951 йил 23 май Тибет халқининг ҳаётида тарихий кун ҳисобланади. Манбалардан бирида айтилганидек: “Шу куни Тибет халқи тарихида узоқ вақт давом этган зулматли тунлардан кейин порлоқ кун бошланди”. Хитой Марказий халқ ҳукумати билан Тибет маҳаллий ҳукумати томонидан Пекинда имзоланган битим натижасида Тибетни тинч йўл билан озод этиш масаласи ҳал қилинди. Бу битим Тибетда империалистик жабр-зулмни узил-кесил йўқ қилди ва Тибет халқининг Хитой Халқ Республикаси халқларининг улуғ оиласига қайта бирлашишига имкон берди. Бундай биродарларча бирлашишга Хитой халқи империалистик ҳукмронликни, майда миллатларни эзиш ва Хитойдаги халқлар ўртасида парокандалик сиёсатини амалга ошириб келган сотқин Чан Кай-ши тўдаси ҳукмронлиги ағдариб ташлангандан кейингина эришилди. Асарда Тибет давлати тарихи ҳақида қисқа ва лўнда маълумотлар бериб ўтилган.

Мулло Муҳаммад Иброҳим Фанаҳий. Муаллифнинг “Шарқий Туркистон тарихи” асарида Шарқий Туркистон тарихи, жумладан, турли ҳукмдорлар, улар юритган ички ва ташқи сиёсат масалалари умумий тарзда

ўз ифодасини топган. Шу билан бирга, бу асарларда қисқа тарзда бўлса-да, Шарқий Туркистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларига оид айрим маълумотлар мавжуд. Асарда Шарқий Туркистоннинг алоқалари ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтилган.

А.Ходжаевнинг “Цинская империя и Восточный Туркестан в XVIII в” асарида XVIII асрда Шарқий Туркистоннинг ижтимоий, иқтисодий аҳволи ёритиб берилди. Шарқий Туркистон – Қўқон хонлиги (1709–1876)нинг шарқидаги, Ўрта Осиё билан Хитой ўртасида жойлашган ўлка. 1755-1759 йилларда Шарқий Туркистон Хитой империяси қўшинлари томонидан босиб олинган, Синьцзян (яъни хитойча «Янги чегара») деб юритила бошлаган. Тяньшань тоғи ушбу ўлкани географик жиҳатдан икки ҳудудга ажратиб туради. Тяньшань тоғининг жануби қисмини Қашқария – Олтишарҳар ёки етти шаҳар деб аталган. XIX асрнинг II ярмигача Фарбий Европа ва рус манбаларида «Малая Бухара» («Кичик Бухоро») деб юритилган. Тяньшань тоғининг шимолий қисми жунғор қабилалари яшаганлиги учун Жунғория деб аталади. Асосий аҳолиси уйғур ва дунганлар ҳисобланади. Асосий шаҳарлари Қашғар, Ёркенд, Хўтон, Учтурфон, Гулжа, Урумчи ва бошқалар. Ҳозирда ХХР нинг Цинсзян –Уйғур автоном тумани деб юритилади.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. «Авесто» ҳақида қандай тушунчага эгасиз?
2. «Авесто» китоби ҳақида ким биринчи бўлиб илмий тадқиқот олиб борган?
3. «Авесто» китоби тарихшуносликда қандай аҳамият касб этади?
4. «Авесто»нинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни қандай?
5. Кир II нинг массагетлар ерига ҳужуми қачон бўлди, массагетлар ҳукмдори ва бу ҳақда маълумот берувчи тарихчи ким?
6. А.Македонский босқинига бағишланган асарларни тавсифлаб беринг.

7. “Қадимги авторлар Ўрта Осиё ҳақида” номли тўпламдаги асарларнинг юртимиз тарихи тарихшунослигидаги ўрнига баҳо беринг.
 8. Қадимги даврни қандай изоҳлайсиз?
 9. Қадимги Хоразм ва Бақтрия ҳақида қайси ёзма манбалар маълумот беради?
 10. Қанғ давлати тарихшунослиги бўйича тадқиқот олиб борган олимлар ҳақида гапириб беринг.
 11. Қанғ давлати Хитой манбаларида қандай номланади?
-
-

3-МАВЗУ. VI-XII АСРЛАРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: Эфталитлар тарихига оид манбалар ҳақида тушунча ҳосил қилиш, бу манбаларда қарама-қаршиликлар мавжудлигини билдириш. Турк ҳоқонлигини ўрганишда туркишуносларнинг ҳиссасини ўргатиш, Араб тарихшунослиги билан таништириш, ат-Табарийнинг "Таворихи Табарий", Наршахийнинг "Бухоро тарихи" ва Берунийнинг "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар каби асарларни шарҳлаш, бу асарларнинг Ватанимиз тарихининг илк ўрта асрлар даврига оид муҳим манба эканлигини тушунтириш.

Таянч сўз ва иборалар: Эфталитлар тарихи, Турк хоқонлиги, моддий ва маънавий маданият, шарқшунослик, Жомеъ ас-Саҳиҳ, ат-Табарий, ал-Беруний, Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар, "Хронология", Мусулмон уйғониш даври, "ренессансизм", Христианлик, Адам Мец, «Осор ул – боқия».




Тарихий адабиётларда Эфталитлар даври ва Турк хоқонлиги тарихининг ёритилиши

V аср ўрталарида Эфталитлар давлати шаклланиши охирига етди. Эфталитлар даври бўйича асосий манбалар римлик тарихчи Аммиан Марселин (IV аср), византиялик тарихчи Приск Панийский, Прокопий Кесарийский ва Феофан Византийский асарларидир. Суриялик ёзувчи Зеноб Глакнинг "юнонча" ёзилган "Эфталит подшоҳлари тарихи" асари ҳам асосий манба ҳисобланади.

Эфталитлар тарихи билан шуғулланувчилар кўпчиликни ташкил этсада, уларнинг этник таркиби, табиати ҳақида нуқтаи назар мавжуд эмас. Эфталитлар турли тилларда турлича номланади: китобларда йе-да ёки и-да, арманларда хептал, идал, тетал, арабларда – хайтал, яфтал, юнонларда – адел,

эфталит, сурия манбаларида – абдел, эфталит, ўрта форс тилидаги манбаларда – ефтал, хефтал, тожик-форс тилидаги манбаларда – хетал, хайтал.

Хитой манбаларда эфталитларнинг келиб чиқиши хақида жуда кўп тахминлар бор, лекин улар бир-бирига қарама-қаршидир.



Юқоридагилардан кўриниб турибдики, эфталитларнинг келиб чиқиши ва сўзнинг маъноси тўғрисида тарихчилар ўртасида ягона фикр йўқ.

VI аср ўрталарига келиб Марказий Осиёда йирик кўчманчилар давлати – Турк хоқонлиги таркиб топди. Бу даврга оид маълумотлар етарли, бироқ улар бир-бирига қарама-қарши ва аниқ маълумотлар бермайди. Ушбу даврга оид воқеалар Табарийнинг "Тарих ар-расул ва-л мулк" асаридир, Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асрида ҳам баён этилган.

Турк хоқонлиги билан боғлиқ баъзи масалалар И.Бичурин, В.Бартольд, А.Якубовский, А.Бернштам ва бошқа олимлар асарида баён этилган. Турк атамаси этник мазмунни англатмай, бир неча қabila ва халқ бирлашувини билдирувчи сиёсий атама саналган. С.П.Толстой "Турк" сўзи "ёш, уйланмаган жангчи" маъносини англатади дейди. Бу сўз қabila анъаналари ва ниҳоят сиёсий жихатдан бирлашган халқларнинг умумий номига айланган.

Ёзув инсоният тарихида муҳим аҳамият касб этган. Ёзма ёдгорликлар ҳам инсоният тарихида ўзига хос ўрин тутди. Туркий халқлар тарихини ўрганишда ёзма манбалар, улар орасида Ўрхун дарёси қирғоқларидан топилган ёзувлар муҳим манба вазифасини ўтайди. Бу битикларни – ёзувларни ўқиш даниялик олим Вильгельм Томсон ва россиялик олим В.В.Радловлар зиммасига тушди.

1893 йилнинг охирида В.Томсон Ўрхун дарёси қирғоқларидан топилган ёзувларни ўқиганлиги ҳақида Дания қироллиги ФА йиғилишида ахборот берди. Томсондан кейин Радлов ҳам 1894 йил 19 январда Россия ФА йиғилишида Култегинга бағишланган битиктошни ўқиганлиги ҳақида маълумот берди. В.Томсон ва В.Радловлардан кейин битиктошларни турли тилларга таржима қилиш ва нашр этиш ишлари билан М.П.Мелиоранский, С.Е.Малов, И.В.Стеблева шуғулландилар. Бу борада ўзбек олимларидан А. Фитрат, О.Шарофиддинов, А.Қаюмов, Т.Салимов, Ғ.Абдурахмонов, А.Рустамов кабиларнинг хизмати катта.

Юртимиз тарихини ўрганишда Хитой манбаларининг ҳам аҳамияти катта. Милoddан аввалги II асрда яшаган хитой олими ва тарихчи Сима Цян ўтган давр давомида битилган ва сақланиб қолган хотираларни жамлаш ва ўрганиш асосида ўзининг машхур «Тарихий хотиралар» номли асарини ёзган. Шундан сўнг Хитойда тарихий асарларни ёзиш тез ривожланди. Милодий 319 йилдан бошлаб тарихшуносликка оид асарлар ҳам вужудга келган. Хитойда яратилган «Эрши сиши» (24 тарих) асари 3,5 минг йиллик тарихий воқеаларни ўз ичига олади. 24 та тарихий асар хоқонлар назорати остида битилганлиги учун унинг ўзига хос камчиликлари мавжуд. Масалан, айрим воқеаларни баён этишда ва уларга баҳо беришда ҳукмрон сулола манфаати устун қўйилган, ўзгаларнинг нуқтаи назари, манфаати ҳисобга олинмаган. Бу манбаларнинг Туркистон тарихи учун бениҳоя аҳамияти – булардан бошқа манбаларда учрайдиган маълумотларнинг мавжудлигидир.

Туркистон тарихи билан боғлиқ хитой манбаларини ўрганишда ва таржима қилишда Россия олимлари ичида Н.Я.Бичуриннинг хизмати бениҳоя

катта. Ўзбекистонда Хитой манбаларини ўрганиш бўйича А.Хўжаевнинг тадқиқодлари муҳим аҳамиятга эга. Турк хоқонлиги тарихи рус олими Л.Н.Гумилёвнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Айниқса, унинг “Қадимги турклар” асари бу борада йирик тадқиқот ҳисобланади. Ўзбек олими Насимхон Раҳмон «Турк хоқонлиги» асарида турклар тарихи, ёзувлари, афсоналари ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Араблар босқини ва Марказий Осиё халқларининг истилочиларга қарши кураши тарихшунослиги

Моддий маданият қуролларининг пайдо бўлиши инсонлар ҳаётига қанчалик катта таъсир кўрсатган бўлса, қўлёзма ва босма китобларнинг пайдо бўлиши ҳам инсоният маданияти тараққиётига шунчалар катта таъсир кўрсатди. Марказий Осиё халқларининг Араб халифалиги таркибига кириши арафасидаги ва ундан кейинги аҳволи ҳақида гап борганда, сўзсиз арабча, форсча ва қадимги туркий-руний ёзувларига мурожаат қиламиз. Тарихда уч жойдан Марказий Осиё тарихига оид ҳужжатлар архиви топилган. Ҳозирги Туркменистоннинг Нисо шаҳрида – Парфия давлати (мил.авв. I аср) ҳужжатлари, Тупроққалъа (III аср) – Хоразм давлати ҳужжатлари, Муғ тоғи (Самарқанд) – Сўғдиёна ҳужжатлари (VII аср) топилган.

Марказий Осиё тарихидан далилий ашёларга бой маълумотларни ўрта асрлар яшаган муаррих Табарий асарларидан, шу асарнинг Балъамий тузган форсча-тожикча нусхасидан, жаҳоншумул қомусий олим Беруний асарларидан топиш мумкин. VII аср бошида йирик араб давлати ташкил топди ва бу давлат босқинчилик юришлари натижасида жуда катта ҳудудни, жумладан Мовароуннаҳр ва Хоразмни босиб олди. Араблар босқини ва ҳукмронлигига оид адабиётларнинг катта қисмини араб тарихшунослиги ташкил этади.

Араб тарихшунослиги тўғридан-тўғри фольклор (халқ ижоди) ва адабий анъаналари, шунингдек, илоҳиёт – Қуръон анъаналари билан узвий боғлиқдир.

Табарий, Наршахий асарларини тарихшунослик юзасидан таҳлил қилишга ўтишдан аввал ислом динига оид бир масала устида тўхталиб ўтиш лозим. И.Холиқов, Б. Шамсуддинов ва А.Ирисовларнинг таъкидлашича, имом Исмоил Бухорий, Абу Исо ат-Термизий, Абу Довуд Сижистоний, Аҳмад ан-Насавий, ибн Мадж ал-Қазвиний ва бошқа муҳаддислар тўплаган ҳадислар бир ярим миллионга етади. Булардан Имом Исмоил ал Бухорийнинг “Саҳиҳ” тўплами мўътабарлиги жиҳатидан “Қуръон”дан кейинги, яъни иккинчи ўринда туради. Гап шундаки, ал-Бухорий жаҳонга танилган буюк муҳаддис бўлибгина қолмай, ўз замонасининг атоқли тарихчиси ҳам эди. Унинг “Жоме ат-таворих” асари кичик тарих, ўртача ва катта тарих деб номланувчи уч қисмдан иборат. Исмоил Бухорийнинг 1974 йилда топилган “Кичик тарих” ва “Ўртача тарих” китоблари А.Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг Шарқ қўлёзмалари фондида сақланмоқда. Аммо бу асар ҳам тадқиқотчиларга унчалик маълум эмас. Марказий Осиёнинг X-XI асрлардаги тарихи тарихшунослиги В.В.Бартольд, В.И.Беляев, Е.А.Беляев, А.А.Ромаскевич, И.Ю.Крачковский, Б.Ғафуров ва айниқса К.Броккелман, С.А.Стоу асарларида кенг ёритилган.

Табарийнинг машҳур асари “Тарихи ар-расул-вал-мулук” (“Пайғамбарлар ва мамлакатлар тарихи”) ёки “Таворихи Табарий” деб аталади. 963 йилда бу асарни Балъамий қайта ишлаб, форс тилига таржима қилди. “Таворихи Табарий”нинг таржимаси кўп нусхаларда кўчирилганлиги унинг шуҳрат топганлигини кўрсатади. Ат-Табарий ўз асарини ёзишда ўзидан аввал ўтган Абдул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад ал-Мадоинийнинг (В.В.Бартольднинг ёзишича, ҳижрий 215-225, милодий 830-840 йилларда вафот этган) асаридан кенг фойдаланган. Асар компилятив (аввалги тарихчиларнинг асарларига суяниш) хусусиятига эга. Аммо Ал-Мадоиний ўз ҳикоятларини, бошқа араб тарихчиларидан фарқли равишда, тарихий асарлардан кўра эпик халқ ижоди-достонларга ўхшатиб ёзган. Ўрта аср араб прозаси учун бундай ҳол табиий эди. Ат-Табарий араб тарихчиларидан биринчи бўлиб, тарихий воқеаларни аниқ тарихий далиллар асосида ёза

бошлаган. Араб тарихшунослигининг илк даври Ат-Табарийнинг «Тарихи ар-расул ва-л мулк» асари билан яқунланади. Мазкур асар – тарихий обидалар, тарихий ҳикоялар, фольклор, афсоналарни ўз ичига олган ислом олами – хижратнинг бошланғич асрларида яшаган халқлар тарихига доир энг мўътабар мажмуадир.

Араб тарихшунослигида, шунингдек, айрим минтақа, иқлим-давлатлар, мамлакатлар, шаҳарларнинг тарихига оид ўзига хос айрим тарихий-қомусий асарлар ҳам вужудга келди. Ана шундай асарлардан бири Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асаридир. Наршахий “Бухоро тарихи” асарида VIII-XII асрларда юз берган тарихий воқеаларни баён қилар экан, мусулмон тарихшунослиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ислом асослари ва фикҳни ҳимоя қилади. Шу туфайли халқнинг аҳволи ва араб босқинчиларига қарши ҳаракат (масалан, Муқанна бошчилигидаги халқ ҳаракати) қораланади. Маҳаллий задогонларнинг унга қарши ҳаракати маъқулланади. Аммо, шунга қарамай, VII-X аср тарихий воқеаларининг ҳолисона баёни уни қимматли манба даражасига кўтаради. Бусиз Марказий Осиё халқларининг араблар ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий аҳволига, кенг халқ оммасининг босқинчиларга қарши курашига баҳо бериш мушкул. Бу асарнинг форсий матни 1892, 1894, 1904 ва 1939 йилларда Париж, Бухоро ва Техронда чоп этилган. Китоб рус, инглиз ва ўзбек тилларига (1897, 1954, 1966 йиллар) таржима қилинган. “Бухоро тарихи”нинг ҳозирги тарихшунослик учун қимматли манба эканлиги шубҳасиздир.

Мусулмон уйғониш даврида Ўрта Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги

Мусулмон уйғониш даври ҳақидаги тарихий адабиётлар ва унинг Марказий Осиёга таъсири араблар тарихшунослигининг келиб чиқиши ва ғоявий-назарий асосларига кўра, энг аввало фольклор – адабий анъналар ва илоҳий Қуръон комплекси билан боғлиқ. Юқори айтиб ўтганимиздек, тарихга бағишланган рисоалар ислом жамоасининг сиёсий ва интеллектуал жиҳатдан фаол қисми ифодаланадиган фаолияти тарихи мавзуси билан

боғлиқ. IX асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ат-Табарийнинг “Тарих ар-расул ва-л-мулк” (“Пайғамбарлар ва шоҳлар тарихи”) асари билан тугалланган тарихшуносликнинг илк даври шаклланган эди.



• Тарихга бағишланган рисоалар ислом жамоасининг сиёсий ва интеллектуал жиҳатдан фаол қисми ифодаланадиган фаолият тарихи мавзуси билан боғлиқ.



• Бунга исломгача бўлган Арабистон ривоятлари, қадимги пайғамбарлар, Марказий Осиё, форс ва бошқа Шарқ подшо ва ҳокимларининг афсонавий тарихи ҳам қўшилди.



• Умуман ўрта аср араб мусулмон жамияти учун тарихан ўз-ўзини англашнинг тугалланган шакллари, ой тақвими бўйича йилни аниқ ҳисоблаш, тарихшунослик анъаналарининг авлоддан-авлодга ўтиши хос эди.

IX асрнинг иккинчи ярмига араб тарихшунослигида ягона ёки такрорланувчи ўзига хос асарлар ҳам вужудга келди. Улар жумласига ибн Қутайбанинг (889 йилда вафот этган) тарихий қомуси ва аш-Шабусарийнинг (998 йиллар атрофида вафот этган) христиан монастирлари тарихий топонимик маълумотларини киритиш мумкин. Одатда бир-икки жилдга жамланган ўта муҳим асарлар, асосан IX-XI асрларда яратилган. Бу китоблар “Машхур араб жуғрофиялари кутубхонаси”ни ташкил этган. Бу даврдаги саёхатнома, маъмурий-жуғрофий маълумотнома ва жуғрофий асарларда жуда бой тарихий-топонимик маълумотлар мавжуд. IX-XI асрларда яратилган асарлар “машхур араб жуғрофиялари кутубхонаси”ни ташкил этган. Ибн Хурдобехнинг (846-847 йиллар) умумжаҳон миқёсидаги жуғрофий асари, Ибн ал-Фақиҳнинг жуғрофий асари, Ибн Руста, ибн Фудлан, Масъудий, Истахрий, ибн Ҳавқал ва Мақдисийлар асарлари жуда муҳимдир. Шунингдек, номаълум муаллифнинг “Худуд ал-олам” жуғрофий асари ва Байрамнинг “Жаҳоннома” асари муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Араб жўғрофий адабиёти ва унинг аҳамияти ҳақида И.Ю.Крачковский бундай деб ёзган эди: “Испаниядан Туркистонгача бўлган мамлакатлар ва Ҳинд тоғи этакларидаги аҳоли масканларини аниқ санаб, чўл ва маданий жойларини тавсифлаб, маданий экинларнинг тарқалиш кўлами, фойдали казилмалар ўрнини кўрсатган ҳолда, физик-жўғрофий ва об-ҳаво шароитини, халқ турмуши, саноати, маданияти, тили, диний илмларини кўрсатган ҳолда (маълумотлар халифалик вилоятлари ҳудуди билан чегараланиб қолмасдан, балки грекларга таниш дунёдан анча четга чиқди) у шундай кенг, тугал маълумот берадики, унга ўхшашини бу даврда ҳеч қаерда топиб бўлмас эди”.

Машҳур шарқшунос Е.Бертельс Уйғониш даврининг ривожини ва унинг Марказий Осиёга таъсирини, энг аввало халқ оммасининг арабларга қарши тинимсиз кураши ва уларнинг араб ҳукмронлигига қарши олиб борган ижтимоий-сиёсий кураши натижасини билан боғлайди.

XIX аср иккинчи ярмида тарихчи Л.Ранке тарихий таҳлилнинг бутунлай янги усули ва илмий тадқиқотнинг янги услубини таклиф қилди. У тарихчининг шиори “Орқага – манбаларга!” бўлиши керак, деган хулосага келди. Бироқ унинг миллий чегараланганлиги ва европапарастлик руҳи шогирди Я.Букхард томонидан танқид қилинди. Я.Букхард инсониятнинг моддий ва маънавий маданияти тарихини ёритишни биринчи ўринга кўйишни талаб қилди. Унинг Италия уйғониш даври ҳақидаги асарлари машҳурдир. У “ренессансизм” оқимида асос солди. Оқимнинг кўзга кўринган вакилларида бири йирик шарқшунос олим, Мусулмон Уйғониш даврини ўрганишга кўп умрини бағишлаган Христиан Адам Мец (1869-1917) дир. А.Мец 1917 йил декабрида “Мусулмон Уйғониш даври” асарини тугатишга улгурмай вафот этди. Унинг шогирди Рекендорф китоб устида ишлаб, 1922 йили асар чоп этилди. А.Мецнинг асари 1973 йилда рус тилида нашр этилган. Китобнинг сарлавҳаси йўқ эди. Уни Мусулмон Уйғониш даври тарихи сифатида қабул қилиб келинди. Бу китобнинг арабча таржимаси араб дунёсида шов-шувга сабаб бўлди. Адам Мец мусулмон давлати маданий ҳаётидаги чуқур ўзгаришларни, унинг ҳаёти ва қадим замон маданиятига


ворислик белгиларини ёзган. В.Бартольднинг фикрича, Оврупо уйғониши ва Муслмон маданияти равнақи тушунчалари асосан бир-бирига ўхшаш, мос тушунчалардир. Шу боис ҳам китобни “Ислон дунёсидаги Уйғониш” деб аташ тўғри бўлади.

Муслмон тарихшунослиги бевосита шариат ва ислон ақидалари билан боғлиқдир. Муслмон олимлари тарихий воқеаларни ислон ақидалари, Аллоҳнинг қудрати ва қазои тақдир билан боғлайлилар. Қуръони Каримда айтилишича, инсон тирик экан, у Аллоҳнинг иродаси билан иш кўради. Тарихчи эса жамиятда юз берадиган воқеаларнинг сабабларини шариат қоидалари билан уйғунлаштириши зарур эди. Чунки ҳар қандай мантикий фикрлаш воқеаларнинг сабабини аниқашни тақозо этади.

Хусусан, **Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотут турк”, Ал-Утбий ва унинг “Тарихи Яминий”, Абдулфараж Қудама “Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба”, Байҳақийнинг “Тарихи Масъудий”, “Ибн ал-Асир Ал-комил фи-т-тарих”, Истахрийнинг “Китоб масолик вал-мамолик”** каби асарларда диний муҳит ҳам қисман акс этган.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғотут турк” асари. Асар муқаддима ва луғат қисмдан иборат бўлиб, Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётида алоҳида ўринни эгаллайди. Чунки унга олим дунё харитасини ҳам илова қилади ва Русдан (Кичик Осиё) то Хитой ҳудудларигача чўзилиб кетган ерларда яшовчи туркий халқлар тарихи, географияси, этногенези, урф-одатлари, турмуш тарзи, маданияти тўғрисида ғоятда қимматли маълумотларни беради. Асарда туркий қавм-уруғлар: кипчоқ, ўғуз, ямак, бошқирт, басмил, қай, ябоку, татар, қирғиз, чигил, яғмо, тухси, игрок, жару, жамил, уйғур, тангут, табғочлардан ташқари, яна форс, араб, хитой, рус халқлари ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шаҳарларда суғд-турк икки тиллилиги расмий ҳолат бўлганлиги Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» асарида ҳам қайд этилган. У ёшлик чоғида халқ жонли тилидаги сўз ва ибораларни, ҳикматли сўз, мақолларни астойдил ўрганди, уларни кунт билан ёзиб борди. Ҳар бир сўз, иборани шарҳлаш ва маъносини аниқлашга

интилди. Ана шу қизиқиш туфайли Махмуд Кошғарий туркий халқлар тарихи, тили, маданияти, урф-одатларини пухта ўрганиш мақсадида бутун Марказий Осиёни кезиб чиқди. Ўзи тўплаган бой далиллар асосида халқимизнинг буюк олими “Жавоҳирун наҳв фи луғати турк” («Туркий тилларнинг синтаксиси дурдоналари») ва «Девону луғатут турк» («Турк тилининг луғати») асарини ёзган. Махмуд Кошғарийнинг биринчи ёзган асари бизгача этиб келмаган ёки ҳали топилганича йўқ. Олимнинг иккинчи асари «Девону луғатут турк» 1074-1075 йилларда ёзилган. Бу ҳақда асарнинг ўзида қуйидаги фикрлар баён этилади: «Бу китобни ёзган йилимиз тўрт юз олтинчи олтинчи йилнинг муҳаррам ойида илон йили кирган эди». Бу нодир қўлёзма асар ҳозир Истанбулда сақланмоқда. «Девону луғатут турк»да туркий халқлар оғзаки ижоди ва ёзма адабиётига доир 300 дан ортиқ шеърӣ парчалар, мақоллар, ҳикматли сўзлар ва лавҳалар берилган. Олим ўз асарида туркий тилларга оид жуда кўплаб сўз бирикмалари, иборалар, талаффуз қоидаларини асослаб беради. Бу жиҳатдан мазкур асарни оддий луғат деб эмас, балки мукамал ишланган грамматик қўлланма сифатида қарамок лозим бўлади.



Биринчи бўлиб туркманлар ҳақида Абу Райҳон Беруний ўзининг қимматбаҳо тошларни ўрганишга бағишланган “Минералогия” китобида эслатиб ўтган ва туркман номининг этимологияси ҳақида ёзган. Хусусан,

унинг фикрича, ўғузларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кетиб, исломни қабул қилади ва шундан кейин туркман деб атала бошланади.

Ал-Утбий ва унинг “Тарихи Яминий” асари. Абу Наср ал-Утбий асарининг қўлёзма нусхалари кўп бўлишига қарамасдан, асар бир неча бор нашр этилган. Айниқса, «Тарихи Яминий»га бўлган қизиқиш XIX аср ўрталарида яна кучайиб, мазкур даврда асарнинг арабча нусхаси қайта-қайта нашр этилади. Жумладан, асарнинг Мавлавий Мамлук ал-Али ва А.Шпренгер томонидан тайёрланган дастлабки нашри 1847 йилда Дехлида чоп этилди. 1286 (1870) йилда Қоҳирада ал-Утбий тарихининг тўлиқ матни Шайх Аҳмад ал-Маниний томонидан тайёрланган тарихий-филологик шарҳи билан биргаликда (ҳошиясида) нашр қилинди. Шунингдек, «Тарихи Яминий» тўлиғича 1290 (1874) йилда тарихчи Ибн Ал-Асирнинг «Комил фит-тарих» асари X ва XI жилдларининг ҳошиясида Қоҳирада, ниҳоят, ал-Утбий асарининг олим Ҳамидуддин томонидан тайёрланган нашри 1883 йилда Лоҳурда чоп этилган.

«Тарихи Яминий» бошидан охиригача насрий “саж” услубида ёзилган бўлиб, шу тарзда яратилган дастлабки тарихий-биографик асарлардан ҳисобланади. «Тарихи Яминий» муқаддима ва қирқ беш боб (зикр)дан иборат. Асарда воқеалар жараёни аксарият ўринларда X асрнинг охири ва XI асрнинг биринчи чорагида Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихига маълум даражада алоқадор бўлган шахсларга бойлаб ҳикоя қилинади.

Абдулфараж Қудаманинг “Китоб ул-хирож ва санъат ал-китоба” асари. Мазкур асар Араб халифалигининг маъмурий бўлиниши, халифаликка тобе бўлган мамлакатлар ўртасидаги алоқа хизмати, солиқ ва молия тизимининг умумий аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар беради. Асарда Мовароуннаҳрнинг географик ҳолати ва унинг туркийзабон аҳолиси ҳақида ҳам муҳим далилий маълумотларни учратамиз.

Абулфазл Байҳақийнинг “Тарихи Масъудий асари. Анъанавий тарихий асарлардан яққол ажралиб турадиган “Тарихи Масъудий ” (“Масъуд тарихи”) асарининг муаллифи Абулфазл Муҳаммад ибн ал-Хусайн ал-котиб

ал-Байхақийдир (995-1077). Абулфазл Байхақий “Зийнат ул-китоб” (“Китоблар зийнати”), “Тарихи оли Махмуд” (“Махмуд хонадонининг тарихи”) ёки “Жомиъ фи тарихи оли Сабуктегин” (“Сабуктегин хонадони тарихидан ҳикоялар мажмуаси”) номли асарлари билан машҳур. “Тарихи Байхақ” (“Байхақ (вилояти) тарихи”) асар муаллифи Абулҳасан Али Байхақий XII асрнинг иккинчи ярмида ўтган ва кўпинча ибн Фундуқ номи билан машҳур бўлган олимнинг маълумотига қараганда, Абулфазл Байхақийнинг “Тарихи оли Махмуд” (“Махмуд хонадонининг Тарихи”) асари 30 жилддан иборат бўлган. Лекин, бу улкан асарнинг фақат олтинчи жилдининг иккинчи қисми 7, 8, 9-жилдлари ҳамда 10-жилдининг бир қисми етиб келган, холос. Бу қисмлар Султон Масъуд (1030-1041) даври тарихини ўз ичига олади ва “Тарихи Масъудий” номи билан маълум ва машҳур.

“Тарихи Масъудий” асарида, бошқа тарихий китоблардан фарқли ўлароқ, муаллиф ўзи кўрган ва ишончли кишилардан аниқлаган маълумотларни келтирган, шунингдек, ҳукумат маҳкамаларида сақланган расмий ҳужжатлар асосида ҳамда маиший тафсилотларга ҳам алоҳида эътибор берилган. Асарнинг далилий маълумотларга бойлиги, воқеаларнинг кенг ва атрофлича баён этилиши, зўр бадий маҳорат билан ёзилганлиги уни бошқа тарихий асарлардан ажратиб туради. Китобда, асосан Султон Масъуд даврида ғазнавийлар салтанати ижтимоий-сиёсий аҳволига кенг ўрин берилган. Бундан ташқари, асарда Саффорийлар, Сомонийлар, Салжуқийлар тарихига оид муҳим маълумотлар ҳам бор. Айниқса, ғазнавийлар билан Хоразм, Салжуқийлар ҳамда Қорахонийлар давлати ўртасида бўлган сиёсий муносабатлар тўғрисида қимматли маълумотлар кўп.

“Тарихи Масъудий” асарининг форсий матнини У.Морлей Калькуттада 1861 йилда, Техронда эса Аҳмад Пешаворий 1886 йилда, Саид Нафисий 1941-1954 йилларда, Ғани ва Фаёз 1945 йилда чоп этганлар. Унинг арабча таржимаси Қоҳирада Яҳё Қашшоб ва Содик Нишот томонидан нашр этилган.

“Тарихи Масъудий” асарининг русча таржимаси тадқиқот ва зарур изоҳлар билан манбашунос олим А.К.Арендс томонидан Тошкентда 1962 йилда ва Москвада 1969 йилда эълон қилинди. Китобнинг X-XI аср тарихини ўрганувчилар учун манба сифатидаги аҳамияти жуда катта.

Ибн ал-Асир Ал-комил фи-т-тарих. Бу асар муаллифи араб тарихчиси Иззуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (1160-1234) бўлиб, у кўпинча Ибн ал-Асир номи билан машҳур. Бу асар 12 жилддан иборат бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар йилма-йил, хронологик, яъни давр тартибида баён этиб берилади. Асарнинг VII-XII жилдлари мустақил, алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, 924-1231 йиллар орасида Шарқ мамлакатлари, шунингдек Мовароуннаҳрда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Ушбу китоб асосан қўлёзма манбалар, шунингдек тарихни яхши билган кишилар берган ахборотлар ҳамда муаллифнинг шахсий кузатишлари давомида тўпланган бой ва фактик материал асосида ёзилган. Асар Хивада тўлиқ ҳолда ўзбек тилига Муҳаммад Раҳим соний даврида Нурилло Муфтий, Муҳаммад Шариф охунд томонидан таржима қилинган бўлиб, Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида унинг 13 та қўлёзмаси сақланмоқда.

Истахрийнинг “Китоб масолик вал-мамолик” асари. “Китоб масолик ул-мамолик” 20 бобдан иборат географик асардир. Унда мусулмон мамлакатлари (Арабистон, Мағриб, Миср, Сурия, Ироқ, Эрон, Мовароуннаҳр), шунингдек, Ҳиндистоннинг чегаралари, иқлими, маъмурий бўлиниши, машҳур шаҳарлари, уларга олиб борадиган йўллар, аҳолиси ва унинг машғулотли, машҳур кишилари, савдо-сотик ва бошқа масалалар баён этилган.

Мусулмон тарихчилари бу мураккаб вазиятда ўзига хос йўл топдилар. Улар воқеаларнинг келиб чиқиш сабабларини баён этиб, бу сабаблар ҳам Аллоҳнинг иродаси эканлигини эътироф этдилар. Аллоҳ-таоло лозим топса, шу воқеаларни бошқа изга буриб юбориши ҳам мумкин. Мусулмон

тарихчилари кўп ўринларда «Қуръон» суралари ва оятларга асосланади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, ислом таълимоти Арабистондан ташқари мамлакатларга ёйилган пайтдан бошлаб тарих фани сезиларли даражада ривожланди.

Абу Райҳон Беруний тарихий асарларининг мусулмон тарихшунослигидаги ўрни

Ўрта асрда етишган буюк қомусчи олим Абу Райҳон Беруний тарих, фалсафа, фалакиёт, маъданшунослик ва бошқа фанлар бўйича 152 дан ортиқ илмий асар муаллифидир. Араблар истилосидан кейин Марказий Осиё халқларининг қадимий маданияти инқирозга учради, завоқ топди, аммо янги шароитларда бу халқлар янада юксак илм-фан ва маданиятни яратдилар.

Берунийнинг ҳаёти ва ижоди учун мураккаб бўлган шароитни Марказий Осиёда ҳукм сурган феодализм шароитидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаёт мураккабликларидан ажралган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Сарсон-саргоардонлик қомусчи олимнинг қисматига айланган эди. Ёш Беруний 998 йили Каспий денгизининг жанубий соҳилидаги Журжон ҳокими Қобус ибн Вушмагир ўз ҳузурига таклиф қилади. Беруний Вушмагир ҳузурдаги қайтгандан сўнг ўзининг тарихий асарларидан бири – «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ул-боқия») асарини ҳокимга бағишлайди.

Тарихшунослик фани Берунийнинг тарихий дунёқарашига доир маълумотга эга эмас. Бизнинг таҳлилимиз шу масалага бағишланади. Берунийнинг кўпдан-кўп илмий ишлари орасида «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» тарихий рисоласи алоҳда ўрин тутади. У 5 йилдан ортиқ Журжонда яшайди. Қобус саройида яшаб турган Ғилон ва Табаристон ҳокими Марзубон ибн Рустам таклифи билан тарих фанида қисқа «Хронология» номи билан машҳур бўлган «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» рисоласини ёзади. Асар муқаддимаси кун ва тун нима, уларнинг мажмуи ва бошланиши, ой, йил ва милодларнинг моҳияти, бу масалада халқларнинг тафовутлари, халқларнинг подшо ва ҳокимларга

муносабати, Зулқарнайн деган шоҳ ҳақида, бир милоддан иккинчи милодни чиқариш, хронологик туркумлар, сохта пайғамбарлар ва адашган халқлар, форс, сўғд ва хоразмийларнинг байрам, қутлуғ кунлари ва ийдлари, яҳудийлар, сурёнийлар ва насороний халқлари, қадимги сеҳргарлик, сабийлар, араблар, шунингдек, исломга эътиқод қилувчи халқлар, арабларнинг жоҳилият давридаги байрамлари ва мусулмонларнинг нишонлайдиган кунлари ҳақида фикр юритилади.

*Тадқиқотчи олим **С.П.Толстов** ҳаққоний таъкидлаганидек, Беруний манбаларни ўрганишида вазминлик ва билимдонлик билан, танқидий ақл-мулоҳаза услуби асосида иш кўради. Манбаларга танқидий муносабат шубҳасиз унинг салафлари ҳам бор эди, аммо Берунийда манбаларни танқидий таҳлил қилиш тадқиқотнинг асоси шартига айланади. Ўзи тарихчиларни огоҳлантирган бир ёқламалик, тахмин ва ақидапарсликдан Берунийнинг ўзи ҳам халос бўлмаслиги табиий, аммо бу соҳада у ўзининг барча салафлари ва замондошларидан баланд туради.*

Беруний тарихий рисоаларининг кўпи йўқолиб кетиши сабаби ҳам эҳтимол шунда бўлса керак. У манбаларни шафқатсиз танқид қилади. Бу эса тарихий адабиёт истеъмолчилари – замондошларнинг кўпчилигига манзур бўлмаслиги мумкин эди. Берунийнинг “Хронология” ва “Осор ул-боқия” рисоласи анъанавий ислом дунёси тарихшунослигида одат бўлган шоҳлар ва қаҳрамонлар фаолияти, сиёсий воқеалар ўрнига халқлар маданияти тарихи, уларнинг урф-одати ва феъл-атвори масалаларини ёритишга эътибор беради. Шунинг учун тарихчилар «Ёдгорликлар»га тарихий-этнорафик тадқиқот сифатида ҳам қарайдилар.

Абу Райҳон Беруний 27 ёшида ёзган бу асарда аллома ўзининг ҳаётий кузатувлари асосида юнонлар, римликлар, форслар, суғдийлар, хоразмийлар, яҳудийлар, араблар ва бошқа халқларнинг йилнома (календарь) тизимларини бир-бирига таққослаб, уларнинг келиб чиқиш тарихини таҳлил қилиб беради.

Бу асарда яна Туронзамин халқларининг тарихи, урф-одати ва маданиятига оид масалалар ҳам ўз ифодасини топган. Берунийнинг “Осор ул-боқия” асари тарихчилар томонидан катта қизиқиш билан ўрганилган. “Осор ал-боқия”ни 1957 йилда марҳум арабшунос олим М.А.Сале биринчи марта рус тилига таржима қилди .

Таржима жараёнида В.Захау нашр этган арабча ва инглизча нусхадан, Ленинград қўлёзмаси ва қисман Истамбул қўлёзмасидан фойдаланган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, рус тилига қилинган таржима айрим нуқсон ва камчиликлардан холи эмас. Баъзи ўринларда бутун жумлалар тушиб қолган, баъзан эса чалкаштириб юборилган. Таржимон қўлида Истамбул қўлёзмасининг фотонусхаси мавжуд бўлишига қарамай, ундан тўла фойдаланмаган. Русча таржима С.П.Толстов ва В.П.Шегловларнинг сўз бошиси билан бошланади. Таржимага М.А.Сале тузган илмий изоҳлар ҳам илова қилинган. Россияда бу қимматбаҳо асар билан ўз вақтида академик И.Ю.Крачковский қизиққан эди. У ўзининг «Араб қўлёзмалари устида» номли машҳур асарида 1910 йилларда Петрограднинг Осие музейида сотиб олинган XIII асрга оид қўлёзма билан қизиқгани, бундан Захау нусхасини тўлдирадиган ўринларини кўчириб олгани ва буларни нашрга тайёрлашни мўлжал қилиб қўйганини эслатиб ўтади. Лекин И.Ю.Крачковский буни амалга оширишга муяссар бўлмади. У ўзининг «ал-Беруний ва Шарқнинг XI асрдаги географлари» номли асарида «Ёдгорликларга» жуда юксак баҳо беради ва бу китоб ҳақида қимматли фикрларни айтиб ўтади.

Берунийнинг тарихий тадқиқот усули, айниқса бу усулнинг ислом маданияти фанидаги ўрни, Қуръони Карим, ҳадис-у шарифлардаги асослари, қадимги ва ўрта асрлардаги тарихий тадқиқот усулларида кескин фарқ қилиши алломанинг илмий-тарихий тадқиқот усулларидаги тизим, янгилик Заки Валидий Тўғоннинг «Тарихте усул» китобида илк мартаба 1950 йилларда ўртага қўйилган ва ўрганилган. Ғарбдаги тарихни талқин этиш ва методологик ёритишнинг тарихи бўлганидек, Шарқда ҳам тарихни талқин этишнинг ўз тарихи бордир.

Илк мусулмонларнинг тарихни тушуниш ва талқин этишлари асосан, илоҳиёт таъсирида шаклланган ва шунинг учун бу илмий тарих эмас, асосан эртак, афсона, ривоят, дoston, жуда нари борса, хронологик баён, сулолаларнинг қаҳрамонлик ишқий саргузаштлари доирасида қолаверган эди. Ҳадис, ривоятларнинг танқидий таҳлил қилиш усули Табарий каби олимларнинг тарих ривоятчилиги тизимидан таъсирланишларига олиб келди. Ҳозирда ўзбек олимлари ҳам, жумладан, Имом ал-Бухорий яратган ҳадис илмидаги танқидий усул тарих илми усулининг шаклланишига сабаб бўлганлиги тўғрисидаги хулосани айтмоқдалар. Беруний тарих фалсафаси муаммоларини ёритишда гўё позитивистлар ва иқтисодий омилларга урғу қилувчи материалистларга яқин кўринса-да, унинг тарихга ёндашиши, биринчи навбатда инсонийлик таъсирининг кучайиб боришини ҳал қилувчи сабаб деб билувчи ёндашишдан иборат. Иккинчидан, Беруний, ўрта аср диний, илоҳиёт, тарих фалсафасидаги узлатчилик, тақдирчилик нуқтаи назаридан, балки инсон ақл-иродаси кучига тўла ишонч нуқтаи назаридан тарихга оптимистик ёндашган.

Учинчидан, Ф.Ницше, А.Шопенгауер, О.Шпенглер ва бошқа Ғарб тарихчи, мутафаккирларидан фарқли ўлароқ, Беруний тарих инсониятнинг келажагини фақат тақдири азалдан боғлаб қўйилмаган, балки инсониятнинг истиқболига умид билан қараган, тарихий тараққиётнинг илғор йўли, бунинг қонун ва қонуниятларини эътироф этган.

Беруний, айниқса, ибн Халдуннинг «Тарих фалсафаси усули ва принциплари», ҳозирги Ғарб тарихчи олимларига, шу жумладан, А.Тойнби каби забардаст тарихчиларга сезиларли таъсир кўрсатган.

Берунийнинг ўз замонаси ижтимоий тараққиёти, илм-фани даражасидан илгарилаб кетганлигининг боиси шундаки, тарих илмини оддий хронологик қайдлар тарихидаги қизиқарли сиёсий-ҳарбий, жангу-жадал, суронли воқеалар ҳақидаги мароқли ва ибратли фан, панд-насихат манбаси эмас, балки муттасил юксалиб борадиган жамият ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий-ахлоқий жиҳатлари ва

конуниятлари мавжудлигини очиб берувчи жиддий илм-фан соҳаси сифатида тушунишга эриша олганлигини кўрамиз. Бу жиҳатдан Берунийнинг тарихий тафаккур ва тадқиқот усуллари XIX – XX асрлардаги «Тарих фалсафаси»нинг турли мактаблари, айниқса О.Контнинг позитивлик историософияси, Э.Дюркегеймнинг историософик социологияси, «Анналар» мактаби тарихий тафаккур ва тадқиқот усуллари билан ҳамоҳангдир.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Эфталитлар тарихи бўйича маълумот берувчи манбаларни сананг.
 2. Эфталитлар хитой, юнон, арман манбаларида қандай аталганини аниқланг.
 3. Қадимги турк ёзувига оид ёдгорликларни кўрсатинг.
 4. Шарқшуносликда бу даврга оид қандай асарлар мавжуд, улар ҳақида фикр билдиринг.
 5. Араблар истилоси ва унга қарши кураш тарихи ҳақида маълумот берувчи асарларни ажратиб кўрсатинг.
 6. Араб тарихшунослигининг ўзига хос қандай хусусиятлари мавжуд?
 7. Ат-Табарийнинг "Таворихи Табарий" ва Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарларининг тарихшунослигимизда тутган ўрнига баҳо беринг.
 8. Муқанна бошчилигидаги арабларга қарши кўтарилган кўзғолон қайси асарда ўз ифодасини топган?
 9. Абу Райҳон Берунийнинг тарихий асарларини айтинг. "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарига тавсиф беринг.
 10. Тарихий асарлардаги маълумотларни замондош олимларнинг илмий тадқиқотлари асосида таҳлил қилинг.
 11. Уйғониш даври деганда нимани тушунасиз? Мусулмон Уйғониш даврининг асосий омил ва манбалари нимада кўринади?
 12. Маъмун академиясининг илм-фан тараққиётидаги аҳамиятини баҳоланг.
-
-

4-МАВЗУ. ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОГЕНЕЗИ ВА ЭТНИК ТАРИХИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига бағишланган барча адабиётларни ёритиши. XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ёритишида олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиши. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласи билан шуғулланган тарихчи, этнограф, антрополог, лингвист ва бошқа соҳа вакилларининг қарашлари, фикрлари ва уларнинг моҳиятини очиб бериши, концепцияларини таҳлил қилиши, тавсифлаши. Совет даври олимлари, мустақилликдан сўнг нашр этилган маҳаллий тарихчи олимлар ҳамда хориж тадқиқотчиларининг тадқиқот ёндашувлари ҳақида маълумот бериши, зарур билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришидан иборат.

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек, этногенез, генезис, этник тарих, этнос, этник бирлик, этноним, уруг, қавм, қабила, элат, эл, халқ, миллат, этнография, этнология, этнографик маълумот, рус шарқишунослари, ўзбеклар, ўзбек халқи, ўзбек халқи шаклланиши, ўтроқ ва кўчманчи аҳоли, назария, метод, методология, илмий фикр, илмий қараш, илмий ёндашув, янгича ёндашув, концепция, илмий хулоса, таҳлил, тавсиф, тарихшунос, манбашунос, шарқишунос, Ўзбекистон Республикаси.



XX асрдаги етакчи олимлар (А.Ю.Якубовский, С.П.Голстов, Я.Ф.Фуломов, Ю.В.Бромлей, К.Ш.Шониёзов ва бошқалар)нинг йирик умумлашма асарларидаги назарий мулоҳазалар ва илмий хулосалар ҳамда этногенез соҳасида қарор топган илмий тушунчалар ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзуидаги адабиётларни ўрганиш ва тарихшунослик бўйича тадқиқот яратишда илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилади.

XIX аср давомида чоп этилган рус муаллифларининг Ўрта Осиёга бағишланган асарлари ўзбек халқи этногенезига оид масалаларнинг ёритилишига кўра бир-биридан фарқ қилади. Жумладан, Э.К.Миддендорф, Н.В.Хаников, А.Ф.Миддендорф, В.Наливкин, Н.П.Остроумов асарлари мазкур мавзуга бағишланган махсус илмий асарлар бўлмай, балки Ўрта Осиёга сафар қилган рус элчилари, сайёҳлари, мутахассисларнинг ҳисоботлари, сафарномалари, йилномалари, кундаликлари каби нашрлардан иборат. Мазкур муаллифлар орасида Н.В.Хаников каби шарқшунослар, академик А.Ф.Миддендорф каби олимлар ҳам бор эди, бироқ уларнинг барчаси подшо ҳукумати томонидан сиёсий топшириқлар билан расман юборилган бўлиб, уларнинг олдида Ўрта Осиёни ҳар жихатдан ўрганиш вазифаси қўйилган эди. Шу боис ушбу асарларда ўлканинг табиий-географик шароитлари, ер ости бойликлари ва уларни ишлаб чиқариш истиқболлари, йўллари ва транспорт воситалари, ҳукумати ва ҳукмдорлари, қуролли кучларининг аҳволи, хўжалик тизими ва унинг ишлаб чиқариши, аҳолиси ва ижтимоий муносабатлар, аҳолининг урф-одатлари ва миллий характери ҳақида маълумотлар йиғиндисини топамиз. Шу билан бирга, бу асарларда ўзбек этноси, уруғлари, этногенезига оид маълумотлар ҳам учрайди. Бу маълумотлар, Ўрта Осиёга нисбатан босқинчилик режаларини тузаётган подшо ҳукуматининг сиёсий мақсадларига мувофиқ йиғилган бўлса-да, бироқ улар рус тарихий адабиётида Ўрта Осиё ва унинг халқлари ҳақидаги илк маълумотлар эди. Бу туркум адабиётлар шу мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда ўзбек халқи тарихи нуқтаи назаридан кўриб чиқилди. XIX асрда яратилган адабиётларнинг бошқа бир қисми, гарчи улар ҳам саёхотномалар ва хотиралар тарзида ёзилган бўлса-да, ўзбек уруғлари ҳақидаги маълумотларнинг ҳолис ва эканлиги билан, ўзбек халқи этногенезига доир масалалар турли хил далиллар, ёзма манбалар асосида ёритилганлиги билан юқоридаги кўрсатилган адабиётлардан ажралиб туради.

Туркшунос В.В.Радлов асарлари, рус тарихий адабиётига илк бор кўп сонли хитой манбаларини олиб кирган таржимон ва тадқиқотчи Н.Я.Бичурин

асарлари, А.Гребенкиннинг мақолаларини ўзбек халқи таркибига кирган туркий қабилалар, уларнинг номлари, истиқомат қилган ҳудудлари ва ҳоказоларига бағишланган, илмий асосланган асар дейиш мумкин.

Айтиш мумкинки, XIX аср рус адабиёти турли характерда бўлиб, уларни ўрганиш ўзбек халқи этногенезига оид билимларнинг илк бор пайдо бўлганидан бошлаб қандай ривож топгани ва аср охирига бориб жиддий тадқиқотлар яратиш даражасига етганини кузатиш имконини беради.

XX асрнинг бошидан то 50-йилларигача нашр этилган илмий адабиётларга, аввало машҳур шарқшунос олим, академик В.В.Бартольднинг асарларини киритиш мумкин. Олимнинг Ўрта Осиё ва қўшни Шарқ мамлакатлари тарихи, маданияти, аҳолиси ҳақида тўпланган маълумотлари ва унинг ҳозиргача ўз илмий аҳамиятини йўқотмаган илмий меросини ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларини ўрганиш борасидаги илк аҳамиятли илмий манбалар дейиш мумкин.

Марказий Осиё халқлари тарихи, маданияти, шу жумладан, этногенези ва этник тарихи билан шуғулланган барча олимлар В.В.Бартольднинг форс, араб, хитой тилларидаги кўп сонли қўлёзма манбалардан фойдаланиб яратилган асарларини ҳозиргача четлаб ўтолмайдилар, аксинча, ўз тадқиқотларини унинг асарларини ўрганишдан бошлаб, ундаги маълумотлар билан таққослайдилар. В.В.Бартольднинг биз ўрганиб чиққан барча тадқиқотлари жумладан, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари ёритилган эллиқдан ортиқ асарларида илк ўрта асрларда туркий қабилалар ва уларнинг ҳудудий жойлашиши ҳақида маълумотлар берилади, ўзбек халқининг шаклланиш даври, қарлуқлар ва Қорахонийлар давлати, ўзбек, сарт, чигатой ва ҳоказолар устида илмий фикр ҳамда баҳс-мунозаралар юритилади.

Бошқа бир қатор йирик рус олимлари ҳам XX асрнинг 40-50 йилларида Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларини тадқиқ қилганлар. С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Н.Бернштам, Л.Б.Ошанин, А.А.Семёнов, Л.Н.Гумилёв ва бошқа олимларнинг

асарлари ёзма манбалардан ташқари, археологик қазилмалар ва антропологик тадқиқотлар асосида яратилганлиги сабабли ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласида махсус илмий асарлар ҳисобланади. Ушбу асарларда ўзбек халқининг аجدодлари қадим замонлар буён шу ерли маҳаллий этнослар асосида жуда кўп компонентларнинг ўзаро аралашуви натижасида давомли тарихий жараёнларда босқичма-босқич шакллангани исбот қилинади.

Ўтган асрларда хорижий ва совет даври тарихчи олимлари ўзбек халқининг этник тарихини XV – XVI асрлар деб чамалаб, айнан дашти кипчоқ ҳудудидан кўчманчи ўзбекларнинг Мовароуннаҳр ҳудудига кириб келиши билан боғлаганлар. Бундай фикр илмий асосга эга бўлмаган, Марказий Осиё халқлари тарихини мукамал ўрганмаган ҳамда татбиқ этмаган кишиларнинг ноилмий қарашлари эди. 1941 йилдан бошлаб ўзбек халқининг шаклланиши масаласи юзасидан А.Ю.Якубовский ўз рисоласида илмий асослар билан янгича ёндашувни очиб берди.

Ушбу мавзунинг назарий методологиясини ўрганишда 50-90 йилларда илмий фаолият кўрсатган олимларнинг тадқиқотларини киритиш мумкин. Мазкур асарларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларини ўрганишдан тортиб, уларнинг тадрижий равишда чуқурлаша бориши ва раванқ топишигача бўлган даврда бу борадаги илмий тафаккурнинг ривожланиш манзарасини кузатиш мумкин.

Я.Ғ.Ғуломов, К.Ш.Шониёзов, Б.А.Аҳмедов, И.Жабборов асарлари ёзма манбалар ва қисман археологик топилмалар асосида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ҳақида янги хулосалар келтирган бўлса, А.А.Асқаров, Ю.Ф.Буряков, Т.К.Ходжаев, К.Нажимов ва бошқаларнинг тадқиқотларида нафақат этногенез, балки этник тарих масалалари ҳам археологик ва антропологик тадқиқотлар асосида чуқур ўрганилган.

Ўзбекистонлик антропологларнинг изланишлари ўзбеклар этногенезини янада бойитди ва тарихчи, этнограф, археологларнинг тадқиқотларидаги хулосаларнинг ҳаққонийлигини исботлади. Бу туркум адабиётларига илмий ишда фойдаланилган, юртимиз мустақиллиги

шарофати билан таржима қилиниб, чоп этилган ва мустақиллик даврида яратилган барча манбалар ҳамда адабиётларни киритиш мумкин. Жумладан, Б.Аҳмедов таҳрири остида ўзбек тилида чиққан Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи” (Т.,1994) асари олимларнинг тадқиқотларидаги айрим мулоҳазаларга аниқлик киритиш имконини беради. Ҳасан Ато Абушийнинг П.Шодмонов таржимасида ўзбек тилида нашр этилган “Туркий қавмлар тарихи” (Т., 1995) номли асари ҳам биз ўрганаётган мавзу бўйича қизиқарли бўлган тадқиқотдир. Араб, форсий, туркий тиллар, рус ва европа халқлари тилларида ёзилган кўп сонли манбалардан фойдаланиб яратилган бу асар туркий халқларнинг қадим замонлардан то XX аср бошларигача бўлган тарихи, турк уруғлари, уларнинг номлари ва бўлинмалари, улар жойлашган худудлар, турли туркий халқлар таркибига кирган компонентлар, уларнинг келиб чиқиши, маданияти, этник хусусиятларини ёритишга бағишланади. Муаллифнинг: “Турк уруғлари қавми Турониянинг қабилабоши ва жуда эски уруғлар ва улуғ шуъбасидир. Турк халқи бу ерларнинг энг эски халқлари ва хожалари эди”, – деган сўзлари ҳозирги замон ўзбек олимларининг бошқа манбалар асосида чиқарган хулосаларини тасдиқлайди.

Ҳасан Ато Абушийнинг Туркистонда яшовчи қавмларда юксак маданият, илм-фан, давлатни бошқариш усулининг мукамаллиги, суғориш тизими ва ҳоказолар мавжуд бўлганлиги ҳақидаги сатрлари туркий халқларга нисбатан чуқур ҳурмат билан ёзилган ҳақиқат ҳисобланади. Ҳасан Ато Абушийнинг китоби биз ўрганаётган мавзуда яратилган рус ва ўзбек олимларининг маълумот ва хулосаларини тўлдириш ёки аниқлаш учун ишончли манба бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотда мустақиллик шарофати билан ўзбек тилида нашр этилган ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалалари ёритилган асарлар, шу жумладан Абулғози Баҳодирхон, Маҳмудхўжа Бехбудий, турк олимлари Заки Валидий Туғон (келиб чиқиши бошқирд миллатидан), Усмон Турон, уйғур тарихчиси Турғун Олмос ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланилди.

Мустақиллик даврида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид йирик асарлар қаторига академик А.А.Асқаровнинг қатор мақолалари ва илмий асарларини кириш мумкин.

Совет даврида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихининг ўрганилиши

XX асрнинг 40-йилларидан бошлаб рус тарихий адабиётларида, халқлар этногенези, шу жумладан ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларига эътибор кучайгани кузатилди. Бу борада 1942 йил 27-29 августда Тошкентда ўтказилган Ўрта Осиё халқларининг этногенезига бағишланган илмий сессия катта роль ўйнаган ва олимларнинг эътиборини халқлар этногенези муаммоларига аниқлик киритишга, бу муаммонинг назарий асосларини ишлаб чиқишга жалб этган эди. Ушбу сессия дастурига киритилган маърузаларни ва илмий мулоҳазаларни ўша даврнинг етук этнограф, тарихчи, антрополог ҳамда шарқшунос олимлари С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Н.А.Киселев, К.Б.Тревер, А.Д.Уделсов, Л.В.Ошанин, И.И.Умняков, Л.А.Масулевич ва бошқалар қилган эдилар.



Сессияда этногенез масалаларини ўрганадиган махсус фан тармоғи юзага келганлиги, бу муаммоларга янгича ёндашиш лозимлиги қайд қилинади ва бу муаммо айна бир вақтнинг ўзида турли соҳа мутахассислари уйғунликда тадқиқот олиб борганларидагина тўғри ҳал этилиши мумкинлиги таъкидланади. Бевосита ўзбек халқи этногенези билан боғлиқ бўлган маърузаларда этногенетик тадқиқотларнинг назарий асослари ёритилади.

С.П.Толстов Ўрта Осиё халқлари этногенезининг асосий муаммолари ҳақида маъруза қилиб бир қатор вазифаларни илгари суради. Олим Ғарб олимларининг метафизик назарияларидан воз кечишга ундаб, “ҳар бир халқнинг таркиби унинг бошланғич давриданок мураккаб бўлганлиги тан олингандагина этногенетик муаммоларни илмий асосда ҳал қилиш мумкин бўлади”, – деб таъкидлайди. Этногенезнинг асосий муаммоларини ҳал қилишни дастлаб халқ қарор топган ҳудудни тадқиқ қилишдан бошлаш лозимдир.

Мазкур йиғилишда “Антропологик далилар асосида Ўрта Осиё халқларининг этногенези” мавзусида маъруза қилган антрополог Л.В.Ошанин кўп йиллар давомида ўзбек ва тожик, тожик ва қирғиз халқларининг антропологиясини қиёсий ўрганиш натижасида ўзбек ва тожикларда (қозоқ ва қирғизларга қараганда) ўзига хос брахисефал европеоид ирқий тип мавжуд бўлганлигини таъкидлайди. Бу антропологик типга Л.В.Ошанин “Ўрта Осиё икки дарё оралиғи ирқий тип” деб ном беради. Шунингдек, Мовароуннаҳрда тил жиҳатидан туркийлашиш жараёни билан бир даврда тип жиҳатдан мўғуллашиш жараёни тожикларга нисбатан ўзбекларда кучлироқ ифодаланганлигини қайд этади.

Ушбу илмий анжуман иккинчи жаҳон уруши йилларида кенг тарқалган немис-фашист ирқчилик назариясига ҳам қаттиқ зарба берди. Маълумки, немис-фашист антропологи Ганс Гюнтер Ўрта Осиё ва унга қўшни бўлган мамлакатлар маданиятининг барчаси ўзининг кеиб чиқиши учун бу ерга кўчиб келиб жойлашган Марказий Германиянинг шимолий орийларидан миннатдор бўлишлари керак, деган ирқчилик назариясини

илгари сурмоқда эди. Ўрта Осиё аҳолисининг антропологик жиҳатдан ҳар томонлама ўрганилиши натижасида бу назария қатъий рад этилди.

1942 йилги Тошкент илмий сессиясидан кейин Ўрта Осиё халқлари этногенези ва этник тарихини тадқиқ қилиш янги босқичга кўтарилди ва бу муаммони ўрганишга ижтимоий фанларнинг етакчи арбоблари **С.П.Толстов, А.Ю.Якубовский, Я.Ғ.Ғуломов, А.Н.Бернштам, Л.В.Ошанин** ва бошқа илмий салоҳияти етук бўлган олимлар киришдилар.

Ўзбек халқи этногенези тўғрисида илмий асосланган асарлар яратган тарихчи олим Ўзбекистонда ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби А.Ю.Якубовский ҳисобланади. Унинг “Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида” номли асари нашрдан чиққанига эллик йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, ҳозиргача ўзбек халқи этногенези масаласи бўйича яратилган тадқиқотлар орасида жиддий асарлардан ҳисобланади. Муаллиф турли хил адабиётлар, қўлёзма манбалар ва археологик маълумотларни чуқур ўрганган ва таҳлил қилган ҳолда ўзининг илмий асосланган фикрларини баён қилади.

А.Ю.Якубовский ўзининг “Олтин Ўрда ва унинг қулаши” ва “Ўзбек халқининг юзага келиши масаласи ҳақида” номли асарларида мўғуллар истилоси даври тарихига тўхталиб, XIII асрдан бошлаб Мовароуннахрнинг Чиғатой улуси деб аталиши, мўғулларнинг туркий тилли аҳолининг маданий таъсирини қабул қилиш жараёни, XV – XVI асрда эса кўчманчи ўзбеклар ўзбек халқи таркибига сўнгги компонент сифатида қўшилганлари ва маҳаллий халққа ўз номларини бергани ҳақида фикр юритилади.

Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи мавзуси бўйича қатор илмий тадқиқотлар яратган шарқшунос олим А.А.Семёнов асарларида ўз аксини топган. Олимнинг “Шайбонийхон ўзбекларининг келиб чиқиши ва уларнинг таркиби масаласига доир” мақоласида ўзбеклар Олтин Ўрдадан келиб чиқмаганлар ва улар ўз номларини Олтин Ўрда хони Ўзбекхондан олганлари ҳам исбот қилинмаган, деган фикр ҳам илгари сурилади.

А.А.Семёнов ўзбек атамасининг Ўзбекхондан ҳам олдин бўлганлигини кўрсатиб, бу атаманинг Оқ Ўрдада пайдо бўлгани, Ўзбекхон эса бу даврда Кўк Ўрда (яъни Олтин Ўрда)нинг подшоси бўлгани ва кейинчалик ўзбеклар деб аталувчи кўчманчи қабилалар унинг ҳукмронлиги остида бўлмаганлигини қайд этади.

XX асрнинг 40-50 йилларида С.П.Толстовнинг Хоразмни археологик-этнографик жиҳатдан ўрганишга бағишланган экспедицияси, А.Ю.Якубовский раҳбарлик қилган суғд-тожик археологик экспедицияси, А.Н.Бернштамнинг Фарғона водийсида ва Еттисувда олиб борган археологик экспедициялари шулар жумласидандир. Бу изланишларнинг маълумотларини илмий умумлаштириш асосида мазкур олимлар Ўрта Осиё халқларининг қадимги маданияти ва этногенезига бағишланган жиддий илмий асарлар яратдилар. Археолог ва тарихчи олим, Ленинград университетининг профессори А.Н.Бернштам бир қанча қадимий археологик ёдгорликларни ўрганиш натижасида мил. авв. II минг йилликдан то милодий XV асргача бўлган ёдгорликларни даврлаштирди. Жумладан, унинг “VI – VIII аср Ўрхун туркларининг ижтимоий-иқтисодий тузуми” номли асарида туркларнинг келиб чиқиши, қадимги тарихи, Ўрта Осиё кўчманчи қабилаларининг ижтимоий тузуми ва хўжалиги атрофлича ёритилган. У Ўрта Осиё халқларининг маданияти, тарихи, санъати, этногенези, этник тарихи ва нумизматикасига оид 250 га яқин илмий асарлар яратди.

А.Н.Бернштам 1938-1941 йилларда “Чу водийси” деб номланган Еттисув археологик экспедициясида қатнашди ва бу водий ёдгорликларни тадқиқ қилди. Хусусан иккита шаҳар – Болосоғун ва Сариг харобаларида қазишма ишларни олиб борди. Археологик қидирувлар натижалари “1941 йилда Чу водийсининг тоғ этакларида ўтказилган археологик қидирувлар” номли мавзу остида тўпламда нашр этилди.

С.П.Толстов Хоразм маданияти ва тарихи ҳақида асарлар яратар экан, ўз фикрини ёрқин мақолалар билан, хусусан хоразмлик олим, математик файласуф Абу Райҳон Берунийнинг насл-насаби тўғрисида қизиқарли

маълумотлар келтириш билан ҳам исботлайди. С.П.Толстовнинг сўзларига кўра, Абу Райҳон Беруний – хоразмлик, хоразмликлар эса ўзбек халқи этник ядросининг асосий таркибига кирган муҳим қўшимчадир. Хоразмлик ўзбеклар қадимий ўзбекларнинг авлодларидирлар, демак, уларнинг маданияти барча ўзбекларнинг маданияти, қадимий хоразмликлар маданиятининг бевосита давомидир. Беруний ўзидан кейинги асрлар давомида ҳам фанлар ривожига ўз таъсирини ўтказган олим, бу эса ўз навбатида инсоният маданияти хазинасига ўзбек халқи аجدодларининг кўшган бениҳоя катта ҳиссасидир.

С.П.Толстов ўз асарларида Қанғ (Қанқа) подшолиги ва қанғлилар муаммоси устида ҳам тўхтаб ўтади. Олим аввал Қанғюй сўзи Авестодаги Қанғюй номининг айнан ўзидир, унда Хоразм номи яшириндир деган бўлса, кейинроқ Қанғни тўғридан-тўғри Хоразм деб атайти.

Шундай қилиб, С.П.Толстов узоқ йиллар давомида олиб борган археологик изланишларнинг натижалари ва улар асосида яратган асарлари билан Хоразм ўлкасида қадим ва ўрта асрларда турғун яшаб келган аҳолининг маданияти юксак даражага кўтарилганлигини, хоразмликлар йирик суғориш иншоотларини яратганлигини, бу даврда Хоразмда деҳқончилик тараққий этганлигини, хоразмликларнинг ўз тили ва ёзуви бўлганлигини ёритиб берди. Олимнинг тадқиқотларидан хоразмлик ўзбеклар мана шу қадимги аҳолининг авлодлари эканлиги ва уларнинг маданияти ўзбекларнинг маданияти эканлиги ҳақида хулоса келиб чиқади.¹

XX асрнинг 20-40 йилларида антропологик тадқиқотларнинг илмий асослари қайта кўрилиб, аралаш аҳолида ирқий типларни аниқлаш услуби ишлаб чиқилди ва антропологик тадқиқотлар дастурлари бир хил шаклга келтирилди.²

¹ Хошимова Д.Ф. Ватан тарихшунослигида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенезининг ўрганилиши (XIX аср ўргалари XX аср). дис. - Т. 1997. Б. 74.

² Abirov V.E. O'zbek xalqi etnogeneziga doir konsepsiyalar tahlili // o'quv-uslubiy qo'llanma. – Т.: «TDSH», 2019. 37-bet.

Ўзбек халқи этногенезини антропологик жиҳатдан ўрганишга киришган олимлар олдида қуйидаги масалалар турар эди:

1) ўзбек халқининг илк ўзаги ва унинг шаклланишида иштирок этган типларни ўрганиш;

2) ўзбек халқи илк ўзаги шакланган ҳудудни аниқлаш;

3) узоқ тарихий жараён давомида бу типнинг бошқа типлар билан аралашуви кузатиш;

4) ҳозирги замон типининг шаклланишида қандай типлар иштирок этганини кўрсатиш.

Антрополог олимлар Ўрта Осиё республикаларининг турли вилоятларида бўлиб, қирғиз, қозоқ, туркман, тожик ва ўзбеклар антропологияси бўйича жуда кенг миқёсда антропологик маълумотлар тўпладилар. 1926 йилда СССР Фанлар академияси томонидан антрополог В.В.Вишневский раҳбарлигида Ўзбекистонга экспедиция уюштирилди ва бу экспедиция давомида жуда кўп маълумотлар тўпланди, лекин улар нашр қилинмай қолди. Кейинги йилларда Ўрта Осиёда Москва университетининг профессори А.И.Ярхо иш олиб борди. У жуда кўп антропологик экспедициялар билан Ўзбекистон, Қозоғистон, Туркменистонда бўлди. Лекин А.И.Ярхонинг бевақт вафоти натижасида у ва унинг ходимлари тўплаган маълумотлар ҳам нашр этилмади.

20-йиллардан бошлаб нафақат Ўрта Осиёда антропология фанини ривожлантиришда, балки собиқ Совет Иттифоқида мазкур фаннинг тараққиётига катта ҳисса қўшган олимлардан бири ўзбекистонлик антрополог олим Л.В.Ошанин эди. Л.В.Ошанин Ўрта Осиё халқлари, шу жумладан ўзбек халқи этногенези ҳақида яратилган илмий асосланган

асарлар муаллифидир. 1927 йилда Л.В.Ошаниннинг “Ўрта Осиё антропологияси бўйича материаллар. Хоразм ўзбеклари” номли илк асари Ўрта Осиё давлат университетидан нашр қилинди.

Олим бу асарнинг биринчи қисмида қадимги даврдан то XX асргача Хива воҳаси чегарасида, бутун Туркистонда бўлганидек, икки одам уруф вакиллари орасида кўп асрлик аралашув юзага келганлигини таъкидлайди: бу уруф вакилларидан биринчиси – ҳар хил турдаги антропологик элементлардан иборат бўлган ҳинд-европа инсон уруғи (ҳомо сапиенс) бўлиб, у қадимги асосий қатлами ташкил қилади, кейинги икки минг йиллик давомида ана шу асосий қатламга, осиеликларнинг (ҳомо сапийнс азиатикус) меросий белгиларнинг кириб борганлигини кўрсатади.

Л.В.Ошаниннинг В.Я.Зезенкова билан ҳамкорликдаги мақолалар тўпламида Ўрта Осиё халқлари этногенези жараёнида уларнинг этник таркибида бир-бири билан ўзаро алоқадор бўлган олтидан ортиқ антропологик қатлам кирганлиги таъкидланади. Булардан иккитаси жанубий Сибирь ва Ўрта Осиё монголоид ирқий типлар ва яна тўртта европеоид ирқий тип: Икки дарё оралиғи ёки Помир-Фарғона ирқий тип; Ўрта ер денгизи ирқининг шарқий тури; Хуросон ирқий тип ва Олд Осиё (ёки арменоид) ирқий типдан иборатдир. Л.В.Ошанин бошқа бир мақоласида монголоид ирқий белгиларнинг Икки дарё оралиғига кириб келиши ҳозирги Ўзбекистон худудига мўғулларнинг кириб келиши (III аср)дан ҳам олдин, хуннлар давридан (мил.авв. II – мил. III аср) бошланган, деган хулосага қилинади.

Л.В.Ошаниннинг Ўрта Осиё аҳолисининг антропологик таркибига бағишланган йирик монографияси Ўрта Осиёнинг ҳозирги замон аҳолисининг антропологик тадқиқотлари натижасидир. Асар Ўзбекистон қирғизлари, қозоқлари, қорақалпоқлари, ўзбеклари ва тожикларининг антропологик таркиби ва этногенези; жанубий Тожикистон тожиклари ва ўзбек қабилалари, яғнобликлар ва юқори Зарафшон тожиклари, Ғарбий Помирнинг тожиклари, Қоратегин тожиклари ва Дарвознинг туркманларига бағишланган.

1958 йил Л.В.Ошанин асарининг иккинчи қисми нашрдан чиқди. Ушбу асарда Л.В.Ошанин А.Н.Бернштамнинг Марказий ва Жанубий Қирғизистонда ўтказган экспедицияларининг натижаларини ҳам келтиради. Экспедиция натижасида ўрта эркак ва олтита аёл бош суяклари топилган бўлиб, А.Н.Бернштам уларни саклар ва усунлар (милъ. авв. VII асрлар)га тегишли деб ҳисоблаган ва уларнинг ҳам Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг европеоид ирқий типига оид эканлиги тасдиқланган. Л.В.Ошанин антрополог олима Т.А.Трофимованинг Пржевалский кўрғонларидан топилган усунлар бош суякларини “Ўрта ер денгизининг европеоид ирқига тегишли” деб, бешта брахикран бош суягини Ўрта Осиё икки дарё оралиғининг ирқига тегишли, деб ҳисоблашини ҳам кўрсатиб ўтади.

Туркий халқлар бўлган хуннлар таркибида монголоидлар ҳам бўлиши мумкин эди, чунки улар монголоид ирқининг маркази бўлган Мўғулистондан келганлар. А.Н.Бернштам хуннларга тегишли деб ҳисобланган Қирғизистон ҳудудидаги кўрғонлардан олинган палеоантропологик маълумотларни тадқиқ қилган антрополог олимлар В.В.Гинзбург ва В.В.Жиров туркий халқлар бўлган хуннларнинг антропологик таркибида аралаш европеоид ирқ билан биргаликда монголоид ирқий белгилар ҳам учрайди, деган хулосага келадилар.

Ана шундай тадқиқотлар натижасида 1947-1948 йилларда М.М.Дьяконов раҳбарлигидаги Кофирниҳон археологик экспедиция гуруҳи томонидан Бақтрия таркибига кирган, жанубий Тожикистоннинг Ҳисор районидаги Тўпхона деб номланган жойдан 37 та қабр очилган ва улардан олинган бош суякларини ўрганган В.В.Гинзбург қадимги Бақтрия аҳолисининг асосий қисми Ўрта Осиё икки дарё оралиғи европеоид ирқий тип – брахикран (калта бош) типигаги кишилар бўлганлигини ва ирқий жиҳатдан кўшни Сўғдиёнанинг ҳозирги аҳолисига ўхшашлигини таъкидлайди. Бу эса тожик ва ўзбек халқларининг антропологик жиҳатдан ўхшашликлари қадимги даврларда ҳосил бўлган, деган хулосага олиб келади. Бундай фикрни Л.В.Ошанин ва В.Я.Зезенкованинг биргаликда ёзилган

юқорида кўриб ўтилган асарида ҳам учратамиз. Ўзбек ва тожикларнинг узок асрлар давомида ўзаро аралашиб яшаб келишлари Ўрта Осиё худудларида (тоғлик тожиклар бундан мустасно) Ўрта Осиё икки дарё оралиғидаги антропологик тип вужудга келган.

Ўзбекистонда антропология фанининг бундан кейинги ривожидан антрополог олимлар, К.Нажимов ва Т.К.Ходжаевлар катта ҳисса қўшдилар. 1958 йили К.Нажимовнинг Сурхондарё аҳолисининг антропологик таркиби деб номланган асари нашрдан чиқди. Бу асар муаллифнинг 1950-51 йилларда Сурхондарё вилоятида олиб борган тадқиқотлари ва амалий топилмалари асосида ёзилган.

Ўзбек халқи этногенези муаммолари ёритилган асарларни хронологик тартибда кўриб чиқадиган бўлсак, дастлабки нашр этилган асарлар сифатида тожик олими Б.Ғ.Ғофуровнинг 1940-йиллар охири ва 50-йилларда нашр этилган “Тожик халқи тарихи” номли китобидан бошлашга тўғри келади. Бу китобнинг биринчи ва иккинчи нашрларида ўзбек халқи этногенези масаласи бўйича қисқача фикрлар баён қилинган бўлса, олимнинг 1972 йилги Москвада нашр этилган кенгайтирилган китобида бу масалага алоҳида банд ажратилган.

Б.Ғ.Ғофуровнинг сўнги (Таджики. Древнейшая, древняя, средневековая история. М., 1972.) асарида ўзбек халқи этник тарихи ва этногенези масалалари дастлабки китобига нисбатан тўлароқ ёритилган. Муаллиф бу масалаларга қуйидагича ёндашади: туркий тилли қабилалар ва халқлар Ўрта Осиё минтақаларида қадим замонлардан буён яшаб келганлар. Лекин уларнинг кўчиб келишининг кучайиши VI асрда (Турк хоқонлиги даврига) тўғри келади. Кўчиб келган чорвадор аҳоли (хусусан унинг қашшоқлашган қисми) вақт ўтиши билан ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланади. Туркий халқлар суғдийлар, хоразмликлар ва сак-массагетлар билан аралашадилар, мана шу шаклланаётган элатнинг тили туркий тил бўлиб қолади. Шу асосда ўзбек халқи шаклланади. XI асрда ўзбек халқининг шаклланиш жараёни жадаллашиб, шимолий вилоятлардан жанубий

вилоятларга томон йўналиб, хусусан Қорахонийлар давлатининг вужудга келишида намоён бўлади. Бу жараённинг тобора кучайиб бориши натижасида туркий тилда сўзлашувчи аҳоли сон жихатдан кўпая боради, пировардида ўзбек халқининг шаклланишини янада тезлаштиради. Муаллиф Сомонийлар даври (IX – X асрлар)да туркий халқ Ўрта Осиё воҳаларида яшовчи аҳолининг талай қисмини ташкил қилишини таъкидлаб ўтади. Лекин, шу билан бир қаторда, Б.Ғ.Ғофуров бу даврда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг анчагина қисми тожиклар эди, деб ҳисоблайди.

XX асрнинг 60-йиллардан бошлаб Ўзбекистонда ўзбек халқи этногенези ва этник тарих масалаларига бағишланган китоблар кетма-кет чиқа бошлайди. М.Ғ.Ваҳобов, М.Эрматов, К.Шониёзов ва Б.Аҳмедовларнинг асарлари ана шундай асарлар жумласидандир.

М.Ғ.Ваҳобовнинг ўзбек ва рус тилларида босилиб чиққан китоби “Ўзбек социалистик миллати” деб аталади. Унда асосий тадқиқот ўзбек “социалистик” миллатининг масаласи устида борса-да, бир боби “ўзбек элати ва унинг этник таркиби” деб аталиб, асосан ўзбек халқининг шаклланишига оид масалаларига бағишланади.

М.Эрматовнинг асарларида ўзбек халқи этногенезига бағишланган масалалар ўзига хос ўринга эга. 1960 йилларда чоп этилган бу асарлар масаланинг қўйилиши ва ечими жихатдан анча мавҳум таассурот қолдиради. Жумладан, “Ўзбек номининг келиб чиқиши масаласига доир” номли мақоласида муаллиф Ўрхун тош битикларидаги «ўз» ҳамда форсий манбаларда учрайдиган «аз» этнонимларининг иккаласини битта халқнинг номи деб қараб, ўзбек атамаси ундан келиб чиққан, деган фикрни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси олимларидан этнограф ва тарихчи олим К.Шониёзов ўзбек халқи этнографияси, этногенези ва этник тарихини махсус ва чуқур ўрганишга бағишланган бир қатор мақолалар, монографиялар ва илмий асарлар муаллифи сифатида машҳур. 1964 йилда Ооимнинг “Ўзбеклар – қарлуқлар” номли асари нашрдан чиқди. Айнан шу китобдан бошлаб, К.Шониёзовнинг барча асарлари ўзбек халқининг этник тарихи ва

этногенези, унга асос бўлган қабилалар ва элатлар, уларнинг ўзаро муносабатлари ва таркибий қисмларини ўрганишга бағишланган. Олимнинг кенг тарихий маълумотлар, хусусан хитой солномалари, Ўрхун – Энасой ёдгорликлари, араб, форс-тожик қўлёзма манбаларига асосланиб яратилган мазкур китобида ўзбек халқи шаклланишида асосий унсур бўлиб ҳисобланган қадимги туркий қарлуқ қабиласининг келиб чиқиши, жойланиши, уларнинг ҳўжалик ва ижтимоий турмуш, моддий ва маънавий маданияти, урф-одатларини ўз ичга олган узоқ тарихий давр ёритилади.

К.Шониёзовнинг Қанғ давлатига бағишланган монографиясида ўзбек халқи этник тарихида муҳим роль ўйнаган, узоқ ўтмишда Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган давлат тарихи ҳар томонлама таҳлил қилинади.

Бу асарнинг илмий аҳамияти унинг Қанғ давлати ҳақидаги биринчи чуқур илмий тадқиқот эканлигидир. Антик адабиётда ва ўрта аср Шарқ қўлёзма тарихий асарларида Қанғ давлати ҳақидаги маълумотларнинг узуқ-юлуқ бўлганлиги ҳисобга олинса ҳамда Ўрта Осиёнинг қадимги тарихини ёзган олимларнинг аниқ бир тўхтамга эга бўлмаганлиги назарда тутилса, К.Шониёзов монографиясининг ва муаллифнинг илмий ютуғи маълум бўлади. Олимнинг қайд этилган илмий тадқиқотларидан ҳар бирида ўзбек халқининг этник тарихи ва этногенези, унга асос бўлган қабилалар ва элатлар, уларнинг таркибий қисмлари ва жойлашган ҳудудлари, ўзбек халқи шаклланишида асосий унсурларни ташкил қилган қабилалар, Мовароуннаҳр ҳудудидаги дастлабки туркий давлатлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий тарихи ва ҳоказолар илмий асосланган ҳолда ёритиб берилган. К.Шониёзовнинг асарлари этногенез ва этник тарих назарияси талабига биноан этнос пайдо бўлганидан то халқ сифатида шаклланган давригача кечирган этник ва тарихий жараёнларни кўрсатиб беради. Айти шу жиҳатлари билан уларни ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганиш борасидаги асосий асарлар сифатида қайд этиш жоиз.

Яна бир ўзбек олими Б.Аҳмедовнинг “Кўчманчи ўзбеклар” номли асарида ўзбек халқи этник тарихи хусусидаги муаммолардан бири –

кўчманчи ўзбеклар давлатининг барпо бўлиши, XI – XVI асрлардаги ўзбек давлатининг сиёсий-ижтимоий тарихи форс-араб қўлэзма манбалари, рус ва европа олимларининг асарларига таянган ҳолда ёритилган. Ушбу асарда кўчманчи ўзбеклар давлатининг Абулхайрхон давридаги аҳволи, давлат тузуми, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, уларнинг Темурийлар билан ўзаро алоқалари каби масалалар муфассал ёритилган.

Таниқли тарихчи олим Ҳ. Зиёевнинг “Сибирьлик ўзбеклар (XVI – XX аср бошлари)” номли китобида Уралдан то Энасой дарёсигача ва бу ердан Тинч океангача чўзилган Сибирь ерларида турли тарихий даврларда яшаган халқлар, у ерларда вужудга келган давлатлар, Олтин Ўрда ҳақида қизиқарли тарихий маълумотлар келтирилади. Муаллифнинг ёзишича, дастлаб Олтин Ўрдада ташкил топган Ўзбек давлати XV аср охири – XVI аср бошларида Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилади. XV асрнинг охирларида Сибирьда ҳам мустақил хонлик вужудга келиб, уни Шайбонийлар хонадонидан бўлган ўзбек султонлари бошқаради. Худудлари ғарбда Ёйиқ тоғларигача, шимолда – Тавда дарёси, жанубда – Ишим даштлари ва Бебарин даштларигача чўзилган мазкур хонлик ўзбек султони Кучумхон даврида айниқса кучайган эди.

Ўзбек халқи этногенези муаммоларига доир илмий изланишларга И.Жабборов ҳам салмоқли ҳисса қўшган. Олимнинг “Кўхна харобалар сирини (Қадимги Хоразм маданияти тарихидан лавҳалар)” номли китобида 1950-йиллар давомида Хоразм ўлкасида илмий тадқиқотлар олиб борган экспедиция тўғрисида фикр юритилади. Унда афсонавий ўлка ва жасур тадқиқотчилар, кўхна каналлар ва ариқлар, ибтидоий кулба қолдиқлари ва беҳисоб шаҳарлар, қалъалар ҳақида, Беруний яшаган давр обидалари ва ҳоказолар ҳақида ҳикоя қилинади.

XX асрнинг 60-йилларида С.П.Толстов, Я.Ф.Фулломов, М.Э.Массон каби йирик археологларнинг давомчилари сифатида Ўзбекистон қадимшунослик фанига бир гуруҳ археолог, антрополог олимлар кириб келдилар ва ўзбек халқи этногенези, этник тарихини ўрганиш ишига ўз

ҳиссаларини кўшдилар. Ана шундай олимлардан бири А.А.Асқаров бўлиб, унинг асарлари ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масалаларини ўрганишда аҳамиятлидир. Олим серқирра илмий фаолиятга эга бўлиб, юртимиз тарихи ва маданиятига оид қатор илмий асарлар яратган. А.А.Асқаров ўз тадқиқотлари билан Ўзбекистоннинг қадимги тарихи соҳасида янги йўналиш яратди, дейиш мумкин. Бу йўналиш ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, синфий жамиятнинг вужудга келиши, урбанизация жараёнларнинг бошланиши ва ривожланиши даврларини археологик манбалар асосида ўрганиши билан боғлиқдир.

А.А.Асқаровнинг жанубий Ўзбекистон ёдгорликларида олиб борган узоқ йиллик изланишлари, археологик тадқиқотлари, топилмаларини таҳлил қилиш бизнинг асосий вазифамизга кирмагани учун ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласига тааллуқли бўлган асарларини талқин этамиз. Ўзбек халқи тарихининг энг муҳим, нозик ва ечилиши керак бўлган масалаларидан бири – бу ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи масаласидир. Бу соҳада тарихчи олимлар катта ютуқларга эришдилар.

А.Асқаров туркий қабилаларнинг Ўрта Осиёда пайдо бўлиши Турк хоқонлиги ташкил топишидан бошланади, деган тушунчага яна тўхталиб, уни археологик ва антропологик материалларнинг етишмаслигидан келиб чиққан хато тушунчадир, деб ҳисоблайди. Аслида туркий тилда сўзлашувчи қабилалар, олимнинг фикрича, Сирдарёнинг ўрта ва қуйи оқимда VI асргача ҳам бор эди. Булар қанғли, тургешлар, Шарқий Туркистон ҳудудларида яшовчи уйғурлар ва бошқалар бўлиб, уларнинг тили туркий тиллар асосини ташкил этади.

Археологлар, шунингдек тарихчилар ҳам, ўзбекларнинг аجدодлари яратган қадимги Қанғ давлати ва қанғлилар масаласига қайта-қайта тўхталиб, уни атрофлича ўргандилар ва бу давлатнинг узоқ ўтмишида юксак ривожланган маданият ўчоғи бўлганлигини, қанғлилар эса ҳозирги ўзбек халқининг узоқ аجدодлари эканини исботлаб бердилар.

Мустақиллик даврида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ўрганилишининг янги асослари

Юртимиз мустақилликка эришгач, нафақат ўзбек халқи этногенези, балки унинг этник тарих масалалари ҳам археологик ва антропологик тадқиқотлар асосида чуқур ўрганилди. Ўзбек антропологларнинг изланишлари ўзбеклар этногенезини янада бойитди ва тарихчи, этнограф, археологларнинг тадқиқотларидаги хулосаларнинг ҳаққонийлигини исботлади. Мустақиллик шарофати билан маънавий ҳаётимизда бошланган янгиликлар Ўзбекистон тарихида бўлганидек, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи соҳасини тадқиқ қилишда ҳам акс этди.

Бу даврга келб ўзбек халқининг этник тарихига бўлган қизиқишга оид бир қатор илмий ва илмий-оммабоп асарлар нашрдан чиқди. Жумладан, “Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳр аҳолисининг этник тарқиб” (К.Ш.Шониёзов), “Ҳақ олинур, берилмас” (Дилором Алимова, Дилбар Рашидова), “Илдиалар ёхуд туркий халқларнинг келиб чиқиши тарихига оид илмий ишлар ҳақида” (А.Хўжаев), “Турон турклари, Турк битиклари” (Азиз Қаюмов), “Иссиқ ёзуви: Шарқ илмий хазинаси” (Н.Раҳмон), “Хунну давлати мақоласи хусусида” (М.Матбобоев), “Асли туркий қабилалар” (О.Жўрақулов), “Арқони давлатимиз тарихи” (К.Маҳмудов), шунингдек, республика даврий нашрларида чоп этилган кўплаб мақолаларда туркий халқларнинг илдизлари, ўзбек халқи этник тарихининг айрим қирралари ҳолисона ёритиб берилди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтининг этнография бўлими қошидаги “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёнини ўрганиш” илмий гуруҳида К.Ш.Шониёзов раҳбарлиги остида ўзбек халқи этногенези ва тарихини комплекс ёритишга бағишланган катта монографик тадқиқот тайёрланди. Мазкур асар этнография, археология, лингвистика фанлари соҳасида эришилган барча ютуқларга асосланиб ёзилган ва муаммоларни ҳар томонлама қамраб олган умумлашма асардир. Шуниси муҳимки, монографияда чет эллик муаллифларнинг ҳам тадқиқотлари кенг жалб

этилган. Асарда, жумладан, хануз тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолиб келаётган инглиз, немис, француз, турк тилларидаги қатор асарлардан фойдаланилиб, уларга илмий муносабат билдирилган. К.Шониёзовнинг мазкур асари ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига бағишланган илмий адабиётлар мажмуасидаги мустақиллик нуқтаи назаридан ёндашилган йирик монографик асар ҳисобланади.

Академик олим К.Шониёзов “Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни” деб номланган сўнгги асарида турли сиёсий бирлашмалар тизимида кечган этник жараёнлар босқичма-босқич кузатилди, XI аср бошида Қорахонийлар давлатида ниҳоясига етган ўзбек халқи шаклланишининг асосий даврлари очиқ берилди. Қисқача ўзбек халқининг этник тарихини баён этган кириш қисмида бир қанча муаммоли масалалар кўришимиз мумкин:

– Рус тарихчи, шарқшунос ва тилшунос олимларининг бахтарликлар, хоразмликлар, сўғдийлар, фарғоналиклар, шошликлар, саклар, массагетлар ва қабилаларнинг шарқий эрон тилга мансуб бўлганлиги эҳтимоли;

– Мовароннаҳр ва Хоразм минтақаларида айрим туркий қабилалар милoddан олдинги II – I, милодий I асрларда келиб ўрнашганлиги борасидаги Хитой воқеанавислар ахборотларининг илмий асослилик даражаси;

– Энг қадимги туркийзабон этник қатламлар;

– Сўғдийлар ва саклар масаласи;

– Марказий Осиёда цинкретик маданият ҳосил бўлган даврлар;

– Кидарийлар, хинонийлар, эфталийлар тарихи;

– Туркешлар, Қарлуқлар, Қорахонлар давлатида этник жараёнлар;

– Этник гуруҳлар ўрганилиши масаласи ва ҳақозолар.

Ушбу кўриб ўтган муаммоли масалаларнинг ечим топилиши ўзбек халқининг этник тарихи масаласини янада теран ифодалашга хизмат қилади. Кўриб ўтганимиздек этник тарих масаласи – ҳар бир халқ пайдо бўлиш

тарихини босқичма-босқич шаклланишини илмий талқин этишга қаратилган.¹

А.Асқаров ва Б.Аҳмедовларнинг ҳаммуаллифликда чоп этилган мақоласида ҳам ўзбек халқи узоқ ва мураккаб этник жараёни бошидан кечирганлиги, ўзбеклар яхлит халқ сифатида Х асрга келиб шаклланганлиги, бу жараёнда ҳудудий, иқтисодий, маданий, тил ва тип бирлигига эга бўлганлиги таъкидланади.

А.Асқаровнинг этногенез ва этник тарих муаммоси доирасида бажарган тадқиқотларида кўплаб диққатга сазовор мулоҳазалар билдирилган бўлиб, улар орасидаги энг муҳими – муаллиф ўзбек халқи этногенезининг бошланғич нуқтаси сўнгги бронза давридан бошланади, деган концепцияни илгари суради.

2015 йилда академик А.А.Асқаровнинг «Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи» деб номланган монографик тадқиқоти нашрдан чиқди. Ушбу тадқиқот ишида ўзбек халқининг келиб чиқиши, унинг узоқ давом этган этногенези ва этник тарихи, уруғ-қабилалар ҳолатидан аста-секин элат-халқ бўлиб шаклланиб бориш жараёни ва шаклланган халқ сифатида миллат даражасига етишиш босқичлари, бой моддий маданият ва ёзма манбаларнинг илмий таҳлили баён этилган.

Сўнгги йилларда ҳам ўзбек этногенези ва этник тарихи масаласи ва унинг турли қирраларини талқин этувчи илмий ишлар олиб борилмоқда.


Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосига оид **Б.Аҳмедов, К.Шониёзов, А.Асқаров, И.Жабборов, А.Ходжаев, Ш.Камолиддин, У.С.Абдуллаев, О.Бўриев, М.Усмонов, Ғ.Бобоёров, А.Маликов, А.Аширов, А.Қаюмовларнинг** қатор тадқиқотлари чоп этилди.

¹ Abirov V.E. O'zbek xalqi etnik tarixini o'rganishga doir // Шоислом Шомухамедов номидаги Ёш Шарқшуносларнинг IV Форуми материаллари тўплами. Тошкент., 27 апрель, 2020 йил. Б. 182.

Таъкидлаш лозимки, 2011 йилда сўнгги йигирма йилдан ошиқроқ вақт давомида ЎзР ФА Тарих институти ва Россия ФА Этнология ва антропология институти ҳамкорлигида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи, халқимизнинг анъанавий хўжалик машғулотлари, моддий ва маънавий маданияти, оилавий ва жамоавий турмуш тарзини этнографик йўналишда ўрганишга бағишланган йирик тадқиқот – «Ўзбеклар» номли йирик фундаментал монография нашр қилинди. Ушбу монографиянинг катта қисми ўзбекларнинг этник тарихини ёритишга бағишланган ва бу қисм академик К.Шониёзов томонидан ёзилган. Бундан ташқари, А.Дониёров, А.Аширов, А.Қаюмов, А.Маликов, Ҳ.Мамадалиев, Ғ.Бобоёров каби маҳаллий олимларнинг қатор изланишлари натижасида яратилган илмий тўплам ва мақолалар ўзбек этногенези ва этник тарихи масаласи борасидаги тадқиқотларда ўз самарасини бермоқда.

Профессор А.Хўжаев ўзининг “Ўзбек халқи этногенезини ўрганишда хитой манбаларининг аҳамияти ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган мақоласида ўзбек этногенезига доир бўлган хитой манбаларини тўққиз гуруҳга бўлиб, тавсифлаб, моҳиятини очиқ беради.

А.Ашировнинг “Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари” илмий тўпламидаги “Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир нашрлар ҳақида баъзи мулоҳазалар” деб номланган мақоласи муаммони ўрганишда аҳамиятга моликдир. Муаллиф истиқлол йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзусидаги бажарилган асарларни шартли равишда уч гуруҳга бўлади:



Профессор сўнгги йилларда ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи хусусида ўрганаётган мутахассислар озчиликни ташкил этган бўлишига карамай, салмоқли нашрлар пайдо бўлганлигини таъкидлайди.¹

Ўзбек идентиклигининг шаклланиши ва ривожланиши жараёни ҳам Ўзбекистон этнология ва антропологиясининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Совет даври илмий адабиётларида бу жараён асосан этнос назарияси асосида кўриб чиқилган. Бугунги кунда ҳам совет даврида яратилган назарияларнинг таъсири этнология, антропология ва этник тарихни тадқиқотларида сақланиб қолмоқда. Ғарб илмий мактабларида шаклланган конструктивизм, интсрументализм, этносимволизм, модернизм ва постмодернизм каби назарий қарашлар фақатгина юзаки, баъзан бу назарияларнинг асл моҳиятини тушунмаган ҳолда фойдаланилиб келинмоқда.

Илм-фан учун долзарб ҳисобланиб қолаётган ўзбек идентиклигининг шаклланиш жараёни хорижий ва маҳаллий тадқиқотчилар (А.Беннигсен, Дж. Шоберлайн, А.Халид, П.Финке, Ш.Акинер, С.Абашин, З.Арифханова, В.Хан, И.Хўжахонов) томонидан турли даражаларда тадқиқ этилган. Улардан аксарият қисми XIX аср охири ва XX аср бошларида, яъни мустамлака даврида бу ҳудудда идентикликнинг бир неча турлари мавжудлигини таъкидлаб ўтганлар. Масалан: диний, ҳудудий, уруғ-қабилавий, тил, хўжалик ва бошқа идентиклик турлари. Ҳар бир инсонда туғилган давридан бошлаб маълум бир идентиклик тури шаклланиб боради, уларнинг баъзилари ихтиёрий танлов асосида қўлга киритилса, баъзилари туғилиш жараёнида беихтиёр қабул қилиб олинади. Ҳар бир идентиклик турининг ўз чегараси мавжуд бўлиб, бу чегаралар ўзгарувчан ҳисобланган.

XX аср бошларида Марказий Осиёда истиқомат қиладиган маҳаллий халқ вакили ўзини бошқа дин вакилларига нисбатан “мусулмон” деб, бошқа уруғ вакилларига нисбатан “минг, қўнғирот, қанғли, қипчоқ” деб, бошқа ҳудуддан келганларга нисбатан “бухоролик, самарқандлик, тошкентлик,

¹ Ўзбекистон этнологиясининг назарий-методологик муаммолари. Т., “Наврўз”. 2014. 41-52 бетлар.

фарғоналик” деб, бошқа ижтимоий тоифа вакилларига нисбатан “хўжа, тўра, саййид, хон, бек” деб, бошқа хўжалик вакилларига нисбатан “ўтроқ, кўчманчи, ярим ўтроқ” деб идентификация қилган. Яъни ўзини бирор бир гуруҳ билан идентификация қилиш, шароитдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган. Вазият қайси идентикликни танлашни тақозо этса, инсонлар ўзини шу идентиклик вакили сифатида таништирган. Натижада XIX аср охири ва XX аср бошларида ўзбеклар орасида “кўп идентиклик” феномени шаклланиб борган.

Бу ўзгарувчанлик хорижий тадқиқотчиларни доимо чалғитиб келган. Ўзбекона урф-одатларни яхши билмаган баъзи хорижий тадқиқотчилар бу “кўп идентиклик” ҳодисасини илғай олмаган ва натижада бирёклама хулосалар пайдо бўлган. Шу сабабли бу даврдаги ўзбек идентиклигини тадқиқ қилиш учун ўзбекона урф-одатлар ва маданиятни чуқур билиш ва англаш, уларни чегараларини аниқлай олиш жуда муҳимдир. Бу мавзунини фақатгина комплекс тадқиқ қилиш, маҳаллий ҳамда хорижий тадқиқотчиларни муаммовий-хронологик усулда солиштириш, архив маълумотларини ўрганиш орқали тўлиқ ва ҳаққоний тарзда очиб бериш мумкин.¹

Марказий Осиё халқларининг этногенези ва этник тарихи билан Ғарбий Европада бир қанча олимлар шуғулланганлар. Жумладан, Э.Шавани, М.Маркварт, Ҳелмут Ҳоффман, О.Притсак, М.Чапличка ва бошқа тадқиқотчилар Туркий халқларнинг этник тарихини чуқур ўрганган олимлардан ҳисобланади. Хитойшунос олим Э.Шаваннининг Хитой манбалари асосида Ғарбий турк қабилалари (нушиби, дулу), қарлуқ, туркешларнинг инқирозга учраши, қарлуқлар давлати ташкил топиши, хитойларнинг Туркий халқлар билан муносабатлари ва бошқа қатор масалалар ҳақида маълумотлар келтирилади. Унинг бу халқлар ҳақида, хусусан, қарлуқ ва унинг таркибидаги йирик қабилалар ҳақидаги маълумотлари ўз қимматини ҳалигача йўқотгани йўқ.²

¹ Аскарлов М.М. Англоязычная антропология о природе узбекской идентичности в конце XIX – начале XX вв. // Вестник антропологии, 2020. №1(49). С. 239-251.

² Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001. Б. 56.

И.Марквартнинг асарларидан бирида ҳам туркий халқлар ва қабилалар ҳақида маълумотлар берилади. Бу асарда қипчоқ, кимақ, уз, кун, қай, авар, печенег, чигил, яғмо, қарлуқ ва бир қанча бошқа қабилаларнинг жойлашиши, этник тарихи, урф – одатлари ҳақида муҳим маълумотлар берилган.¹ О.Притсак эса Қорахонийлар даврининг сиёсий ҳаётини, иқтисодий ва маданий тарихини ўрганишда анчагина илмий ишлар олиб борган. Унинг тадқиқ этган ишларида Қорахонийлар сулоласининг ташкил топиши, унинг хонлари, бу сулоланинг вужудга келиши ва тараққий этишида қарлуқларнинг роли, давлатнинг икки (Шарқий ва Ғарбий) қисмга бўлиниб кетиши, унинг инқирозга учраши дастлабки манба ва тарихий адабиётлар асосида чуқур таҳлил этилган. О.Притсакнинг маълумотларидан Қарлуқ қорахонлар давлати ташкил топган ўзбек элатининг шаклланишини аниқ тасаввур қилиш мумкин.

Қирғизистон Республикасининг етук тарихчиси олими, профессор О.К.Караев кўп йиллар давомида Қорахонийлар давлатининг тарихини ўрганиб келди. Кўп йиллик изланишларининг натижалари бир қанча мақолалар ва йирик монографиясида батафсил ёритилган. Муаллифнинг “Қорахонийлар хоқонлиги тарихи” китоби эътиборга моликдир. О.К.Караев ўзининг рисоласида Марказий Тангритоғ (Тян-Шан)да ва Еттисувда илк ўрта арларда яшаган аҳолининг жойлашуви, Қорахонлар давлатининг ташкил топишини илмий таҳлил қилган. Шунингдек, Қорахонлар давлатининг жанубий Қозоғистон, Фарғона, Мовароуннаҳр ҳудудларини эгаллаш тарихи, давлатнинг ички ва ташқи сиёсати ҳам ёритилган. Монографияда Қорахонлар давлатининг ижтимоий-иқтисодий муносабатига, давлат тузилишига, аҳолининг хўжалик фаолиятига ва моддий, маданий ҳаётига ҳам катта эътибор қаратилган.²

К.Ш.Шониёзов О.К.Караевнинг монографиясини камчиликлар ва ноаниқликлардан холи эмаслигини таъкидлайди. Ушбу монографияда

¹ Markwart J. Die Chronologie der alttürkischen in Schriften, Leipzig. 1898.

² Караев О.К. История Караханидского Каганата. Фрунзе. 1983.

муаллиф Тянь-Шанда X асрда ўрталарида қарлуқлар сиёсий бошчилик қилишни йўқотдилар, Исмоил Сомоний 906 йили Туркистоннинг бир қанча ҳудудларини эгаллагандан кейин қарлуқ ябғулари Талас водийсининг шарқидаги ерларнинг талай қисмини қўлдан берадилар, Талас водийсининг катта қисми – қарлуқларнинг марказий бўлган ҳудудлар Сомонийлар таъсир доирасида бўлган. К.Шониёзов бу фукрларни рад этиб, X аср ўрталарида қарлуқ давлатини ябғулар эмас, Қорахонлар (улуғ хонлар) бошқарган. Шу аср ўрталарида Қорахонларнинг таъсири кучли эди. Улар Етгисув, Шарқий Туркистоннинг катта қисмида ва Тохаристонда ўз ҳукмронликларини қатъийлаштириб олган эдилар.¹

Ҳелмут Ҳоффман ўзининг мақолаларидан бирида Тибет тарихий солномаларига асосланиб, қарлуқларнинг (Тибет манбаларида Гарлог) катта қисми Ҳиндистоннинг шимоли – ғарбий қисмида жойлашгани ҳамда улар IX аср ўрталарида Кашмирни, Қошғарни, Хўтан ва Ёркентни эгаллаб турганлигини таъкидлайди.²

Америкалик тадқиқотчи олим Жохн Счоеберлеин-Энгел XX аср охирларидан бошлаб, ўзбек этногенези ва этник тарихига доир бир қанча мулоҳазаларидан иборат мақолалар ва тўпламлар чиқара бошлади. Муаллиф нафақат Ўзбекистоннинг қадимги тарихи, этногенези балки мустақлликдан сўнг олиб борилаётган илмий тадқиқотлар, ўзбек этногенезига оид бўлган қарашлар, турли олимлар мулоҳазаларини таҳлил этган ҳолда асарлар нашр эттирди. Жумладан, унинг “The national council for soviet and east european research” тўпламидаги “The prospects for Uzbek national identity” (Ўзбек миллий ўзликни англаш келажаги) мақоласида ўзбек этногенетик муоммолари, уларга бўлган фикрлар, олимларнинг қарашлари ҳақида маълумотлар учрайди. Ушбу асарнинг “The Problem: The Identity of Uzbekistan” (Ўзбекистоннинг ўзликни англаш муаммоси) деб номланган бўлимида ўзбек халқининг миллий ўзликни англашга қаратилган барча

¹ Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: “Шарқ”, 2001. 56-57 бетлар.

² Helmut Hoffman. Die Qarluq in der tibetischen literature. Oriens, 1950, vol. 3, №2, pp.191-196.

муаммолар, турли фикрлар ёритилган.¹ Ўзбекистон ҳудудида кўп миллатли халқлар яшайди, бу эса маданий жиҳатларда яққол кўринади. Аҳолининг йилига ўсиши 2% ни ташкил этаётган бўлса, 40% ни 14 ёшгача бўлган болалар ташкил этади, бундай ўсиш ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин деб таъкидлайди.

“History of the Uzbek Concept” (Ўзбек этимологияси (назария)нинг тарихи) бўлимида “ўзбек” атамаси ва ўзбек ҳақининг шаклланиши оид фикрларни баён этади. 1924 йил Совет ҳукумати томонидан Ўрта Осиё ҳудудлари чегараланиб, Ўзбекистон вужудга келди. Россия федератсиясида болшевиклар ҳукумати томонидан бу ҳудудлар турклар, мусулмонлар, форсийларга нисбатан айирмачилик асосида тузилган республикалари эди. Муаллиф ўзбек халқининг юзага келишида турли фикрларни кўрсатади. В.В.Батолд “ўзбек” атамасини XX асргача ишлатилмаганлигини таъкидласа, бошқа олимлар ўзбек халқи негизини эрамиздан олдинги I мингйилликка ва ундан олдинроққа бориб тақалишини кўрсатади.²

Этник жамоаларнинг пайдо бўлиши, ривожланиши ва ўзгариши инсоният жамияти тарихининг муҳим жиҳатларидан бири бўлган ягона умумий тарихий жараёндир. Ўн минглаб йиллар олдин бошланган бу жараён бугун ҳам давом этмоқда. Этник ўзига хослик – бу ижтимоий идентификациянинг энг барқарор тарихий турларидан бири бўлиб, у ижтимоий (маданий) маконда шахсни (жамоани) ўзи белгилашнинг ҳиссий жараёни натижасида юзага келади ва уларнинг маълум бир этник жамоага мансублигини англаш, тушуниш, қадрлаш ва тажрибаси билан тавсифланади. Этнос қадриятлар билан узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли, этникликни ҳам ахлоқ, шахсининг қадрият йўналишини белгиловчи белги сифатида аниқлаш мумкин. Этник ўзилик англаш жараёнида одам этник белгиларни ахлоқий, маданий ва ижтимоий ҳодисаларга таяниб ўрганади.


¹ John Schoeberlein-Engel. The prospects for Uzbek national identity. The national council for soviet and east european research. *Title VIII program*. Harvard University., January 21, 1997. pp. 2-3.

² Абирова В.Э. Хориж тадқиқотларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласига доир // Шарқшунослар анжумани 16-сон. Тошкент. 2020 йил. Б. 315.

Маълумки, Марказий Осиё минтақаси жаҳон цивилизация ўчоқларидан бири эканлиги, бу минтақада этик жараёнлар мураккаб кечганлиги ҳам айна ҳақиқат. Бугунги кунда эски назарий қарашларни асос сифатида қарамай, холис тарихимиз баён этишимиз, тарих фанимиздаги соҳаларнинг назарий асосларини ўзимиз ёзмоғимиз зарурат саналади.¹

Мустақиллик даврига келиб, ўзбек этногенези ва этник тарихи ҳамда унга боғлиқ масалаларида турли соҳа олимлари, арбоблари ўз қарашлари ва ёндашувларини баён этдилар. Айтиш мумкинки, мустақиллик барча фан соҳаси олимларига эркинлик, ўз фикрини дунёга ёйиш имкониятини берди. Жумладан, тарихчи, этнограф, археолог, антрополог ва тилшуносларнинг илмий изланишларига йўл очиб кенг берилиши натижасида салмоқли асарлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи
Президенти **Ислом Каримов**нинг
“Тарихий хотирасиз келажак йўқ”
асарида



“Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади”, – деган муҳим фикр мавжуд. Дарҳақиқат, она юрт тарихини холисона билмасдан ва у билан фахрланмасдан туриб миллий ўзликни англаб бўлмайди. Ўтмиш тарихини чуқур ва мукамал билган халқ ва миллат тарих сабоқларидан ўзига тегишли ва зарур хулосалар чиқариб олади.

Янги авлод кадрларимизнинг “«Ўзбеклар» XVI асрда «кўчманчи ўзбеклар»нинг ўтроқлашиши натижасида пайдо бўлди”, “Ўрхун тош битикларидаги «ўз», ҳамда форсий манбаларда учрайдиган «аз» этнонимларининг иккаласини битта халқнинг номидан ўзбек атамаси ундан

¹ Абиров В.Э. “Этнос” назариясини қўллаш масаласи // Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари/ Республика XII илмий-назарий конференцияси материаллари. 12-сон, 2-қисм. [ТошДШИ, масъул муҳаррир М.М.Исҳоков]. – Т.: 2020. Б. 187.

келиб чиққан”, “Ўзбеклар 1924 йилга қадар ҳеч қачон тарихда мавжуд бўлмаган ва улар совет тузими даврида яратилган сунъий миллатдир” ва ҳақозо каби илмий асосланмаган фикрларга иммунитет ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласи чуқур ўрганиши, анализ қилиши орқали пайдо бўлади.¹

Мустақиллик йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласига доир илмий тадқиқот ишлари оммалашди. Чоп этилаётган тадқиқотлар ўзининг кенг илмий негизига эга бўлса-да, ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш билан боғлиқ муаммолар йўқ эмас. Ҳаққоний тарихни тиклаш, уни ёш авлодга етказиш, миллий ўзликни янада чуқур англаш, ушбу масалага оид манба ва адабиётларни қиёсий ва танқидий тарзда ўрганиб, чуқур илмий таҳлилга асосланган илмий изланишлар олиб бориш, ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласининг асл манзарасини ва моҳиятини тўлиқ очиш тарихчилар олдида турган долзарб масаладан биридир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ўрганилишининг назарий-методологик асосларига доир асосий фикр-мулоҳазаларни келтиринг.
2. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид асосий манбаларни айтиб беринг.
3. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига оид адабиётларни сананг.
4. XIX аср давомида чоп этилган қайси рус муаллифларининг асарларида Марказий Осиё халқларига оид маълумотлар акс этган?
5. А.Ю.Якубовскийнинг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишга бағишланган рисоласи мазмунини айтиб беринг.

¹ Абиров В.Э. Янги авлод кадрларининг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласини ўрганиш зарурати. // “Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи Халқаро конференцияси // “Инновацион ривожланиш нашриёт-матба уйи” Тошкент. 2020 йил 3-4 январь. Б. 108.

6. С.П.Толстов қайси асарларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихига доир маълумотлар акс этган?
 7. К.Ш.Шониёзовнинг асарларида ўзбек халқи шаклланиш жараёнининг ёритилишига оид тушунчаларингизни баён қилинг.
 8. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини ўрганишда академик В.В.Бартольд асарларининг аҳамияти нимада?
 9. 1942 йили Тошкентда ўтказилган Ўрта Осиё халқларининг этногенезига бағишланган илмий сессиясидаги мулоҳазаларни келтиринг.
 10. Шарқшунос олим А.А.Семёновнинг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи мавзуси бўйича асосий илмий тадқиқотлари моҳияти нимадан иборат?
 11. А.Н.Бернштамнинг 1938-1941 йиллардаги “Чу водийси” деб номланган Еттисув археологик экспедициясидан кўзланган мақсад?
 12. XX асрнинг 60-80 йилларида ўзбек халқи этногенези, этник тарихига оид қандай тадқиқотлар яратилган?
 13. Джон Шоберлайн-Энгель, С.Абашин, Эдуард Шаванн, М.Маркварт, Гельмут Хоффман, О.Прицакларнинг ўзбек этногенези масаласи ҳақидаги фикрларини келтиринг.
 14. Мустақиллик даврида ўзбек этногенези ва этник тарихи ўрганилишида қандай янгича ёндашувлар вужудга келди?
-
-

5-МАВЗУ. МЎҒУЛЛАР ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: Хоразмшоҳлар давлати тарихи тарихшунослиги ҳақида талабаларда тушунча ҳосил қилиши, мўғуллар истилоси ва давлати ҳақида маълумот бериши, мўғуллар истилосига қарши миллий-озодлик кураши ҳақида маълумот берувчи асарлар билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: Зиё Бунёдов, Чан-Чун, Жувайний, В.В.Бартольд, Рашидиддиннинг "Жомеъ ат-таворих"асари, "Ёшималар", "Тўрт улус тарихи", Чизатой.



Хоразмшоҳлар давлати тарихининг адабиётларда ёритилиши

Қадим замонлардан цивилизация ўчоқларидан бўлган Хоразм тарихи билан нафақат мамлакатимиз, балки дунё тарихчилари шуғулланиб келганлар ва қатор йирик илмий тадқиқотлар яратганлар. Лекин ўрта аср Хоразм тарихи фанда жуда кам ўрганилган. Ваҳоланки, Хоразм ҳудудида, умуман Марказий Осиё ҳудудида ўрта асрларда дунё аҳамиятига молик бўлган буюк воқеалар рўй берган ва улар кўплаб манбаларда акс эттирилганига қарамай, бу асарлар ҳозирги кунда ўзбек тилига таржима этилмаган, таҳлил қилинмаган ва тўлиқ ўрганилмаган. Ана шундай кам тадқиқ этилган муаммолардан бири бу – Хоразмшоҳлар давлати тарихидир.

Зиё Бунёдов ўзининг “Государство Хорезмшахов-Ануштегинидов. (1097-1231)” асарида Хоразмшоҳлар давлатининг шаклланиши, ташкил топиши, Хоразмшоҳлар тахти учун кураш, Хоразмшоҳлар давлатининг юксалиши ва гуллаб-яшнаши, ҳарбий тузилиши, давлат ва саройдаги лавозимлар, танга ва пул муомаласи, маданий ҳаёт тўғрисидаги кенг қўламли маълумотлар беради.

Муҳаммад бин Муайяд Бағдодийнинг “Китоб ат-тавассул ила тарассул” асарида 1182-1184 йилларга тегишли Хоразмшоҳ Текеш хукмдорлиги даври хужжатлари жамланган. Улар орасида Текешнинг 1183 йилда Ғиёсиддин Ғурийга юборган мактуби ҳам бор. В.В.Бартольд асарларини ҳисобга олмаганда, то 1962 йилгача “Тарихи Байҳақий” тўлик Оврупо тилларига ўгирилмаган. А.К.Арендс уни рус тилига ўгиришда Ғани ва Фаёзнинг 1945 йилги нашри матнига асосланди. Иккинчи нашрда яна ўзгаришлар бўлди. Унда кириш қисмига қўшимчалар киритилди, баъзи жойлар, айниқса, иборалар таржимаси аниқлаштирилди. Қўшимчаларда йўқолган жилдларга тегишли қисмларнинг янги топилмалари ҳам бор. Бундан ташқари, яна Байҳақий асарида тасвирланган тарихий воқеаларга алоқадор “Мақомати хожа Абу Насри Мишкан” асарида ҳам шу воқеаларни тўлдирувчи айрим парчалар иккинчи нашрга киритилди.

Мўғулларнинг Марказий Осиёга ҳужуми тарихшунослиги

Мўғуллар босқини Марказий Осиё халқларига чексиз кулфат ва фожиалар олиб келди. Мовароуннаҳр шаҳарлари харобага айланди, хунармандчилик ва савдо инқирозга учради, дала-ю водийлар бўшаб, хувиллаб қолди. Шарқнинг энг йирик ва қадимий ўчоғи Самарқанд мўғуллар босқинига қадар жуда катта шаҳар эди. Самарқанд орқали Чингизхон хузурига борган Хитой роҳиб Чан-Чуннинг сўзларига қараганда, мўғуллар босқинидан сўнг шаҳарда 25 минг оила – олдинги аҳолининг чорак қисми қолган эди, холос. Демак, илгари бу ерда 100 минг оила, яъни тахминан 400 мингдан ортиқ киши яшаган. 30 минг хунарманд Мўғулистонга олиб кетилиб, мўғул шахзодаларига тарқатилган эди.

Муаммонинг тарихшунослик жиҳатига қайтамыз. Хитой роҳиб Чан-чуннинг ҳикоясига шарқшунослардан биринчи бўлиб, Бартольд эътибор берди. “Туркестанское востоковедение” жаридасининг 1894 йил, 43-44 сонларида унинг “Туркистон ўлкаси XIII асрда” (Хитой саёҳатчисининг ҳикояси асосида) мақоласи эълон қилинди. Бу мақоладан саёҳат йўналишини

аниқлаш мумкин эди. У қуйидагича: Чу ва Талас дарёлари, Сайрам, Сирдарё, Мирзачўл, Зарафшон, Самарқанд (1221йил декабр – 1222 йил апрели охири), Кеш ва Амударё орқали ўтиб, Чингизхон қароргоҳига етиб борган. Қайтишда Чан-Чун Чингизхон ортидан кетган. В.Бартольд “X асрдан то XIII асргача (Чан-Чунгача) бўлган даврга тегишли Туркистон ҳаётини муфассал ёритувчи биронта маълумотга эга эмас эдик. Чан-Чуннинг маълумотлари шу жиҳатдан мамлакатни ўрганиш учун қимматлидир”, – деб ёзади.

В.В.Бартольднинг тарихий асари – "Туркистон мўғуллар босқини даврида" докторлик диссертациясига ҳам тўхталиб ўтиш зарур. Асарнинг кириш қисмида муаллиф китобининг номи мазмунига тўлиқ келмаслигини ёзади. Бартольд махсус тадқиқот учун Марказий Осиё тарихининг муҳим даври – мўғуллар босқини даврини танлаган. У Марказий Осиёнинг бундан аввалги асрлар тарихига эса ўзининг мақсади учун зарур бўлгани қадар мурожаат қилмоқчи эди. Бироқ, мавзуга оид адабиётлар билан танишув муаллифга ўзигача бўлган тадқиқотчиларнинг манбалар бўйича хулосалар қилмаганликларини кўрсатди. Уларсиз эса мўғуллар келганда Марказий Осиё қай аҳволда эканлигини аниқлаш мушкул эди. Муаллифнинг фикрича, бу китоб илк бор Марказий Осиё тарихини манбалар асосида, ижтимоий ва маиший шароитларга эътибор берилган ҳолда ёритади. Асар кириш, тўртта боб ва иловадан иборат. Асарнинг кириши – тарихшунослик қисми бўлиб, у араб тарихчи ва жуғрофиюнларидан тортиб, то Темурийлар даври тарихчиларигача бўлган тарихшуносларнинг Марказий Осиё тарихига бағишланган манбаларга берган танқидий шарҳига бағишланган. XIII аср охири – XIV аср бошларида чингизийлар саройида яшаган йирик тарихчи олим ва сиёсий арбоб Рашидиддиннинг ҳаёти ва ижоди мўғулларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги ҳукмронлиги даври билан боғлиқдир. Фазлуллоҳ Абул-Ҳайр Рашидиддин Ҳамодоний 1420-1247 йиллар орасида Ҳамадонда унчалик машҳур бўлмаган табиб-олим оиласида дунёга келган. У Абакахон ҳукмдорлиги (1265-1282) даврида давлат хизматида киради ва

Ғозонхон (1295-1296) ҳукмдорлиги даврида сарой табиби вазифасини эгаллайди.

Рашидиддин маърифатли киши бўлиб, кўп тилларни ўрганган, адабиёт ва шеърят нафосатини тушунар, тарихий асарларни яхши билар, тиббиёт, хандаса ва фалакиёт илмларидан яхши хабардор эди. У айниқса илоҳиёт илми билимдони сифатида машҳур эди, Ғазлуллоҳ 1298 йили вазир этиб тайинланади. У Хулагу давлатининг бошқа вазирларидан фарқли ўлароқ, кучли марказий ҳокимиятнинг заруриятини чуқур ҳис қилган ҳукмдор сифатида аниқ сиёсий йўналишда иш олиб борди. Рашидиддин 19 йил ҳокимият тепасида бўлиб, ўзи мансуб бўлган табақанинг туб анъаналарига содиқ қолди. У феодал жамиятнинг марказлашган давлат ҳокимияти учун изчил курашди. Аммо, афсуски, унинг умри фожиали тугади. “Марказлаштириш сиёсати” жамиятнинг феодал равнақи йўналишида эски вақтлардагидек таянч топа олмади. Ҳукмдор мададидан маҳрум бўлган Рашидиддин 1317 йили истеъфо берди, бир йилдан сўнг эса душманлари уюштирган фитна қурбони бўлди. У султон Ўлжайтуни захарлашда айбланиб, ўғли, султон соқийси Иброҳим билан 1318 йилнинг 18 июлида қийнаб ўлдиришга, мол-мулки мусодара қилинишига ҳукм этилади. Табризда улар қурган, асосан ҳунармандлар, муқовачилар, ҳаттотлар ва ёзув қуроллари ясовчи усталар яшайдиган Рашидиддин маҳалласи бузиб ташланди. Аммо тасодифгина уни қатл этилишдан сақлаб қолди. 10 йил ўтгач, Рашидиддин оқланди, оиласига мол-мулкининг бир қисмини қайтаришди. Ўғли Ғиёсиддин вазир бўлди ва отасининг сиёсий йўлини давом эттиришга уриниб кўрди. Рашидиддин эса Хулагу наслидан бўлган Ғозонхоннинг буйруғи ва тақдир тақозоси билан тарихчига айланди. Кейинчалик “шундай асарлар яратдики, бу асарлар унинг номини асрлар оша сақлаб қолди”.

“Жомеъ ат-таворих” бугунги кунда ҳақли равишда кўп мамлакатларда узоқ ҳукмронлик қилган кўчманчи мўғулларнинг маиший ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий тарихи бўйича энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Форсча манбалар ичида бунга тенг асарлар йўқ. “Жомеъ ат-таворих”да бой

маълумотлар асосида мўғулларнинг кўчманчи турмуши, маросимлари, урф-одати ва феъли, маънавияти, қонунлари ҳақида ёрқин ҳикоя қилинади. Рашидиддиннинг бу шоҳ асарида ўтроқ халқлар ҳаёти, хўжалик-иқтисодий турмуши, кўчманчи ва ўтроқ турмуш тарзлари ўртасидаги зиддиятлар ҳам ўз ифодасини топган. "Жомеъ ат-таворих"да кўчманчи феодаллар ҳукмронлиги остида қолган, "асосан ўтроқ аҳоли кўп мамлакатларнинг иқтисодий, хўжалик ва сиёсий тарихига оид анча муфассал маълумотлар келтирилади".

Рус олими И.Н.Березин тарихшунослик жиҳатидан Рашидиддиннинг асарини чуқур ўрганган. Бу шарқшунос бутун умрини Рашидиддин меросини ўрганишга бағишлади. И.Н.Березин форс тилидаги нашрларнинг асосий ноширидир. У "Жомеъ ат-таворих"нинг биринчи жилди (Чингизхон ҳукмдорлик даври тарихи), шунингдек, "Туркий ва мўғул кўчманчи қабилалари" тарихини ўз ичига олган қисмларининг таржимонидир. Бироқ, И.Н.Березин ҳаётлиги даврида асар қўлёзмасининг энг яхши, Тошкент ва Истамбул нусхалари маълум эмас эди. Шу боис исмлар, туркий мўғул иборалари, жўғрофий, тарихий-топономик иборалар аниқлаштиришни талаб қилар эди. И.Березиннинг форсча матни ва русчага таржимаси ҳозирда ҳам библиографик жиҳатдан нодир ҳисобланади. Бунинг устига унинг нашри тўлиқ эмас эди. Шу боис 1936 йилдаёқ СССР Фанлар Академияси Шарқшунослик институти "Жомеъ ат-таворих" форсча матни ва русча таржимасининг қайта кўриб чиқилган нашрини босмага тайёрлай бошлади. 1-139 бетларни проф А.Ромасевич, 140-231 бетларни филология фанлари номзоди Л.Хечатуров ва ниҳоят, 232 бетдан асарнинг охиригача бўлган қисмини етук шарқшунос, профессор А.Ализода тайёрлади. Яна шуни ҳам таъкидлаш лозимки, танқидий матн биринчи жилдининг 1 ва 11 қисмлари ҳамда русча таржима матни 1941 йилгаёқ профессор А.А.Ромасевич томонидан олдиндан таҳрир қилинган эди.

Рашидиддиннинг "Жомеъ ат-таворих" асари элхонларга бўйсунувчи мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид жуда кўп маълумотларни ўз ичига олади. Бу соҳада биронта ҳам тарихий асари у билан тенглашолмайди.

Асардаги маълумотларга кўра, деҳқончилик, ердан фойдаланиш тартиби, солиқлар ва уларни ундириш усуллари, деҳқонларнинг тўловлари ва мамлакатнинг иқтисодий аҳволи хусусида бемалол фикр юритиш мумкин. Рашидиддиннинг бу асари, В.Бартольднинг иборасича, ўрта аср форс тарихшунослигининг “сўнгги сўзи”дир. Мана, 150 йилдирки, тадқиқотчиларни ўзига тортиб келади, унинг тўғрисида кўплаб асарлар битилади. Бу асарни ўрганиш ва нашр этиш билан бугун ҳам бутун жаҳон шуғулланаяпти. “Йилномалар мажмуаси” билан бир каторда Рашидиддиннинг “Ёзишмалар”и ҳам Яқин, Ўрта Шарқ ва Марказий Осиёнинг XIII-XIV аср боши тарихини ўрганишда катта манбадир. Бу манба тарихшунослиги унчалик кучли эмас. Гап шундаки, “Ёзишмалар” муаллиф ўлгач, 1327-1336 йиллар орасида унинг ўғли Гиёсиддин Муҳаммад Рашидийнинг уринишлари оқибатида китобга айланди. Вазирнинг топшириғига кўра, Рашидиддин собиқ шогирди Муҳаммад Абарқўхий бу тўплами тузишга киришди. Рашидиддин мактублари Шарққа кенг тарқалди. Э.Брауннинг шахсий коллекциясидан шу нарса англашиладики, бу хатлар XIV – XV аср чегараларида ҳам, кейинги асрларда ҳам қайта кўчириб олинган. Совет тарихчиси И.Петрушевскийнинг гувоҳлик беришича, “Ёзишмалар” “Йилномалар мажмуаси”га ўхшаб кетади ва уларда ўша давр расмий ҳужжатлари учун хос бўлган иборалар бир хил шаклда учрайди. Хуллас, ҳозир Рашидиддин “Ёзишмалар”ининг 13 та нусхаси маълум. Улардан саналган ва рўйхатга олингани саккизта. “Жомеъ ут-таворих” асари 1301-1311 йиллар орасида Ғозонхоннинг топшириғи билан ёзилган.

Рашидиддиннинг “Жомеъ ут-таворих” асари Шарқ ва Ғарб олимларининг эътиборини кўпдан бери жалб этиб келяпти. XV асрда Эроннинг йирик тарихчиларидан бири “Жомеъ ут-таворих”нинг давомини ёзиб, Эрон тарихини 1371 йилгача давом эттирган. Ҳофиз Абрунинг бу асари “Зайли жомеъ ут-таворих” (“Жомеъ ут-таворих”га қўшимча) номи билан машҳур¹. Асар 1937-1938 йилларда проф. Хонбобо Баёний томонидан

¹ Аҳмедов Б. “Тарихдан сабоқлар”. Тошкент., “Ўқитувчи”. 1994. Б. 417.

Техронда нашр этилган. Асарнинг биринчи қисми, яъни “Тарихи Ғозоний” француз шарқшунос олими М.Картмер (1836), Э.Блоше (1911) ва чех олими К.Ян (1941) томонидан чоп этилган. Рус шарқшуноси И.Н.Берёзин “Тарихи Ғозоний”ни изчил ўрганди ва унинг форсча матни билан русча таржимасини нашр эттирди (1858, 1868, 1888). “Жомеъ ут-таворих” рус шарқшунос олимларидан А.А.Ромаскевич, Й.Е.Арендслар тарафидан, русча изоҳи билан 1968 йилда Москвада нашр қилинди. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда мўғуллар ва улар асос солган давлатлар Улуғ юрт, яъни Мўғулистон, элхонийлар давлати ҳамда мўғуллар асоратига тушиб қолган мамлакатлар, Шимолий Хитой, Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг мўғул истилосигача бўлган қисқача тарихи ёритилган.

Иккинчи қисмда Шарқ мамлакатлари халқларининг исломиятдан аввалги тарихи, араб халифалиги ва унинг таркибида ташкил топган Ғазнавийлар империяси, Салжуқийлар давлати, Хоразмшоҳлар давлати тарихи; Хитой, қадимги яҳудийлар, франклар, Рим империяси ва Ҳиндистон тарихи акс этган.

Учинчи қисмда Ер курраси ҳамда етти иқлим мамлакатларининг географик ҳолати ёритилган. Афсуски, асарнинг сўнгги, учинчи қисми сақланмаган. Қўлёзма 1318 йил – Рашидидиннинг шахсий кутубхонаси талон-тарож қилинган вақтларда йўқолган бўлиши мумкин.

Асарнинг турк-мўғул халқлари тарихини ўз ичига олган қисми Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда катта аҳамиятга эга. Китобнинг Ўрта Осиё, Эрон ва Кавказорти халқларининг XIII аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қисмлари ҳам бениҳоятда қимматлидир.

Биринчи қисм айна пайтда ислом ҳукмдорлари ҳукмдори Ўлжайту султоннинг ўз укаси бўлмиш Ғозонхон номига атаб ёздирилган. Бу жилдда турк-мўғул халқларининг Чингизхонгача бўлган тарихи, Чингизхон тузган йирик феодал давлат, Чингизхоннинг юришлари, унга қарам бўлган

мамлакатлар тарихи, XII-XIII асрларда Шимоли-шарқий Осиёда кўчиб юрган турк ва мўғул кабилаларининг келиб чиқиши ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни кенг шархланиб, Ғозонхон (1295-1304) ўтказган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар батафсил ёритилган. Асарнинг иккинчи қисми Султон Ўлжойтухон (1304-1317)нинг топшириғи билан элхонийлар саройида истиқомат қилиб турган чет эллик олимлар (кашмирлик бахши Камалашри, хитойлик олим Ли Да-чжи, франциялик бир монах, иккита форс олими ва бошқалар) иштирокида ёзилган. Асарда мўғул истилосига қадар мусулмон оламининг тарихи, шунингдек, яҳудийлар, Европа, Византия, Рим, Хитой ва Ҳиндистон тарихи баён этилган. Учинчи қисми жуғрофий асар бўлиб, “Етти иқлим”, яъни оламнинг инсон истиқомат қилиб турган тўртдан бир қисми тавсифига бағишланган. Бу қисм бизгача етиб келмаган. Биринчи боб тарих саҳнасида турк халқларининг пайдо бўлиши ва уларнинг шажараланиши-ю, ҳар бир халқ аجدодларининг ҳаёти ҳақида батафсил маълумот беради. Ўз навбатида бу боб дебоча (кириш қисми) ва тўрт фаслдан иборат. Иккинчи бобда мўғул ҳоқонлари, турк ҳоқонлари ва бошқа халқлар ҳақида гап кетади. У эса икки фаслдан ташкил топган. Иккинчи жилд ҳоқонлар ҳоқони Ўлжайту султон буйруғи билан ўзининг муқаддас ноибига бағишлаб ёздирилган. У икки бобдан таркиб топган. Биринчи боб ислом султони Ўлжайтухон таваллуд вақтидан то ушбу китоб муқоваланаётган вақтгача даврни ўз ичига қамраб олади. Бу эса ҳижрий 700-йилга тўғри келади. Иккинчи боб икки қисмдан иборат: биринчи қисм икки фаслдан иборат. Иккинчи қисм эса ислом султони Ўлжатуйхоннинг тарихига тегишли бўлиб, ҳоқоннинг сўнгги кунларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчи жилд асосан географик ва топографик чизгилар ва маълумотларга бағишланган. Унда турли давлатларга олиб борадиган йўллар, мамлакатлар орасидаги масофалар, нисбий даражада бўлса ҳам, мухтасар тарзда баён этилган.

Мўғулларнинг Марказий Осиё, Яқин, Ўрта Шарқ ва унга туташ мамлакатлардаги ҳукмронлик даври манба ва тарихшуносликка жуда бой.

Бу даврда жуда кўп йирик асарлар яратилди. **Вардан Кироқаци, Насавий, Жувайний, Ибн Асир, Ҳамдуллоҳ Қазвиний, Васифийлар** номи жуда машҳур эди.

Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой” асарида ҳам мўғуллар босқини батафсил баён қилинган. Тарихчи Аълоиддин Муҳаммад Жувайний Темур Маликнинг кўрсатган қаҳрамонлигига қуйидагича баҳо берган эди: «Темур Малик шундай жасоратли саркарда эдики, агар паҳлавон Рустам тирик бўлганида унинг отига жоловдорликка яради, холос».

Жувайнийнинг маълумотларига қараганда, Хўжандни камал қилишда 20 минг мўғул аскарларидан ташқари, 50 минг нафар асир ҳам қатнашган. Кучлар нисбатининг тенг бўлмаганлигини ҳисобга олиб ва тинч аҳолини қирғин бўлишдан сақлаб қолиш мақсадларини кўзлаб, Темур Малик ўзининг 1000 та сараланган жангчи суворийлари билан жанг қилиб, мўғуллар сафини ёриб ўтади ва Сайхун дарёси ўртасидаги ороллардан бирига жойлашиб олади. Мўғулларнинг камон ўқлари ва палахмон тошлари узоққа етиб бора олмас эди. Мўғуллар дарёга тошларни ташлаб ватанпарварлар томон ўтишга қарор қиладилар ва аскарларга 3 фарсах (бир фарсах 6-8 км) узоқликдан тошларни олиб келиб дарёга ташлатиб, тўғон (дамба)лар ҳосил қилмоқчи бўладилар.


Темур Малик эса ўзининг жасур йигитлари билан тунда қайиқларда сузиб келиб, куни билан ҳосил қилинган тўғон (дамба)ларни бузиб кетар эди. Темур Маликнинг буйруғига асосан 12 та махсус қайиқ қурилган. Душман отган ўқлар қайиқларни тешиб ўтмаслиги, оловли ўқлар уларни ёндириб юбормаслиги чораси сифатида қайиқларнинг устлари наmatлар билан қопланади, устидан эса сиркали лой чапланади. Бундай кемаларда Темур Малик бемалол, қўрқмасдан дарё соҳиллари томон сузиб бориб, мўғулларга қирон келтирар эди. Аммо кучли душман билан бундай усулда узоқ вақт

жанг қилишнинг иложи йўқ эди. Шунинг учун Темур Малик 70 та кема-кайик қурдириб, дарёнинг қуйи қисми орқали машъаллар ёқиб сузиб бориб, Хоразм (Орол) денгизи ва Жайхун орқали Урганжга етиб олишга қарор қилади. Дарёнинг ҳар икки қирғогидан эса мўғулларнинг отлиқ суворийлари Темур Малик кучлари устига тинимсиз камон ўқларини ёғдирар эдилар. Қаттиқ жанг, оловли машъаллар билан Темур Малик сарбозлари Жанд томон дадил сузиб кетадилар. Барчинликент ва Жанд яқинида дарёнинг ҳар иккала соҳили бўйлаб сарҳанг Улус Иди бошлиқ душман кучлари дарё устига занжир тортиб, мустаҳкам тўсиқ қурадилар. Аммо Темур Малик бу тўсиқни бузиб ўтиб, Жанд шаҳрида қирғоққа чиқади. Қирғоқда Темур Малик баҳодирлари билан мўғуллар ўртасида мислсиз ва шиддатли жанг бўлади. Бу жангда Темур Малик ўз қўшини ва сафдошларидан деярли батамом айрилади.

Фақат кичик бир гуруҳ йигитлар билан қолган Хўжанд арслони мўғулларнинг бутун бошли қўшинига қарши жанг майдонида от суради. Жувайнийнинг ёзишича: «Орқадан таъқиб этиб келаётган душманни йўл-йўлакай чошиб, камондан ўққа тутиб пароканда этди, мўғул сардорларидан бирининг кўзини кўр қилди. «Яна икки ўқ-ёйим бор, икковингга ҳам етади. Яхшиси орқага қайтинглар!» деб хитоб қилди Темур Малик. Ваҳимага тушган мўғуллар отлари жilовини орқага тортиб қайтиб кетдилар». Ана шу тариқа Темур Малик қаттиқ машаққатлар ва қаҳрамонликлар эвазига Хоразмшоҳлар давлатининг пойтахти Урганжга етиб боради ва Жалололиддин Мангуберди кучларига қўшилади. У Хоразм баҳодирлари билан мўғулларга қарши олиб борилган жуда кўп жангларда қатнашади. Жўчига қарши муваффақиятли ва зафарли юришларни амалга оширади ва ҳатто ундан Сирдарёнинг қуйи оқимидаги Янгикент шаҳрини қайтариб ҳам олади. Уларнинг ҳаммаси ёритилаётган воқеаларнинг нафақат гувоҳи, балки қатнашчиларидир, шу боисдан улар яратган асарлар ўша даврнинг тарихий ҳужжатлари бўла олади.

Мўғулларга қарши миллий-озодлик курашнинг тарихчилар томонидан ўрганилиши

Мўғуллар босқини Марказий Осиё халқларига чексиз қулфат ва фожеалар олиб келди. Мовароуннаҳр шаҳарлари харобага айланди, хунармандчилик ва савдо инқирозга учради, дала-ю водийлар бўшаб, хувиллаб қолди. Ўзбекистон тарихининг энг фожиали саҳифаларидан мўғуллар босқини ва уларнинг 150 йиллик ҳукмронлик тарихи Ёқут Хамавий, Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий, Жамол Қарший ва бошқа тарихчилар асарларида кенг ёритилган.



Ўзбекистон Республикаси мустақилликни қўлга киритгач, тарихий манбаларни ўрганиш учун кенг йўл очилди. Жумладан, биз ўрганаётган давр ҳақида маълумот берувчи Мирзо Улуғбекнинг "Тарих-и арбаъ улус" (Тўрт улус тарихи) асари 1994 йил олимлар Бўрибой Аҳмедов, Наим Норқулов, Маҳмуд Ҳасанийлар таржимасида Тошкентда "Чўлпон" нашриётида чоп этилди. Ушбу асар 1425 йилда Улуғбек раҳбарлигида ёзиб тугалланган. Шу ўринда асар ҳақида рус олими В.Бартольд айтган айрим фикрларни айтиб

Ўтиш мақсадга мувофиқдир. Авваломбор, шуни айтиш керакки, олим ўзининг бир қатор илмий рисолалари (Туркистон мўғуллар босқини даврида, Улуғбек ва унинг даври ва бошқалар)да Улуғбекнинг мазкур асаридан манба сифатида фойдаланган. Лекин нима сабабдандир уни муҳим тарихий манбалар қаторига қўшмайди, тўғрироғи, асарнинг қимматини бир қадар пасайтирмақчи бўлади. Чунончи, у бундай деб ёзади: "Шоҳрухнинг ўғли ва тахт вориси Улуғбек (1449 йилда ўлдирилган) "Тўрт улус тарихи"ни битган. Асар ўз номига кўра мўғуллар империясининг тўлиқ тарихини ўз ичига олади. Улуғбекнинг бу асари бизгача етиб келмаган, лекин баъзи манбаларда, хусусан Хондамирнинг "Ҳабиб ус-сияр"ида ундан олинган парчалар учрайди. Бу парчалардан кўришиб турибдики, мўғуллар давлати тарихи муаллиф яшаган давргача баён қилинган. Аммо муаллиф ўша подшоҳликлар ҳақида тўла маълумот бермайди, аксинча, хонларнинг номинигина қайд этиш билан кифояланган, холос. Шу сабабдан ҳам бу асарнинг бизгача етиб келмаганидан ортиқча қайғуриб ўтиришга асос йўқ, деса ҳам бўлади".

"Тўрт улус тарихи" асарининг учинчи бобида юртимиз тарихига оид муҳим маълумотлар учрайди. Булар Хоразмшоҳ Алоуддин Муҳаммаднинг мўғуллар истилоси арафасида Самарқандни мустаҳкамлаш борасида олиб борган ишлари, Балх шаҳрининг мўғуллар тарафидан қамал қилиниши ва мўғул армияси таркибида Чингизхоннинг бошқа мамлакатларни босиб олишда фаол иштирок этган турк қўшинлари ҳамда уларнинг сардорлари ҳақидаги маълумотлардир. Биринчи мисол. "Тарих-и арбаъ улус"да келтирилган маълумотларга кўра, мўғуллар хужуми арафасида Хоразмшоҳнинг фармони билан 300 минг одам Самарқанд деворлари, қалъаси ва бошқа мудофаа истеҳкомларини мустаҳкамлаш ишига сафарбар қилинган, ўшанда ҳақиқатдан ҳам шаҳарни мустаҳкамлаш, уни қамал жангларига ҳозирлаш борасида катта ишлар олиб борилган экан. "Тарих-и арбаъ улус"да келтирилган бу маълумот 1960 йилда Афросиёбда олиб борилган археологик кузатиш ва қазилар ишларининг натижалари билан ҳам таъкидланди. Иккинчи мисол. Маълумки, 1221 йилнинг баҳорида мўғуллар

Хуросоннинг қадимги иқтисодий-сиёсий ва маданий марказларидан бири бўлмиш Балх шаҳрини ишғол қилиб, уни вайронага айлантirdилар. Ибн ал-Асирнинг (1160-1233) гувоҳлик беришича, шаҳар ўз ихтиёри билан душманга таслим бўлган. Шунинг учун ҳам Чингизхон Балх халқига меҳр-шафқат кўрсатган ҳамда шаҳар ва унинг халқини омон қолдирган. Бошқа бир катта тарихчи – Алоуддин Жувайний (1226-1283)нинг сўзларига қараганда, Чингизхон аввал шаҳар ва унинг халқига омонлик ваъда қилган, лекин сўзида турмай, шаҳарни вайрон қилган. Мирзо Улуғбек бу ҳақда тамоман бошқа маълумот келтиради. Унинг сўзларига қараганда, Чингизхон балхликлар сўнгги Хоразмшоҳ Жалолиддин (1198-1231)нинг одамларига бошпана берганликлари учун шаҳар ва унинг халқини жазолаган. Унинг амри билан Балхоб дарёсига қурилган Банди Амир тўғонини бузиб ташлаганлар, ўшанда Балх ва унинг туманлари олти ой мобайнида сув остида қолиб кетган.

Асарнинг энг муҳим қисми – унинг еттинчи бобидир. Унда Чигатой улусининг Чингизхон замонидан то Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келишигача бўлган тарихи ҳикоя қилинади. Маълумки, Чигатой улусининг қарийб 250 йиллик тарихи ўрганилмаган. Бу ҳақда қўлёзма манбаларда етарли маълумотлар йўқлиги бунинг асосий сабабидир.

Асар “Улус-а арбаъ-йи Чингизий” (“Чингизийларнинг тўрт улуси”) ва “Тарих-и арбаъ улус” (“Тўрт улус тарихи”) номлари билан машҳур. Лекин, Оврупо шарқшунослари орасида ушбу асарни биринчилар қаторида ўрганган ва унинг қисқартирилган инглизча таржимасини эълон қилган полковник Майлс, етарли асоси бўлмагани ҳолда бу китобни “Шажарат ул-атроқ” (“Турк (ҳоқон)ларининг шажараси”) деб атайди. Чуқур ва атрофлича ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, асарнинг фақат Ёфас ўғлон ва унинг ўғли Туркхон ҳамда фарзандлари татар-мўғул билан турк табақалари, шунингдек, уларнинг подшоларигина “Шажарат ул-атроқ” асосида ёзилган, холос. Асарнинг Чингизхоннинг улуғ аждоди Бузунжор қондан бошлаб Мовароуннаҳрни XIII-XIV асрнинг биринчи ярмида идора қилган Чигатойхон авлоди тарихини ўз ичига олган қисми “Улус-и арбаъ-йи

Чингизий” ёки “Тарих-и арбаъ улус” деб аталади. Рус шарқшунос олими В.В.Бартольд, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, бу асар ҳақида кўплаб танқидий фикрлар билдирган. Олим ўзининг бир қатор илмий рисолалари, хусусан, “Туркистон мўғул босқинчилиги даврида”, “Улуғбек ва унинг даври” асарларида Улуғбекнинг мазкур асаридан манба сифатида фойдаланган. Лекин олим уни муҳим тарихий манбалар қаторига қўшмайди. У бундай деб ёзади: “Шоҳрухнинг ўғли ва тахт вориси Улуғбек “Тўрт улус тарихи”ни ёзган. Асар ўз номига кўра мўғуллар империясининг тўлиқ тарихини ўз ичига олади. Улуғбекнинг бу асари бизгача етиб келмаган, лекин баъзи манбаларда, хусусан Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”ида ундан олинган парчалар учрайди. Бу парчалардан кўриниб турибдики, мўғуллар давлати тарихи Хондамир яшаган давргача баён қилинган. Олимнинг бошқа бир асарида эса мана бу гапни ўқиймиз: “Улуғбек қаламига тааллуқли деб ҳисобланган тарихий асар эҳтимол, адабий манба ва тарихни танқидий ўрганиш учун материал сифатида бирмунча қизиқиш уйғотиши мумкин, лекин мазкур асар нусхаси топилганда ҳам мўғуллар империяси ёки унинг инқирозидан сўнг ташкил топган давлатлар тарихига оид бўлган мавжуд маълумотларни бойитади, деб айтиш қийин”. Б.Аҳмедов Бартольднинг “Тарих-и арбаъ улус”га бундай муносабатда бўлишининг иккита сабаби борлигини айтади. Биринчидан, жаҳон кутубхоналарида мазкур асар тўлиқ нусхасининг сақланмаганлиги ва иккинчидан, XV – XVII асрларга оид тарихий қўлёзма асарларнинг ҳозир ҳам қониқарли даражада ўрганилмаётганлигидир. Лекин, ҳақиқат фақат маълум мавзуга бағишланган асарларни бир-бирига қиёслаб ўрганиш ва улар келтирган маълумотларни диққат билан текшириш орқалигина аниқланади.

Асарни ёзишда муаллиф кўплаб тарихий ва жуғрофий асарлардан фойдаланган. Улуғбек кўп ҳолларда ўз манбаларини аниқ кўрсатмайди ва «айтишларича», «қисса ва тарих китобларда» ёзилишича, «Чиғатой улуси уламоларининг китобларида келтирилишича», «бир гуруҳ одил, ҳақиқатгўй тарих арбобларининг айтишича» каби умумий иборалар билан чекланади.

Лекин, айрим ўринларда ўзи фойдаланган баъзи асарлар ва уларнинг муаллифлари номини ҳам тилга олади. Булар орасида машҳур астроном Абу Маъшар Балхий, йирик олим, шоир ҳамда сайёҳ Рашидуддин Вотвот, машҳур тарихчи-ю, давлат арбоблари Алоуддин Отамалик Жувайний, Рашидуддин Фазлуллоҳ Ҳамадоний, Ҳамдуллоҳ Мустовфийи Казвиний ва бошқаларнинг номлари тилга олинади. Олим ҳадис китоблар ва ривоятлардан фойдаланганлигини ҳам айтади. Асарда Рашидуддин Вотвот, Хўжандий ва Низомийдан олинган шеърий парчалар ҳам учрайди. Бундан маълум бўлишича, Улуғбек мазкур асарини ёзишда жуда кўп ва мазмун жихатдан хилма-хил китоблардан кенг фойдаланган.

Энди бевосита асарнинг таркибий қисми ҳақида тўхталадиган бўлсак, асар муқаддима ва етти бобдан иборат.

Муқаддимада, ўрта аср тарих илмида ҳукм сурган анъанага кўра, Тангри таоло, унинг элчиси, пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва-с-саллам ва авлодлари шаънига айтилган мақтовлар, Одам Атонинг яратилиши ҳамда исломиятдан аввал ўтган пайғамбарлар (Шис, Кайнон, Маҳлойил ва бошқалар), Нух алайҳиссалом ва унинг фарзандлари тарихи қисқача баён қилинади.

Биринчи бобда Туркхон ибн Ёфас ҳамда унинг Туркистон заминда подшолик қилган авлоди, татар-мўғул ва турк қавмлари ҳамда подшолари тарихи баён этилган.

Иккинчи боб турк-мўғул халқларининг афсонавий онаси Аланқува ва ундан тарқалган авлод, яъни подшолар (Бузунжор қоон, Буқохон, Дутуминхон, Қобулхон, Бойсунғурхон, Бартон баҳодир, Ясугай баҳодир) тарихи, VIII асрда жалойир қавми бошлиқларининг кучайиб кетиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Учинчи бобда буюк жаҳонгир Чингизхон тарихи баён этилган. Ушбу бобда келтирилган маълумотлар ичида асосийларидан мўғул қўшинларининг тузилиши, Чингизхоннинг оқ рангдаги тўққиз пояли туғи, Чингизхон саройида амалда бўлган тартиб-қоидалар ҳақидаги маълумотлар муҳим

аҳамият касб этади. Яна шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Чингизхон замонида турк-мўғул қавмлари даҳа (ўнлик), сада (юзлик), ҳазора (минглик) ва тумон (ўн минглик)ларга бўлинган. Чингизхон замонида “ ҳеч ким, – деб айтилади “Тўрт улус тарихи”да, – ўз даҳаси, садаси ва ҳазорасидан бошқа жойга кета олмагай ва бошқанинг паноҳига ўта олмагай... бунга хилоф иш тутганларни халқ олдида қатл этадилар, токи бошқаларга ибрат бўлсин”¹.

Асарнинг **тўртинчи боби** Чингизхоннинг Улуғ юрт, яъни Мўғулистон билан Шимолий Хитойни идора қилган ворислари тарихига бағишланади. Ушбу бобда Чингизхон вафотидан кейин то Амир Темур замонигача Мўғулистонда ҳукмронлик қилган 21 ҳукмдордан 17 тасининг тарихи қисқача баён этилган. Рашидиддин эса булардан фақат бештасининг номини, “Зафарнома” асари муаллифи Шарафуддин Али Яздий эса 14 тасининг номини келтирган.

Бешинчи бобида Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўчихон наслидан бўлган 33 хон замонида Дашти Қипчоқ (ҳозирги Қозоғистон, Фарбий Сибирь ва Волгабўйи ерлари)нинг тарихи баён қилинади.

Мазкур бобда келтирилган “ўзбек” этнонимининг келиб чиқишига оид ўта муҳим маълумотлар алоҳида аҳамият касб этади. Маълумки, ўзбек халқининг келиб чиқиш масаласи ҳанузгача илмий жиҳатдан тўла ҳал қилинмаган бир муаммо бўлиб турибди. Илм-фанда бу масалага ҳар хил ёндашувлар ва қарашлар мавжуд. Н.А.Аристов, А.Ю.Якубовский ва бошқа чет эллик олимларнинг фикрича, “ўзбек” этноними Олтин ўрда хони Ўзбекхоннинг номи билан боғлиқ. В.В.Григорев ва А.А.Семёновлар эса Дашти Қипчоқнинг шарқий қисмида истиқомат қилган турк-мўғул қавмларини ўзбеклар деб атайдилар. Г.Вамбери, Г.Ховорс, Пеллоларнинг фикрича, Дашти қопчоқда кўчиб юрган турк-мўғул қабилалари ўзларини эркин тутганликлари туфайли ўзбеклар, яъни ўз-ўзига беклар деб аталган бўлишлари мумкин.

¹ Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи” Тошкент., “Чўлпон”. 1994. Б. 7.

Асарнинг **олтинчи боби**да Эрон билан Озарбойжон устидан қарийб бир аср мобайнида (1256-1353) ҳукмронлик қилган элхонийлар давлати, уларнинг ички аҳволи ва ташқи сиёсатига оид бир талай қимматли маълумотлар бор. Бундан ташқари, элхонийлар давлатининг Миср, Шом, Сурия, Олтин Ўрда ҳамда Чиғатой улуси билан бўлган сиёсий муносабати ҳақида ҳам эътиборга молик маълумотлар учрайди.

Асарнинг энг муҳим қисми унинг **еттинчи боби**дир. Унда Чиғатой улусининг Чингизхон замонидан (1227 й.) то Амир Темурнинг ҳокимият тепасига келиши (1370 й.) гача бўлган тарихи ҳикоя қилинади.

Маълумки, Чиғатой улусининг қарийб 150 йиллик (1227-1370) тарихи ўрганилмаган. Бунинг асосий сабаби муаммога оид ёзма манбаларнинг етарли эмаслигидир. Тўғри, Чиғатой улусида ҳукмронлик қилган хонлар ҳақида жуда қисқа маълумотлар Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”сида, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор”ида ҳам келтирилган. Лекин “Тарих-и арбаъ улус” уларга нисбатан бир қадар тўлароқ. Унда улусда ҳукмронлик қилган Чиғатой ва Ўқтой қоон наслидан (Али султон, Донишмандчахон, Суюрғатмишхон ва Султон Маҳмудхон) бўлган 33 хоннинг тарихи қисқа тарзда баён этилган.

Чингизхон вафоти олдидан (1227 й.) ўз тасарруфига кирган мамлакатларни ўғилларига тақсимлаганда, иккинчи ўғли Чиғатойхонга Шарқий Туркистон, Еттисув воҳаси ва Мовароуннаҳрни Хоразмнинг бир қисми билан инъом этгани, ҳозирги Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ерлари эса Чиғатойлар тасарруфига кейинчалик ўтганлиги ҳақида айтилади. “Тўрт улус тарихи”да келтирилишича, Афғонистон ва Шимолий Ҳиндистон ерлари ҳам Чингизхоннинг ҳаётлигидаёқ Чиғатойхонга берилган. Бу ҳақида асарда қуйидагиларни ўқиймиз: «Чингизхон Туронзамин мамлақати ҳокимлигини, Кошғар сарҳадларидан уйғурлар ери чегарасигача; Жайхун дарёси адоғигача ястанган ерлар: Эрон билан Турон оралиғидаги Балх,

Бадахшон, Қобул, Ғазнин, Синд дарёсигача бўлган ерларнинг кўп қисмини шу суюкли фарзанди Чигатойхонга берди»¹.

Асардаги Чигатой кўшинининг тузилиши, айниқса ҳарбий бўлинмалар номи ҳақидаги маълумотлар ўта муҳимдир. Масалан, қоровул қисм ўша вақтларда булунғор, ировул (илғор қисм орқасидан борувчи бўлинма) - бурунғор, маймана (ўнг қанот) - аванғор, соқа (арьергард) - ўкчунғор деб аталган.

Асарнинг тўлиқ нусхаси ҳали топилмаган. Бугунги кунда унинг қисқартирилган тўртта нусхаси сақланган бўлиб, унинг иккитаси Англияда, бир нусхаси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳри кутубхонасида, тўртинчи нусхаси АҚШнинг Гарвард университетиде сақланади. Асарнинг мазкур ўзбекча нашри асарнинг Британия музейи (Англия)да сақланаётган АДД 26190 рақамлик қўлёзмаси асосида 1994 йил Б.Аҳмедов, Н.Норқулов, М.Ҳасанийлар томонидан амалга оширилган. Бу иш ушбу асарга қизиқувчилар сафини кенгайтиради, деб айтиш мумкин. Ушбу асарнинг таржимаси, шубҳасиз, уни ўзбек тилида ўқий олиш имконини беради.

Шундай қилиб, фан ва маданият тарихида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек тарих илми соҳасида ҳам самарали фаолият олиб борган. Бунинг натижасини “Тўрт улус тарихи”дан кўриш мумкин. Кўп бора танқидларга учраган бу асар ўзининг илмий аҳамияти ва ўқувчисини йўқотмаган, ундаги маълумотлар ўз аҳамиятини сақлаб қолган. “Тўрт улус тарихи” Марказий Осиёнинг XIII-XIV асрнинг биринчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ўрин эгаллаши шубҳасиздир.

Мўғуллар босқинининг Марказий Осиё халқларига чексиз кулфат ва фожеа келтирганлиги Шиҳобиддин ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди” асарида ҳам тўлиқ ёритилган.

Бизга маълумки, мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг кўпгина жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Айниқса, узоқ асрлар давомида ўзбек халқининг қалбида сақланиб келган миллий

¹ Мирзо Улуғбек. “Тўрт улус тарихи” Тошкент., “Чўлпон”. 1994. Б. 297.

қахрамонларининг номи тикланди ва чуқур тадқиқ қилина бошланди. Шундай қахрамонлардан бири “XIII аср вабоси” деб ном олган мўғулларга қарши 14 марта дуч келиб, 13 мартасида ғолиб келган, кўплаб жасоратлар кўрсатган, кейинчалик дунёнинг катта қисмида улкан давлатга асос солган ўзбек халқининг фахри бу – Жалолиддин Мангубердидир. Жалолиддин Мангубердининг жўшқин, мазмунли ҳаёти ва фаолиятида интилишга лойиқ намуна, айни пайтда ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайдиган улкан сабоқ бор. Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўплаб асарлар яратилган. У ҳақидаги XIII асрдан то ҳозиргача яратилган асарлар сони салкам 500 жилдга яқин китобни ташкил этади¹. Шуларнинг орасида энг ишончли, асосий тарихий манба Шихобиддин Муҳаммад ан-Насафийнинг “Сират ас-султон Жалолиддин Мангубурни” (“Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти”) асаридир. Бу манбани ўрганиш буюк саркарданинг ҳаёти ҳақида аниқроқ ва чуқурроқ тушунча олишга имкон бериб, озодлик ва эрк учун кураш азалдан халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган тушунча эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш, бугунги ёшларнинг ватанга бўлган муҳаббатларини янада ошириш, улар буюк аждодларнинг авлоди эканлигини тарихий манба асосида баён қилиш имконини беради.

Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг “Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаётининг тафсилоти” асари араб тилида ёзилган. Асарнинг иккита тўлиқ бўлмаган қўлёзмаси бугунги кунгача етиб келган. Улардан бири – 1260 йилда ёзилган қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида, иккинчиси Британия музейида сақланади. Бу асар ҳақида ғарб тарихига илк маълумотни XIX аср ўрталарида К.Дьоссон олиб киради. Унинг 1852 йилда Амстердамда нашр этилган “Мўғулларнинг Чингизхондан Амир Темургача бўлган тарихи” деб номланган асарида бу ҳақида муфассал маълумот берилган. Кейинчалик шарқшунос олим Октав Удас асарни француз тилига таржима қилади ва нашр эттиради. Бу асарнинг жаҳон тарихидаги ўрни

¹ Шихобиддин ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди. – Тошкент., “Ўзбекистон”, 1999. Б. 6.

хақида бир қанча мақолалар ёзади. Шундан кейин ғарб тарихида А.Мюллер, Ж.Бойл, В.Фишсл, В.Аллен, Х.Хорст, Кл.Каен, Г.Готшалк, Б.Шпулер каби олимларнинг Жалолоддин тўғрисидаги илмий тадқиқотлари пайдо бўлади. Улар Насавий асари билан биргаликда Жалолоддин Мангубердиннинг тарихдаги ўрнига ҳам муносиб баҳо берадилар¹.

О.Удас таржимаси асосида Насавий асарини 1914-1916 йилларда Ю.Зиё ва А.Тавҳид турк тилига ўгириб, нашр қилдирадилар. 1934 йилда бу асар Нажиб Асим таржимасида яна бир бор турк тилида нашр қилдирилади. Бунда аввалги таржимада йўл қўйилган камчиликлар тўлдирилади ва асар мукаммаллаштирилади. Кейинчалик О.Удас таржимасидаги асар Қоҳирада нашр этилади. 1945 йилда бу асар Муҳаммад Али Насих томонидан форс тилига ҳам ўгирилади. 1953 йилда Ҳофиз Аҳмад Ҳамдий уни О.Удас таржимаси асосида араб тилига таржима этиб, нашрдан чиқартиради. Кейинчалик Насавий асари бошқа тилларга ҳам таржима қилинди.

“Сират” рус тилига 1850 йилдан – 1900 йилгача қисқартирилган ҳолда бир неча бор таржима этилган. Унинг Россияда ўрганилишида Петербург университетининг профессори, шайх Муҳаммад Тантавийнинг хизматлари каттадир. Аввало, шайх Тантавий Париж Миллий кутубхонасидаги Насавий асари кўлёмасини қайтадан кўчириб олади. Унинг йўқолган саҳифалари, ўчиб кетган жойларидаги сўзларни асар руҳидан келиб чиққан ҳолда тўлдиради. Баъзи жойларига аниқлик киритади. Шу тариқа, ан-Насавий асарининг шайх Тантавий тайёрлаган нусхаси О.Удас нашр эттирган нусхасидан кўра тўлароқ ва мукаммалроқ чиқади. Ушбу асар устидаги ишни кейинчалик озарбойжонлик тарихчи, шарқшунос олим Зиё Бунёдов давом эттиради. У ан-Насавий асарининг араб, француз, форс тилларидаги ва шайх Тантавийнинг нусхалари асосида унинг танқидий матнини тайёрлади. Аммо, бу иш 1960-йиллардан бери нашр қилинмасдан қолиб келмоқда. Айни пайтда, олим асарнинг тўлиқ нусхасини танқидий матн асосида рус тилига таржима қилиб, 1973 йилда Бокуда нашр эттирган. Афсуски, ан-Насавийнинг

¹ Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Жалолоддин Мангуберди зикри. Тошкент., 1999. Б. 243.

Жалолиддин Мангуберди ҳақидаги энг ишончли манба бўлган бу асари ҳам, уни тадқиқ қилиш асосида хорижлик қадимшунослар томонидан яратилган бошқа ўнлаб асарлар, мақолалар ҳам ўзбек тилига ўгирилмаган.

Жалолиддин Мангуберди ҳақида ёзилган асарлардан яна бири Нуриддин Зайдарийнинг форс тилидаги “Нафсат ал-масдур фи фугур заман ас-судур ва заман ас-судур ал-футур” йилномасидир. Нуриддин Зайдарий ҳам Жалолиддиннинг муншийси, котиби бўлган. Тарихчиларнинг маълум қисми Зайдарийнинг бу асарини ан-Насавийнинг “Сират”идан таржима деб баҳоласалар, баъзилари алоҳида мустақил асар деб қарайдилар. Зиё Бунёдов иккала асар – “Сират”ни ҳам, “Нафсат ал-масдур”ни ҳам ўрганиб, бир шахс, бир воқеа-ҳодисалар, бир тарих ҳақидаги икки асар деб ёзади. Нима бўлмасин, бу асарнинг борлиги, унда Жалолиддин Мангуберди ҳақида маълумотлар берилиши тарихни ўрганиш учун катта аҳамиятга эгадир.

Жалолиддин Хоразмшоҳ ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маълумотлар берувчи тарихий битиклардан бири Иззиддин ибн ал-Асирнинг ўн икки жилддан иборат “ал-Комил фит-тарих” (“Мукамал тарих”) асаридир. Жаҳон тарихига оид воқеалар хронологик тарзда қайд этилган бу асарда Хоразмшоҳлар давлати фаолиятига алоҳида ўрин берилган. Асар муаллифи китобида келтирган воқеаларни кўрмаган, шоҳиди бўлмаган бўлса ҳам, эшитганлари асосида яратган. Шиҳобиддин ан-Насавий Ибн ал-Асирнинг бу китобига юқори баҳо бериб, бундай деб сезади: “У асарида баъзи ўринларда ҳақиқатдан бир оз чекинган бўлса-да, энг муҳим ва асосий воқеалардан бирортасини эътибордан четда қолдирмаган”. Шунингдек, Насавий унинг бу китобидан таъсирланганини, ўз асарини яратишда ундан фойдаланганини ҳам эслатади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ибн ал-Асирнинг бу асари Насавий асаридан ўн йиллар илгари ёзиб тугалланган. Ўтмиш тарихимиз тўғрисида бой манбаларга эга бўлган, жаҳоннинг кўплаб тилларига ўгирилган бу асар ҳам ўзбекчага таржима қилинмаган¹.

¹ Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» асарида Жалолиддин Мангуберди зикри. Тошкент., 1999. Б. 243.

Таниқли тарихчилардан Жувайнийнинг “Тарихи жаҳонкушой”, Рашидиддиннинг “Жами ат-таворих”, Жузжонийнинг “Табақати Носирий” асарларида ҳам Жалолиддин хусусида маълумотлар берилган. Мўғул хонлари хизматида бўлган бу тарихчилар султон ҳаёти ва фаолиятини раҳнамолари талаби билан бир ёқлама ёритишга мажбур бўлганлар. Шунга карамай, улар ҳам султоннинг мардликлари, қаҳрамонликларидан кўз юмолмайдилар – у ҳақдаги тарихий ҳақиқатни эътироф этадилар. Бундай эътирофлар мўғуллар тарихи – “Муқаддас битиклар”да ҳам, Чингиз хизматида бўлган хитойлик тарихчилар Етёй Чу-Сай ва Сун Сзи-Чжен асарларида ҳам учрайди. Уларда Хоразмшоҳларнинг давлати, қўшинлари ва аҳолининг ҳаёти ҳақидаги маълумотлар келтирилади, шунингдек, Жалолиддиннинг қаҳрамонликлари, кураш йўллари тўғрисида сўз боради.

Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаёти масаласида, XIX асрнинг 80-йилларидан буён қатор тадқиқотчилар томонидан турли хил фикрлар айтилган. Қорақалпоқ халқининг XVI-XIX асрлардаги тарихини баён этар эканмиз, XVI асрнинг иккинчи ярмида Нўғай хонлиги уч қисмга – “Олти ул” ўрдаси, Кичик ўрда ва Катта ўрдага бўлиниб кетади. XVI асрнинг бошларида нўғайлар Волга ва Ёйиқ дарёлари бўйларига бостириб келган жунғорлар (қалмоқлар) томонидан тор-мор этиладилар. Яйловларидан ажралган нўғайлар ғарбга – Қрим тарафга кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Нўғайларнинг “Олти ул” улуси таркибига кирувчи қорақалпоқлар эса Орол ва Сирдарё бўйларига келиб ўрнашадилар. Бу даврда қорақалпоқлар гоҳ Бухоро хонлигига, гоҳ Қозоқ хонлигига тобе бўлганлар.

XVI аср бошларига келиб Сирдарё бўйларида яшовчи қорақалпоқлар бирлашишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг бирлашиш жараёнида Сигноқ сингари қадимий кўрғон шаҳарлар таянч бўлган. Қорақалпоқларнинг бирлашувида Кучукхон, Табирчак ва Ғойиб султонлар муҳим роль ўйнаганлар. Бунинг натижасида 1714 йилда Сирдарёбўйи қорақалпоқлари етакчилари Эшмуҳаммад (Эшимхон) бошчилигида ўз давлатига – Қорақалпоқ хонлигига асос солганлар. Бу давлат Сирдарёнинг қуйи оқими,

Волга бўйлари жунғорлари, Бошқирт улуси ва Кичик жуз қозоқ хонликлари билан чегарадош эди. Жунғорлар давлати кучайиб, ғарбга қараб юриш қилади. 1723 йилда Жунғор қалмоқлари Сирдарёнинг ўрта қисмини эгаллагач, қорақалпоқлар кўчишга мажбур бўладилар. Уларнинг бир гуруҳи Сирдарёнинг қуйи оқими ва Орол тарафга, иккинчи бўлаги Сирдарё бўйлаб юқорига – Тошкент атрофига силжишга мажбур бўлади. Шу тариқа, қорақалпоқлар шартли равишда “юқори қорақалпоқлар” ва “қуйи қорақалпоқлар”га бўлиниб кетади. Қуйи қорақалпоқлар Сирдарё билан Амударё ўртасидаги бўш ётган ерларни ўзлаштириб, Қувондарёдан сув хайдаб келиб, деҳқончилик билан шуғулланадилар. Қорақалпоқлар Оролбўйи ўзбеклари (қўнғиротлар) билан яқинлаша бошлайдилар.

Хондамирнинг “Маъосир ул-мулук” (“Ҳамаср подшоҳларининг тарихи”), “Дастур ал-вузаро”, “Ҳабиб ус-сияр” асарларида ҳам муъуллар босқини, бу даврдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт кенг ёритилган.

“*Маъосир ул-мулук*” (“*Ҳамаср подшоҳларининг тарихи*”). Тарихчи олим Хондамир ўзининг 63 йиллик умри давомида тахминан ўн учта асар ёзган бўлиб, улардан бизгача саккизтаси етиб келган. У “Маъосир ул-мулук” асарини Алишер Навоийнинг илтимосига кўра ва унга миннатдорчилик тариқасида 904 (1498-1499) йилда ёзган. Бу асар подшоҳ ҳамда қадимги донишмандларнинг хайрли ишлари ҳақида айтилган ҳикматнома гапларни ўз ичига олади. У, жумладан, Қаюмардан Ануширавонгача, Одам Атодан Бузургмеҳргача бўлган ҳамда Муҳаммад Пайғамбар ва имомлар ҳақида битилган нақллардан иборат. Сўнгра муаллиф уммавийлар, аббосийлар, сомонийлар, ғазнавийлар ва бошқа сулолаларга тегишли ҳукмдорлар тарихи ва шулар қаторида Қурд подшоҳлари ва турк хоқонлари тарихини ёритган. Асарнинг охириги қисмида Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийга замондош бўлган ҳукмдорлар, олимлар ва донишмандлар ҳақида маълумотлар акс этган.

“*Дастур ал-вузаро*” (“Вазирлар учун қўлланма”) Алишер Навоийнинг илтимосига мувофиқ 906 (1500-1501) йилда ёзилган, Ҳусайн Бойқаро ва

унинг вазири Амир Камолиддин Махмудга бағишланган асар. Орадан тўққиз йил ўтгач, қайта ишланган ва кенгайтирилган. Унда Шарқ мамлакатларининг VII-XVI асрлардаги тарихи, жумладан, Мовароуннахр ва Хуросонда Темурийлар сулоласи инқирозига қадар ўтган вазирлар, Чингизхоннинг вазири, кейинроқ мўғулларнинг Хитойдаги ноиб, хоразмлик Махмуд Ялавоч ҳамда унинг ўғли Чигатой хонларининг Мовароуннахрдаги вазири Масъудбек тўғрисида маълумотлар бор. Хондамирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ўзбек олимларидан Б.Аҳмедов ва Д.Юсуповалар изланишлар олиб борган.

“*Ҳабиб ус-сияр*” асари. Хондамирнинг энг йирик асари «*Ҳабиб ус-сияр фи ахбор афрод ул-башар*» (Инсон зоти хабарлари ва дўстнинг таржимаи ҳоли)дир. Бу асар 927 (1520-1521) – 930 (1523-1524) йиллар давомида ёзилган ва вазир Каримуддин Хожа Ҳабибуллоҳ Соважийга бағишланган. Ушбу асарда қадим замонлардан то 1524 йилга қадар Шарқ мамлакатлари, жумладан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Марказий Осиё мамлакатларида бўлиб ўтган воқеалар ҳикоя қилинган¹. Асар муаллиф Ҳиндистонда бўлган йилларида (1528-1535) яна икки марта қайта таҳрирдан чиқарилган. Шунинг учун ҳам бу асарни шу йиллар орасида тугал тамомлаган, деб ҳисоблаш мумкин.

Хондамир бу асарини юқорида номи зикр этиб ўтилган вазир Хожа Ҳабибулло Соважигга атаган, чунки у Хондамирга ўз вақтида кўп марҳамат ва илтифотлар кўрсатган эди. Асарда қадим замонлардан то XVI асрнинг 30-йилларига қадар мусулмон шарқида, хусусан, Эрон, Афғонистон, Ироқ ва Марказий Осиёда содир бўлган воқеалар талқин этилади².

«*Ҳабиб ус-сияр*» муқаддима, хотима ва уч бобдан иборат. Ҳар боб ўз навбатида тўрт қисмга бўлинади. Биринчи бобда исломдан илгари ўтган пайғамбарлар, Араб ва Ажам мамлакатларининг Араб халифаси ташкил топгунгача бўлган умумий сиёсий аҳволи, Муҳаммад пайғамбар, шунингдек,

¹ Shamsutdinov R, Karimov Sh. Vatan tarixi. T.: “Sharq”, 2010. 452-bet.

² Аҳмедов Б. Хондамир. “Фан” нашриёти. Т.: 1965. Б. 31.

халифа Абубакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Али (656-661) замонида юз берган воқеалар баён қилинади. Асарнинг иккинчи бобида шиа имомлари, Уммавий (661-650 йиллари ҳукмронлик қилган) ва Аббосийлар сулоласидан (750-1258) бўлган халифалар даврида араб халифалиги ва унинг бошқинчилик урушлари, араблар замонида ҳукмронлик қилган бошқа сулолалар – Тохирийлар (820-873), Саффорийлар (868-903) ва Сомонийлар (874-899) ҳақида ҳикоя қилинади. Учинчи боб Чингизхон ва унинг авлод-аждодлари, Чингизхон билан замондош бўлган бошқа сулолалар (Қорахитойлар, Хоразмшоҳлар, сарбадорлар ва бошқалар), Темурийларга бағишланган. Бундан ташқари, шу бобда Мовароуннаҳр, сўнгра Хуросоннинг Муҳаммад Шайбонийхон етакчилигида кўчманчи ўзбеклар томонидан босиб олинishi ва Исмоил Сафавий даврида Эрон, Афғонистон ва Ироқнинг сиёсий аҳволи ҳикоя қилинади. “Ҳабиб ус-сияр”нинг муқаддимасида оламнинг пайдо бўлиши, хотимада эса жаҳоннинг ажойибот ва ғаройиботлари (иқлимлар, машҳур дарё, денгиз ва кўллар, сахро ва тоғлар) хусусида гап боради.

Хондамирнинг яна бир асари “Ҳумоюннома”дир. Бу асар “Қонуни Ҳумоюн” номи билан ҳам машҳур бўлиб, Ҳиндистон подшоҳи, Бобурнинг ўғли Ҳумоюнга бағишланган. “Ҳумоюннома” 941 (1534-1535) йилда ёзиб тамомланган. Асарда Ҳумоюн подшолик қилган даврда Ҳиндистонда жорий этилган янгиликлар, аҳолининг уч табақага, ҳокимиятнинг эса тўрт идора усулига бўлиниши ва Ҳумоюн томонидан амалга оширилган меъморчилик қурилишига оид маълумотлар ўрин олган. Хондамирнинг бошқа бешта асарининг фақат номларигина маълум, холос. Булар: “Осор ул-мулук вал-анбиё” (“Подшоҳ ва пайғамбарлар ҳақида ҳикоялар”), “Ахбор ул-ахёр” (“Яхши инсонлар ҳақида хабарлар”), “Мунтаҳиби тарихи вассоф” (“Вассоф тарихидан сайланма”), “Жавоҳир ул-ахбор” (“Хабарлар гавҳарлари”) ва “Ғаройиб ул-асрор” (“Қизикарли сирлар”)дир. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш жоизки, Хондамир ўз замонасининг етук вакиллари билан бири бўлган. Унинг нафақат машҳур тарихшунос олим бўлганлиги, айтиш мумкин “Ноқий”

тахаллуси билан яхшигина шеърлар ҳам ижод этганлигини Алишер Навоий алоҳида таъкидлаб ўтган.

Шу тарика, “Тарих-и арбаъ улус”, “Шажарайи турк”, “Султон Жалолиддин Мангуберди”, Хондамирнинг тарихий асарларини ўрганиш Марказий Осиёнинг мўғуллар истилоси давридаги тарихини билишимизга яқиндан ёрдам беради. Шунингдек, мўғуллар истибдоди ва унга қарши кураш тарихини ўрганишда биринчи даражали манбалар қаторига Абу Умар Минхожиддин Жузжонийнинг "Табоқоти Носирий", Алоуддин Отамалик Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой", Фазлуллоҳ Рашидуддиннинг "Жомеъ ат-таворих" асарлари ҳисобланади.

Сўнги йилларда юртимизда Жалолиддин Мангубердининг 800-йиллик юбилеи муносабати билан маълум ишлар амалга оширилди. Хусусан, Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди ҳайкали ўрнатилди, Муҳаммад ан-Насафийнинг Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаётига оид асари нашр этилди, олд томонига Жалолиддин Мангуберди тимсоли туширилган 25 сўмлик танга зарб этилди. Шу билан бирга, тарихчиларимиз олдида турган муҳим муаммолардан бири аммо тарихимизнинг муҳим қисми бўлган, аммо жуда кам маълумот сақланган мўғуллар истибдоди даврини ўрганиш юзасидан тадқиқотлар олиб боришдир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Хоразмшоҳлар давлати тарихи тарихшунослиги муаммоларини гапириб беринг.
2. Хоразмшоҳлар тарихига оид қандай асарларни биласиз?
3. Зиё Бунёдовнинг "Хоразмшоҳлар давлати" асарини таҳлил қилиб беринг.
4. Хоразмшоҳлар давлати инқирозининг асосий сабаблари нимадан иборат?
5. Хоразмшоҳлар давлати тарихи яна кимларнинг асарларида ёритилади?
6. Мўғуллар истилосига қадар Самарқанд аҳолиси ҳақида маълумот берган сайёҳни аниқланг.

7. Мўғуллар истилоси ва унгача бўлган давр тарихи билан боғлиқ манбаларни ўрганган шарқшуносни топинг.
 8. Рашидиддиннинг "Жомеъ ат-таворих" асарини шарҳлаб беринг.
 9. Мўғуллар давлати ва истилосига оид қандай тарихий ва бадий асарларни биласиз?
 10. Мўғулларнинг қабилачилик қонун-қоидалари нима деб юритилар эди?
 11. Мўғулларнинг ислом динига муносабати ҳақида фикрларингиз?
 12. Торобий бошчилигидаги қўзғолоннинг аҳамиятини сўзлаб беринг.
 13. Мўғуллар истилоси ва уларга қарши кураш тарихи тарихшунослиги муаммолари ҳақида фикрингиз?
-
-

6-МАВЗУ. АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: Талабаларга Амир Темур давлати ҳақида яратилган тарихий адабиётлар, Ватанимиз тарихини ўрганишида уларнинг аҳамияти ҳамда мазкур асарларнинг ўрганилиши тўғрисида маълумот бериши. Мавжуд адабиётларни даврлаштириши, тарихий адабиётларга изоҳ бериши, уларнинг моҳияти таҳлили асосида Темур давлати ва шахси хусусиятларини, Темурийлар даври тарихига оид манбаларни, Улугбек давридаги маданий ҳаёт тарихишунослигини тушунтириши.

Таянч сўз ва иборалар: Ибн Халдун, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, "Зафарнома", Ибн Арабшоҳ, И.Умняков, Клавиho, Улугбек даври, Самария, Темурийлар маданияти.



Амир Темур даври тарихи тарихшунослиги даврлари ва уларнинг хусусиятлари

Амир Темур шахси ва давлати тарихи кўп ўрганилган ва ўрганилаётган мавзулардан биридир. Лекин Темур шахси ва фаолиятига ҳамиша бир хил баҳо берилмаган. Темур тарихи тарихшунослиги у ҳокимият тепасида турган вақтданок бошланган. Ана шу катта ҳажмдаги тарихшуносликни уч даврга бўлиб ўрганмоқ мақсадга мувофиқдир:

- 1) Темур давридан то XX асрнинг 30-йилларигача;
- 2) XX асрнинг 30-йиллари охири – 80 йилларнинг иккинчи ярми;
- 3) мустақиллик даври.

Биринчи даврда Темур давлати тарихи бутун дунёда кенг кўламли ўрганилди. Иккинчи даврда тарихий воқеликларнинг барчаси, жумладан амир Темур тарихи ҳам коммунистик мафкура нуқтаи назаридан, синфийлик

тамойиллари асосида ўрганила бошлади. Натижада Амир Темур шахсига нисбатан қонхўр, каллакесар деган қарашлар ҳукмрон бўлиб қолди.

Темур шахси ва фаолияти, давлати тарихини ўрганишда мустақиллик янги саҳифа очди. Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи Ўзбекистонда ва ЮНЕСКО томонидан Франция пойтахти Парижда нишонланди, улуғ саркарда ҳақида кўплаб илмий асарлар яратилди. Темур даврига оид манбалар нашр этилди ва қайта нашрлар амалга оширилди. Уларда Темур шахси ва фаолияти, давлатининг ҳаққоний тарихи яратилди, бобокалонимизнинг ўзбек халқи тарихида ва шунингдек жаҳон тамаддунида тутган ўрни ҳамда роли кўрсатиб берилди. Амир Темурнинг дипломатик муносабатлари ва ҳарбий юришлари тадқиқ ва таҳлил қилинди.

XIV асрнинг ўрталарига келиб Мовароуннаҳрнинг сиёсий ҳаётига Хожи Барлос бекнинг жияни Темур ҳам қўшилади. У 1336 йили Кеш шаҳри яқинидаги Хўжа Илғор қишлоғида туғилган. Унинг отаси Турағай барлос қабиласидан эди. Темур дастлаб "турли бекларнинг қўшинини бошқарди". 1360 йилдан бошлаб 10 йил давомида гоҳ у, гоҳ бу ҳукмдор томонида курашди ва бир вақтнинг ўзида барлослар қабиласини ўз атрофига жиҳслаштириб борди.

1361 йилда у Туғлуғ Темур тарафига ўтди, бироқ у Туғлуғ Темурнинг рақиби – Балх ҳукмдори амир Ҳусайн билан иттифоқ тузди. Улар биргаликда мўғулларга қарши исён кўтардилар. Бироқ мағлубиятга учрагач, Ўрта Осиёни ташлаб Сейистонга қочишга мажбур бўлдилар. Сейистондаги ҳарбий ҳаракатларидан бирида Темур ўнг қўли ҳамда ўнг оёғидан яраланади. Шундан кейин у бир умр чўлоқ бўлиб қолди ва келгусида улкан давлат тузган бу шахс «Темурланг» (Оқсоқ Темур) лақабини олди. 1360 йилда Шаҳрисабз ва Қаршининг беги бўлган Амир Темур 1370 йилга келиб, яъни ўн йил ичида бутун Мовароуннаҳрнинг ҳукмронига айланди.

Ибн Арабшоҳнинг маълумот беришича, Темурнинг отаси Турағай художўй мусулмон бўлган, у олим ва дарвешларнинг, айниқса шайх Шамсиддин Кулор (Кулол)нинг дўсти бўлган. Бу тақводор зотнинг хоки Гўри

Амир мақбарасига қўйилган ёки кўчирилган. Темурнинг янги диний маслаҳатчиси ҳамда ҳомийси Саид Барака умрининг охирига қадар Темурнинг маслаҳатгўйи ва маънавий падари бўлиб, Темур Хоразмга юриш қилганда ҳам иштирок этади. Саид Барака ва термизлик сайидлардан сўнг маълум бир нуфузга, обрў-эътиборга эга бўлган зотлар самарқандлик шайхул-ислом Хожа Абдул-Аввал ва унинг жияни Хожа Исомиддин, кешлик Хожа Афзал ва кешлик шайхул-исломнинг ўғли Абдул Ҳомид ва Абдурахмон ҳамда самарқандлик шайхул-ислом ал-Маликлар эди. Ибн Арабшоҳнинг сўзларига кўра, Амир Темур Зоҳид Зойи ал-дин Абу Бакр Тоёбодийни (1381 йилдан Хуросон руҳонийларининг етакчиси, Хуросон ёнидаги Тоёбод қишлоғидан чиққан) ўзи эришган зафарларда катта хизмати бўлган Шамсиддин Кулол ва Саид Барака қатори ҳомийларидан бири ҳисобланган.

В.В.Бартольднинг таъкидлашича, «Шоҳрух даврининг тарихчилари Чингизхон қонунлари олдида ислом шариати юқори мавқеига эришган бир пайтда, табиийки, Темурнинг художўйлигини ва динга бўлган жонкуярлигини бўрттириб кўрсатишга мойил бўлганлар. Шубҳасиз, Амир Темур уламо аҳлининг ҳомийси бўлган, улар билан тенгма-тенг мулоқотлар олиб борган ва айниқса пайғамбар авлодларига ҳурмат билан қараган: соҳибқироннинг ўз туғишганларидан ташқари, унинг давлатида ҳаёти дахлсиз ҳисобланган яккаю-ягона одамлар сайидлар бўлган дейиш мумкин. Бундан ташқари, Ҳофиз Абрўнинг ёзишича, Темур ислом динини мустаҳкамлаш учун ғамхўрлик қилган, у ҳеч қачон вақфларнинг пул билан боғлиқ ишларига аралашмас эди. Бартольд яна бир ўринда Темур тарихни жуда яхши билган, деб ёзади. Бартольднинг бу сўзлари тарихчи ибн Халдуннинг Темур билан бўлган суҳбати мазмунига суяниб ёзилган.

Гап шундаки, фақат XVI аср охирларига келибгина араб файласуфи ибн Халдун (1332-1406) илк бор мусулмон дунёсида тарихни ҳикоя қилиб беришдан ташқари, воқеаларнинг сабабий боғланишларини ҳам прагматик баён қилиб бериш ва умумдунё тарихининг тараққиёт қонунларини белгилаш

борасида уриниб кўрди. Ибн Халдун табиат ва инсоният тарихи ўртасида диалектик алоқа мавжудлигини исботлаш учун ҳаракат қилган эди. Шунинг учун ҳам танқидий манбаларда ибн Халдун қуйидаги

Прагматик баён – тарихдаги объектив тараққиёт қонунларини очиб бермасдан, воқеаларни фақат ташқи боғланиши ва изчиллигига қараб тасвирлаш

асосий қоидаларга суянади: кишилиқ жамияти тарихи ҳам табиат ҳаёти каби умумий бўлган муҳим қонунларга бўйсунди ва халқлар ҳаётида бу қонунларнинг намоён бўлиши тарихий ҳақиқатнинг асосий мезони бўлиб хизмат қилади.

Амир Темур давлати тарихининг тарихий адабиётларда ёритилиши


Амир Темур ўз даврида йирик империя туза олган истеъдодли давлат арбобидир. Бу ҳақда ўрта аср муаллифларининг асарлари жуда бой маълумот бера оладиган манба ҳисобланади. Темур ўз ҳукмронлигининг дастлабки йилларида мамлакат пойтахтини белгилашда иккиланган эди. XIV асрнинг 70-йилларидан Самарқанд йирик сиёсий марказ тусини ола борди ва шу билан шаҳарнинг юксалиши авж олди, Шарқнинг савдо-иқтисодий, хунармандчилик, илмий-адабий марказга айланди. Ҳозирги кунда бизгача Темур ва темурийлар яратган иншоотлардан оз қисмигина сақланиб қолган холос, аксарияти йўқотилган, айримлари вайроналарга айланган. Масалан, Самарқанд қалъасида (Тепакўрғон) 1371-1372 йилларда ўша даврнинг обрўли кишиларидан бири бўлган сўфий Нуриддин Басир ёки Қутби Чаҳордохум учун мақбара тикланган эди. Бу обида 1868 йилнинг майига қадар яхши сақланган. Россия империяси Самарқандни босиб олгач, шу йилнинг июн ойидаёқ Кауфманнинг буйруғи билан бу нодир ёдгорлик дурдонасининг фақат тарихи ва тасвири-тарихчи рассом В.В.Верещагиннинг суратларигина сақланиб қолган холос. Ҳатто мана шу кўҳна суратлар ҳам 1915 йилга келибгина ошкор қилинди ва бундан фақат Туркистондаги рус зиёлилари огоҳ бўлдилар, холос. Ҳозир лойиҳа тарихи ва унда кўрсатилган ўлчовлар

бўйича хулоса қилиш мумкинки, Қутби Чаҳордохум мақбараси олти бурчакли маҳобатли гумбази бўлган бино эканлигини кўрамиз. Унинг деворлари сирланган ғиштлар билан, пештоқлари ёзма нақшлар ва гумбаз куббалари феруза ранг билан зийнатланган эди.

Таниқли муаррих Зайниддин Восифий XV аср охиридаги воқеаларни баён қилаётиб, Абдурахмон Жомий Самарқанд газламаларини беҳад хуш кўрган ва либосларини ҳам фақат шу газламалардан тиктирганлигини эслаб ўтади. Унинг биографи Абулвосий: Жомий камтарона ва содда кийинса ҳам йил бўйи ўзининг одатдаги харжларига 100 минг динор сарфлар эди, – деб ёзган эди. Асарда бундай далиллар жуда кўп. Ёзма ҳужжатлар ҳамда архив манбаларидан фақат бу хунар ва соҳаларнинг гуллаб-яшнагани ҳақидагина эмас, балки уста хунармандлар ва қурувчилар, муҳандислар ва меъморларнинг исмларини ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, Санкт-Петербургдаги Эрмитажнинг маданият ва санъат тарихи коллекциясида 1989 йилгача улкан дошқозон ва Темур номи билан битилган шамдон бор эди. Темурнинг ҳадяси – улкан дошқозон Туркистон шахрига қайтарилиб, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги улкан меъморчилик комплекси – Темур амри билан бунёд этилган, ўрта асрларнинг буюк шоири ва мутафаккири Хўжа Аҳмад Яссавий мақбарасининг асосий хонасидаги гумбаз остига ўрнатилди. Ошкоралик шарофати ила кўп йиллар мобайнида Ленинград эрмитажида сақланган дошқозон, яъни Темурнинг тортиғи ўзининг тарихий ўрнига қайтди. Манбада қайд этилишича, икки тоннали тўй қозони олти асрча бурун «етти хосиятли металл қуймасидан ишланган, турли шакллар ва Қуръондан олинган арабча сўзлар билан беҳад нафис безатилган, тўй қозонининг юқори диаметри икки ярим метрни ташкил этади. Унда бир йўла 1000 ошхўрга етарли палов дамлаш мумкин».

Темур ҳарбий юришлар чоғида жамғарган бойлигининг катта қисмини ўз пойтахти Самарқандни безашга, янги йўллар ва савдо расталари қуришга сарфлади. Ибн Арабшоҳнинг гувоҳлик бершича, Темур «дунё савдогарлар шарофати билан ройишдир» деб ҳисоблайди ва нафақат ички, балки ташқи


савдони ҳам ривожлантиришга уринади: бунда у фақат Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари эмас, бошқа кўплаб мамлакатлар, жумладан Испания, Франция, Англия билан савдо алоқаларини яхшилади. Бу ўринда Самарқанднинг Ғарбий Европа мамлакатлари билан ташқи савдо алоқаларига тарихий жиҳатдан баҳо бериш керак. XIV-XV асрлар чегарасида Темур шахси замондошларининг эътиборини жалб қилибгина қолмасдан, балки Темурнинг дипломат сифатидаги фаолияти ҳам мутахассислар назарига тушди. Тарихчилар Темурнинг Ғарбий Европа давлатлари раҳбарлари билан қилган ёзишмалари ҳақида салмоқли далилларга эгадир. Бизнинг давримизда Темурнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида батафсил гапириш ва ёзишга имконият туғилди. Тарихшунослик бу борада етарли маълумотларга эга. Аммо Темур давлатининг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари билан ўзаро ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари тарихчиларимиз томонидан кам ўрганилган. Бу ҳол, айниқса, XV асрнинг бошида Усманийлар давлатига қарши уюштирилган Ғарбга юриш, яъни «етти йиллик» урушга (1399-1404) тегишлидир.




Шарафуддин Али Яздий ёзишича, Темур Самарқандга ҳунармандчилик, меъморчилик, фан ва бошқа соҳаларда фойдаси тегиши мумкин бўлган барчани олиб келаверишни буюрган.



«У турли касбдаги ҳунармандларни йиғишга уринди», – деб ёзган эди **Клавихо**.



А.Ю.Якубовскийнинг маълумотига кўра, Самарқанднинг ишлаб чиқариш қудратини оширмоқ мақсадида Темур бу ерга Олтин Ўрда, Хуросон, Озарбайжон, Арманистон, Форс, Месопотамия ва бошқа вилоятлардан мажбурий равишда ҳунармандларни кўчиради.



Тарихчилар XV асрда Самарқанд аҳолиси этник жиҳатдан ранг-баранглигини таъкидлашган.

XIV аср охирида Туркиянинг ҳарбий қудрати оша борди. 1389 йилдан бошлаб Туркия Болқон ярим ороли ва Европа халқларига нисбатан босқинчилик юришларини бошлади. У Сербия, Болгарияни босиб олди. Венгрия (Мажористонга) таҳдид қила бошлади. Султон Ўрхон ва Елдириим Боязид 1396 йили Ғарбий Европа рицарлари устидан ғалаба қозониб, энди Константинополь (Стамбул)ни олишга жон-жаҳди билан тайёрланади. Шунинг учун Византия императори Мануил ва унинг ноиб Иоанн Палеолог ёрдам сураб Европа саройларини айланиб чиққанлар. Халқаро миқёсда бу давр Европа учун энг мураккаб давр эди. Баъзи мамлакатлар турклар билан сулҳ тузиб, ўзларини хавфдан қутқармоқчи бўлардилар. Бошқалари Рим папаси бошчилигида иттифоқ тузиб, ғайридинларга қарши курашмоқчи эдилар. Лекин тезда шароит ўзгариб қолди. Кичик Осиё икки ҳукмдор Темур ва Боязид томонидан маҳв этилгач, Кичик Осиёлик амирлар Темур саройида паноҳ топган ва унга хизмат қилишар, Боязиднинг енгилишини тилар эдилар. Ғарбнинг насроний давлатлари – Византия регенти (монарх ўрнига вақтинчалик ҳукмдор) ва Генуя ҳукмдори Галат, Франция қироли Карл VI, Султония шаҳрининг (Шимолий Эрон) католик доийлари – миссионерлари Темурдан кўмак сўрадилар. Темур эса, ўз навбатида Венеция ва Стамбул-Константинополнинг денгиз кучларини Усманийлар давлатига қарши ишлатишдан манфаатдор эди.

Император Мануилнинг Стамбул-Константинополдаги ноиб Иоанн Палеолог Темурдан юқоридаги таклиф битилган мактубни олди. Константинополдан Венецияга келтирилган бу хат бизгача асл нусхада эмас, Италия тарихчиси Марино Санудо (XV-XVI асрлар) томонидан бирмунча бузиб қилинган таржима ҳолида етиб келган. Тарихчи Темур хатининг таржимасини ўзининг "Венеция ҳукмдорлари ҳаёти" китобига киритган. Бу нодир ҳужжатнинг русча таржимаси илк бор таниқли шарқшунос олим, СамДУ профессори И.И.Умняков томонидан амалга оширилган. Матннинг тўла таржимасини у 1969 йили "Самарқанд тарихи" китобнинг I жилдида эълон қилган. Мавжуд ҳужжатлардан Темурнинг дипломатик қобилияти

хусусида фикр юритиш мумкин. Қўшинлари Кичик Осиёда бўлган чоғида Темур турк султони Боязид элчихонаси вакиллари билан мулоқотдан кифояланмасдан, бир вақтнинг ўзида Франция қироли Карл VI (1380-1422) ва инглиз қироли Генрих IV Ланкастер билан алоқаларни амалга ошира борди. Темурнинг Европа мамлакатлари ҳукмдорлари билан олиб борган ёзишмаларидан қудратли Усманийлар империясига қарши кураш борасида уларнинг қарашлари бир жойдан чиққанлиги кўриниб турибди.

Темурнинг дастлаб Миср султони, 1402 йилдаги Анқара жангида қудратли Усманийлар империясини тор-мор этгани, аслини олганда, Ғарбий Оврупо халқларини қулликдан асраб қолдики, бу ҳол Ғарбда Шарққа нисбатан қизиқиш уйғотди. Ғарбликлар олис Шарққа ўз элчиларини йўллар эканлар, ўзларининг доимий мақсадларини унутмадилар, яъни элчилар ҳамма жойда кузатиб юришлари, ишларнинг бориши, халқ аҳволи тўғрисида, савдо, хунармандчилик, қосиблик ҳақида маълумотлар тўплаши, ўз мамлақати учун фойдали бирон юмуш қилишлари лозим эди. Улар кундалик юритар эдилар. Қайтганларидан сўнг эса барча кўрганлари ҳақида батафсил ҳисобот ёзардилар. Бунинг яққол мисоли – 1403 йил Темур саройида бўлган Испания элчиси Клавихонинг саёҳатномаси 1582 йил Севилияда "Буюк Темурлангнинг ҳаёти ва фаолияти" номи билан нашр этилди. Асар Мадридда 1782 йили нашр этилди. Инглиз шарқшуноси Строндж "Кундалик"ни Срезневский нашрига суяниб, инглиз тилига таржима қилди ва 1928 йил нашр этди. 1943 йили Клавихо кундалигининг янги Мадриддаги нашрини Ф.Лопез амалга оширди. Нашр асосига у XV аср қўлёзмасини олса-да, лекин аср матнини чуқур адабий-илмий текширувдан ўтказди ва кундаликни Темур давлатидаги Клавихо элчихонаси ҳақидаги тарихий маълумотлар билан тўлдирди. Юқорида таъкидланганидек, XV-XX аср тарихчилари ва адабиётшуносларининг кўплаб асарлари Темурнинг шахси ва фаолиятига бағишланган. В.В.Бартольд таъкидлаганидек, Темур даври тадқиқотчиси "маълумотларнинг камлигидан эмас, кўплигидан қийналади. Чунки улар кўплаб кутубхоналарга сочилиб кетган бўлиб, дастлаб танқидий нуқтаи

назардан қараб чиқишни ва нашр этишни тақозо этади. В.В.Бартольднинг бу фикри ҳозир ҳам ўз кучини сақламоқда.

“Зафарнома” Марказий Осиё халқларининг нодир маданий обидаси бўлиб, у нафақат Ўрта Осиё минтақаси, балки бутун Шарқ мамлакатлари тарихининг муҳим манбаси ҳисобланади. Асар ўзига хослиги, тўпланган материалларнинг ҳаққонийлиги билан кўрсатилган давр тарихий манбалари ичида алоҳида ўрин тутганлиги боис ҳозирда ҳам шарқшунос тадқиқотчиларнинг диққатини ўзига жалб қилмоқда. Гап шундаки, "Зафарнома" тузилишига кўра икки қисмга бўлинади: 1.Муқаддима. У амир Темур шажарасига бағишланган, унда турк уруғлари ва Чингизхоннинг тўрт улуси ҳақида умумий маълумотлар берилади. Умуман, бу масалалар юқорида санаб ўтилган айрим асарлар (масалан, Рашидиддиннинг "Жомеъ ат-таворих", Жувайнийнинг "Тарихи жаҳонкушой" асари ва бошқалар)да ҳам батафсил баён қилинган. 2.Асосий қисм (Темурнинг ўз тарихи). Муаллифнинг сўзларидан шу нарса маълум бўладики, ушбу тарихий асар Шарафуддин Алини саройга таклиф қилиб ёздирилган. Шоҳ ўзининг бобоси ҳақида махсус китоб яратишларини истаб, 822 (1419-1420) йилда соҳибқирон Темур тўғрисида маълумотлар тўплаш борасида фармон берди. Муқаддимада тасвирланишича, дастлаб тўпланган маълумотлар шоҳидларнинг оғзаки ҳикоялари билан таққосланган, сўнг Шарафуддин Али Яздий бу маълумотлар билан танишиб чиқиб, Иброҳим Султонга улар ҳақида фикрини айтган, шундан сўнг у “Зафарнома” китобини ёзишга киришган. Муаллиф тўплаган маълумотларини уч гуруҳга бўлади: воқеалар шоҳидларининг ҳикоялари, иккинчи ва учинчи ўқувчилар тури ва форс манбаларининг билимдонлари. Барча саналар, ўринлар жўғрофий координаталар ва улар орасидаги масофалар, Иброҳим Султон фармониغا кўра, ҳар томонлама текширувдан ўтказилиб, сўнг Шарафуддин Али Яздийга берилади. Бунда муаллифга маълум кўрсатмалар берилган. Биринчидан, китоб бадий нафосатли ҳамда тушунарли тилда битилганиши, иккинчидан муаллиф ҳужжатга қатъий амал қилмоғи, дастлабки битиклардан чекинмаслиги, ҳеч

нарсани бўйб-бежамаслиги шарт эди. Шу йўсинда амир Темурнинг кенг миқёсдаги расмий тарихи дунёга келди.

“Зафарнома” ёзилган даврнинг тарихий хронологияси ҳақида шуни айтиш лозимки, асарнинг бошланиши (832-1419) ва тугатилиши (828-1424-1425) ҳақида Али Яздий ҳамда замондошлари томонидан берилган маълумотлар бор. Лекин бизни бошқа масала қизиқтиради – муаллиф асар устида ишлашни давом эттирганми, ахир у 1454 йилгача яшаган-ку? Ҳа, муаллиф асар устида ишлашни давом эттирган. Бу ҳақда қуйидаги маълумот бор: Тарихий ҳақиқат нуқтаи назаридан қарасак, расмий оҳангда ёзилишига қарамай, Шарафуддин Али Яздий "Зафарнома"да Темур фаолиятини ва унинг зиддиятли шахсини ўзига хо тарзда ифодалайди – мустабид шоҳ ва Мовароуннаҳрдаги марказлашган буюк феодал давлати бунёдкорини бирмунча одиллик билан ёритади. Шарафуддин Али Яздийнинг асари кўлёзма ҳолида кенг тарқалиб кетган, чунки асар унинг замондошлари ва кейинги аср тарихчилари учун ҳам бирламчи манба бўлиб хизмат қилди. Шарафуддин Али Яздийнинг тарихий воқеаларни баён этиш услуби оҳанги кўп пайтгача ўлкашунослар, тарихчилар учун намуна бўлиб хизмат қилди. Масалан, XVI асрнинг машҳур тарихчилари – Мирхонд ("Равзат ус-Сафо"), "Сафо-фароғат боғи", Хондамир ("Ҳабиб ус-сияр"- "Дўстлар атроблари") ва бошқалар ҳам Шарафуддин Алининг "Зафарнома" сига суяниб иш кўрдилар.

Марказий Осиё тарихшунослигининг дурдона асарларидан бири бўлган "Зафарнома" жаҳон тарихчиларининг тадқиқот манбаи бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунончи, 1887-1888 йилларда ҳинд шарқшуноси Мавлавий Илоҳдомнинг ташаббуси билан олти нусха асосида "Зафарнома"нинг икки жилдлиги Калькуттада нашр этилди.

1958 йилда Муҳаммад Аббосий томонидан уч кўлёзма ва юқорида зикр этилган Калькутта нашри асосида Техронда янги нашр пайдо бўлди. Аббосий фойдаланган кўлёмаларнинг иккитаси муаллиф ҳаётлигидаги нусхалардир: бири (санасиз) Муҳаммад Аббосийнинг шахсий мулки саналган, иккинчиси – Мажлис кутубхонасида сақланган (36782-сон кўчириш

санаси хижрий 840, 1436), учинчиси ҳам Мажлис кутубхонасида бўлиб, (36773-сон, 1037), яъни 1637-1638 йилларда кўчирилган.

Демак, А.Ўринбоевнинг ҳаққоний кўрсатишича, "Зафарнома"ни француз ва инглиз тилига таржима қилган таржимонлар, шу кунгача библиографик жихатдан ноёб бўлса-да, асарнинг бешдан бир қисмини ташкил этган муқаддима қисми таржимасини тушириб қолдирганлар. Асарнинг Калькутта ва Техронда нашр қилинган нусхаларида унинг Муқаддима қисми йўқ. Шунинг учун А.Ўринбоев томонидан факсимиле нусха, кириш сўзи, изоҳ ва кўрсатмалар билан тайёрланган "Зафарнома" матни асарнинг энг яхши нусхаларини ўзида жамлаган, дейишга асосимиз бор. Шубҳасиз, "Зафарнома"нинг мазкур нашри Ўрта Осиё халқларининг XIV аср охири – XV аср бошларидаги ҳаётини ўрганишда тарихчиларга яқиндан ёрдам беради.

Темурийлар даври тарихшунослиги

Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис", Мирхонднинг "Равзат ус-сафо", Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Тазкират уш-шуаро", Бобурнинг "Бобурнома" асарларида ҳам Улуғбек тўғрисида маълумотлар бор. Темур шахси ва фаолияти ҳақидаги А.Ю.Якубовский ҳамда В.В.Бартольднинг қарашлари ҳозирги даврда биздаги, жумладан ғарбдаги Темур тарихшунослигига ҳам катта таъсир кўрсатди. XX аср бошларидаёқ Улуғбекнинг номи ва асарлари жаҳонга машҳур ва манзур бўлди.

Олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек тўғрисида бизнинг давримизда **С.А.Акрамов, Ю.Н.Алескеров, Б.Аҳмедов, Т.А.Қори-Ниёзий, Н.И.Леонов, М.Массон, Г.Пугаченкова** ва бошқаларнинг асар ҳамда мақолалари еълон қилинган. Булар Улуғбекнинг ҳаёт ва фаолиятини ўрганишда ўқувчиларга катта ёрдам беради.

Улуғбекнинг фаолиятига оид тарихий фундаментал асарлардан бири – В.В.Бартольднинг 1915 йилда ёзган "Улуғбек ва унинг даври" асаридир. Асар 1918 йили нашр қилинган. В.В.Бартольд асарида Улуғбекнинг илм-фан

йўлидаги хизматларини заррача камситмаган ҳолда олим Улуғбекнинг фаолиятини ҳукмдор Улуғбекнинг фаолиятдан ажратиб кўрсатади.

Темур вафотидан сўнг (1405 йил) ҳокимият учун кураш бошланади ва Улуғбекнинг ҳарбий сиёсати шу билан ажралиб турарди эдики, унинг ўзи ҳар доим ҳам уруш очмас, зарурият туғилиб қолганда, жангари кўшнилари томонидан хавф туғилгандагина урушга кирар эди. Масалан, 1414 йилда Улуғбек Фарғона шаҳзадаси султон Аҳмадга қарши муваффақиятли уруш олиб борди. Натижада дастлаб Фарғона, кейин Қошғар Мовароуннаҳрга кўшиб олинди.

Мўғулистоннинг кучайиб бораётган хонлари Улуғбек ҳокимиятига таҳдид солиб туришар эди. Аввалига Улуғбек уларни итоатда тутди. Лекин тезда улар бўйсунмасдан кўйдилар. Чунончи, 1423 йилги юриш вақтида Улуғбек Чу дарёсига етиб келди ва 1425 йилнинг баҳорида Кетмонтепа жангида унинг кўшини Шермухаммадхон устидан ғолиб чиқди. Улуғбек бошқа бойликлар қаторида икки бўлак нефрит яшма тошни ҳам ўлжа олди. Улар шунчалик оғир эдики, Самарқандга юбориш учун махсус юк кўтаргич қилишга тўғри келган эди. Улуғбекнинг ҳукмига кўра, кейинчалик улардан Темурга қабртоши тайёрланди. 1425 йилги зафарли юриш шарафига Улуғбек Илон ўтди деган ҳудуднинг Жалол ота довоидаги тоғ қоясига битик битишни буюрди. Унда, жумладан, шундай маънодаги сўзлар ёзилган: Улуғ тангрининг ... қўллаб-қувватлаши билан улуғ султон, жамий подшоҳлар ҳукмдори, тангрининг ердаги сояси, ислом динининг туғдори, дин ҳомийси Муъиниддин Улуғбек кўрагон, тангри онининг салтанати пойдор қилсун. Жете ва Мўғулистонга юриш вақтида ушбу ердан ўтгон. Ҳижрий, 828 йил.... Бу битик бизнинг давримизгача сақланиб қолган.

Маълум бўлишича, Мирзо Улуғбек ички сиёсатда ўзининг бобосига таассуб қилар эди. Агар Шоҳруҳни мусулмонлар шоҳи деб атаган бўлсалар, Улуғбек эса, аксинча, руҳонийлар билан унчалик чиқишмади. Афсуски, расмий тарихшунослик Улуғбекнинг маълумоти хусусида аниқ далилларга эга эмас. Маълумки, Улуғбекнинг биринчи тарбиячиси унинг бувиси

Сароймулкхоним эди. 1405-1411 йилларда у амир Шоҳ Малик тарбиясида бўлди. "Рашоҳат" орқали Самарқанддаги мадрасанинг бош қурувчиси Шоҳ Малик унинг тарбиячиси эканини билиб оламиз.

1397-1398 йилларда шоир ва таниқли олим, бир туркум фалсафий-ахлоқий асарлар муаллифи шайх Ориф Озарий неча йил давомида Улуғбекнинг мадрасасида ўқиди. Ориф Озарий Эрон ва Олд Осиё вилоятларига қилган 1399-1404 йилги юришларида Улуғбек Мароғада (Озарбайжон) Насриддин Тусий расадхонасининг харобаларини зиёрат қилди. Афтидан, уни фалакиётшунос Мавлоно Аҳмад билан Темур хизматида бўлган Қозизода Румий кузатиб борган. Қозизода Румийнинг шаҳзодага бағишланган "Математика асослари" китобида гувоҳлик берилишича, шу пайтдан бошлаб Румий шаҳзоданинг доимий устозига айланди. Шунини айтиб ўтиш жоизки, ушбу китоб талабалар учун математикадан асосий қўлланма сифатида XV-XIX асрларда ҳам хизмат қилган.

Марказий Осиё тарихшуносларининг ёзишларича, Улуғбек мадраса мударриси бўлибгина қолмасдан, энг яхши муаллимларни танлашда шахсан ўзи қатнашган. Мадрасанинг биринчи домласи файласуф ва ўта билимдон олим Муҳаммад Хавофий эди. Мадрасанинг очилиши маросимида у биринчилардан бўлиб тингловчилар ҳузурида маъруза ўқиди. "Афлотуни замон" деб ном олган Қозизода Румий мадрасада табиий фанлар бўйича етакчи мударрис эди. Восифийнинг ёзишича, мадраса қурилиши битгандан сўнг Улуғбекдан: "Ким мадрасанинг бош мударриси бўлади?", – деб сўраганлар. Улуғбек бу одам барча фанлар бўйича комил одам бўлиши кераклигини айтади. Улуғбекнинг сўзини эшитган эски кийимдаги, ғиштлар орасида мадраса қурувчилари билан ўтирган мавлоно Муҳаммад бу вазифага ўзининг ҳаққи борлигини айтади. Абу Тоҳир Ҳожа Самарқандийнинг маълумотларига кўра, мавлоно Муҳаммад мадраса қурилишида қора ишчи сифатида қатнашган. Улуғбек у билан суҳбатлашиб кўриб, тезда унинг зукколигига амин бўлган. Шунинг учун ҳам мадраса очилишида мударрис

сифатида унга биринчи бўлиб маъруза қилиши ҳуқуқи берилди. Шунини қайд этиб ўтиш жоизки, мазкур тадбирда 90 дан ортиқ олимлар иштирок этганлар.

Кейинчалик Улуғбек маълумоти жиҳатидан устози Қозизода Румийдан ўзиб кетган. Олим ўз атрофига ўша даврнинг энг илғор зиёлилари – тарихчилар, адабиётшунослар, шоирлар, санъатшунослар, табиий фан намоёндалари, жумладан фалакиётчиларни йиққан эди. Мирзо Улуғбекнинг раҳбарлиги ва иштирокида мадрасада илмий ишлар муваффақиятли ривожланди.

XV аср Марказий Осиё тарихидаги икки дунёқарашнинг аёвсиз кураши даври ҳисобланади. Улардан “бирининг вакили амир Темурнинг набираси, Самарқандда қирқ йил подшолик қилган мирзо Улуғбек бўлса, иккинчисининг вакили унинг ёш замондоши, Нақшандийлардан бўлган дарвеш, Мирзо Улуғбек вафотидан сўнг икки йил ўтмаёқ ўзининг улкан диний таъсирдан фойдаланиб сиёсий ҳокимиятини қўлга олган ва Темурнинг ҳақиқий ёки узоқроқ авлодлари воситасида мамлакатни қарийб қирқ йил бошқарган Хожа Аҳрор эди”. Бу фикрларда муболаға бор, албатта.

Шундай қилиб, XV асрда Марказий Осиёда тарихий илмлар яхши ривожланди. Бу даврда Ҳофиз Аbru, Абдураззоқ Самарқандий ва бошқа тарихчилар яшаб, ижод қилдилар. Уларнинг асарлари Марказий Осиё тарихчилигининг қимматли манбаларидир. Масалан, Ҳофиз Аbruнинг "Зубдат ут-таворих" ("Йилномалар қаймоғи") асарида 1427 йилгача бўлган тарихий воқеалар баён қилинади. Абдураззоқ Самарқандий (1482 йилда вафот этган) эса "Матла ус-саъдайн мажма ул-бахрайн" ("Икки бахтли юлдузнинг чиқиши ва икки дарёнинг қўшилиш жойи") асарида 1471 йилгача бўлган воқеаларни тасвирлайди. Бу китоб хулагулар авлодидан бўлган Абу Саид таваллудидан то темурийлар сулоласи вакили Абу Саидгача бўлган даврдаги (1304-1469) тарихий воқеаларни ўз ичига олади. Мирхонднинг (1498 йилда вафот этган) "Равзат ус-сафо" асари Султон Ҳусайн подшолиги даври тарихига бағишланади. 1491 йилда Исфизорий Ҳирот тарихини ёзди. Давлатшоҳ Самарқандий эса "Тазкират уш-шуаро" асарини Алишер

Навоийга бағишлади. Бу асарда юздан ортиқ шоирлар тўғрисидаги муфассал маълумотлар жамланган эди.

В.Л.Вяткин XVII аср ўрталарига мансуб вақф хужжатларидан бирини ўрганаётганида ҳозиргача Обираҳмат ариғи ва Нақши Жаҳон деган жой номлари билан маълум бўлган "Толе расад"нинг аниқ чегараларини топди. Хужжат расадхонанинг ўрни ҳақида шу қадар аниқ ва тушунарли маълумотлар берадики, унда айтилган тепаликни топиш ҳеч ҳам қийин эмас эди. В.Л.Вяткин Улуғбек расадхонасидаги 1908-1909 йилги қазилма ишлари натижалари ҳақида Марказий ва Шарқий Осиёни тарихий, археологик, лингвистик ва этнографик жиҳатдан ўрганиш рус кўмитасида ҳисобот берди.

1909 йилги қазилма ишларининг биринчи кунларида В.Л.Вяткин бир ғишт қалинлигида, баландлиги икки метр атрофида бўлган айлана девор ва учта параллел жойлашган, иккита ғишт тўсиқ билан ажратилган, кескин пастга, бинонинг ташқи қатламида қазилган чуқурга тушадиган зиналарни топди. Зиналарни тозалаш оча бориб, археолог расадхонанинг асосий фалакиётшунослик ускунаси – улкан квадрантнинг бир қисмини топди. Кейинги тадқиқотлар расадхона биносининг диаметри 48 метр бўлган айлана шаклида бўлганини кўрсатди, меридиан бўйи радиуси эса 40,212 метр эканлиги аниқланди.

В.Л.Вяткиннинг бу ютуғи, шубҳасиз, жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлди. Академик Бартольднинг айтишича, Улуғбек шахси ҳамда унинг Самарқанд расадхонаси фаолияти мавзуи шарқшунос сифатида унинг эътиборини тортди. Бу қазилма ишлари унга биринчи бўлиб "Улуғбек ва унинг даври" асарини ёзиш имконини берди. Бу асар 1915 йил ёзилиб, 1918 йили эълон қилинди. "Улуғбек ва унинг даври"ни "Туркистон мўғуллар босқини даврида" асарининг давоми, десак янглишмаган бўламиз.

Т.Н.Қори-Ниёзийнинг СССР Давлат мукофотида сазовор бўлган "Улуғбекнинг фалакиёт мактаби" китоби Темурийлар даври тарихига оид ғоят қимматли асардир. Унда, жумладан, В.Л.Вяткиннинг 1914 йилда Самарқанддаги Улуғбек расадхонасида қазилма ишларини бошлаганлиги,

маблағ йўқлиги сабабли ишнинг тўхтаб қолганлиги каби воқеалар баён қилинган.

1941 йилда Навоий даврини ўрганиш муносабати билан Навоий кўмитаси аъзолари (М.Е.Массон ва бошқалар) яна расадхонада қазилган ишларини давом эттирдилар. Бироқ, иккинчи жаҳон уруши бошланганлиги сабабли бу ишлар тўхтатиб қўйилди. 1948 йилга келиб қазилма ишлари В.А.Шишкин бошчилигида тарих ва археология институти ходимлари томонидан давом эттирила бошлади.

1941 йилнинг июнида Алишер Навоий туғилган куннинг 500 йиллиги муносабати билан Темурийларнинг Гўри Амир мақбарасидаги қабрларини ўрганиш мақсадида Самарқандга Т.Н.Қори-Ниёзий раҳбарлигида экспедиция уюштирилади. Комиссия аъзолари 1941 йилнинг 18 июнида қабрни очдилар. Қори-Ниёзийнинг сўзларига кўра, қабр тошидаги битикни профессор А.А.Семёнов ўқиган. Унда қуйидаги ёзув битилган эди: "Бу нур таратувчи қабр, бу султони шаҳиднинг шарафли жойи, бу муаттар боғ, жаннатий кишиларнинг, давлатпаноҳнинг сўнгги осойишталиги жойи, илм-маърифат ҳомийси, тинчлик ва дин мададкори Султон Улуғбек (Аллоҳ унинг қабрини доимо ёритиб турсин), 796 йилда Султонияда таваллуд топган 810 йилнинг зулҳижа ойида эса Мадинатус салом-Самарқандда олий ҳукмдор бўлди. Аллоҳнинг иродасига бўйсуниб, ҳар бир кунда ўзига белгиланган муддат сари сузиб бораверади.: Унинг умри ниҳоясига етганда, тақдир белгиланган муддат чегарасига келганда ўғли унга нисбатан шафқатсизлик қилди – қилич тиғидан ўтказди, оқибатда у азобли ўлим топиб, ҳамма гуноҳларини кечиргувчи эгасининг шафқатли даргоҳига йўл олди. 853 ҳижрий йилнинг рамазон ойи, 10-куни."

Ушбу комиссия Улуғбек ўлимининг ҳақиқий сабабини ҳам аниқлади. Олимнинг ўлими, унинг сўнгги дақиқалари ҳақида Абдуллатиф розилиги билан Улуғбекка ҳамроҳ бўлиб Маккага йўл олган Хожа Муҳаммад Хисравнинг оғзидан тарихчи Мирхонд ёзиб олган муфассал ҳикоя бор.

Т.Н.Қори-Ниёзийнинг гувоҳлик беришича, Улуғбек қабри очиб кўрилганда унинг боши ғарб томонга сал сурилиб, тепага қаратиб қўйилган бўлиб, учта бўйин умуртқаси бош суягидан узилмаган ҳолда эди. Охириги умуртқада ўткир кесувчи қуролнинг аниқ излари бор эди. Суякларнинг кўл қисми бир неча қават мато қолдиқлари билан қопланган эди. Т.Н.Қори-Ниёзийнинг фикрича, булар ёпилган мато қолдиқлари бўлган. Хожа Муҳаммад Хисрав ва Улуғбекка ҳамроҳ бўлган бошқа кишилар унинг танасини олишганими ёки йўқми, у қачон ва ким томонидан дафн этилган, қаби саволларга ҳали тўла жавоб олинмаган. Давлатшоҳнинг сўзларига қараганда, Улуғбек Сиёб ("Қора сув") бўйида 853 йил рамазон ойининг 8 кунда (25 октябр) ўлдирилган. Қори-Ниёзийнинг асарлари тарихчи олимларнинг урушдан кейинги даврдаги илмий тадқиқотларни яқунловчи тадқиқот иши сифатида кенг жамоатчиликка тақдим этилди.

Мустақиллик йилларида тарихчи олимлар томонидан Амир Темур ва темурийлар даврига оид кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, А.Раҳматуллаеванинг "Амир Темур салтанати тарихнавислиги" китобида¹ Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид ёзма манбалар ва илмий тадқиқотлар тарихнавислигининг қисқача таҳлили амалга оширилган. Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид библиографик кўрсаткич тузилиб, адабиётлар классификация қилинган.

Академик А.Асқаров муҳаррирлигида 1996 йилда нашр этилган "Темур ва Улуғбек даври тарихи" номли китобда ўрта асрларга оид кўлёзма манбалар асосида яратилган, шунингдек, архивлардан ахтариб топилган аниқ маълумотларга таянган ҳолда, Амир Темур ва унинг набираси Мирзо Улуғбек давридаги сиёсий воқеа-ҳодисалар, иқтисодиёт масалалари, мазкур салтанатлардаги маданият ва санъат равнақи ёритилади.

Амир Темур ва темурийлар даврида Мовароуннаҳардаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаёт "История Узбекистана. Эпоха Амира

¹ Раҳматуллаева А. Амир Темур салтанати тарихнавислиги. – Т.: "Fan va texnologiya", 2010. Б. 96.

Темура и Темуридов”¹ деб номланган монографияда ҳам батафсил ёритилиб берилади. Темурийлар тарихи давлат музейида ҳар йили ўтказиладиган “Амир Темура ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари ҳам Амир Темура ва темурийлар даврини ёритиб беришга хизмат қилмоқда.

Тарих фанлар номзоди Ф.Шамукарамованинг “Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди XX аср тарихшунослигида” деб номланган монографиясида² XX аср бошларидан то 2012 йилга қадар бўлган уч тарихий даврда буюк олим ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳаёти ва фаолияти тарихини ўрганиш динамикаси ва тенденцияси кўриб чиқилади. Китобда Мирзо Улуғбекнинг астрономияга соҳасидаги кашфиётлари, тарих илмига қўшган ҳиссаси, шунингдек, у ҳукмронлик қилган давр сиёсий ва маданий ҳаёти ёритилган катта ҳажмдаги илмий тарихий адабиётлар таҳлил этилади. “Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти” номли монографияда³ ҳам темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш, тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти мавзусига бағишланган халқаро илмий анжуманлар материаллари, илмий тадқиқотлар, маънавий-тарғибий ишлар, манбалар ва чоп қилинган ишлар таҳлил қилинган.

Муаллифлар жамоаси иштирокидаги “Амир Темура жаҳон тарихида” китобида⁴ ҳам Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг Амир Темура ҳақида фикрлари, бу борадаги ҳукумат фармонлари, қарор ва фармойишлар, Амир Темура, темурийлар даври тарихи ва уларнинг жаҳон маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, Амир Темура даври тарихнавислиги масалалари кенг талқин этилган бўлиб, асар ўрганилаётган мавзуга оид йирик тадқиқот иши саналади.

¹ “История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов” / Отв. редакторы: Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова; АН РУз, Ин-т истории, Инс-т искусствознания. -Т.: Фан, 2017. -568 с. [536+32 с. илл.]

² Шамукарамова Ф. Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва ижоди XX аср тарихшунослигида. – Т.: Yangi nashr, 2012. - 256 б.

³ Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти / маъсул муҳаррир Н.Ҳабибуллаев. – Тошкент., Akademnashr, 2014. – 128 б.

⁴ Амир Темура жаҳон тарихида / Маъсул муҳаррир: Р.Қосимов. Муаллифлар жамоаси: С.Саидқосимов (раҳбар), А.Аҳмедов, Б.Аҳмедов ва бошқ. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 336 б.

“Амир Темур салтанатига оид ёзма манбалар тадқиқи ва тавсифи” деб номланган китоб тарихшунослик йўналишида тузилган бўлиб, унда жаҳон миқёсида тарқалган мазкур мавзуга оид ёзма манбаларнинг тадқиқи ва тавсифи берилган. Китобда дунёнинг турли кутубхоналари, музейлари ва фондларидан ўрин олган манбалар қамраб олинган¹. Ушбу асарда келтирилган маълумотлар илмий, маънавий-ғоявий ва амалий жиҳатдан долзарбдир.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Темур даври тарихшунослиги нечта даврга бўлиб ўрганилади?
2. Темур даври тарихшунослиги даврларининг асосий хусусиятлари ва моҳиятини таққосланг.
3. Мустақиллик даври темуршунослигига оид маълумотларни айтиб беринг.
4. Амир Темур ва темурийлар даврига бағишланган тарихий-бадиий асарларни санаб беринг.
5. Темур даври ҳақида ёзилган тарихий асарларни санаб беринг.
6. Темурнинг Ғарбий Европа давлатлари билан муносабатларини ойдинлаштирувчи манбаларни аниқланг.
7. Шарафуддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асари Темур даври ҳақида асосий маълумот берувчи манба эканлигини асослаб беринг.
8. Темур даври тарихи тарихшунослигига баҳо беринг.
9. Амр Темур тарихи совет тарихшунослигига баҳо беринг.
10. Улуғбек расадхонасини топиб ўрганган олим ҳақида маълумот беринг.
11. Расадхона қурилиши ҳақида маълумот берувчи асарларни санаб кўрсатинг.
12. Улуғбек ҳақида ёзилган қандай тарихий-бадиий асарларни биласиз?
13. Мирзо Улуғбекнинг тарихий асари номини айтинг.

¹ Амир Темур салтанати тарихига оид ёзма манбалар тадқиқи ва тавсифи [Матн] / Тўпловчи: А.Шарипов. – Тошкент: ЎзРФА “Фан” нашрети давлат корхонаси, 2020. 256 б.

7-МАВЗУ. XVI-XIX АСРЛАРДА ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: Бу даврга оид тарихий манбаларнинг ўрганилиши юзасидан амалга оширилган ишларнинг кўлами, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида тушунча бериш, манбаларнинг аҳамиятини талабалар онгига сингдириш. Уларни XVI-XIX аср охирларида қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, афғон, Шарқий Туркистон, Тибет халқлари тарихига оид асарларнинг ҳажми ва қисқача мазмуни билан таништириш.

Таянч сўз ва иборалар: қўлёзма асарлар, А.Семёнов, “Таворихи-гузида Нусратнома”, “Баҳр ул-асрор”, “Шарафномайи шоҳий”, Б.В.Лунин, Б.Аҳмедов, “Тухфат ул-Хоний”.



XVI-XIX асрда Марказий Осиё ҳақидаги тарихий манбалар ва уларни ўрганишнинг баъзи бир масалалари

Тарихда ҳар қандай масалани аниқ тарихий материалсиз, манбаларсиз, чуқур ва атрофлича ўрганиб бўлмайди. Бу борада медиевистлар (ўрта аср тарихини ўрганувчи мутахасислар) маълум қийинчиликларга дуч келадилар, чунки илмий тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган материаллар узок ўтмишда турли тилларда ёзилган қўлёзма асарларнинг варақларида сочилиб ётибди, уларни битта-битталаб териб олиш, бир-бирлари билан солиштириш ва шундан кейингина илмий хулоса чиқариш лозим бўлади. Яна шуниси борки, мавжуд ёзма асарларнинг ҳаммаси ҳам илмий тасниф этилган ва махсус катологларда чоп этилган, деб айта олмаймиз. Шарқ қўлёзмаларини тадқиқ этиш институтининг ташкил этилиши (1943 йил 3 ноябрь) нафақат қўлёзма ва тошбосма асарларни сақлаш балки, уларни чуқур илмий тадқиқ этиш ишига йўл очиб берди. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти

қўлёзмалар фонди нафақат мамлакатда, балки бутун дунёдаги йирик фондлардан биридир. Ушбу илмгоҳда шарқ (араб, форс, турк) тилларидаги 18 минг жилдга яқин қўлёзма асарлар, 18 минг жилддан кўпроқ тошбосма асарлар ҳамда 3500дан зиёд акт ва ҳужжатлар сақланиб келмоқда. Минг йиллик тарихга эга бўлган қўлёзма асарлар, шубҳасиз, Марказий Осиё халқларининг ақл-заковатини ўзида акс эттирган ноёб дурдоналардир.

XVI-XVIII асрлардаги тарихий асрлар

**Абдуллоҳ ибн
Насруллоҳийнинг
«Зубдат ул асар»**

номаълум муаллифнинг
«Тарихи гузида. Нусратнома»

**Хофизи Таниш Бухорийнинг
«Шарофномаи Шоҳий»**

**Махмуд ибн Валининг «Баҳр
ул-асрор»**

**Хужақулибек Балхийнинг
«Тарихи Қипчоқхоний»**

**Мулла Шариф ва Мулла
Ибодуллоҳнинг «Тарихи
амир Ҳайдар»**

**Фазлуллоҳ ибн Рузбехонинг
«Меҳмонномаи Бухоро»**

**Масъуд ибн Усмон
Кўхистонийнинг «Тарихи
Абулхайрхоний»**

**Мухаммадиёр ибн Араб
Қатоғоннинг «Мусаххир ал-
билад»**

**Абулғозихонинг «Шажараи
турк»**

**Мухаммад Ёқубнинг
«Гулшан ул-Мулк»**

ва бошқа асарлар диққатга
сазвордир.

Шарқшунослик институти фондида сақланаётган қўлёзма китобларни илмий тавсифлаш ишлари 1944 йилдан бошланган эди. 1952 йилдан «ЎзССР ФА Шарқ қўлёзмалари катологи» нашр этиб келинди. Бу иш бошида шарқшунос олим А.А.Семёнов турган эди. Бу даврда 9 000 га яқин қўлёзма асар илмий тавсиф этилиб, 7 574 асар ҳақида маълумотлар жамланган 11 жилд нашр этилди.

Марказий Осиё халқларининг айнан шу даврдаги тарихи ҳамда Россия империяси томонидан забт этилиши тарихи нисбатан анча кам ўрганилган ва тадқиқ этилган масалалар бўлиб, бу давр манбаларини ўрганиш, тадқиқ этиш ва катологлаштириш ишини А.А.Семёнов бошлаган эди. Тахминан 10 йил ичида XVII-XVIII асрга оид бир қанча қўлёзма асарлар, чунончи «Тарихи Муқимхоний», «Убайдуллонома», «Тарихи Абулфайзхон» асарлари олим томонидан зарур изоҳлар билан рус тилида нашр этилди. А.Семёнов томонидан «Тарихи Амир Ҳайдар» асари ҳам таржима қилинган эди, аммо бу асар нашр этилмай қолган. «Тарихи Муқимхоний»да Марказий Осиёнинг XVII асрдаги тарихи баён этилган бўлса, «Убайдуллонома»да Субҳонқулихоннинг ўғли ва тахт вориси Убайдуллохон (1702-1711) ҳукмронлиги давридаги сиёсий ҳаёт тарихи баён этилади. «Тарихи Абулфайзхон» асарида эса Бухорода Аштархонийлар сулоласининг сўнгги намоёндаларидан Абулфайзхоннинг охириги 14 йилги ҳукмронлиги давридаги сиёсий тарихи мукамал баён этилади. А.Семёнов умрининг охирида яна бир муҳим асар – «Тухфат ул-Хоний»нинг таржимасига киришган эди. Аммо, бу иш ҳам охиригача етмай, тўхтаб қолган.

Бухоронинг XVI-XVIII асрлардаги тарихи, унинг ижтимоий-иқтисодий аҳолини ўрганишда Убайдуллахўжа ибн Ориф Хожа Бухорийнинг «Китоб дар таҳқиқ арохий ушрия ва хирожия» асари қимматли манба бўлиб ҳисобланади. Бу асарни А.Жуванмардиев ўзбек тилига таржима қилган. Бироқ, ушбу асар ҳам нашр этилмай қолган.

Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» асари XVI аср Бухоро тарихига оид муҳим манба ҳисобланади. Бу асар қўлёзмасининг қимматли

нусахи Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланмоқда. Шарқшунос А.Мирзаевнинг айтишича, Биноий (унинг тўлиқ исми Али ибн ал-Муҳаммад ал-Ҳиравий) 857 (1453) йилда туғилган. Биноийнинг замондошлари Навоий, Бобур, Хондамир ва бошқалар унинг истеъдоди хусусида жуда яхши фикрлар айтиб ўтган эдилар.

Камолиддин Биноийнинг «Шайбонийнома» асари кўплаб олимлар (Е.Г.Браун, К.Г.Залеман, А.Н.Самойлович, М.А.Сале, А.А.Семёнов, А.Н.Бордирев, Р.Г.Муқминова, А.М.Мирзаев, С.К.Иброҳимов, Б.А.Аҳмедов ва бошқалар)нинг тадқиқотларида кенг фойдаланилган.

Муҳаммад Солиҳнинг шеърӣ солномаси (тахминан 911 хижрий, 1505 милодий) йилларда ёзилган бўлиб, Камолиддин Биноийнинг асарига мос келади. Муҳаммад Солиқ 1501 йилдан то умрининг охиригача Шайбонийларга хизмат қилган ва 941 (1534-1535) йилда Бухорода вафот этган. Б.А.Аҳмедовнинг ёзишича, Биноийнинг «Шайбонийнома»сига нисбатан Муҳаммад Солиқ асарида қуйидаги янги ўринлар мавжуд:

1. XX-XXIII боблар Қоракўл, Қарши, Ғузордаги Шайбонийхонга қарши кўзғолонларга бағишланган.

2. Шайбонийларнинг Шоҳрухия, Ўратепа, Фарғона, Бухоро, Термиз ва бошқа жойларга юришлари акс этган.

3. Шайбонийларнинг 1503-1505 йиллардаги Хоразмга юришлари ёритилган.

4. Ушбу асардан кўчманчи ўзбек феодаллари ва лашкарларининг Марказий Осиёда қилган бебошликлари, шунингдек Шайбонийлар босиб олган худудлардаги аҳолининг оғир аҳволи ҳақидаги муҳим маълумотлар ўрин олган.

Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асари кам нусахада сақланган. Унинг икки нусахи Вена кутубхонаси ҳамда ЛДД илмий кутубхонасининг Шарқ бўлимида сақланади. Мазкур қўлёзмаларга асосланган икки нашр (Г.Вамберининг 1885 йилдаги, П.М.Мелиоранскийнинг 1908 йилдаги

нашрлари) ҳам мавжуд. «Шайбонийнома» шоир ва филолог Насрулло Даврон томонидан 1961 йилда ўзбек тилида нашр этилган.

Ўрта Осиё, Қозоғистон ва қўшни мамлакатларнинг XVI асрдаги тарихи бўйича асосий манбалардан яна бири «Шарафномаи Шоҳий»дир. Асар Шайбоний Абдуллахон II нинг топшириғи билан 1584-1590 йиллар орасида ёзилган. Муаллиф, замон тақозосига кўра, асарда маълум даражада ҳукмрон табақанинг мақсад ва манфаатларини ифода қилишга ҳаракат қилган – хон ва унинг атрофидаги амалдорларни бойлар ва нўёнларни кўкларга кўтариб мақтаган. Мехнаткаш халқнинг ҳол-аҳволи эса эътибордан четда қолган. Лекин асар фактик материалларга бой, воқеалар озми-кўпми объектив ёритилган, айрим ўринларда хонлар, султонлар ва амирларнинг баъзи хислатлари ва характери ҳам очиб берилган. Хуллас, «Шарафномаи Шоҳий» йирик асар бўлиб, уни тарихий аҳамияти жиҳатидан Жувайнийнинг «Тарихи жаҳонкушой» ва Рашиддиннинг «Жомеъ ут-таворих» асарлари қаторига қўйса арзийди. Бу асар ҳақида В.В.Вельяминов, академик В.В.Бартольдларнинг шогирди Л.А.Зинин, С. Мирзаев, М.А.Салоҳиддинов, Н.Сайфиев, инглиз олимлари Г.Етте, Ч.А.Сторилар ўз фикрларини айтиб ўтганлар. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг ушбу асарида Мовароуннаҳр ва унинг ҳудудларида, шунингдек, жанубий Туркистонда XVI асрда истиқомат қилган турк-мўғул қабилалари: *жалоир, найман, қарлуқ, қипчоқ, қатагон, ўтарчи, бешюз, шаққоқи, қулон-оёни, керонт олчин, минг, баҳрин, уйгур, қангли, қўнғирот, дўрмон, қўшчи, можор, уйшун, чашму, абру, бўлачи, аргим, ёбу, кенагас, мангит, тубаи, нукуз, қиёт, бошқирд* қабила ҳақида ҳам муҳим маълумотлар келтирилади. «Шарафномаи Шоҳий» тарихий асар бўлиши билан бирга, XV-XVI асрларга хос бадий асар ҳамдир.

XVI-XIX аср охирларида қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, афғон, Шарқий Туркистон, Тибет халқлари тарихига оид асарлар

Қорақалпоқ халқи тарихи тарихишунослиги. Марказий Осиё халқларининг ижтимоий ҳаёти масаласида XIX аср 80-йилларидан буён қатор тадқиқотчилар томонидан турли хил фикрлар айтилган. Қорақалпоқ

халқининг XVI-XIX асрлардаги тарихини баён этар эканмиз, XVI асрнинг иккинчи ярмида Нўғай хонлиги уч қисмга – “Олти ул” ўрдаси, Кичик ўрда ва Катта ўрдага бўлиниб кетганлигини айтиб ўтиш зарур. XVI асрнинг бошларида нўғайлар Волга ва Ёйиқ дарёлари бўйларига бостириб келган жунғор (қалмоқ)лар томонидан тор-мор этиладилар. Яйловларидан ажралган нўғайлар ғарбга – Қрим тарафга кўчиб кетишга мажбур бўладилар. Нўғайларнинг “Олти ул” улуси таркибига кирувчи қорақалпоқлар эса Орол ва Сирдарё бўйларига келиб ўрнашадилар. Бу даврда қорақалпоқлар гоҳ Бухоро хонлигига, гоҳ Қозоқ хонлигига тобе бўлганлар. Хусусан, Муҳаммад Солихнинг (тахм.1455-1535 йиллар) “Шайбонийнома” тарихий достони бу даврни ёритувчи манбалардан бири бўлиб, унда Муҳаммад Шайбонийхоннинг ҳаёти ва олиб борган урушлари ҳақида шеърӣ услубда ҳикоя қилинади. Асарда қаҳрамоннинг туғилганидан бошлаб, то 1505 йилгача Дашти қипчоқ, Мовароуннаҳр ҳамда Хоразмнинг ижтимоӣ-сиёсий тарихидан баҳс юритилади. Достонда кўшинларнинг ёвузликлари, оддий халқнинг оғир аҳволи, Қоракўл, Қарши ва Ҳузурда Шайбонийларга қарши кўтарилган кўзғолонлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Асарда қорақалпоқ юртининг географик ва этнографик маълумотлари ҳам атрофлича ёритилади. “Шайбонийнома” асари 1505 йилдан кейин ёзилган. Унинг иккита нодир кўлёзмалари сақланиб қолганбўлиб, улардан бири Австриянинг Вена шаҳрида, иккинчиси эса Санкт-Петербург университети кутубхонасида сақланади. 1885 ва 1908 йилларда китобнинг тўлиқ матни ва 1961-1980 йилларда кирилл алифбосидаги табдили чоп этилган.

Ушбу асарлар сирасига Абулғози Баҳодирхон¹нинг “Шажарайи турк ва мўғул” асарларини ҳам киритиш мумкин. Асар 1664 йили ёзилган, қисқача муқаддима ва 9 бобдан иборат. Муқаддимада асосан асарнинг ёзилиши сабаблари ҳақида гап боради. Асарнинг V боби мавзуимизга тааллуқли бўлиб, Чигатойхон ва унинг Мовароуннаҳрда подшоҳлик қилган ворислари,

¹ Абулғози Баҳодирхон, ҳам Хива хони (1643-1663 йй.) ва тарихчи олим сифатида машҳурдир. У 1603 йил 23 августда Урганчда туғилган ва 1619 йилгача ана шу шаҳарда истиқомат қилган. “Шажарайи турк ва мўғул” 1664 йили ёзилган, лекин Абулозихоннинг оғир дардга чаланиб қолиши ва тез орада вафот этиши сабабли тамомланмай қолган.

VI бобда элхонийлар, яъни Эронда ҳукмронлик қилган Чингиз авлоди, VII бобда Жўчихон ва унинг Дашти қипчоқда подшоҳлик қилган авлоди, VIII бобда Шайбонийхон ва унинг Мовароуннаҳр, Сибирь ва Қримда ҳукмронлик қилган фарзандлари ва ниҳоят, IX бобда Шайбонийхоннинг 1511 йилдан Хоразмда подшоҳлик қилган авлоди билан боғлиқ воқеалар баён этилган. Асарнинг I-VIII боблари умумлаштирувчи характерга эга бўлиб, Рашидуддиннинг “Жоме ут-таворих”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, шунингдек яна ўн саккиз тарихий асарлар асосида яратилгандир. Китобнинг IX бобида Хоразмнинг 1512-1663 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихи кенг ва атрафлича баён этилади. Бундан ташқари, асарда Абулғозий Баҳодирхон замонида обод бўлган Хоразмдаги Урганч, Вазир, Тирсақ, Янги шаҳар, Булдумсоз, Бағдод, Кот, Дурун, Қумкент, Миздахкан, Доруған ота, Боқирғон, Хос минора, Исм Маҳмуд Ота, Чилик каби шаҳарлар, Амударё ва дарё ўзанининг ўзгариши, хивалик туркманларнинг оғир аҳволи, XVI-XVII асрларда Хива хонлиги билан Бухоро ўртасидаги сиёсий муносабатлар ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди.

Абулғозий Баҳодирхон ва унинг “Шажарайи турк ва мўғул” асари тез орада илмий жамоатчиликнинг диққат-эътиборини қозонди. У XVIII асрдаёқ немис ва француз (1726 й.), рус (1770 й.), инглиз (1780 й.) тилларига таржима қилинди. Ўтган асрда бу асар немис (Г.Я.Кер), рус (Я.О.Ярстев ва Г.С.Саблуков), француз (П.И.Демезон), турк (Аҳмад Вефиқ поша) тилларига таржима қилинди. Асар 1897-1913 йилларда яна турк (таржимон Ризо Нур) ва 1935 йили форс тилларига таржима қилинди. Асарнинг Г.С.Саблуков (1906 й) ва П.И.Демезон (1871-1874 йй) амалга оширган нашрлари мукамал бўлиб, муҳим илмий қимматга эгадир.

Абулғозий Баҳодирхон асарининг хорижий тилларига таржима қилиниши ва дунё бўйлаб тарқалиши борасида уни “Темур тузуклари” ва Бобурнинг “Вақое” асари билан қиёслаш мумкин. Улар туркий тилдаги тарихий асарларнинг жуда катта илмий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Мустақиллигимиздан сўнг асар 1992 йил “Чўлпон” нашриётида қайта нашрдан чиқди. Унга Аъзам Ўктам муҳаррирлик қилиб, Б.А.Аҳмедов тарихшунос сифатида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирди.

XVIII аср бошларига келиб Сирдарё бўйларида яшовчи қорақалпоқлар бирлашишга ҳаракат қилганлар. Уларнинг бирлашиш жараёнида Сигнок сингари қадимий кўрғон шаҳарлар таянч бўган. Қорақалпоқларнинг бирлашувида Кучукхон, Табирчак ва Ғойиб Султонлар муҳим роль ўйнаганлар. Бунинг натижасида 1714 йилда Сирдарёбўйи қорақалпоқлари етакчилари Эшмуҳаммад (Ешимхон) бошчилигида ўз давлатлари – қорақалпоқ хонлигига асос солганлар. Бу давлат Сирдарёнинг қуйи оқими, Волга бўйлари жунғорлари, Бошқирд улуси ва Кичик жуз қозоқ хонликлари билан чегарадош эди. Жунғорлар давлати кучайиб, ғарбга қараб юриш қилади. 1723 йилда Жунғор қалмоқлари Сирдарёнинг ўрта қисмини эгаллагач, қорақалпоқлар кўчишга мажбур бўладилар. Уларнинг бир гуруҳи Сирдарёнинг қуйи оқими ва Орол тарафга, иккинчи бўлаги Сирдарё бўйлаб юқорига – Тошкент атрофига силжишга мажбур бўлади. Шу тариқа, қорақалпоқлар шартли равишда иккига – “юқори қорақалпоқлар” ва “қуйи қорақалпоқлар”га бўлиниб кетади. Қуйи қорақалпоқлар Сирдарё билан Амударё ўртасидаги бўш ётган ерларни ўзлаштириб, Қувондарёдан сув ҳайдаб келадилар ва деҳқончилик билан шуғулланадилар. Қорақалпоқлар Оролбўйи ўзбеклари (кўнғиротлар) билан яқинлаша бошлайдилар. Қорақалпоқларнинг бу даврдаги тарихини ёритишда дostonлар муҳим аҳамиятга эга. Қорақалпоқ фольклорининг асосий жанри дostonлар бўлиб, улар 4 тур (қаҳрамонлик, лирик, ижтимоий-маиший, тарихий)га бўлинади. Улардан энг кенг тарқалгани "Алпамис" дostonи бўлиб, "Едиге", "Қублон", "Қирқ қиз" дostonлари ҳам машҳур.

Қорақалпоқ тарихшунослигида адабиётнинг ҳам муҳим ўрни бўлиб, мумтоз адабиётининг йирик намояндаси шоир Жиен Жировнинг (1730-1784) фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. У ўзининг "Улуғ тоғ", "Пўсган ел" дostonларида қорақалпоқларнинг Хоразмга кўчиб келиш тарихини ёзган.

Шоирнинг яна бир асари – “Хуш бўлинг, дўстлар” шеъри қорақалпоқларнинг Туркистондан кўчиб келишига бағишланган. Бошқа бир қорақалпоқ шоири – Кунхўжанинг шеърларида ўзи яшаган даврдаги халқ ҳаёти тасвирланган.

“Фирдавс ул-иқбол” (“Жаннат боғи”) номли Хоразм тарихи бўйича яратилган шох асарнинг ижодкорлари XVIII асрнинг сўнгги чораги – XIX асрда ўтган йирик шоир, таржимон ва тарихнавис Шермуҳаммад ибн Авазбий Мунис (1778-1829 йиллар) ва унинг жияни Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийдир (1809-1847 йиллар). Мунис Хоразмнинг қадимда йирик шаҳар бўлган Кат қишлоғида дунёга келган, Хива мадрасаларида таҳсил кўрган, 1800 йилдан бошлаб хон саройида саркотиб бўлиб хизмат қилган. У 1829 йилда 51 ёшида вафот этган. Мунис турли фанлар, хусусан адабиёт ва тарихдан кенг хабардор бўлган етук олим ва истеъдодли шоир сифатида тарихда қолди. У 1806 йили Элтузархоннинг (1804-1806 йиллар) топшириғи билан “Фирдавс ул-иқбол” асарини ёза бошлайди. Лекин асар, айрим сабабларга кўра, тугалланмай қолган. Мунис ажойиб ҳатот сифатида “Саводи таълим” номли махсус рисола ёзган. У зўр таржимон бўлиб, Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат ус-сафо” асари таржимасини ҳам бошлаб берган ва унинг биринчи жилдини таржима қилиб тугатган эди.

Огаҳий ҳам асли Кат қишлоғидан. Муниснинг жияни ва унинг қўлида тарбия топган. Яхши ўқиб, турли фанларни, хусусан тарих ва адабиётни чуқур эгаллаган. Муниснинг вафоти (1829 й.)дан кейин саройни тарк этиб, ота касби – мироблик билан кун кечирган. У 1847 йилда вафот этган. Огаҳий ҳам истеъдодли шоир, йирик тарихнавис олим ва моҳир таржимон сифатида шуҳрат топди. У тоғаси Мунис бошлаган “Фирдавс ул-иқбол” асарини охирига етказди. Ундан ташқари, “Риёз уд-давлат” (“Давлатнинг жаннат боғи”), “Зубдат ут-таворих” (“Тарихлар сараси”), “Жомеъ ул-воқеоти султоний” (“Султон воқеаларининг мажмуаси”) ва “Гулшан уд-давлат” (“Давлат гулшани”) каби тарихга оид асарларни ҳам ёзган. Булардан ташқари, Огаҳий забардаст таржимон сифатида 19 асарни ўзбек тилига таржима қилган бўлиб, уларнинг ичида Муҳаммад Мирхонднинг “Равзат ус-

сафо”, Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома”, Низомуддин Аҳмад Ҳиравийнинг “Табақоти Акбарий” каби улкан тарихий асарлар ҳам бор.

Мунис ва Огаҳийнинг тарих соҳасидаги энг катта илмий иши “Фирдавс ул-икбол” асарининг яратилиши эди. Китобда Хоразмнинг қадим замонлардан то Қўнғирот сулоласидан¹ чиққан Аллоҳқулихон (1825-1842 йй.) замониғача бўлган тарихдан баҳс юритилади. “Фирдавс ул-икбол” асари муқаддима ва беш бобдан иборат бўлиб, 1806-1840 йилларда ёзиб тамомланган. Асар муқаддимасида Элтузархон номига ҳамду сано ўқилади, Муниснинг хон хизматиға кириш сабаблари айтилади ва асар мундарижаси келтирилади. Учинчи бобда Бўртажон ва Чингизхон тарихи, мўғуллар империясининг Чингизхон замонидан то Олтин Ўрда хони Бердибек (1357-1361 йй.) давригача бўлган тарихи баён этилган. Тўртинчи боб Хоразмнинг Шайбонийлар даври (1511-1804 йиллар)даги ижтимоий-сиёсий тарихи ҳақидадир. Бешинчи боб Хива хонлигининг 1804-1825 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади.

Мунис ва Огаҳийнинг мазкур асарининг асосий аҳамияти шундаки, унда Хоразмнинг қарийб 300 йиллик (1511-1825 йиллар) тарихи яхлит, хронологик тартибда баён этилган. Асар турли мавзудаги далилий маълумотларга ниҳоятда бой. Китобда, масалан, Хоразм (Хива хонлиги)да истиқомат қилган туркман, қорақалпоқ ва қозоқ халқлари ва уларнинг мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрни, катта ер эгаллиги, халқ аҳволи, солиқ ва жарималар – хирож, закот, пешкаш, тансуқот ва ҳоказолар, ўн тўрт уруғнинг тарқатиб юборилиши, 1714, 1722-1723, 1768 йиллардаги очарчилик ва қаҳатчилик, Хоразм шаҳарлари – Урганч, Кат, Вазир, Янги шаҳар, Тирсак, Гандумкон, Ҳазорасп, Шаҳободларнинг умумий аҳволи, туркман ва ўзбекларнинг этник таркиби, Хива хонлигининг бошқа мамлакатлар, хусусан, Эрон, Бухоро хонлиги ва Россия билан бўлган иқтисодий ва сиёсий муносабатлари хусусида қимматли маълумотларни

¹ Қўнғирот сулоласи – Хоразми 1804-1920 йиллар орасида идора қилган сулола. Асосчиси Элтузархон (1804-1806 йй.).

учратиш мумкин. “Фирдавс ул-икбол” асари тарихчилар томонидан кам ўрганилган. Унинг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон, Россия ва бошқа мамлакатлар кутубхоналарида сақланади. Мустақиллик йилларида Ш.Воҳидов муҳаррирлиги остида ушбу асар ўзбек тилига ҳам таржима қилинди¹.

“Фатҳнома” номли тарихий мавзудаги шеърый дoston муалифи Мулла Шодийдир. Унинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолиётига оид маълумотлар жуда кам. Шайбонийхоннинг иниси Маҳмуд Султон хизматида бўлганлиги ва унинг топшириғи билан ўзининг “Фатҳнома” дostonини ёзганлиги, уни 1502 йили тугатган бўлиб, айна шу даврда 55 ёшда бўлганлиги маълум, холос.

“Фатҳнома” тарихий дoston бўлиб, унда Шайбонийхон таваллуд топган 1451 йилдан то Дашти қипчоқ ўзбеклари томонидан Самарқанднинг истило этилиши, сўнгги марта 1501 йил июнь ойигача бўлган асосий ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг ёритилган. Асарда Хоразм ва унинг Урганч, Вазир ва Адоқ сингари шаҳарлари, Дашти қипчоқнинг аҳолиси, хусусан манғитларнинг турмуш тарзи, шунингдек, Шайбонийхон аскарларининг Туркистон, Андижон, Бухоро, Дабусия ва Қарши вилоятларини ишғол қилганликлари ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд. Россия ва МДҲ мамлакатларида “Фатҳнома” дostonининг бешта қўлёзмаси мавжуд. Булардан икkitаси Санкт-Петербург давлат университети кутубхонасида, икkitаси Душанбеда ва биттаси ЎзР ФА Шарқшунослик институтида (Инв.№5369) сақланади. Тошкентдаги қўлёзма жуда қимматли бўлиб, XVI асрда кўчирилган ва унда турли мавзудаги 9 та ажойиб миниатюра билан безатилган.

Юртимизнинг XV-XVI асрлардаги тарихини ўрганишда муҳим қўлланмалардан бири “Мусаххир ал-билод” (“Мамлакатларни бўйсундирувчи”) номли асар бўлид, унинг муаллифи Муҳаммадёр ибн Араб Қатағондир. Унинг ҳаёти ва илмий-адабий фаолиятига оид маълумотлар кам.

¹ Мунис ва Огаҳий. Фирдавс ул-икбол. Таржимон: Шодмон Ҳусейнович Воҳидов. Т.: Янги аср авлоди., 2010. 520 бет.

Ўзининг сўзларига қараганда, у XVI асрнинг иккинчи ярми ва XVII аср бошларида яшаб ўтган, Шайбоний Абдуллахон соний ва Аштархонийлардан Боқи Муҳаммадхон (1603-1606 й)нинг хизматида бўлган.

К.Г.Залеман (1849-1916) “Мусаххир ул-билод”ни Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Шарафномаи шоҳий” асарининг қисқартирилган нусхаси, деб айтган¹ бўлса, инглиз шарқшуноси Ч.А.Стори ҳамда “Собрание восточных рукописей АН УзССР” каталогини тузувчилари уни “Тарихи Шайбоний” деб атаганлар². Санкт-Петербурглик олима М.А.Салоҳитдинова “Мусаххир ул-билод”нинг мустақил асар эканлигини аниқлади ва асар ҳамда унинг муаллифи ҳақида қисқа илмий ахборот эълон қилди.

“Мусаххир ул-билод” Шайбонийлар сулоласининг Абулхайрхондан бошлаб шажараси баёни бўлиб, 1610 йил атрофида ёзилган. “Мусаххир ул-билод” кам ўрганилган, унинг қўлёзма нусхалари ҳам кам. Ҳозир унинг фақат икки қўлёзма нусхаси маълум: бири ЎзР ФА Шарқшунослик институтида (Инв. № 1505), иккинчиси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида (Инв. № С.465) сақланмоқда. Афсуски, иккала нусха ҳам тўла эмас. Биринчи нусхада муқаддима ва биринчи бобнинг катта қисми етишмайди, иккинчи нусханинг эса энг керакли – V-VI боблари йўқ.

Асарнинг I-IV бобларида XVI аср тарихига оид манбаларни, хусусан “Шарафномаи шоҳий”дек йирик асарларни ҳам маълум даражада тўлатувчи, уларда баён этилган воқеаларга аниқлик киритувчи қимматли маълумотлар кўп. Шайбонийхон томонидан 1507 йили ўтказилган пул ислоҳоти, Шайбонийлар ўртасида келишмовчиликлар ва ўзаро низолар, унинг сабаблари, Шайбонийлар билан қозоқ хонлари ўртасидаги сиёсий муносабатлар, ўша замонларда Сирдарё бўйида истиқомат қилган қорақалпоқлар, уларнинг XVI асрнинг охири ва XVII аср бошларидаги

¹ Умняков И.И. “Абдулла-наме” Хафиза Таниша и ее исследователи//Записки коллегии востоковедов, V том.- Ленинград, 1930. стр. 322.

² Стори Ч.А. Персидская литература. Био-библиографический обзор. В трех частях. Часть II (1972); Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. Под ред. и при участии А.А.Семенова, Т. 1, Ташкент.,1952. стр. 80.

аҳволи, Тошкент, Туркистон, Сайрам, Андижон ва Ахсикет каби шаҳарларнинг XVI асрнинг сўнгги чорагидаги ижтимоий-сиёсий аҳволи ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Қорақалпоқлар тарихини ўрганишда Хожа Самандар Термизийнинг “Дастур ул-мулук” (“Подшоҳларга қўлланма”) асари муҳим қимматга эга. Асар Бухоро хонлигининг XVII асрнинг 70-90 йиллардаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, шунингдек, Бухоро билан Хива хонликлари ўртасидаги сиёсий муносабатларни ўрганишда катта аҳамиятга эга. Асарда ўзаро курашлар, олий мартабали мансабдорлар орасида учрайдиган бузуқлик, порахўрлик, зулм, оддий халқнинг турмуши ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд.

Хожа Самандар Термизийнинг ўз исми Муҳаммад Бақохожа бўлиб, асли Насаф (Қарши)дан, Мир Ҳайдарий тариқати шайхларидан бири оиласида дунёга келган. Хожа Самандар Термизий ўз даврининг чуқур маълумотли кишилари жумласидан бўлган. Ўша вақтларда ёзилган бир қатор асарлар, жумладан “Музаққир аҳбоб”, “Муҳит ат-таворих”да келтирилган маълумотларга қараганда, у етук шоир, ёзувчи ва тарихчи олим бўлган, илоҳиёт илмини ҳам яхши билган, кўп саёҳат қилиб, назарий билимларини мустаҳкамлаган. Бизнинг замонимизгача олимнинг икки муҳим асари етиб келган. Булардан бири “Дастур ул-мулук” бўлиб, у 1695 йилда ёзилган. Иккинчиси “Анис ул-фуқаро” (“Фақирлар дўсти”) номи билан машҳур ва у 1735 йилда яратилган. “Дастур ул-мулук”да қорақалпоқларнинг этник таркиби ҳақида ҳам муҳим далил ва маълумотлар учрайди.

Хива хонлиги даври тарихшунослиги шу кунга қадар махсус тадқиқот объекти сифатида алоҳида ўрганилмаган бўлса-да, кўриб ўтилганидек, маҳаллий тарихчилардан Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих», «Шоҳид ул-иқбол», Муҳаммад Юсуф Баёнийнинг «Шажарайи Хоразмшоҳий», «Хоразм тарихи», Саййид Ҳомид Тўра Камёбнинг «Таворих ул-хавонин» каби асарлари муаммога оид бирламчи манба вазифасини бажаради. Улар муаллифларнинг ўзи тарихий

жараёнларни, юз берган воқеликларни кўриб ва эшитиб ёзганлиги билан қимматлидир.

Совет даврида бу йўналишдаги дастлабки тадқиқотлар П.П.Иванов ва М.Й.Йўлдошевга тегишли бўлиб, тадқиқотчилар Хива хонлари архиви ҳужжатларидаги маълумотларни ўрганганлар ва нашр этганлар. Ушбу тадқиқотларнинг сўз бошисида тарихшунослик таҳлили берилган. Бундан ташқари, асарга ҳужжатлар, уларга берилган изоҳлар ва кўрсаткичлар ҳам киритилган. Б.В.Луниин рус шарқшунослигида Ўрта Осиё хонликларининг ўрганилиши, россиялик тадқиқотчилар олиб борган изланишлар натижаларини таҳлил этган.

XX асрнинг 70-йилларига келиб, Хива хонлигининг XIX аср иккинчи ярми – XX аср 20-30 йиллари даври ижтимоий-иқтисодий соҳаларига оид масалалар умумлашма тадқиқотларда, илмий адабиётларда ўз аксини топган. Хусусан, «Қадимги Хоразм» деб номланган монографиянинг кириш қисмида мавзу тарихшунослигининг умумий шарҳи, шу жумладан, Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври ижтимоий-иқтисодий соҳаларининг ўрганилиш даражаси берилган.

Шунга кўра, совет тарихшунослигида Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиш масаласи XX асрнинг 20-30 йилларида «мутлак жаҳолат», 30-40 йилларда «қисман жаҳолат», 1950-йилларнинг бошларида «Россияга кўшиб олиниши прогрессив факт бўлган эди», деб талқин қилинган. Ушбу муаммо билан шуғулланган олимлар «босиб олиш» атамасини рад этган ҳолда, «ўз ихтиёрига кўра кўшиб олиниши» атамасини қўллай бошлаганлар.

1960-1980 йилларнинг биринчи ярмига келиб, тадқиқотларнинг муаммовий доираси кенгайган ва Хива хонлигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётининг кўпгина масалаларини ўрганиш каби вазифалар қўйилган ҳамда улар бир қатор тадқиқотларда ҳал қилинган. 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, «кўрсатма билан ишлаш» ўрнига тарихийлик тамойилининг тиклана бориши билан, Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши

масаласи, давлатчилик тарихи, мустамлака ва совет ҳокимияти бошқарув тизими моҳиятини аниқлаш каби масалаларни ўрганишга эътибор кучайди¹.

Умуман, совет тарихшунослигида Россия империясининг Хива хонлигини босиб олишининг бундай тарзда таҳлил қилиниши «маънавий қолип»дан келиб чиққан хусусиятларга хос бўлган. Собик совет тарихшунослигида Хива хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муносабатларининг ўрганилиши бўйича хулоса қиладиган бўлсак, бу даврда кўлёзма манбаларни ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар озчиликни ташкил қилса-да, архив хужжатларини ўрганиш, археологик ва этнографик тадқиқотлар ва изланишлар олиб бориш соҳасида кенг фаолият юритилган.

Хива тарихи манбаларини ўрганишда хорижлик шарқшунос олим Ю.Е.Брегель тадқиқотлари муҳим ўрин эгаллайди. Тадқиқотчи Огаҳийнинг «Фирдавс ул-иқбол» асарининг танқидий матнини нашр қилдирган. Асарнинг сўз бошисида мавзу тарихшунослиги берилган бўлиб, муаллиф асарнинг қай даражада ўрганилганлигига асосий эътиборини қаратган. Ушбу асарнинг инглиз тилига таржима қилиниши хорижий тадқиқотчиларнинг ҳам ундан фойдаланишига имкон яратди. Жумладан, инглиз тарихшунослигида Хива хонлигига оид маълумотлар ҳажми кенгайиб, асарлар сони кўпайди. Бу даврда фаолият кўрсатган М.Холдсворт, Уилер, Аллвортх, Рамбауд, Краусет ва бошқалар Хива хонлиги тарихи масалаларига ҳам ўзларининг муносабатларини билдирганлар. Хориж тарихшунослигида Хива хонлиги масалаларига оид адабиётлар нисбатан озчиликни ташкил этса-да, вақт ўтган сари, маълумотлар йиғилиб борди ва асарлар сони ортиши билан матбуот саҳифаларида чоп этилган лавҳалар мазмуни ҳам бойиб борди.

XIX асрда европалик тадқиқотчилар томонидан ёзилган асарларнинг мазмуни асосан мустамлакачилик кайфиятида ёзилган бўлса-да, уларда хонликнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, давлат бошқаруви ва маданияти каби масалалар ёритилган эди. XX-XXI аср бошига келиб, Европа

¹ Гордиенко А.А. Создание народно-советского государства и права и их революционно-преобразующая роль в Хорезме и Бухаре. – Т.: САГУ, 1959. – С. 3-7.

ва АҚШда Ўрта Осиё билан махсус шуғулланувчи илмий тадқиқот институтлари ва жамиятлари очилди. Натижада хонлик тарихи, маданияти, меъморий ёдгорликлари, бу ерда яшаган халқлар, хонликда юритилган давлат ҳужжатлари, жумладан, хон ёрлиқлари, қозилик ҳужжатлари каби масалаларни ёритувчи кўплаб янги нашрлар вужудга келди. Аммо, уларда асосан Ўрта Осиёнинг умумий тарихи берилиб, хонликларга алоҳида ёндашув кам учрайди.

Мустақиллик даври тадқиқотчилари томонидан Хива хонлигидаги ички ва ташқи савдо алоқалари, бозорлар, савдо расталари ва солиқ тизими ҳақидаги маълумотлар қайд қилинган. Тадқиқотчи Ҳ.Зиёев ички савдо ҳақида ёзиш жараёнида XIX асрнинг 70-йилларида Хива шаҳар ва қишлоқларида ҳафтада икки марта бозор бўлиши, бундан ташқари Хива шаҳрининг ўзида 400 савдо дўкони, карвонсаройда 105 савдо растаси мавжуд бўлганини таъкидлаган¹. Мустақилликдан кейин нашр қилинган бир қатор тўпламлардан Хива хонлиги тарихшунослигига оид мақолалар ўрин олган. Жумладан, «Ўзбекистонда тарих фани: ютуқлар ва ривожланиш муаммолари» тўпламида О.Г.Пуговкина, У.А.Абдурасулов, М.У.Қаюмовлар томонидан Хива хонлигининг Қўнғиротлар сулоласи даври тарихининг тарихшуносликдаги талқини, Россия тарихшунослигида Хивага юришнинг ёритилиш масалалари янгича ёндашувлар асосида ёритилган (Пуговкина О.Г. Освещение Хивинского похода в российской историографии Средней Азии (70-е годы XIX – начало XX века). Абдурасулов У.А. Аграрные отношения в Хивинском ханстве в историографии 30-80х г. XX века. Қаюмов М. XIX аср охири – XX аср бошидаги Хива хонлиги тарихи масалалари.)

Э.Э.Каримовнинг Хива қозилик ҳужжатлари ва хон ёрлиқлари тавсифини ўзида мужассамлаштирган асарига доир муҳим маълумотлар мавжуд (Каримов Э.Э. Регесты казийских документов и ханских ярлыков Хивинских ханов XVII – начала XX в. – Т.: Фан, 2007. – 224 с.).

¹ Зиёев Ҳ. Тарихнинг очилмаган саҳифалари... - Б.91.

Қ.Мунировнинг тадқиқотида Хива хонлигининг XVIII-XX аср бошидаги тарихи, Огаҳий, Камёб, Баёнийнинг тарихий асарлари мазмуни таҳлил қилинган ва бу асарларнинг Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишдаги аҳамияти кўрсатилган. (Абдурахимова Н.А., Эргашев Ф.Р. Туркистонда чор мустамлака тизими. – Т.: Академия, 2002. – Б. 20-21.)

Ғ.А.Аҳмаджоновнинг тадқиқотлари мазмуни Россия империясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати тарихи ва тарихшунослигига бағишланган бўлиб, ушбу тадқиқотлар ўрганилаётган муаммони таҳлил этишда назарий асос бўла олади (Ахмеджанов Г.А. Советская историография присоединения Средней Азии к России. – Ташкент, 1989. – 156 с.)

Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатларга оид О.Қўшжонов ва Н.Полвонов монографиясининг биринчи бобида Хива хонлиги тарихининг сўнгги даври манбашунослиги ва тарихшунослиги хусусида сўз юритилган. (Қўшжонов О., Полвонов Н. Хоразмдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва ҳаракатлар (XIX аср иккинчи ярми – XX аср биринчи чораги). – Т., 2007. – Б. 10-22.)

XIX-XX аср бошларидаги Хива хонлигининг тарихига оид маълумотлар диссертацион тадқиқотлардан ҳам кенг ўрин олган. Жумладан, О.Масалиева ўз эътиборини Хива хонлиги тарихининг XX аср хорижий тарихшунослигида ўрганилишига қаратган (Масалиева О. XX аср инглиз-америка тарихшунослигида Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари тарихи.: Тарих фан. номз. ... дис. – Т., 1999. – 165 в.) У.А.Абдурасуловнинг тадқиқотида Хива хонлигидаги ер муносабатлари масалаларининг ўрганилиш даражаси илмий таҳлил этилган (Абдурасулов У. Земельные отношения в Хивинском ханстве во второй половине XVII – первой четверти XIX в.: Дисс... канд. истор. наук. – Т., 2008. – С. 10-45.)

Хива хонлигининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий аҳволининг айрим масалаларига оид асарлар ва тадқиқотлар мавжудлигига қарамасдан, Хива хонлигининг давлатчилик муаммоси тарихшунослик нуқтаи назаридан ҳозирга қадар яхлит тарзда жамлаб таҳлил этилмаган ва бу

тарихшунослик йўналишида ўз ечимини кутаётган муаммолардан бирини ташкил этади.

Ўзбекистон мустақиллигининг илк пайтлариданоқ асл манбаларга таянган ҳолда, чуқур илмий таҳлил, яхлит бир концепция асосида халқнинг ҳаққоний тарихини яратиш вазифаси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, тарихий воқеликни ҳаққоний ва тўлақонли акс эттиришнинг зарур шартларидан бири бирламчи манбалардан фойдаланиш, уларни илмий истеъмолга киритиш ҳисобланади. Хива хонлигининг қўнғиротлар сулоласи даври тарихини ўрганишда ёзма маълумотлар муҳим аҳамиятга эга. Айтиш мумкинки, мустақиллик даври тадқиқотчилари томонидан Хива хонлиги тарихининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий аҳволига оид кенг маълумотлар тақдим қилинган бўлиб, уларни ўрганиш ва таҳлил қилиш тарихшунослар олдига катта вазифа қўяди.

Огаҳийнинг «Зубдат ут-таворих» асари Хива хони Раҳимқулихон салтанати воқеаларини (1843-1846) тасвирлайди. Ушбу асар икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм Раҳимқулихоннинг туғилишидан бошланиб, диний, дунёвий ва ҳарбий илмларни эгаллаши, Ҳазорасп ҳокими сифатидаги фаолияти ҳамда хонлик тахтига чиққунига қадар бўлган воқеалар, иккинчи қисмда хоннинг тахтга чиққандан вафотигача бўлган воқеаларни ўз ичига олади. Ушбу асар 2009 йилда Рашид Зоҳид муҳаррирлигида нашр қилинди. Тадқиқотчи Нурбой Жабборов уни нашрга тайёрлаб, асарни сўз боши, луғат, изоҳ ва кўрсаткичлар билан таъминлаган. Бу эса, табдилнинг илмий аҳамиятини оширади.

Огаҳийнинг «Жомеъ ул-воқеоти султоний» («Султон воқеаларининг мажмуаси») асарида 1846-1854 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Аминхон даври воқеалари ўз аксини топган. Бундан ташқари, асарнинг охирида Хива хонлари Абдуллахон (1854) ва Қутлуғмуродхон (1855) давридаги воқеаларни баён этувчи қисм ҳам бор. Хива хони Саййид Муҳаммадхон замонида доир Огаҳийнинг «Гулшани давлат» («Давлат гулшани») асари эса, хонликнинг 1856-1865 йиллари воқеаларини ўз ичига

олади. Огаҳийдан сўнг, Хоразм тарихини ёзиш ишини Муҳаммад Юсуф Баёний давом эттирди. Баёний «Шажарайи Хоразмшоҳий» ва «Хоразм тарихи» асарларини яратиб, тарихшунослик фани ривожига ўзининг муносиб хиссасини қўшди. Баёнийнинг Хива хони Асфандиёрхон топшириғига биноан ёзилган «Шажарайи Хоразмшоҳий» асари қадим замонлардан бошлаб, 1913-1914 йилларгача Хоразмда содир бўлган тарихий воқеаларни камраб олган. ўзининг характери билан бу асар Мунис ва Огаҳий томонидан ёзилган тарихий асарларнинг хулосаси ва давоми ҳисобланади. Полвонниёз Хожи Юсупов таклифига биноан ёзилган «Хоразм тарихи» асари эса, унинг «Шажарайи Хоразмшоҳий» асарига ўхшайди. Бироқ, шунинг таъкидлаш лозимки, «Шажарайи Хоразмшоҳий» асари тарихий асар бўлса-да, воқеалар адабий услубда баён этилган. «Хоразм тарихи» асари эса, ёзилиш услуби жиҳатидан ундан фарқ қилиб, енгил, халқчил тилда ёзилган тарихий асар ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, Баёний асарлари халқ тушуниши учун осон, енгил тилда ёзилган. Огаҳий асарларини ўқиш эса, ўқувчидан муайян тайёргарликни талаб қилиб, эски ўзбек ёзувини билган ҳамма тадқиқотчи ҳам бемалол ўқий олмайди. Огаҳий араб ва форс тилларида камдан-кам ҳолда қўлланадиган сўзларни ҳам фаол сўзлар қаторида бемалол қўллайверган. Шу тўғрисида ушбу бўлимда шу пайтгача кирилл ёзувига қилинган таъкидлардан ва бу муаллифлар асарлари ҳақида олиб борилган тадқиқотлардан ҳамда имкон қадар маҳаллий тарихчилар асарларининг қўлёзма нусхаларидан фойдаланилди.

Саййид Ҳомид Тўра Камёбдан бизга битта шеърий девон, Хоразм тарихига оид «Таворих ул-хавонин», «Мунтахаб ул-воқеот» каби тарихий асарлари ва XIX аср охири – XX аср бошларида Хоразмда юз берган табиат ўзгаришлари тўғрисида маълумот берувчи эсдаликлар етиб келган. Д.Раҳим ва Ш.Лаффасийнинг берган гувоҳлигига кўра, Саййид Ҳомид Тўра Камёб «Тўрахоним» номли бошқа бир тарихий асар ҳам битган. Асар Ферузга маъқул тушган ва ундан бир неча нусха кўчирилган. Лекин, ҳозирга қадар унинг қўлёзмаси топилган эмас. Камёбнинг иккинчи тарихий асари –

«Мунтахаб ул-воқеот» Феруз вафотидан сўнг якунига етган. Шундай қилиб, XIX – XX аср бошларида яшаган, ўз замонасининг кўзга кўринган тарихчилари Огаҳий ва Баёний томонидан ижод этилган тарихий асарлар Ўрта Осиё, айниқса Хива хонлиги тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Хива хонлиги тарихшунослиги масаласи доирасида ушбу таҳлилимиз қисман бўлса-да, муаммони очиқ беради. Маҳаллий муаллифларнинг тарихий асарлари Хива хонлиги тарихини ҳаққоний ва илмий асосда ўрганишда муҳим манба ҳисобланиб, ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Собиқ совет даврида архив ҳужжатларини ўрганиш, археологик ва этнографик тадқиқот ва изланишлар олиб бориш, қўлёзма манбаларни ўрганиш соҳасида фаолият олиб борилган. Кейинчалик мустақиллик даври тадқиқотчиларининг илмий ишларида Хива тарихи ва тарихшунослиги масаласи ҳаққоний очиқ берилди. Хива хонлиги тарихшунослигини кенг қамровда амалга ошириш тарихшунослар учун вазифа ҳисобланади.

М.А.Салоҳитдинова 1971 йилда “Дастур ул-амал” асари юзасидан тадқиқот ишлари олиб бориб, унинг форсий матнини, зарур изоҳлар билан русча таржимасини баён қилди. Мазкур асар мустақилликдан сўнг яна қайтадан тарихшунослигимизга тадқиқ этилувчи манба сифатида кириб келди ва унинг ўзбекча наشري 1997 йили Жаббор Эсонов томондан амалга оширилди. Мазкур асар қаторида турувчи яна бир қорақалпоқлар тарихини ёритувчи манба “Убайдуллонома” – XVIII асрда ўтган Мир Муҳаммад Амин Бухорийнинг асаридир. У ўқимишли ва фозил кишилардан бўлиб, 1645 йилда туғилган, вафот йили маълум эмас. Аштархонийлардан Субхонқулихон ва Убайдуллохон (1702-1711 й.) саройида бош муншийлик вазифасида хизмат қилган. “Убайдуллонома” асарининг 10 дан ортиқ қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, асар юзасидан А.А.Семёнов тадқиқот ишлари олиб борган ва рус тилига таржима қилган. 1957 йили Тошкентда нашрдан чиқарилган “Убайдуллонома”да Бухоро хонлигининг 1702-1716 йиллар орасидаги

ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Асар 1716 йилдан кейин ёзилган, муқаддима, хотима ва 80 бобдан иборат.

Муқаддимада муаллифнинг ҳол-аҳволи, яъни Субҳонқулихон ҳукмронлигининг сўнгги йилларида хизматдан четлаштирилиб, оғир аҳволга тушиб қолганлиги, Убайдуллахон хизматига қабул қилиниши, Абдулазизхон ва Субҳонқулихон даврида Бухоро хонлигининг ижтимоий-сиёсий аҳволи қисқа тарзда баён қилинган. 1-80 бобларда Бухоро хонлигининг қарийб 15 йиллик (1702-1711 й.) ижтимоий-сиёсий тарихи батафсил ёритилган. Муаллиф мазкур асарида катта ер эгалиги, аҳолидан йиғиладиган солиқ ва жарималар, Бухоро хонлигининг маъмурий тузилиши, тарқоқликнинг кучайиши, мамлакат бошига тушган иқтисодий қийинчиликлар ва унинг айрим сабаблари каби масалаларга кенг ўрин берган. Асарда қорақалпоқларнинг географик ва этнографик маълумотлари ҳам кўп. А.А.Семёнов бундай асарлар сирасига “Тарихи касира” ёки “Тарихи саййид Роқим”, “Тарихи саййид Роқим Самарқандий” номлари билан машҳур бўлган асарни ҳам киритади. Мазкур манбани Мулла Шарафуддин Аълам яратган. У XVII асрнинг иккинчи ярми – XVIII асрнинг биринчи чорагида яшаб ўтган шоир ва тарихчи олимдир. В.Р.Розен ва А.А.Семёновлар келтирган маълумотларга қараганда, Мулла Шарафуддин Аълам асли андижонлик бўлиб, ёш пайтида Самарқандга, отаси хузурига келиб қолган. Отаси – мулло Нуриддин халқ орасида охунд мулла Фарҳод номи билан машҳур бўлган.

Мулла Шарафуддин ёшлигидан меҳнатсевар ва илмга чанқоқ бўлган. Отасининг ёрдами билан яхши ўқиди, турли илмларни касб этди ва кенг маълумотли олим ва шоир бўлиб етишди. В.Р.Розен ва А.А.Семёновларнинг тадқиқотларидан англашилишича, мулла Шарафуддин Самарқанднинг энг маълумотли олимларидан мулла Боқижон Бухорийнинг хизматида бўлган ва унинг вафотидан кейин унинг ўрнига аъламлик вазифасига ўтирган. Баъзи маълумотларга қараганда, у қозилик мансабида ҳам турган. Олим “Тарихи касира” асари билан машҳур. Асар машҳур шахсларнинг ҳаёти, мамлакатда бунёд этилган катта бинолар, усти ёпиқ бозор, тимлар, ҳаммомлар каби

иншоотлар қурилиши ҳамда уларнинг саналарга бағишланган тарих-хронограммалар мажмуидан иборатдир. У Амир Темур таваллуди (1336 й.)дан то XVIII асрнинг ўрталаригача кечган воқеаларни ўз ичига олади.

А.А.Семёнов ўз тадқиқотларидан келиб чиқиб, Бухоро хонлиги таркибида бўлган қорақалпоқлар хусусида маълумот берувчи яна бир манба “Тарихи Абулфайзхон” эканлигини айтиб ўтади. “Тарихи Абулфайзхон” асарини Убайдуллахон ва Абулфайзхон (1711-1747 йй.) саройида хизмат қилган мунажжим, шоир ва тарихчи олим Абдурахмон Давлат ёзган. Муаллиф кўпроқ Абдурахмон Толе номи билан машхур.

Мазкур асар ҳажм жиҳатдан кичик, 161 варақ бўлиб, “Убайдулланомани”нинг давоми ҳисобланади ва Бухоро хонлигининг 1711-1723 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Маълумки, XVIII асрнинг биринчи чорагида Бухоро хонлигининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи заифлашди, улус бошлиқлари, яъни маҳаллий ҳукмдорларнинг мустақиллик учун олиб борган ҳаракати кучайди, уларнинг айримлари, масалан, Балх ва Самарқанд марказий ҳукуматга бўйсунмай қўйдилар. Фарғона XVIII асрнинг бошлари, аниқроғи 1709 йилда Аштархонийлар давлатидан ажралиб чиқди ва ўлкада мустақил Қўқон хонлиги ташкил топди, 1722 йили Самарқанд ҳам мустақиллик эълон қилди ва Ражабхон исмли кимсани хон қилиб кўтардилар (1722-1728 йиллар). Минтақада ўзаро урушлар бошланиб кетди.

“Тарихи Абулфайзхон” асарида мана шу масалалар кенг ёритиб берилган. Бундан ташқари, асарда Бухоро хонлигининг маъмурий тузулиши ва ўзбек халқининг ўша йиллардаги этник таркиби ҳақида ҳам айрим диққатга сазовор далил ва маълумотлар бор. “Тарихи Абулфайзхон”нинг тўла русча таржимаси, зарур изоҳлар билан 1959 йили А.А.Семёнов тарафидан Тошкентда нашр қилинган.

Қорақалпоқларнинг XVI-XVIII асрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти ёритилган тарихий асарларга, шунингдек, “Силсилат ус-салотин”ни ҳам қўшишимиз мумкин. “Силсилат ус-салотин” Хожи Мир Муҳаммад

Салимнинг асаридир. Унинг кўлёзма нусхалари жуда камёб бўлиб, бир нусхаси Англиянинг Оксфорд шаҳридаги Бодли кутубхонасида (рақами № 269) сақланмоқда.

“Силсилат ус-салотин” 1731 йилда ёзилган бўлиб, муқаддима ва тўрт қисмдан иборат. Муқаддимада асарнинг ёзилиши ҳақида сўз боради ва муаллифнинг 1711 йилдан кейинги ҳаёти ҳақида маълумотлар келтирилади. “Силсилат ус-салотин”нинг III-IV қисмлари аҳамиятга эга бўлиб, Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистоннинг XVI-XVIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини баён қилади.

Асарда Бухоро хонлигининг Эрон, Ҳиндистон ва Қошғар билан бўлган алоқалари, Бухоро хонлигида ҳокимиятнинг Шайбонийлардан Аштархонийлар қўлига ўтишининг аниқ тафсилоти, XVII асрда Балх ва Бадахшон, шунингдек, Қорақалпоғистоннинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёти тўлиқ акс этиб, Шохжаҳоннинг Балх ва Бухоро хонлиги ички ишларига қуролли аралашуви ва Бобурийлар қўшинининг Балх ва унга тобе бўлган ерларни босиб олиши, Хоразмнинг XVI-XVII асрлардаги сиёсий аҳволи хусусида бошқа манбаларда учрамайдиган қимматли далил ва маълумотлар келтирилади.

Ўзбек ва қорақалпоқ қавмлари, уруғлари ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда тутган ўрни, ҳақида маълумот берувчи асар “Тухфат ул-хоний” асаридир. “Тухфат ул-хоний” (“Хоннинг тухфаси”) ёки “Тарих Раҳимхоний”, ((Муҳаммад) Раҳимхон тарихи) номли асар Бухоро хонлигининг 1722-1782 йиллар орасидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўз ичига олади. Уни тарихчи олим Муҳаммад Вафойи Карминагий (1685-1769 й.) яратган.

“Тухфат ул-хоний” қофияли наср, саж билан ёзилган, лекин воқеаларнинг тўла ва кенг ёритилиши, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, географик ҳамда этник далилларга бойлиги билан биринчи даражада манбалар қаторида туради. Асар Бухоро хонлигида XVIII асрнинг 20-йилларидан бошлаб кучайиб кетган иқтисодий ва сиёсий тангликни, ижтимоий-сиёсий тарқоқликнинг кучайиши ва бунинг натижасида марказий

давлат бошқарувининг заифлашуви, манғит ҳукмдорларининг улуслар ва кабилаларни бўйсундириш мақсадида олиб борган тинимсиз урушлари ва бунинг оқибатида кўплаб шаҳарлар ҳамда қишлоқларнинг вайрон этилиши, халқ турмушининг оғирлашиб бориши ва унинг асосий сабабларини аниқлашга ёрдам бериши мумкин бўлган далилий маълумотга ўта бойдир.

Асарда яна Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлиги даврида ўзбек кўшини ва манғитлар давлатининг тузилиши, 1722-1782 йилларда Бухоро хонлигининг Эрон, Афғонистон, Қозоқ ва Қўқон хонликлари ҳамда Кошғар билан олиб борган сиёсий муносабатлари ҳақидаги ҳам эътиборга молик маълумотлар кўп учрайди.

“Тухфат ул-хоний” асарининг қўлёзма нусхалари кўп. Масалан, фақат Санкт-Петербург, Ўзбекистон, Тожикистон кутубхоналарида унинг 23 қўлёзмаси мавжуд. Асар бирон тилга тўла таржима қилинмаган. Фақатгина унинг кичик бир парчаси, яъни Муҳаммад Раҳимхоннинг 1747 йили Сарахс атрофида Эрон қўшинлари билан тўқнашуви воқеалари рус тилида 1938 йилда эълон қилинган, холос.

1950-йилларда А.А.Семёнов томонидан рус тилига таржима қилиниб, қайсидир сабабларга кўра нашр этилмай қолган ва таржима қўлёзма ёзма сифатида ЎзР ФА ШИ кутубхонасида сақланаётган манбалардан бири бу “Тарихи Амир Ҳайдар” асаридир. “Тарихи Амир Ҳайдар” XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида ўтган бухоролик олимларнинг асаридир. Китобнинг номаълум муҳаррир томонидан қисқартирилган нусхаси етиб келган бўлиб, қўлёзма ЎзР ФА Шарқшунослик институтида 1836 рақами остида сақланмоқда.

“Тарихи Амир Ҳайдар” кичик ҳажмдаги асар, жами 96 варақдан иборат, муҳим тарихий манбалар асосида ёзилган, Бухоро хонлигининг Аштархонийлар, шунингдек, асосан, Манғитлар сулоласидан бўлган амир Ҳайдар ҳукмронлиги (1800-1826 й.) давридаги ижтимоий-сиёсий тарихни ўз ичига олади. Асар 81 боб ёки дostonдан иборат. Унинг 1-2 боблари Бухоро шаҳри тарихига бағишланган, 3-6 бобларда Аштархонийлар тарихи қисқача

баён этилган, 7-81 бобларида эса Бухоро амирлиги амирзода Ҳайдарнинг туғилишидан то унинг 1826 йил 6 октабридаги вафотигача бўлган тарихи хикоя қилинади. О.Д.Чехович тарафидан рус тилига таржима қилинган.

Таржима қўлёзмаси ЎзР ФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган, қорақалпоқларнинг Бухоро амирлигида тутган ўрни хусусида маълумот берувчи яна бир китоб “Фатҳномаи султоний” (“Султон фатҳномаси”)дир. Асар муаллифи Мир Олим Бухорий Амир Насруллоҳ даври (1826-27 – 1869-79 йиллар)да Ғузор ҳокими бўлган Муҳаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва китобини унинг топшириғи билан ёзган.

“Фатҳномаи султоний” амир Шохмурод (1785-86 – 1800 й.) давридан то Насруллоҳ ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Лекин унда Шохмурод ва амир Ҳайдар даврлари қисқача, Насруллоҳ даври эса батафсил ёритилган (ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № 1838, вв.7 б-55 б). Мазкур қўлёзма асарнинг биринчи жилди бўлиб, иккинчиси бизга маълум бўлмаган сабабларга кўра ёзилмай қолган.

Қорақалпоқларнинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда Амир Дониёлнинг сўнгги асари катта илмий аҳамиятга эга. “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад” (“Бухоройи шариф амирларининг таржимаи аҳволи. Амир Дониёлдан то амир Абдулаҳадгача”) асарининг муаллифи – Аҳмад Дониш (Аҳмад Калла номи билан машҳур бўлган), XIX асрнинг кўзга кўринган мутафаккир шоири, адиб, олим ва дипломатдир. У 1827 йилда Бухорода туғилган.

1885 йили амир Музаффар вафотидан кейин, у Бухорога қайтиб келди ва умрининг қолган қисмини илмий машғулотлар билан кечирди. Аҳмад Дониш 1897 йили вафот этди. Аҳмад Дониш сермахсул ижодкор бўлиб, илоҳиёт, илми нуҷум, география, адабиёт ва тарихга оид 20 га яқин асар ёзиб қолдирди. “Манозир ул-кавокиб” (“Сайёраларнинг манзаралари”), “Наводир

ул-вақоеъ” ва “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф” (1885 йилдан кейин ёзилган) асарлари ана шулар жумласидандир.

Қорақалпоқларнинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф” асари ҳам муҳим манбадир. Унинг қўлёзма нусхалари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Душанбе кутубхоналарида мавжуд. Асарнинг матнини А.Мирзоев тадқиқ этиб, чоп қилган. 1960 йилда китобнинг қисқартирилган русча таржимаси Душанбеда нашр қилинган.

Қорақалпоқлар тарихининг турли жиҳатларини ўрганишда бадиий асарлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, Ажиниязнинг ижоди XIX асрда ижод қилган қорақалпоқ шоирлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг асарлари алоҳида тўпламлар сифатида қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ ва рус тилларида чоп этилган. Бердақ шоирнинг лирик, сатирик, дидактик шеърлари, тарихий дostonлари диққатга сазовор. Шунингдек, Отеш Алшинбай ўғли (1828-1902), Кулмурот Қурбон ўғли (1845-1926), Омар Суғиримбет ўғли ва бошқа шоирларнинг шеър, дoston ва бошқа асарлари қорақалпоқ адабиёти тарихида муносиб ўрин эгаллайди.

Юқоридаги манбалардан шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, бижанаклар негизида VIII-XVI асрларда қорақалпоқ халқи шаклланди. XVIII асрнинг биринчи чорагида Эшимхон етакчилигида қорақалпоқ хонлиги ташкил топади. 1811 йилдан бошлаб қорақалпоқлар Хива хонлигига қарам бўлганлар. 1873 йилда Россия империясининг Хивага юриши, уни истило этиши ва Гандимён шартномаси тузилиши натижасида Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган қорақалпоқлар ҳудуди Россияга қўшиб олинди. Бу ерда Туркистон генерал-губернаторлиги Сирдарё вилоятининг Амударё бўлими ташкил этилди. Амударё бўлими 2 та участкага бўлинади: Петро-Александровск қалъаси маркази бўлган Шўрахон уезди (ҳозирги Тўртқўл шаҳри) ва маркази Чимбой бўлган Чимбой уезди.

Қозоқ халқининг XVI-XIX асрлар тарихишунослиги. Қозоқ халқининг XVI-XIX асрлардаги тарихини баён этар эканмиз, IX – X асрларда ҳозирги

Қозоғистон ерларида қарлук, ўғуз, печенег, қипчоқ, кимак ва бошқа қабилалар жойлашганлиги ва XI – XII асрларда бу ҳудудда яшайдиган барча қабилаларнинг бирикишига туртки бўлганлиги, XII асрда Қозоғистон ҳудудига қорахитойлар (қиданлар) бостириб қирганлиги, улар маҳаллий туркий аҳоли билан аралашиб кетганлиги, XI – XV асрларда Иртишдан Дунайгача бўлган Буюк Евроосиё текислиги, Қримдан то Волга бўйидаги Буюк Булғориягача араб ва форс манбаларида “Половецлар (Қипчоқлар) даласи” деб аталадиган қипчоқ-половецлар кўчиб юришганлиги, XVI – XVIII асрларда турк суперэтноси бир неча мустақил этносларга бўлиниб кетгандан сўнг, қудратли туркий қипчоқ қабиласининг катта қисми қозоқ халқи таркибига қирганлиги тўғрисида эслатиб ўтиш жоиз.

Мазкур даврда яратилган манбаларда, хусусан, Маҳмуд ибн Валининг “Баҳр ул-асрор”, Ҳофиз Таниш ибн Мир Муҳаммад Бухорийнинг “Абдуллонома (Шарафномаи шоҳий)”, Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг “Тарихи Рашидий”, Муҳаммадҳакимхон тўранинг “Мунтахаб ат-таворих: (Хўқанд ва Бухоро тарихи, саёҳат ва хотиралар)” Абулғозий Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, Мунис ва Огаҳийнинг “Фирдавс ул-иқбол”, Муҳаммад Аваз Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” қабиларда Туркистон халқларининг XVI – XIX асрлардаги тарихига бағишланган воқеалар баёнини кўришимиз мумкин.

Бизга маълумки, XV аср охири – XVI аср бошларида Қозоқ хонлиги пайдо бўлган ва қозоқ халқи шаклланиши ниҳоясига етган. XVI аср бошида ғарбга қайтиб келган қозоқ қабилалари Қозоқ хонлигига бирлашганлар. Шу билан қозоқ элатининг шаклланиш жараёни якунланган. Бу ҳақда совет даврида кўплаб адабиётлар яратилди¹. Хусусан, М.Х.Абусейтованинг “Қазахское ханство во второй половине XVI века” асарида келтирилишича, XV – XVI асрларда қозоқ халқининг ташкил топиши ва рус марказлашган

¹ Абусейтова М.Х. Қазахское ханство во второй половине XVI века. – Алма-Ата: Наука, 1985.-104 ст. Атыгаев Н.А. Қазахское ханство в XV – середине XVI века. – Алматы: 2003. Канд. Наук. Ист. Автореф. - 35 ст. Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. К истории взаимоотношений народов каракалпаки в XVIII–XX вв. – Т., 1966. Толыбеков С. Хозяйство казахов на рубеже XIX–начале XX в. – Алма-Ата, 1980. Толыбеков С. Кочевое общество казахов в XIX–начале XX вв. – Алма-Ата: 1971. Турсунова М.С. Казахи Мангышлака во второй половине XIX века. – Алма-ата.: НАУКА, 1977.-184 ст.

давлатининг мустақамланиши натижасида бевосита қозоқ-рус алоқалари пайдо бўла бошлайди. Россия ҳукумати ўша даврдаёқ қозоқ халқи билан кизиқар, у ҳақда турли маълумотлар тўплар эди. Бу маълумотлар Москва буйруқларида акс этган бўлиб, подшо девонхонасида сақланар эди. Мисол учун, шох архивининг 1574-1584 йиллардаги рўйхатида “Қосим подшо давридаги казак (қозоқлар)лар” китоби ва рўйхати 38-қутида сақланганлиги кўрсатилган. Ўткир Алиевнинг Қозоғистон тарихи китобида Қозоғистоннинг XIV – XVII асрлардаги тарихи батафсил баён этиб берилади. Хусусан, унда ёзилишича, XIV-XV асрларда Қозоғистон ҳудуди Чингизхон империяси таркибига киргандан сўнг улуғ хон барча ерларнинг ягона эгаси, деб аталди. XIV асрда Олтин Ўрда, Оқ Ўрда, Абулхайрхон хонлигида ва Темурийлар даврида ерни шартли турда мукофот тарзида бериш “сайирғал” дейилган. Демак, қозоқларда ҳам ер эгалигининг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлган экан.

М.С.Турсунованинг “Казахи Мангышлака во второй половине XIX века” асари ҳам ушбу даврни ёритишда муҳим аҳамият касб этади. Унда XIX асрда Манғишлоқда яшаган қозоқ халқининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумот беради. Асарда ёзилишича, Манғишлоқдаги қозоқлар 1822 йилда Хива хонлигига бўйсунганлар. 1830-1840 йилларда Мая Анетев ва мулла Калбий Каримкулов 10 та бий ёрдамида қозоқларни бошқарган¹.

Умуман олганда, Қозоқ хонлиги тарихига бағишланган асарларда қозоқ хонлари Керейхондан то Абилайхонгача бўлган даврда қозоқ хонлигининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти ҳақида маълумотлар келтирилади. Шунингдек, XV-XVII асрларда қозоқ аҳолиси ичида табиат кучларига сиғиниш кучли бўлганлиги, қозоқларнинг ерга ва сувга сиғинганлиги ҳақида ҳам билиб олиш мумкин.

Қирғиз халқининг XVI – XIX асрлардаги тарихишунослиги.

Б.Ҳ.Кармишеванинг «Каратегинские кыргызы» китоби қирғизларнинг

¹ Турсунова М.С. Казахи Мангышлака во второй половине XIX века. –Алма-ата.: НАУКА, 1977. С-120.

этнографиясига бағишанган асар ҳисобланади. Бу китобда қирғизларнинг хўжалиги ҳақидаги маълумотлар ёритиб берилган. Шунингдек, асар қирғиз халқи ва унинг шаклланиши келиши ҳақидаги маълумотлар келтириб ўтилганлиги билан қимматли ҳисобланади. Ундан қирғиз хонлигининг вужудга келиши, қўшни ҳудуд билан алоқалари каби маълумотлар ўрин олган. Асарда қирғиз хонлиги XVI асрда вужудга келганлиги, унинг асосчиси афсонавий Аҳмадхон, унинг шажараси ҳақида сўз боради.

Мустафа Калканнинг тадқиқоти («Этнические связи кыргызских и казахских племен во второй половине XIV-XVI вв». Бишкек, 2003.)да қозоқ ҳамда қирғизларнинг айрим қабилалари ва улари ўртасидаги боғлиқлик масалалари ҳақида маълумотлар бериб ўтилади.

С.М.Абрамзоннинг («Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. Л., 1971) асари кейинчалик, 1990 йилда қайта чоп этилган бўлиб, унда қирғизларнинг келиб чиқиши ва моддий маданияти тарихи масалалари кенг ёритилган. Н.И.Гродековнинг «Киргизы и каракиргизы Сыр-Дарьинской области»¹ қирғизлар этнографиясига бағишланган асарида ҳам қирғизларнинг келиб чиқиш масалаларига ойдинлик киритилиб ўтилган.

Қирғизларнинг қозоқ хонликлари таркибида ривожланиши.

Ч.Валихонов қозоқ халқининг айтишув ва афсоналарига асосланган ҳолда қирғизлар тарихига оид маълумотларни ёритиб берган. У қозоқ жузларини XV – XVI асрларда пайдо бўлган, деб ҳисоблайди ва қозоқларни бурутлар (қирғизлар) билан аралаштириб юборган Риттер ва Георги каби муаллифларни қаттиқ танқид қилади. Уларнинг фикрини инкор қилиб, “Катта, Ўрта ва Кичик” қирғиз-қайсоқ ўрдалари битта – “қозоқ” халқи эканлигини ёзади.

XV асрнинг иккинчи ярмида Аҳмадхон бошчилигида Қирғиз хонлиги ташкил топди. Унинг таркибига Тяньшанда қолган мўғул-турк қабилалари ҳам кирди. Мазкур давлат узоқ фаолият кўрсатмаса-да, муҳим оқибатларга олиб

¹ Гродеков Н.И. Киргизы и каракиргизы Сыр-Дарьинской области: юридический быт. М.: Восточная литература; ISBN: 978-5-02-036459-2; 2011. -566 с.

келди – қипчоқ-қирғиз қабилаларининг бирлашувига ва уларга мўғул-турк қабилаларининг қўшилишига, яъни таркиби унчалик ўзгармаган қирғиз халқининг бирлашишига сабаб бўлди. Шу тариқа, Тяньшань бўйлаб қипчоқ-қирғиз қабилаларининг тарқалиши жараёнида қирғиз халқининг шаклланиши содир берди. Иртиш-Енисей дарё оралиғида жуда кўп турли хил: қирғиз, алачин, кубан, қипчоқ ҳамда туркий ва мўғул тилли қабилалар яшар ва уларнинг бирортаси ҳам халқ сифатида шаклланмаган эди. Уларни “Ўрмон халқлари” (“Лесные народы”) деб атаганлар. Диққатга сазовор жиҳати, баъзи бир қабилалар XIII асрда Тяньшанда бошқа қирғиз қабилалари билан бирга ўз номларини сақлаб қолганлар.

Муаллиф “қирғиз” атамаси этимологияси қадимги турк сифат сўзи “қирғиз” – “қизил”дан келиб чиққан деб ҳисоблайди. Қирғиз шу сўзнинг кўпликдаги маъноси бўлиб, атама халқ яшаган ҳудуд номи билан боғлиқ, халқнинг номи эса шундан олинган. Енисей бўйи Қиргун мамлакати (“Қизил мамлакат”) эр.авв. I минг йилликдаёқ мавжуд эди. Ўша пайтда Қиргут атамаси пайдо бўлган, кейинчалик эса қирғиз атамасига ўзгарган. Енисей – Об дарёлари оралиғидаги маҳаллий аҳоли ва келгинди қабилаларнинг этник бирлашуви I минг йилликнинг ўрталарида шаклланди. Бу даврда қирғизларда патриархал-уруғчилик тузумининг эмирилиши рўй берган. Қирғизларнинг ҳудудий-давлат бирлашувининг пайдо бўлиши VI – VII асрларда қабилалараро жамоалари шаклланишининг маълум бир даражасини акс эттирар эди.

Хитой манбаларига кўра, X асрга келиб қимоқ-қирғиз қабилаларининг сўнгги бирлашуви рўй берди. XI–XII асрларда қимоқ-қирғиз қабилалари найманлар томонидан сиқиб чиқариладилар. Қирғизларнинг асосий қисмини букара, чарбалар ташкил қилган (нисбатан озгина мол-ҳолга эга бўлган кишиларни ана шундай деб атаганлар). Аҳолига бийлар билан манаплар бошчилик қилган.

А.Н.Атигаеванинг қозоқ хонлиги тарихига бағишланган асарида¹ ҳам Қозоқ хонлигининг вужудга келиш масалалари ёритилиб ўтилган.

С.К.Косанбоев, А.К.Мирзомуродоваларнинг «XV-XIX аср охирларида Қозоқлар тўғрисидаги тарихий этнографик тадқиқотлар» китобида қозоқ халқи тарихи ва этнографияси масалалари талқин этилиб, қозоқ ва қирғизларнинг ўзаро алоқалари ёритилган.

“Этнография и археология Средней Азии”² китобида 1937-38 йилларда олиб борилган археологик, этнографик ва антропологик тадқиқотлар ҳақида ёзилган. Бу асарда Марказий Осиё минтақасидаги халқлар тарихи ҳақида сўз боради.

Ў.Алиев «Қозоғистон тарихи» китобида қозоқ халқи тарихига оид муҳим маълумотлар келтирилган бўлиб, асар орқали қозоқ ва қирғиз халқларининг тарихан жуда яқинлигини, шунингдек, ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу тарихни талқин этишда афсоналарнинг ўрни катта бўлган.

Манас достони ва ундаги ёритиладиган тарихий воқеалар. Қирғиз халқи ўз тарихи давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган халқ ижодиёти ва маданияти билан боғлиқ бўлган хазинани бугунги кунгача сақлаб келмоқда. Қирғиз халқ оғзаки ижодиёти халқнинг кўп асрлик ёрқин тарихий тақдири ва илк маданияти, табиатан шоирона қарашлари, озодликка интилувчи, мардлик каби хислатларини ифодаланган. Халқ ижодиёти орқали қирғиз халқининг қаҳрамонликлари ва гўзал романтик кечинмалари ёритиб берилган. Манас эпик асар бўлиб, у дастлаб XIX асрнинг 50-йилларида Чўқон Валихонов томонидан ёзиб олинган. 1904 йилда рус тилига таржима қилиниб, нашр этилган. “Манас”нинг қисқартирилган варианты академик В.В.Радлов томонидан немис тилида чоп этилган. Мазкур эпос қирғиз фольклорининг барча жанрларини ўз ичига қамраб олган, яъни афсона, кўшиқ, эртақ, айтишув ва масаллардан иборат. “Манас”нинг халқ ичида кенг

¹ Атыгаева А.Н. Канзахское ханство в XV- середине XVI в. А.: 2003. С. 32.

² Этнография и археология Средней Азии - Т.,1983.

тарқалишида ирчи (ырчы)ларнинг роли катта бўлиб, улар “Манас”ни машхур бўлимларини айтиб, кенг тарқатганлар. Манас айтувчилар уни ҳеч қандай муסיқасиз айтганлар, тингловчилар кўп бўлганда достон ҳар хил оҳанг ва суратда, имо-ишоралар билан етказилган. Манасдаги асосий воқеалар – афсонавий қаҳрамон Манаснинг Хитойга, Афғонистон ва Ўрта Осиё мамлакатларига ҳарбий юришлари билан боғлиқ.

Манасда асосий 9 та кўшиқ узвий бўлиб, улар – Манаснинг туғилиши ва болалик йиллари, хон сифатида танилиши, Қошғар хонлигига қарши биринчи юриши, Ўрта Осиё ҳудудларига юришидан иборат. Достон Хитой пойтахти (Бейпин)га юриш ва Талас водийсида Манаснинг ўлими билан якунланади. Манаснинг қиммати шундаки, унда тарихий, этнографик, географик ва бошқа маълумотларни тақдим этгани боис қирғиз халқи ҳаётининг қомуси деб ҳам аташ мумкин. Достонда ижтимоий-маиший ҳаётга доир жуда катта маълумотлар – тўйларнинг тавсифи, дафн, халқ ўйинлари ва машғулоти асосий ўринни эгаллаган. Шу боисдан ҳам Манас қирғиз халқининг тарихи, этнографиясига оид бебаҳо манбадир.

Асар 3 қисм (450 минг мисра)дан иборат. Достонда миллий турмушнинг барча жиҳатлари кенг кўламда ва теран акс этган, шунинг учун ҳам Ч.Айтматов уни «қадимги қирғиз руҳининг сарбаланд чўққиси» деб атаган эди. Асарда, Бақай, Алмамбет, Қўшай, Сирғақ, Хоникей, Алоке, Чубак, Семетей, Қўзқаманлар, Ойчурек каби ҳар бири ўзига хос характерга эга бўлган ўнлаб хилма-хил етакчи образлар бор. Манас эса бутун эпос воқеалари марказида турадиган бош қаҳрамондир. Асарда юзлаб персонажлар иштирок этиши, воқеалар қарийб юз йиллик муддат ичида Осиёнинг жуда катта ҳудуди – Узоқ Шарқдаги Амур дарёси бўйларида тортиб Олтой, Марказий Осиёдаги воқеаларни қамраб олганлиги туфайли, «Манас» ниҳоятда кенг кўламга эга – у ҳажман нафақат туркий эллар фольклоридаги, балки дунёдаги энг йирик достон ҳисобланади.

«Манас»ни ўрганиш XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Қозок этнографи Ч.Ч.Валихонов, кейинроқ В.В.Радлов «Манас»дан парчаларни илк

бор қоғозга тушириб, унинг рус ва немис тилларидаги тағламасини тақдим қилганлар. XX асрда эпос манасчи С.Ўрозбеков, С.Қоралаев ва бошқа оқинлар ижросида ёзиб олинган. Ҳозирга қадар «Манас»нинг 70 дан ортиқ варианты ёзиб олинган. Шунингдек, у В.В.Жирмунский, М.Авезов, Р.З.Қодирбоева ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ этилган.

«Манас»нинг болалар учун тайёрланган варианты таржимаси 1995 йилда босилиб чиққан бўлиб, унинг таржимони Т.Адашбоев Халқаро «Манас» олтин медали билан тақдирланган. 1995 йил барча туркий тилли давлатларда «Манас» эпосининг 1000 йиллиги халқаро миқёсда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди.

Тожиқ халқи тарихи тарихишунослиги. Амир Аҳмад Розийнинг “Хафт иқлим” (“Етти иқлим”) асари. “Хафт иқлим” (“Етти иқлим”) номли географик-биографик асарнинг муаллифи Амир Аҳмад Розийдир. У асли Эроннинг Рай шаҳридан, бадавлат ва ўқимишли хонадондан чиққан. Амир Аҳмад Розий ўз асарини 1594 йили тугатган бўлиб, унда VII асрдан то XVI аср охиригача етти иқлим мамлакатлари ва шаҳарларида истиқомат қилган 1560 нафар йирик шайх, олим, ёзувчи, шоир ва давлат арбоблари ҳақида қисқа, лекин қимматли маълумотлар беради. Муаллиф ўзигача бўлган даврга тегишли масаларни ёритишда “Сувар ал-ақолим” (“Иқлимнинг кўриниши”), “Масолик ул-мамолик” (“Мамлакатлар орасидаги масофалар”), “Тарихи Банокатий” каби асарларга таянган, лекин улардан танқидий фойдаланган, уларни янги далиллар ва маълумотлар билан бойитган.

Муаллиф шаҳарлар ва мамлакатларни тавсифлаб, уларнинг географик ўрни, диққатга сазовор жойлари, осори атиқалари, халқи ва унинг ҳаёти, машғулоти ва урф-одатлари, баъзида аҳолисининг умумий сони, хўжалигига оид қимматли маълумотлар келтиради. Масалан, унинг маълумотларига кўра, Чингизхон хуружидан аввал Балхда 50 мингдан ортиқ одам истиқомат қилган, XV-XVI асрларда Тошкент атрофидаги тоғларда темир, фируза, оҳақ конлари, Хўжандда фируза, Бадахшонда лаъл конлари ишлаб турган.

Муҳаммад Козимнинг “Номайи оламоройи Нодирий”

(“Нодиршоҳнинг оламга безак бўлувчи тарихи”) асари. Мазкур асарнинг муаллифи XVIII асрда ўтган марвлик машҳур тарихчи олим Муҳаммад Козимдир. Асарда, жумладан, 1741-1742 йилларда Кўлоб, Ҳисори шодмон, Бадахшон, Балх ва бошқа вилоятлар халқининг катта ер эгалари ҳамда чет эл босқинчиларига қарши кўзғолонлари ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Султон Муҳаммаднинг “Мажмуъ ал-ғаройиб” асари. “Мажмуъ ал-ғаройиб” илм аҳли орасида кенг тарқалган асар. Унинг ҳозиргача сақланган кўлёмалари 80 дан ортиқ бўлиб, кўплаб олимлар фойдаланганлар. Хусусан, “Абдуллонома” асари муаллифи Ҳофиз Таниш Бухорий, “Ажойиб ат-табақот” китобининг мусаннифи мавлоно Муҳаммад Тохир ва XVII асрда ўтган олим Маҳмуд ибн Вали шулар жумласига киради. Асарнинг айниқса 3, 11, 12 ва 18 боблари муҳимдир. Уларнинг Бухоро, Балх, Тамғач, Марв, Сиёвуш, Соғониён, Термиз, Тибат, Туркистон, Самарқанд ва Булғор каби йирик шаҳарлар ва улкан мамлакатлар, Мурғоб, Вахш, Жайхун, Кўҳак, Чирчиқ дарёлари, дунёда юз берган муҳим воқеалар, машҳур шайхлар, олимлар ва ҳукмдорлар, Балх ва Бадахшоннинг минерал бойлиги ҳақидаги маълумотлари муҳим аҳамиятга эга.

Мирза Салимбекнинг “Тарихи Салимий” асари. Асарда амир Музаффар даврида Ҳисор, Кўлоб, Балжуан, Қоратегин ва Дарвозда бўлиб ўтган исёнлар, Бухоро-Қўқон ва Бухоро-Россия муносабатлари, шунингдек, Бухоро амирлигининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги умумий аҳволи ва маъмурий тузилиши ҳақида қимматли маълумотлар бор.

Аҳмад Донишнинг “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф” асари. Ўрта Осиёнинг XIX асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишда Аҳмад Донишнинг “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф” асари катта илмий аҳамиятга эга. Китобда сўз боши, сайёраларнинг инсон тақдиридаги аҳамияти, дин ва унинг жамиятдаги ўрни тўғрисидаги фикрлардан кейин қисқа тарзда амир Дониёл (1758-1785 й.), Шохмурод (1785-1800 й.), Ҳайдар ва амир Насруллоҳ ҳукмронлиги йилларида бўлиб ўтган воқеалар баён этилган. Асарнинг катта ва сўнгги қисми амир Музаффарга бағишланган. Бу

қисмда Бухоро хонлигининг XIX аср иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий ахволи, шунингдек, Россия империяси қўшинлари томонидан 1866 йили Жиззах ҳамда 1868 йили Самарқанднинг ишғол қилиниши воқеалари батафсил баён этилган. “Таржимаи ахволи амирони Бухоройи шариф” асарининг қўлёзма нусхалари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Душанбе кутубхоналарида мавжуд. Асарнинг матни А.Мирзоев томонидан чоп этилган. 1960 йили китобнинг қисқартирилган русча таржимаси Душанбеда нашр қилинган.

Филипп Назаровнинг “Эсдаликлар”и. Россия империясидан Ўрта Осиёга саёхат қилган Филипп Назаров ўз эсдаликларида минтақа тарихи ҳақида қизиқарли маълумотлар ёзиб қолдирган. Жумладан, Филипп Назаров ва унинг ҳамроҳлари Хўжанд шахрини ҳам бориб кўрганлар. Хўжанд шаҳри ҳақида унинг эсдаликларида қуйидаги маълумотлар қайд этилган: ”Хўжанд ҳажм жиҳатдан Қўқондан кичик эмас. У Бухоро тарафдан баъзи ерлари нураб қолган девор билан, бошқа тарафдан Сирдарё билан ҳимояланган. Шаҳардан ариқ ва каналлар ўтказилган. Қўқондагига ўхшаш корхоналари ва ҳордиқ чиқарадиган ерлари кўп...”

Туркман халқи тарихи тарихишўнослиги. Туркман халқининг шаклланиш жараёни мўғуллар истилосидан кейинги давр (XV асрлар)да тугайди. XV асрга келиб туркман халқининг шаклланиш даври ниҳоясига етган. Бу даврда туркман этносига, айрим ўғуз бўлмаган туркий қабилалар, жумладан қипчоқлар ҳам қисман келиб қўшилган.

XV аср охири – XVI аср тарихчилари ушбу давр туркманлар ҳаётини Исмоил Сафавий ва Шайбонийхон ўртасида 1510 йилда Марв яқинида бўлган жанг сабабли тасвирлайдилар. Хусусан, Муҳаммад Жаъфар Хасан ал-Мосевийнинг “Олам оройи Сафавий”¹ ва “Олам оройи шоҳ Исмоил”² асари XV аср охир ва XVI асрнинг биринчи ярмидаги туркманлар тарихини ўрганишдаги асосий манба ҳисобланади. Унда XV–XVII асрларда Эронда

¹ Алам ара - и Сефеви. (Под редакцией Я. Шокри). Тегеран, 1971 г.

² Алам ара - и шах Исмаил. (Под редакцией Асгара Монтазера Сахеба). Тегеран, 1971 г.

хукмронлик қилган Сафавийлар давлати ва унинг биринчи ҳукмдори шох Исмоилнинг ҳаёти, улар босиб олган ҳудудлар ҳақидаги маълумотлар учрайди. Хусусан, унда, ёзилишича: “1512 йилда Шох Исмоилнинг вазири Нажми соний Мовороуннахрга ҳужум қилади. Бу ҳужум натижасида у 15 минг одамни қириб юборади, ҳатто итлар ва мушукларни ўлдиришни буюради. 1514 йилга келиб туркманлар Муҳаммад Заман мирзо раҳбарлигида Шох Исмоилга қарши чиқадилар¹”.

Бу ҳақдаги баъзи бир маълумотлар Бобурнинг “Бобурнома”² асарида ҳам учрайди. Ушбу асарда ҳам Исмоил Сафавий ва Шайбонийхон ўртасидаги уруш воқеалари, бундан ташқари, ушбу даврда Мовороуннахр ва Хуросонда яшаган халқлар, уларнинг ҳаёти ҳақидаги батафсил маълумотлар берилади. Ушбу жанг тафсилотлари Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдулланомаси”³ асарида ҳам ёзилган бўлиб, Шайбонийлар ва Сафавийлар ўртасидаги 1510 йилда Марв яқинида бўлиб ўтган уруш, Хоразм ва Хуросон ҳақидаги маълумотлар ёритилган. А.А.Семёнов уни рус тилига таржима қилди ва 1966 йилда ушбу асар босмадан чиқди. Мустақилликка эришганимиздан кейин эса бу манбанинг кадр-қиммати ниҳоятда юқори эканлигини англаган тарихчилар уни бир неча бор ўзбек тилига таржима қилиб, нашрдан чиқардилар.

Кейинчалик Исмоил Сафавий ва Шайбонийхон ўртасидаги уруш тавсилотлари ва туркманлар ҳудуди ва унинг аҳолиси ҳақидаги баъзи бир маълумотлар Хондамирнинг “Ҳабиб ус-сияр”⁴ асарида ҳам келтириб ўтилди. XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида туркманлар тарихини ўрганишда ушбу манбанинг ўрни беқиёсдир. Бу асарда ҳам Туркманистон ҳудудларида бўлиб ўтган Шайбонийлар ва Сафавийлар ўртасидаги уруш воқеалари баён этилади. Асар минтақа халқлари тарихига оид муҳим манба бўлиб, унда ўз аксини топган 1498 йилги Самарқанд қамали пайтидаги шаҳар халқининг аянчли аҳволи, 1512 йилда Сафавийлар томонидан Қарши

¹ Акаев О. Туркманистан и туркмены в конце XV- первой половине XVI в. Ашхабад. Ўлим, 1981. С.10.

² "Бобур-наме". Записки Бабура. (Перевод М.Салье). Т.: 1958

³ Хофиз Тониш ибн Мир Муҳаммед. Абдулланомаси. 1-жилд. Т.: 1966

⁴ Ғиёсиддин Хумомиддин Хондамир. Ҳабиб ус-сияр фи ахвори афроди башар. Т.: Ўзбекистон, 2013.

шаҳрида уюштирилган қирғин-қатлиом, 1514-1515 йилларда Хуросонда юз берган қаҳатчилик ва очлик ҳақидаги маълумотлар ана шулар жумласидандир. Асар 1521-1524 йиллар орасида ёзилган ва у муқаддима, хотима ҳамда уч жилддан иборат. 2013 йилда бу асар энг янги нашрда босилиб чиқди.

Юқоридагилардан ташқари, ушбу жанг билан боғлиқ Марв ҳудуди аҳолиси ҳақидаги маълумотлар Шарафхон Бидлиснинг “Шарафнома”¹ асарида келтириб ўтилади. Форс тилидаги ушбу асар ҳам Олд ва Ўрта Осиёнинг XVI аср тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилади. Бу асар муаллифи Бидлис шаҳрининг курдлардан бўлган раҳбарининг ўғли, унинг онаси эса туркманларнинг қизилбошлилардан бўлган раҳбари Эмирхоннинг қизи бўлган. Шарафхон ҳам кейинчалик Бидлиснинг амирига айланади. Бу асарда Шайбонийлар ва Сафавийлар ўртасидаги алоқалар ва XVI аср туркман қабилалари ҳақида маълумотлар бор.

Бу каби маълумотлар Будоқ Қазвинининг “Жавоҳир – ал-ахбор”² асарида ҳам учрайди. Ушбу асар ҳам XVI асрдаги Сафавийлар давлатининг ҳаёти ҳақида маълумотлар беради. Хусусан, унда ҳам Шайбонийхоннинг 1510 йилда Марв яқинидаги Исмоил билан уруши воқеалари тасвирланади ва шу ўринда бу ҳудуд аҳолисининг тақдири ҳақида қизиқарли маълумотлар берилади.

Қози Аҳмад Кумийнинг “Хулосат ат-таворих”³ ва Қози Аҳмад Гаффорийнинг “Тарихи жаҳонаро”⁴ асарида ҳам ушбу давр туркманлар ҳаёти ҳақида қимматли маълумотлар қайд этилган. Мазкур асарда ҳам Шайбонийлар ва Сафавийлар ўртасидаги Хуросондаги жанг воқеалари баён қилинган. Муаллиф бу асарни ёзишда Ҳасанбек Румлуниг “Ахсан ат-таворих” асарида фойдаланган. Қози Аҳмад Гаффорий ҳам ўз асарида

¹ Шарафхан Бидлиси. Шарафнаме. Перевод, предисловие, примечания и приложения Э.И.Василевой. М., т. 1, 1967. т. 2, 1976.

² Будоқ Қазвини. Жавоҳир - ал ахбор. Рукопись Ленинградской государственной публичной библиотеки им. М.Э.Салтиковова - Шедрина, каталог Б.А.Дорна, № 288.

³ Қози Аҳмад Куми Хулосот ат- таворих. Подлинник рукописи находится Иране.

⁴ Қози Аҳмед Гаффори Тарих-и Джахан ара. Тегеран, 1964.

асосий эътиборни ушбу жанг тафсилотларига қаратган. Фаридунбекнинг “Муншаот ас-салотин”¹ асарида Усмонлилар ва Сафавийлар ўртасидаги ёзишмалар ҳақида маълумотлар бор. Бундан ташқари, унда Чалдиран жанги ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Умуман олганда, ушбу манба ҳам туркман халқининг XVI аср ҳаёти ҳақида маълумотларни берганлиги билан қимматлидир.

Сафавийлар ва Шайбонийхон ўртасидаги жанг, ушбу жанг оқибатида туркманлар яшайдиган ҳудудлардаги ночор аҳвол Муҳаммад Солиҳнинг “Шайбонийнома”² асарида ҳам учрайди. Бу асардан Шайбонийхоннинг Урганч ҳамда туркманларнинг Адоқ номли қалъасини қамал қилиши ҳақида батафсил маълумотлар ўрин олган. “Адоқ қалъасини Чинсўфи бошчилигидаги туркманлар қаҳрамонлик билан мудофаа этганлар. Қамал пайтида Самарқанд, Қарши ва бошқа шаҳарларда бўлганидек ит, эшак ва ҳатто одам сўйиб ейишга мажбур бўлганлар”, – деб ёзади муаллиф ўз асарида. Ушбу асар 1961 йилда Тошкентда илк бора нашрдан чиқди.

Кейинги даврларда ҳам туркманлар ҳаёти билан боғлиқ воқеалар, уларнинг келиб чиқиши ҳақида маълумотлар берувчи асарлар яратилди. Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи Тарокима” асари ана шулар жумласидандир. X аср охирида Сирдарёнинг қуйи оқимида яшовчи ўғузларнинг катта группаси Сомонийларнинг руҳсати билан Зарафшоннинг ўнг қирғоғи бўйлаб, кўчиб юрадилар ва анча муддатлар Нурота ҳудудида ҳаёт кечирадилар. Бу ҳақида Абулғози ёзади: “Ўғуз элиндан подшоҳ бўлгон Қаниқ уруғиндин (туркманларнинг энг қадимий ва катта уруғларидан бири) Салжукбой бошлиқ кўб эл кўчуб Сир ёқасинда Хўжанд шарина келдилар. Анда кўп йиллар ўлтуруб Нур вилоятига бордилар. Анда юз йил ўлтуруб, кўчуб Урганч бордилар. Урганчда ўлтуро билмай кўчуб Хуросон бордилар, тақи Марвдин Абулхонғочо ўтурдилар”³. А.Канонов ушбу асарнинг рус тилидаги нашрини тайёрлади.

¹ Фаридун-бек. "Муншаат - ас- салатин", т. 1. Стамбул, 1274 г.

² Muhammad Solih. Shayboniynoma. Toshkent. 1961. 287-329-betlar.

³ Кононов А.Н. Шажарайи тарокима Хива хони Абулғозининг таълифитуруп. М. - Л., 1958. С. 63-64-бетлар.

XVI асрда юзага келган Хива ва Бухоро хонликлари туркманларни ўзларига бўйсиндиришда доимий равишда бир-бирова билан рақобат қилиб турган. Бунинг натижасида туркманлар яшаган ҳудудлар доимий уруш ўчоқларига айланиб, гоҳ Бухоро хони, гоҳ Хива хони қўлига ўтиб турган. Бу хонларнинг ҳужуми, айниқса, XVII-XIX асрларда ниҳоятда кўчайиб, фожиали тус олган ва натижада туркманларни тез-тез кўчиб, жойларини ўзгартириб туришга мажбур этган. Бу ҳақида Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи турк”, Шермуҳаммад Мунисининг “Фирдавс ул-иқбол”, Огаҳийнинг “Шоҳиди иқбол” асарида батафсил маълумот берилган. Туркменистон ва туркманларнинг XV аср охири ва XVI аср биринчи ярмидаги ҳаёти ҳақида, шунингдек, Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳи¹, Мунис ва Огаҳий²нинг асарлари ҳам етакчи манба бўлиб хизмат қилади.

Бундан ташқари, Муҳаммад Козимнинг “Номейи олам оройи Нодири”³ асарида ҳам туркманларнинг XVIII аср ҳаёти ҳақида кўплаб маълумотлар берилади. Муаллиф 1720 йилда Марвда туғилган. Унинг асари асосида кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Муҳаммад Козим ўз асарини 1749-1750 йиллар арафасида ёза бошлаган. Миклухо Маклайнинг гувоҳлик беришича, ушбу кўлёманинг биринчи жилди 1752-1753 йилларда ёзиб бўлинган. О.Амантиев⁴ ўз тадқиқотида ушбу асарни илмий жиҳатдан тафсифлаб, унинг Туркменистон тарихи ўрганишдаги қимматли манба эканлигини исботлаб берган.

Афғон халқи тарихи тарихишунослиги. Ҳозирги Афғонистон ҳудудида мазкур даврда мавжуд бўлган афғон халқи тарихига бағишланган адабиёт ва илмий мақолаларни тарихишунослик нуқтаи-назаридан таҳлил қилар эканмиз, афғон халқи тарихига озми-кўпми рус, инглиз, афғон ва ҳинд олимлари мурожаат қилишганини кўриш мумкин. Бу мавзу бўйича энг тўлиқ

¹ Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ибн Али Насруллоҳи. Зубдат ал-асир. - "Мат-лы по истории казахских ханств XVI - XVIII вв.". Олма-Ота: 1969.

² Агахи - Мунис. Фирдавс ал-иқбал. - "Мат-лы по истории казахских ханств XVI - XVIII вв.". Олма-Ота: 1969.

³ Мухаммед Казим. Наме-йи алам арайи Надири, т.1.М., Изд-во восточной литературы, 1960.

⁴ Амантиев О. Туркменистан и туркмены в первой половине XVIII в. Ашхабад: Ёлым. 1980.

тадқиқотлардан бири рус олими М.Г.Аслановга тегишли бўлиб, унинг “Рошанийлар халқ ҳаракати ва унинг XVI-XVII аср афғон маданиятига таъсири” асаридан Афғонистондаги вазият, унинг оқибатлари, маданий ҳаётга таъсири ва ҳаракатнинг етук сиймолари ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Муаллифнинг фикрича, Боязид Ансорий ва тарафдорларининг мақсади нафақат ўз халқининг мустақиллиги учун кураш, балки одамлар орасида мулкӣ тенгликни ўрнатиш бўлган.

М.Г.Асланов, бундан ташқари “Афғонистон адабиёти”¹ ҳамда “Афғонлар: тил ва маънавий маданият”² номли асарларида ҳам бу мавзуга мурожаат қилган. Яна бир рус олими И.М.Рейснер ўзининг “Афғонларда феодализм ва давлат таълимининг ривожланиши”³ номли асарида рошанийлар ҳаракатига тўхталиб ўтган ва уларнинг фаолияти ҳамда рошанийларнинг XVIII асрдаги издошлари ҳақида қимматли маълумотларни келтириб ўтган. Булардан ташқари, Ю.В.Ганковский⁴, В.М.Массон, В.А.Ромодин⁵ ва бошқа рус олимлари ҳам ўз асарларида афғон халқи тарихига мурожаат қилганлар. Рус олимлари А.С.Герасимова ва Г.Ф.Гирс ҳам муаллифлигида яратилган “Афғонистон адабиёти”⁶ номли илмий асарда афғон халқи тарихи жуда кенг ва аниқ ёритиб берилган. Бу асарда XVIII асрда яшаб ижод этган, рошанийлар адабиёт мактабининг етук шоири ва ҳарбий йўлбошчиси Хушҳолхон Хаттак ҳақида ҳам маълумотлар келтириб ўтилган.

Инглиз олимларидан Ж.Лейден⁷ ва Ҳ.Г.Равертилар⁸ ҳам афғон халқи тарихи ва адабиётини ўрганиш бўйича турли асарлар ва илмий мақолалар ёзганлар. Ҳ.Г.Раверти ўзининг “Гулшани рох”⁹ (“Тоғ гули”) номли

¹ Асланов М.Г. Афганская литература. БСЭ. 2 – е изд. М., 1950. Стр. 155.

² Асланов М.Г. Афганцы, язык и духовная культура. Народы Передней Азии. М., 1957. Стр.170.

³ Рейснер И.М. Развитие феодализма и образование государство у афганцев. М., 1954. Стр. 328.

⁴ Ганковский Ю.В. История Афганистана с древнейших времен до наших дней. М., 1982. Стр.368.

⁵ Массон В.М. и Ромодин В.А. История Афганистана. Т 2. М., 1965. Стр. 290.

⁶ Герасимова А.Г. и Гирс Г.Ф. Литература Афганистана. Краткий очерк. М., 1963. Стр.194.

⁷ Leyden J. On the roshanian sect and its founder Bayazid Ansari. Asiatic researches. London, 1812. P. 218.

⁸ Raverty H.G. Selections from the poetry of the Afghans from the 16th to the 19th century. London, 1868. P. 190.

⁹ Raverty H.G. Gulshani rox. Советское востоковедение. М., 1955. Стр. 78.

мажмуасида рошанийларнинг йирик намоёндаси Мирзахон Ансорийнинг ноёб қўлёзма девонидан 19 та шеърни нашр қилди.

Бу мавзу ўзбек олимларининг ҳам эътиборидан четда қолмаган. Филология фанлари доктори, профессор А.М.Маннонов бу мавзуга доир “Рошанийлар адабиёти”¹, “Рошанийлар шеърятининг асосий йўналишлари”², “Боязид Ансорийнинг Хайр ул-баёни”³, “XVI – XVIII асрларда пушту тилидаги рошанийлар адабиёт мактаби”⁴ номли асарлар ёзган. Бу илмий асарларда афғон халқи, хусусан рошанийларнинг адабий фаолияти тўлиқ ва кенг ёритиб берилган. Рошанийлар ҳаракати афғонистонлик, покистонлик ҳамда ҳиндистонлик олимлар томонидан ҳам кенг ўрганилган. Бунга мисол тариқасида Абдулхай Ҳабибий⁵, Муҳаммад Шафи⁶, А.А.С.Ризви⁷, М.М.Калеем⁸, Дхарма Бхану⁹ сингари ёзувчи ва тарихчиларнинг асарларини келтириш мумкин.

Шарқий Туркистон ва Тибет халқи тарихи тарихишунослиги. Б. А.Литвинскийнинг асари¹⁰ Шарқий Туркистон ва Марказий Осиё тарихига бағишланиб, унда ушбу минтақалардаги халқлар, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, маданий ҳаёти ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Б.Аҳмедовнинг “Марказий Осиё тарихий манбаларининг ўрта асрларда Ўрта Осиё билан Хитой ўртасидаги савдо, сиёсий ва маданий алоқаларни ўрганишдаги ўрни” номли асарида Марказий Осиё ва Хитой ўртасидаги савдо-сотик ишлари кенг ёритиб берган. Китобда оқсоқолларнинг ўрни, Марказий Осиёдан Хитойга олиб келинган маҳсулотлар ва аксинча, Хитойдан Марказий Осиёга олиб келинган маҳсулотлар номи баён қилиб ўтилган. Шунингдек, асарда минтақа тарихига оид маълумотлар ҳам талқин этилган. Масалан, Қўқон хонлиги оқсоқоли Шарқий Туркистоннинг Қашқар,

¹ Маннонов А.М. Рошанийская литература. Ташкент, 2006. Стр. 230.

² Маннонов А.М. Основные жанры рошанийской поэзии. Ташкент, 1986. Стр. 80.

³ Маннонов А.М. Хайр уль – баян Баязида Ансари. Труды ТашГУ, 1981. Стр. 165.

⁴ Маннонов А.М. Рошанийская литературная школа на пушту в XVI – XVIII в.в. Ташкент, 1996. Стр. 53.

⁵ Habibiy A. History of styles in Pashto language. London, 1940-1941. P. 215.

⁶ Muhammad Shafi. Bayazid Ansari. London, 1960. P.89.

⁷ Rizvi S.A.A. Rawshaniyya movement. London, 1967. P. 198.

⁸ Kaleem M.M. Pushtu literature. The cultural heritage of Pakistan. Karachi, 1955. P. 255.

⁹ Dharma Bhanu. The roushania movement and the Mughals. Islamic culture. Haiderabad, 1952. P. 90.

¹⁰ Литвинский Б.А. Восточный Туркестан и Средняя Азия. История. Культура. Связи. // М.: 1984. С.76.

Хўтон, Ёркенд, Оксув, Кучор, Учтурфон, Янгиҳисор каби шаҳарлардаги доимий яшовчи мусулмон мусофирларини назорат қилиш учун алоҳида шаҳар оқсоқолини тайинлаш ваколатига ҳам эга бўлган. Жумладан, 1853-1855 йиллардаги Қўқон оқсоқоли Неъмат додхоҳ томонидан 1853-1854 йилларда қўқонлик қори Муҳаммад пакана Қашқарга, андижонлик Тошмуҳаммад Хўтонга, Исмоилбой Учтурфонга шаҳар оқсоқоли этиб тайинланган. Қўқон оқсоқоли кўчманчи қирғиз-қозоқ овулларидаги элбегиларни ҳам тайинлаган. Тайинланган ҳар бир шаҳар оқсоқоли ва элбегилар ўз навбатида бу мансабларни ўша шаҳар ёки овулнинг савдо-сотикдаги аҳамияти ва келадиган даромадга қараб ижарага берган. Бундан ташқари, оқсоқол қишлоқларга миршаблар солиқ йиғувчи, девонбегиларни тайинлайди. Оқсоқолнинг ҳузурида хон томонидан тайинланган ва шунинг учун ҳам “хон даллол” деб аталувчи даллол ҳам бўлган. Бу мансабдагилар муҳожирлар билан бўладиган савдо-сотик ишларида даллоллик қилгани учун, башарти бу савдо-сотик ёмбу билан бўлса, ҳар ёмбудан уч тилла, агар олтин билан бўлса – ўндан бир улушини олганлар. Қашқардан чиқиб кетаётган қарвондаги ҳар бир уловдан икки тангадан бож олинган. Даллоллар хазинага йилига 1200 дона фу – чой, яъни 3600 кумуш пул тўлаб турганлар. Оқсоқол манжурлар ҳукуматининг Шарқий Туркистондаги ҳокимлари – амбонлар билан музокара олиб бориш, шартномалар тузиш каби ҳуқуқларга эга бўлиб, расмий ҳужжатлар эски ўзбек ва уйғур тилларида расмийлаштирган.

М.Кутлуковнинг асарида ҳам Қўқон ва Шарқий Туркистоннинг ўзаро алоқалари масаласи ёритилган. М.Кутлуков ўзининг мавзуга оид барча тадқиқотларида нафақат Хитой, балки Шарқий Туркистон ва Марказий Осиё қўлёзма асарларидан ҳам кенг фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Бироқ, у ҳам Қўқон ва Хитой ўртасидаги сиёсий алоқалар масаласига катта эътибор бериб, икки ҳудуд ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларини эътибордан четда қолдирган.

Ш.Қўлдошевнинг “Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистон ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалар (XVIII – XIX асрнинг ўрталари)”¹ номли диссертация ишида Қўқон хонлиги ва Шарқий Туркистоннинг ўзаро элчилик алоқалари муҳим манбаларга асосланган ҳолда ёритиб берилган. XVIII – XIX асрнинг 70-йилларида Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон билан ўзаро сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқалари алоҳида фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Аксарият илмий адабиёт ва тарихий манбаларда Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистонни ўз таъсир доирасига олиш учун доимий равишда Хитой билан уруш ҳаракатларини олиб борганлиги эътироф этилган ва Шарқий Туркистон ҳудудига эгалик қилиш масаласи бу зиддиятли ҳолатнинг асосий сабаби қилиб кўрсатилган. Мазкур тадқиқотда, билдирилган умумий фикрлардан фарқли ўларок, икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг мазмун-моҳияти аниқлаштирилиб, ўзаро алоқаларнинг ноизчил тараққиёти кўрсатиб берилган.

С.В.Тимченконинг² асарида келтирилишича, Саримсоқхўжанинг учинчи ўғли Жаҳонгирхўжа Умархондан манжурларга қарши курашда ҳарбий кўмак сўраган. Аммо Умархон бунинг таклифини рад этган. Шунга қарамай, Жаҳонгирхўжа Умархондан яширин равишда хонлик аҳолиси орасидан ўзининг маслақдошларини қидириб топган. Уларнинг орасида Шарқий Туркистондан келган муҳожирлар кўп эди. Шу билан бирга, 1820 йили у Олойга бориб, кўчманчи чорвадор қирғизларнинг чўнбағиш қабиласи сардори Сурончи билан ҳам тил бириктирган. Сурончининг мақсади Шарқий Туркистондаги яйловлардан фойдаланиш бўлган. Жаҳонгирхўжа укаси Маҳмудхон ва ўз маслақдошлари билан бирга Қашқарга қочиб, у ерда кўзғолон кўтаришга ҳаракат қилган. Аммо бу ҳаракат муваффақиятсиз чиқиб, Сурончи манжур аскарлари томонидан қўлга олинган ва Жаҳонгирхўжанинг ўзи Қўқонга қочиб улгурган. Жаҳонгирхўжа Қўқонда Умархон буйруғи билан қўлга олиниб, ўз саройида сақлаган. Умархон вафот этиб, тахтни

¹ Qo'ldoshev Sh.T. Qo'qon xonligi va Sharqiy Turkiston o'rtasidagi siyosiy, iqtisodiy va madaniy aloqalar (XVIII – XIX asrning o'rtalari). Toshkent., 2009. 9-bet.

²Тимченко С.В. Антицинская борьба народов Восточного Туркестана в первой трети XIX в и Кокандское ханство // Из истории международных отношений в Центральной Азии. 1990.-С.89.

эгаллаган ўғли Муҳаммад Алихон (1822-1842) ҳам Жаҳонгирхўжани ўз саройида сақлаган.

1822 йилда Фарғонада юз берган даҳшатли зилзила туфайли у Олойга кочиб борган ва у ерда қирғизлар билан бирга Қашқарга ҳужум қилишга тайёргарлик кўрган. Шунингдек, у Шарқий Туркистонда савдо қилувчи кўқонлик савдогарлар ёрдамида бу ердаги мусулмон аҳоли орасидан ҳам ўз мухлисларини топган. Унинг бу ҳаракатларидан огоҳ бўлган манжурлар кўшини Жаҳонгирхўжа турган ерга икки марта ҳужум қилган. 1824 йилнинг кишида Жаҳонгирхўжа ўз маслакдошлари билан бирга Қўқон-Хитой чегарасидаги қоровулхоналарига ҳужум қилиб, бир неча манжур аскарларини ўлдирган. Ниҳоят, 1826 йилнинг мартада Жаҳонгирхўжа тўплаган кўнгиллилар гуруҳи чегарадан ўтиб, Қашқар атрофини босиб олган. У ўзига ҳамроҳ бўлган Сурончининг ўғли Тойлоқ билан бирга ҳийла ишлатиб, 7 минг манжур аскарларини кўршаб олиб қириб юборган. Ушбу жангдан сўнг фақатгина 20 га яқин манжур аскари тирик қолиб, Қашқарга етиб келган, холос.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Шарқ кўлёмаларини тадқиқ этиш институти қачон ташкил этилган?
 2. XV аср юртимиз тарихига оид манбаларни санаб беринг.
 3. Ушбу давр тадқиқотчилари ҳақида маълумот беринг.
 4. А.Семёнов фаолиятини гапириб беринг.
 5. Туркман, тожик, қирғиз, қозок, қорақалмоқ тарихга оид қандай асарларни биласиз?
 6. Афғон халқи тарихи тарихшунослиги ҳақида маълумот беринг.
 7. Шарқий Туркистон ва Тибет халқи тарихи тарихшунослигининг асосий жиҳатларини ёритиб беринг.
-
-

8-МАВЗУ. РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ДАВРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ



Ўқув мақсади: Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишининг тарихий адабиётларда ёритилиши, Россия империясининг Марказий Осиёда юритган мустамлакачилик сиёсати, рус олимлари асарларида мустамлакачилик гоёлари ва бу сиёсатнинг тарихий билимлар ривожига таъсири билан таништириш. Россиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий-озодлик курашининг тарихий адабиётларда ёритилиши, тарихни ўрганишда ҳукмрон мафкура таъсири мавжудлиги, шовинизм, совет даври тарихшунослиги моҳиятини тушунтириш, Мустақиллик йилларида миллий-озодлик ҳаракатининг моҳияти, характери ҳақида тарихий адабиётлар, тарихшуносликда янгича муносабатлар шаклланиши, миллий истиқлол гоёси ва мафкурасининг илдизлари ҳақида тушунча бериш. Мустамлакачилик даврида қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, афғон, Шарқий Туркистон халқлари тарихига оид адабиётларнинг мазмуни билан таништириш.

Таянч сўз ва иборалар: Шовинизм, мустамлакачилик, империя, мустамлака, совет тарихшунослиги, 1916 йил қўзғолони, мафкуравий ёндашув, Н.И.Веселовский, миллий туйғу, мустақиллик даври адабиётлари.



Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинишининг ўрганилиши

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб Россия империяси Марказий Осиё хонликларига қарши босқинчилик ҳаракатларини фаол ва дадил олиб борди. Маҳаллий муаллифлар Россия империясининг минтақага истилочилик

юришлари ҳақида бир қатор асарлар яратганлар ҳамда ушбу босқин тарихи ва оқибатларига оид муҳим маълумотларни ёзиб қолдирганлар.

Рус қўшинларининг Қўқон хонлигига дастлабки ҳарбий юришларини маҳаллий ўлкашунос тарихчи Исҳоқхон Тўра ўзининг "Тарихи Фарғона" асарида тасвирлаган. У шундай ёзади: "1281 хижрийда Туркистон ва Авлиё ота Россия тасарруфига ўтди. Андин Чимкандга қасд этғони амирлашкарға эшитилди. Хўқанд аскарлари билан қиш вақтида Чимкандга келди, унда Русия аскарлари Туркистондан чиққани йўқ экан... Амирлашкар Туркистонга бориб, уруш қилмоқчи бўлиб Қўқонга борди. Туркистондан Россияга ҳеч писанд бўлмай, аҳамият бир оз солдат ила урушга кирди".

1864 йилнинг октябрида рус қўшинлари Тошкент шаҳрига дастлабки ҳужумни уюштирдилар. Мана шу воқеалар, кейинчалик Тошкентнинг босиб олиниши Мирза Олим Тошкандийнинг "Тарихи Туркистон", Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг "Тарихи жадиди Тошканд" каби асарларида жуда яхши баён қилинган.

Муаррих шаҳар аҳли ва сарбозларининг шаҳарни душман ҳужумидан мудофаа қилганликларини шундай тасвирлайди: "Қўшфармончи Қипчоқ бошчилигидаги аскарлар Қўқон дарвозаси, Мирзо Аҳмад Қушбеги сарбозлари Қашқар дарвозаси, орасидаги девор устига ўрнашдилар. Мудофаага барча шаҳар аҳолиси отланиб, ғариблар, фуқаролар, қариялар, ҳатто ибодати намоздан кўра қўлимиздан келганча хизмат қилиш яхши ва савоб дейишиб, мужоҳидларга ва ғозийларга сув ҳамда озиқ-овқат етказиб турдилар".

Русларнинг 1864 йил октябридаги юриши муваффақиятсиз якунланди. Уларнинг кейинги ҳарбий юриши 1865 йилининг май ойида бошланди. Тошкент мудофаасини тайёрлашда Алимқул саркарданинг хизматлари катта бўлди. У 8 май куни ўзининг катта қўшини билан Қўқондан Тошкентга етиб келди. 1865 йил 9 май куни икки томон кучлари тўқнашди. Жанг кутилгандан ҳам оғир ва шиддатли кечди. Бу воқеаларни Мирза Олим Тошкандий "Тарихи Туркистон" асарларида қуйидагича тасвирлайди: "Бир неча кундан

кейин Русия аскарлари Тошканд устига келиб, қайтадан Хўканд дарвозасидан хужум қила бошладилар. Ўша вақтда Тошканд шаҳрининг тамом атрофини айлантириб, бино қилинган қалин ва баланд кўрғон, ташқари атрофида зовур қазилган ва ўн икки дарвозаси бор эди”.

Бу жангги ўз кўзи билан кўрган Муҳаммад Солиҳ Тошкандий "Тарихи жадиди Тошканд" номли кўлөзма асарида уни қуйидагича тасвирлайди: "Бутун осмонни тутун ва чанг қоплаб олди, ниҳоят руслар яқиндаги тепалик томон чекиниб, мудофаага ўтишга мажбур бўлдилар. Қамалда ётган шаҳарликлар буни кўриб жуда қувондилар. Етти яшар боладан тортиб, етмиш яшар чолларгача ғалабани қутлаб, сарбозларга овқат, шарбат, иссиқ нон, мевалар келтириб турдилар. Лекин ўрус кўшинлари ўзларини ўнглаб, қайта хужумга ўтиб, Тошканд кўшинларини орқага чекинтирди".

Муаллифларнинг берган маълумотларига кўра, даҳшатли жанг шундай қизиқ кетдики, еру кўк ларзага келди, бутун осмон чанг билан қопланди, одамлар қаерда-ю қуроллар қаерда эканлигини ажратиш мумкин бўлмай қолди. Ниҳоят, тошкентликлар енгилиб қоча бошладилар. Алимқулга ўқ тегиб ҳалок бўлди. Шаҳар руслар томонидан 15 июнда деярли эгаллаб бўлинди.

Босиб олингач, Тошкент Россия имериясининг Туркистон масаласига дахлдор ҳарбий-сиёсий масалаларини ҳал қиладиган, рус қароргоҳи хизматини бажарувчи маконга айлантирила бошланди. Тошкент Ўрта Осиёни мустамлакага айлантириш хужумларини ижро қилувчи таянч, ҳарбий-сиёсий маъмурий марказ хизматини бажарди.

Бухоро хонлигининг XIX асрнинг иккинчи ярми даври тарихи Мирзо Салимбекнинг асарларида ўз аксини топди. У сўнгги Бухоро амирлари даврида юқори мансабларни эгаллаган ва шу боис Бухоро амирлари шахсини улуғлашга интилган. Муаллиф асосан хонлик сиёсий ҳаётининг ташқи жиҳатларини ёритиб, халқ ҳаётини ҳам тасвирлаган. Мирзо Салимбек ўз асарларида XIX асрнинг иккинчи ярмида Россия-Бухоро муносабатларига тўхталиб ўтган бўлса-да, босқин давридаги маҳаллий аҳоли аҳволини кам

ёритган. У Бухоро хонлигига қарашли, руслар босиб олган шаҳарларни санаб ўтиш билан чекланган.

Бухоро хонлигининг кўриб ўтилатган даврлардаги тарихи Мирзо Абдул-Азим Сомийнинг асарида тасвирланган. Асардан XIX асрнинг тарихий воқеалари, 1866-1868 йиллардаги Россия-Бухоро уруши ҳақидаги батафсил маълумотлар, Самарқандга рус кўшинлари ҳужуми олдидан Оқтепа қишлоғида ўтган ҳарбий кенгашига оид маълумотлар ўрин олган. Сомий, бошқа замондошларига қараганда, у бу давр воқеаларини муфассалроқ тасвирлаган. У жамиятдаги турли сиёсий гуруҳларнинг фаолияти натижаларини баён қилади. Жумладан, у 1868 йил апрелида амир Самарқанд беги қилиб тайинлаган Шерали иноқнинг зулмига қарши халқ кўзғолонини муфассал ёритган.

Ушбу асарни 1962 йилда рус олимаси Л.М.Епифанова форсчадан таржима қилиб, нашр эттирган. Л.Епифанова ҳақли равишда Бухоро амирлиги мағлубиятининг асосий сабабини амирликнинг техникавий-иқтисодий қоқоқлиги билан боғлаган. Муаллифнинг келтиришича, Мирзо Сомийнинг асари камчиликлардан ҳам холи эмас.

1873 йилда Хива хонлиги ҳам рус кўшинлари томонидан босиб олинди ва сулҳ шартнома тузилди. Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi тарихининг ўрганилиши масаласини ёритганда шунга аҳамият бериш лозимки, XX асрнинг 90-йилларигача тарихшуносликда, хусусан совет тарихчиларининг асарларида Марказий Осиёнинг Россия империясига “қўшиб олинishi” деб номлаб келинди. Шунингдек бу қўшиб олинishiга прогрессив ҳодиса сифатида кўпроқ урғу берилди. Рус армиясининг босқинчилик юришлари, уларга қарши маҳаллий аҳолининг миллий озодлик ҳаракати очиқ-ойдин ёзилмади.

Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати тарихшунослиги

Россиянинг мустамлакачилик даври тарихшунослигини учга бўлиб ўрганиш мумкин. Жумладан, Россия империяси даври тарихшунослиги,

совет даври нашрлари ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган тадқиқотлар. Айтиб ўтиш лозимки, ҳар бир давр тарихшунослиги ўзининг ёндашувлари ва мазмун-моҳиятига кўра бир-биридан тубдан фарқ қилади.

Россиянинг Ўрта Осиёда юритган мустамлакачилик сиёсати уларнинг бошқарув тузилишида яққол кўринади. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.Кауфман рус ҳарбийларининг энг фаол истилочи жандарми граф Д.Милютинга 1876 йили йўллаган маърузасида Россия ва Англия каби насронийлар давлатларининг Осиёдаги мақсади муштарак эканлигини алоҳида таъкидлаб, "бу жойда бизнинг умумий душманларимиз – мусулмонлик ва ёввойилиқдир" деб, ҳарбий вазирдан қаттиқ сиёсат ўтказишда кенг ваколатлар сўраган. Худди шундай сиёсатни подшонинг яқин мулозими, генерал-лейтенантга тенг унвондаги махфий маслаҳатчи Ф.Гирс Туркистон ўлкасини бошқариш тартиби ҳақида тузган қонун лойиҳасида ҳам акс эттирган эди. 1871 йилда рус мустамлакачилигининг моҳияти ва унинг ўзга халқларни руслаштириш сиёсатининг бош йўналишига тўхталиб, венгер олими Ҳерман Вембери шундай деб ёзган эди: "Русия шиддат билан ўсмоқда, Буюк Пётр замонида унинг аҳолиси 15 млн. эди. Катерина тахтга чиққан йили 25 млн бўлди. Александр I ўлган йили 58 млн. га чиқди, ҳозир (1871 й.) эса 77 млн бўлибди. Нуфуснинг бундай шиддат билан кўпайиши русларда кўп туғилиш қобилиятидан эмас. Аксинча, ишғол этган ўлкалардаги аҳолини тезкор руслаштира олишлари билан изоҳланади". Рус мустамлака ҳокимиятининг дабдабали равишда эълон қилган "Туркистон аҳолисини ҳарбий хизматдан озод қилиш ҳақида"ги "эҳсон"ни Ф.Гирс ғоят нозик таъбирда фош қилган эди. Туркистон тадқиқотчилари ана шу масалага ўз вақтида ойдинлик киритганликларини эслаш ўринлидир. "Илгарги Туркистонда, – деб ёзган эди Аҳмад Заки Валидий, – эски одатга кўра аскарликка рағбат ва ҳавас бўлар эди. Ҳозир туркистонликлар аскарликдан озод этилганликлари сабабли аста-аста шижоатлари сўниб, бўшашиб кетдилар... Русия Осиёда ғоят узоқни кўзловчи сиёсат кетидан қувувчи ва бу кенг қамровли ҳаракатлари ҳеч қандай чек-чегара билмаган, хирс ва

иштаҳаси эса кун сайин ошиб борувчи империалистик давлатдир. Рус миллати ҳам буюк давлатчиликка ниҳоятда боғланган, хусусий мулкка қараб қолмай, ҳукумат кўрсатган ҳар қандай жойга, ҳар қандай ўлкага бориб жойлашишга чамадони тайёр, ҳаракатчан ғайрати келади. Рус миллати бу ҳаракатчанлик ва ғайратни алоҳида бир уддабуронлик деб билади”.

Мустамлакачи маъмурият ўлкани Россиянинг хом ашё базасига айлантиришга жадаллик билан киришди. Суғориладиган жойларда пахтачилик ва пахта якка ҳокимлигининг ўсиши, ҳунарманд-қосибчиликнинг инқирозга юз тута бориши билан деҳқонлар кенг оммаси, майда ҳунармандлар ва шаҳар камбағалларининг бошқа табақалари ҳам қашшоқлашиб бордилар. Натижада XIX асрнинг 80-йиллари охири – 90-йилларда халқ оммасининг турмуш тарзи кескин ёмонлаша бошлади. Буни маҳаллий тарихчи Ибрат ўзининг "Фарғона тарихи" асарида шундай тасвирлайди: "Фарғонани суйи сероб, ҳавоси тоза, меваси покиза, ерлари маҳсулдор бўлиб, Русия давлатида бўлгандан буён неча даража тижорат ва зироат ишлари муровваж бўлуб, темир йўллар иншоси воситаси билан ҳамма ишлар осон бўлуб, деҳқонлари аксариятида пахта зироати илан ривожланиб, пахта тижорати бўлак ишлардан ривожда бўлиб, мунинг фойдасига алдануб, зироати миллийлари – буғдой, жувари, арпа эқмоқ йўқ бўлуб, овқатга сарф бўладурғон донларни экишларини эсларидан чиқариб, 1913 мелодийда пахта зироати ва тижоратига урунган кишилар қарз дарёсига ғарқ бўлганларини мушоҳода қилиб, авқот эқмоқга тушдилар, ҳатто ҳукуматдан авқот эқмоқ учун неча маротабадан тарғиб бўлса ҳам, пахтани ақчаси буларни авқот эқмоқдан қўйди. Акс ҳолда авқотларни ҳайвонот авқотини сотиб олмоққа мажбур бўлганлари буларни яна эски экунлари яхши эканини билдурди".

Туркистонда мустамлакачилик тузумини узоқ вақт сақлаб қолиш учун буюк рус давлатчилик ғоясини амалга оширишга киришилди. Бу ишга рус зиёлилари ҳам сафарбар этилдилар.

Совет даврида яратилган тарихий асарларда ушбу масалага яна бир томонлама ёндошиш давом этди. Уларда кўпроқ Туркистон қоқоқ феодализм

тузумида яшаб келганлиги, Россия таркибига кўшиб олингач, бу “прогрессив” ахамият касб этганлиги ҳақида кўпроқ гапирилди. Совет даврида рушлаштириш сиёсати, иқтисодий қарамлик, пахта яккаҳоқимлиги янада кучайтирилди. Бу империя мустамлакачилик сиёсатининг узвий давоми эди. Фақат Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейин тарихшунослигимизда ушбу масала ҳаққоний ёритила бошлади. Айниқса, бу ҳолат “Ўзбекистоннинг янги тарихи” китобининг 1-қисмида, “Мустабид тузумнинг Ўзбекистон миллий бойликларини талаш сиёсати: тарих шоҳидлиги ва сабоқлари (1865-1990 йиллар)” (Тошкент, Шарқ, 2000) каби ва бошқа ўнлаб тадқиқотларда¹ ўз аксини топди. Унда Россия империясининг Туркистонда юритган мустамлакачилик сиёсати моҳияти аниқ фактлар билан ёритилди.

Тарихимизнинг холис ёритилишига қарийб бир ярим асрдан сўнг эришилди. Марказий Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi ва мустамлакачилик тузумининг ўрнатилиши 1958 йилдан то 1989 йилгача бўлган даврда хато талқин қилиб келинди. Россия кўшинлари хонликларни “кўшиб олган” деган мазмунда кўплаб китоб, рисола ва мақола ёзилди. Мустамлака даври тарихи холис ва тўлиқ, ҳар томонлама ҳаққоний ёритиб берилмади.

Тарихий адабиётларда Россия империяси мустамлакачилигига қарши миллий-озодлик кураши масалаларининг ёритилиши

Россия империясининг ижтимоий ва миллий мустамлака зулми ўлка халқларининг норозилик ҳаракатларига сабаб бўлди. Ўлка забт этилган, минтақани қамраб олган бир нечта халқ ҳаракатлари бўлиб ўтди.

¹ Абдурахимова Н.А. Колониальная система власти в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX вв.): Автореф. дисс. док. ... ист. наук. Ташкент, 1994. 68 с.; Ахмеджанов Г. А. Российская империя в Центральной Азии (История и историография колониальной политики царизма в Туркестане). Т.: Фан, 1995; Исхаков Ф. Национальная политика царизма в Туркестане (1867-1917 гг.). Т.: Фан, 1997. 218 с.; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Т.: Шарқ, 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т.: Шарқ, 2000; Гаффоров Ш.С. Переселенческая политика Российской империи в Туркестане (вторая половина XIX – начало XX веков). Автореф. дисс. док... ист. наук. Ташкент, 2003. ва бошқалар.

Бундай қўзғолонларга 1892 йил Туркистондаги вабо исёни, 1898 йил Андижондаги Дукчи Эшон қўзғолони, 1916 йилдаги Жиззах ва Туркистоннинг бошқа жойларидаги қўзғолонлар мисол бўла олади.

1898 йилда Андижоннинг Мингтепа қишлоғида кўтарилган "Дукчи эшон" қўзғолони халқимиз миллий-озодлик ҳаракатининг ёрқин саҳифаларидан биридир. Бу озодлик ҳаракати ҳақида бизга маълумот берувчи тарихий асарлардан бири Фозилбек Отабек ўғлининг "Дукчи эшон воқеаси" асари ҳисобланади. Фозилбек Отабек ўғли (1879-1938) асли андижонлик, машҳур Отабек қозининг иккинчи ўғли. Фозилбек дастлаб рус-тузем мактабида таҳсил олган, 1923 йилда эса Москва қишлоқ хўжалик академиясини битирган. Сўнгра Туркистонга қайтиб, янги пахта навларини етиштириш билан шуғулланган. У 1927 йилда "Дукчи эшон воқеаси" асарини нашр эттиради.

Россия империяси муштамлақчилик тузумига қарши миллий озодлик ҳаракатининг совет даври тарихшунослигида ёритилиши

1916 йилги халқ ҳаракати ҳақида маълумотлар 1920-йилларда пайдо бўлди. У даврда тадқиқотчилар орасида 1916 йил қўзғолонининг сабаблари, характери ва унга баҳо беришда турлича фикрлар мавжуд эди. Г.Бройдо ва Т.Рисқуловларнинг таъкидлашича, империя маъмурияти ушбу қўзғолонни тайёрлаб, шу орқали янги босқинчилик ва зулмга баҳона қидирган. Бу фикр Шестакова ва Е.Федорова томонидан кескин танқид қилинган. Уларнинг фикрича, империя ҳукуматига бу қўзғолондан ҳеч қандай фойда йўқ эди.

1930-йилларда подшо архивидан 1916 йил қўзғолонига оид қимматли ҳужжат ва материаллар эълон қилинди. 1932 йилда Марказий Осиё халқларининг қўзғолонлари тарихига оид ҳужжатлар тўплами дунё юзини кўрди.

1916 йил қўзғолони бўйича тарихчилар томонидан жуда кўп ишлар қилинган бўлиб, кенг қўламдаги архив материаллари, расмий ҳужжатлар,

қўзғолон қатнашчиларининг хотиралари таҳлил этилган ва қатор монографик асарлар яратилган.

1935 йилда З.Кастельская ушбу қўзғолонга бағишланган номзодлик диссертациясини химоя қилди. 1916 йил қўзғолонини тадқиқ қилишга П.А.Ковалевнинг ҳам ҳиссаси катта бўлди. Унда Туркистон аҳолисининг фронт ортига мобилизация (сафарбарлик) қилиниши муаммоси, мардикорларнинг ҳаёти ва қисмати, шунингдек, рус буржуазиясининг мардикорликка ва қўзғолонга муносабати масалалари тадқиқ этилган.

Марказий Осиёда ХХ бошларида бошланган ишчилар инқилобий ҳаракатининг тарихини тадқиқ этиш 60-йилларда партия органлари йўл-йўриқлари асосида давом эттирилди. Тадқиқотчилар Марказий Осиёдаги синфий кураш Россия империясидаги умумий инқилобий ҳаракатнинг бир қисми эканлигини таъкидлайдилар. Бунда буржуа демократик талаблар билан миллий-озодлик ҳаракати вазифалари уйғунлашиб кетган эди. 1905-1907 йилларда Марказий Осиёда феодал буржуа доираларида миллатпарварлик кайфиятлари жонланиб, улар меҳнаткашларнинг миллий зулмдан озод бўлиш йўлидаги ҳаракатидан ўз мақсадлари учун интилдилар.

Марказий Осиё халқ оммаси рус пролетаратининг шовинизмга нисбатан чиқиша олмаслик туйғусини дўстона қабул қилиб, 1905-1907 йиллар инқилобда бевосита иштирок этдилар. Тарихчилар ўз асарларида Марказий Осиёда марксистик мафкурани тарқатишда жонбозлик кўрсатиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борган рус инқилобчилари – В.Д.Конюшин, А.Р.Бахарев, М.Р.Вердянин, Т.Л.Иванов каби кўплаб ўз ҳаётини Марказий Осиё билан боғлаган инқилобчиларнинг катта хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтишни унутмаганлар. Ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол шуни тақозо этар эди.

Туркистоннинг босиб олинishi ва Россия империяси ҳукмронлиги даврига (1865-1917 йиллар) оид совет тарихшунослигида 1916 йил қўзғолони – ўлка халқлари ҳаётининг 1917 йилги октябрь «инқилоби» арафасидаги энг ёрқин воқеани тадқиқ этиш ва ёритишга алоҳида ўрин ажратилган.

Тадқиқотчилар бу кўзғолон халқнинг самодержавие ва буржуазияга қарши инқилобий кураши билан ўлкадаги озодлик ҳаракатининг кўшилуви натижасида вужудга келганлиги ҳақидаги хулосани яқдиллик билан олға сурганлар. Марказий Осиё тарихчилари бу мураккаб оммавий ҳаракатнинг хусусиятлари, босқичлари ўзига хос жиҳатлари тўғрисида ягона бир фикрга келганлар. Ярим йилдан ортиқ давом этган мазкур сиёсий ҳаракат каттагина ҳудудларни камраб олган. Турли минтақада турлича ижтимоий-иқтисодий шароитлар ҳукм сурганлиги боис кўзғолон ҳудудларда ўзига хос кўринишда намоён бўлган эди.

1960-йиллардаги илмий тадқиқотларда жамиятдаги мафкура тазйиқи остида 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати ҳақида “Бу исён умумроссия инқилобий ҳаракатининг таркибий ажралмас қисми бўлиб, Россия империясининг барча халқларини февраль ва октябрь инқилоблари сари етаклаб боради”, деган зўрма-зўраки хулосалар сингдирилди.

Аммо бу борада А.И.Сидоров каби муаллифларнинг дадил чиқишларини ҳам эътироф этиш зарур. У, жумладан, империянинг “... мустамлакачилик сиёсати айниқса Россия империясининг чекка ўлкаларида энг мудҳиш шаклида намоён бўлди, шубҳасиз, бу қонуний равишда мустамлакачиликка қарши халқларнинг ғазаби ва қаршилигини келтириб чиқарди”, деган фикрларн қайд этди.

1916 йилдаги миллий-озодлик ҳаракатининг 70 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон комунисти» (1986 йил, 7-сон) ва «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» (1986 йил, 7-сон) журналларида Х.Турсунов, М.Ваҳобов, С.Номозов, Д.Зиёеванинг мақолалари эълон қилинди. Уларда кўзғолоннинг тарихий аҳамияти ва айрим муҳим жиҳатлари очиб берилган.

Шунга қарамай, совет даврида яратилган асарларда Туркистон халқларининг миллий-озодлик ҳаракати бир томонлама ёритилди ва улар “реакцион кўзғолонлар” деб баҳоланди. Масалан, Дукчи эшон кўзғолони ўзининг ҳақиқий баҳосини олмади. Бу ҳақдаги китоб ва мақолалар асосан рус

архив манбаларига асосланган ҳолда ёзилди, улар танқидий қиёс қилинмади, муаллифлар шарқ тилларидаги манбалардан жуда кам фойдаландилар.

1980-йилларнинг ўрталаригача бўлган совет даври тарихшунослигида партия ва давлатнинг мафкуравий талаблари асосида 1916 йилдаги миллий-озодлик ҳаракатининг сабаблари, моҳияти ва оқибатлари ўзининг ҳаққоний баҳосини олмади.

Миллий озодлик ҳаракатининг мустақиллик йилларидаги тарихшунослиги

Мустақиллик даврида, мафкуравий-ғоявий чеклашлар бартараф этилганидан сўнг ўлкамизда миллий-озодлик ҳаракатининг ифодаси сифатида юзага келган 1916 йилдаги халқ ҳаракатига ҳолисона ёндашиш ва ҳаққоний илмий баҳо бериш имконияти яратилди.

Профессор Н.И.Веселовскийнинг бу борадаги бир мулоҳазаси диққатга лойиқ: “Биз бўйсундирилган осиеликларга тинчлик, хотиржамлик, ҳавфсизлик бердик деган хаёлдамиз. Аммо буларнинг ҳаммасидан юқорирок турувчи эзгулик мавжуд. Бу миллат, миллийлик туйғуси бўйсундирилган мусулмонлар аҳволини ўзимизни уларнинг ўрнига қўйибгина тушуниш мумкин. Сиёсий ўлим оғир, миллий жихатдан ўлмоқлик эса ундан ҳам оғирроқдир. Бизнинг ҳукмронлигимиз остида худди шу миллийлик туйғуси таҳқирланмоқда. Миллатни қандайдир бошқа хайрли ишлар билан алмаштириб бўлмайди! Шундай экан, бизнинг ҳукмронлигимизга қарши кўтарилишлар юз берса, ажабланиш ноўрин. Миллий масаланинг шундай жихатлари борки, халқ тўқми-очми, бойми-яланғочми, улар барибир намоён бўлар эди”.

Мустақилликка эришгандан сўнггина халқларнинг мустамлакачиликка қарши курашининг қаҳрамонона саҳифаларига муносиб баҳо бериш учун эътибор ажратилмоқда. Бу борада дастлабки ишлар 1989 йилда Тошкентда чоп этилган «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX бошларидаги озодлик ҳаракатини тарихи ва тарихшунослиги: яқунлар, изланишлар, тадқиқотлар, истиқболи» китобини,

К.Р.Несипбоевнинг «Чоризмнинг Қозоғистонда олиб борган солиқ сиёсати (1867-1914 йил)» номзодлик диссертациясини (1988 йил), Х.Бобобековнинг «Қўқон хонлигидаги халқ ҳаракатлари: ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий омиллар» (Тошкент, 1990 йил) китобини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1994 йилда нашр этилган Н.А.Абдурахимованинг Туркистонда Россия империясининг мустамлакачилик тизимига бағишланган, Х.Ж.Содиқовнинг «Чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати ва XX аср бошларида миллий озодлик ҳаракати» мавзусидаги докторлик диссертацияларининг ёқланишини Ўзбекистоннинг энг янги тарихи тарихшунослигида рўй берган қувонарли воқеа сифатида таъкидлаш зарур. Ҳ.Зиёевнинг «Ўзбек хонликлари чоризм асоратида», «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш», «Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида (XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошлари. Тошкент, 2006), Мажид Ҳасанийнинг «Туркистон босқини» асарлари мустамлакачилик тизимининг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қилди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов бир гуруҳ тарихчи олимлар билан учрашиб, мустақиллик йилларида тарихга муносабат, янги тарихни яратиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш кераклигини уқтирди ва тарихчилар олдига муҳим вазифалар қўйди. Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Янги тарих маркази ташкил этилди. Қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг янги тарихи асарининг 3-томи нашрдан чиқарилди. Ушбу китобнинг 1-томида Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши ва унга қарши миллий озодлик ҳаракати янгича нуқтаи назардан жуда яхши баён қилинган. Бу асар шу масала билан қизиқувчи барча китобхонларга жуда кўп ишончли маълумотлар бера олади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, Туркистон халқларининг мустамлакачилик зулмига қарши олиб борган миллий-озодлик курашлари ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. Миллий қаҳрамонларнинг номлари тикланди. Уларга оид архив материаллари, ҳужжатлар ошкор

этилди, тарихий, бадий асарлар яратилди. Ҳақиқат қарор топди, тарихимиздаги қора доғлар ювилди. 2001 ва кейинги йилларда Жиззах кўзғолонининг 85-йиллиги нишонланди. Жойларда ушбу санага бағишлаб турли тадбирлар ўтказилди.

1916 йил кўзғолони тарихшунослиги масаласида Д.Зиёеванинг илмий ишлари алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, унинг айнан шу масалага бағишланган тадқиқотида муаммога оид янги назарий ёндашувлар ва маълумотлар акс этган¹. Ж.Исмоилованинг тадқиқотида эса юртимиз худудидаги миллий-озодлик ҳаракатлари Фарғона водийси мисолида тадқиқ этилган². Мазкур тадқиқотларда миллий-озодлик ҳаракатлари тарихшунослиги масалалари ҳам атрофлича ёритилган.

Умуман олганда, Туркистон халқларининг мустамлакачилик тизимига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари юртимиз тарихининг ёрқин ва шонли саҳифаси бўлиб қолди.

Мустамлакачилик даврида бошқа Марказий Осиё халқларининг тарихшунослиги

Қорақалпоқ халқининг Россия мустамлакачилик даври тарихшунослиги. Қорақалпоқлар тўғрисида Россия империяси даврида ёзилган асарлар айтарли кўп эмас. Ана шундай асарларга мисол қилиб “Аму и Узбой”³, “Труды Аму-дарьинской экспедиции”⁴, “Краткий очерк Амударьинской области”⁵, “Поездка по Хивинскому ханству в 1873 г.”⁶, “Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области”⁷, “Прошлое

¹ Зияева Д.Х. Туркистон миллий озодлик ҳаракати. Мустабид тузумга қарши 1916 ва 1918-1924 йиллардаги халқ курашлиги тарихшунослиги. Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.

² Исмоилова Ж. Фарғона водийсида миллий-озодлик курашлари (1916 йил кўзғолони мисолида). Т.: Ғ.Ғулом, 2003.

³ Аму и Узбой. .Самара. 1879. – С. 55.

⁴ Доранд Ф.Б. Труды Аму-дарьинской экспедиции. Вып. 2. Материалы собранные метеорологическим отделом Аму-дарьинской экспедиции. Изд. Императского русского географического общества. С. Петербург. 1878 год. С. 244.

⁵ Риза -Кули-Мирза. Краткий очерк Амударьинской области, СПб, 1871.

⁶ Кун А.Л. Поездка по Хивинскому ханству в 1873 год. Известия Русской географического общества, т. X, СПб, 1874.

⁷ Сборник материалов для статистики Сыр-Дарьинской области. Т., 1895.

Приаральских степей в преданиях киргиз Казалинского уезда”¹ каби асарларни санаб ўтиш мумкин.

“Аму и Узбой” асарида дастлаб қадимги замонларга оид маълумотлар келтирилади. Маълумки, Россия Туркистон ўлкасини забт этар экан, ундан империя манфаатлари йўлида фойдаланиш мақсади белгиланган эди. Ўлканинг иқтисодий, хусусан қишлоқ хўжалиги салоҳиятидан фойдаланишни мақсад қилган рус ҳукумати даставвал уни ҳар томонлама тадқиқ этишга ҳаракат қилди. Хусусан, асарда ҳудуднинг қадимги даври тарихидан бошлаб, ўз замонасигача бўлган воқеликлар мустамлакачи мамлакат нуқтаи назаридан ёритилади. Мазкур тадқиқот ҳудуднинг сув ҳавзалари билан боғлиқ ҳолатини таҳлил этиш мақсадида яратилган бўлса-да, аммо

Ф.Б.Доранднинг “Труды Аму-дарьинской экспедиции. Материалы собранные метеорологическим отделом Аму-дарьинской экспедиции” деб номланган асарида маълумотлар рус ва немис тилларида келтирилган бўлиб, унда ҳудуд иқлими борасидаги батафсил маълумотлар акс этган. Метеорологик маълумотлар жамланган мазкур тадқиқотда ҳаво ҳарорати, намлиги, шамол йўналиши ва кучи, булутлар, тупроқнинг юза қисми ҳарорати кабилар жадвалларда кўрсатилган.

А.Нестеровнинг “Прошлое приаральских степей в преданиях киргиз Казалинского уезда” асари 1899 йил 21 январда ёзиб тугатилган ва 1900 йилда нашр этилган. Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Амударё ва Сирдарёнинг қадимги оқимлари, ушбу дарёларнинг қуйи оқимларида жойлашган халқлар, хон Аёз ва унинг амалдори Атимтой тарихи, Адагий хони Фосил ва Адагий давлатининг қулаши тарихи, Амударё ва Сирдарё оқимининг ўзгариши, Орол кўлининг шаклланиши, Урганч давлатининг шаклланиши кабилар ҳақида маълумот берилган.

¹ Нестеров Л.Л. Прошлое Приаральских степей в преданиях киргиз Казалинского уезда, «Записки восточного отделения русского археологического общества¹», 1900, т. вып. IV.

Асарда, шунингдек, қирғиз-қозоқларнинг келиб чиқиши тўғрисидаги уларнинг дастлабки яшаш жойлари, руслардан чекиниши ва Оренбург шахрининг ташкил этилиши ҳақида афсоналар, уларнинг Сирдарёнинг қуйи оқимига яқинлашуви ва қорақалпоқлар билан тўқнашуви, Нуртой ва Жилҳайдар ботирлар, қирғиз-қозоқлар томонидан қорақалпоқ ерларининг эгалланиши, ўзига хос иттифокнинг тузилиши, бу иттифокларни бошқарган хонлар, русларнинг Сирдарёга келиши ҳақида маълумотлар берилган.

Қорақалпоқлар ҳақидаги маълумотлар асарнинг иккинчи ва учинчи қисмида мавжуд. Ундаги маълумотларга кўра, мўғуллар эгаллаган жойларни тез орада хон Азиз-Жонибек бошчилигидаги нўғай (татар)лар эгаллайдилар ва анча вақтгача ҳукмронлик қиладилар. Кейинчалик бу ерларни Уса-Серин бошчилигидаги қалмоқлар эгаллайдилар ва анча вақтгача ҳукмронлик қиладилар. Кейинчалик қалмоқларнинг ўзлари ҳам Сирдарёнинг қуйи томонларидан қорақалпоқлар томонидан сиқиб чиқарилади. Уларнинг хони Рисқул эди. У анча вақт бошқаргандан сўнг шимолдан қирғиз-қозоқлар бостириб келади ва уларни қуйи Сирдарёдан қуйи Амударё бўйларига сиқиб чиқарадилар.

Асарнинг учинчи бобида қирғиз-қозоқларнинг Сирдарё бўйларига кўчиши ва уларнинг қорақалпоқлар билан тўқнашуви, қорақалпоқлар баҳодири Нуртой ва унинг қирғиз-қозоқлар баҳодири Жилҳайдарни ўлдириши, қирғиз-қозоқларнинг ўч олиши ва қорақалпоқларнинг Сирдарё бўйидан Амударё бўйига сиқиб чиқарилиши ҳақида маълумотлар бор.

Қозоқ халқи тарихшўнослиги. Россия империясининг Туркистонни босиб олиши натижасида қозоқ халқининг ҳам ҳаёт тарзи ўзгарди. Қозоқ хонлигига барҳам берилиб, империя ҳукмронлиги ўрнатилди. Мазкур даврда қозоқ халқи тарихига бағишланган бир қанча илмий адабиётлар яратилди¹.

¹ Путешествие Средней Азии из Тегерана через Туркменскую пустыню по восточному берегу Каспийского моря в Хиву, Бухару и Самарканд, предпринятое в 1863 г. / Изд. 1-е. – М.: 1867; Изд. 2-ое. 1874. Родословная Мангитской Династии / Материалы для статистики Туркестанского края. – Ташкент: 1874. Вып. 3. – С. 340-376. Ильин В. М. Сартовское хозяйство в Чимкентском уезде Сырдарьинской области. Материалы по изучению хозяйства оседлого туземного населения в Туркестанском крае. – Ташкент, 1912. – 240 с. Памятная книжка семиреченского казачьего войска 1884 года. - Омск, 1884. Смирнов Е. Сыр-Дарьинская область.- Санкт-Петербург, 1887.- С. 8.

Совет даврида ҳам мазкур масалага оид тадқиқот ишлари қилинган¹. Б.С.Сулейманев, В.Я.Басинларнинг “Казахстан в составе России (в начале XVIII – XX века)”² асари ушбу даврни ёритишда муҳим адабиётлардан бири ҳисобланади. Мазкур адабиёт XVIII аср бошидан октябр инқилобигача бўлган даврда қозоқ халқининг аҳволи ҳақида маълумот беради.

А.Б.Турсунбаевнинг “Казахстан в революции 1905-1907 годов” асарида³ Қозоғистоннинг революция давридаги аҳволи, иштироки, ундан кейинги вазият ҳақида ёритилган. Бундан ташқари, қозоқларнинг XIX аср охири – XX аср бошларида кўчманчи халқ сифатида у ҳудуддан бу ҳудудга кўчиб юрганлиги, Россия империяси таркибида қандай ҳаёт кечирганлиги, шунингдек, қозоқларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритиб берувчи С.Толибековнинг “Хозяйство казахов на рубеже XIX – начале XX в” асари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Асарни танқидий жиҳатдан ўрганиш тавсия этилади.

“Казахстан в составе России (в начале XVIII – XX века)” асарида ёзилишича, Катта ва Ўрта жузнинг катта қисми XVIII ва XIX аср бошларида Россия империясига қўшиб олинган. 1824 йилда Россия таркибига Етгисув ҳудуди қўшиб олинган. XIX аср ўрталарига келиб жанубда Чу дарёси водийсигача, шимолда Сирдарёнинг ўрта оқимидан Оқ Масжидгача бўлган ерлар Россия империясига бўйсунмас, бу ҳудудлар Қўқон хонлиги ҳукмронлиги остида эди. 1825 йилда 120 та казакдан иборат бўлган курулланган ҳарбий отряд Ямишев кўрғони комендант В.Шубин бошчилигида Катта Жузга жўнатилган. Бу ерда Олатов, Копал, Сергиопол, Лепсинск қароргоҳлари қурилган. 1858 йил март ойида қўқонликлар Авлиёотадан қувиб чиқарилган. 1864 йилда М.Черняев бошчилигидаги

¹ О типах этнических общностей с пережитками родоплеменной структуры в Средней Азии и Казахстане (XIX - начало XX в.) / Доклады советской делегации на IX Международном конгрессе антропологических и этнографических наук. – М.: 1973. – С. 46-52 Кронгардт Г.К. Национальный состав населения Южного Казахстана в конце XIX в. // Исторические науки. Вып. 3. - Алма-Ата: КазПИ, 1976.-С. 20. Толыбеков С. Кочевое общество казахов в XIX–начале XX вв. – Алма-Ата, 1971. Толыбеков С. Хозяйство казахов на рубеже XIX–начале XX в. – Алма-Ата, 1980. Шалекенов У. Х. Казахи низовьев Амурдарьи. К истории взаимоотношений народов каракалпаки в XVIII–XX вв. – Т., 1966.

² Сулейманов Б.С., Басин В.Я. Казахстан в составе России.(в начале XVIII – XX века) –Алма-Ата.: Наука, 1981. -247 ст.

³ Турсунбаев А.Б. Казахстан в революции 1905-1907 годов. –Алма-ата.: Мектеп, 1987. 88 ст.

Вернийдан чиққан қўшин Авлиётани ишғол қилган, Н.Верёвкин бошчилигидаги қўшин эса 12 июнда Туркистонни, 22 сентябрда Чимкентни ишғол қилган”¹.

Умуман олганда, Россия империясининг Қозоқ жузларида олиб борган мустамлакачилик сиёсати қозоқларнинг озодлик курашларига сабаб бўлган. 1856 йилда шекти уруғи сардори Жанхўжа Нурмухаммедов бошчилигидаги, 1868-1869 йиллардаги Сеил Туркебаев ва Беркин Оспановлар бошчилигидаги қўзғолонларни мисол қилиб келтириш мумкин. Қозоқ халқининг миллий-озодлик кураши қозоқ чўлларини қамраб олган бўлишига қарамай, Россия империяси қўшинлари томонидан шафқатсизларча бостирилган, қўзғолон раҳбарларига эса аёвсиз муносабатда бўлинган.

С.М.Турсунованинг “Казахи Мангышлака во второй половине XIX века” асарида ҳам 1870 йил Манғишлоқ яриморолида “Вақтли Низом”нинг қабул қилиниши сабабли қўзғолон бошлангани, Эмба дарёси водийсида қозоқларнинг ёзги яйловлари бўлиб, Низомда ундан фойдаланиш тақиқланганлиги, айнан шу ерда рус қўшинларининг қароргоҳи қурилганлиги, қўзғолонга Досан Тажиев ва Иса Тланбаевлар йўлбошчилик қилишгани, аммо мағлубиятга учрашгани² ҳақида маълумотлар келтирилади.

Қирғиз халқи тарихи тарихишунослиги. Қирғизларнинг асосий қисми Тяньшань ва Иссыкқўл оралиғини макон тутиб, бу ердаги бир неча туркий қабилалар билан биргаликда ҳозирги қирғиз халқини ташкил қилган. Қирғиз халқи таркибига, шунингдек Етисув ва Мовароуннахрнинг туркий қабилалари, жумладан қарлуқлар ва уйғурлар, кейинчалик мўғул қабилалари қўшилган. Бу даврда қирғизларнинг типич бўйича мўғулийлашиши ва тили бўйича туркийлашиш жараёни ниҳоясига етган. XV – XVII асрларда эса, келиб чиқиши қозоқ нўғойлар билан боғлиқ қабилалар кириб келган. Қозоқларнинг бир қисми бошқа туркий халқларнинг этногенезига кирган. XVI-XVII асрларда қирғизларга қозоқ-нўғой қабилалари қўшилгач, Тяньшань

¹ Сулейманов Б.С., Басин В.Я. Кўрсатилган асар. 65-66-бетлар.

² Турсунова М.С. Казахи Мангышлака во второй половине XIX века. –Алма-ата.: Наука, 1977. 101-103 ст.

киргизлари асосан шаклланди. Кейинги икки аср давомида Жунғор халқлари киргизларни талаб келдилар. Улар XIX асрнинг биринчи ярмигача Қўқон хонлигига тобе бўлганлар. XIX асрнинг 60-70 йилларга келиб киргиз ерларининг аксарият қисмини Россия босиб олади. Бу ҳақда Н.Л.Гродевнинг “Кыргызы и каракиргызы”¹ асарида маълумотлар келтирилади. Мазкур китоб киргизларнинг этнографиясига бағишланган асар ҳисобланади. Муаллиф Л.Гродев асли ҳарбий бўлиб, кўп йиллар давомида юқори ҳарбий лавозимларда ишлаган. Жумладан, Л.Гродев Туркистон генерал-губернаторининг ҳарбий ёрдамчиси, Туркистон вилояти ҳарбий вазири ва кейинчалик Сирдарё вилояти губернатори лавозимларида ишлаб келади. У тарихчи ва этнограф ҳам ҳисобланади. Л.Гродев Ўрта Осиёни истилосида шахсан қатнашиб, Тошкент ва Туркистон шаҳарларини босиб олишда жонбозлик кўрсатиб, шахсан подшони ўзидан ташаккурнома олади.

Шунингдек, А.Г.Туманскийнинг “Родословная туркмен”² асарида ҳам киргиз халқи тарихини ёритувчи маълумотлар мавжуд. А.Г.Туманский (1851-1920) йирик тарихчи, этнограф, антрополог ҳамда ҳарбийдир. У Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажарайи тарокима” асарини рус тилига таржима қилади, бу таржима бугунги кунда ЎзР ФА шарқшунослик институти хазинасида мавжуд бўлиб, бу асар ўрганилаётган даврда киргизлар тарихи учун асосий манба бўлиб ҳисобланади ва унинг илмий бойлиги ҳамда Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганиш учун асосий дастур бўлиб хизмат қилади.

Е.Смирновнинг “Сыр-Дарьинская область”³ китоби киргизларнинг тарихи ва географик жойлашиши ҳақидаги муҳим манба ҳисобланади, шунинг учун ҳам бу китоб қадрли ҳисобланади. Бу китоб матнлари ҳам ҳарбийлар тилидан ёзиб олинган. 1884 йилда Москвада нашрдан чиққан ушбу асарда киргизларнинг этнографик жойлашишлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

¹ Гродев Н.Л. “Кыргызы и Каракиргызы”. –М.: 1898. 566 ст.

² Туманский А.Г. Родословная туркмен.-М.: 1901.

³ Смирнов Е. Сыр-Дарьинская область.- Санкт-Петербург, 1887. С. 17.

ҳукмронлиги даврида тоҷик халқи тарихига бағишланган кўплаб адабиётлар яратилди. Хусусан, В.Фишернинг¹ асарида тоҷик халқининг мазкур даврдаги аҳволи тўлиқ ёритиб берилади.

А.И.Бряннининг “На память о Фергане, 1876-1901”² асари ҳам муҳим адабиётлардан бири ҳисобланади. Унда ёзилишича, XIX асрнинг ўрталарида Қўқон хонлигига ҳозирги Фарғона водийси, Еттисувнинг катта қисми, Қирғизистоннинг тоғли ҳудудлари, Тошкент вилояти ҳамда Қозоғистоннинг жануби, Тоҷикистоннинг айрим қисмлари кирган эди. Бу даврда Қўқон хонлиги энг кўп миллатли хонлик ҳисобланар эди. Қўқон, Тошкент, Андижон, Наманган, Марғилон, Хўжанд, Ўш, Чимкент ва бошқа шаҳарлар иқтисодий ҳамда сиёсий марказлар бўлиб, Қўқон пойтахт шаҳар эди. Давлатнинг олий ҳукмдори хон эди. У мамлакатни вазир ёрдамида бошқарар эди. Сарбозлар қўшини устида амири лашкар турар эди. Мингбошилар алоҳида отрядларга бошчилик қилганлар. Хон хазинасидан қилинадиган харажатлар меҳтар томонидан назорат қилинар эди.

В.В.Григоревнинг³ асарида ҳам тоҷик халқи тарихига бағишланган маълумотлар келтирилади. Унда Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиши ва у ердаги сиёсати масаласи батафсил ёритилган. Хусусан, Хўжанд истилосига оид маълумотлар ҳам кенг ёритилади. Муаллифнинг қайд этишича, генерал Романовский Бухоро қўшинини таъқиб қилишни тўхтатиб, Қўқон билан Бухоро ўртасида жойлашган ва уларнинг асосий иттифоқчиси бўлган Хўжанд томон йўл олган. Хўжанддан Тошкент, Қўқон, Балх ва Бухорога тўғри йўл бор эди. 1866 йил 17 майда Хўжанд қафаси қамал қилинди ва жанг бошланиб кетди. Шаҳар кун бўйи 20 та тўпдан ўққа тутилди, тонгда подшо қўшинлари ҳужумга ўтдилар. Ҳужум қайтарилди, шундан сўнг шаҳар қайта ўққа тутилди ва бу ҳол икки кун давом этди... 1866 йил 24 майда тунга бориб, Хўжанд ҳимоячиларининг қаршилиги синдирилди

¹ Фишер В. Заметки о взятии г. Ходжента нашими войсками 24 мая 1866г. // Инженерный журнал. 1873. №1. С. 46.

² Бряннов А.И. На память о Фергане, 1876-1901. Новый Маргипан, 1901. С. 324.

³ Григорьев В.В. Русская политика в отношении к Средней Азии. СПб., 1874. С. 312.

ва ўқ овози тинди. Кўчаларда 2500 дан зиёд кишининг жасади қолди. Иккинчи томон қанча талафот кўргани ҳақида манбаларда аниқ маълумотлар йўқ.

Ушбу муаллифнинг “Среднеазиатские дела”¹ асари ҳам тожикларнинг мазкур даврдаги тарихига бағишланган. Ушбу асарда Россия империяси томонидан Қўқон хонлигининг босиб олиниши тафсилотлари ёритиб берилган.

Х.А.Чанишевнинг² асарида 1875 йилда Қошғарда очилган Россия империяси элчихонаси ҳақида тўлиқ маълумот берилади.

Н.Энгелгард ҳам “Очерки Коканда”³ асарида тожиклар ҳақида маълумотлар бериб, улар XIX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлиги ўртасида тақсимланди, деб ёзади. Россияда октябр тўнтариши (1917) дан сўнг аҳолининг жиддий қаршилигига (Иброҳимбек, Эшон Султон, Давлатмандбий, Фузайл Махсумлар бошчилигида) қарамасдан, Тожикистон большевиклар томонидан босиб олинди. 1917 йил ноябр – 1918 йил февралда Шимолий Тожикистонда шўро ҳокимияти ўрнатилди ва у Туркистон АССР таркибига кирди. Тожикистоннинг қолган ҳудуди Бухоро амирлиги таркибида бўлди. 1920 йил Бухоро босқинидан кейин БХСР ташкил этилди. 1924 йил Ўрта Осиё республикаларининг "миллий давлат чегараланиши" сиёсати асосида бўлиб ташланиши натижасида Тожикистон Ўзбекистон ССР таркибида Мухтор республикага айлантирилди. 1929 йилдан эса СССР таркибида иттифоқдош республика мақомини олди.

М.И.Бродовский ўзининг мустамлака ҳудудлар тўғрисидаги асарида⁴ тожиклар ҳаётини ёритувчи маълумотларни ҳам қайд этган.

А.П.Хорошхиннинг “Сборник статей, касающихся до Туркестанского края”⁵ асарида Туркистон ўлкасидаги барча ҳудудлар ҳақида сўз боради.

¹ Григорьев В.В. Среднеазиатские дела. М., 1865. 278 б.

² Чанышев Х.А. Русское посольство в Кашгар в 1875 году. (Рассказ очевидца). //Исторический вестник. 1887. Т.30. №12.

³ Энгельгард Н. Очерки Коканда.//Туркестанские ведомости. 1886. №4.

⁴ Бродовский М.И. Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. М.,1891.

⁵ Хорошхин А.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. СПб., 1876.

Унда келтирилишича, ўлка қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи деҳқончилик бўлиб, жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 65% ини беради. Унда пахтачилик, айниқса, ингичка толали пахта етиштириш етакчи ўринни эгаллайди. Боғдорчилик, узумчилик, пиллачилик ривожланган. Мойли экинлар, зиғир, картошка, сабзавот, полиз экинлари, ем-хашак экинлари экилади, ғалла ва шоли ҳам етиштириш яхши йўлга қўйилган. Тоғ олди ва тоғ минтақаларининг суғориладиган ерларида тамаки, Ҳисор ва Вахш водийларида ёронгул экилади. Цитрус мевалар етиштирилади. Тожикистоннинг барча ҳудудларида, айниқса, тоғ ён бағирларида чорвачилик ривожланган: қорамол, қўй, эчки, парранда, йилқи боқилиши ҳақида маълумотлар бор.

Ф.Ф.Мартене “Россия и Англия в Средней Азии”¹ асарида ёзишича, Россия империяси Туркистон ўлкасидаги ҳукмронлигини абадийлаштириш мақсадида Ўрта Осиёни бошқа мамлакатлардан ажратиб олишга қарор қилди. Шу мақсадда, 1869 йилдан бошлаб Россия Ташқи ишлар вазирлиги Англия билан Афғонистон ва Ўрта Осиёдаги рус ерлари ўртасидаги чегара ўтказиш тўғрисида музокаралар олиб борди. Музокаралар натижасида чегаралар Амударё бўйлаб Панж туманидан ўтказилиши келишиб олинди. Чегаранинг бошқа, Туркменистонни Эрондан ажратиб турувчи қисми 1881 йил 10 декабрда Эрон шоҳи билан Техрондаги Россия элчиси имзолаган махфий шартномада акс эттирилди. Бу чегаралар ҳозиргача сақланиб қолган, Копетдоғ тоғлари давлатлар ўртасидаги табиий чегара бўлиб ҳисобланади. 1885-1887 йилдаги музокаралар натижасида чегараларни белгилаш бўйича инглиз-рус комиссияси Россиянинг Ўрта Осиёдаги (Бухоро) ерлари билан Афғонистон ўртасидаги чегара чизигини белгиладилар, 1895 йилда эса Бухоронинг Помирга ўтиши натижасида тортишувга сабаб бўлган Помир масаласи ўз ечимини топди. Бу чегаралар Ўрта Осиёни ташқи оламдан ажратиб турувчи тош деворга айланди.

¹ Мартене Ф.Ф. Россия и Англия в Средней Азии. СПб, 1880.

С.Н.Южаковнинг¹ асари ҳам муҳим манба ҳисобланиб унда ёзилишича, Туркистон ўлкаси тузилишидан мақсад – Хива, Бухоро ва Қўқонни ташқи дунёдан тамомила яккалаб қўйиш, Россия империяси ташқи давлат чегараларини барпо этиш йўли билан ҳар қандай иқтисодий, маданий ва сиёсий алоқаларни тўхтатишдан иборат эди. Инглиз империалистлари билан имзоланган шартномага кўра, 1869-1872 йилларда Панж дарёси бўйлаб маҳаллий халқни иккига ажратиб ташлаб, сунъий чегара ўрнатилди. 1881 йилда Скобелев Туркменистонни босиб олиши натижасида Эрон билан ҳозирги чегаралар белгиланди. Шу йили Шарқий Туркистоннинг Или ўлкасидаги кўзғолон империя қўшинлари томонидан бостирилгандан сўнг, Россия ва Хитой императори ҳозирги (Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Хитой ўртасидаги) чегараларни белгилаб, шартнома имзоладилар.

А.П.Субботин ҳам “Россия и Англия на среднеазиатских рынках”² асарида тожиклар ҳақида маълумотлар келтириб ўтади. Хусусан, у Россия билан Англия манфаатларининг айнан Ўрта Осиёда тўқнашганлигини кўрсатади. Муаллифнинг таъкидлашича, Россия империяси олиб борган тинимсиз урушлар унинг чекланган молиявий захираларни касодга учратди. 1874 йилда Россия Шарқий Туркистондаги Ёқуббек кўзғолонини бостириш учун катта қўшин жўнатди. Айниқса, 1877-1878 йилларда Туркия билан олиб борган урушнинг Сан-Стефан сулҳ шартномаси билан яқунланиши империя учун жуда қимматга тушди. 1878-1880 йиллардаги инглиз-афғон уруши туфайли Афғонистонга юриш қилиш учун режалаштирилган рус армияси аскарлари сони Туркистон ўлкасида қарийб 40 мингга етганди. Россиянинг ҳарбий харажатлари янги мустамлака мамлакатларни эзиш ҳисобига қопланди.

А.К.Гейненинг асарида³ Россия империяси даврида ва ундан кейин Тожикистонда нашр этилган газета ва журналлар ҳақида маълумот берилади.

¹ Южаков С.Н. Англо-русская распря. Небольшое предисловие к большим событиям. Политический этюд. СПб., 1885;

² Субботин А.П. Россия и Англия на среднеазиатских рынках. СПб., 1885.

³ Гейне А.К. Сборник литературных трудов. В 2-х тт. СПб., 1897.

Л.Ф.Костенко эса¹ XIV аср охири – XV асрларда монументал безак санъатида ёғоч ва ганчга нақш ўйиш, сирланган ва сирланмаган сопол, ёғоч ва ганчга тухумли темпера билан нақш солиш, зардўзлик ва бошқалар кенг тарқалганлигини ёзади. Тожикистон меъморлиги бир қават пахса ёки хом гиштли уйсозликдан бош режа асосида қурилатган шаҳарларгача бўлган тараққиёт йўлини босиб ўтди. 1930 йиллар давомида Душанбе, Хўжанд, Кўлоб, Конибодом шаҳарлари бош режа асосида қурила бошлади. 1930-40-йиллар бошларидаги шаҳарсозликда Ўрта Осиё меъморлиги элементлари бўлган классицизм шакллари устунлик қилди.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида тожик адабиётида маърифатпарварлик оқими вужудга келди. Бу оқимнинг асосчиси тожик ва ўзбек халқларининг мутафаккири Аҳмад Дониш эди. Шоир ва ёзувчилардан Раҳматулло Возех, Шамсиддин Шоҳин (1859-93), Муҳаммад Ҳайрат (1878-1902) ғоявий жиҳатдан Аҳмад Донишга яқин эдилар. Тожик маърифатчилик адабиётида янги жанрлар (реалистик ҳикоя, фалсафий-романтик қисса ва бошқалар) пайдо бўлди, адабий тил халқ тилига яқинлаша бошлади.

XX асрнинг бошларида Садриддин Айний, Тошхўжа Асирий, Сирож Ҳаким каби ёзувчилар маърифатчилик адабиёти анъаналарини давом эттирибгина қолмасдан, адабиётни халқ ҳаётига яқинлаштиришда катта ишлар қилдилар. 1920-30 йилларнинг бошларида Абулқосим Лоҳутий ижоди муҳим ўрин эгаллади. Бу даврда С.Айний "Одина" (1924), "Дохунда" (1930) каби насрий асарларини яратди. 1930-йиллар бошида адабиётга Мирзо Турсунзода, Жалол Икромий, Абдусалом Дехотий, Раҳим Жалил, Ҳаким Карим, Мирсаид Миршакар, Сотўм Улуғзода ва бошқалар кириб келди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Ҳисор беклигида ўртача бир таноб ерга 2-2,5 пуд ғалла экилиб, 33 пудгача, экилган арпанинг 2 пудидан 25 пудгача ҳосил олинган. Воҳанинг дарё олди ҳудудларида деҳқончилик соҳасида шоликорлик етакчи мавқега эга бўлган. Буни Панж ёқаларида жойлашган Хўжамулки каби қишлоқлар

¹ Костенко Л.Ф. Туркестанский край. В 3-х тт. СПб., 1880.

мисолида кўриш мумкин. Ҳисор водийсининг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ҳамда текислик жойларида ёнғоқ, олма, бодом, анор, шафтоли, ўрик каби кўплаб мевали дарахтлар ўсган. Хусусан, Кўлоб беклигига қарашли Дарбанд қишлоғида хонлик ҳудудида машҳур бўлган анорлар етиштирилган. Тоғли ҳудудларда узумчилик кенг ёйилган ва ривожланган. Полизчилик соҳаси ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, қовун ва тарвузлар етиштирилган. Шунингдек, сабзи, қовоқ, пиёз каби бошқа полиз экинлари ҳам етиштирилган. Воҳада суғориладиган ерларда беда, маккажўхори, шоли каби экинлар билан бирга пахта ҳам етиштирилиб, даврлар ўтиши билан пахта майдонлари кенгайиб борди.

Б.И.Искандаровнинг “Англо-русское соглашение 1895 года о Памире” асарида ёзилишича, XIX аср охири – XX аср бошларида Помир ва Ҳисор водийсининг маҳаллий аҳолиси – Темурийлар ҳукмронлиги ва ундан олдинги даврларда Мовароуннаҳр ҳудудларида яшаган ва ерли ўтроқ деҳқон аҳоли билан жадал аралашиб кетган бир қанча этник гуруҳларнинг авлодларидир. Кўпгина этнографик адабиётларда мазкур ҳудуднинг маҳаллий аҳолиси сифатида асосан тожиклар кўрсатиб ўтилган.

Туркман халқи тарихшунослиги. Туркман этногенезини ўрганиш борасида В.В.Радлов ва В.В.Бартольдлар¹нинг асарлари муҳимдир. Тадқиқотчилар “туркман” номи X асрда араб адабиётида эслатиб ўтилганини, у “то-ку-монг” номи хитойларнинг VII аср “Тун-Дян” энциклопедиясида келтирилганлигини кўрсатганлар. В. Радлов қадимги Ўрхун ёзувларини ўрганиши натижасида ўрта асрнинг бошларида Ўрта Осиёга кўчиб келган қабилаларни ўғузлар деб аташган, деган хулосага келган. Узбой бўйича биринчи илмий тадқиқотлар Пётр I нинг талаби билан XVIII асрда бошларида олиб борилди. Каспий дегизининг шарқий қирғоқларида бўлган Бекович-Черкасский² (1715), Муравьев (1821), Дядин ва Баранов (1825-1826),

¹ Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана, Спб., 1903; Очерк истории туркменского народа. Соч., т.2, ч.1. М., 1963.

² Безгин И.Г. Князя Бековича Черкасского экспедиция в Хиву. - Спб.: Голике, 1891.

Басаргин (1826), Керелин ва Бларамберг¹ (1836) ўз эсдаликларида бу худуднинг географияси, иқтисоди ва халқи ҳақида қимматли маълумотлар берадилар.

XIX асрда бу худуд аҳолиси, географияси бўйича бир қатор тадиқоқотлар амалга оширилди. А.И.Глуховский², А.И.Свинцов³, В.А.Обручев⁴, П.М.Лессар⁵, А.М.Коншин⁶, Н.И.Веселовскийнинг⁷ тадиқоқотлари ва А.Н.Корупаткин⁸, А.Хорошхиннинг⁹ эсдаликлари шулар жумласидандир.

Туркманлар антропологияси. Россия империяси даврида туркман халқининг антропологик типи юзасидан бир неча тадиқоқотлар амалга оширилди. Улардан бири А.И.Таранетский бўлиб,¹⁰ У тадиқоқот олиб борган, Туркменистондан олиб кетилган бир неча бош суяклари ҳарбий-тиббийет академияси антропология музейидан жой олган бўлиб, улар европеоид ирқининг турли вариантларига мансуб эдилар.

Кейинчалик бир неча бош суяклари А.А.Ивановский¹¹ томонидан ўрганилди. 1896 йилда эса И.Л.Яворскийнинг¹² тадиқоқоти эълон қилинди. У физик-географик ва антропологик тадиқоқот олиб бориш учун Ўрта Осиёга илмий экспедиция уюштирган эди. И. Яворский долихоцефал европеоид

¹ Бларамберг Ф.И. Журнал, веденный во время экспедиции для обозрения восточных берегов Каспийского моря в 1836 году// Записки Русского географического общества. Кн. 4. Спб., 1850; Топографическое и статистическое описание восточного берега Каспийского моря от Астрабадского залива до мыса Тюб-Караган// Записки Русского географического общества. Кн. 4. Спб., 1850; Воспоминания. М., 1978.

² Глуховский А.И. Пропуск вод р. Аму-Дарья по старому ее руслу в Каспийское море. Спб., 1893.

Коншин А.М. Разъяснение вопроса о древнем течении р. Аму-Дарья по современным геологическим и географическим данным. ЗРГО по общ. географии, Т. 33, № 1. Спб., 1897.

³ Свинцов А.И. Река Аму - Дарья и древнее соединение ее с Каспийским морем (Узбой). ИСИПС. Спб., 1884

⁴ Обручев В.А. Закаспийская низменность. ЗРГО по общ. географии, т. 20, № 3 Спб., 1890.

⁵ Лессар П.М. Пески кара-кум. ЗРГО, т. 20, Спб., 1884.

⁶ Коншин А.М. Разъяснение вопроса о древнем течении р. Аму-Дарья по современным геологическим и географическим данным. ЗРГО по общ. географии, Т. 33, № 1. Спб., 1897.

⁷ Веселовский Н.И. Очерк историко-географических сведений о Хивинском ханстве от древнейших времен до настоящего времени. - Спб., 1877.

⁸ Куропаткин А. Туркмения и туркмены. Спб., 1879.

⁹ Хорошхин А. Народы Средней Азии (Историко-этнографические этюды), - «Туркестанские ведомости», 1871, № 9-10.

¹⁰ Таранецкий. И.А. О черепах ахал-текинцев, папуасов и корейцев// Международная клиника. 1882. - № 4.

¹¹ Ивановский А.А. Туркмены и тюрки по краниологическим исследованиям// Изв. и сообщ. ЛЭАН и ЭТН. Дневник антропологического отдела. 1894.

¹² Яворский И.Л. Антропологический очерк туркмен: Тр. антропологического общества при Военно-медицинской академии. - Спб., 1896.

бош суягига эга бўлган 59 та эркакнинг бош суяги устида ўз тадқиқотини ўтказди. У шундан 4 таси брохекефал эканлигини аниқлади.

Чет эл муаллифларидан эса Г.Сергининг тадқиқоти¹ туркманлар антропологиясини аниқлашда муҳим аҳамиятга моликдир. У 1904 йилда Анауда ёмон сақланган бир неча бош суяклар устида ўз тадқиқотини олиб борди. У бу суяклардан бири Ўрта ер денгизи типига мансублигини аниқлади.

Шарқий Туркистон халқлари тарихи тарихишүншлиги. Шарқий Туркистон халқларининг Россия империяси ҳукмронлиги даври тарихига оид адабиётлар орасида Л.А.Чвирьнинг² асари муҳим аҳамиятга эга. Унда ёзилишича, Қашқарда тўқилган матонинг 81%и Ўрта Осиёга юборилган. Гарчи ипак ва ярим ипак матолар Шарқий Туркистонда ҳам ишлаб чиқарилган бўлса-да, уларнинг сифати унча юқори эмас эди. «Қўқон ва Марғилон ипаги, Кавказ ипагидан сифат жиҳатидан паст даражада турса-да, аммо Қашқар ва Хўтон ипагидан юқори туради», – деб қайд этган эди В.В.Вельяминов-Зернов.

Осим Боқий ўғлининг “Уйғурлар” асари ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унда муаллифнинг ёзишича, 1845 йилда Санкт-Петербургда ташкил этилган “Рус подшолиги география жамияти”да жаҳон цивилизациясининг энг кўхна ўчоқларидан бири Уйғуристонни ўрганишга катта қизиқиш уйғонди.

Уйғурлар элини ўрганишни биринчи бўлиб қозоқ халқининг донишманд фарзанди Чўқон Муҳаммад Чингиз ўғли Валихонов бошлаб берди. 1855 йилда П.П.Семенов Чўқон Чингиз ўғлига: “Жаҳон маданиятининг калити Торим водийсига кўмилгандир. Бу калит қачон топилар экан, дунё маданиятининг сири шу вақтда очилади”, – деб таъкидлаган эди. У сўзини давом эттириб: “Сиз фанга кўп хизмат кўрсата оласиз, мен бунга аминман... мендан кейинги қадамни сиз кўйсангиз қандай

¹ Sergi L.G. Description of some skules from the North Kurgan//Explorations in Turkestan. Prehistoric civilizations of Anau. – Washington, 1908.

² Чвирь Л.А. Уйғуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – XX в. Очерки историко-культурных связей. – М.: Наука, 1990. – 301 стр.

яхши бўлар эди. Сиз Қанғаристон (Уйғуристон)га, худди ўша кўп афсоналар тўқилган сеҳрлик ўлкага кириб борар эдингиз. Мен ўзимни сизнинг олдингизда жуда айбдор ҳисоблайман. Сиз жуда ёшсиз. Мен эса ниҳоятда хатарли ишга рағбатлантирмоқдаман... Сиз Қашғарга фақат яширин ҳолда киришингиз мумкин”, – деган сўзларни айтган. Шундан сўнг Чўқон Чингиз ўғлини савдо карвонига қўшиб Қашғарга юборди.

Адиб О. Ёқубов: “Ҳар қандай миллатнинг, ҳар қандай халқнинг тириклигини ва парвозини икки қаноти – тарих ва тили таъминлайди”, – деган фикрларни айтган. Уйғурлар учун ўтмиш тарихининг ҳақиқати, қадимдан яшаб келган тили бўлса керак.

Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси”¹ асари 1966-1973 йилларда Тошкентда ёзилган. Асардаги XX аср воқеалари реал фактларга асосланган, чунки муаллифнинг ўзи ушбу воқеаларда бевосита иштирок этган. Китобда XX аср бошларида Шарқий Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, халқ ҳаракатлари, худуднинг большевиклар томонидан босиб олиниш жараёнлари, халқнинг совет давлати сиёсатига муносабати масалалари ёритиб берилган. Асарда Алихонтўра Соғунийнинг фаолияти, ташкил топган Шарқий Туркистон Ислом Республикаси (ШТИР)нинг фаолияти, унинг СССР билан олиб борган алоқалари, шу билан бирга, Хитой томонидан Шарқий Туркистонда олиб борган сиёсат моҳияти ёритиб берилган.

М.Абдуллаевнинг “Хитой инқилоби тарихидан парчалар” асарида коммунистик жамиятларнинг мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётига таъсири, Хитой совет ҳукуматининг маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлари, Хитойнинг совет районларида ер масаласининг ҳал қилиниши, солиқ сиёсати ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.

Анвар Бойтур ва Хайринисо Сидиқнинг “Шинжондаги миллатлар тарихи” асари ҳам муҳим манба бўлиб, унда ёзилишича, Шарқий Туркистондаги Қўқон савдогарларидан йиғиб олинган тушумлардан

¹ Alixonto‘ra Sog‘uniy “Turkiston qayg‘usi”. Toshkent, “Sharq” – 2003. 95-bet.

куруқ қолган Муҳаммад Алихон ғазабланиши табиий эди. Шунинг учун у 1830 йилда Бухорода яшаётган Жаҳонгирхўжанинг акаси Муҳаммад Юсуфхўжага мактуб юбориб, Шарқий Туркистонда манжурлар хукмронлигига қарши ҳаракатини олиб боришини сўраган. Бу таклифга рози бўлган Муҳаммад Юсуфхўжа элчи Ҳасан билан бирга Қўқонга келган. Бундан хурсанд бўлган Муҳаммад Алихон хўжани кучоқ очиб кутиб олган ва тезлик билан қўшин тўплаш учун хонликнинг турли шаҳар ва қишлоқларига ўз хабарчиларини юборган. Қўшин юриши олдидан Ўш вилоятида тўрт кун турилиб, Офокхўжа руҳига атаб худойи қилинган. Ҳаққули мингбоши ва Муҳаммад Шариф оталиклар бошчилигидаги бу қўшин 4 кун йўл юриб, Ноғарачалди манзилига этиб келган. Ушбу қўшин манжур қоровулхонасида жойлашган Мингйўл манзилига хужум қилиб, бир неча Хитой аскарлари ўлдирилган. Кейинги кун Қўқон аскарлари 10 минг манжур аскарлари билан кураш олиб боришига тўғри келган. Юполарт, Қоронғулик, Мингйўл қоровулхоналарини босиб олган Қўқон аскарларига қарши Залбқиа исмли Қашқар амбони ўз аскарларини юборган, аммо бу қўшин мағлуб бўлган. Шундан сўнг, манжур аскарлари Гулбоғ қалъасига кириб беркинганлар. Гулбоғни Қўқон аскарлари уч ой қамал қилган.

Шунингдек, Д.А.Исиев ўзининг “Уйгурское государство Йэттишар”¹ асаарида ёзишича, Хитой (манжурлар) билан музокара олиб борилиб, Хитойнинг Қўқон хонлигига ва ўз навбатида Қўқон хонлигининг Шарқий Туркистон-Қашқарга даҳил қилмаслиги ҳақида шартнома тузилганлиги ва анча муддат хонликда тинчлик ўрнатилганлигини қайд этадилар. Ч.Валихановнинг фикрича, бу битим 1756 йилда имзоланиб, унга мувофиқ, Қўқон давлати хўжалар бошчилигида уйғурларнинг манжурларга қарши кўзғолон кўтаришига йўл қўймаслиги керак эди. Унинг фикрини тасдиқлаб Д.Исиев, манжурлар ҳукумати бу мақсад учун Қўқонга ҳар йили 20 кумуш ёмбур бериб турганлигини ёзган. Рус манбаларида эса, манжурлар томони 20

¹ Исиев Д. А. Уйгурское государство Йэттишар (1864–1877). – М., 1981.

кумуш ёмбу эмас, балки, 1000 кумуш ёмбу тўлаб турганлиги қайд этган. Эрдона даврида Қўқон билан манжурлар ҳукумати ўртасидаги ўзаро тинчлик ва дўстона алоқалардан кўринадики, Қўқон муаррихлари асарларини таҳлил этган Ш.Х.Воҳидовнинг фикрларида асос бор. Гарчи тинчлик битими имзоланган бўлса-да, хитойлик манжурлар ҳукумати жунғорлар босиб олган Тошкент, Сайрам, Сузоқ, Туркистон ҳудудларигача ўз ерларини кенгайтиришни мақсад қилганлар. Бу ҳақда Ч.Валиханов, манжурлар элчилари 1762 йилда қозоқларнинг Ўрта юз хони Абдумамбет ва Султон Аблайга император истагини билдириб, баҳорда Туркистон ва Самарқандга ҳарбий юриш қилмоқчи эканлигини эълон қилганини қайд этган. Бунинг учун улар одамлар, отлар, хўкизлар ва қўйлар ажратишини талаб қилган. Эрдона, Ўратепа ва Хўжанд ҳокими Фозилбий ҳамда қирғиз бийлари буни билиб қолиб, ўша даврнинг кучли ҳокимларидан бири – Афғонистон ҳукмдори Аҳмадшоҳ Дурронийга мактуб юбориб, ундан мусулмонлар оламини мунофиқлардан қутқаришни сўраганлар. Улар ўзаро уруш-жанжалларни вақтинча унутиб, Аҳмадшоҳ бошчилигида иттифоқ тузадилар. Бу иттифоқнинг ҳаракатлари натижасиз тугаган бўлса-да, манжурлар ҳукуматининг ниятларини амалга оширишга чек қўйган.

Афғонистон тарихи тарихшўнослиги. XIX асрдан бошланган Британиянинг Афғонистондаги колониал сиёсати, инглиз-афғон урушлари, XIX аср охири ва XX аср бошларида Афғонистондаги инглиз-рус рақобати бу мамлакатнинг эркин тараққий этишига етарлича тўсиқ бўлиб келди. Фақатгина Амир Абдурахмонхон давридан (1880-1901) Афғонистон нисбатан мустақил ташқи сиёсат олиб бориши маълумотлар бор. Й.В.Ганговскийнинг “История вооруженных сил Афганистана. 1747-1977”¹ асарида ёзилишича, Абдурахмонхон инглиз-рус рақобатидан усталик билан фойдаланган. Бундан ташқари, асарда Абдурахмонхон даврида Афғонистонда парламент ва конституция ишлаб чиқишга илк ҳаракатлар бўлгани, Омонуллахон, Нодиршоҳ ва Зоҳиршоҳ ҳукмронликлари даврида афғон жамиятини

¹ История вооруженных сил Афганистана. 1747 – 1977 / под ред. Ю.В. Ганковского. – М.: наука, 1985

замонавийлаштириш борасидаги ислохотлар қайсидир маънода ўз натижасини берган бўлса-да, афғон жамияти, айниқса Омонуллахоннинг радикал ислохотларига ҳали тайёр эмаслиги, шу сабабли ҳам диний руҳонийлар ёрдамига суянган Бачаи Сақо ҳокимиятни ўз қўлига олиши ҳақида баён қилинган.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Тошкент мудофасини ташкил этган Қўқон хонлигининг саркардаси ким?
2. "Тарихи Туркистон", "Тарихи жадиди Тошканд" асарларининг муаллифини кўрсатинг?
3. XIX асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган маҳаллий тарихчилардан кимларни биласиз?
4. Туркистоннинг Россия томонидан босиб олинishi масаласида тарихшуносликда илгариги ва ҳозирги нуқтаи назарни таққослаб, ўз хулосангизни айтинг.
5. Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олинishi масаласининг ўрганилиши ва адабиётларда ёритилишига баҳо беринг.
6. Россиянинг мустамлакачилик даври тарихшунослигини неча даврга бўлиб ўрганилади ва улардан ҳар бирининг хусусияти нимадан иборат?
7. Россия империяси аҳолиси сонининг тез ошиб бориши рушлаштириш сиёсатининг натижаси эканлиги ҳақида ёзган тарихчи ким?
8. Россия империяси мустамлакачилик сиёсатининг Ўзбекистон мустақиллик йилларидаги тарихшунослигига баҳо беринг.
9. Ибратнинг "Фарғона тарихи" асарида келтирилган пахта яккаҳокимлиги ва унинг оқибатлари ҳақидаги фикрларни бошқа мисоллар орқали тушунтириб, асослаб беринг.
10. "Дукчи эшон воқеаси" асарининг муаллифи ким?

11. 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракати тарихшунослиги масаласида ҳикоя қилиб беринг.
 12. Миллий-озодлик ҳаракати тарихшунослигига баҳо беринг.
 13. Миллий-озодлик ҳаракатининг совет даври тарихшунослигига баҳо беринг.
 14. 1916 йил кўзғолонига бағишланган тарихий асарларга тавсиф беринг.
 15. Ибратнинг «Фарғона тарихи» асарида мустамлакачилик даври қандай акс этган?
 16. Мустақиллик йилларида миллий-озодлик ҳаракати тарихининг адабиётларда акс этиши масаласини гапириб беринг.
 17. Миллий-озодлик ҳаракатининг характерини тушунтириб беринг.
 18. Миллий озодлик ҳаракатлари ва миллий истиқлол ғояси муштараклиги нимада?
-
-

9-МАВЗУ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ ХХ АСР ТАРИХШУНОСЛИГИ МАСАЛАЛАРИ



Ўқув мақсади: Совет даврида Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиши, олий ўқув юртлари, илмий марказларнинг ташкил этилиши, кўплаб етакчи олимларнинг етишиб чиқиши, 1920-30 йилларда сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги сохталиклар, воқеаларга ноҳолис муносабат, зўрлик мафкурасининг тарихни бузиб кўрсатишга таъсири масалаларини тушунтириши. Талабаларни Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ва 50-80 йиллар даври тарихи тарихшунослигининг ўзига хос хусусиятлари билан таништириши.

Таянч сўз ва иборалар: Совет тузуми, коммунистик мафкура, истиқлолчилик ҳаракати, советларга қарши қуролли кураш тарихини даврлаштириши, Хотира китоби, социалистик маданият.



Совет даврида Ўзбекистонда тарих фанининг ривожланиши.

20-30 йиллардаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаёт тарихшунослиги

1917 йил октябрь тўнтаришидан сўнг Туркистонда ҳам советларнинг мустабид тузуми ўрнатилди. Бу тузум то 1991 йил 31 августгача Ўзбекистонда ҳукмронлик қилди. Бу даврда Ўзбекистон халқлари мустақилликни қўлга киритиш учун фаол кураш олиб бордилар. Бу курашларнинг барчаси совет давлати томонидан қонга ботирилди, йўқ қилинди. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ривожланиш бир томонлама бўлиб, буларнинг барчаси марказ манфаатларига бўйсундирилди. Маданият эса мафкуравий манфаатларга хизмат қилди.


Айтиш мумкинки, собиқ совет даврида фанни ривожлантиришга ҳаракат қилинди. Кўплаб олий ўқув юртлари ташкил этилди, олий

маълумотли тарихчилар таёрлашга эътибор қаратилди. Туркистон Давлат университети, Ўрта Осиё Коммунистик университети, истпартларда тарих фани бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилди, тарихчи олимлар тайёрланди. 1919 йилда Туркистон Халқ маорифи халқ комиссарлиги қошида Архив ишлари бўйича марказий бошқарма ташкил этилди ва ҳ.к. Лекин бу кадрларнинг ҳаммаси марксча-ленинча таълимот руҳида тарбияланди. Чунки, улар тарих фанининг ривожланишига, Ўзбекистоннинг ҳолис тарихини яратишга эмас, аввало ҳукмрон коммунистик мафқуранинг мустақамланишига хизмат қилиши керак эди. Тўғри, совет ҳокимиятининг дастлабки даври (1920-йиллар)да яратилган асарларда Ўзбекистон тарихи, тарихий воқеликлар нисбатан холисроқ, ҳақиқатга яқинроқ тарзда ёритилган. Бироқ, 1920-йилларнинг охиридан бошлаб социализмнинг бутун фронт бўйлаб ҳужуми бошланди. Бу ҳужум тарих фанини ҳам четлаб ўтмади. Эндиликда совет ҳукуматига қарши ҳар қандай фикрлар қоралана бошланди.

Совет ҳукуматининг маҳаллий аҳоли хоҳиш-иродасини ҳисобга олмай, зўрлик билан ўрнатилиши, уларнинг сиёсий ҳуқуқларининг паймол этилиши ва ўйламай ўтказилган иқтисодий ўзгартиришлар натижасида Туркистон халқлари совет давлатига қарши миллий-озодлик ҳаракатига кўтарилдилар. Бу ҳаракат дастлаб "шайкалар", "бандитлар" ҳаракати деб номланган бўлса, 1919 йилнинг ўртасидан "босмачилик ҳаракати" деб аталди. Натижада Туркистон халқларининг мустақиллик учун олиб борган кураши "босқинчилар кураши" сифатида бадном қилинди. Бу тарихий воқеликка ёндашув сиёсий ва ижтимоий вазият тақозоси билан 1980-йилларнинг иккинчи ярмидан ўзгара борди ва мустақиллик шарофати билан ўзининг ҳақиқий баҳосини олди. 1994 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикаси ФА Тарих институтидаги давра суҳбатида у истиқлолчилик ҳаракати деб номланди.

1918 йил феврал охирида Фарғона водийсида бошланган истиқлолчилик ҳаракати то 30-йилларнинг ўрталаригача, қарийб 20 йил давом этди. Мана шу тарихий воқеага бағишланган том-томлаб тарихий

асарлар яратилди, қатор номзодлик ва докторлик диссертациялар ёзилди. Лекин совет даврида у "босмачилик ҳаракати" сифатида, бойларнинг, буржуазиянинг, руҳонийлар ва чет эл интервентларининг халқ манфаатларига қарши бўлган аксилинқилобий ҳаракати деб таърифланди. Истиқлолчилик ҳаракати совет тарихшунослиги ҳақида гапирилар экан, уни бир неча даврларга бўлиш мақсадга мувофиқдир. Чунки совет даврида бу муаммога турлича ёндашувлар мавжуд бўлган.



1920-йилларда яратилган Г.Сафаров, Дарвиш, Т.Рисқулов, П.Галузо ва бошқаларнинг асар ҳамда мақолаларида ҳаракат нисбатан ҳолисона ва ҳақиқатга яқинроқ ёритилган. Лекин, 1920-йилларнинг охиридан бошлаб истиқлолчилик ҳаракат бутунлай нотўғри талқин қилинган. Масалан, П.Алексеенков, Д.Манжара ва бошқалар асарлари бунга яққол мисолдир. Совет тарихшунослигининг иккинчи даврида истиқлолчилик ҳаракатига бағишлаб кўплаб тарихий тадқиқотлар яратилар экан, улар илмийлиги, фактологик материалларга бойлиги жиҳатидан ниҳоятда юқори даражададир. Лекин уларда тарихий жараёнлар бутунлай бузиб, фақат қора рангларда тасвирланди. Шунини ҳам таъкидлаш керакки, Сталин шахсига сиғиниш оқибатлари тугатила бошлангандан сўнг тарих фанида тарихий воқеаларни

холисроқ ёритиш имкони юзага келди. 1950-йилларнинг охири – 60-йилларнинг бошларида яратилган истиқлолчилик ҳаракати тарихига оид асарларда мазкур ҳаракатнинг келиб чиқиш сабаблари, уни бостиришда йўл кўйилган қирғинбаротлар ўз аксини топди. Буни А.Қўконбоев, А.И.Зевеле, Ш.Шомадиевлар сингари муаллифларнинг асарларида кўриш мумкин. Бироқ, 60-йилларнинг ўрталарига бормай, яна олдинги ҳолат ҳукмронликка ўтди ва тарих яна бузилиб ўрганила бошланди.

1980-йилларнинг ўрталарида бошланган қайта қуриш сиёсати натижасида ошкораликка руҳсат берилди. Олимларимиз шу даврда тарихимизда мавжуд "оқ доғлар"ни, жумладан советларга қарши қуроли кураш (истиқлолчилик ҳаракати) тарихини тадқиқ эта бошладилар. П.Г.Ким, М.Хасанов, А.Ақромов, И.Исоқов ва бошқалар ўз мақолаларида истиқлолчилик ҳаракатининг ҳаққоний тарихини яратишга ҳаракат қилдилар. Советларга қарши қуроли кураши (истиқлолчилик ҳаракати) тарихи асосан мустақиллик йилларида бутунлай қайта яратилди ва ўзининг ҳаққоний баҳосини олди.

1920-1930 йилларда совет давлати ва коммунистлар партияси Ўзбекистонда ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маданий соҳада туб ўзгартиришларни амалга ошириб, социалистик тузумнинг яшаши учун асос яратдилар. Бунинг учун бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўрта Осиёдаги миллий-худудий чегараланиш, саноат корхоналарини миллийлаштириш, ер-сув ислоҳоти, "Хужум" компанияси, қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, қулоқ қилиш сиёсатини, алифбони икки марта ўзгартириш, шаклан миллий, мазмунан социалистик маданиятни яратиш борасидаги ишлар шулар жумласидандир. Мазкур жараёнларнинг ҳар бири Ўзбекистонда совет даврида амалга оширилган машъум воқеалар бўлиб, улар халқимизни, республикамизни ривожлантиришга эмас, балки Ўзбекистонни марказ манфаатларига бўйсундиришга хизмат қилди.

1920-30 йилларда амалга оширилган бу тадбирлар ҳақида собиқ совет даврида кўплаб асарлар яратилди ва бу Ўзбекистонда социализмнинг ғалабасига ўзбек халқининг буюк ютуқлари сифатида баҳо берилди.

Ўзбекистоннинг Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги ва 50-80 йиллар тарихи тарихшунослиги

Совет иттифоқи иккинчи жаҳон уруши гирдобига тортилгандан кейин Ўзбекистонда ҳам ҳамма нарса ҳарбий изга кўчирилди. Ўзбек халқи уруш бошланиши билан унинг оғир оқибатларини тушуниб етди.

Уруш бутун мамлакат хўжалиги ва ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди. Ҳарбий вазият фронт орқасини мустаҳкамлаш юзасидан шошилиш чоралар кўришни талаб қилди. Фронт яқинидаги шаҳар ва қишлоқлардан юз минглаб, саноат корхоналари, ўқув юртлари, илмий ташкилотлар ва бошқа моддий бойликларни Шарққа кўчириши бошланди. Кечагина катағонлар, кулоқ қилишлар азобини тортган Ўзбекистон халқи фронт ва фронт ортида катта жасоратлар кўрсатди.

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонга эвакуация қилинган 308 корхонанинг 100 дан ортиғи ("Лентекстильмаш", "Ростсельмаш", "Красний Аксай", Москва "Электрокабель", "Подъемник", "Электрастанок" заводлари, В.П.Чкалов номи авиация заводи, Киев "Траксигнал" заводи ва бошқалар) Ўзбекистонга жойлаштирилди ҳамда қисқа муддатда ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришга мослаштирилди.

Уруш йилларида бир ярим миллиондан ортиқ ўзбекистонлик фуқаро фашизмга қарши ўтли жангларда қатнашди. (1940 йилда Республика аҳолиси 6,5 млн кишидан иборат эди). Уларнинг кўпчилиги мардлик намуналарини кўрсатиб, жанговар орден ва медаллар билан тақдирландилар.

Ўзбекистоннинг беқиёс куч ва қувватга эга бўлган бой маънавий маданияти урушнинг биринчи кунлариданоқ ваҳший фашизмга қарши курашга астойдил кўшилди. Ўзбек фани аҳлининг уруш шароитидаги изланишлари, илмий тадқиқотларининг йўналишлари фронт ва халқ хўжалиги талабалари ҳамда манфаатларига мослаштирилди, уларга

раҳбарлик қилиш собиқ СССР ФАнинг Ўзбекистон Филиали (ЎзФА) ва кейинроқ, 1943 йил 4 ноябрда унинг асосида ташкил этилган Ўзбекистон Фанлар Академияси зиммасига тушди. Бу Академиянинг биринчи президенти этиб Т.Н.Қори Ниёзий сайланди. Ижтимоий фан олимлари – тарихчилар, шарқшунослар, адабиётчилар, тилшунослар, иқтисодчилар ўз зиммаларидаги маъсулиятни англаган ҳолда, гитлерчи босқинчиларнинг ваҳшийларча сиёсатини фош қилиш унга, қарши курашишга ўз куч ва иқтидорларини сафарбар этдилар. Тарихчилар жаҳон таракқиётига салмоқли ҳисса қўшган халқимизнинг тарихини ёритувчи икки жилдли "Ўзбекистон халқлари тарихи"ни ёздилар. Урушнинг оғир шароитларида ўзбек олимларининг илмий ва амалий ишлари фронт, аҳоли ва ғалаба учун бекиёс аҳамиятга эга бўлди, халқимизнинг меҳнат фаолиятига куч-қувват бағишлади. Ўзбекистоннинг уруш йилларидаги тарихи совет даври адабиётларида кенг ёритилди. Ўзбекистоннинг иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихшунослиги ҳақида гапирилар экан, унда кўпроқ фронт ортида халқимизнинг кўрсатган жасорати кўпроқ ўрганилганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг бу давр мавзуси, бу даврни ўрганиши тўхтаб қолгани йўқ. Айниқса 1995 йилда Ғалабанинг 50 йиллиги республикамизда кенг нишонланди. Мана шу санага бағишлаб бу даврга қизиқиш ва эътибор кучли бўлди. Архив материаллари ўрганилди. Шунингдек, энг катта ишлардан бири "Хотира" китобининг нашр этилиши бўлди. Жуда кўплаб урушда бедарак кетганлар, жангдан қайтмаганлар аниқланди уруш ва фронт орти фахрийлари эъзозланди. Уларга катта ҳурмат кўрсатилди. Кўплаб музейлар янгидан-янги экспонатлар билан бойиди. Тошкентда ва кейинроқ вилоят марказларида "Хотира" майдонлари ташкил этилди. 9 май Республикамизда Хотира ва қадрлаш куни байрами мифатида нишонлана бошлади.

Уруш тугаши билан вазият ўзгарди. Ўзбекистон иқтисодиёти Иттифоқнинг ягона халқ хўжалиги мажмуи доирасида ривожланиб борди.


Марказдан туриб бошқариш республика бойликларидан метрополия манфаатларида фойдаланишга имкон берди. Саноатни мақсадга мувофиқ равишда жойлаштиришнинг зарур шарти хомашёнинг яқин бўлиши ҳисобланади. Республикада хомашё ресурслари мўл бўлса-да, улардан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган корхоналар қурилмаган эди. Пахтадан маҳсулот ишлаб чиқарувчи ип-газлама комбинатлари Россия марказида жойлашганди. Бундай тартиб маҳаллий аҳоли манфаатига зид бўлишига қарамай, келадиган даромаднинг ҳаммаси марказга тушар эди. Бундай муаммолар миллатлараро муносабатларда кескинликни юзага келтирди.

Уруш йилларида зиёлилар маълум бир эркинлик асосида ижод қилганликлари сезилган эди. Лекин, урушдан кейин мустабид тузумнинг ўзбек зиёли ижодкорларининг бу эркин ҳолатларига қарши хуружи янада авж олди. Дарҳол "тегишли" чоралар кўрилиб, бир қанча қарорлар қабул қилинди. Уларда, жумладан, тарихчи, ёзувчи ва бошқа зиёлилар “марксча-ленинча илмий таҳлил қилиш ўрнига, ўз халқларининг феодал ўтмишини улуғлаб юбордилар”, деб кўрсатилди. Бу "камчиликлар"ни текшириш ва тўғри баҳолаш учун Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси махсус комиссия тузди. Комиссиянинг фикрича, “ҳақиқатан ҳам” айрим ижодкор зиёлилар партиянинг бош йўлига зид равишда "инқилобгача бўлган ўтмишни улуғлашга, қадимий маданият қаршисида қулларга тиз чўкишга" йўл кўйганлар, деган танқидлар кузатилди.

Марказнинг дастуруламал ҳисобланган ҳужжатларида миллатлар ва элатлар тенг ҳуқуқлидир деб эълон қилинди. Бироқ, Иттифоқдаги ҳар бир халқнинг маданияти "шаклан миллий, мазмунан социалистик" бўлиши керак, деган сталинча ғайри илмий назария шундай йўл тутилишига олиб келди. Бу назарияга кўра асосан байнаминал маданият ривожланиши зарур эди.

Миллий маданиятнинг ривожланиши эса иккинчи даражали масала ҳисобланарди. 1960-йилларнинг бошларидан “шаклан миллий, мазмунан социалистик” маданият тўғрисидаги сталинча назария “маданиятларнинг гуллаб-яшнаши ва бир-бирига яқинлашуви” тўғрисидаги янги ғоя билан

алмаштирилди. У амалда миллатлар бир-бирига чатишиб кетиши керак, деган маънони англатар эди. Бу даврда бутун собиқ Иттифоқда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам жамият ҳаётидаги мавжуд муаммолар тўғрисида лом-мим дейилмади. Аксинча, халқлар “ривожланган социализм” шароитида яшаётганлиги, уларнинг бахтиёр ҳаёти тўғрисида асарлар яратилди. Бу эса, ўз навбатида, шу даврдаги ҳаққоний тарихни ўрганиш имкониятини чеклаб қўйди.



Шубҳасиз, мазкур икки мактаб намоёндалари методологияси, илмий ёндашуви ва ғоявий қарашларида намоён бўлган. Совет давридаги ижтимоий-гуманитар фанлар марксча-ленинча ғояларга асосланган ва улар кўпинча, ғарб олимларини муаммога объектив ёндашмасликда ҳамда тарихий ҳақиқатни сохталаштиришда айблаганлар. Лекин аслида тарихий муаммоларни ёритишда компартиянинг ғоявий босими таъсирида бўлган совет тарихшунослиги тарихий жараёнларни бузиб, сохталаштириб талқин қилганлар. Айнан қайта қуриш йилларида Ўзбекистон тарихининг тарихий даврлари ва кўпгина йўналишлари қайта кўриб чиқилди. Натижада тарих фанида устувор бўлган эски ғояларга зарба сифатида «Босмачилик ҳаракати» – «Миллий озодлик ҳаракати», «Октябрь инқилоби» – Туркистонга экспорт

килинган тўнтариш, жади́дчилик – миллий тараққиётпарварлик ҳаракати, «Туркистон мухторияти» эса биринчи миллий давлатчилик қурилишига уриниш, деб баҳоланди. Бу ишлар ҳақиқий тарихни ўрганиш борасида дастлабки катта қадам эди.

Мустақилликка эришилгандан кейин яратилган асарлар, илмий тадқиқотларда бу даврнинг реал тарихи яратилди ва яратилмоқда. Масалан, К.Усмонов ва бошқалар яратган "Ўзбекистон мустамлака ва мустақиллик йилларида" номли асарда собиқ совет давридаги, жумладан 1950-80 йиллар тарихи қайтадан яратилди. Шунингдек, Ўзбекистоннинг янги тарихининг 2-томида, Ўзбекистон тарихининг турли даврларига бағишланган кўплаб фундаментал асарлар, илмий тадқиқотларда ҳам худди мана шу давр объектив равишда ёритиб берилди. Хулоса қилиб айтганда, совет мустабид тузуми даврида тарих фани ҳар томонлама ривожланди. Советлар даврида тарихга оид томлаб фундаментал ишлар яратилди. Бироқ, уларнинг аксариятида воқеаликлар ўзининг холис баҳосини олмади. Бу давр тарихи бугунги кунга келиб ўзининг ҳаққоний баҳосини олмоқда.

Марказий Осиёдаги бошқа халқларнинг XX аср тарихи тарихшунослиги

Қорақалпоқ халқи тарихи тарихшунослиги. Совет даврида қорақалпоқлар ҳақида кўплаб китоблар ёзилган бўлиб, уларнинг деярли ҳаммаси ўша давр ҳукмрон ҳукумати талаби ва мафкурасига мослаштирилган. Бундай китоблар сирасига М.П.Пайзуллаева, М.М.Ниёзова, Г.Қ.Матёкубовалар тузган “Қорақалпоғистон АССР матбуоти” номли китобини киритиш мумкин¹. Ушбу библиографик кўрсаткичда 1917-1975 йилларда Қорақалпоғистонда нашр қилинган китоб, брошюра ҳамда даврий матбуот нашрлари тавсифланган. Рус ва ўзбек тилларидаги ушбу кўрсаткичда келтирилган маълумотларда ўз мафкураси акс этганини яққол хис қилиш мумкин. Умуман, автоном республикада ўша даврда нашр этилган

¹ Қорақалпоғистон АССР матбуоти (1917 – 1975 йй): библиографик кўрсаткич. Тузувчилар – Пайзуллаева М.П., Ниёзова М.М., Матёкубова Г.Х. – Т.: Ўз ССР давлат китоб палатаси. 1986. Б. 428.

адабиётларда марксизм-ленинизм ғоялари кенг тарғиб этилган. Шунингдек, атеизмни тарғиб этувчи бир қанча китоблар ҳақида маълумотлар келтирилган асарлар амалга оширилди. Уларда, жумладан, динга қарши кураш, “диний қолдиқлар ва уларнинг зиёни”, “диний қолдиқларни енгиш”, “қурбон ҳайитининг келиб чиқиши ва унинг зиёнлари” каби масалалар талқин этилди.

П.Ғоиповнинг “Қорақалпоғистонда марксча-ленинча ғояларнинг тантанаси”¹ деб номланган асарида “Илмий дунёқарашли, коммунизмнинг актив қурувчиси, социалистик Ватаннинг оташин ватанпарвари бўлган янги кишини тарбиялаш – ҳозирги шароитда партиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир”, дейилади. Шунингдек, асар ҳақида: “Мазкур тадқиқотнинг актуаллиги шундаки, у марксча ленинча таълимотнинг илмийлигини ва революцион-амалий ўзгартирувчилик ролини инкор этаётган, Совет шарқ халқларининг коммунистик қурилишда эришган жуда катта муваффақиятларини назар-писанд қилмасликка ва камситишга уринаётган ошқора ва ниқобланган ғоявий душманларимизни фoш этиш ишига хизмат қилади”, деган фикрлар қайд этилган. дейилади. Асарда ёзилишича, қорақалпоқ халқи онгига марксча-ленинча идеологияни сингдириш ва қарор топтиришда овул Советлари, “Қўшчи” союзлари, кооператив ташкилотлар ва бошқалар катта роль ўйнаган. Асарда Лениннинг Марказий Россияда қурғоқчилик ва ҳосилсизлик натижасида бошланган қаҳатчилик муносабати билан 1921 йил 2 октябрда қорақалпоқ халқига юборган “Орол денгизидаги ишчи, балиқчи ўртоқларга” деб номланган мурожаати келтирилган. Муаллифнинг қайд этишича, “дохий”нинг номаси қорақалпоғистонлик балиқчиларни илҳомлантириб юборган ва улар ўша йили Россиянинг марказий районларига 280 минг пуд балиқ жўнатганлар.

Мазкур асарда келтирилишича: “Қорақалпоғистон партия ташкилоти Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, 1920 йил халқ маорифи бўлими ҳузурида саводсизликни тугатиш бўйича фавқулодда комиссия ташкил этди, 1924 йилда эса “Йўқолсин саводсизлик!” деган жамият ташкил топди. Ана шу ва

¹ Ғоипов П. Қорақалпоғистонда марксча-ленинча ғояларнинг тантанаси. – Т.: Ўзбекистон, 1978.

бошқа чоралар натижасида 1924/25 ўқув йилида Қорақалпоғистонда 45 та умумий таълим мактаби ишлаган эди”.

Муаллифнинг қайд этишига кўра, 1925-1926 йилларда республикада 11 та сиёсий савод мактаблари ишлаб, уларда 330 тингловчи шуғулланган. Марксизм-ленинизм таълимотини ўрганувчиларга ўқув ва методик жиҳатдан ёрдам бериш учун 1932 йилда Тўрткўл шаҳрида республикада биринчи парткабинет ташкил этилган. 1939 йилга келиб эса бундай парткабинетлар сони 18 тага етган. Уларнинг ходимлари марксизм-ленинизм асослари бўйича лекциялар, партия тарихини ўрганувчилар билан кенгашлар, назарий суҳбатлар, конференциялар, коммунизм асосчиларининг асарлари бўйича консультациялар ўтказганлар. Кино, радио, кутубхона, клуб, театр, музей ва бошқа маданий-оқартув муассасалари ҳам марксизм-ленинизмни кенг ёйишнинг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилган. Умуман олганда, кўриб ўтилган асарнинг асосий мавзуси марксча-ленинча тарғиботдан иборатдир.

“Қорақалпоғистон АССР Хўжайли район халқ контроли комитетининг халқ контроли группалари ва постларига раҳбарлиги ҳақида”¹ деб номланган китобда партия ташилотларининг ўрни ва роли масалалари очиқ берилган. Унга келтирилишича, Хўжайли район халқ контроли комитети бир йил ичида давлат план ва мажбуриятларининг бажарилиши, ишлаб чиқариш самарадорлиги, бажарилаётган ишларнинг сифатини ошириш, резервларини аниқлаш ва уларни ишга солиш, социалистик мулкнинг сақланиши, давлат интизоми ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш каби масалаларига оид 81 текшириш ўтказган. 1977 йилда комитет томонидан ўтказилган текширишларда группа ва постларнинг 1800 дан ортиқ аъзоси қатнашган. Асарда ёзилишича, Хўжайли районида 16 та саноат корхонаси, 29 қурилиш, транспорт ва алоқа ташкилотлари, 4 совхоз, 8 колхоз, ўнлаб мактаб, савдо корхоналари, маиший-маданий ва медицина муассасалари ишлаб турган.

¹ Қорақалпоғистон АССР Хўжайли район халқ котроли комитетининг халқ контроли группалари ва постларига раҳбарлиги ҳақида. Мух. Н.Раҳимова, Л.И. Китман. – Т.: Фан. – С. 26.

А.Ражабовнинг “Қорақалпоғистон ССРнинг давлат тузилиши”¹ деб номланган асарида Қорақалпоғистон АССРнинг ташкил қилиниши, унинг конституцияси, давлат ҳокимиятининг олий ва маҳаллий органлари, суд ва прокуратура тизими ҳақидаги маълумотлар ёритилган. Асарда октябрь инқилоби улуғланиб, совет тизимининг қорақалпоқ халқи учун “аҳамияти” кўрсатиб берилган.

Қорақалпоғистон тарихига бағишланган яна бир асарда² Қорақалпоғистоннинг қадимги давридан то 1986 йилгача бўлган тарихи баён этилади. Асар икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда қадимги даврлардан то 1917 йилгача бўлган воқеалар ёритилади. Иккинчи қисмда 1917 йилдан 1982 йилгача бўлган воқеалар аск этирилади. Унда, жумладан, Қорақалпоғистонда социалистик инқилобнинг ғалабаси, халқ хўжалигининг тикланиши даври тарихи, таълим тизими, индустриллаштириш ва қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги тикланиш даври, социалистик жамиятнинг кейинги ривожини, шунингдек, Қорақалпоғистон АССРда маданият тараққиёти масалалари давр руҳида ўз аксини топган.

Қорақалпоқларга бағишланган яна бир асарда³ асосан Қорақалпоғистоннинг Россия империяси даври тарихи баён этилади. Совет даври тарихи қисман, асар сўнгида берилади. Асарда ёзилишича 1916-1917 йилларга келиб, Қорақалпоғистонда вазият жуда оғирлашиб кетган. Иқтисодий инқироз, очарчилик, халқ норозилиги кучайган. Россиядаги февраль буржуа-демократик инқилоби Қорақалпоғистондаги халқ озодлиги ҳаракатига туртки бўлди. Февраль воқеалари таъсири натижасида Петро-Александровск, яъни Тўрткўлда инқилобий ҳаракатлар кучайган. Большевик гуруҳлар бошчилигида солдат, ишчи ва деҳқонлар ўртасида алоқалар мустаҳкамланган, инқилобий тарғиботлар олиб борилган. Хуллас, асарда

¹ Ражабов А. Қорақалпоғистон АССРнинг давлат тузилиши. – Т.: Ўзбекистон, 1974.

² История Каракалпакской АССР (С древнейших времен до наших дней). Под ред. ак. Нурмухамедова М.К. – Т.: Фан, 1986 – С. 364.

³ Борба трудящихся Каракалпакии: Против социального и колониального гнета. Отв. ред. С.К. Камалов. – Т.: Фан, 1971. С. 152.

Қорақалпоғистонда советларнинг ҳокомият тепасига келиши тафсилотлари ёритиб берилган.

Худуд географиясига бағишланган яна бир асарда¹ Қорақалпоғистоннинг кумлари, яъни чўллари ҳақида маълумотлар берилган. Жумладан, Жануби-ғарбий Қизилқум, унинг келиб чиқиши, кумларининг тури, Амударё аллювиал худудларидаги кумлар, Зарафшон аллювиал худудларидаги кумлар, Амударёнинг чап қирғоғидаги кумлар, Жаман қуми кумлари, жанубий худудлар кумлари ва бошқа кумлар ҳақида маълумотлар берилади. Шунингдек, унда Қорақалпоғистон Қизилқумининг кумларини хўжалик учун ишлатиш йўллари ҳақида маълумотлар берилган. Асарда ёзилишича, Қорақалпоғистоннинг кумли яйловлари шимолий кумликларнинг яйловларига нисбатан анча фойдали бўлиб, ундан деярли бутун йил мобайнида фойдаланиш мумкин. Қизилқумнинг шарқий ва шимолий кумлари билан солиштирганда, Қорақалпоғистонда тоғли районлар бўлиб, бу мавсумий ем-хашаклардан фойдаланиш ва ем-хашак тайёрлаш учун қулайдир. Шу билан бирга, тоғ худудларида сув билан таъминланишнинг қулайлиги чорвачилик хўжалигини тўғри ташкил этишга имкон беради. Қайд этилишича, Амударё бўйларидаги худудларни ортиқча сувлар билан суғориш имкони мавжудлиги бу ерларда интенсив чорвачилик ва деҳқончилик хўжаликларини ташкил қилиш имконини беради. Асарда келтирилган маълумотларга кўра, Оқтоғ ёнбағрларида қоракўлчилик совхози, Кулжуктоғ, Халат, Жангилди, Тошқудуқ булоқлари яқинида жойлашган ЎзССРнинг катта қоракўлчилик совхози худуд иқтисодиёти учун муҳим аҳамит касб этган.

Шунингдек, асарда чўл ўсимликлари ва уларнинг хўжаликда ишлатилиши ҳақида ҳам маълумотлар берилади. Муаллифнинг фикрича, саксовуллар кичик Қизилқумда кам аҳамиятга эга².

¹ Қарақалпакия: пески каракалпакских кизил-кумов. Том – 2. М.: Изд. Ак. наук. 1936. С. 193.

² Ўша асар. – Б.189.

Навбатдаги асар “Каракалпакия”¹ деб номланади. Унда Қорақалпоғистон ҳудудидаги қумликлар, Қизилқумдаги геботаник қумликлар ва улардан фойдаланиш йўллари, Амударё дельтасидаги ўсимлик дунёси ва улардан фойдаланишнинг аҳамияти, Қизилқумдаги ем-хашак ресурслари, Қорақалпоғистоннинг тупроқлари ва уларнинг хўжалик характеристикаси, Қорақалпоғистондаги сув-хўжалик масалаларини комплекс ҳал қилиш, чорвачиликнинг истиқболлари, ўрмонлар, Қорақалпоғистонда маданий инқилоб, Қорақалпоқ тарихини ўрганиш бўйича материаллар, қорақалпоқ тили ва уни ўрганиш, қорақалпоқ тилининг янги орфографик қодалари каби масалалар ёритилади.

Асарда саводсизликка қарши курашиш масалалари ҳақида кўп маълумот берилган. Болаларнинг таълими, мактабгача таълим, саводсизликка қарши қилинган ишлар, Қорақалпоғистонда маданий инқилиб кадрлари, нашрчилик ва адабиётнинг ривожини, миллий санъат, лотин алифбосига ўтилиши, маданий инқилоб ва аёллар ҳақида маълумотлар бор.

Яна бир асарда² Қорақалпоғистон ҳудуди ва аҳолиси, қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, чорвачилик, ўрмончилик, балиқчилик, саноати, транспорти, алоқалари, коммунал хўжалик, республика марказидаги қурилишлар, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва кадрлар, капитал қурилиш, Қорақалпоғистоннинг бюджети ҳақидаги маълумотлар бор. Қорақалпоғистоннинг ҳудуди ва аҳолиси ҳақидаги маълумотларда ҳудуди ҳайдаладиган, ўрмон, тўқай, майдони, пичанзорлар ва яйловлар майдонлари гектар ва фоиз жиҳатдан кўрсатилган. Қорақалпоғистондаги туманлар, аҳолисининг сони, миллий таркиби, меҳнатга яроқли аҳоли ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, ҳудуд транспорти ва унинг турлари, почта алоқалари, радио тарихи масалалари ёритилган.

¹ Каракалпакия. Том – 2. Ленинград.: Изд. Ак. наук. 1934. С. 272.

² Материалы по народно – хозяйственному плану ККАССР на 1933 г. Под редакции Д.М. Логинова. Турткуль, Газжурпо 1933. – С. 43.

“Аграрная политика советской власти в Каракалпакии”¹ асари 3 бобдан иборат бўлиб, унинг биринчи бобида Хива хонлигининг қорақалпоқлар яшайдиган ҳудудларида XIX арнинг иккинчи ярмидан 1920 йилгача бўлган аграр муносабатлар ҳақида маълумот берилади. Иккинчи бобда Амударё бўлимида совет ҳокимияти ўрнатилиши ва мустаҳкамланиши давридаги биринчи аграр тадбирлар, фуқаролар уруши ва чет давлатларнинг ҳарбий интервенцияси даврида совет ҳокимиятининг Амударё бўлими қишлоқ хўжалигида амалга оширган тадбирлари ҳақида маълумотлар берилади.

Учинчи боб “Амударё областида аграр ислоҳотлар” деб номланиб, унда Амударё бўлимида деҳқон хўжалиқларининг ер тузиш тадбирлари, “Қўшчи” иттифоқи ва бошқа йирик деҳқон ташкилотларининг вилоятдаги аграр ислоҳотларни амалга оширишдаги ўрни, совет давлатининг Амударё вилоятида деҳқон хўжалигини тиклаш учун кураши ҳақида маълумотлар мавжуддир.

Навбатдаги асар Қорақалпоғистоннинг “ривожланган социализм” даври тарихига бағишланган. Унда Қорақалпоғистонда халқ хўжалигининг ривожланиши, республика меҳнаткашларининг моддий фаровонлиги ва маданий ҳаёт даражасининг ўсиши ҳақида маълумотлар берилган.

Қорақалпоғистондаги ишлаб чиқариш кучларига бағишланган яна бир асарда автоном республикасининг табиати, ресурслари, суғориш тизими, “социалистик” қишлоқ хўжалигининг ривожланиши, жумладан, ипакчилик, асаларичилик, қорақўлчилик, от етиштириш ва бошқа соҳаларга оид маълумотлар берилган.

Қозоқ халқи тарихи тарихишунослиги. Совет даврида қозоқ халқининг энг қадимги², XVI-XIX асрлардаги даври¹ ва XX асрдаги

¹ Аметов К. А. Аграрная политика советской власти в Каракалпакии. Нукус: Каракалпақстан, 1972. – С. 219.

² Исмагулов О. Этническая антропология Казахстана. Алма-Ата, 1982. 156 ст., Байпаков К.М. Средневековая городская культура Южного Казахстана и Семиречья (VI- начало XIII в) –Алма-Ата.:Наука, 1986. -256 ст., Байпаков К.М. По следам древних городов Казахстана: (Отрарский оазис) –Алма-Ата.:Наука, 1990. -208 ст., История Казахстана (с древнейших времен до начала XX века) библиографический указатель –Алматы.: Мектеп, 1988. 232 б., Байпаков К.М., Подушкин А.Н. Памятники земледельческо-скотоводческой культуры

тарихини² ёритишга бағишланган кўплаб адабиётлар яратилди. Хусусан, А.Исмагуловнинг қозоқ халқининг энг қадимги тарихига оид “Этническая антропология Казахстана” асарида қозоқ халқи антропологияси, этник қиёфасининг шаклланиши ҳақида батафсил маълумот берилади. Муаллиф қозоқларнинг антропологик жиҳатдан мўғулларга ўхшаб кетиши, юз тузилиши думалоқ, оқ-сарикдан келганлиги, гавдалари ҳам кичикрок бўлганлиги ҳақида батафсил баён этади. Шунингдек, қозоқлар кўчманчи халқ бўлиб, чорвачилик билан шуғулланишини таъкидлайди³.

К.М.Байпаков ва А.Н.Подушкинлар муаллифлиги остида нашр этилган “Памятники земледельческо-скотоводческой культуры южного Казахстана” асари ҳам қозоқ халқининг қадимги тарихига оид асардир. Унда Қозоғистоннинг қадимги шаҳарларидан Кўк Мардон, Пшук Мардон, Костобе, Мардан Куйик, Актобе, Алтинтобе, Каратобе ва бошқалар ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтилади.

южного Казахстана –Алма-Ата.:Наука, 1989. -160 ст. Байпаков К., Ерзакович Л. Древние города Казахстана. –Алма-ата.:Наука, 1971. 212 ст.

¹ Толыбеков С. Кочевое общество казахов в XIX–начале XX вв. – Алма-Ата, 1971. -138 ст, Толыбеков С. Хозяйство казахов на рубеже XIX–начале XX в. – Алма-Ата, 1980. -178 ст., Шахматов В. Ф. Казахская пастбишно-кочевая община. – Алма-Ата, 1964. -82 ст., Шалекенов У.Х. Казахи низовьев Амударьи. К истории взаимоотношений народов каракалпаки в XVIII–XX вв. – Т., 1966. 144 ст., Шаханова Н.Ж. Традиционная пища казахов как историко-этнографический источник. Автореф. дисс... канд. истор., наук. – Алма-Ата, 1987 -30 ст., Турсунова М.С. Казахи Мангышлака во второй половине XIX века. –Алма-ата.: НАУКА, 1977.-184 ст., Сулейманов Б.С., Басин В.Я. Казахстан в составе России.(в начале XVIII – XX века). –Алма-Ата.:Наука, 1981. -247 ст., Абусейтова М.Х. Казахское ханство во второй половине XVI века. –Алма-Ата.:Наука, 1985. 104 ст.

² Аргынбаев Х. Семья и брак у казахов. – Алма-Ата, 1978. 184 ст., Вотров В.В., Каунов Х.А. Материальная культура казахского народа на современном этапе – Алма-Ата, 1972. 120 ст., Масанов Э.А. Очерки истории этнографического изучения казахского народа в СССР. – Алма-Ата, 1966. 92 ст., Турсунбаев А.Б. Казахстан в революции 1905-1907 годов.–Алма-ата.: Мектеп, 1987. -88 ст., Бекмаханова Н.Е. Многонациональное население Казахстана и Киргизии в эпоху капитализма.– Москва, 1984.-С.186. Гладышева Е.Особенности формирования населения и основные проблемы использования трудовых ресурсов Казахстана.–Алма-Ата, 1967. 132 с. Донич А.Н. Народонаселение Казахстана //Народное хозяйство Казахстана.- Кзыл-Орда, 1928.- № 11-12.-С.28-29 Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. 322 ст. Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969. 298 ст. Костом народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1979. 186 ст. Материальная культура и хозяйство народов Кавказа, Средней Азии и Казахстана. – Л., 1978. 269 ст. Народы Средней Азии и Казахстана, Кн. 1. – М., 1962; Кн. 2. – М., 1962. Очерки по истории хозяйства народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. 238 ст. Поляков С.П. Историческая этнография Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. 157 ст. Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1984. 174 ст. Аргынбаев Х. Семья и брак у казахов. – Алма-Ата, 1978. 138 ст. Шахматов В.Ф. Казахская пастбишно-кочевая община. – Алма-Ата, 1964. 86 ст. Шаханова Н.Ж. Традиционная пища казахов как историко-этнографический источник. Автореф. дисс... канд. истор., наук. – Алма-Ата, 1987. 29 ст.

³ Исмагулов О. Кўрсатилган асар. С. 49-53.

М.Х.Абусетованинг “Казахское ханство во второй половине XVI века”¹ асари Қозоқ хонлиги хақида батафсил маълумот берувчи асар ҳисобланади. Унда ёзилишича, Жонибек ва Гирейлар 1468 йил Абулхайрхон вафотидан сўнг тахтни эгаллаб, Қозоқ хонлигига асос солишади. Муаллифнинг келтиришича XV аср ўрталари ва XVIII асрда Қозоқ хонлиги ягона сиёсий бирлашма ҳисобланган. Қозоқ хонлигининг гуллаб яшнаши Қосимхон (1511-1521) ҳукмронлиги даврига тўғри келади. Ундан сўнг тахтни Ҳақназар (1538-1580) эгаллайди. Унинг даврида давлат ҳудудлари кенгаяди. Шиғай (1580-1582), Таваккал (1582-1598) ҳукмронликлари даврида ҳам Қозоқ хонлиги ўзининг қудратини йўқотмаган эди. Ҳатто 1594 йилда Таваккал Қулмуҳаммад бошчилигида Россияга элчилар юборилган. Мамлакат ҳудудларини кенгайтиришга ҳаракат қилинган.

Б.Сулейманов ва В.Баасинларнинг “Казахстан в составе России. (в начале XVIII – XX века)” асарида ёзилишича, XVIII аср бошларида Қозоқ хонлигида оғир сиёсий вазият ҳукмрон эди. Чунки, жунғорлар бу юртга ҳарбий юришларни амалга ошира бошлаган эдилар. Уларнинг шиддатли юришлари асосан 1710 йилдан бошланган эди. 1723 йилда жунғор-қозоқ урушларидаги вазият ыозоы халыи учун ёмон томонга ўзгарган.

Қозоқ халқини қириб ташлашга қаратилган “оғир кулфат йиллари” уларнинг хотирасида “Ақ табан шубиринди” деган ном остида сақланган. 1728 йил баҳорда Улутов тизмаларидаги Буланти ва Белеут дарёлари оралиғидаги Қорасияр деган жойда жунғорлар билан қозоқлар ўртасидаги жанг қозоқларнинг ғалабаси билан якунланган. Жунғор-қозоқ урушлари ва оқибатда қашшоқлашиш қозоқ хонларини Россияга мурожаат қилишга ундаган².

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида баъзи олимлар XX асрнинг 20- йиллари воқеаларигача бўлган қозоқлар хақидаги адабиётларни муносиб баҳолашга уринган бўлсалар-да, бу вазифани уддалай олмадилар.

¹ Абусейтова М.Х. Казахское ханство во второй половине XVI века. –Алма-Ата.:Наука, 1985. -104 ст.

² Сулейменов Б.С., Басин В.Я. Казахстан в составе России в XVIII — начале XX века. Алма-Ата: Наука, 1981.С.78-80.

Шулар жумласига 1920 йил матбуотида қайд этилган, айтарли даражада муваффақиятли бўлмаса-да, бунга биринчилардан бўлиб уриниб кўрган А.П.Чулошниковнинг¹ асарини келтириб ўтишимиз мумкин. Мазкур асар қозоқ халқининг тарихига бағишланган дастлабки совет илмий адабиётлари қаторига киради.

Яна бир муаллиф, В.В.Востров² мўғул босқини Қозоғистоннинг жанубида кўпгина шаҳар ва ўтроқ аҳолини вайрон қилиб, ўлканинг ишлаб чиқариш кучларига путур етказганлигини, кўп сонли маҳаллий қабилаларнинг аралашуви ва бир-биридан ажратилиши, улар ўртасидаги этник, иқтисодий ва маданий алоқаларнинг йўқолишига олиб келганлигини таъкидлайди.

М.Вяткин 1941 йилда Олмаотада нашр қилинган “очерклар”ида³ Қозоғистоннинг географик жиҳатидан ташқари, сиёсий ва иқтисодий ўзига хослигини кўрсатиб ўтади.

И.М.Забелиннинг Қозоғистон ССРга бағишланган китобида⁴ Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланиш натижасида ташкил этилган Қозоғистон ССРнинг табиий шароити, аҳолиси, хўжалиги, маданияти ва соғлиқни сақлаш ишлари, йирик шаҳарлари тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

“Хозияство казахов на рубеже XIX-XX веков” асари⁵ қозоқ халқининг хўжалик ҳаётини ёритиб берувчи энг муҳим манбалардан бири бўлиб, унда чорвачилик қозоқларнинг асосий машғулоти эканлиги айтиб ўтилади.

Умуман олганда, совет даврида қозоқ халқи тарихи, этнографияси, хўжалик ҳаёти, ижтимоий-иқтисодий ҳолати ва бошқа республикалар билан алоқларига оид илмий адабиётлар вужудга келди. Улар орқали қозоқ халқининг энг қадимги даврларидан то мустақилликка қадар бўлган

¹ Чулошников А.П. Очерки по истории казахо-киргызского народа в связи с общими историческими судьбами других тюркских народов. –М.:НАУКА, 1924. – С. 298.

² Востров В.В. Родоплеменной состав и расселение казахов (конец XIX - начало XX в.). – Алма-Ата.: 1968. С. 49-53.

³ Вяткин М. Очерки из истории Казахстана. – Алма-Ата.: 1941. С. 84.

⁴ Забелин И.М. Қозоғистон ССР. Т.: Ўздавнашр, 1962. 88 б.

⁵ Хозияство казахов на рубеже XIX-XX веков. Алма-ата: Наука, 1980. 256 ст.

тарихини билиб олиш мумкин. Аммо, совет даврида яратилган адабиётларга хос хусусият шундаки, улар коммунистик мафкурага ёндашган ҳолда ёзилган, яъни совет даври кўкларга кўтарилган, коммунизм ғояси илгари сурилган ва ҳоказо. Шунинг учун ҳам биз ушбу адабиётлардаги аниқ ва ҳақиқатга яқин маълумотларни ўрганишимиз, таҳлил қилишимиз, бошқа илмий адабиётлар билан қиёслаб, танқидий жиҳатдан ўрганишимиз керак бўлади.

Тоҷик халқи тарихи тарихиунослиги. XX асрда тоҷик халқи тарихига бағишланган кўплаб адабиётлар яратилди. Хусусан, “Жанубий Тоҷикистондаги ўзбек шевалари”¹ асарида ёзилишича, тоҷик тилидаги илк ёзма ёдгорликлар IX асрларга мансуб. Тоҷикистон Республикасида 1929 йилгача араб, 1940 йилгача лотин, 1940 йилдан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланилади. Тоҷиклар асосан ислом динининг сунний мазҳабига, Бадахшон воҳаси аҳолисининг аксарияти эса шиа мазҳабининг исмоилия оқимига эътиқод қилади. Йирик шаҳарлари Душанба, Хўжанд, Қўрғонтепа, Кўлоб (Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган вилоят; қадимда Хутталон (Хатлон), XVI асрдан Кўлоб номи билан маълум; XVI – XVIII асрларда Балх хонлиги таркибига кирган. Ғарбда Вахш ва Қубодиён, шарқда қирғиз ерлари билан туташ), Уструшона, Хоруғ ва бошқалар. 1925 йилда Тоҷикистонни ҳамда ундан ташқарида яшаётган эроний халқларни ўрганиш жамияти тузилди. Унга рус олимлари А.А.Семёнов, М.С.Андреев ва бошқалар киритилди. Жамият томонидан қатор илмий экспедиция ташкил этилиб, тоҷик халқи тарихи, археологияси, этнографияси ва антропологиясига доир қатор асарлар нашр қилинди. Г.Ф.Дебеснинг “Антропологические исследования узбеков, туркменов, хазара, таджиков, персов и белуджей”² асарида ёзилишича, тоҷикларнинг келиб чиқиши милоддан аввалги II минг йилликнинг охири – I минг йилликнинг бошларига тўғри келади. Бу даврда Марказий Осиёга Евросиёдан эроний тилларда сўзлашувчи қабилалар келиб,

¹ Жанубий Тоҷикистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: 1968. Б. 20.

² Debes G.F. Антропологические исследования узбеков, туркменов, хазара, таджиков, персов и белуджей / ПОАИА. Вып. 6. 1968.

туб маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Тожиклар шаклланган ҳудудда (Бақтрия, Суғдиёна, Фарғона) дехқончилик билан шуғулланган элатлар билан биргаликда кўчманчи шаклар ҳам яшаган. Милоддан аввалги II асрда Бақтрияга юечжилар ва шак қабилалари бостириб кириб, қудратли Кушон давлатига асос соладилар. Тадқиқотчиларнинг фикрича, тожикларнинг аجدодлари сак-массагет қабилаларига бориб тақалади. Даврлар ўтиши билан бу қабилаларга янги уруғ-қабилалар аралашиб кетган. Суғдийлар, парканаликлар, қисман тохарлар тожик халқининг шаклланишида иштирок этганлар. Юнон-македонлар, юечжилар, хионийлар, кидорийлар, эфталийлар, “оқ хуннлар”, сўнгра туркий қабилаларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Араблар ҳукмронлиги даврида, Сомонийлар давлати ташкил топган вақтга келиб (яъни, IX-X асрларда) тожик халқи шаклланган. Ҳозирги тожик тили Сомонийлар ҳукмронлиги даврида қадимги суғд ва бақтрия тили асосида вужудга келган. Ўша даврда тожикларнинг адабий тили (дорий) пайдо бўлди. Масалан, И.М.Оранскийнинг¹ ёзишича, тоғ олди ва тоғ минтақаларининг суғориладиган ерларида тамаки, Ҳисор ва Вахш водийларида ёронгул экилади. Цитрус мевалар етиштириш ҳам яхши йўлга кўйилган. Тожиклар чорвачилик билан ҳам шуғулланганлар. Тожикистон Республикасининг барча ҳудудларида, айниқса, тоғ ён бағирларида чорвачилик ривожланган: қорамол, қўй, эчки, парранда, йилқи боқилади. Ўт-ўлан кўкариши билан чорва молларини яйлов, ўтлоқларга олиб чиқиб кетганлар. Чорвадор тожикларнинг аёллари биргалашиб, навбатма-навбат сигир боқишиб, куви пиширганлар. Куви ёғи, қурут тайёрланган, куви тожикларда ҳар хил кўринишда бўлган: гуппи, тугл, кул (чагдек). Б.Х.Каримишевнинг² қайд этишича, 1924 йилда Ўрта Осиё миллий ҳудудий чегараланиш комиссияси материалларида ўрганилаётган ҳудуддаги ўзбек ва тожик тилли этносни алоҳида ажратиб кўрсатилган. Унда тожик тилли

¹ Оранский И.М. Таджикиязычные этнографические группы Гиссарской долины (Средняя Азия). Этнолингвистические исследования. – М. 1983.

² Кармышева Б.Х. Узбеки-локайцы Южного Таджикистана. ТИИАЭ АН Тадж.ССР. Сталинабад. 1954. Т. XXVIII. Вып. 1. С. 111 – 120.

чиғатойлар ҳақида ҳам гапирилиб, улар чиғатой мўғуллари билан аралашган тожикларнинг авлодларидир, деган хулосага келинган. Ўз вақтида қатор тадқиқотларда ҳам тожиклар хусусида айнан мана шундай фикрлар билдирилган. Маълумки, Чингизхон забт этган ҳудудларни ўз ўғилларига улус сифатида бўлиб берган. Жумладан, Мовароуннаҳр унинг катта ўғли Чиғатойнинг мулки ҳисобланган. Мўғуллар босқинига қадар, бу ерда яшаган ва маданияти анча юксак бўлган маҳаллий ўтроқ аҳоли икки тилда – туркий ва форсий тилларида гаплашган. Шунингдек, Чиғатой улуси ҳудудларида яшаган тожик тилли аҳоли ҳам ўзбекларгача бўлган туркий аҳоли билан бир қаторда чиғатой номи билан аталганлигини тадқиқотчиларнинг ишларида кўришимиз мумкин. Тадқиқотчи Б.Х.Кармишевнинг тадқиқотларида маҳаллий халқ воҳанлар ва шўғнонлар номи билан ўрганилган. Олима таъкидлаб ўтганидек, Мовароуннаҳрнинг Кўлоб, Ўратепа ва Хўжанд ҳудудларида яшовчи ўтроқ аҳолиси Темурийлар давлати тарих саҳнасидан кетганидан сўнг ўзларини шу ном билан, яъни тожиклар деб атай бошладилар. Кармишева фикрича тожикларнинг аجدодлари сак-массагет қабилаларига бориб тақалади. Даврлар ўтиши билан бу қабилаларга янги уруғ-қабилалар аралашиб кетган. Суғдийлар, парканаликлар, қисман тохарлар тожик халқи шаклланишида иштирок этган. Юнон-македонлар, юечжилар, хионитлар, кидарийлар, эфталитлар, “оқ хуннлар”, сўнгра туркий қабилаларнинг бир қисми маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Араблар ҳукмронлиги даврида, Сомонийлар давлати ташкил топган вақтга келиб (IX - X асрларда) тожик халқи шакллана бошлаган. Ҳозирги тожик тили Сомонийлар ҳукмронлиги даврида қадимги сўғд ва бактрия тили асосида вужудга келган. Ўша даврда тожикларнинг адабий тили (дарий) пайдо бўлди. Сўғдий аҳоли, ўз тили ўрнига тожик тилида гаплашадиган бўлиб қолади. Тожиклар яшаётган ҳудудларда тожик тили, бошқи шарқий эроний тилларни сиқиб чиқара бошлайди. IX аср охири – X аср бошларида тожик халқи этник таркибига кирган барча гуруҳларнинг умумий ва ягона тили бўлиб қолади. Дехқончилик жанубий ҳудудларда, шунингдек Тожикистон ерларида тез-тез

курғоқчилик сабабли қатъий бўлмаган. Шу сабабли камбағал деҳқонлар маълум даражада чорвачиликка ҳам таянганлар. Бу аҳоли гуруҳи кенг водийларда хайдов-яйлов чорвачилигини шоликорлик билан қўшиб олиб борганлар. Бир қадар қурғоқ ҳудудларда туячилик ҳам ривожланган. Бу хўжалик-маданий типиди фақат бой чорвадорларнинг чорвачилиги юқори товар характерланади.

А.Мухитдиновнинг тадқиқотида¹ ёзилишича, 1917 йил 7 апрелда Бухоро Аркининг катта биносида амалдорлар, рухонийлар, Россия вакиллари, Бухоро ва Туркистон жамоатчилиги вакиллари йиғинида, шунингдек, Олимхон иштирокида амир фармони (манифести) эълон қилинган. Пойтахтда обрўли арбоблардан иборат маҳкамани тузиш, амалдорлар, уларнинг даромадлари устидан назорат ўрнатиш, солиқлар тизимини тартибга солиш, давлат бюджетини жорий қилиш, саноат, тижорат, маърифат ривожланиши учун қайғуриш ваъда қилинган. Амир манифестининг эълон қилиниши, 8 апрелда демократик ва консерватив лагерларнинг кўчага чиқишига сабаб бўлди. Демократик доиралар амир манифестига мамлакатда тинч йўл билан прогрессив ўзгаришларни амалга ошириш учун дастлабки қадам, деб қараганлар.

1980-йилларнинг охирида Душанбеда чоп этилган асарда² ҳам мавзуга оид маълумотлар таҳлил қилинган. Шу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, XIX асрнинг охири – XX аср бошларида Ҳисор беклигида ўртача бир таноб ерга 2-2,5 пуд ғалла экилиб, 33 пудгача, экилган арпанинг 2 пудидан 25 пудгача ҳосил олинган. Воҳанинг дарё олди ҳудудларида деҳқончилик соҳасида шоликорлик етакчи мавқега эга бўлган. Буни Панж ёқаларида жойлашган Хўжамулки каби қишлоқлар мисолида кўриш мумкин. Ҳисор водийсининг тоғ ва тоғ олди ҳудудлари ҳамда текислик жойларида ёнғоқ, олма, бодом, анор, шафтоли, ўрик каби кўплаб мевали дарахтлар ўсган. Хусусан, Кўлоб беклигига қарашли Дарбанд қишлоғида хонлик ҳудудида машҳур бўлган

¹ Мухитдинов А. По Восточной Бухаре // Народное хозяйство Средней Азии. Ташкент: 1924. № 2-3.

² К вопросу о культовом значении конных игр в Средней Азии // Прошлое Средней Азии (археология, нумизматика и эпиграфика, этнография). Душанбе 1987.

анорлар етиштирилган. Тоғли ҳудудларда узумчилик кенг тараққий этган. Полизчилик соҳаси ўзига хос тарзда ривожланган бўлиб, қовун ва тарвузлар етиштирилган. Шунингдек, сабзи, қовоқ, пиёз каби бошқа полиз экинлари ҳам етиштирилган. Воҳада суғориладиган ерларда беда, маккажўхори, шоли каби экинлар билан бирга пахта ҳам етиштирилиб, даврлар ўтиши билан пахта майдонлари кенгайиб борди.

Туркман халқи тарихи тарихишўнослиги. XIX асрнинг 80-йилларидан бошлаб Россия империяси туркман халқларини бўйсундиришга қаратилган ҳаракатларни бошланди. Туркменистон ССР ФА археология, этнография ва тарих институти 1960 йилда барча илмий-архив материаллари тўплами Россия тасарруфига киритилди¹. Бунда туркман қабилаларининг келиб чиқиши собиқ подшо Россияси даврига тақалади, деб ҳисобланди.² Тўпланган архив материалларида XVIII – XIX асрларда Туркменистон ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар тарихи акс этган³. Россиянинг Ўрта Осиё билан қизиқиши ортиб борган. XVI асрдан ўрта осийлик савдогарларнинг қарвонларининг Шарқий Европа билан савдо-сотик ишларида Бухоро ва Хива элчиларининг аҳамияти ортиб борган. Осиёни Европа билан боғлайдиган энг муҳим савдо йўллари туркман яшайдиган Устюрт платоси ва Манғишлоқ яриморали ҳудудларидан ўтайдиган бўлди⁴.

Л.В.Ошаниннинг асарида⁵ туркман қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, келиб чиқиши тарихи, антропологияси акс эттирилган. Унда туркман халқининг келиб чиқиши ва антропологияси, ушбу халқнинг шаклланишида қадимги халқлар (саклар, скифлар, массагетлар, сарматлар, туркий қабилалар ва бошқа халқлар) муҳим роль ўйнаганлиги ҳақидаги

¹ “Присоединение Туркмении к России (сборник архивных документов)” А., изд-во АН ТССР, 1960, 823 стр.

² Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России: Вторая половина XIX в. - начало XXI в. тема диссертации и автореферата по ВАК 07.00.09, доктор исторических наук Брежнева, Светлана Николаевна М.: 2005. Б.17.

³ Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России: Вторая половина XIX в. - начало XXI в. тема диссертации и автореферата по ВАК 07.00.09, доктор исторических наук Брежнева, Светлана Николаевна М.: 2005. Б.1.

⁴ Карриев А., Мошкова В.Г., Насонов А.Н., Якубовский А.Ю. Очерки из истории туркменского народа и Туркменистана в VIII – XIX вв. Под редакцией А. Ю. Якубовского, А., 1954, стр. 51-56

⁵ Ошанин Л.В. Некоторые дополнительные тайны к гипотезе скифо – сарматского происхождения туркмен.// Изв.Среднеазкомстариса. – Ташкент, 1928. – Вып.3.

фикрлар учрайди. Л.В.Ошанин туркман қабилари антропологияси ҳақида фикр билдираётганда бу қабилаларнинг этнографияси, этногенези ва этник тарихининг муаммовий ҳолатларига тўхталиб ўтган. Асарда туркманларнинг қадим тарихига бир қанча этнографик маълумотлар учрайди.

Туркменистон ва Россия ўртасидаги XVIII-XIX асрлардаги дипломатик алоқалар совет тарихчи олимлари томонидан ёритилган. Бу ҳақида В.В.Бартольд¹ (Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа. В сб. Туркмения, т 1, 1929) ва Л.С.Берглар² маълумот берганлар.

Туркман-рус алоқалари тарихига бағишланган илк тадқиқотлар совет ҳуқуқронлиги йилларида эълон қилинди. Жумладан, 1939 йилда “Красный архив” журналида XVIII асрдаги туркман-рус алоқаларига оид ҳужжатлар нашр қилинди³. Уларда Россиянинг туркманлар билан савдо ва дипломатик алоқалари ҳақида узук-юлуқ маълумотлар берилган⁴.

А.А.Ромаскевичнинг тадқиқотида⁵ туркманларнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий тарихига оид маълумотлар келтирилган. Унда, жумладан, туркманларнинг Эрон ҳудудидаги ерлари, хўжаликлари, бу ерга келиб ўрнашиш сабаблари баён этилган. А.А.Ромаскевич туркманлар қабилаларининг антик, ўрта асрларда номларини ҳам айтиб ўтади. Мазкур асарда Эрон манбалари асосида туркман халқларининг этноними, этник тарихи ва сиёсий тарихи хусусидаги маълумотлар ёритилган.

Г.И.Карпов ўзнинг монографиясида⁶ эсенханлар – ўтов туркманлари ҳақида маълумот берар экан, уларнинг ўзига хослигини ёритиб ўтади. Асарда туркманларнинг моддий маданиятига оид маълумотлар билан бирга, эсенхан туркманларининг келиб чиқиш тарихи масаласи ҳам талқин этилган.

¹ Бартольд В.В. Очерк истории туркменского народа. В сб. Туркмения, т.1, 1929.

² Берг Л.С. История исследования Туркмении. В сб. Туркмения, т 1, Л., 1929

³ Из истории сношения России с туркменами в XVIII в. (документы 1744-1778 гг.) “Красный архив” т. 2, 1939.

⁴ Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России: Вторая половина XIX в.- начало XXI в. тема диссертации и автореферата по ВАК 07.00.09, доктор исторических наук Брежнева, Светлана Николаевна М.: 2005. Б.3

⁵ Ромаскевич А.А. Персидские источники по истории туркмен и Туркмении X – XV вв. МИТТ 1-том. Москва - Ленинград, 1939.

⁶ Карпов Г.И. О туркменах эсенхановского юрта. - “Изв ТФАН СССР” Ашхабад, 1946. № 3-4

1863-1865 йилларда Қодир-мамедхон Ашур отада денгиз портида командир томонидан репрессияга учраган ва шунинг учун Челеккен ороли учун Кавказ ва астраханлар ҳукмронлигига қарши бир неча марта қарши чиққан¹. Бу ҳужжатларда рус-туркманлар ўртасида қадимдан маданий алоқалар борлиги таъкидланган.

Яна бир тадқиқотчининг фикрича, XIX асрнинг рус зиёлилари орасида "туркман болалари учун рус ва турли шарқ тилларида мактаб" ташкил қиладиган кишилар бор эди².

Шуни таъкидлаш лозимки, совет давригача ёзилган манбалар муаллифларнинг шахсий тажрибаларини акс эттирган ва илмий характерга эга эмас. Бу даврдаги хотиралар қимматли манбалар ҳисобланади.

Совет даври ва ҳозирги пайтда яратилган деярли барча асосий ҳарбий жанрлар воқеалари Россиянинг "Россия Ахборотномаси", "Россия ўйлари", "Европа Хералд", "Тарихи Расулуллоҳ", "Россия архиви", "Ҳарбий тарих ахборотномаси" журналларида чоп этилган. Бу даврга оид хотираларда русларнинг барча йирик ҳарбий ҳаракатлари (Оқмасжид, Тошкент, Самарқандга юришлар), 1873 йилги Хива юриши, биринчи ва иккинчи Ахалтекин экспедициялари ҳақида маълумотлар берилган.

Академик В.В.Бартольд Туркистон тарихига оид маълумотларни ўз асаарида таъкидлаб ёритган³. Бу мазу бўйича совет тарихшунослигининг дастлабки босқичи 1917 йилдан XX асрнинг 30-йилларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр шуниси билан характерланадики, 1917 йил Октябрь инқилобигача тарихчилар томонидан яратилган асарлар "дворян-буржуа"

¹ Промышленное значение Челекена до присоединения к России, история развития его нефтяных разработок, характер социальных отношений показаны в статье Б.А.Литвинского "К истории добычи полезных ископаемых на Челекене (до русского завоевания)". Қаранг: Материалы ЮТАКЭ, вып. 1, Ашхабад, 1949.)

² Брежнева С.Н. Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России: вторая половина XIX в. - начало XXI в. Автор. дисс. д-ра ист наук. М., 2005.

³ Бартольд В.В. История Туркестана (Конспект лекций). Ташкент, 1922; Шу муаллиф. История культурной жизни Туркестана. ПгД., 1927; Шу муаллиф. История изучения Востока в Европе и России. Л., 1925; Шу муаллиф. Сочинения. М., 1963-1977

типида ёндашувни англатади. Бу борада М.Н.Покровскийнинг катор асарлари чоп этилган¹.

А.Л.Поповнинг Ўрта Осиё муаммоларига бағишланган монографияси² Россия империясининг босқинчилик сиёсатини ўзида мужассамлаштирган. Муаллиф русларнинг Туркистон ўлкасига кириб келиши сабабларини сиёсий ва иқтисодий сабаблар билан боғлайди. А.Л.Поповнинг мақоласи Ўрта Осиё муаммоларига тўғри ёндашувни ўзида акс эттиради³.

Г.Ҳидоятлов, Н.Халфиннинг асарларида Марказий Осиё термини ва унинг худудлари борасидаги маълумотлар берилган⁴.

М.Абидова ўзининг диссертациясида⁵ XV асрда ҳозирги Озарбайжон, Қора денгиз қирғоқлари худудларида пайдо бўлган икки туркман давлатларидан бири – Окқуюнлилар ҳақида батафсил маълумотлар беради. Мазкур номзодлик ишида туркман қабилаларининг ўрта аср даври тарихи, давлатчилик асослари, сиёсий-ижтимоий ва маданий тарихи тўғрисидаги изланишлар натижалари келтирилган Ушбу тадқиқот мазмунида ҳам совет мафкураси руҳи устунлиғни кўриш мумкин.

А.Карриев, В.Г.Мошкова, А.Н.Насонов, А.Якубовский ўзларининг монографияларида⁶ VI – XIX асрлар давомида ҳозирги Турманистон худудида яшаган туркий қабилалар, шунингдек, туркман қабилаларининг келиб чиқиши, этнографияси масалаларини ёритиб, бу халқнинг шаклланишида ўғуз қабилаларининг кучли таъсир этганлигини таъкидлаб ўтганлар.

¹ Покровский М.Н. Дипломатия и войны царской России в XIX столетии. М., Красная Новь, 1923; Шу муаллиф. Марксизм и особенности исторического развития России. Собрание сочинений, 1922-1925. М., Прибой, 1925; Шу муаллиф. Русская история с древнейших времен. Т.А. М.-Л., 1925.

² Попов А.Л. Из истории завоевания Средней Азии. //Исторические записки. 1940. Т.9; Его же. Борьба за среднеазиатский плацдарм. // Исторические записки. 1940. Т.7; Шу муаллиф. От Босфора к Тихому океану. // Историк-марксист. 1934. №3.

³ Историография проблемы присоединения Туркестанского края к России: Вторая половина XIX в.- начало XXI в. тема диссертации и автореферата по ВАК 07.00.09, доктор исторических наук Брежнева, Светлана Николаевна М.: 2005. Б.26

⁴ Хидоятлов Г.А. Моя родная история. Ташкент, 1990. С.8; Халфин Н.А. Политика России в Средней Азии и англо-русское соперничество. 1857-1876. Дис. д-ра ист.наук.,1961. С.5.

⁵ Абидова М. Государство Ак-Куюнлу в Иране во второй половине XV века (XV асрнинг иккинчи ярмида Эрондаги Окқуюнлилар давлати). Автореферат канд.дис. Ленинград 1953

⁶ Карриев А., Мошкова В.Г., Насонов А.Н., Якубовский А. (Очерки из истории туркменского народа и Туркменистана в VII – XIX вв. Ашхабад,1954.

А.А.Росляковнинг асарида¹ туркман қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, келиб чиқиши тарихи акс эттирилган.

Академик В.В.Бартольд² ҳам туркман халқи тарихи тўғрисида ўзининг асарларида келтириб ўтади. Бу китоб юқоридаги бошқа асарлардан фарқли жихати шуки, унда мафкуравий жихатлар акс этмаган ва бир томонлама ёндашув учрамайди. В. Бартольд ўзидан олдинги барча муаррихларнинг асарларини ўрганиб, илмий-тарихий хулосалар чиқаради.

Г.П.Василеванинг асарида³ ҳам туркман халқининг этнографияси, этногенези ва этник тарихига оид маълумотлар ҳамда фактик материаллар келтирилган. Тадқиқотчи В.Бартольд ва бошқаларнинг асарларидан фойдаланган ҳолда ўз хулосаларини берган. Асарда туркманларнинг қадим тарихига доир этнографик маълумотлар таҳлил этилган.

Х.Агаевнинг асарида⁴ Ўрта Осиё худудларининг босиб олинishi даврида Каспийбўйи туркманларнинг руслар билан иқтисодий-сиёсий алоқалари баёни берилган. Собиқ СССР даврида ёзилган ушбу китоб ҳам мафкуравий ёндашувлардан холи эмас.

А.Джикиев⁵ XVI-XX аср бошларида туркман салор қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, келиб чиқиши тарихига оид масалаларни ўрганган.

Я.Р.Винников эса ўз асарида⁶ Чоржуй туркман қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, келиб чиқиши тарихини акс эттирган.

О.Амантыев асари⁷ Туркменистон ва туркман халқи тарихи тарихшунослиги ҳақида бўлиб, унда XVIII асрда Муҳаммед Козим томонидан ёзилган “Наме-йи алам ара-йи Надири” манбаси ҳақида сўз

¹ Росляков А.А. Происхождение туркменского народа. Ашхабад, 1962.

² Бартольд В.В. Очерки истории туркменского народа. (Туркман халқининг келиб чиқиши тўғрисидаги очерклар) Сочинение. 2 – том. 1 – қисм. Москва 1963.

³ Василева Г.П. Этнографические данные о происхождении туркменского народа. Советская этнография. (Туркман халқининг келиб чиқишига оид этнографик маълумотлар) Совет этнографияси. Москва 1963. №2

⁴ Агаев Х. XIX асрда Каспийбўйи туркманларининг Россия билан алоқалари (Чор Россияси томонидан кўшиб олинishiга қадар) Ашхабад, 1965.

⁵ Джикиев А. К истории расселения туркмен – салыров в XVI – начале XX веке. В книге.: Исследования по этнографии туркмен. Ашхабад. 1965.

⁶ Винников Я.Р. К этнической истории туркменского населения Чарджоуской области. ВСЕИИ, Ашхабад 1967 // Проблемы этногенеза туркменского народа. – Ашхабад, 1977.

⁷ Амантыев О.Очерки истории огузов и туркмен Средней Азии IX-XIII веков (IX-XIII асрларда Ўрта Осиёнинг туркман ва ўғуз қабилалари тарихий очерклари) Ашхабад. 1969.

боради. С.Г.Агаджановнинг китобида (Туркмен дилинин емрели диалекти барада кабир тарыхы – этнографики ва лингвистик маълуматлар. – “Изв. АН ТССР Сер.оюшеств. наук”, 1972, №2.) ўрта асрларда Ўрта Осиё ўғуз ва туркман қабилалари тўғрисида тўлиқ тафсилотлар берилди. Чунки, биз биламизки, ўғузлар бу дунё халқларининг аجدодларидан бири сифатида баҳоланади. Марказий Осиё халқларидан бўлган туркманларнинг этногенезида муҳим роль ўйнаган. С.Г.Агаджанов ҳам IX-XIII асрларда туркманларнинг (шу даврда ўғузлар деб юритилган) тарихи, турмуш тарзи, хўжалиги, анъаналарини ёзиб қолдирган. Д.Худайбергенонинг асарида туркман қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, келиб чиқиши ва ҳозирги адабий тилининг келиб чиқиш тарихи акс эттирилган. Муаллиф туркман қабиларининг шевалари ҳақида фикр билдирган.

М.Аннанепесов ўзининг монографиясида¹ XVIII – XIX асрлар давомида ҳозирги Турманистон ҳудудида яшаган туркий қабилалар, шунингдек туркман қабилаларининг келиб чиқиши, этнографияси, қайси меҳнат тармоғи билан шуғуллангани, бу халқнинг хўжалиги шаклланишида ўғузлар қабилаларининг қанчалик кучли тасир этганларини таъкидлаб ўтиш даркор. Шундан кўринадики, бу асар ҳам туркманларнинг келиб чиқиши даврининг аниқлиги, қайси қабилалар туркманларнинг этногенезида иштирок этгани, давлатчилик белгилари ҳам туркманларда қадим даврларга боришини таъкидлаш лозим. Асарда туркманларнинг қадим тарихига оид бир қанча этнографик маълумотлар бирга уларнинг машғулоти учрайди.

Х.Юсуповнинг асарида² XIV-XV асрларда туркман қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, келиб чиқиши тарихи акс эттирилган.

XIX-XX асрларда Шарқий Туркистон ва Тибет халқлари тарихи тарихишunosлиги. Шарқий Туркистон ва Тибет халқларининг XIX-XX асрлардаги ҳаётини ёритиб беришда Л.А.Чвырьнинг³ асари муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, асарда ёзилишича, уйғурлар савдо-сотиқ ишларида,

¹ Аннанепесов М. Хозяйство туркмен в XVIII – XIX вв. – Ашхабад, 1972.

² Юсупов Х. Приузбойкие туркменского племени XIV – XV вв. – Ашхабад, 1975.

³ Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – XX в. Очерки историко-культурных связей. – М.: Наука, 1990. – 301 с.

хусусан, ташқи савдо алоқаларида фаол бўлганлар. Қашқарда тўқилган матонинг 81%и Ўрта Осиёга юборилган. Гарчи ипак ва ярим ипак матолар Шарқий Туркистонда ҳам ишлаб чиқарилган бўлса-да, бироқ уларнинг сифати унча юқори эмас эди.

Осим Боқий Ўғлининг уйғурлар тарихига бағишланган “Уйғурлар” асари кичик ҳажмли рисола ҳисобланади.

Алихонтўра Соғунийнинг “Туркистон қайғуси”¹ асарида XX аср бошларида Шарқий Туркистондаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ёритиб берилган.

М.Абдуллаевнинг “Хитой инқилоби тарихидан парчалар” асарида коммунистик жамиятларнинг мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳаётига таъсири, Хитой совет ҳукуматининг маданият, маориф ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишлари, Хитойнинг совет районларида ер масаласининг ҳал қилиниши, солиқ сиёсати ҳақида маълумотлар бериб ўтилган.

Анвар Бойтур ва Хайринисо Сидиқларнинг “Шинжондаги миллатлар тарихи” номли китоби ҳам Шарқий Туркистон халқлари тарихига оид маълумотларни акс эттирган.

Д.А.Исиев ўзининг “Еттишар уйғур давлати”² асарини янги ташкил топган Еттишар уйғур давлатини ўзаро алоқаларига бағишлаган.

Набижон Турсуннинг асари³ уйғурлар тарихи масалаларининг хитой тарихшунослигида акс этиши муаммосига бағишланган. Муаллиф 1964 йил 1 мартда Синзян Уйғур Автоном Республикасида зиёли уйғур оиласида туғилган. Унинг маълумотларига кўра, Шарқий Туркистон ва Марказий Осиё худудларида қадимги ва илк ўрта асрлардаги уйғурлар давлатчилигини ўрганиш хитойлик олимлар томонидан XX асрнинг биринчи ва иккинчи яримда кенг миқёсда олиб борилган.

Н.Турсуннинг қайд этишича, уйғурларнинг Шарқий Туркистон ва Марказий Осиёда милoddан олдинги III асрдан милodий IV асргача бўлган

¹ Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. Т.: “Шарқ”, 2003. Б. 95.

² Исиев Д.А. Уйғурское государство Йэttiшар (1864–1877). – М., 1981. С.78.

³ Набиджан Турсун. Вопросы политической истории уйгуров в китайской историографии. 1998.. С.47

сиёсий, иқтисодий-ижтимоий тарихи Сима Сзяннинг “Тарихий йилномалар”(“Ши Сзи”), Бан Гунинг “Хан сулоласи тарихи”(“Хан Шу”), “Вей Шу” (Вей сулоласи тарихи) ва “Бей Шу” (Шимолий сулолалар тарихи) асарларида ёритилган. Хитойликлар ўша замонларда Ғарбий ҳудудлардаги кўшниларига нисбатан “Ғарбий ўлкадаги 36 давлат” деб таъриф берганликларини инобатга олсак, демак ушбу ҳудудларда шу вақтларда 36 та катта-кичик давлат бирлашмалари бўлган. Шарқий Туркистон ва Ўрта Осиё давлатларининг милоддан олдинги III асрдан милодий IV асргача бўлган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий тарихи хитойлик тадқиқотчи олимлар учун муҳим вазифалардан бири бўлган. Сзян Босзяннинг “Қадимий Гаочаннинг тарихидан қисқача лавҳа” (1940 йил) мақоласида келтирилишича, Гаочан, Чешу номлари XV асрдан Турфон номини олган.

辞海(Сихай)¹ – бу энциклопедияда Шарқий Туркистоннинг тарихи қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган даври баён қилиб ўтилган. Хитой халқининг ушбу энциклопедиясида ўрганилаётган мавзуга оид қисқа ва аниқ маълумотлар бериб ўтилган. Жумладан, унда Шарқий Туркистон ва Тибет, унинг тарихи, ижтимоий ҳаёти, халқи, маданияти ва ҳозирги даври баён қилиб ўтилган. Шарқий Туркистон аҳолиси, уйғурларнинг ижтимоий ҳаёт тарзи ва уларнинг бошқа халқлар билан ўзаро муносабатлари, уйғур ёзуви, турмуши, шу билан бирга, Тибет халқининг анъанавий турмуш ҳаёт тарзи ҳақида маълумотлар берилган.

Афғон халқи тарихи тарихшўнослиги. XX асрда афғон халқи тарихини ўрганишда В.Г.Коргуннинг² асари муҳим аҳамиятга эга. Унда ёзилишича, 1978 йил 27 апрелда Кобулда давлат тўнтариши рўй берди. Ҳокимият коммунистик мафкурадаги сиёсий кучлар – Афғонистон халқ демократик партияси қўлига ўтди. Мамлакат “Афғонистон Демократик Республикаси” деган янги номни олди. Муҳаммад Доуд ҳукумати мамлакат

¹ 辞海. 上海辞书出版社. 上海. 1999年 9第2013页. Сихай. Шанхай матбаа нашриёти. Шанхай 1999 йил. 9 том. 2013.

² Коргун В.Г. Формирование и эволюция политической системы современного Афганистана. 1919-1999 гг. М., 2000.

иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти учун кўплаб маблағ сарфлашига қарамадан, бу маблағ барибир етарли эмас эди.

Мамлакат иқтисодиётига чет эл капиталини кўпроқ жалб қилиш мақсадида 1954 йилда махсус қонун қабул қилинган бўлиб, у чет эл капиталига катта имтиёзлар берар эди. Бу қонун ҳам жирғаларда тасдиқланган эди.

Хассос Абдул Матиннинг шу мавзуга доир¹ асарида ёзилишича, маҳаллий жирға Афғонистонда тарихан шаклланган. “Анча олдин ва ҳозирги кунда Афғонистонда бу жирға мавжуддир. Маҳаллий жирға қишлоқ ва шаҳар, туманларда анъанавий ҳокимиятни ташкил этади”. Мазкур асар мавзунини ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлган асарлар сирасига киради.

Шунингдек, ушбу даврни ёритиб берувчи асарлардан бири Муҳаммад Аминнинг² асаридир. Унда ёзилишича, Афғонистон 1937 йил Саадабад пактига аъзо бўлди. Бу пактга Афғонистондан ташқари Эрон, Туркия ва Ироқ аъзо эди. Бу Афғонистон иштирокидаги биринчи ҳудудий ташкилот бўлиб, Яқин Шарқ минтақасидаги тинчлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлаш мақсадида тузилган. Бу, бир томондан, иштирокчи давлатларни бир-бири билан яқинлаштирди ва улар ўртасидаги алоқаларнинг кучайишига хизмат қилди.

1938 йил июлда Эрон ва Афғонистон ўртасида почта конвенцияси имзоланиб, унга кўра, 1939 йилда бу икки мамлакат ўртасида телефон ва телеграф алоқалари ўрнатилди. Бундан ташқари, 1938 йилнинг ўзида Афғонистон ва Эрон ўртасида Туркия воситачилигида “Гилманд масаласи” бўйича конвенция имзоланиб, шу асосда икки мамлакат Гилманд дарёси сувини тақсимлаш бўйича келишиб олдилар.

А.Муҳитдиновнинг “Бухрон ва Нежот” асарида Афғонистонда 50 дан ортиқ пуштун қабилалари яшаши таъкидлаб ўтилади. Улар Афғонистоннинг Нангархор, Қандаҳор, Кунар, Урузгон, Ғазна, Пактиё, Лағмон, Фарах,

¹ Хассас Абдул Матин. Лоя джирга как исторически сложившаяся форма народного представительства Афганистана: Афтореф. Дис...канд.наук. СПб. 1993.

² Мохаммад Амин, «Афгано-Иранские отношения в 20-80-е годы XX века», Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Москва, 1995.

Пактика, Хост ва бошқа вилоятларида яшаб келадилар. Ҳар бир қабиланинг ўзига хос номлари бўлиб, булар – абдал, гилзой, юсуфзой, вазир, шинвори, карани, популзой, африди, ҳаттоки, чамкони, софи, садозой, зирак, аҳмадзой, мўманд, баракзой, нурзой, ализой ва бошқалардир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги Афғонистоннинг энг янги тарихини (этнослар, сиёсий ривожланиш муаммоларини) 1950-1970 йилларда Р.Т.Ахрамович тадқиқ этди¹. У ўзининг “Афганистан после второй мировой войны”², “Афганистан в 1961-1966 годах” асарларида Афғонистоннинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврдаги тарихининг турли жиҳатларини ёритишга ҳаракат қилган. Унинг ўқувчиси В.Г.Коргуннинг 1979 йилда нашрдан чиқарилган “Афганистан в 20-30-е годы XX в. Страницы политической истории” номли китоби И.М.Рейснердан кейинги икки ҳарбий давр оралиғидаги биринчи умумий таҳлилий ишдир. В.Г.Коргун муаллифлигидаги «История Афганистана. XX век»³ асарида ҳам афғон халқининг тарихи ҳар томонлама ёритилган.

Яна бир рус шарқшунос олими А.Ю.Умнов ўзининг 1976 йилда тайёрланган “Основные тенденции внутренней политики афганской монархии в 1973-1880 гг.”⁴ номли диссертацион тадқиқотида монархия даври, хусусан Муҳаммад Зоҳиршоҳ давридаги мамлакатнинг ички сиёсатини таҳлил қилган.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида ва уруш давомида йирик давлатларнинг Афғонистонда юритган сиёсатини тадқиқ этган совет ва рус шарқшуносларидан Ю.Н.Тихонов ўзининг бир қатор асарлари ва илмий изланишларида бу мавзуга алоҳида тўхталиб ўтади. Масалан, унинг “Политика великих держав в Афганистане и пуштунские племена (1919-

¹ Ахрамович Р.Т. Об этапах исторического развития Афганистана в новейшее время //Вестник Московского университета. Серия 13. Востоковедение. 1985. № 1. С. 3-9.

² Ахрамович Р.Т. Афганистан после второй мировой войны. М., 1961 г. 175 С.

³ Коргун В.Г. История Афганистана. XX век. М., 2004. - 526 с.

⁴ Умнов А.Ю. Основные тенденции внутренней политики афганской монархии 1880-1973 гг. Автореф. дис. канд. ист. наук. М., 1976.

1945)»¹ номли илмий ишида буюк давлатларнинг Афғонистонда юритган сиёсати ва унда пуштун қабилаларининг роли келтирилган. Бундан ташқари, Ю.Тихонов ўзининг бир қатор тадқиқотлари² ва асарларида³ Афғонистон масаласини чуқур ёритган.

Афғонистоннинг ташқи сиёсатини совет шарқшуносларидан Э.С.Нухович “Внешняя политика Афганистана”⁴, Р. Ахрамович “Афганистан в 1961-1966 годах”⁵, М.Р.Арунова “Афганская политика США в 1945-1999 гг.”⁶ номли асарларида ёритганлар. Рус афғоншунослиги билан тарихий ва илмий-мутахассислик жихатидан Совет иттифоқи мамлакатлари шарқшунослиги ҳам чамбарчас боғлиқ.

А.Х.Бобаходжаевнинг XX асрда Афғонистоннинг халқаро алоқалари тарихига оид ва 1950 йиллардаёқ тайёрланган қўлёзма ишлари Афғонистоннинг урушдан олдинги ва уруш давридаги тарихини сиёсий таҳлил қилишдаги илк уринишлардан бири ҳисобланади⁷. Унинг “Очерки по истории советско-афганских отношений” номли асари совет-афғон муносабатлари ҳар томонлама таҳлил қилинганлиги билан ажралиб туради.

Хорижий афғоншуносликда энг янги давр муаммоларини ҳам ўз ичига олган Афғонистон бўйича биринчи умумий тадқиқотлардан бири, 1940 йилда нашр этилган таниқли инглиз дипломати П.Сайкснинг иши диққатга сазовор⁸. Кейинроқ Буюк Британиянинг ушбу мамлакатдаги собиқ элчиси У.К.Фрезер-Тайтлер Афғонистон бўйича шахсий умумлашма талқинидаги ишини тайёрлади⁹. Шунингдек, Британия шарқшуносларидан баъзилари

¹Тихонов Ю.Н. Политика великих держав в Афганистане и пуштунские племена (1919 - 1945), Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор исторических наук. Москва-Липецк, 2007.

²Тихонов Ю.Н. Афганская война Сталина. Битва за Центральную Азию. М., 2008 г.

³Тихонов Ю.Н. Афганская война Третьего рейха. НКВД против Абвера. М., 2003 г.

⁴Нухович Э.С. “Внешняя политика Афганистана”. М., 1962.

⁵Ахрамович Р.Т. “Афганистан в 1961-1966 годах”. М., 1982.

⁶Арунова М.Р. “Афганская политика США в 1945-1999 гг.” М., 2000.

⁷Центральный государственный архив Республики Узбекистан (далее — ЦГА РУз), ф. А.Х. Бабаходжаева (Р-2850), оп. 1, д. 217, л. 27-35.

⁸Sykes P.M. A history of Afghanistan. V. 2. L., Macmillan, 1940. – 414 p.

⁹Fraser-Tytler W.K. Afghanistan. A Study of Political Developments in Central and Southern Asia. Third ed. L., 1967.

Афғонистоннинг 1919-1950 йиллар воқеалари тарихини ўрганишга қизиқиш билдирганлар¹.

Хорижий тарихнависликда ўрганилаётган муаммо бўйича Германия шарқшуноси Й.Г.Гревемеернинг асари алоҳида аҳамиятга эгадир². Турли усуллар ва маълумотлар базасининг муваффақиятли қоришувидан ҳосил бўлган ишлардан бири Т.Руттигнинг илмий ишланмаси, ҳажми бўйича ўртача бўлса-да, замонавий Афғонистондаги сиёсий партиялар тарихи бўйича муҳим тадқиқотлардан биридир³.

Германиялик олим А.Хилгрубер ўзининг “*Staatsmänner und Diplomaten bei Hitler*” номли асарида фашистлар Германиясининг иккинчи жаҳон уруши арафаси ва давомида Афғонистондаги фаолияти ҳақида маълумотлар келтиради. Бундан ташқари, ғарб шарқшунослари С.Миллер, М.Хаунерлар иккинчи жаҳон уруши даврида Германиянинг Афғонистондаги сиёсати ҳақидаги асарларини ёзганлар.

Рус шарқшуносларидан А.Оришев ҳам ўз асарларида йирик давлатларнинг Афғонистонда юритган сиёсати ва кураши ҳақида қимматли маълумотларни келтирган.

Афғоншуносликда 1990 йиллар ва ундан кейин нашр этилган асарларнинг аҳамияти катта. Хусусан, XX аср охири ва XXI асрнинг бошларида илмий афғоншуносликда В.Г.Коргун ижоди салмоқли ўрин эгаллайди. Энг янги давр рус афғоншунослигида В.С.Бойко⁴, Й.Н.Тихонов⁵, А.Б.Оришев⁶, М.Р.Арунова⁷, М.Ф.Слинкин⁸, В.В.Наумкин⁹, Й.П.Лалетин¹⁰ ва

¹ Jackman L.M. Afghanistan in British imperial strategy and diplomacy, 1919 – 1941. PhD dissertation. Sidney Success College, 1979. – 256 p.

² Grevemeyer J.-H. Afghanistan: sozialer Wandel und Staat im 20. Jahrhundert. Nachdr.d. Ausl. Berlin [2 Aufl.]. Berlin, VWB, Verl. für Wiss. und Bildung, 1990. – 430 p.

³ Ruttig T. Islamists, Leftists – and a Void in the Center. Afghanistan's Political Parties and where they come from (1902-2006). Konrad Adenauer Foundation, 2007. - 47 p.

⁴ Бойко В.С. Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919 – 1953 гг. М.-Барнаул, 2010.

⁵ Тихонов Ю.Н. Афганская война Сталина. Битва за Центральную Азию. М., 2008.

⁶ Оришев А.Б. Политика фашистской Германии в Афганистане. Елец, 2000.

⁷ Арунова М.Р. Афганская политика США в 1945-1991 гг. М., 2000.

⁸ Слинкин М.Ф. Афганистан: страна, люди, общество. Симферополь, 1995.

⁹ Наумкин В.В. Центральная Азия в мировой политике. М., 2005.

¹⁰ Лалетин Ю.П. Этнополитические процессы в истории Афганистана XVII - XX веков: Автореф. дис. ... канд. ист. наук. М., 2000.

бошқаларнинг илмий тадқиқот ишлари, мақола ва монографиялари муҳим аҳамият касб этади. Ғарб шарқшунос-олимларидан П.Аллан ва Д.Клей¹, Ж.К.Гранвил², Ж.Крайл³, А.Фридман⁴, А.Олсен, Т.Руттиг ва ҳ.к.ларнинг бу даврдаги ишлари аҳамиятлидир⁵.

Шуни таъкидлаш керакки, совет даврида Афғонистон ташқи сиёсатининг барча жабҳаларини ўрганиш ва ёритиш борасида умумлашма ишлар амалга оширилмаган. Ғарб, рус, Ўрта Осиё афғоншунослари ҳамда тарихчилари бу даврдаги ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг фақат маълум бир даври ёки соҳаларинигина тадқиқ этганлар. Масалан, иккинчи жаҳон уруши арафасида ва давомида Германиянинг Афғонистонда юритган сиёсати, фашистларнинг Афғонистон, Тибет ва Британия Ҳиндистонида амалга оширмақчи бўлган операциялари ҳақида инглиз, рус ва немис тарихчилари С.Миллер, М.Хаунер, А.Оришев⁶, А.Хилгруберлар илмий изланишлар олиб борганлар. Иккинчи жаҳон уруши даврида буюк давлатларнинг Афғонистонда юритган сиёсати ҳақида рус шарқшуноси Ю.Н.Тихонов⁷ тадқиқотлар олиб борган.

Ташқи сиёсат масалаларига Л.Адамек, Г.Вартан, Ш.Галстер, Г.Брадшер, Л.Пуллада ва бошқалар ўз ишларида эътибор қаратганлар. Муҳаммад Амин ўзининг “Афғано-Иранские отношения в 20-80-е годы XX века” номли илмий ишида XX асрдаги Афғонистон-Эрон муносабатларининг асосий жиҳатларини ва улар ўртасидаги чегаравий муаммоларни кенг миқёсда ўрганган. Совет шарқшуносларидан Теплинский совет-афғон муносабатлари тарихини тадқиқ этган⁸.

¹ Аллан П., Клей Д. Афганский капкан: Правда о советском вторжении. (Пер. с нем.). М., 1999.

² Гранвил Дж.К. Советские военные интервенции в Венгрии, Чехословакии и Афганистане: Сравнительный анализ процесса принятия решения.: (Пер. с англ.). М., 1993.

³ Крайл Дж. Война Чарли Уилсона: Захватывающие неизвестные подробности и интриги тайной войны ЦРУ в Афганистане: (Пер. с англ.). - М., 2008.

⁴ Фридман А. Реформы в Афганистане (1919-1939 гг.): этапы, достижения, противоречия. М., 2001.

⁵ Бойко, Владимир Сергеевич, Власть и оппозиция в Афганистане: особенности политической борьбы в 1919-1953 гг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. М., 2012.

⁶ Оришев А. Б. Политика фашистской Германии в Афганистане. Елец, 2000.

⁷ Тихонов Ю. Н. Афганская война Третьего рейха. НКВД против Абвера. М., 2003.

⁸ Сабиров А.А. Библиография Афганистана, Казань., 2012.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. Туркистонда биринчи олий ўқув юрти қачон ташкил этилган?
 2. Истиқлолчилик ҳаракати тарихшунослигини қайси даврларга ажратиб кўрсатиш мумкин?
 3. “Шаклан миллий, мазмунан социалистик” маданият деганда нимани тушунасиз?
 4. Ўзбекистон Фанлар академияси қачон ташкил этилган ҳамда унинг биринчи президенти ким эди?
 5. Уруш йиллари даври тарихшунослигининг совет даврининг бошқа даврларидан фарқли хусусиятларини айтиб беринг.
 6. "Шаклан миллий, мазмунан социалистик" маданият тушунчасининг моҳиятини изоҳлаб беринг.
 7. Ўзбекистоннинг совет даври тарихшунослигига баҳо беринг.
 8. XX аср адабиётларидаги умумийлик нимада намоён бўлади?
 9. Халқлар тарихини ёзишга совет мафкураси қанчалик таъсир қилган?
 10. Советлар тассарруфида бўлмаган халқлар тарихига оид адабиётларда фарқлар борми?
-
-

10-МАВЗУ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ТАРИХ ФАНИ



Ўқув мақсади: Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳада эришган ютуқлари ҳамда уларнинг тарихимизда рўй-рост ўз аксини топаётганлиги, яратилаётган тарихий асарлар ва бу давр тарихишунослигининг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш. Талабаларда Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистонда мустақиллик йилларида нашр этилган адабиётларнинг мазмун-моҳияти, тадқиқ этилган асосий йўналишлар ҳақида тушунча шакллантирилади. Шунингдек, тарихни ёритишда холис баҳо бериш масаласига оид қарашлар ва ёндашувлар ёритилади.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Афғонистон, мустақиллик йиллари.



Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаёти тарихишунослиги

Мустақилликка эришганимиздан сўнг ҳаққоний тарихни ўрганиш, тарихий асарларни таҳлил қилиш, холислик билан ёндашишга имконият пайдо бўлди. Айниқса, тарих фанининг ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг асарлари муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, бунинг учун “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”¹ асари муҳим назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу асарда И. Каримов: “Советлар даврида ёзилган тарихни мен тарих санамайман. Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқишга мутлақо қаршиман. Мустамлакачи ўзига қарам

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистоннинг ўтмишини камситишга, бизни тарихимиздан жудо қилишга сарфлаганлар”¹, – деган фикрларни қайд этган. Шунингдек, “Ўзбекистон; Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура” асарида: СССР парчаланиб кетди. 74 йил мобайнида Ўзбекистон тақдири ва таъминоти Иттифоқ қўлида эди. Совет иттифоқи бу ердан маҳсулот ва хом ашёни олиб кетиб, бизга сув ва ҳаводай зарур нарсаларни ўз кўрсатмаси билан келтириб берарди. Содда қилиб айтганда, пахта ва бошқа бойликларимиз олиб кетиларди, дон, шакар, ёнилғи ва бошқа халқ истеъмоли моллари, умуман, ҳаётимизга, иқтисодиётимизга ва халқ хўжалигимизга зарур бўлган маҳсулотлар олиб келинарди. Мана, биргина мисол. Собиқ СССР Канада ва Америкадан ҳар йили 40-50 миллион тонна ғалла сотиб оларди. Шунинг ҳисобидан Ўзбекистонга ҳам улуш берарди. Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейин биз йиллик эҳтиёжимизга этарли 6 миллион тонна ғаллани қаёқдан олиб келишни, қаёқдан валюта топишни ўйлаб роса сарсон-саргардон бўлдик², – деб таъкидлаган. И.А.Каримовнинг “Биздан озод ва обод Ватан қолсин”³ асарида эса: “Биз тараққиётда асосан ўз кучимизга таянишга мажбурмиз. Шунинг учун энг муҳим базавий тармоқларни биринчи навбатда ривожлантириш ҳаёт тақозосидир. Булар жумласига нефть ва газ саноати, энергетика, олтин қазиб чиқариш ва рангли металлургиянинг бошқа тармоқлари киради. Ҳозир биз зарур нефтнинг 80 фоизини четдан ташиб келтиришга мажбур бўляпмиз. Бундан ташқари, бензин ва бошқа нефть маҳсулотлари ҳам республиканинг ташқарисидан сотиб олинапти. Уларнинг нархлари муттасил ошиб бораётганлиги иқтисодиётимизга оғир юк бўлиб тушмоқда. Айни пайтда эса, биз ўзимизни нефть ва бошқа энергетика ресурслари билан таъминлаш имкониятига эгамиз. Бундан ташқари, мазкур тармоқларнинг кескин ривожланишини таъминлаш валюта тушумларини кўпайтиришнинг ишончли манбаи, хорижий сармояларни жалб этиш объекти

¹ Каримов И.А.Кўрсатилган асар. Б. 13.

² Каримов И.А. Миллий иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

³ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1996.

хам бўла олади. Экспорт қувватидан тўла-тўқис ва мумкин қадар кўп фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш иқтисодиётимизни мустақамлашнинг ғоят муҳим шартидир. Ўзбекистон Иттифоқ таркибида ташқи бозорга мустақил чиқмасди. Жаҳон савдосида қатнашмасди. Ўзининг иқтисодий қувватини этарлича ишга тушира олмасди. Шунинг учун бугунги кунда бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан ислоҳ қилмоқ зарур. Ривожланган экспорт қувватисиз Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Экспорт таркибида чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш лозим. Хом ашёни экспорт қилишдан кўра, Ўзбекистон учун кўпроқ наф келтирадиган йўналишларга ўтиш зарур. Булар жумласига енгил саноатнинг, қайта ишлаш соҳаларининг, машинасозликнинг илм-фанга асосланган тармоқлари тайёр маҳсулотларини чет элларга сотиш, чет эл туризмини ривожлантириш киради”, - дея таъкидланади.

“Озод ва обод Ватан эркин ва фаровонлик ҳаёт пировард мақсадимиз”¹ асарида ёзилишича, Ватанимизнинг кўп минг йиллик тарихи эл-юртимизни босқинчи, ёвуз кучлардан ҳимоя қилиш, миллатимизнинг эркинлиги ва ор-номусини асраш йўлидаги буюк воқеаларни, бу курашларда жасорат ва мардлик кўрсатган буюк шахсларнинг номларини асрлар давомида ўзининг ёрқин хотирасида сақлаб келмоқда. Жалолиддин Мангуберди - она юрт ҳимоячиси, жасур саркарда ва давлат арбоби, халқимизнинг Спитамен, Муқанна, Нажмиддин Кубро, Амир Темур сингари тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамонидир.

Жалолиддин Мангуберди бор-йўғи ўттиз икки йиллик қисқа ҳаёти давомида эл-у юрт учун, халқ озодлиги учун сўнмас хизмат қилишга улгурган улуғ аждодимиздир. Азиз дўстлар! Жалолиддин Мангубердининг беқиёс жасоратини англаш учун, аввало, у яшаган тарихий давр, шу даврларнинг машаққатли ва бешафқат саҳифаларини ўзимизда тасаввур қилиб кўрайлик. Шу пайтгача ҳеч қайси давлат, ҳеч қайси эл бас келолмаган, Хитой ва бепоён Сибирь ерларидан бошлаб бугунги Каспий ва Қора денгиз

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 1999.

бўйларигача бўлган ўлкаларни забт этган, йўлида учраган шаҳар-кишлоқларни ёндирган, даҳшати ўзидан олдин этиб, не-не шоҳ-у шаҳаншоҳлар, амир-у султонлар, саркардалар юрагига ваҳима солган Чингизхон лашкарининг Хоразм устига бало-қазодай ёпирилиб келаётганини кўз олдингизга келтиринг. Бир томондан, бой-бадавлат, иккинчи томондан, пароканда бўлиб ётган юртимизнинг ўша пайтдаги аҳволини ҳам бир ўзингизга тасаввур қилиб кўринг. Чингизхон шундай бир машъум куч эдики, дунёдаги манаман деган қанча зотлар унинг қаршисида тиз чўкиб, қуллук қилиб яшашга тайёр эди. Муҳаммад Хоразмшоҳ атрофидаги кўплаб беклар ҳам ёв қўлига таслим бўлишни афзал кўрганларида, Жалолиддин бу фикрга қарши чиқиб, ўзининг беқиёс жасорати ва қатъиятини намоён этди. Шу пайтгача мағлубиятга учрамаган мўғул лашкарига қарши ўн бир йил муттасил жанг қилди. Ва ғанимларга шундай қақшатқич зарбалар бердики, ҳатто Чингизхондай маккор ва бешафқат, дунёнинг ярмини забт этган фотиҳ ҳам унга тан беришга мажбур бўлди. Айтинглари, азиз дўстлари, ана шундай қалтис вазиятда ўзи қаби фидойи, ботир инсонларни жипслаштириб, Хоразм заминини топташга шай турган ёвуз душманга қарши чиқиш учун одамда қандай журъат, қандай юрак, қандай ирода, қанчалар бақувват иймон-этиқод бўлиши керак? Айтинглари, бунинг учун инсонда Ватанга муҳаббат, эл-у юртга садоқат, фидойилик, озодликка интилиш туйғуси нечоғли юксак бўлиши керак? Қани, айтинглари, дўстларим, қадрдонларим, олдиндан ўзининг қурбон бўлишини била туриб, лекин Ватан учун, унинг ор-номуси, унинг тарихи ва истиқболи учун зиммасига шундай оғир қисматни олган зотларни тарихда кўп учратиш мумкинми? Аминман, бундай шижоатли ва мард ўғлонни дунёга келтирган, вояга этказган халқ ҳар қанча ҳурмат-еҳтиромга, ҳар қанча тасанноларга муносибдир. Ҳурматли меҳмонлар! Қадрли дўстлар! Султон Жалолиддин Мангуберди ўз элининг бахту саодати учун ҳаёт-мамот жангларида жон фидо этди. Лекин дунёда ҳеч қандай ҳайрли иш бежиз кетмайди. Миллат руҳи, одамзотнинг озодлик сари интилиши абадийдир. Орадан бир аср ўтиб, соҳибқирон Амир Темур

Жалололиддин Мангуберди бошлаган озодлик курашини янги шароит ва улкан миқёсларда давом эттирди. Она юртимизни босқинчилардан халос қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо этди. Муҳтарам жамоа! Жалололиддин Мангубердининг ҳаёт йўлини таҳлил қиладиган, ўша тарихий воқеаларга бугунги кун кўзи билан қараб баҳо берадиган бўлсак, улар бизни мана шундай табиий ва ибратли сабоқ-хулосалар чиқаришга ундайди. Биринчи хулоса шуки, ҳаёт бор экан, давлат, эл-юрт бор экан, шу эркин, осуда ҳаётни кўролмайдиган, ҳасад ва фитна билан яшайдиган, зўравонлик билан ўз ҳукмронлигини ўрнатишга, халқ тинчини бузишга уринадиган ёвуз кучлар ҳамиша бўлади. Бу - ҳаёт. Бу - ҳаётнинг аччиқ ҳақиқати. Уни ҳеч ким инкор этолмайди. Буни нафақат ўз тарихимиз ва ҳаётимизда, балки бошқа халқлар тарихи ва ҳаёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дарҳақиқат, гуманитар фанлар орасида тарих алоҳида нуфузга ва аҳамиятга эгадир. Биргина мисол, тарих – агар унга ташқи сиёсий таъсир ўтказилса бирор бир халқ тарих саҳнасидан олиб ташланишига ёки яратилишига, тарихий жараёнларни манфаат юзасидан ўзгартирилишига, баъзан сиёсий курашларни легитимлаштиришга, далилий маълумотларни бир куч манфаати учун нотўғри талқин қилинишига, ҳаққоний тарих четда қолиб, ҳукмрон кучнинг фойдаси учун ҳизмат қиладиган тарих ёзилшига ва шу каби якуни аянчли бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин. Шу жиҳатдан, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган 2017 йил 17 февралдаги **“Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-2789-сонли қарори аҳамиятлидир. Қарорга мувофиқ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгаши Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича Жамоатчилик кенгашига айлантирилди. Кенгашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди: Ўзбекистоннинг энг янги тарихини замонавий назарий-методологик, фанлараро ёндашувларга,

тарихийлик ва холислик тамойилларига асосланган ҳолда тизимли ўрганишни ташкил этиш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича долзарб муаммоларни ишлаб чиқиш, шунингдек, буюк тарихий-маданий меросга эга бўлган ва жаҳон цивилизациясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ўзбек халқининг тарихий ўтмиши ва бугунги кунига баҳо беришда бир ёқлама ёндашувларга, ақидапарастликка йўл қўймаслик ишларини мувофиқлаштириш ва бошқалар.¹

Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини, демократик эркинлигини қўлга киритганидан сўнг ушбу муҳим мавзунини нафақат батафсил тадқиқ қилиш, балки, бу масалаларни маҳаллий тарихчилар томонидан битилган энг бирламчи манбалар асосида ўрганиш, эртанги кун йўналишларини белгилаш учун катта имкониятлар юзага келди.² Д.А.Алимованинг 3 томдан иборат “История как история, история как наука”³, Т.С.Саидкуловнинг “Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар”⁴ асарлари ҳам тарихни тушунишда ва ўрганишида муҳим адабиётлар ҳисобланади.

Т.С.Саидкуловнинг “Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар” қўлланмасини яратишда Ўзбекистон тарихига оид асарлар, ёзма манбалардан ижодий фойдаланилди. Айни пайтда жонажон тарихимизни яратишда беғараз илмий холислик, бирор-бир мафкуранинг устуворлигига сунъий йўл қўймаслик ва тарихимизга инсонпарварлик қўзи билан қараш ғоясига амал қилинди. Ватан тарихини ўрганиш ва ёритишда унинг даврларини илмий асосда тўғри белгилаш ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу китобда собиқ марксизм-ленинизм таълимотига асосланган

¹ Аскарлов М.М. Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг аҳамияти ва ўрни. Тамаддун Нури, № 2, 2018. Б. 10-11.

² Маматалиев А.Р. Фарғона водийси этнографиясининг ўрганилиши (Мустақиллик йиллари ижтимоий-гуманитар журналлардаги мақолалар асосида) ЎзМУ хабарлари. №4/1. 2011.

³ Алимова Д.А. История как история история как наука. –Т.: 2009. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008. 280 с.; Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009. 170 с.; Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том III. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Ташкент: Media Land. 2018 г. 520 с.

⁴ Саидкулов Т.С. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: “Ўқитувчи”. 1993. 160 бет.

формацияларга боғлаб ўрганиш ўрнига янгича цивилизацион ёндашувга асосланган методология тамойилларига амал қилишга ҳаракат қилинди.

Р.Шамсутдинов, Ш.Каримовларнинг “Ватан тарихи” асари ҳам мустақиллик йилларида яратилган Ўзбекистон тарихини ҳаққоний ёритувчи асарлар сирасига киради. Бу китоб 3 қисмдан ташкил топган бўлиб, унинг 1-қисмида ёзилишича, мамлакатимизда ўтказилаётган нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалардаги ислоҳотлардан ҳам асосий кўзланган мақсад, барча ўзгаришларнинг натижаси ва белгиси миллий валютаимиз – сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига эришишдир. Бу соҳада талай ишлар қилинди. Лекин 1995 йилда шу масалани узил-кесил ҳал қилиш йили бўлишига ишонаман. Республикаимиз дўконлари ва бозорлари товарлар билан тўлиб-тошсагина миллий валютаимиз куч-қудрат касб этади, обрў-эътибор топади. Яна бир бор таъкидламоқчиман: миллий валютаимиз мустаҳкам бўлсагина давлатимиз қудратли, обрўли, ҳаётимиз фаровон бўлади! Мен "давлат" сўзига алоҳида урғу бераётганим бежиз эмас. Ислоҳотларни амалга ошириш, иқтисодиётнинг устувор йўналишларини, аниқ мақсадларини белгилаш, шу мақсадларга эришиш учун тегишли шароит, механизмларни яратиш ва амалга ошириш давлат зиммасига тушади.

Ватан тарихини қуйидаги катта даврларга бўлиш тавсия этилди:

Ибтидоий жамоа даври.

Ўзбекистон ҳудудидаги энг қадимги ва қадимги давлат тузилмалари.

Ўрта асрлар даври.

Туркистон Россия империяси босқини ва мустамлакачилиги даврида.

Ўзбекистон советлар ҳокимияти даврида.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллик ва тараққиёт йўли.

Ўтиш даврида халқимизнинг муҳтож табақаларини ҳимоялаш, уларга тегишли ёрдам бериш - ислоҳотларнинг иккинчи босқичида ҳам давом этади. Ўзларингиз бир ўйлаб кўринглар: ислоҳотлардан мақсад нима? Янги жамиятимиз биноти авваламбор ким учун қуриляпти? Албатта, халқимиз учун! Фарзандларимиз учун! Одамларимизнинг аҳвол-руҳиятидан хабардор бўлиб турайлик, бир-биримизга кўмаклашайлик. Меҳр-оқибат, мурувват бўлмаган жамият ҳалокатга маҳкумдир.

Бу катта даврларни ўз навбатида бир неча кичик даврларга бўлиб ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон тарихини даврлаштиришда қуйидаги омилларни эътиборга олиш жоиздир:

«Юқорида қайд этилган ҳар бир давр, – деб ёзади академик А.Аскарлов, – ўз навбатида бир неча тарихий босқичлардан иборат бўлиб, улар ҳақидаги тегишли тафсилотлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти тарих фанида ҳозиргача амал қилиб келинаётган даврлаштириш принциплари билан қиёсий ўрганиб чиқилди».

1. Археологик ва этнографик манба ва материаллар, ёзма манбалар – «Авесто», миҳхат, форс ёзувлари, қадимги юнон, хитой, хинд, рим ва

византия тарихчиларининг асарлари.

2. Улуғ аждодларимиз — буюк алломалар ва доно мутафаккирлар, тарихчилар, шоирлар, ёзувчилар қолдирган асарлар.

3. Турли ҳужжатхоналарда сақланаётган қўлёзма асарлар, ҳужжатлар, ашёлар.

Икки дарё – Амударё ва Сирдарё оралиғи ва унинг атрофидаги барча ерлар бу ҳудудда азал-азалдан яшаб келаётган ўзбек, қирғиз, козоқ, тожик, туркман ва қорақалпоқ халқларининг ватанидир. Уларнинг истиқболдаги тақдири ҳам, тарихи ҳам бирдир. Бас, шундай экан, Марказий Осиё ҳудудида яшаб келаётган барча халқлар улуғ ва муштарак бахт-саодатга фақат ўзаро мустаҳкам бирлик ва ҳамкорлик орқалигина етиша оладилар.

Марказий Осиё ҳудуди дунёнинг энг қадимги одамлари яшаган макон бўлганлиги юқорида таъкидланди. Аммо бу ҳудудда одамзоднинг дастлабки авлодларининг пайдо бўлганлигига неча йил бўлди, деган саволга олимлар турли хил жавоб бериб келдилар. Баъзи манбаларда дастлабки одам излари бундан 500 минг йил илгари топилган дейилса, бошқаларида 800 минг йил санаси тилга олинади. Археологларнинг энг сўнгги хулосасига кўра, энг қадимги одам аждоди ҳисобланган зинжантроплардан кейин пайдо бўлган питекантроплар бундан 1 миллион йил илгари яшаганлар. Бироқ, на зинжантропларнинг ва на питекантропларнинг излари Ўзбекистон ҳудудида шу пайтга қадар учрамаган. Бундан 500-600 минг йиллар бурун яшаган одам аждодининг излари Хитойдан топилган. Олимлар уни синантроплар деб атаганлар. Улар асосан ғорларда яшаганлар. Синантроп давридан бошлаб одам биринчи марта оловни кашф этди ва ундан ўз ҳаётида фойдалана бошлади. Олимларнинг фикрича, ана шу «синантропларга замондош ибтидоий одам излари» Ўрта Осиёнинг бир неча жойларида учрайди.

Уларнинг кундалик тирикчиликлари асосан дарахтларнинг мевалари, ўсимлик илдизлари, қурт-қумурсқа, майда жониворлардан иборат бўлган. Одамлар биргалашиб йирик ҳайвонларни ҳам ов қилганлар. Аммо бу иш ўта хавfli бўлиб, кўп ҳолларда фожиали оқибатларга олиб келарди. Бу даврда

одамлар ҳали металлдан фойдаланишни билмаганлар, улар оддий махсус тошлардан, йирик ҳайвонларнинг суякларидан, шохларидан ва дарахтларнинг қаттиқ шохларидан меҳнат қуроли сифатида фойдаланганлар. Шу сабабдан ҳам бу даврни «Қадимги тош даври», яъни палеолит даври деб юритилади. Палеолит даври уч босқичдан иборат: илк палеолит, ўрта палеолит ва сўнгги палеолит. Илк палеолит даврининг диққатга сазоворлиги шундаки, бу даврда одамлар ва уларнинг дастлабки меҳнат қуроллари пайдо бўлди. Тош қуролларидан бошқа меҳнат қуроллари бизгача етиб келмаган. Бу даврнинг тош қуроллари археолог олимлар томонидан етарли даражада ўрганилган. Бу меҳнат қуроллари дастлабки меҳнат қуроли топилган макон – жой номи билан «ашель» қуроллари деб ном олган. Олимларнинг хулосаларига қараганда, ашель даври бундан бир миллион йил бурун бошланган ва милoddан аввалги 200-100 мингинчи йилларгача давом этган. Бу даврда Ер қуррасида бир қатор табиий географик ўзгаришлар юз берди. Ҳимолай, Тибет, Помир ва Тяньшан сингари баланд ва осмонўпар тоғлар қад кўтарди. Геологларнинг ҳисобига кўра, табиатнинг ёзи иссиқ, қуруқ ва қиши совуқ, ёғингарчилик кам бўлган. Натижада Ўрта Осиёнинг ҳозирги чўл ва даштлари шаклланган, шу шароитга мослашган ҳайвонот дунёси вужудга келган, ўсимликлар олами қарор топган. Бу борада археолог олимлар А.П.Окладников, Ў.Исломов, М.Р.Қосимов, В.П.Алексеев, Т.К.Хўжайовларнинг хизматлари каттадир.

Ў.Исломов Селунғур ғорида археологияга оид такрорий ишлар олиб бориб (биринчи марта бу ишни 1958 йилда А.П.Окладников бошлаган), янги кашфиётлар қилди. У ғордан топилган тош қуроллари ва ҳайвон суякларини чуқур ўрганиб, Селунғурда яшаган одамлар ғорни ашел даврининг биринчи босқичида ўзлаштирганликларини исботлади. Ў.Исломов ўзи очган кашфиётга суяниб, Селунғур ғорида яшаган одамларнинг ёши яқин бир миллион йил атрофида деган хулосага келди. Селунғур одамининг қолдиқлари Фарғона водийси ҳудудидан топилганлиги сабабли унга шартли суратда «Фергантроп», яъни «Фарғона одами» деган ном қўйилди.

1970-1971 йилларда Мачай ғорини текширган Ў.Исломовнинг фикрича, мачайликлар шохли ва майда ҳайвонларни хонакилаштирганлар. Бу ғордан топилган маълумотлар ушбу ёдгорликнинг мезолит даврининг энг сўнгги босқичи ва илк неолит (янги тош) даврига тегишли эканлигини тасдиқламоқда.

1956-1957 йиллардан эътиборан археолог В.М.Массон олиб борган бу ердаги изланишлар тарих ва археология фани учун катта натижалар берди. Бу ерда гуваладан ясалган бир хонали, девороти ўчоғи ва марказида сандал кулдони – чуқурчали кулбалар топилди. Унинг деворлари сомонли лой билан сувалган, ҳатто гувалага сомон ҳам қориштирилганлиги аниқланди. Хонанинг тўрт томони супали бўлиб, у ётиш ва дам олиш учун мўлжалланган. Хоналар орасида тор йўлаклар бор. Бу йўлак ва хоналардан номи юқорида тилга олинган чакмоқтошдан ишланган юзлаб тош қуроллар топиб ўрганилди. Чакмоқтошлар сочилиб ётган жой кенг тақир жой бўлиб, унда баҳорги ёмғирдан сўнг кўлмак суви тўпланган. Ойдин кечада кўлмак суви қоп-қора бўлиб кўрингани учун туркман чўпонлари бу жойни «Жойитун», яъни қоронғи жой деб номлаганлар. Ана шу тариқа бу жой фан оламига «Жойитун маданияти» номи билан кирди.

Ўзбекистонда темир даврига оид ёдгорликларни саналаштириш ва дастлабки туркумларга ажратилишига доир тадқиқотлар С.П.Толстов, И.Тереножкин ва Я.Ғуломовлар томонидан амалга оширилган. Ўзбекистон худудида темир даври ёдгорликлари мил. авв. VIII-VI асрларга мансуб. Улар Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Тошкент вилоятларида ва Фарғона водийсида ўрганилган; Кўзалиқир, Қалъалиқир ва Дингилжа сингари қадимги қалъа ва қишлоқ, шаҳар ҳаробалари, Тагискен ва Уйгарак қабристон-қўрғонлари, Бўкантов қоятош суратлари текширилган. Темир даврида қадимги Хоразм худудларида дастлабки йирик суғориш иншоотлари вужудга келган.

1960-1970 йилларда Сурхондарёда Кучуктепа, Жондавлат ва Қизилтепанинг қуйи қатламлари, Пачмоқтепа, Қилчатепа ёдгорликлари

ўрганилди. Л.И.Альбаум Кучуктепадан мил.авв. VI-IV асрларга оид уй-жой колдиқлари, кулолчилик, темирдан ясалган уй-рўзғор ва дехқончилик буюмларини топган. 1960 йилларда Бухоро вилоятида Хазора ёдгорлиги ва Сармишсой петроглифлари текширилди.

Мустақиллик йилларида ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихини ўрганиш ҳам муҳим масалалардан бири эди. А.Асқаров ўзининг “Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи”¹ асарида ушбу масалага ойдинлик киритди. Этногенез масаласини ўрганиш маданият тарихининг умумий муаммоларини изоҳлаш учун муҳим аҳамиятга моликдир. Марказий Осиё бешта мустақил давлат: Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистон ҳудудлари киради. Бу минтақада қадимги юксак маданият яратган халқлар узоқ ва мураккаб тарихий тараққиётни босиб ўтиб, асрлар мобайнида бир-бирларига яқин муносабатларда бўлганлар ва ягона тарихий-этнографик ҳудудни ташкил этадилар. Марказий Осиё халқлари турли тарихий даврларда ҳар хил номлар билан аталиб келинган. Қадимги Марказий Осиёга нафақат ҳозирги Марказий Осиё ҳудудлари, айтилиши вақтда Эроннинг шимоли-шарқий, Афғонистоннинг шимолий ҳудудлари ҳам кирган. Милoddан аввалги VI асрда бу ҳудудларда Эрон подшолиги, IV асрда эса Искандар Зулқарнайн бошлиқ юнон-македон подшолиги ҳукм сурган. Милoddан аввалги асрларда бу ҳудудлар Хоразм ва Канғ давлатлари, кейинчалик эса Кушон подшолиги, Турк хоқонлиги, Араб халифалиги таркибида бўлган. X-XI асрларда қадимги Ўрта Осиёда Сомонийлар, Салжуқийлар, Ғазнавийлар давлатлари пайдо бўлган. Бирмунча вақт бу ҳудудлар Қорахонийлар ҳукмронлигига ҳам ўтган.

Мустақиллик йилларида, шунингдек, Ўзбекистон тарихига бағишланган 3 қисмдан иборат “Ўзбекистон тарихи” китоби нашр этилди. Хусусан, “Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида”² деб номланган 2-қисм жами 2 бўлим ва 6 бобдан ташкил топган бўлиб, уларда Россиядаги

¹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: «Университет», 2007.

² O‘zbekistonning yangi tarixi. Ikkinchi kitob. O‘zbekiston sovet mustamlakachiligi davrida. – Т.: Sharq, 2000.

февраль инқилоби, Туркистон Мухторияти, БХСР ва ХХСР тарихи, 20-йиллардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, совет давлати бошқаруви, уруш йилларидаги халқимиз ҳаёти, мустабид тузумнинг дарз кетиши, мустақиллик йўлидаги ҳаракатлар каби масалалар баён этилган. Асарда қайд этилишича, Россия империяси Туркистон ўлкасида каттикқўллик билан мустамлакачилик зулми сиёсатини олиб борган бўлса-да, туб ерли аҳолининг тарихи, тили, дини, урф-одати, маданияти қабиларга совет давлатидек хуруж ва тазйик ўтказмаган эди. Советлар эса қисқа муддат ичида Туркистон халқларининг миллий давлатчилигига барҳам берди, тарихдан маҳрум қилди, динини тақиқлаб қўйди, тилига қишан солди, маданият ва маънавиятини ғорат қилди. Хуллас, совет даврида Ўрта Осиёнинг йирик миллатларидан бири бўлган ўзбеклар миллат сифатида ҳалокат ёқасига келиб қолдилар.

Б.А.Аҳмедов ҳам мустақиллик йилларида тарих фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди. Хусусан, унинг “Ўзбеклар улуси”¹ асари ҳам тарихни ўрганишда муҳим аҳамиятга эгадир. XV асрнинг 20-йилларида Дашти Қипчоқда кўчманчи қабилалар ўртасида олиб борилган ўзаро жангларда Абулхайрхон (1412-1468) бошчилигидаги Шайбонийлар номи остида уруғ тарих майдонига чиқади. Абулхайрхон 1428 йилда хон этиб сайланади ва у қирқ йил (1428-1468) давомида хукмронлик қилди. У Сирдарёнинг қуйи оқимида Сифноқ, Оққўргон, Арқўк, Ўзган каби шаҳарларни эгаллаб олди ва бу ҳудудлардан туриб доимо Мовароуннаҳрга таҳдид солиб турди. Абулхайрхон вафот этгач (1468 й.), унинг ўрнига тахтга ўтирган ўғли Ҳайдархон даврида Ибоқхон, Жонибек, Герайхон, манғит амирларидан Ёмқурчи ва Мусо Мирзолар Олтин Ўрда хони Аҳмадхон билан иттифоқ тузиб, Ҳайдархонга қарши кураш олиб борганлар ва ғалабага эришганлар, Ҳайдархон эса қатл этилган. Шунда шоҳ Будоқнинг ўғиллари Шайбонийхон ва Маҳмуд Султонни яқин кишилари Аштархон хони Қосимнинг саройига олиб бориб яширганлар. Бундан хабар топган султонлар ўз қуроқларини Қосимга қарши қаратганлар. Аммо, шахзода Муҳаммад

¹ Аҳмедов Б. Узбек улуси. – Т., 1992.

Шайбоний ўз укаси билан қамал қилинган Аштархондан омон-эсон чиқиб, Дашти Қипчоққа етиб келган. У XV асрнинг 80-йилларида бобоси Абулхайрхон бирлаштирган Дашти Қипчоқ ерларини бирлаштириш ва ҳокимиятни қайтадан тиклаш учун кураш олиб боради. Бу курашнинг дастлабки босқичида темурийлар Шайбонийхонга катта ёрдам ва мадад берганлар.

Мустақиллик йилларида яратилган муҳим адабиётлардан бири Қ.Усмоновнинг “Ўзбекистон тарихи”¹ китобидир. Мазкур адабиёт мустақил Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши, сиёсий ислохотлар, фуқаролик жамияти, Ўзбекистоннинг маънавий-маданий тараққиёти, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви ҳақида батафсил маълумот беради.

Ҳ.Бобобеков, Ш.Каримов, М.Содиқовларнинг “Мустақил Ўзбекистон тарихи”² китоби ҳам мустақил Ўзбекистон тарихига бағишланган, тарихий воқеалар холисликка ёндашган ҳолда очиб берилган асарлардан биридир. Мазкур адабиётда Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришган даврдан кейинги воқеалар тасвирланади. Шунингдек, Марказий Осиё республикаларининг ички ва ташқи ҳаёти мустақиллик даври ва жаҳон ҳамжамияти билан алоқлари тўғрисида маълумотлар ҳам учрайди. Мазкур кўлланма мамлакатимиз тарихининг 1917 йил февраль инқилоби, октябрь тўнтариши – советлар истибдодининг ўрнатилиши даврдан то 1991 йил 31август – Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йўлига кирган даврига қадар бўлган жуда катта даврни ўз ичига қамраб олган. Муаллифлар «Ватан тарихи» материалларини ёритишда мустақиллик ва миллий истиқлол мафкурасини асосий мезон қилиб олдилар, илмийлик, холислик, тарихийлик, хронологик изчиллик, тарих ҳақиқатининг устуворлиги каби тамойилларга мумкин қадар амал қилишга интилдилар. Ана шу жиҳатдан мазкур китоб коммунистик мафкуравийлик асосида советлар ҳукмронлиги даврида яратилган Ўзбекистон тарихига оид адабиётлардан кескин фарқ қилади.

¹ Usmonov Q. O'zbekiston tarixi. –Т.: O'qituvchi, 2008.

² Bobobekov H., Karimov Sh., Sodiqov M. va boshqalar. Mustaqil O'zbekiston tarixi. –Т.: Sharq, 2000.

Р.Шамсутдинов, Ш. Каримовнинг “Ватан тарихи” (2-китоб)¹ китоби, шунингдек, истиқлолнинг дастлабки йилларида эълон қилинган илмий тадқиқотлардан академик А.Аскарлов бош муҳаррирлигида рус тилида нашр этилган «История Узбекистана». Том III (XVI – первой половина XIX века)² китоби муҳим аҳамиятга эга бўлди. Унда сўнгги ўрта асрлардаги ёзма манбалар ва архив тўпламларидан олинган аниқ материалларни ҳамда энг янги адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида Ўзбекистоннинг XVI-XIX аср биринчи ярмидаги тарихи халқларнинг ҳаёти, турмуши, сиёсий воқеалар, иқтисодий ва маданият масалалари очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи президенти Ислам Каримовнинг бевосита ғамхўрлиги ва эътибори самараси ўлароқ, Ўзбекистон тарихини фан сифатида ривожлантириш ва уни ўқитишни замон талаблари асосида ташкил этиш соҳасида эътиборга лойиқ бир қатор тадбирлар амалга оширилди ва оширилмоқда. 1996 йилда «Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси» яратилди ва тарих таълими жараёнида қўлланила бошланди. Мазкур концепция Ўзбекистон тарихини фан сифатида ўқитишни янада яхшилашда муҳим босқич бўлди.

Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва уларнинг ўзбек давлатчилиги тарихида тутган катта нуфузини кўрсатувчи янги адабиётлардан Ҳ.Бобобековнинг 1996 йил «Фан» нашриётида нашр этилган «Қўқон тарихи» китобини кўрсатиш мумкин. Бу борадаги энг сўнгги адабиётлардан муаллифлар жамоаси томонидан ёзилган «Ўзбек давлатчилиги тарихи» ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзбек хонликлари тарихининг янгича талқинлари Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам берилган бўлиб, ундаги мақолалар ҳам илмий, ҳам оммабоп характерга эгадир.

Бухоро хонлиги, Бухоро амирлиги тарихи таниқли тарихшунос олим Ҳ.Зиёев³ томонидан, Хива хонлиги тарихи тарих фанлари номзоди

¹ Shamsutdinov R., Karimov Sh. Vatan tarixi ikkinchi kitob. T.: 2010.

² Аскарлов А.А. «История Узбекистана» Том III (XVI – первой половина XIX века).» -Т., Fan 1993.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат нашриёти. – Т.: 2001. 2-жилд. 302-306 бетлар.

Н.Полвонов¹ томонидан, Қўқон хонлиги тарихи эса тарих фанлари доктори, профессор Ҳ.Бобобеков² томонидан ёзилган. Ушбу мақолалар тарих фанининг энг сўнгги ютуқлари, янгиликлари, янгича концепция руҳида ёзилган.

Шу билан бирга тарих ва тарихшунослик таҳлили амалга оширилган муҳим тадқиқотлар³ Ватан тарихини чуқур билиш ва ўрганиш қарор қилган ҳар бир талабанинг эътиборидан четда қолмаслиги табиийдир. Зеро, улар бой ўтмишимиз, жўшқин силсилалари тизимидан иборат ҳаққоний илмий манзарасини берувчи билим манбаларидир.

Шу нарса аёнки, халқ таълими тизимимиз, шу жумладан, тарих фанидан таълим бериш янгиланиш жараёнини бошдан кечирмоқдаки, бу ҳол Ўзбекистон тарихидан дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни вақти-вақти билан янгилаб, бойитиб ва такомиллаштириб туришни зарур қилиб қўяди. Дарҳақиқат, фан таълими самарадорлигини ошириш манфаатлари, талабаларнинг онгида миллий истиқлол мафкураси ва унинг энг муҳим тамойилини шакллантириш зарурияти ана шу ишни амалга оширишни тақозо этади.

Буюк Амир Темур томонидан Олтин Ўрдага берилган кучли зарба бир вақтлар қудратли бўлган давлатнинг заифлашуви ва парчаланиб кетишига сабаб бўлган асосий омиллардан биридир. Унинг ўрнига Волганинг ўрта ва қуйи оқимида Қозон ва Аштархон ҳамда Туркия ҳукмронлиги остидаги Қрим ярим оролида Қрим хонликлари вужудга келди. Ўз навбатида Амир Темур вафотидан сўнг унинг авлодлари ўртасида ўзаро урушлар Амир Темур асос солган буюк салтанатнинг парчаланиб кетишига сабаб бўлди ва шимолдан келган кўчманчи қабилаларнинг бу ерларни осонликча эгаллаб олишлари

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси... 9-жилд. – Т.: 2005, 417-419 бет.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси... 11-жилд. – Т.: 2005, 209-212 бет.

³ Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918-1924 йй.). Тарих фанлари докт. дисс. – Т., 2004; Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX-30-е годы XX в.). – Т.: Aloqachi, 2009; С.Шодмонова. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Т.: Yangi nashr, 2011; Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент, “Navro`z”, 2014.

учун кулай имкониятлар яратди. Маълумки, Сирдарёнинг юқори оқими ва Тяньшань тоғ тизмаларининг Шимолий ён бағирларидан Днепр дарёсининг куйи оқимига қадар ёйилган даштлар Дашти Қипчоқ номи билан аталган. Дашти Қипчоқ атамасини XI асрда Носир Хисрав қўллаган. Дашти Қипчоқ XI-XV асрларга оид араб ва форс манбаларида ҳам тилга олинади. Дашти Қипчоқ аҳолиси шарқ манбаларида – қипчоқлар, рус солномаларида половецлар, Византия хроникаларида куманлар, венгер манбаларида кунлар деб аталган. Дашти Қипчоқ XIII аср бошларида Чингизхон қўшинлари томонидан босиб олинган, тарихда Жўжи улуси номи билан аталган Олтин Ўрда давлати барпо этилади. XIV аср бошларида Жўжи улуси, яъни Олтин Ўрда иккига бўлиниб кетади. XIV асрнинг 60-йилларидан Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми «Ўзбеклар мамлакати», аҳолиси эса «ўзбеклар» деб атала бошланган¹.

Тарихий манбаларда Шайбонийхон ўз укаси билан бир неча марта Мовароуннахр ҳукмдорлари ва ноиблари – Туркистон ва Ўтрорни идора қилган ноиб Муҳаммад Мазид Тархон, Самарқанд ҳокими Аҳмад Мирзолар хузурларига келганда яхши кутиб олганликлари ва ҳомийлик қилганликлари кўрсатилади. Шайбонийхон бир неча вақт Бухорода ҳам яшаган ва Дашти Қипчоққа бориб келиб турган. Бухорода бўлганида Шайбонийхон маърифатдан сабоқ олган, илм ва шеърятни севиб ўрганган. Сиғноқ шаҳри (Қизил Ўрдага борадиган йўлдаги Туманариқ деган собиқ почта бекатига 10 км етмасдан жойлашган Сиғноқ шаҳрининг харобалари ҳозир ҳам мавжуд) Шайбонийхонга жангсиз таслим бўлган. Манғит ҳокими Мусо-Мирзонинг ёрдами эвазига Шайбоний қозоқлар хони Бурундукхонни (1481-1511) тор-мор қилади. Аммо кейин ўзи қаттиқ зарбага учраб, Манғишлоқ ярим оролига қочади. Самарқанд ҳокими Аҳмад Мирзо мўғулларнинг тинимсиз қилиб турган хужумидан тинкаси қуриб, Шайбонийхонга ёрдам сўраб мурожаат қилади. Шу баҳона билан Шайбонийхон Мовароуннахрга икки босқичда,

¹ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: «Университет», 2007.; Аҳмедов Б. Ўзбек улуси. – Т.: 1992.

яъни, 1488-1499 йилларда биринчи марта, 1499-1507 йилларда иккинчи марта юришлар қилади. У бирин-кетин Ўтрор, Ясси (Туркистон), Бухоро, Самарқанд ҳамда Фарғона ҳудудларини эгаллаб олади.

Темурийлар сулоласининг номини жаҳонга таратган вакилларидан бири Захириддин Муҳаммад Бобурдир. У 1483 йилда Андижонда туғилган. Бобур Мирзонинг отаси – Умаршайх Мирзо (1451-1494) Фарғона вилояти ҳокими, онаси Қутлуғ Нигорхоним Мўғулистон хони ва Тошкент ҳокими Юнусхоннинг кизи эди. 1469 йилда Султон Абусайид вафотидан сўнг темурийлар салтанати яна икки қисмга бўлиниб кетганлиги тарихдан маълум. Мовароуннаҳрда Султон Абусайид авлодлари навбат билан ҳукмронлик қилди. Дастлаб унинг ўғли Султон Аҳмад Мирзо (1469-1494), сўнгра Султон Маҳмуд Мирзо (1494-1498) ва ниҳоят Маҳмуднинг ўғли Султон Али Мирзо (1498-1500) мустақил ҳукмронлик қиладилар. Фарғонада Умаршайх ҳокимлик қилар эди. Бу ҳукмдорлар орасида айниқса Султон Аҳмад уқувсиз, сусткаш бўлган. Унинг даврида сиёсий тарқоқлик ва тож-у тахт учун кураш авжига минган. 1494-йилда Султон Аҳмад Мирзо Мўғулистон хони Султон Маҳмуд ўзаро иттифоқ бўлиб, лашкарларини Фарғонага юборган бир пайтда Умаршайх фожиали ҳалок бўлади. Бу даврда Бобур Мирзо эндигина 12 ёшга тўлган эди. У валиаҳд сифатида тахтга ўтиради (1494 йил, июн). Ёш ва тажрибасиз Бобур Мирзо юқори табақа вакиллари ўртасидаги сиёсий тарқоқлик курашига аралашишга мажбур бўлади. У улуг соҳибқирон бобоси давлатини бирлаштиришни ўзининг эзгу нияти деб билар эди. Ана шу эзгу мақсад билан ҳаракат қилган Бобур Мирзо бошчилигидаги Андижон қўшинлари 1495-1496 йилларда Самарқандга икки марта муваффақиятсиз юриш қилади. 1497 йил кузида у Самарқанд атрофидаги бир қанча жойларни ва етти ойлик ҳамалдан сўнг Самарқандни эгаллайди, Бойсунғур Қундузга қочади. Захириддин Бобур бобоси Амир Темурнинг расмий пойтахти Самарқандда бор йўғи юз кунгина ҳукмронлик қилади, холос. У тез орада Андижонга қайтишга мажбур бўлади. Буни муаррихлар ҳар хил сабаблар билан шарҳлайдилар. Биринчи сабаби,

Самарқанд узоқ вақт қамал қилинганлиги оқибатида шаҳарда озиқ-овқат танқислиги кучайган. Иккинчи сабаби эса, Бобур Мирзонинг йўқлигидан фойдаланган маҳаллий ҳукмдорлар Андижонда қўзғолон кўтардилар ва шаҳарни қўлга оладилар. Бобур Мирзо Андижондаги ўзбошимча бекларни танобини тортиб қўйиш мақсадида Самарқанддан чиқиб Андижон сари отланади. Самарқанд ёш шаҳзода хотирасида жуда чуқур из қолдиради. Бу Бобур Мирзонинг Мовароуннаҳр пойтахтига биринчи бор қадам қўйиши эди.

1498 йилда Бухорода турган темурийлардан бўлмиш Султон Али Самарқандга кириб келади. Унинг ихтиёрида қуролли куч йўқ бўлиб у амирлар қўлида шунчаки бир қўғирчоқ эди, холос. Мамлакатдаги бундай бошбошдоқлик, бошқарув тизимининг тез-тез бир қўлдан иккинчи қўлга ўтиб туриши, халқнинг оғир иқтисодий аҳволи Мовароуннаҳр тупроғидан темурийларни суриб чиқаришни ўз олдига вазифа қилиб қўйган бошқа бир туркий қабила – Дашти Қипчоқдаги чорвадор ўзбек номи билан аталувчи қавм ва қабилаларнинг Муҳаммад Шайбонийхон бошчилигида бу ҳудудларни эгаллаб олишларига ёрдам берди.

Муҳаммад Шайбонийхон 1500 йилда жангсиз Самарқандни эгаллади. У шаҳарни талайди, темурий шаҳзодаларни қиличдан ўтказди. Аҳолига катта ва оғир солиқлар солинади. Бу ҳол Самарқанд шаҳри аҳолисининг норозилик қўзғолонига сабаб бўлди. Қўзғолонга Абулмакарим бошчилик қилади. Шайбонийхон бу даврда Самарқандда 600 кишини қолдириб, ўзи Қўлималикда дам олаётган эди. Шунда Самарқанд шаҳри аҳли 19 ёшли Бобур Мирзони Самарқандга чорлаб, шаҳар дарвозаларини унга очиб бердилар. Шайбонийнинг Самарқанд шаҳрида қолдириб кетган 600 кишидан иборат аскарлари кириб ташланди. Бобур Мирзо ҳукмдор этиб кўтарилади. Самарқанд туманлари, Қарши, Ғузор ҳудудлари ҳам Бобур Мирзо ҳукмронлигини тан олди. Самарқандда содир бўлган воқеалардан хабар топган Муҳаммад Шайбонийхон Туркистон атрофларидан катта қўшин тўплаб яна Самарқанд сари юрди. Бу даврда Самарқандда оғир вазият вужудга келган эди. Қурғоқчилик туфайли шаҳар озиқ-овқат ва ем-хашак

танқислигига учради. Натижада Бобур Мирзо лашкарларининг бир қисмини тарқатиб юборишга мажбур бўлади. У оз сонли қўшин билан қолган эди. Бундан фойдаланган Шайбонийхон ҳужум бошлайди. Бобур Мирзо Кеш, Тошкентдан келаётган ёрдамчи кучларни кутмасдан, жангга киради. Зарафшон қирғоғида бўлган жангда Бобур Мирзо енгиледи ва Самарқандда яширинади. Шайбонийхон Самарқандни узоқ вақт ҳамал қилади. Шаҳарда мисли кўрилмаган оғир аҳвол юзага келди. Бобур Мирзо оч-яланғоч қолган Самарқандни ярим тунда ташлаб, Тошкент томон отланди. У тоғаси Тошкент ҳокими Султон Маҳмудхон ҳузурига Самарқандни қайтариб олишда ёрдам сўраб боради. Бироқ, Муҳаммад Шайбонийхон Бобур Мирзо, Султон Маҳмудхоннинг бирлашган қўшинларини енгади. Бобур Мирзо Мўғулистонга қочишдан бошқа чора топа олмади. Бу даврда Андижон ҳам Шайбонийлар томонидан эгалланган эди. Муҳаммад Шайбонийхон 1505 йилга келиб бутун Мовароуннаҳрни эгаллаб бўлиб, Хуросонни қўлга киритиш мақсадида тайёргарлик кўраётган эди.

Бобур Мирзо 1504-1507 йиллар оралиғида Мўғулистон ва Мовароуннаҳр ерларида кувғинда юради ва ниҳоят оз сонли лашкар билан Ҳисор тоғларидан ошиб, Қобул шаҳрини эгаллайди. У бошидан жуда оғир кунларни ўтказди. Бобур Мирзонинг қизи Гулбаданбегим (1523-1603) ўзининг «Ҳумоюннома» асарида бундай деб ёзган эди: «Тўлиқ 11 йил давомида Мовароуннаҳр ўлкасида, чиғатой, темурий ва ўзбек султонлари билан шундай жанглар ва мудофаалар қилдиларки, уларнинг саноғини батафсил баён қилишга қалам ожиз ва нуқсонлидир. Охирги ҳамроҳлари ва қариндошлари бўлиб, жами 250 га яқин киши, пиёда, елкаларида чопон, оёқларида чорик, қўлларида таёқ бўлгани ҳолда беяроғ, худога таваккал қилиб Бадахшон ва Қобулга қараб йўл олдилар».

Бобур Мирзо Афғонистондаги тарқоқ қабилаларни бирлаштирди. Қобулдан сўнг Ғазна эгалланди. Қобул Бобур Мирзо давлатининг пойтахти эди. У 1508 йилда расмий суратда ўзини Афғонистоннинг подшоси деб эълон қилади. Ҳатто Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро Бобур Мирзо билан

биргаликда Муҳаммад Шайбонийхонга қарши жангга отланишга ўзаро келишиб олган эди. Фақат Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг 1506 йилдаги кутилмаган бевақт ўлими бу режанинг амалга ошувига имкон бермади. Муҳаммад Шайбонийхон Мовароуннаҳр сўнг Хуросонни эгаллаб, бу ҳудудларни темурийлардан тортиб олди.

Р.Шамситдинов, Ш.Каримовларнинг “Ватан тарихи” асарининг учинчи китоби¹ 1997 йилда нашр этилган «Ватан тарихи» (Биринчи китоб) ўқув қўлланмаси ва 2003 йилда нашр қилинган «Ватан тарихи» (XVI-XX аср бошлари) (Иккинчи китоб)нинг давоми бўлиб, унда ўзбек ва жаҳон тарихшунослигининг ҳозирги босқичдаги ютуқларига ҳамда миллий истиқлол мафкураси ғояларига асосланган ҳолда Ўзбекистоннинг 1917 йил феврал инқилобидан то 1991 йил 31 август – Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигига эришган даврига қадар содир бўлган муҳим тарихий воқеалари ёритилган. Китобда совет мустамлакачилигининг ўрнатилиши ва унга қарши ўлкамиз халқларининг миллий-озодлик курашлари, Ўзбекистоннинг совет режими шароитидаги аҳволи, халқнинг тортган заҳматлари, иккинчи жаҳон урушидаги иштироки, советлар истибдодининг кучайиши ва унга қарши миллий уйғониш ва унинг босқичлари, истиқлол учун кураш кенг қўламдаги, хилма-хил ҳужжатли манбалар асосида акс эттирилган. Китобдан университетлар, олий ўқув юртлари тарих факультетлари талабалари, шунингдек, кенг китобхонлар оммаси фойдаланишлари мумкин.

Ватан тарихидан яратилаётган барча илмий тадқиқотлар, ўқув қўлланма, дарсликлар, рисола, мақола ва бошқа ўқув материаллари, тарих фанидан номзодлик, докторлик диссертациялари учун «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», «Юксак маънавият - енгилмас куч» каби асарлари асосий дастуриламал, методологик-назарий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

«Ватан тарихи» асари ҳам худди ана шу асосларда яратилди. Унда Ўзбекистон янги тарихининг ажралмас таркибий қисми бўлган совет

¹ Shamsitdinov R., Karimov Sh. “Vatan tarixi. uchinchi kitob” -T.: Sharq, 2010.

мустамлакачилиги даври тарихи ҳам имкон борича жаҳон ва ўзбек тарихшунослигининг ҳозирги тараққиёти босқичи нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Шунингдек, эски, коммунистик сиёсат ва мафкура ақидаларидан тамомила холи равишда воқеа-жараёнлар моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

«Тарих хотираси, – деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов, – халқнинг, жонажон ўлканинг, давлатимиз ҳудудининг холис ва ҳаққоний тарихини тиклаш, миллий ўзликни англаш, таъбир жоиз бўлса, миллий ифтихорни тиклаш ва ўстириш жараёнида ғоят муҳим ўрин тутди. Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда»¹.

Ислом Каримов истиқлолимизга ташқаридан, ичкаридан мафкуравий таҳдид солаётган воситалардан бири тарихимизни сохталаштириш, бузиш эканига бир қанча бор алоҳида эътибор қаратди. Ҳозирги кундаги мафкуравий таҳдидлардан бири – «бу ўзбек миллатининг тарихини сохталаштириш, турли хил ғайриилмий талқинлар, сиёсий шиорлар билан бизни тарихимиздан, шарафли ўтмишимиздан жудо қилишга уриниш тарзида намоён бўлмоқда. Хориждаги баъзи бир сиёсий арбоблар ва олимларнинг даъволарига кўра, алоҳида ўзбек деган миллат йўқ эмиш, балки умумий туркий халқ бор эмиш. Шунинг учун ўзбек, қозоқ, қирғиз, туркман, бошқирд, татар, уйғур ва ҳоказо тушунчаларга барҳам бериш керак эмиш»². Бундай қарашларга И.Каримов муносиб жавоб бериб, ҳар бир халқ каби ўзбек халқининг ҳам тарихи барқарорлигини зўр куч билан таъкидлаб келмоқда.

«Туркистон» газетаси мухбирининг саволига жавоб бераркан, йўлбошчимиз шундай деган эдилар: «Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида

¹ Каримов И.А. Узбекистан XXI аср бўсағасида. Хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т. «Узбекистан», 1997. 140-бет.

² Каримов И.А. Биз келажагимизни уз қўлимиз билан курмоқдамиз. «Туркистон» газетаси мухбирининг берган саволларига жавоблари. «Туркистон» газетаси, 1999 йил.

«Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади. Ўзбек миллати Ўзбекхон номидан тарқаган эмас, балки Ўзбекхон ўзбек миллати номини ўзига ном қилиб олган бўлса ажаб эмас». Айни вақтда йўлбошчи ўзбекнинг қадим тарихий илдиэлари туркий халқлар билан бир эканини, бу бирлик тил, дин, урф-одат, қадриятлар ва маданиятда намоеън бўлганини эътироф этиб, туркий халқлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантириш тарафдоримиз, деб айтган эди. «Лекин, - деб кўрсатади И.А.Каримов, – биз ўзимизни ҳамиша мустақил миллат – ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий, маданий асосларимиз бор. Бугун дунё ҳамжамияти бизнинг буюк тарихимиз ва муваффақиятимизни эътироф этиб, бугунги кунда бизни шу ном билан танийди ва ҳурмат қилади».

Мазкур савол-жавобда совет даврида Ватанимиз тарихини ўрганиш, қарийб 75 йиллик ҳаётимизни холисона баҳолаш, мушоҳада қилиш бўйича ҳам И.А.Каримов қатор методологик, назарий, илмий ғояларни илгари сурди. Янгидан барпо этилган «Хотира» майдони хусусида тўхталиб, И. Каримов бу майдон халқимизни тарихий хотира сифатида бирлаштиришига хизмат қилишини алоҳида таъкидлаб ўтган.

У ўша мустабид совет тузуми, «қаттол замон» тақозоси билан халқимиз ўз даврида бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланганини қайд этиб, совет ҳукумати «бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усулларни ишга солганини, бир миллат вакиллари бир-бирига қарши қайраб, адоват ва низо уруғини сочганини ҳам кўрсатиб беради. «Лекин, – деб айтган эди у, – аслида уларнинг барчаси битта халқ фарзандлари, бир миллат вакиллари эди. Энди орадан шунча йиллар ўтиб кетгач, биз учун на босмачи, на қизил аскар бор. Шу боис ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаётини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишга ҳаракат қилишимиз лозим».

И.А.Каримовнинг Тошкент вилояти кенгашида сўзлаган нутқида методологик асослардан муҳими бўлиб хизмат қиладиган мана бу фикри ҳам ғоят қимматли бўлган эди: «Она юртимиз Туркистонга ёв бостириб келганда ҳам, «босмачилик» деган уйдирмалар чиққан пайтда ҳам, сўнгги йиллар давомида «Ўзбек иши», «пахта иши» деган маломат ва бўҳтонлар авж олган, десантчилар келиб хонадонларимизнинг бошига ёғилган бало-офатларнинг барчасининг сабаби ва илдизини юртимизда адолат мезони бузилганидан кўриш керак. Ўйлайманки, қачонки шу кўз билан тарихимизнинг аламли саҳифаларига тўғри баҳо ва изоҳ берсак, кўп нарсани жой-жойига қўйишимиз мумкин. Шундай вазифани авваламбор олимларимиз, тарихчиларимиз, адабиётчиларимиз, эл-юртимизнинг ҳақиқий ватанпарварлари ўз зиммасига олиши даркор»¹.

Бу каби фикр-мулоҳазалар, методологик, концептуал қарашлар ҳам ушбу «Ватан тарихи» китобига асос қилиб олинди.

Муаллифлар китобни тайёрлашда ўзларига қадар матбуотда эълон қилинган Ўзбекистон тарихига оид тарихий-илмий, бадиий-публицистик, оммабоп асарлар ва адабиётлар, оммавий ахборот воситалари материалларидан мустақиллик ва миллий истиқлол мафкураси талаблари асосида ижодий фойдаланганлар.

Айниқса, бу ўринда «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида» фундаментал илмий тадқиқот китобидан кенг ва самарали фойдаланилди. Ишни тайёрлаш жараёнида Ўзбекистон давлат архиви ва унинг вилоятлардаги бўлимлари, республика Миллий хавфсизлик хизмати архивларидан мамлакатимиз тарихининг таҳлил қилинаётган даврига оид янги қўшимча материаллар ўрганилиб, илмий-амалий муомалага киритилди.

Булардан ташқари, муаллифлар бир қатор хорижий мамлакатларда – Россия Федерацияси, Украина, Қозоғистон, АҚШ, Туркия, Англия, Германия, Францияда нашр бўлган ватанимиз тарихига оид янги манбаларни,

¹ Ислон Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т. «Ўзбекистон» 1996. - 349-бет.

архив хужжатларини ўргандилар, хориждаги ватандошлар билан жонли мулоқотда бўлиб, ғоят қимматли материаллар билан қайтдилар. Бу материаллар мазкур китобга янги мазмун ва руҳ бахш этди.

Албатта, «Ватан тарихи» асарида баъзи камчиликлар, мунозарали фикр-хулосалар бўлиши мумкин. Қўлланманинг биринчи боб 3-фасли, учинчи бобининг «Ёш хивалик»лар фаолияти, «Ёш бухоролик»лар ҳаракати, «Ёш Бухоролик»лардаги бўлиниш, Бухоро компартиясининг ташкил этилиши, миллий истиқлол ва озодлик учун курашган сиёсий партия ва ташкилотлар фаолиятларини ёритишда тарих фанлари номзоди, доцент С. Холбоевнинг материалларидан фойдаланилди. Унга кўра, 1917 йил Октябрь тўнтариши Туркистон халқлари тарихида Россия мустамлакачилигининг янги даврини бошлаб берди. Бу давр советлар салтанати мустамлакачилиги даври бўлиб, у то 1991 йил августга қадар давом этди. Советлар даврида амалга оширилган “қизил салтанат” мустамлакачилиги сиёсати Россия империяси юргизган мустамлакачилик сиёсатидан қуйидагилар билан фарқланади.

Биринчидан, Россия империяси мустамлакачилик, буюк давлатчилик, миллатчилик ва шовинистик сиёсатини ҳеч кимдан, халқдан, жаҳон афғор оммасидан яширмасдан очик-ойдин олиб борган, совет давлати эса мустамлакачилик, шовинистик ва «буюк давлат шовинизми» сиёсатини риёкорона суръатда хаспўшлаб, айёрлик ва тилёғламалик билан баландпарвоз, ҳавойи ва амалга ошмайдиган шиорлар ва сароблар пардасига ўраб олиб борди. Масалан, «советлар давлати – умумхалқ давлати», «пролетар интернационализи ва халқлар дўстлиги», «социализм ва коммунизм ғалабаси ишига садоқат», «компартия – умумхалқ фирқаси», «бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун!», «Совет халқи – кишиларнинг янги тарихий бирлиги» каби иборалар ана шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Россия империяси маълум маънода мустамлакачилик, босқинчилик сиёсатини ён-атрофига қараб, халқаро майдондаги вазиятни ҳисобга олиб, андак бўлса-да, эҳтиёткорлик билан олиб борган эди. Зотан,

Россия империяси Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини ўзига қарам, вассал давлатга айлантирган бўлса-да, аммо уларнинг сиёсий мустақиллигини батамом йўқ қилишга журъат эта олмаган эди. Советлар эса Бухоро ва Хива давлати ҳудудларини даҳшатли қирғинлар эвазига босиб олди ва мустамлака асоратига солди.

А.Х.Дониёров, О.Бўриев, А.А.Ашировларнинг ҳаммуаллифликдаги “Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи”¹ китоби 9 бобдан иборат бўлиб, унинг III боб 4-мавзуси ўзбекларнинг анъанавий моддий маданиятига бағишланган. Унда ўзбекларнинг ўзига хос турар жойлари, кийимлари, тақинчоқлари, таомлари, маънавий ҳаёти ҳақида кенг маълумотлар берилади.

Ушбу адабиётда бугунги мавзумизга оид бўлган, яъни ўзбекларнинг қадимги ва бугунги турар жойлари, безак-тақинчоқлари, маънавий ва диний ҳаёти, миллий таомлари-ю анъаналари ҳақидаги маълумотлар мавжуд. Жумладан, ўзбекларнинг анъанавий турар жойлари қадимдан ўзига хос бўлиб, улар яшаган минтақанинг табиий-географик шароити билан боғлиқ бўлган. Турар жойлар барпо этишда қурилиш конструкцияси ва услуби, лойиҳаси ва безаклари билан ажралиб турган, мустақил ва ўзига хос Фарғона, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз меъморчилик йўналишлари машҳур бўлиб келган. Барча тураржой ва хўжалик хоналарининг ойналари ичкари томонга қаратилган. Ҳовли икки қисмга – болалар ва аёллар учун ичкари ҳовли ҳамда номаҳрам эркаклар ва меҳмонлар учун меҳмонхона тарзида ҳашаматли хоналардан иборат ташқари ҳовлига бўлинган. Ҳунармандларнинг уйларида дўкон ва шогирдлар яшайдиган хоналар ҳам ташқарида жойлашган. Энг кўп тарқалган икки хонали уй вариантларидан бири сифатида даҳлиз ва катта уйдан иборат бўлган уйларни кўрсатиш мумкин. Бундай уй-жойлар одатда олди айвонли ва айвонсиз қилиб қурилган.

¹ Doniyorov A.X., Bo'riyev O., Ashirov A.A. "Markaziy Osiyo xalqlari etnografiyasi, etnogenezi va etnik tarixi" T.: Yangi nashr, 2011.

**Марказий Осиёнинг Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Қирғизистон,
Туркманистон, Тожикистон давлатларида мустақиллик йилларида
нашр этилган тарихий адабиётларнинг ўзига хослиги**

Қорақалпоқ халқи тарихи тарихишунослиги. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикаси тарихини ёритиб беришга бағишланган кўплаб адабиётлар яратилди. Қорақалпоғистон Республикаси – Ўзбекистон Республикаси таркибидаги суверен давлат. 1936 йилда Қорақалпоғистон АССР Ўзбекистон ССР таркибига кирди. Мустақилликка эришилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, 162 туман, 120 шаҳар борлиги қайд этилди¹.

2002 йилда Н.Тўхлиев ва А.Кремеисоваларнинг “Ўзбекистон Республикаси: энциклопедик маълумотнома” номли асари чоп этилган. Бу асарда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейин тузилган барча вилоятлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Шулар қаторида Қорақалпоғистон Республикасининг давлат тузилиши, маъмурий бўлиниши, давлат рамзлари, қишлоқ хўжалиги, саноати, Қорақалпоғистон Республикаси тўғрисида, давлат ҳокимияти тизими, табиати ва транспорти ҳақида қисқача ва лўнда маълумотлар келтирилиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бутун Ўзбекистонда, шу қатори Қорақалпоғистон Республикасида асосий эътибор таълим-тарбия масалаларига қаратилди. Т.С.Жиемуратовнинг “Қорақалпоғистонда мактабдан ташқари таълим муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши” номли диссертациясида асосан қорақалпоқ халқининг тарихан шаклланиб келинаётган мактабдан ташқари таълим муассасалари тўғрисида фикр юритилган. Бу муассасаларнинг қорақалпоқ халқининг бугунги кундаги маданиятига таъсири масаласи ушбу тадқиқот ишида чуқур таҳлил қилинган.

Мустақилликдан сўнг Қорақалпоғистон Республикаси сайёҳлик имкониятлари ниҳоятда юқори ҳудудга айланди. Г.Б.Утепованинг

¹ То‘хлиев Н., Кремеисова А. О‘zbekiston Respublikasi: Ensiklopedik ma’lumotnoma. –Т.: “О‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”, 2002. 348-bet.

“Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ аҳолисининг иқтисодий демографик салоҳияти (танланма тадқиқот натижалари асосида)” номли тадқиқотида Аязқалъа, Жонбасқалъа, Тупроққалъа каби археологик ёдгорликларга дунё қадимшуносларининг эътибори ўзгача эканлиги таъкидлаб ўтилган. Шунингдек, асарда республикада ички туризмни ривижлантириш борасида ҳам улкан имкониятлар мавжудлиги, Султон Увайс бобо, Наритжон бобо, Шиблий шайх, Шайх Аббос Вали, Довут ота, Ҳаким ота, Кечирмас бобо каби минтақалардаги сайёҳлик фирмаларининг очилиши ҳамда хорижий туризм ташкилотларининг кенг камровли саёҳатлари ҳақида маълумотлар келтирилган. Қорақалпоғистон Республикасининг иқтисодий салоҳиятини ўрганишда Г.Б.Утеповнинг асаридан фойдаланиш мумкин.

Б.Б.Саилбековнинг “Қорақалпоғистон Республикаси аграр секторидида иқтисодий ислохотлар ва уларни чуқурлаштириш йўналишлари” асарида ҳам ушбу ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги масалалари, иқтисодий ислохотларнинг ўрни ва аҳамияти, уларни такомиллаштириш йўллари масалалари кўриб чиқилган.

Қорақалпоғистон Республикасининг “Қорақалпоғистон Республикаси Жуқори Кенгесига сайлов тўғрисида”, “Халқ депутатлари туман ва шаҳар сайлов тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси қонуни”, “Қорақалпоғистон Республикаси марказий сайлов комиссияси тўғрисида”, “Қорақалпоғистон Республикаси қонуни”, 2004 йилдаги Нукусда нашрдан чиққан “Қорақалпоғистон Республикаси Қонунлари” каби ҳуқуқий ҳужжатларда қорақалпоқ халқи ҳайитининг мазмун-моҳияти ўз аксини топган.

Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий масалаларини тўлароқ, аниқроқ ўрганишга киришилади ва бу борада бир қанда тадқиқот ишлари олиб борилади. Натижада бир қанча диссертацион ишлар юзага келди. Й.Қ.Умаровнинг “Қорақалпоғистон Республикаси ишлаб чиқарувчи кучларининг ҳудудий таркибини

такомиллаштириш муаммолари”, Й.Б.Утепованинг “Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ жойларининг демографик ривожланиши ва меҳнат ресурслари муаммолари”, З.А.Реймованинг “Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий мақоми” номли ишлари шулар жумласидандир.

М.А.Утемуратов “Мустақил Ўзбекистон таркибида Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши” номли тадқиқот ишида Қорақалпоқ давлатчилигининг ривожланиш жараёнини ҳуқуқий жиҳатдан илк бор қуйидаги даврларга бўлиб ўрганган: 1925-1932 йиллар, 1932-1990 йиллар, 1990 йилдан ҳозирги кунга қадар. Қорақалпоқ давлатчилигининг турли жиҳатлари доимий равишда тарих ва ҳуқуқ фанларида илмий тадқиқот объекти бўлиб келган. Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши муаммолари ҳуқуқшунос олималар, сиёсатшунослар, файласуфлар ва шу соҳа бўйича ихтисослашган мутахассислар томонидан ўрганилиб келмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий масалаларини тадқиқ этишда бир қанча илмий мақолалар ҳам муҳим бўлиб, улар жумласига М.А.Утемуратовнинг “Ўзбекистон мустақиллиги – суверен Қорақалпоғистоннинг ҳам буюк тарихий ютуғидир”, “Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон муносабатлари”, “Қорақалпоғистонда давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши тарихи”, “Қорақалпоғистон Республикаси давлат рамзлари Қорақалпоғистон суверенитетининг муҳим белгисидир” каби илмий мақолаларини киритиш мумкин.

З.А.Реймованинг “Қорақалпоғистон Республикасида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий статуси” мақоласида Қорақалпоғистон Республикасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий ва ҳуқуқий жиҳатлари ҳамда муаммолари, маҳаллий ҳокимият органларининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан муносабатларининг ҳуқуқий ҳолати каби масалалар ёритиб берилган.

Қорақалпоғистоннинг совет давридаги матбуоти масалалари
З.Қ.Оразимбетованинг тадқиқотида ёритилган.

Д.О.Бекбаўлиевнинг тадқиқот ишида 1991-1994 йиллар оралиғида Қорақалпоғистон оммавий ахборот воситалари, жумладан даврий матбуотини миллий мустақиллик асосида қайтадан ташкил этиш ва янги миллий мазмун билан бойитиш масалалари ёритилган.

Қорақалпоқ матбуотининг совет давридаги тарихига доир айрим маълумотлар тарих фанлари доктори, профессор Т.Е.Еерназаров, академик М.К.Нурмахеммодов, педагогика фанлари доктори, профессор Ж.Ўринбоев, тарих фанлари номзоди Н.А.Ахмедованинг қатор асарларида ўз аксини топди.

Д.О.Бекбаўлиевнинг “Қорақалпоқ матбуотида маданий мерос масаласи” номли илмий мақоласида Қорақалпоғистон замини ер ости ва ер усти бойликлари, сув, углеводород, минерал ресурслари ва бошқа турли қазилма бойликлари захиралари ҳақидаги маълумотлар акс этган. Унда Қорақалпоғистонда, хусусан, Уструшонанинг бепоён кенгликларида бир қатор нефть ва газ конлари аниқланганлиги, ҳудуддаги олтин, темир, ванадий, титан, фосфор, молибден, гранит, мрамор, рангли кум, оҳак ва бошқа қазилма бойликлари тўғрисидаги маълумотлар берилган.

Қ.Тўлепбергеннинг Маманбий афсонаси (Қорақалпоқ достони)нинг учинчи жилди 1999 йилда қайта нашр этилган. Ушбу асарнинг биринчи нашри 1973 йилда, иккинчи нашри 1982 йилда амалга оширилган эди.

Бу хусусда танифли ёзувчи Чингиз Айтматов ўз фикрларини билдириб ўтган. Чингиз Айтматов асарга қисқача таъриф бериб, жумладан, қорақалпоқларнинг уч асрлик (XVIII-XIX асрлар) тарихи бадиий жиҳатдан ишинарли ва кучли акс эттириш насиб эттирилганини, трилогияда тасвирланган халқ нисбатан кам сонли бўлса-да, теран тарихий илдизлари борлигини, у шу кунгача ўзига хослигини, бутунлигини, бетакрор миллий қиёфасини сақлаб қолганлигини қайд этган.

Я.Абдуллаеванинг 2004 йилда нашр этилган “Қорақалпоғистон хотин-кизлари: кеча ва бугун (XIX асрнинг охири ва XX аср)” номли асари, шунингдек, Қорақалпоғистоннинг тарихи ва маданиятига бағишланган илмий тўплам, Б.Н.Палиуновнинг қорақалпоқ адабиётида эссе жанрига бағишланган асарларида қорақалпоқ халқининг иқтисодий ва ижтимоий-маънавий масалалари талқин этган.

Кўплаб муаллифлар Қорақалпоғистон Республикаси тарихи ва маданиятининг турли жиҳатларига оид асарлар яратганлар. Улар орасида Р.Баллиева, Ф.Т.Отенова, П.Қ.Алламбергенова, А.М.Ибрагимов, В.Н.Ягодин каби тадқиқотчиларнинг асарлари орқали Қорақалпоғистоннинг мустақиллик йилларида эришган натижалари, тараққиёт учун олиб бораётган чоратадбирлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиш мумкин.

Қозоғистонда тарих фани. Мустақил Қозоғистон Республикаси тарихини ўрганишда Қозоғистон Республикаси биринчи Президенти Нурсултон Назарбаев¹нинг бир қатор китоблари², илмий мақолалари³ ва унинг асарлари таҳлил этилган мақолалар⁴ муҳим аҳамиятга эга.

¹ Нурсултон Назарбаев 1940 йил 6 июлда Алматы вилоятининг Қаскелен туманидаги Чемолған қишлоғида Абиш ва Алжан Назарбаевларнинг оиласида дунёга келган. Нурсултон Назарбаев Катта жузнинг шапрашти уруғига киради. Унга ота-онаси Нурсултон деб исм қўйган. Чақалоққа исм танлашнинг ўзи бир ҳикояга айланган. Тўйга ташриф буюрган қариндош-уруғлар ҳар турли исмларни таклиф қилган. Энг сўнггида янги туғилган ўғилнинг бувиси Мирзабола шундай деган: “Менинг сеvimли неварам икки исми олиб юрсин, унинг исми Нурсултон бўлсин” Мирзабола неварасининг муваффақиятли инсон бўлиб вояга етишига катта ҳисса қўшган.

² «Казахстанский путь», «Стальной профиль Казахстана», «Без правых и левых», «Стратегия ресурсосбережения и переход к рынку», «Кремлёвский тупик», «Стратегия становления и развития Казахстана как суверенного государства», «Рынок и социально-экономическое развитие», «На пороге XXI века», «Н.А.Назарбаев. Евразийский союз: идеи, практика, перспективы. 1994-1997», «Ғасырлар тоғысында», «В потоке истории», «Эпицентр мира» А.: 1996

³“«Хозяйская расчетливость», «Экономика Казахстана: реальность и перспективы обновления», «Проблемы разделения труда», «Эффект объединений: опыт и проблемы», «Условия новые, „тормоза“ старые», «Проблемы Приаралья и пути их решения», «Тerra incognita посттоталитарной демократии», «От имперского союза к содружеству независимых государств», «Экономическая интеграция — разумной альтернативы нет», «Межнациональное единство и экономический суверенитет — главная и надежная опора нашего продвижения вперед», «Наши ориентиры — консолидация, общественный прогресс, социальное партнерство», «Критическое десятилетие», «Об ускорении рыночных преобразований и мерах выхода из экономического кризиса», «Евразийское пространство: интеграционный потенциал и его реализация»

⁴ “Қозоғистон келажаги — қозоқ тилида”, “Кеча бўлмаганнинг бугун бўлиши мумкин, бугун бўлганнинг эртага бўлиши мумкин, бироқ она тилига эътибор бермасликнинг, уни ҳурмат қилмаснинг ўрни тўлмас чуқурликларга олиб келиши шубҳасиз”, “Миллат ва тил масаласига келганда, энг асосийси, миллий ажралмоқдан йироқ бўлиш керак”, “Қозоқ қозоқ билан қозоқча гаплашсин”, “Мустамлака даврни эсга солиб, аҳолининг номусига зид номларни ҳам, тилнинг қонуниятларини, табиий уйғунликни бузуб турган номларни ҳам ўзгартириш керак”.

Мустақиллик йилларида қозоқ халқининг этнегенези¹, ўрта асрларга оид тарихи², қозоқ хонлиги³, мустамлакачилик даври⁴ ва мустақиллик даври⁵га бағишланган жуда кўп асарлар яратилган бўлиб, уларда қозоқларнинг узок тарихи ва босиб ўтган машаққатли йўли ҳақида муҳим маълумотлар берилди.

Н.Назарбаевнинг «Қазақстанский путь»⁶ номли китобида Қозоғистоннинг узок ўтмишидан то бугунга қадар босиб ўтган йўли ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилган. Унинг яна бир асарида⁷ Қозоғистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориши, унда тутиб келаётган ўрни, ўтмиши, келажаги, узок тарихи ҳақида маълумотлар учрайди.

Мустақиллик йилларида қозоқ халқининг келиб чиқиш тарихи, этногенези масалалари совет ғояларидан холи тарзда ўрганилди. Жумладан, Қ.Сартқожанинг «Орхон мўралары»⁸ китоби қозоқ халқининг шаклланиш тарихига бағишланган. Н.А.Абдуллаев ўзининг қозоқларнинг этник тарихига оид асарида⁹ қозоқларнинг қабила-уруғлари тарихан уч гуруҳга бўлиниб, алоҳида ҳудудларда яшаганликлари ҳақида маълумот берган. Унинг қайд этишича, Қозоғистон ҳудудида қадимги одамларнинг пайдо бўлиши эрта палеолитнинг биринчи ярмига тўғри келади. Чамаси, бу вақтда биринчи

¹ Қаржаубай Сартқожа. Орхон мўралары. 1-ші кітап. Астана, «Қўлтегін», 2003.; Қайрат Закирьянов. Шыңғысхан дәуіріндегі моңғолдардың найман тілі // Журнал «Ақиқат», 2009, №10.; Қазақ шежіресі (дайындаған Жарылқап Бейсенбайұлы). Алматы, «Атамұра – Қазақстан», 1994.; Аманжолов К.Р. Түркі халықтарының тарихы. Алматы, «Білім», 2005.; Ибраһим Мұрат. Шыңғысхан мемлекетінің тілі мен діні // «Жұлдыз», 2009, №8. Газета «Ана тілі», Алматы, 2008, №47.; Бек Тоғысбаев. Откуда произошли казахи // «Простор», 1996, №2.

² Мухаметжан Тынышпаев. История казахского народа. Алматы, «Санат», 1998., М.С. Муқанов. Этническая территория казахов в XVIII – начале XX веков. Алма-Ата, «Қазақстан», 1991.365, Бекболат Тасболатұлы. Қаңлының әлемдік өркениетке қосқан үлесі // «Айқын», Алматы, 2009, №128.

³ Александр Бушков. Россия, которой не было – 3. Москва, «Красный пролетарий», 2004., Қазақтың көне тарихы (дайындаған М. Қани). Алматы, «Жалын», 1993., Бекболат Тасболатұлы. Қаңлының әлемдік өркениетке қосқан үлесі // «Айқын» газеті, 2009, №128., Жамбыл Омари. Қаз дауысты Қазыбек би. Астана, «Фолиант», 2000, С. Жолдасбаев, Д. Бабаев. История Средневекового Казахстана. Алматы, «Атамұра», 2003.

⁴ Регионы Казахстана 2002. Агентство Республики Казахстан по статистике. Алматы, Г.В. Носовский, А.Т. Фоменко. Русь и Орда. Великая Империя Средних веков. Москва, «Астрель», 2007., Рене Груссе. Империя степей. Итсория Центральной Азии. Пер. с англ. Алматы, 2003., Г.В. Носовский, А.Т. Фоменко. Империя. Том II. Москва, «Римис», 2004.360, Л.Н. Гумилев. От Руси до России. Алматы, 2003.

⁵ Қазақстан. Ұлттық энциклопедия. 8 том. Алматы, 2006., Журнал «Жалын», Алматы, 2004, №3., Газета «Ана тілі», Алматы, 2004, №32. Нығмет Мыңжан. Қазақтың қысқаша тарихы. Алматы, «Жалын», 1994.

⁶ Назарбаев Н. Қазақстанский путь, – Караганда, 2006 – 372 стр.

⁷ Назарбаев Н «Стальной профиль Казахстана», Алмата.: 1985.

⁸ Қаржаубай Сартқожа. Орхон мўралары⁸. 1-ші кітап. Астана, «Қўлтегін», 2003. Б.25.

⁹ Абдуллаев Н.А. К вопросу этнической истории казахов. Оренбург 2005.

музлик даврининг музлари эриб, чекина бошлаган, кўплаб тоғ дарачалари оқимлари пастга отиларкан, тош ва шағалларни ҳам соҳилларга суриб чиқарганлар.

С.Ахинжоновнинг¹ асарида эса қипчоқлар ҳамда уларнинг қозоқ халқи этногенезида тутган ўрни ҳақида маълумотлар келтирилган. IX-X асрларда Қозоғистон ҳудудида бошқа қабилалар қаторида қипчоқлар ҳам яшаганлар. XI-XV асрларда Иртишдан Дунайгача бўлган Буюк Евроосиё текислиги, Қримдан то Волга бўйидаги Буюк Булғориягача араб ва форс манбаларида “Половетслар даласи” деб аталадиган қипчоқ-половетслар кўчиб юришар эди. XVI-XVIII асрларда турк суперэтноси бир неча мустақил этносларга бўлиниб кетгандан сўнг, қудратли туркий қипчоқ қабиласининг қатта қисми қозоқ халқи таркибига кирди ва “Қипчоқ чўли” ёки “Чўл” деб ҳозирги Қозоғистон ҳудуди айтила бошланди. О.Исмагуловнинг тадқиқотида² қозоқларнинг антропологияси ҳақида маълумотлар учрайди. Унга кўра, қозоқлар “Жанубий Сибирь тип”га кирадилар (бу тип ўзи ичига ҳам монголоид, ҳам европеоид белгиларини олади). Жанубий Сибирь тип мўғул башара ирққа мансуб, кўзлари қисик, юзлари юмалоқ, танаси оқ сариқ-малла, пучуқ бурун, панжалари қалта, жуссалари майда, бош чаноғи брахикефал (думалоқ). Муаллифнинг қайд этишича, бепоён даштликлар, отулов, туя уларнинг жону дили, эркин, озод ҳаёт турмуш тарзи билан суяги қотган.

Қозоқларнинг келиб чиқиш тарихига оид маълумотлар жуда кўп. Уларга кўра, ўрта асрларда ҳам бу жараён шакллана бошлаган. М.Тынышпаев³ ўзининг “История казахского народа” асарида қозоқ халқининг ўрта асрлардаги тарихини ёритган. Муаллиф қозоқ халқи этник тарихининг муҳим жиҳатларидан яна бири – жузларнинг келиб чиқиши сабаблари ва даври масаласига тўхталиб ўтган. 1931 йилда Кичик ўрдага

¹ Ахинжонов С.М. Кипчаки в истории средневекового Казахстана Алматы Былим 2000. Б. 78.

² Исмагулов О. Древнейшие насельники Казахстана Взгляд антропология kazakhstan 2004 . С. 20-27.

³ Мухаметжан Тынышпаев. История казахского народа. Алматы, «Санат», 1998.

борган таржимон М.Тевкелевнинг маълум қилишича, “Қирғиз-қайсоқ” ўрдаси 3 қисмдан, хусусан: Улуюз, Оретаюз, Кичикжудан иборат бўлган.

Б.Тасболатўлынинг асарларида¹ қозоқ халқи айтишув ва афсоналарига асосланган ҳолда мазкур масалага ойдинлик киритишга ҳаракат қилинган. У мўғул улуси намунаси бўйича қозоқ жузларини XV-XVI асрларда пайдо бўлган, деб ҳисоблайди. М.С.Муканов² Ч. Валихоновнинг фикрларини инкор қилмаган ҳолда, “Катта, Ўрта ва Кичик” – қирғиз-қайсоқ ўрдалари битта – “қозоқ” халқи эканлигини ёзади. “Жуз” атамаси “юзлик”, “юз қабиласи” эмас, балки сўзи “қисм” ёки “бўлак”, “томон” маъноларини англатади. Муаллиф XV-XVI асрларда жузларнинг вужудга келиши даври ва сабабларини тушунтириб беради.

Г.В.Носовский³ ўз тадқиқотида XVI аср ўрталарида Нўғой Ўрдаси, кейинроқ Мўғулистон ва Сибирь хонликлари парчаланиб кетганлигини, қозоқ хонлиги жузларга бўлиниб, Катта жуз (Еттисув), Ўрта жуз (Марказий Қозоғистон) ва Кичик жуз (Ғарбий Қозоғистон) деб атала бошланганлигини таъкидлайди.

Ж. Омари⁴, Б. Тасболатўлы⁵ каби муаллифлар ҳам қозоқ халқи тарихи оид муҳим мулоҳазаларини қайд этганлар. С.Жолдасбаевнинг⁶ асарида Қозоғистоннинг XIX аср бошларидаги тарихи масалалари тадқиқ этилган. Унга кўра, Ўрта Жуз хонлари Буке Вали вафотидан сўнг подшо ҳукумати хон ҳокимиятини тугатиб, 1822 йилдан янгича бошқариш тизимини жорий этган. 1824 йилда Кичик жузда ҳам хон ҳокимияти тугатилиб, уруғ оқсоқоллари ҳокимиятини чеклайдиган ҳудудий бошқарувга ўтилган. Дашт ерларнинг жанубий ҳудудлари Қўқон ва Хива хонликлари таркибида қолган.

Р.Р.Алимова ўзининг Марказий Осиё халқлари тарихига доир⁷ асарида қозоқ хонлиги ҳақида батафсил маълумотларни келтириб ўтган.

¹ Бекболат Тасболатўлы. Қаңлының әлемдік өркениетке қосқан үлесі // «Айқын», Алматы, 2009, №128.

² Муканов М.С. Этническая территория казахов в XVIII – начале XX веков. Алма-Ата, «Казахстан», 1991.

³ Носовский Г.В., Фоменко А.Т. Русь и Орда. Великая Империя Средних веков. Москва, «Астрель», 2007.

⁴ Жамбыл Омари. Қаз дауысты Қазыбек би. Астана., «Фолиант», 2000.

⁵ Бекболат Тасболатўлы. Қаңлының әлемдік өркениетке қосқан үлесі // «Айқын» газеті, 2009, №128.,

⁶ Жолдасбаев С., Бабаев Д. История Средневекового Казахстана. Алматы., «Атамұра», 2003.

⁷ Alimova R.R. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi. –Т.: O‘qituvchi, 2009. 56-bet.

Унинг қайд этишича, қозоқ хонлигининг ташқи сиёсий аҳволи ҳам оғир эди. Унга ғарбдан Волгабўйи қалмиқлари ва ёйиқлик казаклар, шимолдан сибирлик казаклар, ёйиқ ортидан бошқирдлар, жанубда бухороликлар ва хиваликлар, шарқдан эса Жунғор хонлиги таҳдид солиб турган эдилар. Жунғорлар (қалмиқлар, ойратлар, элютлар) ва ғарбий мўнғул қабилалар (чўрослар, дербентлар, хошоутлар, торгоутлар) XVI асрнинг иккинчи ярмида ўзларининг иттифоқларини тузганлар. Бу иттифоқ XVII асрда Жунғор хонлиги номи билан машҳур бўлган давлатга айланди. Жунғор хонлиги 1635 йилда Ботур-хунтайши (1634-1653 й.) ҳукмронлиги даврида ташкил топган. (Жунғор хонлигида олий ҳукмдор мартабаси “хунтайши” деб аталган). Жунғор хонлиги қозоқ ерларига аста-секин, гоҳ келишувлар, гоҳ жунғорларнинг босқинчилиги билан давом этган. Ҳатто, Қозоқ хони Таваккал ўзини “қозоқ ва қалмоқ хони” деб атаган. Жунғор хонлиги ташкил топаётган бир даврда, яъни 1627 йили ойратлар иттифоқи бўлиниб кетади. 50 минг ўтовдан иборат бўлган, 250 минг киши Хо-Уруюк бошчилигида шимолий Қозоғистон орқали Жанубий Волгага кўчади. Улар XVII асрнинг 30-йилларида у ерда Қалмиқ хонлигини тузадилар. Жанубий ва Ғарбий Сибирьда қолган ойратлар чўрослар етакчилиги остида бирлашиб, Иртиш дарёси бўйларида Жунғор хонлигини вужудга келтирганлар. Ботур-хунтайши даврида жунғорлар билан қозоқлар ўртасидаги қарама-қаршилик ортиб борган. Ботур бир неча марта қозоқлар устига юриш қилган. Унинг вафотидан сўнг Жунғор хонлигида ғалаёнлар бошланиб кетган. Тахтга Галдан Бошохту (1670-1697) келиши билан бу урушлар сони янада кўпайган. Тахтга Севан-Рабдан келиши натижасида эса қонли курашлар авж олган. Севан Рабдан қўл остида миллион нафар жунғор ва ярим миллионча бошқа халқлар вакиллари бўлган. Жунғор хонлиги 1698- 1699 йилларда Ишим, эмба, Чу, Талас дарёлари бўйларига юриш қилган. 1702-1703 йилларда қозоқлар юқори Иртишга, 1708 йилда жунғорлар яна қозоқ ерларига ҳужум қилган. Уларнинг шиддатли юришлари асосан 1710 йилдан бошланган эди. 1713-1716 йилларда жунғорлар яна қозоқ ерларига қўшин тортганлар. 1717-

йил Аягуз дарёсининг юқори оқимида уч кунлик жангдан сўнг қозоқлар мағлубиятга учраганлар. 1718 йил жунғорлар Еттисув орқали Арис, Бўгун, Чаян дарёларига юриш қилганлар ва бу билан “оғир кулфат йиллари” бошланган. Қозоқ халқини қириб ташлашга қаратилган бу даҳшатли йиллар қозоқ халқи хотирасида “Ақ табан шубиринди” деган ном остида сақланган. Қозоқлар Хўжанд, Самарқанд, Хива ва Бухоро томонларга кўчишга мажбур бўлганлар. Улар мол-мулки, чорвасини ташлаб қочиб, ўзбеклар орасидан паноҳ топганлар. Шундан кейин жунғорлар Туркистонни босиб олиб, талон-тарож қилишган, аҳолининг учдан икки қисми қирилиб кетган. Улар бир муддат Тошкентни ҳам босиб олиб, талаганлар. 1723 йилдан бошлаб қозоқ бийлари жузларнинг кучларини бирлаштиришга ҳаракат қилдилар. Кичик жуз хони, тадбирли ва ғайратли Абалайхон етакчилиги тан олинди. Абулхайр 1724 йилдан бошлаб жунғорларни енга бошлаган. 1725 йилда эса Ўтрор, Чимкент, Туркистон, Сайрам жунғорлардан озод қилинган. Ўзбек хонликлари бу курашда қозоқ халқига ёрдам кўрсатиб, қочоқ қозоқларга ер берганлар ва жонларини сақлашда муҳим роль ўйнаганлар.

Умуман, мустақиллик даврида қозоқ хонлиги тарихини ўрганиш кенг кўламда амалга оширилди. Имерия босқини даврида ҳам қозоқ халқи ўзининг бой тарихини сақлаб қолди. Мустақиллик даврида бу бой тарих қайта ўрганилди ва унинг айрим жиҳатларини ўрганишдаги муаммолар бартараф қилинди. Рене Груссе¹ Марказий Осиё тарихига бағишланган асарида бу ҳақда кўплаб маълумотлар берган. Қозоқларнинг Россия вассаллигига ўтиши натижасида барча Қозоғистон ҳудудларини Россия таркибига киритиш ҳаракати авж олди. 1734 йилда қўшиб олинган ерларни ўзлаштириш мақсадида обер-секретар И.К.Кирилов бошчилигида махсус Оренбург экспедицияси ташкил қилинган. Унга ёрдамчи қилиб А.Тевкелев тайинланган. 1737 йилда И.Кирилов вафотидан сўнг Оренбург экспедициясининг номи “Оренбург комиссияси” деб ўзгартирилган. Оренбургнинг қурилиши 1735 йилда бошланган. 1744 йилдан Оренбург

¹ Рене Груссе. Империя степей. Итсория Центральной Азии. Пер. с англ. Алматы, 2003.

шаҳри Оренбург губерниясининг марказига айланган. 1748 йилда эса Оренбург казак кўшинлари тузилган. Қозоғистонда мустақамланган чегара чизиқлари пайдо бўлган. 1740-1743 йилларда Кичик жуз ва Жанубий Урал ерларида кўплаб қалъалар (Воздвиженная, Рассилная, Илинская, Таналикская, Уразимская, Кизилская, Магнитная, Караулская, Прutoryарская, Нижнеозерная, Перегибенская, Уст-Уйская, Елшанская, Красногорская, Губерлинская, Новосергиевская ва бошқалар) қурилган. Буларнинг ҳаммаси қозоқларнинг розилигисиз амалга оширилган, шу йўл билан қозоқларнинг далалари қисқартирилган. XVIII асрнинг 50-йилларида Горкая, Иртишская, Коливанская, Ишимская, Орская ва бошқа чегара чизиқлари пайдо бўлади. Натижада Ёйиқ дарёсидан Уст-Каменегорск томонга 3,5 минг чақирим узунликда кетма-кет қалъалар ва чегара фронтлари пайдо бўлган. Мустамлакачиликнинг бу кўриниши унда ҳарбийлар ва казаклар хизмат қилганлиги сабабли ҳарбий-казакча мустамлакачилик деб аталганлигини айтиб ўтади. Россиянинг Қозоқ жузларида олиб борган мустамлакачилик сиёсати қозоқларнинг озодлик курашига сабаб бўлган. Масалан, 1783-1797 йилларда Урал ва Эмба дарёлари оралиғидаги ерларда байбақти уруғи сардори Срим Датов бошчилигида, Букеев хонлигида 1836-1838 йилларда Исатой Тайманов ва Маҳамбет Утемисов бошчилигида кўзғолон бўлган. Қозоқларнинг миллий-озодлик ҳаракатлари борган сари кенгайиб борган. Шундай кўзғолонлардан бирига хон Кенесари Қосимов (1802-1847) бошчилик қилган. 1856 йилда шекти уруғи сардори Жанхожа Нурмухамедов бошчилигида кўзғолон кўтарилган. Умуман олганда, Жанубий Қозоғистон ерлари мустамлакачиликка қарши миллий-озодлик кураши майдонига айланиб қолган.

Г.В.Носовский¹ “Империя” асарида совет даврида қозоқларнинг сиёсий ҳолатини ёритиб беради. Унга кўра, қизил империя босқинидан сўнг Қозоғистон ҳудудий жиҳатдан чегараланади ҳамда ўзининг ҳудуди ва номига эга бўлади.

¹ Носовский Г.В., Фоменко А.Т. Империя. Том II. Москва, «Римис», 2004. 360 стр.

И.М.Забелин ўзининг “Қозоғистон ССР” китобида¹ Ўрта Осиёда ўтказилган миллий-худудий чегараланиш натижасида ташкил этилган Қозоғистон ССРнинг табиий шароити, аҳолиси, хўжалиги, маданияти ва соғлиқни сақлаш ишлари, йирик шаҳарлари тўғрисида баён этади.

Алаш Ўрда қозоқ халқининг миллий озодлик, мустақиллик учун курашига раҳбарлик қилган миллий партияси ва мухтор ҳукумати бўлган (1917 йил апрел – 1920 йил март) эди. 1917 йил 27 апрел – 7 май кунлари Семей вилояти қозоқ вакилларининг кенгаши бўлиб, унда бўлажак Бутунқозоқ вакиллари қурултойида Қозоғистоннинг мухториятини тузиш масаласи кўрилди. 1917 йил 21-26 июл кунлари Оренбургда Бутунқозоқ вакиллари қурултойи бўлиб, унда Оқмўла, Семей, Тўрғай, Ўрол, эттисув, Сирдарё, Фарғона вилоятлари, шунингдек Ички Букей ўрдаси вакиллари иштирок этишди. Қурултойда мамлакатни бошқарув шакли, қозоқ вилоятлари мухторияти, эр масаласи, халқ милитсияси, земство, халқ таълими, қозилик ва диний масалалар кўрилди. Қозоқ демократик ҳокимиятини тузиш, ислоҳотлар, халқнинг ўзини-ўзи бошқаруви учун зарурий музокаралар уюштириш масалалари муҳокама қилинди. Қурултойда қозоқларнинг Алаш партиясини тузиш масаласи ҳам кўрилди. Алаш партияси жойларда маҳаллий халқ ҳокимиятини ўрнатишга киришди. 1917 йил 19 декабрда Еттисувда ҳокимият маҳаллий халқ вакиллари қўлига ўтди. 1917 йилнинг 5-13 декабрида Оренбургда Алаш партиясининг навбатдаги, учинчи қурултойи бўлиб ўтади. Қурултой 13 декабрда пойтахти Семипалатинск шаҳри бўлган Алаш Ўрда мухториятини эълон қилади. Алихон Букейхон ўғли ҳукумат бошлиғи этиб сайланади. Тез орада бу ҳукумат 27 минг нафарлик қўшин ва тартибни сақлаш бўлинмаларини ташкил этди. Қурултойда Алаш партиясининг дастури лойиҳаси қабул қилиниб, умумхалқ муҳокамаси учун “Қозоқ” газетасида эълон қилинади. Ўн бўлимдан иборат бу ҳужжатда партиянинг мамлакат бўйича тузилиши, мудофаа, дин, илм-фан йўлидаги фаолияти, аграр масала бўйича вазифалар

¹ Забелин И.М. Қозоғистон ССР. Т.: Ўздавнашр, 1962. 88 б.

белгиланди. 1918 йил мартада Ўрол вилоятида ўтказилган сайловларда мустақиллик кучлари ғолиб чиқди. Аммо 29-мартга ўтар кечаси тескари кучлар ва большевиклар ҳарбий тўнтариш ўтказдилар. Ўрол вилояти ижроқўмининг 60 нафар вакили қамалди ва азоблаб ўлдирилди. Еттисув вилоятида 1918 йилнинг 2-3 мартада большевиклар Алаш партиясининг вакиллари қамоққа олдилар. Оренбургда Тўрғай вилояти советларининг 1-курултойи (1918 йил, 21 март – апрель)да ҳам большевиклар ғолиб чиқдилар. Шу кунлари Оқмўла уезди қозоқ вакиллари совети курултойида большевиклар тазйиқи билан Алаш Ўрда мухториятига қарши қарор қабул қилинди. Алаш Ўрда партиясининг Оренбургда чиқиб турган “Қозоқ” газетаси ёпилди. Унинг эгаллаб турган биноси ва мулки мусодара қилинди. Алаш Ўрда сиёсий партияси ташкилотчиларидан Алихон Букейхон (1869-1937) ва Миржақиб Давлат ўғли (1885-1935) кабилар қувғин қилиниб, таъқиб остига олинди. Оқ гвардиячилар деб аталган Сибирь ҳукуматини расмий тарзда тан олган Алаш Ўрда ҳукумати атаман Дутов билан тил бириктириб совет ҳукуматига қарши чиқди. Дутов кўшини тор-мор келтирилгач, Умумқозоқ ревкоми қарори билан Алаш Ўрда 1920 йилнинг мартада тугатилди.

Биринчи жаҳон уруши йиллари (1914-1918)да қозоқ халқидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва чорва молларини оммавий равишда тортиб олиш, солиқларнинг кўпайиши, қимматчилик, қозоқ халқининг мардикорликка сафарбар этилиши ишчи ва деҳқонлар орасида кўзғолонларнинг авж олишига сабабчи бўлди. 1916 йилга келиб кўзғолонлар деярли барча Қозоғистон ерларини қамраб олган миллий-озодлик ҳаракатига айланди. Айниқса, бу ҳаракат Тўрғай областида узоқ давом этиб, унга халқ қаҳрамони Омонгелди Имонов раҳбарлик қилди.

1917 йилги Феврал инқилобидан сўнг Қозоғистонда ҳам Россияда бўлганидек, кўш ҳокимиятчилик ўрнатилди. Март ойида Верний (ҳозирги Олмаота шаҳри), Семипалатинск, Петропавловск, Кустанай, Актюбинск, Акмолинск, Перовск ва бошқа жойларда ишчи ва солдат депутатлари

советлари тузилди. Айни вақтда советлар билан бир вақтда Муваққат ҳукуматнинг буржуа ҳокимият органлари вужудга келди. 1917 йил июль ойида қозоқ миллий зиёлилари ва бой табақалари халқнинг мустақил ҳаётини қуришни ўзида ақс этган “Алаш Ҷрда” ташкилотини туздилар. 1917 йил кузига келиб, ўлкада мустаҳкам ўринга эга бўлиб бораётган большевиклар қурол ишлатиш ва Алаш Ҷрда тарафдорларини қатағон қилиш йўли билан бир қанча советларда раҳбарликни ўз қўлларига олишга муваффақ бўлдилар. Қозоғистонда совет ҳокимиятини тузиш учун курашда большевиклар барча чораларни кўрдилар. Ўлкада ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг паст даражада бўлганлиги бу жараёни бир мунча секинлашишига олиб келди. Бунда қизил армия тинч аҳолига қурол йўли билан қонли террор ўтказиб эриша борди. Миллий давлатчилик қурилиши муаммоларига синфий ёндашув Россиянинг бошқа минтақаларидаги большевиклар учун ҳам, умуман бутун большевиклар режимига хос хусусият эди. РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг 1918 йил март-апрелда қабул қилган директиваларида тўғридан-тўғри кўрсатиб ўтилганидек, мухториятни жойлардаги советлар негизида қуриш зарур, токи “Мухторият мазкур миллатнинг юқори табақаларига эмас, балки қуйи табақаларига ҳокимиятни таъминлаб берсин”. Сталин бошчилик қилаётган Миллатлар халқ комиссарлиги шуни маълум қилдики, совет ҳукумати жойларда вужудга келган ҳар қандай миллий давлат тузилмасини эмас, балки фақат советларга тегишли бўлган тузилмаларнигина эътироф этади. Мазкур халқ комиссарлиги ҳужжатларининг таҳлили шуни кўрсатадики, уларда айрим халқларнинг миллий-давлат тузилиши ҳақида эмас, балки уларнинг ҳудудлари ҳақида гап борган. РСФСР миллатлар халқ комиссарлигининг “Қозон, Уфа, Оренбург, экатеринбург советларига, Туркистон ўлкаси халқ комиссарлари кенгашига ва бошқаларга” юборган мурожаатномаси ана шундан далолат беради. Уларда совет ҳукумати “Татар-Бошқирд ҳудудининг автономиясини эълон қилади. Қирғиз (Қозоқ) ҳудудини автономия деб эълон қилиш лойиҳалаштирилмоқда”, дейилган эди. Бу Россияда совет

тасарруфидаги автоном тузилмаларнинг ташкил этилиши чекка ўлкалар халқларининг ташаббуси билан эмас, балки юқоридан бўлган кўрсатма асосида ва РСФСР Миллатлар халқ комиссарлигининг бевосита раҳбарлиги содир бўлганлигидан далолат беради.

М.Х.Абусейтова ва бошқаларнинг¹ ҳаммуалифликдаги “История Казахстана и Центральной Азии” асарида ўз мустақиллиги учун курашганлиги баён қилинган. Унда ўлкада, қозоқ халқи жамоасида миллий-озодлик ҳаракатининг уюшмаганлиги, большевиклар оддий халқни алдов йўли билан ўз ортидан эргаштира олганлиги сабабли тез орада Верний, Семипалатинск ва Уст-Каменогорскда уларга зарба берганлиги қайд этилди. Бу пайтда вужудга келган вазият марказга Марказий Осиёда туркий халқларнинг ягона давлат атрофида жипслашуви томон бўлаётган ҳаракатларига жиддий зарба бериш учун асос бўлди. Қозоғистонда бошланиб кетган миллий-озодлик ҳаракати кучлари зарбага учради ва Хитой ҳудудига чекинишга мажбур бўлди. 1920 йил 26 августда РСФСР таркибида пойтахти Оренбург бўлган Қирғизистон (Қозоғистон) АССРни ташкил этиш тўғрисидаги РСФСР ҳукумати декрети эълон қилинди. 1920 йил 4-12 октябрда Оренбургда бўлиб ўтган Қозоғистон Советларининг таъсис съезди РСФСР таркибида Қозоғистон АССР тузилганлигини эълон қилди.

А.Х.Дониёров ўзининг Марказий Осиё халқлари тарихига оид асарида² қозоқларнинг II жаҳон уруши даврида кўрсатган мардоновор кураши ҳақида тўхталиб, уруш йилларида Қозоғистон ССРда 220 та корхоналар, фабрикалар, артеллар, сехлар, шахталар ишга туширилганлигини маълум қилган. Ушбу 220 та саноат объектларининг кўпчилиги аслида фронт орти ҳудудларидан кўчирилган бўлиб, жумладан, 20 та заводлар, фабрикалар, конструкторлик бюролар фронт ҳудудларидан кўчириб келтирилган. Кўчириб келтирилган саноат объектларининг асосий қисми Олмаота, Уралск, Чимкент, Петропавловск, Семипалатинск,

¹ Абусейтова М.Х., Абылхожин Ж.Б., Кляшторный С.Г., Масанов Н.Э., Султанов Т.И., Хазанов А.М. История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. Издательство «Білім». 2001. 620 с.

² Donyorov A.X. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi. –Т.: 2013. 156-bet.

Қарағанда, Актюбинск номли хуудларга жойлаштирилган. Қарағанда кўмир конида ишловчиларнинг сони 4 маротабага ошган. Бундай ҳолатга эришишда Қарағанда вилоятида ташкил этилган махсус завод-фабрика мактабларининг ўрни катта аҳамиятга эга бўлган. Уларда 1943 йилнинг ўзида 18 минг мактаб ўқувчиси иш ўрганиб, таълим олган. Эмба ва Актюбинск нефть конлари 1943 йилда максимал даражада нефть етказиб берган. Ушбу конларда ишнинг сифатини яхшилаш учун Озарбайжондан 400 та мутахассис чақирилган. Қозоғистон хуудидан ўтган Туркистон-Сибирь темир йўли орқали 1941 йилга нисбатан 1942 йилда 2,5 баробар кўп юк ташилган. Қарағанда-Магнитогорск темир йўл хуудидида Оқмола-Қартол темир йўл линияси қурилиб фойдаланила бошланган. Қозоғистон ССР қишлоқ хўжалигида ишловчилар сони 1939 йил билан таққосланадиган бўлса, 1942 йилда 600 минг кишига камайган. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида меҳнат қилувчи аёллар сони 48%дан 75%га кўтарилган. Уруш бошланганидан бир ой ўтгач, механизаторлар курсларида 43 мингдан ортиқроқ хотин-қизлар ўқиганлар. Тракторчилар, комбайнчилар, шофёрларни тайёрловчи курсларда 1941 йилнинг сентябрига келганда 53 мингдан кўпроқ киши таълим олган. Урушнинг биринчи йилида 76 минг механизатор тайёрланган бўлса, шулардан 55 мингги аёллардан иборат эди. 1942 йилда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг умумий миқдори 1940 йил билан солиштириладиган бўлса, 1 млн гектарга кўпайган. 1942 йилда 84, 3 млн пуд нон тайёрланган. Чорвачиликда қорамоллар ва қўйлар сони 1942 йилда, 1941 йил билан таққосланадиган бўлса, 2 маротабага кўпайган. Бу эса фронтни ва фронт ортини гўшт, сут ва жун маҳсулотлари билан таъминлашда асосий роль ўйнаган.

1941 йилнинг октябридан Москвага немис-фашист қўшинлари таҳдид сола бошлаган бир пайтда Қозоғистон комсомол ташкилоти номидан барча ёшлар танк колоннасини яратиш учун 11 минг 650 рубль пул йиғганлар ва бу жараён кейинчалик ҳам давом эттирилиб, йиғилган маблағлар асосида 45 та ҳарбий машина ишлаб чиқарилган ҳамда жанггоҳга жўнатилган. Кўнгилли

қозоғистонликлар фронтга ёрдам бериш мақсадида 480 млн. рубль тўплаганлар. Бундан ташқари, 2,5 млн. иссиқ кийим-кечаклар ва бошқа маҳсулотлар 1600 вагонда фронтга юборилган.

Қозоғистонда биринчилардан бўлиб, 316-ўқчи дивизия тузилган. Унинг қўмондони этиб генерал-майор И.В.Панфилов тайинланган. 1941 йил октябрь ойининг ўрталаригача яна 238, 310, 312, 314, 387, 391-ўқчи дивизиялари ташкил этилган. 1941 йилнинг охиригача яна битта дивизия ва 3 та бригада тузилган. Бутун уруш давомида Қозоғистон ССРда 20дан ортиқ ўқчи ва кавалерия дивизиялари ҳамда артиллерия ва авиация полклари, ўнлаб турли хил батальонлар ташкил қилинган. Қозоғистонлик жангчилар Брест қалъаси муҳофазасида дастлабки жангларда қатнашганлар.

1941 йилнинг 30 сентябрида Москва остоналарида бошланган уруш ҳаракатларида полковник Наумов қўмондонлигидаги 312-ўқчи дивизия фаол иштирок этган. 1942 йилнинг 17 июлида Сталинград жанги бошланганида Оқмолада тузилган 29-ўқчи дивизия ва Жамбул 38, 292-ўқчи дивизиялари ҳамда 81-кавалерия дивизияси душманга қарши курашда муҳим роль ўйнаган. 1943 йилнинг ёз фаслида бошланган Курск жангида жасорат кўрсатган капитанлар Илёсов ва Игишевлар ҳамда пулемётчи Асаиновлар Совет Иттифоқи қаҳрамони унвони билан тақдирланганлар.

300 атрофида қозоғистонлик Европа мамлакатларида қаршилик ҳаракатларида фашистларга қарши кураш олиб борганлар. Рехстагга ғалаба қизил байроғини қадаганлардан бири ҳам Қозоғистон ССРлик Қўчқорбоев бўлган. 150 дан ортиқ қозоғистонлик жангчилар Совет иттифоқи қаҳрамони унвони билан тақдирланганлар. Учувчи-бомбардимончилардан Т.Бегельдинов, И.Павлов, Л.Беда ҳамда учувчи-қирувчи С. Луганскийлар 2 маротаба Совет Иттифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлганлар.

М.Тынышпаевнинг китобида¹ қозоқлар ва Марказий Осиё давлатлари тарихи ёритилган. Унда қозоқлар барча қардош халқлар билан қиёсий таҳлил қилинган. Асарда қозоқ халқининг маданияти масалалари ўрганилган, шу

¹ Тынышпаев М. История казахского народа”: учебное пособие..Qozoq universiteti, 1993. 223 с.

билан бирга, иккинчи жаҳон урушидан кейинги давр ва 1985-1990 йилларда козоқ халқига кўрсатилган тазйиқлар ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган.

Мустақиллик даврига Қозоғистон ўзининг конституциясига¹ эга бўлди. Мустақил Қозоғистоннинг 1-Конституцияси 1993 йилнинг 28 январида, Қозоғистон Олий Советининг XII чақириқ IX сессиясида қабул қилинган. У таркибий жиҳатдан 4 бўлим, 21 боб, 131 моддадан иборат.

Қозоғистонда ҳозирги кунда амалда бўлган Конституция 1995 йилнинг 30-августида умумхалқ референдумида қабул қилинган ва бу кун байрам сифатида нишонланади. Янги Конституция лойиҳаси муҳокамасида 3 млндан ортиқ аҳоли иштирок этган. Ушбу жараёнда 30 минг таклифлар ва изохлар билдирилган, унинг 55 та моддасига 1100дан кўпроқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Қозоғистон конституцияга 3 мартаба – 1998, 2007, 2011 йилларда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилган. Анча жиддий ўзгартиришлар 2007 йилда амалга оширилган.

1994 йилдан Қозоғистон валютаси – тенге муомалага кирди. Аммо нарх-наво ўсиши давом этди. Хорижий компанияларга мамлакат табиий ресурсларини ишлаб чиқариш учун лицензиялар берилди, улар иштирокида нефть ва газ қазиб олиш ва Каспий орқали Европага ҳамда Хитойга кувурлар ётқизиш учун қудратли корпорациялар барпо этила бошланди. Маълумотларга кўра, 1996-1998 йилларда хусусийлаштириш давом этиши натижасида хусусий сектор анча ўсди. Давлат ихтиёрида илгариги мулкнинг атиги 16,1 фоизи қолди, уларнинг ҳам 45 фоизи хорижий компаниялар қўлига ўтди. Бир неча миллиард долларлик инвестиция жалб этилди, инфляция пасайди ва 1996-1997 йиллардан бошлаб ишлаб чиқариш ўса бошлади. Шу билан бирга, иқтисодиётда хусусий сектор улуши мустаҳкамланди. XX аср охирига келиб Қозоғистон ялпи маҳсулотининг 75 фоизи хусусий секторда ишлаб чиқарила бошлади. Россиядаги 1998 йил инқирози билан боғлиқ қийинчиликларга қарамасдан, нефть ва бошқа қимматбаҳо хомашёни

¹ Тәуелсіз Қазақстанның алғашқы Конституциясы 1993 жылы 28 қаңтарда XII шақырылған Қазақстан Жоғарғы Кеңесінің IX сессиясында қабылданды. Ол кіріспеден, 4 бөлім, 21 тарау және 131 баптан тұрады.

сотишдан келган даромадлар ҳиссадорликнинг ошиши, ишлаб чиқариш ва ялпи ички маҳсулот ўсишига ёрдам берди. Ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш йўллари излаш фаоллашмоқда. Мулкдорлар янги синфини шакллантириш, бандликни ва ночор оилаларга ёрдамни кучайтиришдан ташқари, ҳукумат аҳоли демографик таркибини қозоқлар фойдасига ҳал қилишга уринмоқда. Туғилишнинг ниҳоятда кўплиги, кўшни мамлакатлардаги қозоқларнинг бир қисмининг кўчиб келиши, русларнинг эмиграцияси туфайли қозоқлар улуши тобора ошиб бормоқда. Русларнинг кўчиб кетишини ҳукумат рағбатлантираётгани йўқ, аммо бошқарувнинг «қозоқлашиб» бориши ва қозоқ маданиятининг устунлиги уларни Россия Федерациясига кўчиб кетишга мажбур қилмоқда. Ҳукумат қозоқларнинг бутун мамлакат бўйлаб тарқалишига катта эътибор бермоқда. Аср охирида қозоқлар аллақачон аҳолининг ярмини ташкил этди. Қозоғистоннинг халқаро хавфсизлиги ва ядро қуролини тарқатмаслик шартномасига қўшилиши кафолати билан Қозоғистонга СССРдан мерос қолган ракета-ядро қуролининг Россия Федерациясида зарарсизлантирилиши тўғрисида келишиб олинди.

Байконур космодромининг Россия Федерацияси томонидан ижарага олинishi ва ундан фойдаланишнинг хавфсизлик шартлари ишлаб чиқилган. Қозоғистон МДХни мустақамлашни фаол қўллаб-қувватлайди ва энг муҳим савдо шериклари – Россия Федерацияси ҳамда Белоруссия билан божхона иттифоқи, кўшни Марказий Осиё республикалари билан иқтисодий интеграция тўғрисида шартнома тузди. У МДХ давлатларининг бир қисми билан ҳарбий соҳада ҳамкорлик қилади ва ўз қуролини кучларини вужудга келтирди. Н.Назарбаевнинг «кўп йўналишли ташқи сиёсати» МДХ доирасидан ташқарига чиқди. Қозоғистон Германия ва Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатлари ҳамда Туркия, Эрон, Япония ва Малайзияга ўз хомашёсини бериш, улардан кредитлар, инвестиция ва юксак технологияларни келтириш йўли билан ҳамкорлик қилади. У 10 та Осиё мамлакатлари иқтисодий ҳамкорлиги (МОХ) да иштирок этади. Қозоғистон

ЕХХТ аъзоси, НАТО билан ҳамкорлик қилади, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг аъзосидир. Кенг ва кўп томонлама алоқалар ислоҳотлар ва иқтисодий ривожлантириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш, жумладан, ислом фундаментализмининг таҳдидини бартараф этишга имкон беради. Ўзбекистон билан абадий дўстлик тўғрисида шартнома имзолаган ва қўшничилик алоқалари тобора кучаймоқда.

Ҳозирги вақтда Қозоғистон аграр-индустриал мамлакат бўлиб, интернет маълумотларига қараганда, 2006 йилда республиканинг ЯИМи 77,9 млрд долларга етди ва аҳоли жон бошига 5120 долларни ташкил этади. Нефть ва нефть маҳсулотлари, рангли ва қора металл, руда, ғаллани экспорт қилади. Темир руда захиралари бўйича дунёда 8-ўринда, мис экспорти бўйича етакчи ўринлардан бирида туради. Ғалла етиштиришда МДҲ мамлакатлари ичида учинчи ўринни эгаллайди.

Қозоғистонда 1929 йилда латин алифбоси асосида қозоқ ёзуви яратилди. 1940 йил рус алифбоси асосидаги ёзувга ўтилди. 1992 йилдан таълим тизимида ислоҳотлар амалга оширилди. Умумий ўрта таълим мактаблари каби ўрта маълумот берадиган лицей, гимназия, хунар-техника мактаблари, коллежлар пайдо бўлди.

Қозоғистонда биринчи олий ўқув юрти – Қозоғистон педагогика институти 1928 йил Олмаота шаҳрида очилган бўлса, 2005 йил Қозоғистонда 43 давлат олий ўқув юрти ишлади. Улар орасида Қозоқ миллий университети, Евроосиё миллий университети, Қозоғистон миллий аграр университети, Қозоғистон миллий техника университети, Қозоғистон миллий консерваторияси, Қарағанда университети, Олмаота технология университети ва бошқалар нуфузли ҳисобланади. Қозоғистонда илмий тадқиқотлар Қозоғистон Республикаси миллий фанлар академияси илмий тадқиқот институт ва муассасаларида, мамлакат олий ўқув юртлири ҳамда турли вазирлик, муассасалар ихтиёридаги соҳа илмий тадқиқот институтларида олиб борилади. Қозоғистон Президенти ўз маърузаларида устувор макроэкономика сиёсатига алоҳида урғу беради. Давлат, Миллий

банк, молиявий назорат Агентлигига молиявий беқарорликка қарши тизим яратиш ва Қозоғистон иқтисодиётининг жаҳон бозоридаги ишончини мустаҳкамлаш йўллари кидириб топиш вазифаси юклатилган. Қозоғистон пулнинг кадрсиэланншига йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқди.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик даврида яратилган кўплаб адабиётларда қозоқ халқининг этногенезидан бошлаб то ҳозирги давригача бўлган тарихи ўз аксини топди, тарихнинг номаълум саҳифалари қайта ўрганилди.

Қирғизистонда тарих фани. Мустақиллик йилларида Қирғизистонда тарих фанига бўлган эътибор кучайди. Тарихчи олимлар қирғиз халқининг этногенезини ҳамда бошқа соҳаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратдилар.

Хусусан, Н.А.Манапаева ўзининг «Совершенствование и развитие высшего образования Кыргызской Республики при содействии Фонда «Сорос-Кыргызистан» и других международных организаций»¹ номли асарида қирғизлар ҳақида маълумотлар бериб ўтган. Асарда қирғизларнинг келиб чиқиши, давлатчилик тарихи масалалари ўз аксини топди. Асосан тоғли мамлакат ҳисобланган Қирғизистонда 5 миллиондан ортиқ аҳоли яшайди. Улардан ташқари, энг йирик миллий гуруҳлар асосан жанубда яшайдиган ўзбеклар (15%) ва мамлакат шимолида яшайдиган руслар (9%)дир. Демографик омиллар, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятлари таъсирида Қирғизистон сиёсий жиҳатдан ўзаро рақобатлашувчи икки минтақага бўлинганлигини кўриш мумкин. Булар – нисбатан ривожланган саноат ва руслашган аҳолига эга шимол ҳамда асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган, турмуш тарзи анъанавийроқ бўлган, географик жиҳатдан Фарғона водийсининг таркибий қисми ҳисобланган жанубий қирғиз халқи бўлиб, булар кўчманчи халқлар тоифасига мансуб. Ўзининг кўп асрлик тарихи мобайнида улар ҳозирги

¹ Манапаева Н.А. «Совершенствование и развитие высшего образования Кыргызской Республики при содействии Фонда «Сорос-Кыргызистан» и других международных организаций» Бишкек, 2009. С.112-114.

Монголиянинг шимоли-шарқий ҳудудларидан Сибирьга, Енисей дарёси атрофига кўчиб келганлар ва XV-XVI асрлардагина ҳозирги Қирғизистон ҳудудига келиб жойлашганлар. Қўқон хонлиги назорати остида бўлган қирғизлар 1876 йилда Россия империяси томонидан босиб олиндилар. Анъанавий турмуш тарзининг бузилишига қарши бўлган қирғизлар қатор миллий-озодлик ҳаракатларида, бир қанча қўзғолонларда иштирок этдилар.

Қирғизистоннинг мустақилликка эришиши унинг иттифоқ ички хўжалик комплексига буткул боғлиқ бўлган иқтисодиёти учун жиддий синов бўлди. Бозорлар ва таъминотчиларнинг йўқолиши, салмоқли нефть ва газ захиралари, жақон бозорида рақобатбардош маҳсулотларнинг йўқлиги ишлаб чиқариш ҳажмлари тушиб кетишига олиб келди.

1990-йилларнинг бошида Қирғизистон ўз иқтисодий кўрсаткичлари жиҳатидан собиқ СССР мамлакатлари орасида, уруш натижасида вайрон бўлган Арманистон, Озарбайжон ва Тожикистонни ҳисобга олмаганда, охириги ўринда эди. Моҳият эътибори билан, мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг 45% ни ташкил этувчи Қумтор олтин кони мамлакат валюта тушумларининг ягона ички манбаига айланиб қолди. Шу шароитда мамлакат рақбарияти либерал ислоҳотлар йўлини танлаш ва Халқаро валюта фонди сиёсатини олиб боришга қарор қилди. Ташқи кучлар, шу жумладан хорижий ноҳукумат ташкилотлар мамлакатдаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга кучли таъсир кўрсатишга қодир бўлдилар. 2008 йилда Қирғизистон собиқ Иттифоқ ҳудудидаги мамлакатлар орасида биринчилардан бўлиб Жаҳон савдо ташкилотига қабул қилинди. Лекин, қирғизистонлик бир қанча экспертларнинг тан олишича, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши натижасида нисбатан рақобатбардош бўлган чет эл маҳсулотларига йўл очилди ва мақаллий саноат кучли зарба остида қолди.

Мамлакатда ишсизлик даражаси жуда юқори бўлиб, коррупция мамлакатнинг энг кескин муаммоларидан бирига айланди. Ушбу иллат кўламининг кенгайиши натижасида ҳукумат 2004 йилда махсус Коррупцияга қарши кураш дастурини қабул қилишга мажбур бўлди. Давлат

хокимиятининг заифлашуви асосий наркомаршрутлар Қирғизистон худудидан ўта бошлашига олиб келди. Қирғизлар мамлакатда яшайдиган халқлар орасида энг кам таъминланган гуруҳга айланиб қолганлиги ҳам ижтимоий вазиятга ўз таъсирини кўрсатди. ОТБ маълумотларига кўра, ЯИМ кўрсаткичи аҳоли жон бошига 330 долларни ташкил этувчи Қирғизистон жақоннинг энг қашшоқ мамлакатлари қаторига киради. Юқорида кўрсатилган омиллар шунга олиб келдики, 2005 йил мартда кескин сиёсий ва иқтисодий танглик шароитида Президент А.Акаев хокимияти емирилди. Янги раҳбариятга кескин ижтимоий-иқтисодий муаммолар мерос бўлиб ўтди. Бугунги кунда унинг вазифаси, айрим тадқиқотчиларнинг фикрларига зид ўлароқ, Қирғизистон «фаилуред стате», яъни мустақил ривожланиш истиқболларига эга бўлмаган, лаёқатсиз давлат эмаслигини исботлашдан иборат.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1993 йил иккала давлат ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилди. 1992 йил июлдан Тошкентда Қирғизистон элчихонаси, 1998 йил октябрдан Бишкекда Ўзбекистон элчихонаси фаолият юритмоқда. 2000 йил сентябрда ЎзР Биринчи Президенти И.Каримовнинг Бишкекка, 1996 йил декабр ва 1998 йил ноябрда Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи бўлиб ўтди. 1996 йил 24 декабрда икки давлат ўртасида имзоланган «Абадий дўстлик тўғрисида»ги шартнома давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Давлатлар ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлик мана шу шартнома, 1994 йил 16 январда имзоланган Маданият, соғлиқни сақлаш, фан, таълим, туризм ва спорт бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, 1996 йил 24 декабрда имзоланган Маданий ҳамкорлик тўғрисидаги муассасалараро битимга мувофиқ амалга оширилади. 2005 йилгача икки давлат ўртасида икки томон учун аҳамиятли бўлган 181 ҳужжат имзоланган. 2004 йил Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон ўртасидаги товар айланмаси 68,1 млн. АҚШ долларини, жумладан, экспорт 43,6 млн. АҚШ долларини, импорт 24,5 млн. АҚШ

долларини ташкил этди. Шунингдек, 1996 йилдан бошлаб ишлаб чиқариш ўса бошлади, 1997 йилда эса ҳукумат ислохотларнинг иккинчи босқичи, яъни корхоналарни бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган ишларни амалга ошириш бошланганини эълон қилди. Кўпгина миллатчиларга қарши чиқиб, 1991 йилдаги ер тўғрисидаги қонунда ер нафақат қирғизларга, балки барча Қирғизистон фуқароларига тегишли эканлиги ҳақида ёзилишига эришилди. Самарасиз фойдаланилаётган ерлар, яъни барча ҳайдалма ерларнинг 50 фоизи давлат фондига айланди. Бу ерлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчилар участкаларни эгаллик ҳуқуқларини мерос қолдириш ҳуқуқи билан 50 йил муддатга ижара олишарди. Бу хусусий хўжаликлар сонининг ошиши ва мустаҳкамланишининг бошланиши бўлди¹. Президент фармонида кўра, 1996 йилдан бошлаб ерни ижарага олиш, сотиш ва гаровга бериш мумкин бўлди. Бу ерга бозор муносабатларининг жорий этилиши эди. Икки йилдан сўнг, 1998 йилда ерга хусусий мулкчилик тўғрисидаги қонун қабул қилингандан кейин, унинг ҳажмини қисқартириш ва эгалари доирасини чеклашлар ишлаб чиқилди. 90-йилларнинг иккинчи ярмида озиқ-овқат ишлаб чиқариши жонлана бошлади, аммо кўпчилик аҳолининг турмуш даражаси деярли яхшиланмади. Мамлакат учун ниҳоятда зарур бўлган рус мутахассислари ва ер эгаларининг кўчиб кетишларини тўхтатиш мақсадида Президент рус тилининг миллатлараро сўзлашув тили деб тан олинishiга ҳамда, энг аввало, Россия маданияти ва фани ютуқларини ўрганиш мақсадида Славян университетининг очилишига эришди. Мамлакат барча фуқароларининг ерга эгаллик қилиш ҳуқуқининг эътироф этилиши уни русларга, ўзбекларга ҳамда бошқа миллат вакилларига беришга ва бу билан кўпгина можароларни бартараф этишга имкон берди. Миллатчи экстремистлар ва ислом ақидапарастларининг миллатлараро низолар уруғини сочишга бўлган уринишлари бартараф қилинди. Мамлакатни халқаро можарочилардан ҳимоя қилиш мақсадида куролли кучлар барпо этилди. Улар тез-тез рўй бериб турган ислом ақидапарастлари тўдалари

¹ Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-том. И.А.Каримов. “Ўзбекистон”. 2002-йил.

хужумларини қайтариб турибди. 2005 йилга келиб аҳвол мураккаблашди. Ҳукуматга қарши кучлар «Лола инқилоби» ўтказдилар. А.Акаев ҳокимиятдан воз кечди. Қ.Бакиев вақтинчалик президентлик лавозимини эгаллади ва кўп ўтмай президентликка сайланди. Ҳозирда ҳам Қирғизистонда ечилмаган муаммолар кўп. Қирғизистон Россия Федерацияси ва МДХнинг бошқа мамлакатлари билан ҳамкорлик билангина чекланмади. Унинг раҳбарияти нафақат Марказий Осиё давлатлари, шу жумладан Ўзбекистон билан, балки Хитой билан ҳам муносабатни мустаҳкамлашга уринмоқда. Мамлакат Марказий Осиё давлатлари иқтисодий интеграцияси ва Осиёнинг 10 давлати иқтисодий ҳамкорлигида иштирок этмоқда, юқори даражада ривожланган кўпгина мамлакатлар – АҚШ, Япония, Европа Иттифоқи ва бошқалар билан молиявий-иқтисодий ва техник ҳамкорлик ҳамда савдони ривожлантирмоқда. Мамлакат хавфсизлигини таъминлашда қўшнилар билан мос келишувларга эришиш ҳамда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотида иштирок этиш муҳим аҳамиятга эга. Қирғизистонда ЯИМ 2007 йилга келиб 15,5 млрд долларга етди ва аҳоли жон бошига 2 764 долларни ташкил этди. Тўртдан уч қисми тоғликдан иборат бўлган бу мамлакатда ЯИМ нинг 25 фоизи саноат ҳиссасига тўғри келади. Саноатнинг эса 40 фоизини олтин ишлаб чиқариш ташкил этади. 2003 йилда мамлакатда 22,5 тонна олтин қазиб олинди ва уни ишлаб чиқариш бўйича МДХ мамлакатлари ичида Россия ва Ўзбекистондан кейин учинчи ўринга чиқди. Россия билан ҳамкорликда Қирғизистон йилига 2000 тонна уран ишлаб чиқаради. 2006 йилда ўртача иш ҳақи 80 долларни ташкил этди.

Туркменистонда тарих фани. Академик М.Аннанепесовнинг асарлари¹ Марказий Осиё халқларидан бири – туркманларга бағишланган. Унда туркман қабилаларининг яшаш тарзи, хўжалиги, сиёсий-ижтимоий, иқтисодий ва маданий тарихи акс эттирилган. Шунингдек, мазкур китобда

¹ Аннанепесов М. Юго-западные туркмены в первой половине XIX века. Под ред. Н.А. Кузнецовой. Ашхабад: 1995.; Аннанепесов М. Хозяйство туркмен в XVIII-XIX вв. Ашхабад, "Бълым", 1972.; Annanepesow M. Atagarryýew Türkmenistanyň taryhyndan materiallar I – tom. Aşgabat 1995.

туркман қабилаларининг бевосита Хива хонлиги ва Бухоро амирлигига алоқадорлигини ҳам кўриш мумкин.

Ўрта асрларда яратилган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари мустақиллик даврларида¹ янги нашрдан чиқди. Дидактик – панднома руҳида битилган бу асар туркий халқларга бағишланган бўлиб, унинг туркман халқига боғлиқлик томони ҳам бор. Унда давлат бошлиғи (ўрта асрларда давлат бошлиғи бек ёки элиг деб аталган) давлатни бошқаришда нималарга этиборга бериши кераклиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, асарда тўртта образ (Кунтуғди бек ёки элиг, Ойтўлди вазир, Ўғдулмиш вазирнинг ўғли, Ўзғурмиш вазирнинг қариндоши) тўғрисидаги маълумотлар учрайди.

С.Ниязовнинг ўз халқига бағишланган “Рухнома”² деб аталган рисоласида туркманларнинг қадим даврларда ташкил топган давлатлари, уларнинг қадимийлиги, туркий халқлар ичида туркманларнинг қадимийроқ эканлиги ва уларнинг келиб чиқишига диор маълумотлар бор. Асарнинг муболағали ўринлари ҳам бўлиб, чунончи, туркманларда давлатчилик 10 мингйилликларга бориб тақалиши ёзилган. Албатта туркман халқининг қадим маданияти минг йилликларга бориб тақалади, аммо келтирилган фактни асослаш учун жиддий тадқиқотлар олиб борилиши зарур. Бироқ, ушбу асар туркманлар тарихини ўрганишда муҳим бўлиб, унга кўп мурожаат қилинади.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девони луғатит-турк” асари ҳам муҳим манбалардан биридир³. Унда барса туркий халқларининг келиб чиқишига доир маълумотлар билан биргаликда, туркий халқларда учрайдиган сўзларнинг маъно-мазмунини ва изоҳлари келтирилган. Мазкур асарда туркий халқлар қаторида туркманларнинг тилидаги сўз ва сўз бирикмалари ҳам келтирилган бўлиб, бу қадимдан туркманларнинг ўз тилига эга эканлигидан далолат беради.

¹ Юсуф Баласағунлу. Қутадғу билиг. Баки: Азэрнәшр, 1994. 492 s.

² Сапармурат Туркменбаши. Рухнама. Книга первая. – Туркменская Государственная издательская служба, Ашхабад, 2006.

³ Маҳмуд Қашғари ва онун «Дивані лүғат-ит-түрк» әсәри. Баки: МБМ, 2008. 432 s.

Туркменистон президенти Г.Бердимухаммедов ўзининг “Ахалтәкә атı – iftixarımız vә şöhrәtimiz”¹ деб номланган асарида туркман халқининг миллий рамзларидан бири бўлган – Ахалтеке отининг сифатлари, бу отнинг туркманлар ҳаётидаги ўрни, унинг пайдо бўлиши ҳақидаги фикрлар келтирилган. Дарҳақиқат, туркманлар тарихида Ахалтеке отларининг ўрни ниҳоятда катта. Асарда тарихий фактлар билан бирга айрим ҳикоялар ҳам учрайди. У этнографик ёндашув ва тарихийликни ўзида мужассамлаштирган.

Фаррух Шумер ўзининг туркманлар тарихи ва маданиятига бағишланган (Ўғузлар (Туркманлар) тарихлари. Бой ташкилоти. Достонлари) Баки: МБМ, 2013. 448 сәҳ.) асари²да ўғузлар ҳақидаги маълумотларни ёритади. Унга кўра, ўғузлар туркий халқлар, шунингдек туркманларнинг келиб чиқишида муҳим роль ўйнаган ва энг кучли қабилалардан ҳисобланади. Ўтган асрлар ўғуз қабилаларининг ўз ватани, халқи ва миллий истиқлоли учун курашлари давридир. Ўғузлар туркий қабилалар ҳисобланган озарбойжон халқининг аجدоди ҳисобланади. Машҳур турк тарихчиси профессор Ф. Шумернинг ушбу монографияси қийинчилик билан йиғилган маълумотларнинг натижасидир. Ундан ўғуз халқларининг ҳаёти, хўжаликлари, этнос бўлиб шаклланиши, давлатчилигининг ташкил топиши ва давлат қурилиши ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Ушбу китоб туркман давлатчилигини ўрганида муҳим аҳамиятга эга.

Тожикистонда тарих фани. Мустақиллик йилларида Тожикистонда тарих фанига бўлган эътибор кучайди. Хусусан, президент Э.Раҳмоннинг асарлари тожик халқи тарихини ўрганишда муҳимдир. Хусусан, унинг замонлар ва ўзи ҳақидаги³ асарида Президентнинг тожик халқи маънавий-маърифий принципларининг давлат томонидан ҳимоя қилинишига бағишланган.

¹ Berdimuhamedov G. Axaltäkä atı – iftixarımız vә şöhrә-timiz. Baki, CBS, 2011, 232 s.

² Farruh Shumer. Oğuzlar (Türkmenler). Tarixlari. Boy teşkilati. Dastanlari. (O'g'uzlar (Turkmanlar) tarixlari. Boy tashkiloti. Dostonlari) Baki: MBM, 2013. 448 sah.

³ Раҳмон Э. О времени и о себе: [Записки Президента Республики Таджикистан Э. Рахмона] / Э. Рахмон; лит.запись и ред. А. Хамдама и Л. Чигрина; отв. ред. М. Суруш и А. Асадов. - Душанбе : ЭР-граф, 2015. - 232 с.

Асарда қайд этилишича, Тожикистон ўз мустақиллигини 1991 йил кўлга киритган бўлса-да, унинг ижтимоий муаммолари 1992 йилдан кейин бошланган. Мамлакатнинг ташқи сиёсатини мустаҳкамлаш учун Тожикистонга 10 йилдан ошиқроқ вақт керак бўлган. Эмомлали Раҳмонов Тожикистоннинг мустақил тараққиёт йўлини мустаҳкамлаш учун жуда катта саъй-ҳаракат кўрсатган. Республикада ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларнинг бири бу фуқаролик уруши ўчоқларини йўқотиш ва уларнинг олдини олишдан иборат бўлган.

Кейинги босқичда Тожикистон жаҳон ҳамжамиятида ўз мавқеини кўтариб олиши лозим эди. Бунда 2000 йилда белгиланган бир қатор ташқи сиёсий учрашувлар ва ислохотлар йўли билан эришилган. Президент 2002 йилдан ташқи сиёсат учун “Тожикистон манфаатини ҳимоя қиладиган” дипломатларга катта эътибор бериб, уларни юқори даражада тайёрлаш мақсадини белгилади. Албатта, бу босқичлар муваффақиятли амалга оширилган.

Мамлакатнинг иқтисодиёти равнақини ўйлаш учун аввало ундаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш ва иқтисодиётни кўтариш лозим эди. Бунинг учун республикага кўпроқ чет эл инвесторларини таклиф этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳоли учун яшаш шароитини яхшилашга катта эътибор қаратилди. Тожикистон халқи жуда катта умид билан Россия ва МДҲ дан ёрдам келишини кутган эди. Бироқ, ғояларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги натижасида деярли ҳеч қайси умид қилинган мамлакатлар ёрдамга келмади ва 1995-2002 йиллар Тожикистон учун жуда қийин давр бўлди. Бундай вазиятда мамлакатнинг ички ресурслари муаммоларни бартараф этишга қаратилди.

Э.Раҳмоннинг яна бир асари Тожикистон тарихига бағишланган¹. Унда тожик халқининг тарихи, унинг замонавий ҳолати ва мустақиллик давридаги муаммолари таҳлил этилган.

¹ Раҳмонов Э. Точикон дар оинаи таърих. Кит. 1. Аз Ориен то Сомониен = Таджики в зеркале истории. Кн.1. От Арийцев до Саманидов / Э. Раҳмонов. - Лондон, б.г. - 240 сах.

Тоҷикларнинг этник майдонда шаклланишига Марказий Осиёда яшовчи бир қатор этник гуруҳ ва қабилалар, чунончи суғдийлар, бактрияликлар, тохарлар, кўчманчи сак ва скифлар катта таъсир кўрсатган.

Тоҷикистон тоҷиклари шимолий ва жанубий тоҷикларга бўлиниб, ҳар икки гуруҳ геоҳудудий келиб чиқишига қараб яна бир қанча гуруҳларга бўлинади. Чунончи: хўжандлик, кўлоблик, гармлиқ, помирлик, дарвозлик, ромитлик, вахонлик, ғозималиқлик, ёвонлик ва ғ.к. Помирда яшовчи тоҷиклар ҳам, турфа диалектларда сўзлашишларига қарамасдан, ўзларини тоҷикнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этадилар.

Тоҷикларнинг хўжалиқ машғулотии қадимдан, асосан, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ва боғдорчилик ҳисобланиб, чорвачилиқ ҳам муҳим роль ўйнаган. Шунингдек, хунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиғи ва ганҷкорлик, каштачилик, чўптарошлиқ (товоқ, чўмич ва қошиқлар ясаш) каби турлари кенг ривожланган.

Д.З.Мажидзоданинг Тоҷикистон Республикаси Конституциясига доир монографик тадқиқотида¹ тоҷик халқининг долзарб масалалари ёритилган. Асарда ҳукуматнинг муҳолифатга нисбатан юритган сиёсати ҳам фуқаролар урушининг муҳим сабабларидан бири сифатида келтирилади. Унда келтирилишича, 1993 йил январида Олий Совет Раисига айланган Э. Раҳмон муҳолифат етакчиларига қарата агрессив сиёсат юрита бошлаган. Тоҷик мусулмонларининг маънавий йўлбошчиси Ҳожи Акбар Тўражонзода, Тоҷикистон Исломиё уйғониш партияси етакчиларидан бири Муҳаммад Шариф Ҳиматзода, Растохез халқ ҳаракатидан Тоҳир Абдуржаббор, Лали Бадахшондан Атобек ва Шодмон Юсуф, Тоҷикистон демократик партияси раҳбари ва собиқ депутат Давлат Усмонлар шулар жумласидандир. Уларга 1992 йил май воқеаларини ташкиллаштириш, қонуний сайланган ҳукуматни ағдариб, ҳукуматни эгаллаб олишга уриниш, ноқонуний қуроли гуруҳлар ташкил қилиш ва улар ёрдамида мамлакатни уруш марказига айлантириш,

¹ Мажидзода Д.З. Конституция Республики Таджикистан: 20 лет / Д. З. Мажидзода; МВДРТ. Академия. - Душанбе: ЭР-граф, 2014. - 151 с. - Библиогр.: с. 138-151.

давлат иқтисодиётини издан чиқариб ташлаш айблари кўйилди. Ҳукумат муҳолифатга қарши қатағон сиёсат олиб борди, бутун ҳукумат медиаси муҳолифатга қарши тарғиботлар билан тўлиб-тошди. Ниҳоят, Тожикистон Олий Суди Тожикистон демократик партияси, Тожикистон исломий уйғониш Партияси, Лали Бадахшон жамияти ва Растохез халқ ҳаракати каби муҳолиф карашда бўлган оммавий ташкилотларнинг фаолиятини тақиқлаб кўйди. Инсон ҳуқуқларини оёқости қилиш, муҳолифат ва ўзгача фикрловчилар мавжудлигини тан олмаслик, уларни тинглаб кўришга интилмаслик, агрессив авторитар режим мамлакатдаги вазиятни буткул издан чиқариб юборди.

1992 йил 2 декабрида Хўжандда бўлиб ўтган Олий Советнинг навбатдаги сессиясида янги кабинет таништирилганда ҳукумат аъзоларининг деярли барчаси Тожикистон коммунистик партиясидан, партия аъзолари эса Хўжанд ва Кўлобданлигини кўриш мумкин эди. Кўлоб клани лидерларидан бири Сангак Сафаровнинг ўлиmidан кўп ўтмай бутун ҳокимият кўлобликлар кўлига ўтди. Муҳим ҳукумат органлари ва бошқарув институтлари Кўлоб клани назорати остида эди. Кўлоблик вазир ва бошқа амалдорларнинг аксарияти эса бошқарувга номуносиб ёки жиноий ишларга аралашиб қолган эди.

С.Р.Муҳиддиновнинг республиканинг мустақиллик йиларидаги тарихига бағишланган асарининг¹ бош мақсади тожик халқининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиши масалаларини ёритишдан иборат. Маълумки, Тожикистондаги фуқаролар урушининг оқибатлари ҳали ҳозиргача ўз таъсирини сақлаб келмоқда. Мамлакатнинг тиббиёт соҳаси деярли издан чиққан, асосий икки марказ, Душанба ва Хўжанд ўзининг энг кичик тиббий тузилмалари билан аҳолига аранг хизмат кўрсатиб келмоқда. Мамлакат таълим тизими ҳам ҳалигача ўз меъёрига тушганича йўқ. Ҳозирда мамлакатдаги юқори туғилиш нисбати оқибатида ўқитувчилар танқислиги яққол сезилмоқда. Буни устига мамлакатда "оқиллар кўчиши" ҳодисаси 1992-

¹ Республика Таджикистан в годы независимости (1991 – 2011 гг.): Респ. науч. конф. (28 окт. 2011 г.): сб. докл. / Рос.-Тадж. (слав.) ун-т ; сост. С. Р. Муҳиддинов. - Душанбе, 2013. - 153 с. О политическом, социально-экономическом и культурном развитии Таджикистана после достижения им независимости.

йилдан бери давом этиб келмоқда. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш ҳам энг паст кўрсаткичларда бўлиб, мамлакат на электр, на газ ва на нефть мустақиллигига эришган эмас. Буларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатда дарахтлар сонининг ёппасига камайиб кетиши кейинги йилларда сезиларли даражада экологик муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Тожикистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг тинчлик ва келишув шартномасини имзолаганининг 15-йиллигига бағишланган илмий тўплам материалларида¹ республикада кечган муҳим жараёнлар ҳақида сўз боради.

Тожикистондаги фуқаролар уруши унинг замонавий тараққиётини оғирлаштирган муҳим омиллардан бири бўлди. Бу урушнинг бошланишига аслида совет давлатининг миллий-давлат чегараланиши билан боғлиқ сиёсати, тожик халқининг ҳудудий жиҳатдан бўлиб юборилиши каби ва бошқа ҳолатлар сабаб бўлган эди.

Советларнинг Ўрта Осиёда миллий чегараланиш сиёсатида миллатлар аҳолининг генетик келиб чиқиши билан эмас, балки қайси ҳудудга тегишлилиги билан боғлиқ тарзда шаклланган эди. Бу ҳолат тожик аҳолиси ҳаётида айниқса яққол намоён бўлди. Дастлаб Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон автоном социалистик республикаси тузилди, 1929 йилда Тожикистон ССРнинг ташкил топганлиги эълон қилинди.

Тожикистоннинг бу тарзда "яратилиши" унинг бугунги кундаги келажагини белгилаб берди. Бунинг устига, Москва Тоғли Бадашон вилоятига фақат марказга бўйсунувчи автоном вилоят мақомини бериб, мамлакат ичидаги парокандаликни янада кучайтирди. 1990 йилда Совет Иттифоқининг парчаланиши билан маҳаллий кучлар ўртасида ҳокимият учун кураш бошланиб кетди. Бир томонда, мамлакатда одатий равишда ҳокимиятни эгаллаб келган ленинбодлик ўзбеклар, бошқа тарафда Кўлоб ва Гарм кланларидан ташкил топган тожиклар, учинчи томонда эса исломий-

¹ Межтаджикское соглашение в исторической судьбе таджикского народа: Междунар. науч. - практ. конф., посвященная 15-летию подписания Общего соглашения об установлении мира и национального согласия в Таджикистане (Душанбе, 30 окт. 2012 г.): сб. ст. / Рос.-Тадж. (слав.) ун-т ; ред. С.Мухидинов, Н. Михайличенко; сост. С. Р. Мухидинов. - Душанбе, 2013. - 167 с.

радикал гуруҳлар билан бошқа муҳолифат кучлари 5 йил давомида қонли урушга кирадилар.

Лекин фуқаролар уруши кутилган натижани бермайди, яъни аниқ бир томон ғолиб чиқиб, бутун мамлакатда ўз назоратини ўрнатмайди. Ўзбекистон ва Россиянинг босимлари билан фуқаролар урушига чек қўйилади, лекин мамлакатдаги маҳаллий кучлар орасидаги келишмовчиликлар тўлалигича ечилмайди. Бундан ташқари, уруш давомида 100 минга яқин аҳоли нобуд бўлади ва 1,5 миллион киши мамлакатни тарк этади.

Мазкур можаро ҳозирги Тожикистон сиёсатида марказий ўринни тутди. Чунки, ушбу уруш натижаси ўлароқ Тожикистоннинг ўз қўшнилари билан алоқалари ёмонлашди. Бундан ташқари, мамлакатда ривожланишни кучайтиришга ёрдам берувчи чет эл инвесторлари ҳозиргача бу ҳудудга хавфсираш билан назар соладилар. Россия учун эса, Тожикистон Афғонистондаги диний-экстремист кучларнинг кириб келмаслигини таъминловчи синов майдонига айланди. 2001 йилда АҚШнинг Афғонистонга кириб келиши билан тожикистондаги вазият ўзгача тус олди.

Х.Зарифи¹, З.Саидов², Р.Д.Ҳайдаров³, Ҳ.Пирумшоев⁴ ва бошқа муаллифларнинг⁵ асарлари ҳам мустақиллик йилларида тарих фанининг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

¹ Зарифи Х. Многовекторная дипломатия Таджикистана: статьи, интервью, выступления, хроника визитов и встреч / Х. Зарифи. - Душанбе: Офсет, 2010. - 352 с. : фото.цв. - (Внеш. политика Таджикистана). Зарифи Х. Таджикистан в системе обеспечения региональной безопасности ОБСЕ / Х. Зарифи. - Душанбе: Ирфон, 2011. - 456 с. - Библиогр.: с. 445 – 451 (132 назв.).

² Саидов З. Таджикистан: межгосударственные отношения в период становления внешней политики / З. Саидов. - 7-е изд., доп. (по сост. на дек. 2012 г.). - Душанбе: Контраст, 2013. - 636 с. : ил. - Библиогр.: с. 594-607.

³ Хайдаров Р.Д. Таджикистан в орбите глобализационных и геополитических процессов / Р.Д.Хайдаров. - Душанбе: Ирфон, 2005. - 150 с.: табл.

⁴ Пирумшоев Х. Россия-Таджикистан: история взаимоотношений / Х. Пирумшоев, М. Маликов; отв. ред. М.С.Имомов; Рос.-Тадж. (слав.) ун-т. - Душанбе: [б. и.], 2009. - 688 с.

⁵ Алимов Р. Таджикистан и Китай. Курсом стратегического партнерства :Междунар. - полит., экон. и гуманитар. измерения сотрудничества / Р.Алимов; отв. ред. А.В.Лукин. - М.: Весь мир, 2014. - 377 с.: табл., фото. - Библиогр.: с. 337 - 377 (511 назв.) Салихов Н.Н. Политическое противостояние в зеркале таджикской публицистики / Н.Н.Салихов; под ред. М.С.Имомова; Рос.-Тадж. (слав.) ун-т. - Душанбе: Ирфон, 2010. - 168 с. - Библиогр.: с.157-165 (153 назв.). Рахимов, А.А. Особенности функционирования печатных СМИ Таджикистана после обретения государственной независимости / А.А. Рахимов; отв. ред. Н.Н.Салихов; Рос.-Тадж. (слав.) ун-т. – Душанбе, 2013. - 153 с. – Библиогр.: 174 назв. Рахимов Р.К. Проблемы развития переходной экономики Республики Таджикистан / Р.К.Рахимов; АН РТ, Ин-т экономики и демографии. - Душанбе, 2012. - 812 с.: табл., ил. Маликов М. Энергетическая независимость Таджикистана: история, проблемы и перспективы / М.Маликов; ред. Х.Пирумшоев; Рос.-Тадж. (слав.) ун-т. - Душанбе: [б. и.], 2013. -

Янги давр афгон халқи тарихи тарихшӯнослиги. Ҳозирги кунда Афғонистон муаммосини ҳал этиш долзарб масалага айланган. Чунки бу мамлакат геосиёсий жиҳатдан жуда қулай ўринда жойлашган. Минтақада ҳам бу мамлакатнинг ўрни жуда ҳам муҳим бўлиб, кўпгина мамлакатларни бири-бирига боғлайди. И.А.Каримовнинг “Ўзбек халқига тинчлик-омонлик керак” деб номланган маърузасида таъкидланишича, бу биринчи навбатда, минтақанинг нафақат геостратегик ўрни, улкан табиий-иқтисодий ва минерал хомашё захираларига бойлиги, балки Афғонистонда 20 йилдан ортиқ давом этган уруш тугаши билан пайдо бўлаётган янги имкониятлар билан боғлиқ. Қисқача айтганда, ечилмаган муаммолар ва анчагина ташвишли аломатлар мавжудлигига қарамай, воқеалар ижобий томонга бурилмоқда ва вазиятни барқарорлаштириш, минтақани узоқ муддатли, барқарор ривожлантиришга қаратилмоқда, дейишга бугун барча асослар етарли. Бу йўналишларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг тутган ўрни беқиёс, унинг минтақадаги таъсири, шубҳасиз, муттасил кучайиб боради¹.

Афғон этнографи ва социологи Муҳаммад Салоҳий 2009 йилда “Афғонистон тарихида жирғалар роли ва аҳамияти”² номли мақоласини эълон қилади. Муаллиф жирғалар тузилишининг сабаблари, уларнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида сўз юритади. Унинг фикрича, бирор уруғ, қабила ёки гуруҳлар мушкул масалаларга дуч келса, улар жирғалар ёрдамида ҳал этилган. Шу сабабли жирғаларнинг ижтимоий ҳаётга таъсири жуда ҳам катта бўлган. “Халқнинг кундалик турмушидан тортиб то сиёсий масалаларгача бўлган саволлар жирғаларда ҳал этилган, улар бунга қаттиқ боғланиб қолганлар, улар учун бу асосийдир³”, – дейди Муҳаммад Салоҳий. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида инқирозли ҳолатлар вужудга келса, қабила

392 с. : цв. ил. - Библиогр.: с.380-392. Нурджанов Н. Опера и балет Таджикистана / Н. Нурджанов ; ред. В.В.Фролов; Ин-т истории, археологии и этнографии им. А.Дониша АН РТ. - Душанбе, 2010. - 424 с.

¹ Karimov I.A. O'zbek xalqiga tinchlik-omonlik kerak. Toshkent, 2013.

² Muhammad Salohiy, Jirg'a dar torixe Afg'oneston. Kobul, 2009.

³ Muhammad Salohiy, Jirg'a dar torixe Afg'oneston, Kobul, 2009, 54-b.

катталари, уруғ хонлари ва бошқа оқсоқоллар жирға чақириб, бу муаммоларни ҳал қилганлар.

А.А.Ляховский ўзининг “Афғон қабилалари”¹ номли асарида жирғалар масаласига жуда кўп тўхталган. Бу борада яна бир мукамал ишлардан бири Хассос Абдул Матиннинг Лойи жирғалар ҳақидаги илмий рисоласидир. У 1993 йилда Санкт-Петербургда эълон қилинган. Ушбу рисолада асосан Лойи жирғанинг афғонлар ҳаётида тутган ўрнига эътибор қаратилган бўлса-да, жирғаларнинг пайдо бўлиши ва қандай шароитда чақирилганлиги ҳақида ҳам муҳим фикрлар билдирилган.

Жирғалар ҳақида ХХI асрда, яъни энг янги даврда ҳам кўпгина ишлар амалга оширилган. Жумладан, А.Арсланова 2002 йилда пуштунлар ҳақида ёзган асарида жирғаларга ҳам тўхталиб ўтган².

Ф.Азизованинг “Жанубий-ғарбий Осиё мамлакатлари”³ асарида ёзилишича, ҳозирги Афғонистон ҳудудида 30 дан зиёд миллат, элат ва этник гуруҳлар яшайди. Афғонистондаги энг йирик этник гуруҳлардан бири пуштун (афғон)лардир. Афғонистон тарихидан маълумки, жирғалар қадимги даврларда ҳам мавжуд бўлган.

Муҳаммад Иброҳим Атоининг Афғонистон тарихига бағишланган⁴ асарида ёзишича, дастлаб жирғалар ибтидоий шаклда мавжуд бўлган. Биринчи ибтидоий жирғалар қадимда пайдо бўлган. Милoddан аввалги 3000 йилликда Окс дарёсининг чап соҳилида кўчманчи тарзда яшаган орий қабилалари ўз ҳокимиятларини кучайтириш мақсадида қабилла-уруғ сардорларини мажлисга чақириб, маслаҳат кенгашлари ташкил этишга уриниб кўрадилар. Бу ижобий нарсa натижа бергач, ҳар доим шундай йиғинларни чақиришга қарор қиладилар. Улар ўзлари билан боғлиқ кўпгина муаммоларни йиғинларда ҳал эта бошлайдилар. Ана шу даврдаги бу каби йиғилишлар кўпгина олимлар томонидан жирғанинг илк кўринишлари деб баҳоланган.

¹ Ляховский А.А. Афғон қабилалари, М.,2008, 78-б.

² Арсланова А.А. Современный Афғанистан, М, 2000, с. 78.

³ Azizova F. Janubiy-g'arbiy osiyo mamlakatlari. T. 2007. 74-bet.

⁴ Muhammad Ibrohim Atoi. Torixe Maosere Afg'oneston. Kobul., 2010. 89-b.

Геллернинг¹ асарида келтирилган маълумотларга кўра, милoddан аввалги III аср ўрталарида ҳозирги Афғонистон ҳудудида юнон-македон давлати – Парфия пайдо бўлади. Айнан шу даврда ҳозирги шаклдаги жирғалар тузила бошлайди. Парфия давлати ҳукмдорлари ҳам ўз ҳокимиятларини кучайтириш учун жирғалар ташкил этадилар. Чунки ҳар бир ҳукмдорга таянч зарур бўлади. Улар халқ ишончини жирғалар орқали қозонганлар².

С.Шумов ва А.Андреевларнинг “История Афганистана”³ асарида ёзилишича, пуштунлар Афғонистон давлатчилигини шакллантиришда асосий роль ўйнаганлар. Қадимий абдали қабиласи ўз навбатида асосан икки тармоқдан иборат бўлиб, уни популзойлар ва баракзойлар ташкил қилади. 1747 йилдан то 1992 йил апрел ойигача бўлган давр ичида (1928-1929 йиллар бундан мустасно. Бу қисқа даврда Афғонистон тахтини тожиклардан бўлган қароқчи Бачаи Сакао эгаллаган эди) Афғонистондаги ҳокимият пуштунларнинг абдали қабиласи қўлида бўлган⁴.

Ҳанифи Шоҳ Маҳмуд ҳам ўзининг асарида Аҳмадхоннинг тожида буғдой тасвири туширилганлигини таъкидлайди⁵. Буғдой улар учун рамзий маънога эга эди. Шундан сўнг давлат муҳрига ҳам буғдой тасвири туширилади. Барча расмий ҳужжатларда бундан фойдаланилади. Ҳозирги кунда бу тасвир Афғонистон давлат гербига туширилган.

Ўзбекистоннинг замонавий тарихшунослигида Афғонистон масалалари (XX аср охири – XXI аср бошларига оид тарихшунослик таҳлили). Бугунги кунда ғарблик геосиёсатчилар Марказий Осиёга

¹ Sagdullayev A.S., Kostetskiy V.A. Qadimgi dunyo tarixi. T.: 2009. 153-bet.

² Geller, Armando and Shah Jamal Alam. A Socio-Political and -Cultural Model of the War in Afghanistan', International Studies Review, 2010, Vol. 12, No. 1.

³ Шумов С, Андреева, История Афганистана. М., 2002, с.70.

⁴ Poullada Leon. Reform and Rebellion in Afghanistan, 1919-1929 . Cornell (Ithaca and London), New Press, 2003, p.109.

⁵ Hanifi Shah Mahmoud. “Timur Shah transferred the Durrani capital from Qandahar in 1775-76. Kabul and Peshawar then shared time as the dual Durrani capital cities, the former during the summer and the latter during the winter season.”.Connecting Histories in Afghanistan: Market Relations and State Formation on a Colonial Frontier. Stanford University Press, 2011. Retrieved 2012-08-04. p. 115.

Афғонистонни ҳам қўшиб катта Марказий Осиё деб атайдилар¹. Ўзбекистоннинг ён қўшниси ҳисобланган ушбу давлат охири юз йил давомида турли геополитик ўйинлар қурбони бўлиб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Афғонистонда давом этаётган нотинчлик, сиёсий низолар Ўзбекистоннинг ҳам асосий муаммоларидан бирига айланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таъбири билан айтганда: “Ушбу уруш нафақат Афғонистоннинг муаммоси, балки тобора мураккаблашиб бораётган халқаро муаммога айланди. Афғонистон хавфсизлиги – бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун бепоён Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётининг гаровидир”². Шу сабабли Ўзбекистон мустақиллик йилларида афғон муаммосининг ечимларига доир турли таклифлар билан чиқди³. Тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доир олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Аммо, Афғонистон тарихи, сиёсати, таълим тизими, маданияти, этнографиясининг ўрганилиш даражаси қандай, ушбу фан тармоқларида қандай ютуқларга эришилди, бугунги кунда қайси соҳалар ўрганилиши керак, каби саволлар ўз ечимини кутмоқда. Ушбу ишда мазкур масалалар қисқача таҳлил қилинади.

Афғонистонга оид нашр этилган адабиётлар таҳлил қилинганда аксарият ишлар сиёсий масалаларга йўналтирилганлиги аниқланди. Хусусан, Ш.И.Акмалов⁴, Н.У.Туляганова⁵, С.С.Сафоев⁶, Д.Б.Сайфуллаев¹,

¹ Hafizullah Emadi. Culture and Customs of Afghanistan. Westport, CT Greenwood Press, 2005. 286 p. ISBN 0–313–33089–1.; Angelo Rasanayagam. Afghanistan: a Modern History. London: I. B. Tauris, 2003. 336 pp. ISBN 1–860–64846–0.; Starr S. F. Lost Enlightenment: Central Asia's Golden Age from the Arab Conquest to Tamerlane. Princeton University Press. 2013. 680 p.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Афғонистон бўйича «Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида ўтказилган халқаро конференциядаги нутқи / «Халқ сўзи» газетаси 2018 йил 28 март, №59-60 (7017-7018).

³ 2018 йил 27 март куни Тошкентда Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик» мавзусида конференция ўтказилди.

⁴ Акмалов Ш.И. Проблема афганского урегулирования в современных пакистано-иранских отношениях. Автореф. дисс. канд. полит. наук. – Т., 2002. – 22 с.; Акмалов Ш. О некоторых аспектах военно-политической обстановки в Афганистане. // Востоковедение. №1-2, 2008. – 11-15 с.; Акмалов Ш. Афганистан в современной системе международной безопасности / Центральная Азия и Кавказ. Выпуск 6 (66), 2009.– 21-27.

⁵ Туляганова Н.У. Афганский фактор в современных международных отношениях в Центральной Азии. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 211 с.; Туляганова Н.У. Афганский конфликт и его последствия в контексте становления новой системы безопасности в Центральной Азии. Автореф. дис. докт. полит. наук. – Т., 2006. – 34 с.

⁶ Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Монография. – Т.: Патент пресс, 2005. – 160 б.

Р.Р.Рашидов², А.А.Умаровларнинг³ ишларида Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари тинчлигини сақлаш ҳамда ўзаро алоқаларидаги ўрни, минтақа геосиёсатидаги роли, ҳинд-ерон муносабатларидаги аҳамияти сингари масалаларни қамраб олинган. Хусуан, С.Сафоевнинг тадқиқотидаги “Афғонистон – Марказий Осиёнинг узвий қисми” номли қисмида 1746 йилдан 2005 йилгача бўлган сиёсий воқеаларга қисқача тўхталиб ўтилган. Шунингдек, китобда Афғонистон давлатининг минтақа геосиёсатида алоҳида аҳамият касб этиши, 6+2 гуруҳининг асосий эътиборини афғон муаммосини ҳал қилишга йўналтиргани, 2001 йил 11 сентябрь воқеасидан кейин халқаро терроризмга қарши иттифоқнинг шаклланишида Афғонистонга чегарадош бўлган Марказий Осиё давлатлари муҳим роль ўйнаганлиги, Афғонистоннинг Форс кўрφαзи ва Ҳинд океани портлари билан боғлашда йўлак вазифасини бажариши, тинчлик таъминланса чегарадош давлатлар учун бозор вужудга келиши, ушбу минтақада яшовчи титул миллатлар афғон халқининг асосий қисмини ташкил этиши каби масалалар таҳлил қилинган⁴.

Иккинчи йирик гуруҳ тадқиқотлари сифатида Афғонистон давлатчилигига оид ишларни қайд этиш зарур. Жумладан, Л.Ф.Кашинская⁵, Ш.И.Акмалов⁶, Р.Р.Рашидов⁷, И.И.Бобоқуловларнинг¹ ишларида бугунги

¹ Сайфуллаев Д.Б. Афганский вопрос и обеспечение безопасности в Центральной Азии / Вестник ПАГС. – 2012. №32. С.41-43; Sayfullaev D. Afghan for Central Asia and Uzbek Prescription for its Treatment / The publication is brought out under the project Cooperative Development, Peace and Security in South and Central Development sponsored by Ministry of External Affairs (MEA). – New Delhi, 2013. – P. 65-70.

² Рашидов Р. Государственная власть в Афганистане после президентских выборов 2014 г.: нынешнее состояние и перспективы // «Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигини таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси/ Ўзбекистон Республикаси Миллий Хавфсизлик Хизмати Институту, 2016 йил январь.

³ Умаров А.А. Фактор Афганистана в региональной безопасности Центральной Азии в начале XXI века. Автореф. дис. докт. философии (PhD) по полит. наук. – Т., 2017. – 48 с.

⁴ Сафоев С.С. ўша китоб. – б.40-43

⁵ Кашинская Л.Ф. Становление национальной государственности Афганистана (Историко-правовое исследование). Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Т. 1993. – 21 с.

⁶ Акмалов Ш. Проблемы и перспективы становления современного Афганистана / Центральная Азия в XXI веке: сотрудничество, партнерство и диалог. Материалы международной конференции. – Т.: Шарк, 2004. – 223 с.

⁷ Рашидов Р. Афғонистонда давлатчилик масаласи: тарих ва ҳозирги замон // Монография. – Тошкент: «Наврўз» нашриёти, 2017 й. – 264 б.; Rashidov R. Retrospective and Contemporary Analysis of the Formation of Afghan Statehood // International Journal of Central Asian Studies (South Korea). Volume 19. 2015. – Pp. 31-58. URL: www.iacd.or.kr/pdf/journal/19/vol19_2.pdf; Рашидов Р. Афғонистон Конституцияларининг мамлакат давлатчилиги тарихида тутган ўрни // «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жамиятнинг барқарор ривожланиш кафолати: ташкилий, сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатлари» Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги микёсидаги тўртинчи анъанавий илмий-амалий конференция материаллари тўплами. ТошДШИ. 2013. – Б. 227-230.; Rashidov R. The role of non-governmental organizations in the

кунда Афғонистон давлатчилигидаги асосий муаммолар, ушбу масалада норасмий гуруҳларнинг аҳамияти, Афғонистон Конституцияларининг мамлакат давлатчилиги тарихида тутган ўрни, марказлашишга ғов бўлаётган омиллар таҳлил қилинган. Р.Рашидовнинг тадқиқотида афғон давлатчилиги масаласи ҳар томонлама қамраб олинган. Унда XIX асрнинг иккинчи ярмидан то XXI аср бошлари (2015 йил)гача Афғонистон атрофида рўй берган халқаро ва минтақавий жараёнлар, Афғонистонда давлат бошқарув шаклининг бир неча бор (инқилоб, тўнтариш, уруш натижасида) трансформациялашуви ҳамда уларнинг афғон давлатчилигидаги таъсири ва ўрни, Афғонистонда “Толибон” харакати бошқарувининг ўзига хос хусусиятлари, замонавий босқичда етакчи кучларнинг Афғонистонга нисбатан тутган позицияси сингари масалалар очиқ берилган².

Р.Рашидов, шунингдек, “афғон” атамасининг келиб чиқиши³, Лойя Жирғанинг⁴ афғон халқи тарихида тутган роли⁵, Амир Дўст Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида Афғонистондаги ижтимоий-сиёсий вазият⁶, мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон билан муносабатлари тарихи⁷ каби масалалар борасида таҳлилий маълумотлар берган. Масалан, тадқиқотчи “Лойя Жирға”нинг афғон халқи ҳаётидаги

formation of the modern state in Afghanistan // «Advanced Studies in Science: Theory and Practice» / The Collection of Scholarly Papers (Materials of the International Scientific Conference, London, UK, April 18-19, 2016). Volume V. – P. 22-26.; Rashidov R. The Reconstruction Process and State Development in Afghanistan: Achievements vs. Contradictions // «Личность, общество, государство, право: проблемы соотношения и взаимодействия» – V Международная научно-практическая конференция. – Прага: Vědecko vydavatelské centrum «Sociosféra-CZ», 15-16 октября 2016 г. – P. 35-40.

¹ Bobokulov I. State Building in Afghanistan: Decentralization vs Centralization / Central Asia and the Caucasus, vol. 16, no. 2, 2015. – p. 107-114.

² Рашидов Р. Афғон давлатчилиги шаклланишига халқаро ва минтақавий жараёнларнинг таъсири. Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т., 2018. – 48 с.

³ Рашидов Р. «Афғон» атамасининг келиб чиқишига оид маълумот берувчи баъзи манбалар таҳлили // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. ТошДШИ. 2016 йил май. – Б. 177-181.

⁴ “Жирға” сўзи пушту тилида “доира”, “айлана” дегани бўлиб, “кичик ёки катта миқдордаги фуқаролар йиғилиши”, “катта доира атрофида тўпланиб муайян масалаларни имуҳокама қилиш, кенгашиш” маъносини беради. Умумдавлат даражасидаги йиғилиш – “Loya Jirga” (Катта, Улкан Жирға) деб аталади.

⁵ Рашидов Р. Лойя Жирға – афғон халқи иродасини ифода этувчи демократик институт сифатида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 3 (67) – 2015. – Б. 54-60.

⁶ Рашидов Р. Амир Дўст Муҳаммадхон ҳукмронлиги даврида Афғонистон // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаммолари. Илмий-амалий конференция материаллари. ТошДШИ. 2015. – Б. 162-165.

⁷ Рашидов Р. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасининг Афғонистон билан муносабатлари тарихидан // Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг ахборотномаси. №4, 2016 й. – Б. 126-130.

ўрнига тўхталиб, унга афгонларнинг ўзига хос тарихий демократиясининг бир кўриниши, дея баҳо берган. Фикрининг тасдиғи сифатида Афғонистонда 1747 йилда Аҳмадхон Садозойни сайлаш маросимини мисол қилиб кўрсатган. Унга кўра, ўша даврда Ҳожи Жамолхон Баракзой асосий талабгор бўлган. Лекин саккиз марта овоз берилса ҳам, у ҳамма сайловчилар овозини ололмаган. Шунда шайх Собирхон Аҳмадхон Садозойни таклиф қилган ва ҳам уни қўллаб-қувватлаган. Р.Рашидов бу ҳолатдан қуйидагича хулоса чиқаради: “Шу ўринда юқоридаги Лойя Жирға жараёнининг яна бир жиҳатига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Яъни, унда муҳокама қилинаётган масала юзасидан қарор қабул қилишда нисбатан кўпчиликнинг овозини олиш ёки қўллаб-қувватлашига эришиш орқали масала ҳал этилмади, балки барча иштирокчиларнинг ягона бир фикрга келиши орқали масаланинг ечимига келинди. Шундан ҳам ўз даврида муайян масаланинг ечими учун кўпчиликнинг овози талаб этиладиган демократиянинг ўзига хос равишда афгон давлати бошқарувида қўлланилганлигини кўриш мумкин”¹.

Ўзбек тадқиқотчиларининг ишларида Афғонистондаги этнографик вазият таҳлили деярли учрамайди. Бу соҳа долзарб ва кўплам янги мавзуларга сабаб бўлиши мумкин. А.Ҳайдаров², Р.Рашидов³ларнинг тадқиқотларида дин ва этномаданий жараёнлар қисман ўрганилган яъни, улар мазкур омилларнинг сиёсий вазиятга таъсирини очиб беришга ҳаракат қилганлар.

Афғон тили ва адабиётига бағишланган ишлар ҳам унчалик кўп эмас. Бу соҳада асосан А.Қуронбеков, Б.Болтаев⁴, Х.Алимова⁵, О.Шокировлар¹

¹ Рашидов Р. Лойя Жирға – афғон халқи иродасини ифода этувчи демократик институт сифатида / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. 3 (67) – 2015. – Б. 54-60.

² Khaydarov, A. Role of Ethno-Religious Factor in Stabilisation of Internal Political Situation in Afghanistan and its Impact on Central Asia / India and Central Asia: Advancing the Common Interest (edit. Dwivedi, R. and Santhanam, K.). – New Delhi: Institute for Defence Studies and Analyses & Anamaya Publishers, 2004. – 339 p.

³ Рашидов Р. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда тарихий ҳамда этномаданий омилларнинг ўрни // Шарқшунослик. Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий журнали. №2, 2012. – Б. 109-114.; Рашидов Р. Афғонистонда давлат ва дин муносабатлар: ўтмиши ва бугунги ҳолати // Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент Ислом университети илмий-таҳлилий ахборот. №4, 2014. – Б. 41-44.

⁴ Ўзбекча-дарийча сўзлашув китоби / Тузувчилар: Қуронбеков А., Болтаев Б. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2006. – 132 б.

⁵ Алимова Х. Дарий тили. Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2008.

дарий тили ва уни ўрганишга оид кўрсатмалар ишлаб чиққан бўлса, А.М.Маннонов афғон адабиётининг дастлабки асосчилари ҳисобланган “рўшонийлар ҳаракати”ни ўрганган, айти мавзуда докторлик диссертациясини² ҳимоя қилиб, адабиётга оид қанча монографияларга³ муаллифлик қилган. Бундан ташқари, олимнинг “Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи” асарида пушту адабиётининг ХХ асргача бўлган тарихи ёритиб берилган⁴.

Хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистон тарих чорраҳаларида доимий туташган ҳамда афғон тарихи, маданияти, тили жиҳатдан ўзбек халқи билан кўплаб умумийликка эгалигини яхши биламиз. Аммо, тарихшунослик таҳлили натижаларига кўра, Афғонистонга оид тадқиқотларнинг асосий қисми сиёсий масалаларни ўрганишга йўналтирилган. Айти пайтда эса тарих, иқтисод, маданият, этнографик масалалар каби жиҳатларга эътибор камлигини айтиб ўтиш ўринлидир. Фикримизча, ҳозирда афғонларнинг сиёсий жиҳатдан яқдил бўлиши, мамлакатда мавжуд муаммоларнинг ечимлари тарих, этнографияга мурожаат қилиб изланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё халқлари тарихшунослигининг назарий методологияси тубдан ўзгарди. Афғонистон бўйича тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда.

Мавзунини мустаҳкамлаш учун саволлар:

1. И.Каримов "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли нутқини қаерда сўзлаган?

¹ Шокиров О. Дарий тили. 2-қисм. Т., 2004.

² Маннанов А.М. Рошанийская литературная школа на пашту в XVI-XVII вв. (Источники и проблем реконструкции). Диссертация на соискание доктора филологических наук. – Т., 1996.

³ Маннанов А.М. У истоков афганской классической литературы. – Т., 1994.

⁴ Маннонов А.М. Афғонистон халқлари фольклори ва мумтоз адабиёти тарихи. – Т., 2001.

2. Мустақиллик йилларида нашр этилган тарихий тадиқотларнинг ўзига хослиги нимада?
 3. Мустақиллик йилларида тарихнинг қайси жабҳалари кўпроқ ўрганилган?
 4. Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон давлатлари тарихига оид энг муҳим адабиётлар ҳақида маълумот беринг.
 5. Мазкур давлатларида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёт тарихшунослиги хусусиятларини изоҳланг.
 6. Қорақалпоғистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон давлатлари тарихи тарихшунослиги ҳақида маълумот беринг.
 7. Мазкур давлатларда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёт тарихшунослиги ҳақида нималар биласиз?
 8. Мустақиллик йилларида ўзбек тадиқотчиларининг Афғонистон тарихи, адабиёти, сиёсати ва бошқа соҳаларига оид нашр этилган ишлари ҳақида маълумот беринг.
 9. Афғонистон бўйича қайси мавзулардаги тадиқотлар долзарб деб ўйлайсиз?
-
-

ҚИСҚАЧА ИЗОҲЛИ ЛУҒАТ



Ўзбек тилида	Рус тилида	Инглиз тилида	Изоҳ
Айл	Айл	Ayl	Амир Темур аскарый қисмларининг ўн нафарлик бўлинмаси.
Аккор	Аккор	Akkor	оранда; қишлоқнинг зироаткор аҳолиси.
Амид ул мулк	Амид ул мулк	Amid ul mulk	давлат ҳужжатлари ва элчилик алоқалари вазири.
Амир	Повелитель	Sovereign	фармон берувчи, бошлик, ҳоким, қўшин бошлиғи, саркарда, ҳукмдор.
Амирлик	Эмират	Amirate	мусулмон мамлакатларида амир томонидан бошқарилган мамлакат ёки вилоят.
Амир ул умар	Амир ул умар	Amir ul umaro	амирлар амири, бош амир, бош ҳукмдор.
Анимизм	Анимизм	Animism	руҳ ва жонга ишониш, сиғиниш.
Арк	Крепость	Stronghold	ички қалъа, подшонинг шаҳар ичидаги қўрғон саройи, қароргоҳи.
Арбоб	Городского квартала	Figure	Бухоро амирлигида қишлоқ ёки шаҳарларда маҳалла бошлиғи, оқсоқол.
Археолог	Археолог	Archaeologist	археология мутахассиси, археолог олим.

Археология	Археология	Archaeology	қадимдан қолган, қадимий ёдгорликлар, қадимги замонлар ҳақидаги фан.
Архив	Архив	Archive	давлат ёки айрим шахсларга тегишли муҳим қадимий ҳужжатларни сақлайдиган махсус ташкилот.
Ахриман	Ахриман	Ahriman	зардуштийлик динининг зулмат, ўлим ва қабихлик тангриси.
Ахурамазда	Ахурамазда	Ahura-Mazda	зардуштийлик олий тангриси, худоси.
Бегар	Бэгар	Begar	жамоат ишларига сафарбар этиш, ҳашар.
Библия	Библия	Bible	Таврот, яҳудийлар ва християнламинг муқаддас китоби.
Бий	Бий	Biy	уруғ ва қабила оқсоқоли.
Бож	Пошлина	Duty	савдогарлардан олинадиган ўлпон, солиқ, товон.
Доргоҳ	Доргоҳ	Dorgoh	макон, даргоҳ, дунёга келадиган ва унга қайтадиган азалий муқаддас маскан (жой).
Ботмон	Батман	Battement	оғирлик ўлчови (XII- XV асрларда 20 кг га тенг бўлган).
Буронғор	Буронгор	Burongor	қўшиннинг ўнг томони.
Бурғу	Рог	Bugle	карнай.
Бут	Идол	Idol	бут, санам, яккахудолик дини келиб чиққунча уруғчилик ва қабилачилик даврида

			кенг тарқалган мажусийлик, бутпарастлик дини.
Будун	Будун	Budun	чорвадор аҳоли, қора бўдун.
Вазир	Визирь	Vizier	девонхона бошлиғи.
Валий	Святой	Holy	авлиё, азиз, эга, соҳиб.
Варвар	Варвар	Barbarian	юнонлар ўзларидан бошқа барча халқларга нисбатан «варвар» сўзини ишлатганлар.
Вақф	Вақуф	Vaqf	мусулмон мамлакатларинг масжид, мадраса ва бошқа диний масалаларга қарашли бўлган ер
Вақф нома	Вакуфная грамота	Vaqf noma	вақф ерларини ихтиёрий равишда берилганлиги ёки васият қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжат.
Дарвиш	Дарвиш	dervish	камбағал, сўфий, қаландар, фақир.
Дарра	Толстая ременная плеть	Darra	чарм ва қайишдан тўқилган йўғон ва оғир зарб берувчи қурол.
Дарғачи	Даругачи	Darg‘achi	мўғулларда чорва хўжалигини идора қилувчи бошлиқ.
Даҳма	Гробница	Burial vault	мақбара, ер ости ва ер усти сағанаси, қабр устига қўйилган ёдгорлик.
Девонбеги	Диванбеги	Devonbegi	вазирлар маҳкамаси бош маъмури.
Дехқон	Крестьянин	Peasant	«қишлоқ оқсоқоли» ер эгаси.

Динор	Динар	Dinar	олтин, танга (бир мисқол 4,8 гр га тенг бўлган).
Довул	Буря	Storm	катта ноғора.
Доруға	Градоначаль- ник	Governor	ҳарбий маъмур.
Дудан	Дуданг	Dudang	ҳосилнинг олтидан икки ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.
Жайхун	Жайхун	Jayhun	Амударёнинг номларидан бири.
Жаҳонгир	Завоеватель	Conqueror	жаҳонни олувчи, жаҳонни бўйсундирувчи.
Жоме масжиди	Сборная мечеть	Combined team mosque	жамоат намози ўқиладиган катта масжид.
Жувонғор	Жувонгар	Juvong‘or	қўшиннинг сўл қаноти.
Жузья	Джизья	Juzya	ислом дини қоидасига кўра ғайридинлардан олинадиган солиқ.
Жўжи улуси	Жужи Улус	Jochi Ulus	Чингизхон салтанатининг 1224 йилдаги бўлинишида унинг катта ўғли Жўчихонга теккан улус.
Закот	Зякет	Zakot	тозалаш. 1. Мусулмон мамлакатларда аҳоли умумий бойлигининг 1/40 миқдорида ҳар йили олинадиган диний солиқ. 2. Мусулмонларда «Тозаловчи» диний солиқ бўлиб, бу ҳақда «Қуръон»да оят бор.
Зиндон	Темница	Dungeon	қоронғилик, ўтмишда

			ер остидаги қамоқхона, ертўла.
Зулқарнайн	Зулкарнайн	Zulkarnayn	Александр (Александр Македонский) нинг лақаби, икки шохли маъносида.
Илекхон	Илекхан	Пекхон	қорахонийлар сулоласига мансуб бўлган кичик ҳукмдорнинг унвони.
аруз	Аруз	Aruz	шеърят.
Имом	Имам	Imam	1. Диний олий раҳбар, ҳукмдор (халифа. Яман вилоятининг бошқарувчиси, туркларда султон, форсларда Ҳазрати Алининг авлоди), 2. Шиаларнинг олий бошлиғи. 3. Тўрт асосли мазҳабдан (ҳанафийлар, ханбалийлар, моликийлар ва шофъийлар) бирига асос солувчи; 4. Ҳамма мусулмонлар ёки улар бир гуруҳининг бошлиғи, руҳоний; 5. Намозда жамоатнинг олдида туриб, намозни бошқарувчи.
Расул	Посланник	Envoy	элчи, пайғамбар.
	Регистан	Registan	ўрта асрларда шаҳарнинг марказий майдони.
Риёзиёт	Риёзиёт	Riyoziyot	математика.
Сайид	Сайид	Sayid	1. Муҳаммад пайғамбар

			авлодларининг фахрий унвони. 2. Баъзи мусулмон мамлакатларида ҳукмдор унвони.
Салтанат	Господство	Supremacy	ҳокимият, султонлик, подшолик, ҳукмронлик, империя.
Соҳибқирон	Счастливый	Fortunate	аскар, қўшин, жаҳон эгаси, жаҳонгир.
Султон	Султан	Sultan	подшоҳ, ҳукмдор.
Султонлик	Салтанат	Saltanat	тепасида султон турган давлат, султон ҳокимияти.
Сунний	Суннит	Sunniy	сунний мазҳабидагилар, суннатга амал қилувчи мусулмонлар.
Суюрғол	Суюргал	Suyurgal	олий табақа зодагонларга инъом қилинган ер-мулк.
Таврот	Тора	Torah	беш китоб, яҳудийларнинг муқаддас беш китоби, қадимги вазият.
Таноб	Танап	Tanap	ер ўлчови, 2-2,5 минг кв. м ҳажмдаги майдони.
Тархон	Тархан	Tarhan	озод этилган. 1. Ўрта асрлардаги феодалнинг унвони. 2. Солиқлар тўлашдан озод этилган ер ва мулклар. 3. Ўзбек-турк уруғларидан бирининг номи.
Тахт	Трон	Throne	муайян баландликда ўрнатилган серҳашам, зийнатли таянма курси,

			подшо (монарх) ўтирадиган жой, подшолик, салтанат.
Тахт вориси	Наследник престола	Heir (successor) to the throne	валиахд, салтанат вориси, тож-у тахт меросхўри, меросхўр шаҳзода, бўлажак ҳукмдор.
Тож	Корона	Crown	тож-тахт, салтанат, мустабид ҳокимият белгиси.
Тотем	Тотем	Totem	уруғ ёки қабила ибтидоси, уруғ асосчиси, аждод, уруғ жамоалари топинадиган ҳайвон, ўсимлик ёки жисм.
Тотемизм	Тотемизм	Totemism	тотемларга сиғиниш.
Туман	Туман	Mist	1. Ўн минглик ҳарбий қисм. 2. Уезд, раён. 3. Ўн минг. 4. Эрон тилла пули.
Туман оғаси	Туман оғаси	Tuman ogasi	ўн минглик аскарӣй қисм амири, қўмондон.
Улам	Улема	Ulama	олимлар, мусулмон давлатларида қозилар, мусулмон руҳонийларининг юқори табақаси.
Улус	Улус	Ulus	эл, ҳарбий – маъмурий ўлка.
Уммат	Одной религии	Ummat	бир тилда сўзлашувчи кишилар, бир пайғамбарга тобе инсонлар.
Ушур	Ушур	Ushur	ҳосилдан 10 фоиз ҳисобида олинадиган деҳқончилик солиғи.

Халифа	Халиф	Caliph	ўринбосар, хулафо - халифалар.
Хандақ	Траншея	Trench	мудофаа иншооти.
Хаттот	Каллиграф	Calligrapher	китоб ва рисоалалар кўчирувчи котиб.
Хирож	Харадж	Xiroj	солиқнинг бир тури; ҳосилнинг 20-25 фоизи ҳисобидан олинадиган қишлоқ хўжалик солиғи.
Хонақоҳ	Молельня	Xonakoh	масжид ибодатхонаси, ғарибхона, мусофирхона.
Шайх	Шейх	Sheikh	ислом динида олий руҳонийлар вакили, диний ақидаларни билувчи, ваъз-насихат қилувчи, баъзан олий, диний ўқув юрти талабаси.
Шайхул-ислом	Шейх-уль-ислам	Shayxul-islam	дин ва ислом илми пешвоси, ислом дини оқсоқоли, диний арбоб.
Шаҳристон	Шахристан	Shahristan	ички шаҳар.
ЭтногЭенЭез	Этногенез	Etnogenez	халқ ва элатнинг келиб чиқиши.
Этнос	Этнос	Ethnos	(юнон.) - элат, халқ. Этнологияда уруғ, қабила, элат, халқ, миллат этнос деб юритилади.

ADABIYOTLAR



1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 1992. 48 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
3. Mirziyoyev Sh.M. Erkin va farovon, demokratik O‘zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz. – Т.: “O‘zbekiston”, 2016.
4. Mirziyoyev Sh.M. Tanqidiy tahlil, qat’iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo‘lishi kerak. – Т.: “O‘zbekiston”, 2017.
5. Mirziyoyev Sh.M. Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta'minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi. – Т.: “O‘zbekiston”, 2017.
6. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan quramiz. – Т.: “O‘zbekiston”, 2017. - 488 b.
7. Абу-л Фазл Байхаки. История Масъуда.- М., 1969. 218 б.
8. Абулғозихон. Шажарайи турк.- Т.:Чўлпон, 1992. 192 б.
9. Абдурахманов М., Мадраимов А.А. Амир Темур ва Темурийлар даври тасвирий санъат тарихидан / ЎЗМУ Хабарлари. – Тошкент, 2012. – № 2, – Б.84–86.
10. Авесто яшт китоби. М.Исҳоқов таржимаси. Т.: 2001. 127 б.
11. Адам Мец. Мусульманский ренессанс. М.: 1973. ст. 351.
12. Адиб Халид. Становление Узбекистана. Таджики как остаточная категория // Вопросы этногенеза и этнической истории народов Средней Азии / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2016. С. 75 – 108, 155 – 180.
13. Алимова Д. ва б. Ўзбекистон тарихи 1917-1981. 5-нашри. Тошкент: Шарқ, 2006.
14. Алимова Д.А. История как история история как наука. –Т.: 2009.
15. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том I. Историческое сознание. Ташкент: Узбекистан, 2008. 280 с.
16. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том II. Феномен джадидизма. Ташкент: Узбекистан, 2009. 170 с.;
17. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Том III. Концепты истории Узбекистана: теория и гипотезы. Ташкент: Media Land. 2018 г. 520 с.
18. Асқаров А. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихини баъзи бир назарий масалалари // Ўзбекистон тарихи. 2002. 4-сон. 43-46 б.
19. Ахунова М., Лунин Б.В. История исторической науки в Узбекистане Т. Фан, 1970. 220 б.
20. Аҳмаджонов Ғ. Россия империяси Марказий Осиёда. Т.: 2003. 270 б.

21. Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. Т.: 1994. 430 б.
22. Аҳмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т.: 2001. 310 б.
23. Аҳмедов Б. Улугбек Т.: 1989. 252 б.
24. Abirov V.E. O'zbek xalqi etnogeneziga doir konsepsiyalar tahlili // o'quv-uslubiy qo'llanma. – Т.: «TDSH», 2019. – 137 bet.
25. Abirov V.E. Tarixiy toponimiya // o'quv qo'llanma. – Т.: «TDSH», 2019. – 202 bet.
26. Abirov V.E. Zamonaviy sharoitda o'zbek xalqi etnogenezi va etnik tarixi masalasining o'rganilishi // Профессиональное становление личности XXI века в системе непрерывного образования: теория, практика и перспективы / Материалы научно-практического семинара. Филиал МГУ имени М.В. Ломоносова в городе. Том I. – Т.: 2017. 132-134 betlar.
27. Abirov V.E. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi manbashunosligi va tarixshunosligining qirralariga doir // Тарих ва ҳозирги замон. Вазирлик миқёсидаги илмий-амалий конференцияси материаллари. Тошкент – 2017. 191-194 betlar.
28. Abirov V.E. Islom Karimov asarlarida tarixni anglash masalasi // Ислом Каримов сабоқлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Қарши – 2017. 286-290 betlar.
29. Абиров В.Э. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ўрганилиши хориж тадқиқотчилар талқинида // Хорижий Шарқ мамлакатлари тарихий жараёнлари ва уларни ўрганишнинг долзарб муаоммолари/ Илмий-амалий конференцияси материаллари. Илмий тўплам. [ТошДШИ]. – Т.: 2018. 209-214 бетлар.
30. Абиров В.Э. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ўрганилишининг назарий – методологик асосларига доир // Шарқ машъали №2. Илмий журнал [ТошДШИ]. – Т.: 2018. 47-54 бетлар.
31. Abirov V.E. Qadimgi xitoy manbalarida turkiy qavmlarning o'rganilishiga doir // Ўзбекистон-Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожини/ Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.– Т.: 2018. 274-277 betlar.
32. Абиров В.Э. Ўзбек халқи этногенези ҳақидаги фикрларнинг тадрижи // Шарқшунослик №1-2. Илмий журнал [ТошДШИ]. – Т.: 2019. 90-103 бетлар.
33. Абиров В.Э. XX асрнинг 60 – 70 йилларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи ўрганилишига доир // Р.Х.Сулаймоновнинг 80-йиллик юбилейига бағишланган/ Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.– Т.: 2019. 274-277 бетлар.
34. Абиров В.Э. XX асрнинг 40 – 50 йиллар тадқиқотларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи муаммосининг ёритилишига доир //

INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL «GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2019: CENTRAL ASIA» №2(3). СЕРИЯ «ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ И АРХЕОЛОГИЯ». NUR-SULTAN – 2019. 116-124 бетлар.

35. Абиров В.Э. Янги авлод кадрларининг ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласини ўрганиш зарурати. // “Янгиланаётган Ўзбекистонга янги авлод кадрлари” “Умид” жамғармаси битирувчиларининг биринчи Халқаро конференцияси // “Инновацион рииожланиш нашриёт-матба уйи” Тошкент., 2020 йил 3-4 январь.

36. Abirov V.E. O‘zbek xalqi etnik tarixini o‘rganishga doir // Шоислом Шомухамедов номидаги Ёш Шарқшуносларнинг IV Форуми материаллари тўплами. Тошкент., 27 апрель, 2020 йил. 179-182 бетлар.

37. Абиров В.Э. Хориж тадқиқотларида ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи масаласига доир // Шарқшунослар анжумани 16-сон. Тошкент., 2020 йил. 312-319 бетлар.

38. Аскарлов М.М. Ўзбекистон этнографиясининг тарихшунослигига доир баъзи қарашлар. Гармонично развитое поколение – условие стабильного развития Республики Узбекистан // Сборник научно-методических статей. Ташкент., 2015. С. 52-55.

39. Аскарлов М.М. Мустақиллик йилларида Наманган тарихи тарихшунослиги масаласига доир мулоҳазалар. “Мустақилликнинг 25 йиллиги: ютуқлар сарҳисоби” номли мақолалар тўплами. Наманган, 2016. Б. 16-19.

40. Аскарлов М.М. Шарқ алломаларини ўрганилиши билан боғлиқ муаммоларнинг тарихий-этнографик таҳлили. “НамДУ илмий ахборотлари” журнали. 2-сон. Махсус сон. Наманган, 2017. Б. 266-276.

41. Аскарлов М.М. Трансформация традиционного праздника суннат-туя (обрезание) в Узбекистане. Современные гуманитарные исследования. №4. Москва, 2017. С. 15-18.

42. Askarov M.M. Some aspects of historiography of the ethnography of the peoples of Central Asia in 21st century. ЎЗМУ хабарлари. №1/4. Тошкент, 2017. Б. 20-24.

43. Аскарлов М.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида Ўзбекистон этнографияси тарихшунос- лигининг аҳамияти ва ўрни. Тамаддун Нури, № 2, 2018. Б. 10-14.

44. Аскарлов М.М. Ўзбекистон этнографияси тарихшунослигининг долзарблиги тўғрисида. “XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ЁШЛАР АСРИ” мавзусидаги республика илмий ва илмий-техник анжуман материаллари, 2018. Б. 35-36.

45. Аскарлов М.М. Историографический анализ религиозной идентичности узбеков (на основе англоязычных материалов). Ўтмишга назар / Взгляд в прошлое / Look to the past, № 2, 2019. С. 46-52.
46. Askarov M.M. The importance of studying the categories of Uzbeks identity. International scientific conference «Global science and innovations 2019: Central Asia». Nur-Sultan, Kazakhstan, may 2019. Pp. 133-135.
47. Аскарлов М.М. Роль гендерной политики в формировании узбекской идентичности (историографический анализ на основе англоязычных материалов). Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари, 2019, №2.
48. Аскарлов М.М. Историография формирования современной узбекской идентичности в начале XX века (по англоязычным материалам). Шарқшунослик / Востоковедение / Oriental Studies, 2019, № 1-2. Б. 64-76
49. Аскарлов М.М. Обзор категорий идентичности в конце XIX – начале XX века на территории современного Узбекистана (на англ.) Вестник КазНУ имени Аль-Фараби. Серия Историческая, 2019, № 4 (95). С. 4-14.
50. Аскарлов М.М. Анализ категорий идентичности в конце XX – начале XXI века на территории современного Узбекистана (на основе англоязычных материалов). Научный результат. Социальные и гуманитарные исследования. – Т. 5, № 4, 2019. С. 62-77.
51. Аскарлов М.М. Англоязычная антропология о природе узбекской идентичности в конце XIX – начале XX вв. // Вестник антропологии, 2020. №1(49). С. 239-251.
52. Бартольд В. Иран, Исторический обзор. Сочинения Т. VII. М., 1974 ст 231.
53. Бартольд В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т.1. М.: 1963. ст. 497.
54. Бернштам А.Н. Проблемы древней истории и этногенеза южного Казакстана // ИАН Каз ССР. Серия археологии 1947. № 67. ст. 32.
55. Беруний А.Р. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1- том. Т.: 1968. 252 б.
56. Бичурин Н.Я. Собрание сведения о народах обитавших в Средней Азии в древние времена в 3-х томах Т. П.М – Л 1950 с. 151.
57. Бунёдов З. Ануштегин-Хоразмшоҳлар давлати.- Т.: 1998. 255 б.
58. Balakrishnan V. The Game of Disappearance And Return: Ranajit Guha's Case For Historicity in History at the Limits of World History // International Journal of History and Research (IJHR). 2012. №2. Pp. 20-31.
59. Гофуров Б. Таджики Т.И. Душанбе "Ирфон" 1989. 197 б.
60. Гумилев Л.Н. Древние тюрки. М.: 1967. 441 б.
61. Дандамаев М. А. Иран при первых Ахеменидах. М. 1963. С.262-219.

62. Дониёров А.Х. Хоразм археология-этнография экспедицияси Ўзбекистон этнографияси фанида. Ўқув қўлланма. Т.: 2007. 84 б.
63. Doniyorov A.X. Markaziy Osiyo xalqlari tarixi. O‘quv qo‘llanma. –Т., TDSHI, 2014.
64. Doniyorov A. Kh., Madraimov A. A. Iran in the era of Amir Temur and Temurids in the works of academic V. V. Bartold / Востоковедение. Научный журнал Ташкентского государственного института востоковедения, – Ташкент, 2018. – №4, – С. 33–39. (07.00.00; 9).
65. Doniyorov A. Kh., Odilov B. A. Ethnographic Researches on Irrigated Agriculture and Collective Land Cultivation of the Uzbek People (In the Example of 20–30s of XX th Century). Vol.9, Issue 1. –India, 2019. P. 3645–3649.
66. Дедамирзаев Ж. “Тан Шу” асарида Фарғона водийси топономикаси ва жойлашуви тарихининг ёритилиши ва муаммолари” (“乌兹别克斯坦-中国：历史，文化，科学和经济关系发展”// Международная научная конференция. 2018 й. № 4, ISBN 978-9943-25-459-6.
67. Дедамирзаев Ж. Хитой худудига дунганлар мисолида Ислом динининг кириб келиши // Фундаментальные и прикладные научные исследования: актуальные вопросы, достижения и инновации”// XVIII Международная научно-практическая конференция. -Пенза: “Наука и просвещение”. -2018 г. ISBN 978-5-907135-91-8
68. Dedamirzayev J. Illustration of ethnography of Central Asian people in early medieval Chinese source (in the example of Uyghurs and Dungans) // International Scientific Journal ISJ Theoretical & Applied Science Philadelphia, USA. 2019 y. ISSN 2308-494X
69. Dedamirzayev J. Illustration of the location and the image of the inhabitant’s lifestyle of the Fergana valley in Chinese source // EPRA International Journal of Research and Development. India. 2020 y. ISSN 2455-7838.
70. Древние авторы о Средней Азии (VI I д.н.о. VII в.н.э.) Хрестоматия (Под редакцией Л.В. Баженова. Ташкент. 1940)
71. Древние авторы о Средней Азии. Хрестоматия. Т.: 1986. ст. 367.
72. Энвер Хуршут. Этнологические исследования // Согдийский сборник. Вып. 3 / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: LAP, 2016. С. 143 – 202.
73. Энвер Хуршут. Арийцы Азии. Этнологический этюд. Saarbrücken: LAP, 2017. ст. 111.
74. Энвер Хуршут. Репрессированное востоковедение // Проблемы истории Кокандского ханства. Научные дискуссии по некоторым вопросам истории, источниковедения и историографии Кокандского ханства / Отв. ред. Ш.С.Камолиддин. Saarbrücken: Lambert Academic Publishing, 2013. С. 133 – 239.

75. Жадидчилик: ислохот, янгилашиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т.: 1999. 193 б.
76. Зиёев Х. Ўзбек хонликлари чоризм асоратида (XIX асрнинг 50-60 йиллари) Т. 1994. 128 б.
77. Ибрат. Фарғона тарихи. Мерос. Т.: 1991. 335 б.
78. Иброҳимов Н. Ибн Батута ва унинг Ўрта Осиёга сайёҳати. Т.: 1993. 104 б.
79. “История Узбекистана. Эпоха Амира Темура и Темуридов” / Отв. редакторы: Э.В.Ртвеладзе, Д.А.Алимова; АН РУз, Ин-т истории, Инс-т искусствознания. -Т.: Фан, 2017. -568 с. [536+32 с. илл.]
80. История ат-Табари. Т.: 1987. ст. 441.
81. История Узбекистана в источниках. составитель Б.В.Лунин. Т.: 1984. ст. 224.
82. Исҳоқов М.М., Файзиёв Х.Т. Марказий Осиё халқлари тарихи тарихшунослиги ва манбашунослиги. (Ўқув қўлланма) 2-нашр. Т.: ТДШИ. 2017.
83. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. –Т., Университет мировой экономики и дипломатии. 2008. – С. 340.
84. Кабиров Ж., Сагдуллаев А. Ўрта Осиё археологияси. Т.: 1990. 159 б.
85. Кармышева Б. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана М.: 1976. ст. 322.
86. Крачковский И.Ю. Ал Беруни и географы XI в. на востоке.- Т.: IV. М.: 1957. 224 б.
87. Қорабоев У. Ўзбекистон байрамлари. Т.: 1991. 190 б.
88. Литвинский Б.А. Джунский могильник некоторые аспекты кангюйской проблемы СА. 1967, № ст. 29, 37.
89. Лунин Б.В. Средняя Азия в научном наследии. Очерк. Т.: 1972. ст. 145.
90. Мадраимов А.А. Жизнь и научная деятельность выдающегося востоковеда XX века А. З. Валиди Тогана / Востокведение. ТГИВ., – Ташкент, 2009. –№ 1–2, – С. 59–66.
91. Мадраимов А.А. Культура эпохи Темуридов в «Мемуарах» З. В. Тогана / Общественные науки в Узбекистане. – Ташкент, 2010, – № 1–2, – С. 113–118.
92. Мадраимов А.А. Источники по истории культуры эпохи Темуридов / ЎЗМУ Хабарлари. Тошкент, 2010. – №2, – С.54–58. (07.00.00; 22);
93. Мадраимов А.А. Историческое наследие эпохи Темуридов в трудах выдающегося востоковеда А. З. Валидова / ЎЗМУ Хабарлари. – Тошкент, 2013. Махсус сони, – С. 91–93.
94. Мадраимов А.А. Ахмад Заки Валидов о миниатюрах эпохи Темуридов / Маяк Востока. – Ташкент, 2017. – № 3, 4, – С. 92–95.

95. Мадраимов А.А. Герат в эпоху Амира Темура и Темуридов в трудах академика В.В. Бартольда / Маяк Востока, – Ташкент, 2018. – № 1, – С. 113–118.
96. Madraimov A.A. The era of Amir Temur and Temurids in the scientific heritage of A. Z. Validov / International Journal Development Research. Vol. 08, Issue, 10, pp. 23662-23666, October, 2018.
97. Madraimov A.A. Interpretation of historical processes of the epoch of Amir Temur and Temurids in the works of Acad Bartold / Canadian Center of Science and Education. Asian Social Science; Vol. 14, No. 12; 2018/
98. Мадраимов А.А. Личность Амира Темура в трудах академика В.В. Бартольда / “Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари”. Республика IX илмий конференциясининг материаллари. ТДШИ. – Тошкент, 2017. – Б. 190–195;
99. Мадраимов А.А. А.З. Валидов-Тоган о военном походе Амира Тимура 1395 года / X Всероссийский съезда востоковедов «Россия и Восток: взаимодействие стран и народов». / Международного научный симпозиум «Ахмет-Заки Валиди Тогана и актуальные проблемы востоковедения». Уфа, 2015. – С. 407–409;
100. Мадраимов А.А. История эпохи Амира Темура и Темуридов в научном наследии В. В. Бартольда и А. З. Валидова. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. - Т. 2019.
101. Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. Т.: Нур. 1990. 142 б.
102. Маматалиев А.Р. Фарғона водийси этнографиясининг ўрганилиши (Мустақиллик йиллари ижтимоий-гуманитар журналлардаги мақолалар асосида). ЎзМУ хабарлари. №4/1. 2011.
103. Маматалиев А.Р. Мустақиллик йилларида Фарғона водийси халқлари этнографиясининг ўрганилиши хусусида. Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари (4 май 2011). Тошкент. 361-366 б.
104. Маматалиев А.Р. Фарғона водийси халқлари этнографиясининг ўрганилиш тарихидан (XIX асрнинг 80-90 йиллари). “Ўзбекистонда археология ва этнология фанларининг тараққиёти ва истиқболлари” мавзусидаги республика илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент. 2012. 155-157 б.
105. Маматалиев А.Р. Фарғона водийси этнослараро хўжалик-савдо муносабатларини ўрганилиши тарихидан. “Фарғона водийси тарихи муаммолари” республика илмий анжумани материаллари. – Наманган. 2012. 47-51 б.

106. Маматалиев А.Р. Фарғона водийсида этнослараро алоқалар муаммосининг ўрганилиш тарихидан. “Конституция Республики Узбекистан и образование молодежи” материалы научно-практической конференции, посвященной 20-летию Конституции Республики Узбекистан. –Тошкент. 2012. 63-67 б.
107. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. № 1. –Т., ТДШИ, 2009. 353 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
108. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. № 2. –Т., ТДШИ, 2010. 495 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
109. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. № 3. –Т., ТДШИ, 2011. 430 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
110. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. № 4. –Т., ТДШИ, 2012. 355 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
111. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. Илмий тўплам. № 5. –Т., ТДШИ, 2013. 464 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
112. Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. – Т., 2005.
113. Материалы по истории Средней и Центральной Азии X-XIX в.в. – Т.: 1988. ст. 414.
114. Махкамова Н.Р. Социальная структура общества на территории Узбекистана: традиции и трансформации (конец XIX-30-е годы XX в.). – Т.: Aloqachi, 2009.
115. Махмудов Т. Авесто ҳақида. Т.: 2000. 63 б.
116. Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи. Т.: 1994. 350 б.
117. Мустафаева Н. XX асрда Ўзбекистонда маданият ва тафаккур. Тарихшунослик таҳлили. – Тошкент, “Navro`z”, 2014.
118. Мухтор Бакир. Туркистон Мухториятининг барпо бўлишига куч керак // Улуғ Туркистон. 1917, 24 декабрь;
119. Мухториятли Туркистоннинг Муваққат ҳукуматидан // Эл байроғи. 1917, 9 декабрь.
120. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Т.: 1999. 111 б.
121. Мўминов И. Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни. – Т.: 1968. 43 б.
122. Насимхон Раҳмон. Турк хоқонлиги. Т.: 1993. 143 б.
123. Нурпеисов К.Н. Мухамеджан Тынышпаев - в контексте истории // Известия Казахстана. 2004, № 158;
124. Нўширавон Явушев. Туркистонга автономия олув ҳақида // Улуғ Туркистон. 1917, 5 май;

125. Одилов Б.А. Ўзбек халқининг анъанавий хунармандчилигига оид адабиётлар таҳлили // ЎзМУ хабарлари. – 2016. – №1–6. – Б. 62–65. (07.00.00; №22).
126. Одилов Б.А. А.И. Шахназаровнинг “Сельское хозяйство в Туркестанском крае” асарида ўзбек халқининг анъанавий деҳқончилик хўжалигига оид маълумотлар // ЎзМУ хабарлари. – 2017. – №1–3. – Б. 25–28. (07.00.00; №22).
127. Одилов Б.А. XIX аср охири – XX аср бошларига оид адабиётларда Туркистон аҳолисининг хўжалик фаолияти // O‘zbekiston tarixi. – 2017. – №6. Б. 61–68. (07.00.00. №6).
128. Одилов Б.А. Археологик тадқиқотлар – анъанавий хўжалик фаолиятини ўрганишда муҳим манба (XX аср мисолида) // O‘zbekistonda ijtimoiy fanlar, – 2017. – №3. – Б. 57–63. (07.00.00. №7).
129. Одилов Б.А. Фарғона водийси аҳолисининг хўжалик-маданий анъаналарини этнологик тадқиқотларда ёритилиши // Sharqshunoslik. – 2018. – №2. – Б. 113–121. (07.00.00. №10).
130. Одилов Б.А. “Марказий Осиёнинг этнографик атласи” лойиҳаси хусусида // Moziydan sado. – 2018. – №3 (79). – Б. 39–40. (07.00.00. №3).
131. Odilov B.A. Characteristics of economic activity of the population of Fergana valley in XIX and at the beginning of XX centuries// International Journal of Development Rezerch (IJDR). Vol. 8, Issue 10. – India, 2018. October. – P. 23827–23829 (Scientific Journal Impact Factor: 6.68).
132. Odilov B.A. Study of traditional irrigation system in Uzbekistan (In the exemple of the investigations of the second half of XIX century and XX century). Vol. 12, Issue 2. – Vienna, Austria, 2019. February. – P. 85–95. (Scientific Journal Impact Factor: 5.008).
133. Одилов Б.А. Особенности хозяйственной деятельности населения Ферганской долины в XIX-начале XX в. / Сборник статей. XLV Международной научной конференции «Человекознание», – Кемерово, 2019. С. 29–32.
134. Одилов Б.А. XIX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари тадқиқотларида ўзбек халқининг анъанавий хўжалиги масалалари. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган дисс. - Т. 2019.
135. Очерки по истории государственности Узбекистана. –Т., Шарқ, 2011. С. 207. [Ответственные редакторы: Алимova Д.А., Ртвеладзе Э.В].
136. Ражабов Қ. Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат (1918-1924 йй.). Тарих фанлари докт. дисс. – Т., 2004.

137. Раджабова Р. ва б., Ўзбекистон тарихи 1917-1983. Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
138. Раҳматуллаев Т. Ўзбекистон халқлари тарихининг ўқитишда археология материалларидан фойдаланиш. Т.: 1994. 33 б.
139. Раҳматуллаева А. Амир Темур салтанати тарихнавислиги. – Т.: “Fan va texnologiya”, 2010. 96 бет.
140. Руи Гансалес де Клавихо. Дневник Путшествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1406) М.: 1990. ст. 211.
141. Сагдуллаев А., Эшов Б. Ўзбекистон тарихи. Т.; 1999. 224 б.
142. Сагдуллаев А. Огненные стрелы. Т.: 1993. ст. 112.
143. Сагдуллаев А. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. –Т., 2001.
144. Сагдуллаев А.С., Аминов Б., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти: 1-қисм. –Т., 2000.
145. Сагдуллаев Т.. Ўзбекистон тарихи илк ёзма манбаларда. Т.: 1994. 255б.
146. Саидкулов Т. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар.- Т.: 1993. 159 б.
147. Сидоров А.И. Материалы научной сессии, посвященной истории Средней Азии и Казахстана в дооктябрьский период. Т. 1955. ст. 576
148. Танышпаев.М. История казахского народа. История Казахстана с древнейших времен до наших дней. Т-1. Алматы, 1994.
149. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 6. –Т., ТДШИ, 2014. 344 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
150. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 7. –Т., ТДШИ, 2015. 464 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
151. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 8. –Т., ТДШИ, 2016. 399 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
152. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 9. –Т., ТДШИ, 2017. 437 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
153. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 10. –Т., ТДШИ, 2018. 352 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
154. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 11. –Т., ТДШИ, 2019. 319 б. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].

155. Тарихий манбашунослик, тарихнавислик, тарих тадқиқоти методлари ва методологиясининг долзарб масалалари. Илмий тўплам. № 12. 1-2 қисм. –Т., ТДШИ, 2020. [Масъул муҳаррир М.Исҳоқов].
156. Тимохин Д.М. Арабopersидские источник и историография о хорезмшахе джалал аддине манкбурны. дисс. Москва. 2008.
157. Тимохин Д.М. Эволюция историографии о государстве Хорезмшахов из династии Ануштегинидов. ВЕСТНИК Института востоковедения РАН. №4. ISSN 2618-7302. Москва. 2008.
158. Толстов С.П. Древний Хорезм. М.: 1948. ст. 348.
159. Толстов С.П. По древнем дельтом Окса и Яксарта М. 1962. ст. 135.
160. Tchoroev Tyntchtykbek. Historiography of Post-Soviet Kyrgyzstan. International Journal of Middle East Studies, 2002. 34 (2), Pp. 351-374. doi:10.1017/S0020743802002118
161. Уватов У. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Т.: 1997. 158 б.
162. Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. – Т.: 1998. 218 б.
163. Ўзбекистон халқлари тарихи. 1 жилд. – Т.: 1992. 188 б.
164. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3 китоб. – Т.: 2000. 443 б.
165. Фозилбек Отабек ўғли. Дукчи Эшон воқеаси. – Т.: 1992. 77 б.
166. Хильда Хукҳем Етти иқлим султони Т. 1994. 350 б.
167. XX асрнинг дастлабки ўттиз йилида Ўзбекистонда тарихи фани. 1-2 жилдлар. Т.: 1994. 34 б.
168. Ҳайдаров И., Ражабов Ҳ. Туркистон тарихи. – Т., 1992.
169. Шамсиддинов А. ва б. Ватан тарихи XVI-XX аср бошлари. Тошкент: Шарқ, 2003. 352-б. [Масъул муҳаррир: Қ. Усмонов].
170. Шодмонова С. Туркистон тарихи – матбуот кўзгусида. – Т.: Yangi nashr, 2011.
171. Шомансурова О. Бартольд- йирик шарқшунос олим. – Т.: 1969. 27 б.
172. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Т.: 1990. 167 б.
173. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Т.: 2001. 464 б.

Интернет сайтлари:

1. www.academia.edu
2. www.arxiv.uz
3. www.centrasia.ru
4. www.e-adabiyot.uz
5. www.gazeta.uz
6. www.gov.uz
7. www.history.uz
8. www.jahon.mfa.uz

9. www.lex.uz
10. www.natib.uz
11. www.parliament.gov.uz
12. www.scopus.com
13. www.tarix.uz
14. www.tashgiv.uz
15. www.uz24.uz
16. www.zamin.uz
17. www.ziyouz.uz

МУНДАРИЖА



СЎЗ БОШИ.....	3
1-мавзу. Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги фани, унинг мақсади ва вазифалари. Тарихий билимларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.....	5
2-мавзу. Марказий Осиё халқларининг қадимги давр тарихшунослиги.....	21
3-мавзу. VI-XII асрларда Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги.....	58
4-мавзу. Ўзбек халқи этногенези ва этник тарихи тарихшунослиги.....	76
5-мавзу. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги.....	106
6-мавзу. Амир Темур ва Темурийлар даври тарихшунослиги.....	133
7-мавзу. XVI-XIX асрларда Туркистон халқлари тарихшунослиги.....	152
8-мавзу. Россия империяси даврида Марказий Осиё халқлари тарихшунослиги.....	196
9-мавзу. Марказий Осиё халқларининг XX аср тарихшунослиги масалалари.....	227
10-мавзу. Мустақиллик йилларида Марказий Осиёда тарих фани.....	263
Қисқача изоҳли луғат.....	330
Адабиётлар.....	338

СОДЕРЖАНИЕ



ПРЕДИСЛОВИЕ.....	3
Тема 1. Цели и задачи предмета историография народов Центральной Азии. Возникновение и развитие исторических знаний	5
Тема 2. Историография эпохи древности народов Центральной Азии	21
Тема 3. Историография народов Центральной Азии в VI-XII веках....	58
Тема 4. Историография этногенеза и этнической истории узбекского народа.....	76
Тема 5. Историография народов Центральной Азии в эпоху монгольского правления.....	106
Тема 6. Историография эпохи Амира Темура и Темуридов.....	133
Тема 7. Историография народов Туркестана в XVI-XIX веках.....	152
Тема 8. Историография народов Центральной Азии в эпоху Российской империи.....	196
Тема 9. Проблемы историографии народов Центральной Азии в XX веке.....	227
Тема 10. Историческая наука в Центральной Азии в годы независимости.....	263
Глоссарий.....	330
Литература.....	338